

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

---

***А. ВАҲОБОВ, Н. ЖУМАЕВ, У. БУРХАНОВ***

# **ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2003

Т а қ р и з ч и л а р :

Т. С. Маликов — *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси декани, и.ф.д., профессор.*

Н. Х. Ҳайдаров — *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, и.ф.н., доцент.*

**Ваҳобов А. ва бошқ.**

Халқаро молия муносабатлари: Дарслик /Муал.: А.Ваҳобов, Н. Жумаев, У. Бурханов.— Т.: «Шарқ», 2003.— 400 бет.

Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Молия институти.

1.1,2 Муаллифдош.

Дарсликда халқаро молия муносабатларининг предмети, вазифалари ва таркибий тузилиши ўрганилган. Шунингдек унда миллий хўжалик ва халқаро молия муносабатларининг аҳамияти, жаҳон валюта тизими ва унинг ривожланиш босқичлари, валюта бозори, валюта операциялари, валюта сиёсати, мамлакатнинг тўлов баланси, халқаро савдо ва уни молиялаштириш, халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро кредит ва хорижий инвестициялар, халқаро лизинг, суғурта ва солиқ муносабатлари кенг ёритилган.

Халқаро молия муносабатларида қўлланиладиган тушунчаларга таърифлар, статистик маълумотлар жадваллар шаклида келтирилган.

Дарслик барча иқтисодий йўналишда таълим олаётган талабалар, аспирантлар ва мутахассис-амалиётчиларга мўлжалланган.

**ББК65.268я73**

*Олим ва ўрганувчи яхшиликка шерикдир.*

*Ҳадисдан*

## КИРИШ

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши билан ҳўжалик юритишнинг муҳим таркибий қисми бўлган халқаро молия муносабатларининг аҳамияти янада ортмоқда. Халқаро молия муносабатларининг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу муносабатлар ўзида миллий ва жаҳон ҳўжалиги муаммоларини мужассамлаштиради. Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашуви ва байналмилаллашуви натижасида товарлар, хизматлар ва айниқса капитал оқимларининг халқаро даражадаги айланмаси кенгаймоқда. Бу жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида юзага чиқадиган — халқаро молия муносабатларини назарий жиҳатдан чуқур эгаллаш заруратини оширмоқда.

Мазкур дарслик иқтисодий йўналишлар бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, у олий таълимнинг бакалаврият босқичида ўқитилиши режалаштирилган “Халқаро молия муносабатлари” фани ҳамда магистратура босқичида ўқитиладиган “Халқаро молия” фанининг ўқув дастурлари асосида ёзилган. Шунингдек дарсликдан амалиётчи-мутахассислар, илмий тадқиқотчилар, аспирантлар ва ушбу соҳа билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дарслик халқаро молия муносабатлари соҳасидаги мамлакатимизда нашр этилаётган илк китоб бўлиб, у халқаро молия муносабатларининг турли йўналишларини комплекс ҳолда ўзида мужассамлаштирган.

Дарслик халқаро молия муносабатларининг моҳияти ва таркиби, халқаро ҳўжаликнинг миллий иқтисодиётга таъсири, глобаллашув ва ҳудудийлашув тушунчаларини ёритиш билан бошланади.

Халқаро валюта муносабатлари, унинг ривожланиш босқичлари, валюта операциялари ва валюта бозори, валюта сиёсати ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан кенг ёритиб берилди.

Халқаро молия муносабатларининг муҳим таркибий қисми бўлган мамлакат тўлов баланси, унинг таркиби ва Ўзбекистон Республикасида уни тузиш билан боғлиқ тушунча ва таърифлар ифодалаб берилди.

Дарсликда шунингдек халқаро савдо, халқаро ҳисобкитоблар, кредитлар ва инвестициялар, халқаро лизинг муносабатлари, халқаро суғурта ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни солиққа тортиш назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро молия муносабатларига таъсири, миллий иқтисодиётнинг халқаро хўжаликка интеграциялашув жараёни, ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ўқувчига тушунарли тарзда ёритиб берилган.

Дарсликни нашрга тайёрлаш жараёнида нафақат мавжуд миллий ва хорижий адабиётлардан фойдаланилди, балки соҳа мутахассисларнинг ривожланган мамлакатлар университетларида тўплаган амалий тажрибалари ҳам кенг қўлланилди. Шунингдек дарслик интернет тармоғи орқали олинган маълумотлар билан ҳам бойитилди. Натижада дарсликлар таркибини тузишда учрайдиган амалдаги стереотипдан воз кечилиб, уни ўқувчига қизиқарли бўлган амалий маълумотлар алоҳида келтирилган.

Дарсликнинг ҳар бир параграфи сўнгида ўқувчининг билимини мустақамлаш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ўзини ўзи текшириш учун саволлар тузилди.

Дарсликни юқори савияда чиқиши учун ўз маслаҳатлари билан иштирок этган барча иқтисодчи олимларга, ҳамкасбларимизга, шунингдек ушбу дарсликнинг тақризчилари Т.Маликов ва Н.Ҳайдаровларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Мазкур дарслик илк бор нашр қилинмоқда ва унда айрим камчиликларнинг учраши мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда ушбу дарсликда учрайдиган камчиликлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган китобхонларга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз. Бу келгуси нашрларда мазкур дарсликни янада мукамал тарзда ўқувчиларга тақдим этилишига ёрдамлашади.

*Муаллифлар*

## I B O B

# МИЛЛИЙ ХЎЖАЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

### 1.1. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ҲАМДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

XX асрнинг сўнги йилларида собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши, миллий хўжалик алоқаларининг интеграциялашуви билан глобализация жараёнларининг жadalлашуви юз берди. Глобализация натижасида жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланиб бораётган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда. Бу миллий даражадаги ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда технологик тўсиқлар йўқолишига, унинг ўрнига халқаро иқтисодий хўжаликнинг умумий иқтисодий қонуниятлари ва халқаро хўжаликнинг функционал алоқаларини татиқ этилишига олиб келмоқда.

Мамлакатлар ҳаётидаги глобализация — иқтисодий муносабатлардаги товарлар, хизматлар, капитал ҳамда фонд бозорларидаги савдо ва сиёсатга доир тартибларнинг тобора эркинлашуви орқали намоён бўлмоқда. Ташқи савдо алоқалари эркинлаштирилаётган мамлакатлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодий ва молиявий муҳитининг шаклланишига таъсир этган сезиларли ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) 1957 йили Лондонда Британия ҳукуматининг фунт-стерлинг устидан назорат ўрнатишига жавоб тариқасида евродоллар бозорининг юзага келиши;

2) 1958 йилда дастлаб, “Умумий бозор” деб аталган Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги (ЕИХ) — ҳозирги Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташкил топиши;

3) Америка корпорациялари хорижий фаолиятларини кенгайтиришга интилиши (1950 йиллардан бошлаб). Жаҳон бозорида Европа ва Япония корпорациялари фаолиятининг сезиларли ўсиши, халқаро май-

донда Америка корпорациялари билан ушбу мамлакатлар ўртасида рақобатнинг кучайиши;

4) Ўтган асрнинг 60-йилларида Япония иқтисодиётини тез суръатлар билан ўсиши, Узоқ Шарқ бизнес фаолиятида янги имкониятларнинг ортиши;

5) 1971—1973 йилларда Бреттонвуд тизимини қулашига олиб келган жаҳон молия инқирозлари, валютанинг белгиланган курси тизимидан сузувчи валюта курсларига ўтиш;

6) 1971—1979 йиллардаги биринчи ва иккинчи нефть инқирозлари жаҳон иқтисодий тизимига босим ўтказиши. Ушбу саналарда нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) нефть нархини сезиларли даражада ошириши;

7) Ривожланаётган мамлакатларнинг 1982 йилда ташқи қарзларга хизмат кўрсатиши билан боғлиқ жаҳон қарздорлик инқирозининг бошланиши;

8) 1980 йилларда Япониянинг халқаро молиявий куч ва жаҳон капиталининг манбаси сифатида етакчи мамлакатга айланиши;

9) 1987 йилда етти мамлакатнинг (“Катта еттилик”) Парижда Лувр битимини имзолаши. Улар ўз валюта курсларининг долларга нисбатан тор тебраниш доирасида сунъий равишда алмаштириш орқали кучсизланиб бораётган долларни қўллаб-қувватлашни режалаштирдилар. Шунингдек ушбу мамлакатлар келишилган иқтисодий сиёсат юритишни мўлжалладилар;

10) 1987 йилда ЕИҲ ягона Европа актини қабул қилиш орқали 1992 йилда яхлит Европа бозорини ташкил қилишни режалаштирилиши. Бунда мазкур ташкилотнинг Фарбий Европа молиявий ва иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир этиши кутилди;

11) 1989-1992 йилларда Шарқий Европа мамлакатлари ўз сиёсий йўналишларини ўзгартириши. Уларнинг коммунистик дунёқарашдан кўп партиявийликка, марказдан режалаштириладиган иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиши жаҳондаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ҳолатга чуқур таъсир этди;

12) 1992 йилдан кейин яхлит Европа бозорининг юзага келиши, 1993 йил ноябрь ойдан эркин савдо бўйича Шимолий Америка битимининг кучга кίриши, 1993 йилда Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги конференцияси ва бошқа жараёнлар ўтган асрнинг 90-йилларида ҳудудий ривожланишни жадаллаштирди.

XXI аср бўсағасида жаҳон иқтисодиётида тўртта асосий таркибий анъана кузатилди.

*Биринчидан*, хом ашё экспортга асосланган ҳамда саноати ривожланган мамлакатлар ўртасидаги муносабатлардаги ўзгаришлар. Хом ашё етказиб берувчи мамлакатлар ва саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида анъанавий иқтисодий алоқалар мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатлар модели қуйидагича эди: хом ашё етказиб берувчи мамлакатлар, хом ашёни экспорт қилиб, олинган валюта тушумларидан саноат маҳсулотлари импортини молиялаштирганлар.

Ўтган асрнинг 70-йилларида “Рим клуби” номи билан машҳур Фарбий Европа олимлари “дунё миқёсида тез орада табиий ресурсларнинг глобал тақчиллиги юзга келади” деб башорат қилган эдилар.

Ушбу мулоҳазаларга асосланиб кўпгина хом ашё етказиб берувчи мамлакатлар хом ашё сотиш эвазига валюта тушумини ошириш мақсадида картелларга бирлашдилар. Аммо саноат технологияси ва қишлоқ хўжалик соҳасининг кескин ривожланиши хом ашёга бўлган талабнинг қисқаришига таъсир кўрсатди ва натижада хом ашё баҳосининг пасайиши юз берди.

*Иккинчидан*, саноати ривожланган мамлакатларда қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан, билим ва малакага асосланган ишлаб чиқаришга ўтилди.

Жаҳон иқтисодий тузилмасидаги ушбу ўзгаришлар натижасида бандлик таркибида юқори малака талаб қилувчи мутахассисларга эҳтиёж ортиб, нисбатан паст малакали мутахассисларга талаб пасайиб борди. Ахборот алмашувининг осонлиги — тадбиркорлик фаолиятини, кичик бизнес ва шахсий ташаббусни рағбатлантирди.

Илмий-техника прогресси ютуқларидан фойдаланиш, билимни ва юқори малакани талаб қилди, шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни ошириш учун инсон капиталига инвестиция қилиш муҳимлиги ортди.

*Учинчидан*, жаҳон савдосида халқаро капитал ҳаракатининг сезиларли даражада ортиши. Ушбу ўзгариш халқаро савдога нисбатан халқаро капитал ҳаракатининг тез суръатда ўсиши билан юз берди. Халқаро молия статистикасининг маълумотларига кўра, жаҳон экспорти ҳажми 1981 йилдаги 2000 млрд. АҚШ долларидан 1991 йилда 3447 млрд. АҚШ доллари да-

ражасигача ўсган. Шу вақт оралигида халқаро облигациялар эмиссияси 23 млрд.дан 342 млрд. АҚШ долларига ўсди. Бундан ташқари, учта етакчи халқаро молия бозорларида кўплаб хорижий валюталар айланмаси сезиларли даражада ўсди. 1986 йилдан 1992 йилгача Лондонда хорижий валютанинг кунлик ўртача айланмаси 90 млрд.дан 303 млрд. АҚШ долларигача ортди. Шу даврда Нью-Йоркдаги кунлик айланма 50 млрд.дан 192 млрд.га, Токиода 48 млрд.дан 128 млрд. АҚШ долларига ортган.

*Туртинчидан*, трансмиллий корпорациялар(ТМК)-нинг қўшма корхоналарни ташкил этиш учун халқаро инвестициялари ва ҳамкорлик битимларида диверсификация даражасининг ортиши.

Бунда асосий ўзгариш сифатида ТМКлар ва уларнинг турли мамлакатларда қўшма корхоналари сонининг ўсиб боришини кўрсатиш мумкин.

ТМКлар ўзларининг ташкилий, ишлаб чиқариш ва маркетинг тизимларини чет мамлакатлар ҳудудларига ёйиб, шу йўл билан товар, хизмат, капитал ва технологияларини ишлаб чиқаришга жалб этиб, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларга таъсир этди. Қўшма корхоналар халқаро бизнес интеграциясининг кенг тарқалган шаклига айланди.

Шунингдек жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёнларида халқаро ташкилотлар ролини алоҳида эътироф этиш зарур.

Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва шу каби халқаро институтлар ҳамда етакчи мамлакатлар бошлиқлари ва молия вазирларининг ҳар йили бўлиб ўтадиган учрашувларининг халқаро муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Технологиялар бўйича, атроф-муҳитни асраш, молия институтларининг фаолияти, бухгалтерия ҳисоботлари, миллий статистика (миллий ҳисоблар тизими) ва бошқаларга ягона андозаларни қўллаш кенгаймоқда. Ушбу андозалар таълим ва маданий соҳаларга ёйилмоқда.

Халқаро ташкилотлар орқали макроиқтисодий сиёсатнинг ягона мезонлари татбиқ этилмоқда. Валюта-кредит, солиқ, ташқи иқтисодий сиёсат, бандлик со-



ҳаси бўйича қўйиладиган талабларнинг бир хиллашуви юз бермоқда, халқаро рақобат қоидалари ишлаб чиқилмоқда.

Бу жараёнлар қанчалик жадал суръатларда амалга оширилмасин, замонавий жаҳон иқтисодиёти тўла глобал ҳолатда фаолият юритаётгани йўқ, балки у энди глобаллашув жараёнларининг дастлабки босқичларини бошдан кечирмоқда.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Баъзи миллий бозорларнинг очик, баъзиларининг қаттиқ тартибга солинадиган бўлган ҳозирги ҳолати билан, глобаллашувнинг асосий тамойилларидан бўлган эркинлашув, бир-бирига номувофиқ бўлган кўринишни ҳосил қилмоқда.

Халқаро товарлар, хизматлар ва капиталлар алмашинувининг эркинлашиш анъанаси кенгаяётган бир пайтда, ҳар бир давлат экспорт ва импортни тартибга солишнинг маълум усулларини сақлаб қолмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади — таркибий қайта қуриш ва инқироз даврининг қийинчиликларини енгиб ўтиш, миллий хавфсизликни таъминлаш — такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминловчи (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) ва мамлакат муҳофаа қобилияти каби стратегик соҳаларни молиявий таъминлаш, савдо шериклардан муносиб имтиёзлар олиш, шунингдек бюджет тушумларини оширишдан иборат бўлмоқда. Амалдаги бундай *протекционизм* фискал муаммоларни ҳал этишдан кўра, кўпроқ таркибий сиёсат ўтказиш воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда нафақат эркин савдо ғояси (эркинлашув) билан протекционизм ўртасида қарама-қаршилик юзага чиқмоқда, балки миллий хўжаликни жаҳон хўжалигига кириш самарасини максимал тарзда таъминлаш мақсадида хўжаликни тартибга солишнинг юқоридаги икки усулининг оптимал аралашмасидан фойдаланилмоқда. Бундай аралашманинг шакл ва нисбатлари, маълум вақтдаги прагматик манфаатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда глобализация билан бирга интеграция жараёнларининг яна бир шакли — маълум географик жойлашувга асосланган ҳудудий интеграция (ҳудудийлашув) юз бермоқда.

Ўсиб боровчи глобаллашув, ҳудудийлашув, иқти-

содиётнинг трансмиллийлашуви ва интеграция натижасида эски — давлатлараро тартибга солиш механизми тубдан ўзгарди. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар иккиёқлама муносабатлар чегарасидан чиқиб, кўпёқлама тус олмоқда.

Аммо “*миллий хўжалик мажмуи*”, “*мамлакатнинг миллий иқтисодий манфаатлари*” тушунчалари ўз маъносини сақлаб қолмоқда. Миллий хўжалик ҳамон ишлаб чиқариш, алмашув, тақсимот ва истеъмол, шунингдек иқтисодий фаолиятнинг асосий марказидир.

Ҳар бир давлатнинг йиллар давомида шаклланган ўз тарихий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланиш хусусиятлари мавжуд бўлиб, бошқа мамлакатларнинг тажрибаларини кўр-кўрона кўчириб олиш, ёки халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этиладиган, иқтисодий ривожланишнинг ҳамма учун умумий рецептларини қўллаш, самарасиз ва иқтисодий вазиятни издан чиқариши мумкин.

Жаҳон хўжалигига киришда илғор мамлакатларнинг бой тажрибаларига таҳлилий ёндошиш ва ушбу тажрибаларни миллий хусусиятлар билан энг оптимал тарзда уйғунлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг мустақил ташқи иқтисодий сиёсатини олиб бориш имконияти юзага чиқди. Республиканинг ташқи иқтисодий сиёсати халқаро молиявий муносабатларда мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳолда амалга оширилади ва у қуйидаги тамойилларга асосланади:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи муносабатларда ошкоралик;
- тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- ўзнинг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- республика бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги тамойилига тўла амал қилиш;
- тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;
- умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш.

Ташқи иқтисодий соҳа тармоқлари мажмуини вужудга келтирмасдан туриб, молия, банк-кредит ташкилотлари, божхона хизмати ишини халқаро меъёрлар ва талаблар даражасида йўлга қўймасдан, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур этиб бўлмайди.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидаги йўналишлар устувор ҳисобланади:

*биринчидан*, республиканинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш;

*иккинчидан*, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорига кириб бориш учун, аввало қимматбаҳо хом ашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш;

*учинчидан*, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда ўз маҳсулотларини чет элларда сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш;

*тўртинчидан*, хорижий сармояларни республика иқтисодиётига кенг қўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шароитларни яратиш;

*бешинчидан*, халқаро молиявий муносабатларнинг таркибий мажмуини вужудга келтириш;

*олтинчидан*, халқаро ҳуқуқ ва халқаро молиявий муносабатлар соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш.

Интеграция муносабатлари, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланади. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда — дунё миқёсида ва минтақа кўламида интеграция жараёнларига қатнашсада, аммо бир муҳим қоидага амал қилади, яъни бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос равишда жаҳон ҳамжамиятига киришиши мумкинлигига асосланади.

Мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ўрнатган тақдирдагина, яъни халқаро меҳнат тақсимо-тида ўзининг муносиб ўрнини топганда, минтақа ва бутун дунё хавфсизлик тизимларини барпо этишда фаол иштирок этгандагина уни иқтисодий жиҳатдан ривож-лантиришнинг янги сифат босқичга олиб чиқиш им-кониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси ривожланиш ва тараққи-ёт йўлига қадам қўйиб, иқтисодий ҳамкорлик соҳаси-даги кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сафига кириб келмоқда. Қисқа вақт оралиғида республика ХВФ, Жаҳон банки, ХМТ, Жа-ҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Осиё ва Тинч океани ижтимоий-иқтисодий комиссияси (ОТИ-ИК), ЕТТБ, Халқаро Молия корпорацияси (ХМК), Ҳамдўстликнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти (ҲМИТ) ва шу каби қатор халқаро молиявий ташки-лотларга қабул қилинди.

Жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида сўз борганда, БМТ фаолиятида Ўзбекистоннинг иштиро-ки эътиборга лойиқ ҳодиса. Фақат БМТгина хавфсиз-ликни сақлаш ва таъминлашга қаратилган дипломатия-дан то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларга эга.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг стра-тегик мақсади — давлатларнинг турли минтақавий бир-лашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар: ЕИ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Шимолий Атлантика блоки (НАТО), Қўшил-маслик Ҳаракати ва бошқалар билан самарали ҳам-корлик қилмоқда.

1996 йилнинг июль ойида Флоренцияда Ўзбекис-тон билан ЕИ Кенгаши ўртасида шерикчилик ва ҳам-корлик тўғрисида битим имзоланди. Имзоланган ушбу битим Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим ҳисса бўлиб, бу шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий соҳалар-ни ва сиёсий соҳаларни қамраб олади.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонда мил-лий валютани мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фао-лиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-қув-ватлаш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва кор-хоналар даражасидаги ислоҳотларни амалга ошириш

учун тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Ҳозирги замон иқтисодий глобализацияси қандай кўринишларда намоён бўлмоқда?
2. Жаҳон хўжалигининг қандай асосий қуйи тизимлари мавжуд?
3. Халқаро молия муносабатларини тартибга солишда қайси ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда?
4. ТМКларнинг жаҳон хўжалигидаги ўрни қандай?
5. Эркин савдо ғояси нима?
6. Протекционизм ғоясининг асл моҳияти қандай ва у нималарга асосланади?
7. Жаҳон интеграция жараёнларида ҳудудий интеграциянинг ўрни қандай?
8. Ўзбекистон Республикаси халқаро молия муносабатларида қандай тамойилларга асосланади?
9. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқалардаги устувор йўналишларини кўрсатинг.
10. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда қандай халқаро ташкилотларга аъзо?

<b>ТМКлар ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ?</b>		
	ТМКларнинг муҳим тавсифи	Бозорлар ривожланмаганлигидан ТМКлар қандай фойдаланади?
1.	Миллий иқтисодиётлар ўртасидаги фарқлардан фойдаланиш.	<p>а) АҚШ фирмалари техникалар йиғишда хорижий арзон ишчи кучларидан фойдаланади.</p> <p>б) ТМКлар евробозорлардаги паст фоизли қарзлардан фойда олади.</p>
2.	Барча бўлинмалар тизим олдидаги умумий мақсадлар учун фаолият юритади.	<p>а) Харажатларни минималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш.</p> <p>б) Солиқларни минималлаштириш мақсадида фойдани филиаллар ўртасида тақсимлаш.</p> <p>в) Умумий валюта рискинни пасайтириш мақсадида очиқ валюта позицияларининг филиаллар ўртасида тақсимланиши.</p>

3.	<p>Фирма ўз устун жиҳатлари бўйича халқаро миқёсда ихтисослашиши.</p>	<p>а) Фирманинг мулки ҳисоб-ланадиган ишлаб чиқариш ахборотидан, энг яхши маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиш.</p> <p>б) Транспорт ускуналари ишлаб чиқарувчи компания турли давлатлардаги ўзи филиалларида ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланади.</p> <p>в) Нефть-кимё фирмалар ишлаб чиқариши яхшилангана технологик асосларни яратишда энг устувор технологиялардан фойдаланади.</p>
----	---	--

## 1.2. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий алоқалар мажмуасининг миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатиши муайян миқдор ва сифат кўрсаткичларида баҳоланади.

Энг аввало республиканинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки ва уларга жалб этилишининг қандай эканлигини билиш муҳимдир. Бу экспортнинг ЯИМга нисбати билан белгиланади ҳамда у мамлакатнинг экспорт квотаси деб аталади. У қанча юқори бўлса, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларга шу қадар юқори даражада жалб этилган бўлади. Масалан, АҚШнинг экспорт квотаси 10-15 фоизга, Германия, Франция, Италия, Англияда 25-30 фоиз, Японияда 18 фоиз атрофида. Ўзбекистонда экспортнинг ЯИМдаги улуши 10-12 фоизни ташкил этмоқда.

Бироқ, ушбу кўрсаткич халқаро иқтисодий муносабатларнинг сифат тузилишини кўрсатмайди. Шу сабабли мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги иштирокини акс эттирувчи яна бир кўрсаткич — экспортнинг мамлакат саноат ишлаб чиқаришига нисбатидан фойдаланилади. Ривожланган мамлакатлар учун мазкур кўрсаткич тахминан 40-50 фоизга тенг. Бу эса ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ярми ташқи бозорга олиб чиқиб кетилишини англатади. Мамлакат-

нинг ташқи иқтисодий муносабатларга жалб этилганлигининг яна бир кўрсаткичи — экспортнинг эластиклиги (экспорт ва ЯММ ўсиш суръатларининг нисбати) билан ҳам белгиланади. Эластикликнинг бирликдан юқори бўлиши мамлакатнинг халқаро иқтисодий операцияларда шунча кўп иштирок этишини англатади. Ташқи иқтисодий алоқалардан келадиган самара жуда кўп миқдордаги экспорт, импорт, кредит ва бошқа операциялар, шунингдек техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича барча иштирокчиларнинг бу соҳадаги фаолияти натижаларидан таркиб топади.

Ҳозирги босқичда ҳар қандай давлатнинг тез суръатларда ривожланишини хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб таъминлаб бўлмайди. Ташқи иқтисодий муносабатлар ҳам янги сифатларга эга бўлиб бормоқда: икки мамлакатнинг хўжалик вакиллари ўртасида савдо ва хизмат кўрсатишдан ташқари, алоҳида ишлаб чиқариш, молия ва савдо-молия алоқалари ҳам ривожланмоқда. Бевосита чет эл инвестицияларининг ўсиб бориши, шунингдек социалистик тизимнинг парчаланиши ва бир қанча янги мамлакатларнинг жаҳон бозорларига қўшилиши, сармоя жалб қилувчи мамлакатлар учун янги муҳим жараёнларни келтириб чиқаради. Бу жараёнларга қуйидагилар кирали:

**Трансмиллий корпорациялар (ТМК) ўртасида рақобат кураши.** Ташқи иқтисодий алоқаларнинг тобора байналмилаллашуви ва эркинлашуви миллий компанияларнинг “бандаргоҳида” хавфсизликда яшашга тобора камроқ имкониятлар қолдирмоқда. Миллий компанияларни истеъмолчи ва маҳсулот сотиш бозорлари учун ТМК билан рақобат қилишга мажбур этмоқда. Натижада ТМКлар янада “сезиларли” даражада маҳсулотни арзонлаштирмоқда ва унинг сифатини яхшилаш сари бормоқда. Мазкур тамойил ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларнинг (тегишли шароитлар мавжуд бўлганда) юқорида тилга олинган жараёнга ўзининг илмий ва интеллектуал қувватини жалб этиш имкониятларини оширади.

**Мамлакатлар ўртасида инвестициялар учун рақобат кураши.** ТМКлар томонидан ажратилган инвестициялар ҳажми ўсиш суръатларининг асосий сабабларидан бири— уларнинг ўзи билан маблағ, менежмент, наухау каби яққол ажралиб турадиган ва сезилмайдиган жуда кўп активлар, шунингдек жаҳон бозорларида иш-

лаш тажрибаларини ва кўникмаларни олиб кириши билан изоҳланади. Натижада кейинги йилларда нафақат ривожланаётган мамлакатларнинг, балки ривожланган мамлакат ҳукуматларининг ҳам инвесторлар учун қулай муҳитни шакллантиришга интилиши ортмоқда. Ушбу биринчи навбатда ҳуқуқий соҳага тегишли бўлиб, биргина 1991 йилдан 1994 йилгача бўлган вақт оралигида, дунёда чет эл инвестициялари бўйича мавжуд қонун ҳужжатларига 373 та ўзгартиришлар киритилган. Улардан 368 таси қонунчиликни эркинлаштиришга бағишланган. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш бўйича 900 дан ортиқ икки томонлама битимлар тузилган.

Хорижий сармоядорлар, потенциал инвесторлар биринчи навбатда фойда олишдан манфаатдор, аммо инвестициялар билан боғлиқ рисклар уларни жиддий хавотирга солади. Инвесторларни ўзига тортадиган асосий омиллар: ривожланган инфратузилма, ишончли ва малакали меҳнат ресурслари, даромад ва капитални чет элга ўтказиш, ҳуқуқий кафолатлар, шунингдек ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кабилардан иборат.

Бугунги кунда бевосита инвестиция оқими фойда олишнинг янги имкониятларига чаққон юз тутуди ва шунинг учун ҳам, у ишлаб чиқариш, иш ҳақи потенциал меҳнат унумдорлигига нисбатан паст бўлган жойларга кўчмоқда.

Мамлакатга чет эл маблағларини ТМКлар кучоқ очиб фойдаланишга тайёр турган ички бозордаги ҳомийлик ҳисобига эмас, балки оқилона иқтисодий тамойиллар асосида жалб этиш муҳимдир.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда иштирок этиш даражаси қандай аниқланади?
2. Экспортнинг эластиклиги нима?
3. Чет эл инвестицияларининг ўсиб бориши ва янги мамлакатларнинг жаҳон бозорларига қўшилиши қандай жараёнлар кучайишига таъсир кўрсатди?
4. Жаҳон ҳўжалигига қўшилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси олдига қандай вазифалар қўйилган?
5. Мамлакатимизни жаҳон ҳўжалигига қўшилишида мавжуд ижобий ва салбий омилларни санаб, уларни изоҳланг.



**Дунёнинг энг йирик саноат корпорациялари  
(1993 й.)**

ўрин	корпорация номланиши	мамлакат	сотиш ҳажми, млн. долл.	ҳиссадор- лик капитали, млн. долл.	ишлов- чилар сони, киши
1	Дженерал Моторс (General Motors)	АҚШ	133621,9	5597,5	710800
2	Форд Мотор (Ford Motor)	АҚШ	108521,0	15574,0	322200
3	Экссон (Ехсон)	АҚШ	97825,0	34792,0	91000
4	Роял дач/шел груп (Royal Dutch (Shell))	Буюк Британия	95134,4	51505,6	117000
5	Тойота Мотор (Toyota Motor)	Нидерланд- дия	85283,2	44593,1	109279
6	Хитачи (Hitachi)	Япония	68581,8	28898,1	330637
7	Ингл. Бизнес Машинс (Intl Business Machines)	АҚШ	62716,0	19738,0	267196
8	Мацүшита Электрик Индустриал (Matsushita Electric Industrial)	Япония	61384,5	32118,6	254059
9	Дженерал Электрик (General Electric)	АҚШ	60823,0	25824,0	222000
10	Даймлер-бенц (Daimler-Benz)	Германия	59102,0	10108,7	366736
11	Мобил (Mobil)	АҚШ	56576,0	16474,0	61900
12	Ниссан Мотор	Япония	53759,8	15427,7	143310
13	Бритиш Петролеум (British Petroleum)	Буюк Британия	52485,4	14403,1	72600

14	Самсунг (Samsung)	Жанубий Корея	51345,2	2773,2	191303
15	Филип Моррис (Philip Morris)	АҚШ	50621,0	11627,0	173000
16	АйААй (IRI)	Италия	50488,0	—	366471
17	Сименс (Siemens)	Германия	50381,3	11700,7	391000
18	Фолксваген (Volkswagen)	Германия	46311,9	6474,8	251643
19	Крайслер (Chrysler)	АҚШ	43600,0	6836,0	128000
20	Тошиба	Япония	42917,2	10915,3	175000
21	Юниливер (Unilever)	Буюк Британия	41842,6	6948,9	302000
22	Нестле (Nestle)	Нидерланд- дия	38894,5	10524,2	209755
23	Эльф Актиэн (El Aquitaine)	Франция	37016,3	14206,5	94000
24	Хонда Мотор (Honda Motor)	Япония	35797,9	9446,7	91300
25	И ан ай (ENI)	Италия	34791,3	9453,3	106391
26	Фиат (Fiat)	Италия	34706,7	10660,8	260351
27	Сони (Sony)	Япония	34602,5	12984,0	130000
28	Тексако (Техасо)	АҚШ	34359,0	10279,0	32514
29	Эн И Си (NEC)	Япония	33175,9	7637,3	147910
30	Эй Дюпон де Нимур (El Du Ponf De Nemours)	АҚШ	32621,0	11230,0	114000
31	Чеверон (Cheveron)	АҚШ	32123,0	13997,0	47576
32	Филипс Электроникс (Philips Electronics)	Нидерланд- дия	31665,5	5879,7	238500
33	Дэу (Daewoo)	Жанубий Корея	30893,4	7367,6	76986
34	Проктер энд Гэмбэл (Procter & Gamble)	АҚШ	30433,0	7441,0	103500
35	Рено (Renault)	Франция	299748	5723,4	139733
36	Фуджитсу (Fujitsu)	Япония	29093,9	10331,1	163990

37	Мицубиси электрик (Mitsubishi Electric)	Япония	28779,8	7909,1	111053
38	Абб Эси Браун Бовери (Abb Asea Brown Boven)	Швейцария	28315,0	3528,0	206490
39	Хоест (Hoechst)	Германия	27844,8	6418,5	170161
40	Алькател Альстом (Alcatel Alsthom)	Франция	27599,4	10142,9	196500
41	Мицубиси Моторз (Mitsubishi Motors)	Япония	27310,9	3989,1	46000
42	Пемекс (PEMEX) (Petroleos Mexicanos)	Мексика	26572,9	34710,9	106951
43	Мицубиси Хеви Индастрис (Mitsubishi Heavy Industries)	Япония	25804,0	10929,1	68057
44	Пежо (Peugeot)	Франция	25669,1	8537,3	143700
45	Ниппон Стел (Nippon Steel)	Япония	25480,5	9491,0	50458
46	Амоко (Amaco)	АҚШ	25336,0	13665,0	46317
47	Боинг (Boeing)	АҚШ	25285,0	8983,0	134400
48	Пепсико (Pepsico)	АҚШ	25020,7	6338,7	423000
49	Байер (Bayer)	Германия	24797,1	10164,4	151900
50	Басф (BASF)	Германия	24531,9	8449,2	112020

### 1.3. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ТУТГАН ҲУРИ

Давлатлараро ҳар томонлама ҳамкорликнинг бир кўриниши сифатида халқаро ташкилотлар ва фондлар юзага чиқмоқда. Улар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда умумий тусдаги мақсадларга эришиш учун давлатлар, миллий институтлар, нодавлат ассоциацияларини бирлаштиради. Халқаро ташкилотлар ўз фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш учун ўз фондларини ташкил этадилар.

Давлатлараро келишувлар асосида иштирокчи давлатларнинг ягона молия ва кредит сиёсатларини амалга ошириш учун пул маблағларининг давлатлараро мақсадли фондлари тузилади. Давлатлараро фондлар (ташкilotлар) даромадларини шакллантириш усуллари ва молиялаштириш тусига кўра бир қанча турларга бўлинади.

*Биринчи турга* молия-кредит ташкилотларининг давлатлараро ва халқаро фондлари киради. Улар низом капиталида иштирок этувчиларга мақсадли кредитлар ажратадилар ва мақсадли фондларни ташкил этадилар. Бу ташкилотлар фаолияти давомида олган даромадларидан улушига кўра дивиденд тўлайдилар ҳамда турли мақсадлар учун захира фондларини шакллантирадилар. Мазкур ташкилотлар жумласига Халқаро Инвестция банкни (ХИБ), Иқтисодий Ҳамкорлик Халқаро банкни (ИҲХБ), ЕТГБ, ХВФни киритиш мумкин.

Халқаро банклар ва фондларнинг низом капитали шаклланишида, олинган даромадларни тақсимлаб, турли фондларни ташкил этиш кабиларда молиянинг ролини кўриш мумкин.

Миллий ва халқаро молия-кредит институтларининг маблағлари, халқаро иштирокчи-ташкilotлар фонди, манфаатдор мамлакатларнинг валюта фондлари ва бюджет маблағлари тўланадиган бадалларнинг манбаси ҳисобланади.

ЕИИда ҳам қатор давлатлараро фондлар ташкил этилган, жумладан, ЕИининг бюджети, Европа Тараққиёт фонди, Европа Валюта Ҳамкорлик фонди ва бошқалар.

*Иккинчи тур* ташкилотлар иштирокчиларнинг ҳар

йиллик бадаллари эвазига бюджетлари ташкил этилади.

Бундай ташкилотларга маълум соҳалардаги миллий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи халқаро ва умумжаҳон институтлари киради. Уларга: БМТ, Халқаро вақт бюроси, Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик, Денгиз йўлдош алоқаси бўйича халқаро ташкилот, Илмий хизматчиларнинг умумжаҳон федерацияси ва бошқаларни киритиш мумкин.

*Учинчи тур* халқаро ташкилотларга вақтинчалик тусга эга бўлган илмий дастурлар ва конгрессларни киритиш мумкин. Уларни молиялаштириш қатнашувчи иштирокчилар томонидан амалга оширилади. Масалан, Халқаро биология дастури (1964—1974 йй.), Халқаро геодинамик лойиҳа (1971—1980 йй.), Халқаро осойишта қуёш йили (1964—1965 йй.), 1957 йилдан бошлаб ҳар икки-уч йилда чақириладиган Халқаро тоғ конгресси ва бошқалар. Ушбу ташкилотлар турли мамлакат олимлари билан яхлит илмий тадқиқотлар олиб боради.

*Тўртинчи тур* халқаро ташкилотлар — халқаро илмий лабораториялар, институтлар, иттифоқлар, яхлит ва соҳалар ассоциациялари, маълум илмий соҳалар бўйича бюролар. Улар мамлакатларни, миллий илмий ташкилотларни, ассоциацияларни, илмий тадқиқотлар билан шуғулланаётган алоҳида олимларни бирлаштиради ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради. Ушбу ташкилотлар йиллик улушли бадаллар, конференцияларда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари, даврий илмий нашрлардан даромадлар ҳисобидан ташкил этиладиган бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладилар. Мазкур ташкилотларга мисол қилиб, миллий ва қўшма дастурлар бўйича ишлайдиган Кучли магнит майдонлари ва паст ҳарорат бўйича халқаро фонд, Халқаро математик марказ ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

*Бешинчи тур* халқаро ташкилотлар фаолиятининг маълум соҳаларига кўмаклашиш ва тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни йиғиш билан шуғулланадилар. Масалан, Ёввойи табиат халқаро фонди — давлат, жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслардан ёввойи ҳайвонлар ва табиатни қўриқлаш учун маблағларни йиғувчи нодавлат ташкилотдир. Ушбу таш-

килот бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда маълум тадбирларни молиялаштиради. Фонд ўзининг нашрига эга бўлиб, уни сотишдан олинadиган даромадлар фонд бюджетининг даромад манбаларидан бири ҳисобланади. “Олимпия бирдамлиги” фонди ривожланаётган мамлакатларнинг миллий олимпия қўмиталарига молиявий ёрдам кўрсатиш учун тузилган. Мазкур фонд миллий олимпия қўмиталарининг бадаллари, хусусий компания, фирмалар ва хусусий шахсларнинг хайриялари, Халқаро олимпия қўмитасининг инвестицион ва нашриётчилик фаолияти натижасида олинган даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Фондга олимпия ўйинларини телевизион ёритишдан олинган даромадларнинг 1/3 келиб тушади (маълумки, олимпия ўйинларини телевизион ёритишдан олинган даромадлар мос равишда Халқаро олимпия қўмитаси, “Олимпия бирдамлиги” фонди ва олимпия спорт турлари бўйича Халқаро федерация ўртасида тақсимланади). Фонднинг бюджети ҳар йили тасдиқланади. Асосий тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳудудларга йўналтириладиган маблағлар харажатларнинг 75-85 фоизини ташкил этади. Ушбу тадбирларга: йиғинлар ўтказиш, ҳакамлар мажлисини ўтказиш, спорт буюмларини сотиб олиш, миллий олимпия қўмиталарига молиявий ёрдамлар кўрсатиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Бошқа маблағлар нашриётчилик фаолиятига ва жорий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Юқорида кўриб ўтилган фондларни таркибий тузилиши, мақсади, вазифаларини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида *биринчи тур фондлар* — молия-кредит ташкилотларига мансуб ХВФ ҳақида маълумотлар келтирилади.

**ХВФнинг мақсади, ташкил этилиши ва фаолият йўналиши.** ХВФ — бу БМТнинг махсус ташкилоти. У 1977 йилда Бреттон-Вудсаги валюта-молия масалалари бўйича бўлиб ўтган БМТ конференциясида ташкил топган ва 1945 йилнинг 27 декабрида ушбу келишув кучга кирган. Амалда у ўз фаолиятини 1946 йилдан бошлади. Бреттонвуд келишувига мувофиқ, ХВФнинг вазифаси унга аъзо бўлган мамлакатларнинг олтин ва АҚШ долларларида ифодаланган валюта захираларини тартибга солиш ҳамда аъзо-мамлакатларнинг валюта паритетларининг барқарорлигини таъминлашдан иборат эди.

Ушбу келишувга кўра аъзо-мамлакатлар ўз валюталарини белгиланган курслар асосида халқаро жорий операциялар бўйича алмашинувларини таъминлашлари шарт эди. Шунингдек мазкур мамлакатлар валюта операцияларини чегаралаш бўйича мавжуд тўсиқларни бекор қилишлари керак эди (амалда 181 мамлакатдан атиги 60 мамлакат ушбу талабни бажарган).

**ХВФнинг низом фонди** аъзо мамлакатларга ўрнатиладиган квоталар асосида тўланадиган бадаллардан ташкил этилади.

**Квоталар** ҳар бир аъзо-мамлакатнинг молиявий бадал ҳажмини аниқлаш; пропорционал равишда ХВФ кредитлари ҳажмини аниқлаш; овозлар сонини аниқлаш учун хизмат қилади.

*Квоталар ҳажми мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва унинг жаҳон иқтисодиёти ҳамда халқаро савдодаги ролига боғлиқ бўлади.*

Квота ЯИМ, импорт ва экспорт ҳажми, олтин-валюта захиралари ҳажми кўрсаткичлари асосида ҳисобланади.

Квоталар ҳажми ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади.

Квоталар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ХВФ бошқарув органларида овозлар мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Ҳар бир мамлакат 250 та овозга эга ва ҳар бир кўшимча 100000 СДР учун 1 та овоз кўшиб берилади. Ҳозирда бошқарув органида овозларнинг энг кўпи АҚШга тегишли —17,7 фоиз.

Бугунги кунда **ХВФнинг асосий мақсади** қуйидагилардан иборат:

- валюта сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;
- валюта сиёсати соҳасида баланслашган ривожланишда ҳамкорлик қилиш;
- юқори бандлик даражаси ҳамда реал даромадларни таъминлаш ва рағбатлантириш, барча-аъзо мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини асосини ташкил этувчи, ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантириш учун жаҳон савдосининг баланслашган ўсишини барқарорлаштириш;
- валюта барқарорлигини таъминлаш ва аъзо-мамлакатлар ўртасида валюта муносабатларини соддалаштириш, шунингдек рақобат муҳитини шакллантириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда валюта девальвациясини олдини олиш;

- кўп тармоқли тўлов тизимларини ташкил этишда иштирок, шунингдек валютани ўтказиш билан боғлиқ чекловларни бекор қилиш;

- аъзо-мамлакатлар тўлов баланслари тақчиллигини йўқотиш учун маблағлар бериш.

Олдига қуйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ХВФ ўз функция ва тамойилларини ишлаб чиққан.

#### **ХВФ тамойиллари:**

- тартибга солишдан четга чиқиш мақсадида халқаро валюта тизими ёки валюта курси манипуляциясини тақиқлаш;

- валюта инқирозларига барҳам бериш мақсадида валюта бозорларида интервенцияни амалга ошириш мажбурияти;

#### **ХВФнинг функциялари:**

- кодексда келишилган муносабатларга амал қилиш халқаро валюта сиёсати ва давлатлараро тўловлар айланмаси соҳаларида ҳамкорлик;

- тўлов баланси тақчиллигини енгиб ўтиш учун молиявий ёрдам;

- маслаҳат ва ҳамкорлик.

Ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида ХВФ ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютада кредитлар ёки аъзо-мамлакат тўлов балансини тенглаштириш мақсадида СДР тақдим этади.

Молиявий операциялар фақатгина аъзо-мамлакатнинг расмий органлари: хазиначилик, марказий банк, валютани барқарорлаштирувчи фондлар билан бирга амалга оширилади. ХВФ ресурсларини олишни тартибга солувчи қоидалар барча аъзо-мамлакатлар учун бир хил. Жорий операциялар бўйича хорижий валютага эҳтиёж сезган мамлакат, кредитнинг зарурлигини исботлаши шарт. Бундай кредитларнинг ҳажмлари қуйидаги шартлар орқали тартибга солинади: қарздор мамлакатнинг миллий валютаси унинг квотасини йил давомида 25 фоизидан ва умумий ҳисобда квота ҳажмининг 200 фоизидан ортиб кетмаслиги керак. Кредитлар бўйича фоизлар ҳар бир молия йили учун даромад ва харажатларни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, ХВФ таркибида алоҳида кредит турлари бўйича бир неча махсус фондлар ташкил этилган. Ушбу фондлардан аксарият ҳолларда, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда савдо ва тўлов тизи-



мидаги қийинчиликларни бартараф этишга кредитлар ажратилади. Ушбу кредитлар одатда 4-10 йил муддатларда қайтарилиши мўлжалланади.

Кейинги йилларда ХВФнинг даромади паст бўлган ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек ўрта муддатли макроиқтисодий барқарорлаштириш дастурларига ажратиладиган кредитлар салмоғи ортмоқда.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Давлатлараро мақсадли фондлар қандай тадбирлар учун тузилади?
2. Давлатлараро фондларнинг нечта тури бор?
3. Миллий ва халқаро молия-кредит институтларининг маблағлари қайси манбалар ҳисобидан шаклланади?
4. Миллий ташкилотлар фаолияти қайси халқаро ва умумжаҳон институтлари томонидан мувофиқлаштирилади?
5. ХВФнинг ташкил этилиши ва фаолият йўналишини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистон Республикасининг юқорида номлари санаб ўтилган халқаро ташкилотларда иштирок этиш йўналишларини кўрсатинг.

## И Б О Б

### ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

#### 2.1. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ

**Валюта муносабатлари** — ташқи савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик, хорижга кредит ҳамда қарзларни бериш ва олиш, валюта ва валюта активларини сотиб олиш билан боғлиқ битимларни амалга оширишда иштирок этадиган валюта билан боғлиқ муносабатлардир.

Валюта муносабатининг айрим элементлари — антик даврда — Қадимги Греция ва Қадимги Римда — қарзга пул тўлашга берилган тилхат ва пул алмаштириш шаклида пайдо бўлган. Кейинги босқич бўлиб, Япон, Антверпен ва Фарбий Европани бошқа савдо марказларида “вексель ярмаркалари” ривожланиши билан юзага чиққан. Бу даврда ҳисоб-китоблар валюта ёрдамида амалга оширилган. Феодализм даврида ва капиталистик ишлаб чиқариш ривожланишида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими банклар орқали ривожланди. Ўтган асрга келиб эса халқаро муносабатлар ўзининг мутлақо янги кўринишини бошдан кечирди.

Шундай қилиб, халқаро валюта муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши, жаҳон бозори ташкил этилиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон хўжалигининг таркибий тузилиши ҳамда хўжалик муносабатлари байналмилаллашувининг натижасидир.

Валюта муносабатлари иштирокчиларига қуйидагилар киради: давлат (ҳукумат, марказий ва давлат банклари), халқаро ташкилотлар, юридик шахслар (тижорат банклари, корхоналар: импорт ва экспорт қилувчилар, биржалар) ва жисмоний шахслар (брокерлар, чайқовчилар ва сайёҳлар).

Замонавий ташқи иқтисодий алоқаларда, шу билан бирга валюта муносабатларида сиёсат ва иқтисодиёт, дипломатия ва тижорат, саноат ва савдо уйғунлашиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Халқаро валюта муносабатларининг давлат томонидан шакллантириладиган ҳуқуқий-ташқилий шакли **валюта тизими** дейилади. Миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта тизимларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Миллий валюта тизими** деганда маълум давлатни, бошқа давлатлар билан пулли ҳисоб-китобларини амалга оширишда қўлайдиган усуллари, инструментлари ва миллий органларининг умумий йиғиндиси тушунилади. Миллий валюта тизими нисбатан мустақил ва фаолият доираси миллий чегаралардан чиқсада, у мамлакат пул-кредит тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий ва жаҳон валюталар тизимлари алоқаси ва ривожланиши уларнинг элементларида намоён бўлади (1-жадвал).

**Ҳудудий валюта тизими** — миллий ва жаҳон валюта тизимларининг оралиқ элементи ҳисобланиб, у мамлакатлар ҳудудий гуруҳи интеграциясига хизмат қилади. Бунга мисол қилиб, Европа валюта-иқтисодий иттифоқини келтириш мумкин.

**Жаҳон валюта тизими** — бу алоҳида олинган миллий иқтисодиётни жаҳон ҳўжалиги билан боғловчи механизмдир.

*1-жадвал*

### Миллий ва жаҳон валюта тизимининг асосий элементлари

Миллий валюта тизими	Жаҳон валюта тизими
Миллий валюта	Халқаро валюта ҳисоб-китоб бирликлари валюта захираси
Миллий валютани конвертирланиш шартлари	Валюталарни ўзаро конвертирланиш шартлари
Миллий валюта паритети	Валюта паритетини бирхиллаштириш тартиби
Миллий валюта курсининг тартиби	Валюта курсининг тартибининг регламентацияси
Валютавий чегаранинг ва назоратнинг бор-йўқлиги	Валютавий чегараларнинг давлатлараро тартибга солиш
Мамлакатнинг халқаро валюта ликвидлигини тартибга солиш	Халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро тартибга солиш
Халқаро кредит айрибошлаш воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш	Халқаро кредит айрибошлаш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини яхлитлаштириш

Миллий валюта тизими	Жаҳон валюта тизими
Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларини тартибга келтириш	Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шаклларини яхлитлаштириш
Миллий валюта бозори ва олтин бозорининг тартиби	Жаҳон валюта бозори ва олтин бозорининг тартиби
Мамлакатни валюта муносабатларини бошқарувчи ва тартибга солувчи миллий	Давлатлараро валютавий тартибга солишни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар

Халқаро келишувлар, иккиёқлама ва кўпёқлама шартнома ва актлар, жаҳон валюта тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Жаҳон валюта тизимининг асосий мақсади — экспорт ва импорт учун тўловларни товар, капитал, хизматлар ва бошқа фаолият турларини амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш орқали самарали воситачилик қилиш, шунингдек халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантириш учун мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда қулай муҳитни яратишдан иборат.

Жаҳон валюта тизими ёрдамида иқтисодий ресурсларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчиши ёки аксинча, ушбу жараён чегараланиши, миллий иқтисодиёт мустақиллиги чекланиши ёки кенгайиши, иқтисодий муаммоларни (масалан, ишсизлик, инфляция) бир мамлакатдан бошқасига “кўчиб ўтиши” мумкин.

Жаҳон валюта тизими фаолият юритиш ва тартибга солишнинг алоҳида механизмларига эга ва жаҳон ҳужалигининг глобал мақсадларини кўзласада, у миллий пул ва ҳудудий валюта тизимлари билан чамбарчас боғланган.

Жаҳон валюта тизими халқаро пул муносабатлари ташкил топишининг тарихий шакли бўлиб, у давлатлараро шартномалар орқали мустаҳкамланган.

Жаҳон ҳудудий ва миллий валюта тизимлари доирасида қуйидаги молиявий операциялар амалга оширилади:

1) **Валюта конвертирланиши** — миллий валютани хорижий валютага алмаштириш;

2) Тижорат банклари ва биржаларда валюта олди-сотди операциялари. Бу **валюта дилинги** дейилади.

Ҳозирги кунда операцияларнинг асосий қисми бир банкдан бошқасига пул ўтказиш, вакиллик ҳисобварақалар орқали амалга оширилади. Банклараро амалиётда ЛОРО (сиз бизда) ва НОСТРО (биз сизникида) ҳисобварақлари мавжуд.

3) Тижорат банкларининг депозит-кредит деб номланувчи, валюта маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ операциялари.

Бу операциялар — ўзаро кредитлаш, ўзига жалб қилинган маблағларни жойлаштириш, кредитларни тақдим этиш, расмийлаштириш ва мониторинг билан боғлиқ банклараро операциялардир.

4) Ташқи савдо операцияларида халқаро амалиётда қабул қилинган турли шаклдаги ҳисоб-китобларда банк хизмати кўрсатиш;

5) Олтин ва фонд инструментлари(мулкчилик титуллари, облигациялар, иккиламчи молиявий инструментлар ва ҳ.к.) сотиш ёки сотиб олиш мақсадида молия бозорида амалга ошириладиган операциялар. Бу операцияларнинг барчаси инвестиция мақсадларида, шунингдек, чайқовчилик ёки хежерлаш (суғурта) мақсадларида амалга оширилади. Банклар ушбу операцияларни ўз номидан ёки мижоз топшириғига кўра амалга оширадilar;

6) Кредит (дебит) карточкаларининг эгаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар;

7) Банк халқаро трансфертлари (дивиденд, фоиз, пенсия тўлови, алимент, ҳадялар, сайёҳларга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) амалга ошириш.

Замонавий валюта тизими, унинг ҳам ҳудудий (географик жиҳатдан), ҳам вақт жиҳатдан (кечаю-кундуз ишловчи валюта бозори) технологик (ахборот технологиялари ва тармоқларининг яхлитлиги) глобаллашганлиги билан тавсифланади.

Замонавий валюта тизимининг глобаллашувининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

— валюта курслари ва фоиз ставкаларининг кутилмаганда ва кескин ўзгариши билан тавсифландиган бозор механизми;

— бир томондан, олдиндан кутилмаган воқеаларга (нефть фалажлари ёки Германиянинг бирлашуви каби) тезда мослашишга зарурат, бошқа томондан мамлакатлар ҳукуматларининг инфляцион сиёсат юритиши ва давлат қарздорлиги ўсиши сиёсатидан кафолатлов-

чи маълум халқаро тартибга солиш инструментларини яратиш.

Жаҳон валюта тизимининг энг асосий хусусияти шундаки, у ҳар доим ўзгариб, ривожланиб туради. Бу ўзгаришларнинг энг умумий сабаблари — жаҳон ҳўжалигини ривожлантиришдаги халқаро ҳамкорликнинг кучайиши, товар ишлаб чиқариш ва бозорларнинг байналминаллашувидир. Бугунги кунда уни тартибга солиш механизмларининг доимий ўзгариши ва валюта тизимининг барқарорлиги, валюта тизимининг эволюцияси билан қанчалик мос тушишига боғлиқ.

Халқаро валюта тизимларининг маълум шакллари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, халқаро алоқалар, миллий пул тизимлари, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатига, етакчи мамлакатларнинг манфаатларига қараб белгиланмоқда.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Валюта муносабатлари нима?
2. Кимлар валюта муносабатларининг иштирокчилари саналади?
3. Валюта тизими нима?
4. Миллий ва жаҳон валюта тизимини асосий элементларини таққосланг.
5. Жаҳон валюта тизимининг асосий мақсади нималардан иборат?
6. Жаҳон, ҳудудий ва миллий валюта тизимлари доирасида қандай операциялар амалга оширилади?
7. Валюта дилинги нима?
8. Замонавий валюта тизимининг глобаллашувининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатинг.
9. Жаҳон валюта тизимининг асосий хусусияти нимадан иборат?

### **«КОКА-КОЛА» — ЕНГИЛ ИЧИМЛИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЙИРИК КОМПАНИЯ**

Халқаро бозорларда енгил ичимликлар ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири — «Кока-кола» компанияси бўлиб, унинг бошқарув органи АҚШда жойлашган. «Кока-кола» компанияси ўз маҳсулотлари билан халқаро енгил ичимликлар бозорининг 45 фоизини эгаллаган. Кўпгина халқаро бозорларда аҳоли жон бошига истеъмол ҳажмининг

пастлиги, демографик анъаналарнинг ўсиш тусини олиши ва оммавий ахборот воситаларида компания фаолияти ҳақидаги маълумотларнинг кенг ёйилиши билан мувозанатланмоқда.

1992 йилда «Кока-кола» маҳсулотларини халқаро истеъмоли аҳоли жон бошига йилига 40 порциядан тўғри келган (мамлакатлар бўйича маълумотлар жадвал шаклида қуйида келтирилган).

«Кока-кола» тизими ҳақиқатдан ҳам халқаро мавқега эга, у 160 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритади. Ушбу мамлакатларнинг ҳар бирида компания ишончли маҳаллий ҳамкорларга эга бўлиб, улар «Кока-кола» савдо маркаси остида ичимлик ишлаб чиқарадилар. Тизим ўзида 1000 дан ортиқ ана шундай ҳамкорларни бирлаштирган.

Мазкур йирик халқаро тармоқ — «Кока-кола»ни энг йирик енгил ичимликлар ишлаб чиқарувчига айлантирган. Ушбу компаниянинг бозордаги улуши энг яқин рақобатчилариникидан ҳам 2 баробар кўп. Енгил ичимликлар ишлаб чиқариш — дунёда энг тез ўсиб бораётган товар ҳисобланади. Мана шундай истиқболли ишлаб чиқариш бозорида етакчилик қилиш, молиявий қудратни ва ҳиссадорларга юқори даромадни таъминлайди.

1992 йилда «Кока-кола» акция эгалари сонининг кўплиги жиҳатдан америка компаниялари ичида 6 ўринни эгаллаган; муомаладаги акцияларнинг бозор баҳоси эса 54,7 млрд. долларни ташкил этган (1992 й.).

Компания ўз маҳсулотларини 160 дан ортиқ мамлакатга тарқатади ва 40 дан ортиқ муомаладаги валютадан фойдаланади. Гиперинфляция ҳукмронлик қилаётган мамлакатларда (масалан, Бразилия) функционал валюта сифатида АҚШ долларидан фойдаланилади. 1992 йилда компания даромадининг тахминан 78 фоизи АҚШдан ташқарида ишлаб топилган. Бошқа валюталарда (АҚШ долларидан бўлмаган) ифодаланган компания қарзлари, ўша мамлакатлардаги инвестицияларни ҳежерашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

1992 йилда айрим мамлакатларда компания маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмоли (ҳар бир кишига йиллик 8-унцияли порция)

АҚШ	296	Бразилия	81
Мексика	275	Италия	94
Австралия	217	Буюк Британия	89
Норвегия	228	Корея	61

Канада	169	Япония	124
Германия	189	Франция	56
Аргентина	171	Таиланд	44
Испания	159	Тайвань	31
Колумбия	104	Индонезия	4
Филиппин	87	Хитой	1

## 2.2. ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Париж жаҳон валюта тизими (1867-1914й.)** Пулнинг халқаро алмашуви худди пулнинг ўзи сингари қадимий бўлсада, ҳозирги шаклда валюта битимларининг пайдо бўлиши XIX аср охирига бориб тақалади. Биринчи жаҳон валюта тизими — 1865 йилда тўртта Фарбий Европа мамлакатлари томонидан ташкил этилган ва “Олтин андозаси” асосида фаолият юритган — Олтин танга иттифоқи ҳисобланади. Мазкур валюта тизими расмий равишда 1867 йилда Париж конференциясида тан олинди ва дунёнинг 30 дан ортиқ мамлақати томонидан махсус халқаро шартномага имзо чекилди. Бу валюта тизими “Олтин андозаси”га, яъни олтинни эталон (мезон) металл сифатида қабул қилишга асосланган миллий пул тизимларини бирлаштирди. Шунинг учун ҳам Париж валюта тизими “Олтин танга андозаси” деб юритила бошланди. Бунга мувофиқ, жаҳон пули олтин тангалар ва олтинга конвертирланадиган пуллардан ташкил топган эди.

“Олтин танга андозаси” тартиби босқичма-босқич уч шаклни бошдан кечирди. 1914 йилгача олтин танга босқичи, 1922 йилдан 1929 йилгача олтин қуйилма андозасини, 1944 йилдан 1971 йилгача олтин девиз андозаси. “Олтин танга андозаси” даврида зарбхоналар олтин қуйилмалардан олтин тангалар ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга эдилар. Бу эркин тарзда ва деярли текин амалга оширилган, шунинг учун ҳам бу тангалар пул массасининг асосини ташкил қилган. Қоғоз пуллар худди олтин тангалар қатори муомалада бўлган ва улар олтинга тўла конвертирланган. Олтин билан конвертирланганликни доимо таъминланиши учун қоғоз пуллар эмиссияси чегараланган. Янги тизимнинг дунё бўйлаб кенг тарқалиши билан унга бўлган ишонч орди. Бу амалда халқаро ҳисоб-китобларда тўлов воситасида олтин ва бошқа шу каби қимматбаҳо металлларни



олиш ёки бериш ўрнига хорижий счетни дебитлаш ёки кредитлаш орқали тўловни амалга оширишга олиб келди. Валюта диллерлари қўлида телеграф, телефон, телетайп каби воситаларнинг пайдо бўлиши, халқаро валюта савдосини профессионал даражада юритишга имконият берди.

Париж валюта тизими биринчи жаҳон урушигача амалда бўлди. Унинг асосий хусусияти, паритетлари олтинга нисбатан ўрнатилган, белгиланган валюта ставкаларида эди. Бу давлат томонидан кафолатланган бўлиб, *“валютанинг олтин паритети”* ёки *“валютанинг олтин таркиби”* деб ном олди. “Олтин танга андозаси” даврида олтин ҳисобига иккиёқлама функция амалга оширилган. Мазкур функциялар: халқаро ҳисоб-китобларда тан олинган тўлов воситаси сифатида ҳамда бир вақтнинг ўзида ички бозорда ягона қабул қилинган алмашув ва тўлов воситаси эди.

Олтин ушбу функцияларни таъминлаши учун қуйидаги шартлар бажарилиши шарт бўлган:

1). Марказий банк олтинни белгиланган курс бўйича, чегараланган миқдорда сотишни ва сотиб олишни кафолатлаши.

2). Олтин эгаси давлат зарбхонасида тайёрланган олтинни танга ва қуйма шаклида ҳар қандай миқдорда сақлаши. Олтин захираларни сақлаш жараёни эса тезаврация деган ном олган.

3). Олтиннинг импорт ва экспорти чегараланмаганлиги. Ушбу шартларнинг бажарилиши тангани металл қиймати ва номинали ҳар доим бир хилда бўлиши таъминланган. Ўз-ўзидан, “олтин танга андозаси” шароитида ликвидлилик — саноат мақсадлари учун зарур бўлган олтинни ишлаб чиқариш тезлиги ва олтиннинг миқдори билан аниқланган.

Барча валюталар ва олтин ўртасидаги яқин боғлиқлик, халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда, маълум таъсирини ўтказди.

Олтин андозасининг автоматик фаолияти деб аталадиган жараён қуйидагича амалга ошди: тўлов балансидаги тақчиллик мавжуд мамлакатни маълум миқдорда олтинни чет элга олиб чиқиши шарт бўлган. Бу муомаладаги пул массасини камайтириб, дефляцияга олиб келган (**дефляция** — муомаладаги пул массаси ўсишини чегаралаш жараёни, инфляциянинг тескари-си). Ва аксинча, бир мамлакатдан иккинчи мамлакат-

га олтиннинг олиб келиниши, иккинчисида инфляцияни келтириб чиқарган. Шу йўл билан ҳосил қилинган нархлар ўртасидаги фарқ, олтин олиб чиқилган мамлакат учун фойдали ҳисобланган. Экспортни кенгайтириш, импортни қисқартириш орқали бундай мамлакат тўлов балансини яхшилаган.

Шунингдек тартибга солиш жараёнида пул (олтин) тақчил бўлган мамлакатда ҳисоб ставкаларини ошириш ва аксинча, пул (олтин) ортиқча бўлган мамлакатда ҳисоб ставкасини тушириш қўлланилган. Юқоридагилар натижасида юзага келадиган капитал кўчиши, икки мамлакат ўртасидаги тўлов ҳолати балансланишига ёрдам берган.

“Олтин андозаси” шароитида биржа алмашув курслари жуда тор чегарада 1% га тебраниши мумкин эди. Бу ҳолат юқори ва қуйи “олтин нуқталари”, деб ном олди. Расмий паритетдан бундай оғишишни, олтин олди-сотдиси пайтида фрахт ва суғурта билан боғлиқ харажатларнинг келиб чиқиши, ташиладиган олтин қийматининг 1%ини ташкил этганлиги билан тушунтириш мумкин. Агар маълум валютанинг алмашув курси ўз паритетидан юқори бўлса, хорижий валютани сотиб олишдан, олтинни ташиб келтириш арзон ҳисобланган. Дебитор ўз пулини олтинга алмаштириб, қарз тўлаган. Бошқа томондан, агар валюта курси тушса, кредитор қарзни олтин билан тўланишини талаб қилган. Бу тизимда валюта муносабатлари давлатнинг аралашувидан холис тарзда амалга оширилганлигидан ҳамда алмашув курсининг тебраниши сезиларсиз бўлганлигидан валюта rischi паст эди. Мазкур тизим 1914 йилгача амалда бўлди. Биринчи жаҳон уруши йилларида юзага чиққан иқтисодиёт учун йирик ҳажмдаги зарурий маблағлар, фақатгина қўшимча пул чиқариш йўли билан қондирилиши мумкин эди. Ички бозорга салбий таъсирини инобатга олиб, кўпгина мамлакатлар “олтин андозаси”га асосланган қоидаларни бекор қилувчи чора-тадбирларни қўлладилар. Бу эса Париж Жаҳон валюта тизимини амалда парокандаликка олиб келди.

**Генуя жаҳон валюта тизими (1922-1929й).** Иккинчи жаҳон валюта тизими 1922 йилда ўтказилган халқаро Генуя конференцияси қарорининг натижаси эди. Бу тизим — “олтин андозаси”га тааллуқли бўлиб, унинг янги кўриниши “олтин қуйилма андозаси” ҳисобланади.

“Олтин қуйилма андозаси” амал қилган шароитда муомаладаги пуллар қисман, ёки тўлиқ қоғоз пуллар эди. Ҳуқуқий жиҳатдан мазкур қоғоз пулларни хоҳлаган пайтда эмиссион банкдан олтинга алмаштириш мумкин бўлган. Амалда эса ушбу пулларнинг маълум қисмини шу йўл билан алмаштирилган. Эмиссион банк, албатта, пулни тўлиқ таъминлаш учун зарур бўлган олтинни сақлаши шарт эмас эди. Белгиланган таъминот (олтин) қанчалик оз бўлса, давлатнинг қўшимча қоғоз пулларни чиқариш имконияти шунчалик кўп бўлган. Шу сабабли муомаладаги қоғоз пул миқдори сақланадиган металл пул миқдоридан юқори бўлган. *Олтинга алмашинадиган валюталар сифатида доллар, француз франки ва фунт-стерлинг танланди.*

Генуя валюта тизими атиги 1929 йилгача амалда бўлди. Ушбу тизимнинг парокандаликка учрашига асосий сабаб, урушдан кейинги инфляция таъсирида валюта паритети нореалигининг ўсиб бориши бўлди. Аксарият мамлакатларда инфляция суръатларининг турли даражада бўлиши, халқаро нархларга боғлиқликда номутаносибликнинг кучайишига олиб келди. Масалан, 1925 йилда фунт-стерлинг долларга нисбатан 44 фоиздан паст бўлмаган баҳоланишга эга бўлган. Кўпгина мамлакатларда, иқтисодиётнинг ички ва ташқи соҳаларида доллар орқали мувофиқлаштириш сезиларли даражадаги инфляцияни келтириб чиқарди. Битта валюта алмашинув курсининг пасайиши, бошқаларининг ҳам қайта баҳоланишига олиб келди. Олдинги паритетни тиклаш мақсадида алмашув курси кўтарилган мамлакатларда ҳам инфляция юз берди. Натижада юзага келган девальвация барча асосий валюталарга таъсир этди.

Икки жаҳон уруши оралиғида халқаро пул тизими барқарорлигини бузилишига сабаб бўлган омиллар, фақатгина инфляция ва девальвация эмас эди. 1931 йилдан бошлаб, бутун жаҳон иқтисодиётини фалаж аҳволга солиб қўйган инқироз туфайли валюта назорати жорий қилинди. Асосий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ, жорий тўловларни амалга оширишга етарли хорижий валюта захирасини таъминлаш, назорат қилишнинг асосий вазифаси эди.

Бунинг учун ҳукуматлар хорижий валютанинг импорти ва экспорти устидан назоратни амалга ошириш-

ларига тўғри келди. Ҳақиқатда тизим учта валюта бло-кига: доллар, фунт-стерлинг ва франк ҳудудларига аж-ралди. Булар Иккинчи жаҳон урушигача амал қилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, франк ҳудуди Аф-риканинг француз тилида сўзлашувчи мамлакатларида евро муомалага чиққунга қадар фаолият юритди.

**Бреттонвуд жаҳон валюта тизими (1944-1972 йй.).** 1943 йилга келиб, АҚШ ҳамда Буюк Британия эркин ва барқарор валюта тизимини барпо қилиш учун даст-лабки қадамларни қўйди. 1944 йилнинг июль ойида Бреттон-Вудс шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда АҚШ “олтин андозаси”га асосланган концепцияга ўтиш ташаббуси билан чиқди. Шу вақтнинг ўзида янги халқ-аро валютани тартибга солиш тизими фаолиятини на-зорат қилиш учун Халқаро валюта фонди (ХВФ)ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Янги тартибнинг асосий мақсадлари қуйидагилар-дан иборат эди: барқарор алмашув курсларига эга бўлган халқаро валюта тизимини ташкил этиш; қаттиқ валю-та назорати бекор қилиниши ва барча валюталарнинг конвертирланишига эришиш.

Бреттонвуд тизимининг асосий томонлари қуйида-ги тамойилларни ўз ичига олади:

— мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда олтин ўзининг *охирги пул* функциясини сақлаб қолди;

— америка доллари захира валюта сифатида қабул қилинди. У олтинга тенглаштирилиб, бошқа мамлакат-ларнинг валюта қийматини ўлчаш ҳамда халқаро кре-дит тўлови воситаси сифатида қабул қилинди;

— бошқа мамлакатларнинг марказий банклари ва ҳукуматлари долларни АҚШ хазиначилигидан 1 тр. ун-цияси (31,1 г.) учун 35 доллар курси бўйича алмаши-ши мумкин эди. Бундан ташқари ҳукумат органлари ва хусусий шахслар олтинни хусусий бозорлардан харид қилишлари мумкин эди. Олтиннинг валюта баҳоси рас-мий курс асосида белгиланиб, у 1968 йилгача сезилар-ли даражада тебранмаган;

— валюталарнинг бир-бирига тенглаштирилиши ва уларни ўзаро алмаштириш, олтин ва долларда ифода-ланадиган расмий валюта паритетларида амалга оши-рилган;

— барча мамлакатлар ҳар қандай олинган бошқа мамлакат валютасига нисбатан ўз валюта курси бар-қарорлигини сақлаши шарт эди. Валютанинг бозор кур-си олтин ёки долларда белгиланган паритетдан 1 фо-

издан ортиқ у ёки бу томонга оғиши мумкин эмас эди. Паритетларнинг ўзгариши, тўлов балансидаги бузилишлар барқарор тус олсагина мумкин ҳисобланарди. Доллардан фойдаланиш қўламининг тангар тус олиши билан олтиндан фойдаланиш ҳажми кескин пасайди;

— валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш, асосан ХВФ томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Бреттонвуд тизими ўсиб келаётган жаҳон хўжалигининг байналмилаллашуви, ТМКларнинг валюта соҳасидаги чайқовчилигининг бошланишига қаршилик қиларди.

Олтин тартибидаги доллар андозаси тизими амалда аста-секин доллар андозаси тизимига айланиб борди. Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб, АҚШ иқтисодиётидаги орқага силжиш асосан Ғарбий Европа ва Япония иқтисодий қудратининг ўсиши натижасида долларнинг қадри сезиларли даражада тушди. АҚШдан ташқарида бўлган доллар захиралари йирик евродоллар бозорини ташкил қилди. Тўлов балансидаги йирик тақчиллик 1 унция учун доллар нарҳини 35 долларга ошишига олиб келди.

Валюта тизимининг ларзага келишига турли мамлакатларда турлича иқтисодий ўсиш юз берганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказди. 1961 йил мартада юзага келган сезиларли даражадаги ижобий тўлов баланси натижасида немис маркаси ва голланд гульденининг ревальвацияси юз берди.

Бир пайтнинг ўзида 1963 йилдан бошлаб, фунт-стерлинг қаттиқ босим остида қолди.

Кўрсатилган барча ёрдамларга қарамасдан, уч йиллик инқироз даврида 1967 йилга келиб, фунт-стерлинг паритети 2,80 дан 2,40 долларгача девальвация қилинди. Бунинг натижасида олтинга бўлган талаб ортди. Буларнинг барчаси олтиннинг камайишига олиб келди. Марказий банкларни 1968 йилда олтин пули (ингл. "Pool")дан воз кечишга ва олтин бозорининг америка секторига жамланишига олиб келди.

1960 йилларга келиб, АҚШ тўлов балансидаги тақчиллик олтин захирасини 18 млрд. долларга, 1970 йилларда эса 11 млрд. долларга камайтирди. Бир вақтнинг ўзида АҚШга нисбатан хорижий кредиторларнинг талаби анча ўсиб, 1970 йилда у АҚШ ихтиёридаги олтин захираларидан икки маротаба кўп эди. 1971 йилнинг июнига келиб АҚШ долларни олтинга расмий

баҳода алмаштиришдан бир томонлама бош тортди. Бу Бреттонвуд тизимининг амалда бекор бўлишини билдирарди.

**Ямайка жаҳон валюта тизими (1976й.—ҳозирги пайтгача).** 1976 йили Кингстонда (Ямайка) бўлиб ўтган ХВФнинг навбатдаги йиғилишида янги валюта тизимига асос солинди. Ямайка битимининг йўриқлари асосида халқаро валюта механизмини ташкил этиш тасмояилларини қуйидагича келтириш мумкин:

— олтиннинг қийматни ўлчаш сифатида ва валюта курсларини ҳисоблаш воситаси сифатидаги тангар функцияси бекор қилинди.

Олтин эркин нарх белгиланадиган оддий товарга айланди. Бир вақтнинг ўзида у, юқори ликвидли актив сифатида махсус товар бўлиб қолаверди. Керак бўлиб қолганда олтин сотилади ва ундан олинган валюта тушумидан тўлов учун фойдаланилади.

Муомалага СДР андозаси (Special drawing rights — SDR) — “махсус қарздорлик ҳуқуқи” киритилди. Бундан кўзланган мақсад, ушбу валюталарни асосий захира авуари қилиб бошқа захира валюталарни, биринчи навбатда АҚШ доллари ролини пасайтириш эди.

Мамлакатларга валюта курси тартибини танлаш ҳуқуқи берилди. Мамлакатлар ўртасида амалдаги валюта муносабатлари, улар миллий пул бирликларининг сузиб юрувчи курсига асослана бошлади. Курсларнинг тебранишига асосан иккита омил таъсир кўрсатар эди:

а) валютанинг мамлакат ички бозоридаги харид қуввати, реал қиймат нисбатлари;

б) халқаро бозорларда миллий пулга бўлган талаб ва таклиф.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, сузиб юрувчи курс омилларини татбиқ этиш натижасида халқаро валюта тизимини ташкил этишнинг қуйидаги элементларига асосланган мураккаб чизмаси пайдо бўлди;

1) муносабатларни сақлаш керак бўлган алоҳида миллий валюталар асосий таянч бирликлар сифатида танланади, аниқроғи, ўз валюта курсини бошқа валютага боғлаш;

2) валюта курсларининг тебраниш даражаси бир хил эмас, шунингдек тебраниш оралиғи кенг. Бунда валюта курси айрим валюталарга нисбатан маълум оралиқда ушлаб турилади, бошқа валюталарга нисбатан эса эркин алмашилади. Бошқача сўз билан айтганда, миллий валюта паритети асосан СДРга нисбатан уш-

лаб турилади. Амалда мамлакатларнинг валюта тартибини эълон қилишлари турличадир.

1988 йилда 58 мамлакат ўз валюта курсини битта асосий ҳамкор мамлакат валютасига нисбатан ўрнатиши ҳақида қарор қабул қилди: америка долларига (39 мамлакат), француз франкига (14 франк ҳудуди мамлакатлари) ва бошқа валюталарга (5 та мамлакат).

Ямайка битимига асосан жамоа захира валюта бирлиги сифатида СДР тан олинди.

СДРнинг қиймати дастлаб, олтинга кўра белгиланган ( $\text{СДР}=0,888671$  соф олтин) бўлса, 1974 йил 1 июндан бошлаб, СДР курси “валюта савати”га нисбатан аниқлана бошланди.

СДР бўйича депозитлар фоиз келтиради. Агар ХВФда СДРдаги авуарлар ассигнованидан ортиқча бўлса, мамлакат фоиз олади, аксинча, СДРдаги авуарлар ассигнованидан кам бўлса, фоиз тўлайди. У аъзо мамлакатларга ХВФда ажратилган квоталар асосида ХВФдаги махсус ҳисобварақларда олиб борилади. Ушбу квоталар тўлов балансидаги тақчилликни молиялаштириш учун зарурий валютани сотиб олишга ишлатилади. Аммо СДРнинг халқаро ҳисоб-китоблардаги улуши 6 фоизга яқин. Кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрича, СДРга захира валютаси сифатида эмас, балки кўпроқ даражада кредит сифатида қараш керак. Лекин СДР ҳам захира, ҳам кредит валютаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, жаҳон валюта тизимининг учта кўриниши амал қилган ва олдинма кейин бир-бирини ўрнини алмаштирган. **Улардан биринчиси** — “олтин танга андозаси” тизими — қонуний жиҳатдан асосий пул шакли ролини бажарувчи олтинга асосланган. Миллий бирликларнинг курси олтинга қаттиқ боғланган бўлиб, валюталар бир-бирига олтин билан таъминланганлиги орқали қаттиқ курс бўйича таққосланган. Валюта курсларининг эълон қилинган нисбатлардан оғиши 1% дан ортмаган ва “олтин нуқталар” чегарасида бўлган.

**Иккинчи тизим** — бу “олтин девиз андозаси” (Бреттонвуд валюта тизими) бўлиб, у АҚШ долларига нисбатан валютанинг қаттиқ курсини ўрнатиш (оғишишлар чегараси 1% ораликда) орқали амал қилган. АҚШ долларининг курси олтинга нисбатан қаттиқ ўрнатилиб, доллар шу курс бўйича олтинга конвертирланган. Тизимнинг ўзи эса “олтин девиз андозаси” деган ном олди. Генуя тизимини олтин танга ва олтин девиз андозалари ўртасидаги оралик тизим дейиш мумкин.

**Учинчи жаҳон валюта тизими** — Ямайка валюта тизими сузиб юрувчи, алмашув курсларига асосланган бўлиб, “кўп валютали андоза” ёки бошқача — СДР андозаси деб номланади. Мамлакат белгиланган сузиб юрувчи ёки аралаш валюта курсларини танлаши мумкин. Бу шунингдек валюта инқирозларини келтириб чиқариш хусусиятига ҳам эга.

Жаҳон валюта тизимларининг ривожланиш босқичларини куйидаги 2-жадвал ва 1-чизмалар орқали кўриш мумкин.

2-жадвал<sup>1</sup>

**Жаҳон валюта тизимининг (ЖВТ) таркибий элементлари (таққослама таҳлил)**


ЖВТ элементлари	ЖВТ турлари			
	Париж	Генуя	Бреттонвуд	Ямайка
захира валюта	олтин	девизлар ва олтин	АҚШ доллари (олтинга алмашинадиган) инг.фунт стерлинги	SDR
ўзаро конвертация шартлари	валюта-лар ўзаро ва олтинга эркин алмаштирилиди	олтин таркиби асосида валюта конвертацияси	USD да ва олтин таркибига асосланиб ифодаланадиган паритетлар асосида алмашиш	SDR асосланиб ифодаланадиган паритетлар асосида алмашиш
валюта паритетларининг бирхиллаштирилган тартиби	олтин таркиби асосида валюта конвертирланиши	олтин таркиби асосида валюта конвертирланиши	USD да асосланиб ифодаланадиган паритетлар асосида валютани алмашиш ва уни олтинга алмашиш	SDR асосланиб ифодаланадиган паритетлар асосида алмашиш
валюта курслари тартиби регламентацияси	“олтин” нуқталар чегарасида эркин сузувчи валюта курслари	эркин тебранувчи валюта курслари	USD га қараб белгиланадиган валюта курслари	валюта курси тартибининг танлаш имконияти
халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро тартибга солиш	миллий олтин захиралари	махсус барқарорлаштирувчи фондлар	давлатларнинг олтин валюта захиралари, ХВФ захира квотаси	давлатларнинг олтин валюта захиралари, ХВФ захира квотаси


<sup>1</sup> Монтес М.Ф., Попов В.В. “Азиатский вирус” или “голландская болезнь”. Теория и история валютных кризисов в России и других странах. М.: Дело, 1999.



халқаро кредитлашнинг асосий шакллари бир хиллаштириш	одатлар	одатлар, 1930-1931 й.даги вексел қонуни бўйича Женева конвенциясининг қарори	одатлар, 1930-1931 й.даги вексел қонуни бўйича Женева конвенциясининг қарори, ХСТ қарори	
халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари бир хиллаштириш	одатлар	ҳужжатлаштирилган аккредитивлар учун одатлар ва яхлитлаштирилган қоидалар. Инкассо бўйича яхлитлаштирилган қоидалар, чек қонуни		
олтин бозорлари ва жаҳон валюта бозорлари тартиби	жаҳон олтин ва валюта бозорлари бир-бирига боғлиқ	АҚШ, Буюк Британия, Франция олтин баҳосини белгилайди	амалда олтиннинг иккита параллел бозори мавжуд: белгиланган баҳода ва эркин шаклланди-ган баҳоларда	олтин бозорларининг аксилмарказлашуви, олтинни сотиш бўйича кимошди савдолари
валютани тартибга солувчи халқаро ташкилотлар	даврий конференциялар		ХВФ	ХВФ, “катта саккизлик” йиғилиши, БМТнинг иқтисодий ва молиявий ташкилотлари, халқаро ҳисоб-китоблар банки (Базель қўмитаси)

## I-чизма

**Халқаро валюта тизимлари ва ХВФ ролининг ўзгариши**



### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Париж валюта тизими пайдо бўлишининг асосий сабаблари нимада?
2. Париж валюта тизими нима учун “олтин танга андозаси” деб аталади?
3. “Олтин андозаси”нинг автоматик фаолияти қандай амалга оширилган?
4. Нима сабабдан Париж жаҳон валюта тизими инқирозга учради?
5. Иккинчи жаҳон валюта тизимининг ўзига хос жиҳатларини санаб беринг.
6. Иккинчи жаҳон валюта тизими биринчисидан қандай фарқли хусусиятларга эга?
7. ХВФ қачон, қарда, нима мақсадда ташкил этилган?
8. Бреттонвуд валюта тизимининг қандай ўзига хос томонлари мавжуд?
9. Ямайка валюта тизимида олтиннинг қандай функцияларига чек қўйилди?
10. Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, халқаро валюта тизими-ни ташкил этишнинг қандай элементлари юзага чиқди?
11. СДРнинг асосий функцияси нимадан иборат?
12. 2-жадвал ва 1-чизмада келтирилган маълумотларни таққосла-ма таҳлил қилинг ва хулосаларингизни ёзинг.

### 2.3. ЕВРОПА ВАЛЮТА ТИЗИМИ

**Европа валюта тизими** — бу жаҳон (худудий) валюта тизими бўлиб, у иқтисодий интеграция доирасида амал қиладиган иқтисодий муносабатларнинг умумий йиғиндиси; “умумий бозор” мамлакатлари интеграция жараёнларини рағбатлантириш ва валюта курсларини барқарорлаштириш мақсадида валюта муносабатларини ташкил этишнинг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

Европа валюта тизими — жаҳон валюта тизимининг (Ямайка) қуйи шаклидир. Фарбий Европа интеграция мажмуининг ўзига хос жиҳатлари, унинг Ямайка валюта тизимидан фарқланувчи қуйидаги таркибий тамойиллари билан тавсифланган эди:

- Европа валюта тизими валюта бирлиги — ЭКЮга асосланади;
- олтиннинг амалдаги захира активлар сифатида ишлатилиши;

• валюта курсларининг тартиби белгиланган ўзаро тебранишлар доирасидаги валюталарнинг “европа валюта илони” шаклидаги сузишига асосланиши;

• Европа валюта тизимида валютанинг давлатларро худудий тартибга солиниши марказий банкларга валюта интервенцияси билан боғлиқ бўлган тўлов балансларининг вақтинчалик тақчиллигини қоплашга кредитлар ажратиш йўли билан амалга оширилади.

ЭКЮ билан СДРнинг таққослама тавсифи уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини очиб беради. Умумийлик уларнинг: халқаро ҳисоб-китобларда жаҳон кредит пуллар сифатидаги кўринишида; банкнотларда эмас, балки нақд пулсиз шаклда амал қилишида; улар шартли қийматини аниқлашда валюта савати усулидан фойдаланишда; счетларда чегарадан ортиқ сақлагани учун эмитентни мамлакатларга фоиз тўлаши зарурлиги кабиларда намоён бўлади. ЭКЮ ва СДРнинг фарқли жиҳати сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. ЭКЮнинг эмиссияси СДРниқидан фарқли равишда Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар олтин ва доллардаги расмий захираларининг 20 фоизини бирлаштириш орқали таъминланган эди;

2. ЭКЮни эмиссияси СДРниқига қараганда эгилувчан эди. ЭКЮни чиқариш суммаси олдиндан расмий белгиланмаган ва у Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар олтин-доллар захираларининг ўзгаришига қараб тартибга солинган, ЭКЮнинг эмиссия ҳажми СДРниқидан анча юқори эди;

3. Валюта савати нафақат ЭКЮнинг курсини аниқлашга хизмат қилган, балки у бирорта ҳам халқаро валюта бирлиги бажармаган ҳисоб-китобларда валютанинг паритет сеткаси вазифасини бажарган;

4. ЭКЮнинг курс тартиби ўзаро тебранишлар доирасида (“европа валюта илони”) биргаликда сузишга асосланган эди. Бу ЭКЮ ва бошқа европа валюталарнинг барқарорлигини таъминларди;

5. СДРдан фарқли равишда ЭКЮ нафақат расмий, балки хусусий секторда ҳам қўлланилган. ЭКЮ фаолият доирасининг кенгайишига қуйидаги сабаблар бор эди:

• ЭКЮ валюта савати ва “европа валюта илони”, валюта рискинни пасайтирарди;

- ҳар қандай банк ЭКЮни валюта саватига мос равишда “назорат қила оларди”. Банк ўз миждози билан келишган ҳолда валюта саватига валюта қўшиши ёки ундан олиши мумкин эди;

- ЭКЮ барқарор валюта сифатида муқобил жаҳон валютаси ҳисобланган нобарқарор доллардан кўра кўпроқ жаҳон хўжалигининг эҳтиёжларини қондира оларди.

Бир-неча йил давом этган қизгин тортишувлардан сўнг 1987 йилда валюта интеграциясининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган, Ягона европа акти имзоланди. 1991 йил “Делор режаси” асосида валюта-иқтисодий иттифоқни босқичма-босқич шакллантиришни кўзда тутувчи Европа иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт шартномаси ишлаб чиқилди. 1992 йилнинг февралда Маастрихтда (Нидерландия) 12 та мамлакат томонидан Европа иттифоқи шартномаси рўйхатдан ўтказилди ва 1993 йилнинг 1 ноябридан ишга тушди. Кейинчалик ЕИига Австрия, Финландия, Швеция қўшилди.

Маастрихт шартномасига асосан иқтисодий ва валюта иттифоқи учта босқичда амалга оширилади.

*Биринчи босқич* (1990 йил 1 июль – 1993 йил 31 декабрь) – ЕИ иқтисодий ва валюта иттифоқининг ташкил топиши. ЕИни ташкил этиш бўйича барча тайёргарлик ишлари ишлаб чиқилди. Шунингдек бу даврда ЕИ ичида ва ЕИ билан бошқа учинчи мамлакатлар ўртасида капиталнинг ҳаракатланиши бўйича барча тўсиқлар олиб ташланди. ЕИга аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини яқинлаштириш бўйича, шунингдек, инфляцияга қарши ва давлат бюджети сиёсатини мувофиқлаштириш бўйича қатор чоратадбирлар ишлаб чиқилди.

*Иккинчи босқич* (1994 йил 1 январь – 1998 йил 31 декабрь) аъзо-мамлакатларни еврони қабул қилиш бўйича ҳаракатлари янада аниқлаштирилди. Ушбу босқичда Европа Марказий банкининг (ЕМБ) ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник ҳолатини белгилаш учун Европа валюта институти ташкил этилди.

Шунингдек мазкур босқичда:

- аъзо мамлакатларнинг марказий банклари томонидан давлат сектори корхоналарига ёрдам кўрсатиш ҳамда давлат қарзларини сотиб олишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинди. Худди шу тақиқлар ЕВИ таш-

кил этилишининг учинчи босқичига келиб, ЕМБга тегишли бўлди;

- давлат сектори корхоналарининг молия институтларини маблағларидан фойдаланишдаги имтиёзлари бекор қилинди;

- аъзо мамлакат давлат секторининг мажбуриятларини бошқа мамлакат ёки ЕИ томонидан олиниши тақиқланди; Бу тадбир “кафолатлашдан бош тортиш тўғрисидаги келишув” деган ном олди;

- иштирокчи-мамлакат давлат бюджетдаги тақчилликнинг меъёридан (давлат бюджети тақчиллиги ЯИМга нисбатан 3 фоиз, давлат қарзлари ЯИМга нисбатан 60 фоиздан) оширмаслиги талаби қўйилди;

- зарур бўлганда марказий банкларга худди ЕМБ каби мақом ва мустақиллик бериш қабул қилинди.

1998 йил 2 майда Европа Иттифоқи ЕВИининг учинчи босқичида қайси мамлакатларга еврога ўтишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни қабул қилди.

*Учинчи босқичда (1999-2002йй.)* 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб, евро ҳудудига кирувчи иштирокчи мамлакатларнинг миллий валюталари евро курсига нисбатан белгиланди, евро уларнинг умумий валютаси бўлди. У ЭКЮни ҳам 1:1 нисбатда алмаштирди. Иштирокчи-мамлакатлар учун ягона пул-кредит сиёсатини юритувчи ЕМБ ўз фаолиятини бошлади.

Ягона пул-кредит сиёсатининг инструментлари орқали тижорат банклари ва йирик компанияларни еврода операцияларни амалга ошириши рағбатлантирилди.

1999 йилнинг 1 январидан бошлаб, ҳисоб-китоблар учун евро ҳудудига кирувчи мамлакатларнинг миллий валюталарини еврога нисбатан қаттиқ курси белгиланди:

Валюта	1 еврога тенг бўлган миллий валюталар бирлиги
Бельгия франки	40,3399
Немис маркаси	1,95583
Испан песетаси	166,386
Француз франки	6,55957
Ирландия фунти	0,787564
Италия лираси	1936,27
Люксембург франки	40,3399

Голландия гульдени	2,20371
Австрия шиллинги	13,7603
Португалия эскудоси	200,482
Финландия маркаси	5,94573

1999—2002 йилларда ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда евро ва унга боғланган миллий валюталардан фойдаланилди, ҳудуднинг барча давлат ҳамда хусусий сектор актив ва пассивлари еврода номинация қилина бошлади. Евро иттифоқида ягона пул-кредит ва валюта сиёсати юритилиб, ЕИнинг умуммиллий банк институтларининг фаолияти бошланди.

2002 йилнинг 1 январида муомалага евро банкноти ва тангалари чиқарилди, у миллий пул бирликлари билан параллел равишда фаолият юритди ва миллий пулларни еврога алмаштириш жараёни амалга оширилди бошланди.

2002 йилнинг 1 июлидан миллий валюталар муомаладан чиқарилиб, иштирокчи мамлакатларнинг ҳўжалик айланмаси бутунлай еврога ўтди. Лекин евро ҳудудида Буюк Британия, Швейцария ва Дания мамлакатлари киришни хоҳламадилар.

*ЕИнинг ягона валюта ва кредит бозорида қатор молия операцияларининг давлат томонидан тартибга солинишини бир хиллаштириш ва эркинлаштириш кутилмоқда, хусусан:*

- суғурта ва пенсия фондлари эндиликда евро ҳудудида инвестиция фаолияти билан шуғулланишда бир хил ҳуқуққа эга бўладилар. Бу уларни мажбурий тарзда давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга бўлган амалдаги тартибдан қутулиб, ўз портфелларини диверсификация қилиш имкониятини беради;

- давлат қимматбаҳо қоғозларини жойлаштириш бўйича бирламчи дилерлар чегараланган миллий ус-тунлигини йўқотадилар;

- айрим мамлакатларда махсус руҳсат талаб этиладиган ва кўчмас мулк гарови эвазига бериладиган кредитлар, евро ҳудудида эркин ва тез кўчиб ўтувчи тус олади;

- ҳозирги кунда миллий пул-кредит сиёсатининг манфаатларини кўзлаб, ўз ҳудудида ҳамкор-мамлакат банклари фаолиятини назорат қилиш амалиёти бекор бўлади;



• ЕИда солиқ тизимларининг интеграцияси жадаллашади.

Умуман, мутахассисларнинг фикрича, евронинг муомалага киритилиши билан халқаро иқтисодий, жумладан молия муносабатларида сезиларли ўзгаришлар амалга ошириши башорат қилинмоқда. Евро ҳудудида пул ва капитал бозорида таклифнинг кенгайиши кутилмоқда, чунки евро ҳудуди мамлакатлари валюта захираларини олдинги ҳажмда сақлашга эҳтиёж бўлмаганлигидан валюта захиралари ҳажмини қисқартириш амалга оширилмоқда. Бу ҳолат мазкур бозорларни янада эркин ва динамик бўлишига олиб келади, унда асосий ҳал қилувчилик роли давлатдан, хусусий қарз берувчиларга ўтади. Инвестицияларнинг асосий оқими эса, давлат мажбуриятларига эмас, балки корхоналар қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга йўналтирилади. Бу фонд бозори билан ишлаб чиқаришни боғлаб, капитал айланмасини тезлаштиради.

Еврони киритилиши банклар учун ЕИда ягона банк хизмати бозорини, шунингдек ягона давлат ва корпоратив қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келишини билдиради.

Саноат корхоналари учун евронинг киритилиши, ундан баҳо ва тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, шунингдек ҳисоб-китоблар ҳамда валюта рискинни сугурталаш билан боғлиқ харажатлар пасайишини билдиради. Бу айниқса молия корхоналарини соғломлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Улар акцияларининг даромадлиги ошади ва нисбатан яхши ривожланмаган Жанубий Европа давлатлари иқтисодиётини шимолий давлатлар даражасига тенглашишини тезлаштиради.

Жаҳон молия марказлари масаласида эса агар Буюк Британия евро ҳудудига қўшилмаса, унда етакчилик мавқеи Лондондан Франкфурт-Майн ва Парижга ўтиши кутилмоқда. ЕИининг валюта ва иқтисодий бирлашуви келгусида жаҳон хўжалигида кучлар нисбатини “янги Европа” фойдасига қараб ўзгаришига ҳамда АҚШ ва Япониянинг жаҳондаги мавқеининг кучсизланишига олиб келиши мумкин.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Европа валюта тизимига тавсиф беринг.
2. ЭКЮ ва СДР бир-бирдан қандай фарқли жиҳатларига эга?
3. Ягона Европа акти қачон имзоланди ва ушбу актнинг Европа иттифоқини ташкил этилишига қандай таъсир этди?
4. Маастрихт шартномасининг асосий шартлари нималардан иборат?
5. ЕИнинг ягона валюта ва кредит бозорида қайси молия операцияларини давлат томонидан тартибга солинишини назарда тутилган?
6. Евронинг муомалага киритилиши билан жаҳон молия марказларида қандай ўзгаришлар кузатилмоқда?

### 2.4. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИДА ОЛТИННИНГ АҲАМИЯТИ

Тарихан жаҳон пули функциясини олтин ва кумуш бажариб келган бўлсада, Париж валюта тизими (1867йил) доирасида фақатгина олтин жаҳон пули сифатида қабул қилинган. Бироқ, демонетизация натижасида олтиннинг аҳамияти бир мунча камайди. **Олтин демонетизацияси** — бу олтиннинг пул функцияларини бажаришдан аста-секин маҳрум этиш жараёнидир. Демонетизация жараёни XIX аср охиригача бир неча юз йил давом этган кумуш демонетизацияси каби узоқ муддатли жараёндир.

Олтин демонетизацияси объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳланади:

- олтин пуллар замонавий товар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермайди;
- кредит муносабатлари ривожланиши билан кредит пуллар — банкнота, вексель, чеклар аста-секин олтинни аввал ички пул муомаласидан кейин эса халқаро валюта муносабатларидан сиқиб чиқарди;
- олтин муомаласининг давлат томонидан тартибга солиниши — унинг демонетизациясини тезлаштиради;
- субъектив омиллар сифатида АҚШнинг валюта сиёсатини кўрсатиш мумкин.

АҚШ валюта сиёсатининг стратегияси долларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида олтинни жаҳон валюта тизимининг асоси сифатида дискредитация қилишга йўналтирилган эди. Биринчи жаҳон уру-

шидан сўнг молия маркази Европадан Америкага кўчиб, АҚШ долларининг етакчилигини кучайтирди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ ўзининг йирик валюта-иқтисодий потенциалига таяниб, “доллар олтиндан яхшироқ” шиори остида доллар ҳукмронлиги учун курашни бошлаб юборди. Олтин демонетизациясини тезлаштириш йўли билан доллар етакчилигини мустақкамлашга йўналтирилган АҚШ тактикаси, аниқ вазиятга боғлиқ равишда ўзгарар эди. Урушдан кейинги вайронгарчилик шароитида Фарбий Европа ва Японияда олтиннинг аҳамияти ошди ва АҚШ ўзининг йирик олтин захираларидан (1949 йилда 24,6 млрд. долл. ёки капиталистик дунё расмий олтин захираларининг 75 фоизи) таянч сифатида фойдаланди. Чет эл марказий банкларида долларнинг олтинга алмаштирилиши йўлга қўйилди, бу эса унинг курсини барқарорлаштишига имкон берди. АҚШ таъсири остида долларнинг етакчи мавқеини сақлаб қолиш мақсадида 35 йил давомида (1934—1971) расмий баҳолар масштабида ҳамда валюта паритети учун база сифатида хизмат қилган олтиннинг пасайтирилган расмий баҳоси (31,1035 граммга тенг бўлган 1 унция олтин 35 долларга тенг) ушлаб турилди. Давлат аралашуви таъсирида олтиннинг расмий ва ҳақиқий баҳоси ўртасида сезиларли фарқ ҳосил бўлди. ХВФ Низомида долларнинг олтин таркибини ва унинг захира валютаси сифатидаги мавқеини сақлаб қолиш мақсадида аъзо давлатларни олтин билан ҳукумат операцияларини фақат расмий баҳода амалга оширишга мажбур қилинди. Шу мақсадда, тарихда биринчи марта 1961—1968 йилларда олтин пули (инг. “pool”) орқали олтиннинг бозор баҳосини давлатлараро тартибга солиш амалга оширилди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан АҚШнинг халқаро мавқеи нисбатан пасайди. АҚШ долларининг қадрсизланиши, олтиннинг реал захира активи сифатидаги мавқеи ўсишига имкон берди. Шундай бир шароитда ХВФ АҚШ таъсири остида АҚШ долларининг рақиби—олтин демонетизациясини тезлаштириш сиёсатини кучайтирди.

Олтин демонетизациясининг икки жиҳати фарқланади: юридик ва ҳақиқий. Ямайка валюта ислоҳоти натижасида демонетизацияга юридик яқун ясалди. ХВФнинг ўзгартирилган низомида валюта курси ва паритетини аниқлашда олтинга ихтиёрий таяниш истис-

но қилинган олтин паритети ва олтиннинг расмий баҳоси бекор қилинди. Олтиннинг расмий баҳоси бекор қилиниши муносабати билан марказий банкларга олтин захираларининг 31 август 1975 йил ҳолатига бўлган даражасини икки йил давомида ошириш тақиқлаб қўйилди. Бироқ, ХВФ низомида олтин халқаро захира активи сифатида тўғридан тўғри рад қилинмаган. Ҳақиқатда олтин демонетизацияси яқунланмаган. Олтиннинг аҳамияти тўғрисидаги масала қонуний актлар ва қатъий қарорлар билан эмас, балки товар ишлаб чиқариш, жаҳон хўжалиги ва валюта муносабатларининг реал шароитлари билан ечилади.

Олтин демонетизацияси жараёнининг давомлилиги ва қарама қаршилиги, унинг баҳолар даражасида хилма-хилликни вужудга келтиради. Айрим иқтисодчилар “демонетизация юз бераётгани йўқ ва олтин пулнинг классик функцияларини бажаришда давом этмоқда”, деб ҳисоблашмоқда. Бошқалари эса “олтин бутунлай демонетизацияланган ва фақатгина қимматбаҳо хом ашё кўринишидаги товар бўлиб келмоқда” деб ҳисоблашди. Яна бошқалари “олтин демонетизацияси шиддатли давом этапти, аммо тугалланмаган” деб ҳисоблашмоқда.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, валюта муҳитидаги олтиннинг аҳамиятидаги ўзгаришларни кўриб чиқамиз.

*Биринчидан*, кредит пуллар олтинни ички ва халқаро муомаладан сиқиб чиқарди. Олтиннинг тўғридан-тўғри товарларга айирбошланиши тўхтатилди, баҳоларни олтинда белгилаш бекор қилинди. У товар ишлаб чиқарувчилар иқтисодий алоқаларида тўлов ва муомала воситаси сифатида тўғридан-тўғри хизмат қила олмади. Аммо олтин иқтисодий айланмасдаги ўзининг муҳим аҳамиятини: фавқулодда жаҳон пуллари, халқаро кредитлар таъминотини бойлик манбаи сифатида сақлаб қолмоқда. Олтиннинг халқаро валюта муносабатларидаги иштироки кредит пуллар алмашган ҳолда, унинг ҳақиқий айирбошланиши амалга ошириладиган махсус бозорлар — олтин бозорларида йиғилган.

*Иккинчидан*, олтиннинг муомаладан чиқиши билан пулнинг хазина функцияси янги ҳолатлар билан тавсифланади. Хазиналар вақтинчалик пул муомаласини тартибга солувчи сифатида ишлатилмай қўйди. Чунки олтин кредит пуллар каби автоматик тарзда хазинадан

муомалага ва аксинча ҳаракатлана олмайди. Лекин бу ўзгаришларга қарамасдан, олтиннинг бу функцияси сўниб қолмади: муҳим ўзгаришларга қарамасдан, олтиннинг ички ва жаҳон бозори билан алоқаси сақланиб қолди. Хазина давлат (1998 йил июль ҳолатига 33,8 минг т.) ва алоҳида шахслар (25,4 минг т., ХВФ баҳоси бўйича), марказий банклар давлатнинг молиявий органларида ва халқаро валюта кредит ташкилотларида жамланган расмий олтин захиралари халқаро активлар сифатида миллатлараро аҳамиятга эга. Олтин демонетизациясини тезлаштириш сиёсатига қарамай, АҚШнинг олтин захиралари энг кўп миқдорда бўлиб (8,138 минг т.), расмий захиралар бўйича кейинги уч ўринда турувчи мамлакатлар (Германия, Швейцария ва Франция) захираларига тенг. Олтин захираларининг ҳажми мамлакатнинг валюта-молиявий мавқеини кўрсатади ва унинг кредитга лаёқатлилигини аниқловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Етакчи давлатлар “ўнлиги” олтинни (жаҳон олтин захираларининг 85 фоизини) асосий сақлаб турувчилари бўлиб ҳисобланади. Олтин захиралари нотекис (АҚШ— 8,138 минг т., ФРГ— 3 минг т., Швейцария— 2,6 минг т., Франция—2,5 минг т., Италия— 2 минг т.) тақсимланган. АҚШнинг расмий олтин захираларидаги ҳиссаси 1950 йилда 75 фоиз (20,3 минг т.)дан 1998 йилда 28 фоиз (8,138 минг т.)га тушди, Фарбий Европа мамлакатлари айниқса ЕИининг ҳиссаси эса 16 фоиздан (4,8 минг т.) 52 фоизга (15 минг т.) ўсди. Япония жуда кам олтин захираларига эга бўлсада, 1948-1992 йиллар давомида 3 тдан 754 т.га кўпайди ва шу даражада сақланиб келмоқда (1998й.). Японияда 1974 йилда олтин импорти, 1978 йилда унинг экспорти қонунийлаштирилган, 1982 йилда эса олтин бозори ташкил этилган. Расмий олтин захираларининг бир қисмини халқаро ташкилотларда (ХВФ—3,2 минг т., Европа валюта институти (1998 йилдан Европа Марказий Банки) — 2,86 минг т.га яқин, Базелдаги Халқаро ҳисоб-китоблар банки — 0,21 минг т.) сақлаш доимий ҳолга айланиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти расмий олтин захираларининг 18 фоиз(4,9 минг т.)га яқини 120 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Утган асрнинг 70-йиллари ўрталарида нефть баҳосининг кўтарилиши муносабати билан нефть экспорт қилувчи давлатлар (ОПЕК) ташкилоти аъзо-

ларининг олтин захиралари бир мунча ўсган бўлсада, ammo кейинги йилларда бу кўрсаткичнинг сезиларли қисқариши кузатилмоқда. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар жуда кам олтин захираларига эга.

Фарб мамлакатларида давлатлар ва шахсий хазиналар ҳажми (60 минг т. дан ортиқ) ярим асрдан кўпроқ вақт давомида қазиб чиқарилган олтинга тенг. Бундай катта ҳажмда йиғилган бирорта ҳам товар йўқ, шунинг учун олтин захираларини низоларсиз айирбошлаш қийин. Шунинг билан бирга замонавий товар ишлаб чиқариш олтин ўрнига хазина функциясини бажарувчи ўринбосар топа олмади. Олтиннинг табиий хоссалари — бир хиллик, бўлинувчанлик, чидамлилик, узоқ сақланувчанлик — жаҳон пулларига қўйиладиган талабларга кўпроқ мос келади.

Ва ниҳоят, олтиннинг жаҳон пули сифатидаги функциясида ҳам ўзгаришлар юз берди:

- олтин билан бўладиган халқаро ҳисоб-китобларни чеклаш жараёни унинг бу соҳада тўғридан-тўғри ишлатилиш зарурати йўқолишига олиб келди. Шуниси қизиқки, олтин андозаси шароитида халқаро ҳисоб-китобларда кредит воситалари кенг қўлланилган. Олтин фақатгина тўлов балансининг пассив қолдиғини қоплаш учун хизмат қилган;

- олтин жаҳон пули сифатида юзага чиқмоқда, шу билан бирга унинг уч белгисини сақлаб келмоқда — умумий сотиб олувчи бўлиб хизмат қилиш, тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиш ва умумхалқ бойлигининг моддийлашуви. Олтин ҳозир ҳам жаҳон бозорларида умумий товар бўлиб ҳисобланади. Олтинга эга бўлиб, олтин бозорларида зарур валютани сотиб олса бўлади, унга эса исталган товарни сотиб олиш ёки уни тўлаш орқали қарзни узиш мумкин. Танглик ҳолатида фавқулодда жаҳон пули сифатида олтиннинг аҳамияти ошди. Валюта танглигининг юзага келиши “олтин жазаваси” шаклида барқарор бўлмаган валютадан олтинга “қочиш”га олиб келади. Ривожланаётган мамлакатлар бадалларини қайтариб олиш тартибида ХВФдан 46,5 тонна олтин олиб, ташқи қарзларни қоплаш учун 20 т. олтинни сотиб юборишди.

Олтиннинг юридик демонетизациясига қарамай, у халқаро валюта-кредит муносабатларида муҳим аҳамиятга эга.

*Биринчидан*, олтин захираларининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда давлатлар иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қийинчиликлар учун олтин захираларини маълум бир даражада ушлаб туришга интилоқдалар. 1970-йиллар ўртасида кўпчилик мамлакатлар бозор даражасига мослаб даврий равишда унинг баҳосини ошириб юборди. Фақатгина АҚШ энг кўп олтин захираларига эга бўла туриб, уни баҳолашда бекор қилинган баҳо (1 унция учун 42,22 долл.)ни қўллади. Марказий банклар 1973 йилдан олтин захираларини деярли ўзгармас ҳолда сақлаб келмоқда, уларнинг айримлари (Франция, Швейцария) давлат захираларини тўлдириш мақсадида кимошди савдоларида олтин харид қилдилар. Ўтган асрнинг 80-йилларида айрим ОПЕК мамлакатлари (Эрон, Ироқ, Ливия, Индонезия) ҳам жаҳон бозорларидан олтинни харид қилдилар.

Жаҳон олтин бозорларига олтинни энг кўп етказиб берувчи давлатлар қаторида Жанубий Африка Республикасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, Жанубий Африка Республикаси ҳозирги кундаги ҳажмда яна 25 йил мобайнида олтин етказиб бериб туриши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси дунёдаги энг кўп олтин қазиб чиқарувчи 10 мамлакатлардан бири ҳисобланади. Республиканинг йиллик олтин қазиб чиқариш қуввати 75 — 80 тоннани ташкил этади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Қозоғистон Республикасида 35 — 40 тоннани, Арманистон Республикасида эса атиги 2,5 — 3,0 тоннани ташкил этади.

Япония, Австрия, Италия каби мамлакатлар олтинни жаҳон бозорларидан сотиб олувчилар бўлиб иштирок этадилар. Чунки олтин инфляцияга қарши самарали жамғариш воситаси ҳисобланади.

*Иккинчидан*, ўзларининг олтин захираларидан “своп” битимлари учун тўлов баланси тақчиллигини қоплаш мақсадида халқаро кредитлар (1970-йиллар ўртасида Италия, Португалия, Уругвай, 1980-йилларда ривожланаётган мамлакатлар)ни таъминлаш ва ташқи қарзларни тўлаш учун ишлатадилар. Баъзи ҳолларда олтиннинг бир қисми валюта захираларини тўлдириш учун сотилмоқда (масалан, Англия банки ХВФ ХХ асрнинг сўнгги йиллари ва ХХI асрлар бўсағасида).

ЕВИИга аъзо мамлакатларнинг 20 фоиз олтин захиралари ЭКЮ эмиссиясига қисман таъминот бўлиб хизмат қилган. Олтин евро эмиссиясини 1999 йилдан

амалга ошираётган ЕМБининг активлари (10-15 фоиз миқдори)да сақланиб қолган.

Учинчидан, демонетизация сиёсатига қарши олтиннинг марказий банклар, 1994 йилдан Европа валюта институти, 1998 йилдан ЕМБ ўртасида қисман ишлатилиши учун Европа валюта иттифоқи ташкил қилинган. Шу тарзда олтин замонавий шароитларда ҳам металл валютанинг маълум сифатларини, яъни фавқуллодда жаҳон пуллари вазифасини сақлаб келмоқда.

### Текшириш учун савол ва тошпириқлар

1. Олтин демонетизацияси нима ва унинг сабаблари нимада?
2. Долларнинг олтин таркибини ва унинг захира валютаси сифатидаги мавқеини сақлаб қолиш учун ХВФ қандай йўл тутди?
3. Валюта муҳотида олтиннинг қийматида қандай ўзгаришлар рўй берди?
4. Қайси мамлакатлар энг кўп олтинни сақлаб турувчилар ҳисобланишади ва нима сабабдан?
5. Олтиннинг жаҳон пули сифатидаги функцияларида қандай ўзгаришлар юз берди?
6. Жаҳон олтин бозорларига энг кўп олтин етказиб берувчи давлатларни сананг.
7. Жаҳон бозорларидан энг кўп олтинни сотиб олувчи мамлакатлар фаолиятдан қандай мақсадлар кўзда тутилади?
8. Ўзбекистоннинг жаҳон олтин бозоридаги мавқеи ва иштироки хусусида фикр юритинг.

### ФОЛЬКСВАГЕН АМЕРИКАДА

ТМКлар бозордаги мавқеини ҳамда даромадларини ошириш мақсадларида кўплаб стратегиялардан фойдаланади. 1970-йиллар охирида «Фольксваген»ни АҚШдаги ишлаб чиқариш қудратини оширишга қаратилган инвестициялари, ТМКларни халқаро рақобат позициялари бўйича ўзгаришларга мослашишига ёрқин мисолдир. 1971 ва 1973 йиллардаги валюта инқирози ва у билан боғлиқ девальвация юз бергунга қадар Фольксваген АҚШга автомобиль етказиб берувчи энг йирик хорижий таъминотчи эди. 1969—1971 йилларда ушбу компаниянинг АҚШга йиллик экспортни 500000 автомобилни ташкил этарди. «Фольксваген»нинг бозордаги ҳолати, унинг кучли экспорт позициялари, доллар курсининг ҳамда америка ишлаб чиқарувчиларининг йирик ҳажмдаги машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашганли-



ги асосида белгиланар эди. 1972—1975 йилларда «Фольксваген»нинг бозордаги улушини қисқариши, компанияни корпоратив стратегиясини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. 1975—1976 йилларда Германияда жойлашган компания бошқаруви АҚШда ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш бўйича режа ишлаб чиқди. 1977 йилда бошланган «Фольксваген» инвестициялари куйидаги шартларга асосланарди.

1). «Фольксваген» Пенсильвания штати ҳукумати ва маҳаллий бошқарув томонидан амалга оширилаётган инвестициялар учун сезиларли рағбатлантиришлар олди.

Ушбу соф субсидиялар миқдори 111 млн. доллардан ортиқ эди. Субсидиялар натижасида «Фольксваген» инвестициялари учун оладиган ички даромад ставкаси АҚШда 18 дан 23,5 фоизга ортди.

2). Ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳсулотни кўпгина мамлакатларга тарқатиш йўллари «Фольксваген»га сезиларли даражада маблағ ва даромадлар келтирувчи турли молиявий ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш имкониятини берди.

Мазкур фаолият ўткинчи баҳоларни белгилаш ҳамда фойда-солиқ ўртасидаги самарали нисбатни ҳам қамраб олади. 1970 йил охирларида ўткинчи баҳоларни белгилашдан даромад келтирадиган махсус валюта муносабатлари мавжуд эди.

3). АҚШда инвестиция амалга оширилаётган пайтда «Фольксваген» автомобиль қисмларини Фарбий Германияда, Лотин Америкаси ҳамда АҚШда ишлаб чиқарарди. Пенсильвания лойиҳаси фойдани ушбу корхоналарнинг биридан-иккинчисига кўчириш имкониятини берарди.

4). «Фольксваген»ни АҚШда инвестицияларни амалга ошириши шароитида ўткинчи баҳоларни белгилаш асосий корхона ва филиаллар ўртасидаги автомобиль компанияларига хизмат кўрсатиш ва савдони ҳам қамраб олганди. Шунингдек унинг таркибига қарзларнинг асосий суммасини тўлаш ва Фарбий Германиядаги асосий компанияга фоизларни қоплаш «Фольксваген Америка»нинг эски капитал ускуналарини сотиш ва америка филиалига бошқариш учун комиссиялар кирган.

5). «Фольксваген» компаниясининг АҚШда ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилишга инвестициялар киритиш ҳақидаги қарори қатор имтиёзлар олишни кўзларди. Хусусан, ўткинчи баҳоларни белгилаш каби устунлик халқаро даражада фойдаланиш, инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатнинг қулай географик жойлашиши ва ҳ.к.лар. Инвестицияларни жалб қилувчи мамлакатнинг инвестициялар мотивини рағбатлантиришга интилиши натижасида компания фаолияти қисман субсидиялар ёрдамида кўллаб-қувватланди.

## Ш Б О Б

# ВАЛЮТА БОЗОРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ

### 3.1. ВАЛЮТА БОЗОРИНИНГ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

**Валюта бозорлари** — бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир. Яъни валюта бозори — бу чет эл валютасини олди-сотдисини ва чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозларни ҳамда валютавий капитални инвестиция қилиш муносабатларини амалга оширувчи иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи марказ ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиётини ривожланган молия-кредит бозорисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу молия бозорларида сотувчи ва харидорлар пул-кредит маблағларини ва инвестицион қимматликларни иқтисодий муносабатлар орқали айирбошлаш юзага келишини, яъни уларнинг таннархини ва истеъмол қийматини намоён қилади.

Валюта бозори молия бозорининг муҳим ва асосий қисмини ташкил қилади.

Валюта бозорлари — жаҳон хўжалигининг ажралмас бўлаги бўлиб ҳисобланади. Валюта бозорларида банклар ва компаниялар валюта операцияларини, яъни валюталарнинг олди-сотдисини амалга оширадилар.

Валюта бозорларидаги операцияларнинг асоси бўлиб, ташқи савдо бўйича халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро туризм, капиталлар ва кредитларнинг давлатлараро ҳаракати ҳамда чет эл валютасини олди-сотди қилиш билан боғлиқ бошқа ҳисоб-китоб операциялари ҳисобланади.

Ҳозирги замон валюта бозорлари асосан 1944 йилдан кейин, яъни Бреттон-Вудс валюта тизимидан кейин юзага келган. Бу валюта бозорларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар замонавий электрон алоқалар орқали бир-бири билан узвий боғланган. Турли мамлакатларда жойлашган халқаро валюта бозорлари

валюталарни олди-сотди қилиш жараёнида бир-бирига нисбатан доимий таъсирда бўлади. Жаҳон валюта бозорлари асосан валютавий чеклашлар бўлмаган ёки заиф тарзда мавжуд бўлган мамлакатларда жойлашган.

Валюта бозорларининг асосан, 3 турини кўрсатиш мумкин.

1. Миллий валюта бозори;
2. Ҳудудий валюта бозори;
3. Жаҳон валюта бозорлари.

Валюта бозорида сотиб олувчи сифатида — талаб ва сотувчи сифатида — тақлиф бир-бири билан учрашади. Сотиб олувчи ёки сотувчи сифатида қатнашаётган ҳар қандай иқтисодий субъект, яъни давлат, хўжалик субъекти ёки фуқаро ўзининг молиявий қизиқишларига эга бўлади. Бу молиявий қизиқишлар бир-бири билан мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин. Манфаатлар бир-бири билан мос келган тақдирда, валюта қимматликларини олди-сотдиси ҳақида битим тузилади. Шунинг учун валюта бозори валюта қимматликларини сотувчи ва харидорнинг қизиқишларини намоён қилувчи ўзига хос иқтисодий инструмент ҳисобланади. *Функционал нуқтаи назардан* қараганда, валюта бозорлари ўз вақтида халқаро ҳисоб-китобларни, валюта рискларини суғурталашни, валюта захираларини диверсификациялашни, валюта интервенциясини амалга оширадиган ва валюта бозорида қатнашувчиларнинг курслари ўртасидаги фарқ натижасида келадиган даромадни ўзида намоён қилади. *Институционал нуқтаи назардан* қараганда, валюта бозорлари ваколатли банкларнинг, инвестицион компанияларнинг, биржалар, брокерлик идоралари, чет эл банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларини ўзида намоён қилади. Ташкилий-техник нуқтаи назардан қараганда, валюта бозори жаҳоннинг турли мамлакатлари билан халқаро ҳисоб-китоблар ва бошқа валюта операцияларини бир-бирини ўзаро боғловчи телеграф, телефон, телекс, электрон алоқа воситалари ва шу каби коммуникация тизимлари йиғиндисини ўзида намоён қилади.

Валюта бозорида сотувчи ва харидор ўртасида чет эл валютасини олди-сотди қилишда даллол бўлиб фақатгина банклар қатнашадилар. Валюта бўлимининг асосий вазифаси ўзининг мижозларига маълум бир валютадаги актив ва капиталларини бошқа бир хорижий валютага конвертирлашни таъминлаш ҳисобланади. Бу

жараён “нақд битим”, яъни спот операцияси ёки “муддатли битимлар”, яъни уларнинг кенг тарқалган шакли — форвард операциялари шаклида бўлиши мумкин. Жаҳоннинг барча молия марказларида маълум бир валютага нархларнинг ўрнатилиш диапозони бир хил тартибда ўрнатилиши анъанавий тус олганлиги банклар фаолиятини бу соҳага бирлашувининг ўрнатилишига олиб келади. Айни бир молия марказида маълум бир қисқа вақт оралиғида бозор ставкаси ўртача ставкadan сезиларли даражада фарқ қилса, у ҳолда турли нархлар натижасида фойда олиш мақсадида жараённи амалга оширувчи валюта арбитражи орқали тартибга солинади. Шу орқали валюта бизнеси пул тизимини муҳим тартибга солувчиси сифатида ҳаракат қилади. Одатда умуммиллий аҳамиятга эга бўлган йирик банклар, шу жумладан бир қатор маҳаллий банклар маҳаллий бизнесга халқаро ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатувчи малакали мутахассислар билан таъминланган валюта бўлимига эга бўладилар. Ўз миждозининг ҳисоб-китоб бўйича топшириқларини бажарадиган ва ўз маблағлари ҳисобига катта операцияларни амалга оширмайдиган кичик банклар валюта бўйича мутахассисга эҳтиёж сезмайди. Бундай ҳолатда банкка шу соҳа бўйича умумий билимга эга бўлган мутахассиснинг ўзи кифоя қилади. Чунки бунда унинг роли миждозининг топширигини бажариши учун бошқа банк билан ҳамкорлик қилишдагина намоён бўлади. Жаҳон валюта бозорида валюта олди-сотдиси туну-кун амалга оширилади. Бунга асосий сабаб, жаҳон ҳудудий валюта бозорларининг турли соат милларида жойлашганлиги билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда Осиё — Токио, Гонконг, Сингапур, Мельбурндаги марказлари билан, Европа — Лондон, Франкфурт-на Майне, Цюрих, Америка — Нью-Йорк, Чикаго, Лос-Анджелес валюта бозорлари жаҳон валюта бозорларининг асосий қисмини эгаллаган. Жаҳоннинг ҳудудий валюта бозорларида одатда барча валюталар катировка қилинмайди, балки фақатгина ушбу бозорда қатнашаётганларга керакли бўлган валюталар, яъни маҳаллий пул белгилари ва бир қатор етакчи эркин конвертирланадиган валюталар, биринчи навбатда, захира валюталар (АҚШ доллари, япония иенаси, евро, швейцария франки ва шу каби валюталар)дан кенг фойдаланилади. Бунда табиий ҳолки,

етакчи, яъни захира валюталар курсининг ўзгариши натижасида турли бозорларда ёки битта бозорда котировка қилинаётган валюталар турли вақтларда бир хил нархни сақласада, уларнинг курсида бироз тебраниш-ни кузатиш мумкин. Валюта курсларининг бундай тебранишлари валюта бозорида валюта операцияларини амалга оширувчи чайқовчилар даромадининг манбасини ташкил қилишга хизмат қилади.

Валюта операциялари вужудга келиши учун объектив асос бўлиб, ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати хизмат қилади. Халқаро меҳнат тақсимоти юзага келиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига асосий сабаб бўлади.

Валюта операцияларининг кенг қўламда ривожланиши тижорат банкларига ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айни вақтда уларни тартибга солишга имконият туғдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий иқтисодиётни фақат шу мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барча эҳтиёжларни қондириб бўлмайди. Демак, мамлакатлар ўртасида экспорт-импорт операциялари албатта амалга ошиши юз беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, валюта бозорларининг аҳамияти миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувида намоён бўлади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Валюта бозори нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Валюта бозорларидаги операцияларнинг асоси нима?
3. Валюта арбитражи нима?
4. Валюта операциялари юзага келишининг асосий сабаби нимада?

### 3.2. ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунида **хорижий валютага** қуйидагича таъриф берилган:

— хориж давлатларида муомалада юрувчи ва қону-

ний тўлов воситаси ҳисобланадиган пул бирликлари, шунингдек муомаладан олинаётган ёки олинган бўлсада, республикамиз пул бирликларига айирбошланиши кўзда тутилган банкнотлар;

— чет эл давлатларининг пул бирликлари ва халқаро пул бирликларининг ҳисобварақлардаги ва депозитлардаги маблағлари.

Мазкур қонун, шунингдек “валюта қимматликлари” ва “валюта операциялари” тушунчаларига ҳам аниқликлар киритади. Унга мувофиқ, **валюта қимматликлари** қуйидагилардир:

— хорижий валюта;

— хорижий валютадаги қимматбаҳо қоғозлар — фонд қимматликлари (акция, облигация ва бошқалар);

— хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари (чек, вексел, аккредитив ва бошқалар);

— қимматбаҳо металллар — олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий) ҳар қандай кўринишда, шунингдек лом кўринишида (ҳар хил ювелир кўринишидагилар бундан мустасно);

— табиий қимматбаҳо тошлар — олмос, рубин, зумрад, сапфир ва александиртлар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий) ҳамда гавҳарлар ҳар қандай кўринишда, шунингдек лом кўринишида (ҳар хил ювелир кўринишидагилар бундан мустасно).

“**Валюта операциялари**” эса қуйидагилардир:

— валюта қимматликларидаги мулкка эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ операциялар, шу жумладан, хорижий валютадан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ операциялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидан ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиш билан боғлиқ операциялар;

— хориждан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилатган ва жўнатилган ҳамда Ўзбекистон Республикасидан хорижга олиб чиқилаётган ва жўнатилаётган валюта қимматликлари;

— халқаро пул ўтказмалари.

Юқорида қайд этилган валюта операцияларини тижорат банкларидан фақатгина “ваколатли банклар” номини олганлари амалга оширадilar. **Ваколатли банкларга** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензиясини олган ҳиссадорлик-тижорат,

тижорат, кооператив ва хусусий банклар, шу жумладан, чет эл иштирокидаги қўшма банклар (филиаллар, ваколатхоналар) ҳам кириши мумкин.

Хорижий валютадаги операциялар икки турга, яъни *жорий ва капитал ҳаракати* билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади.

#### **Жорий валюта операциялари:**

— товарларни (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) экспорт ва импорт қилиш бўйича ҳисоб-китоблар, валюта қимматликларининг олди-сотдиси, интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқини сотиш, қарз маблағларини жалб қилиш ёки тақдим этишни кўзда тутмаган, кечиктирилмайдиган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар;

— банк омонатлари, кредит, инвестиция ва бошқа молиявий операциялардан олинган хорижий валютадаги даромадларни чет элга ва чет элдан фоиз, дивиденд ва бошқа кўринишдаги ўтказмалар;

— носавдо тусдаги (иш ҳақи, нафақа, мерос ва шу кабиларни) ўтказмалар, шунингдек шунга ўхшаш бошқа операциялар киради.

#### **Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари:**

— инвестиция, шу жумладан чет элдан харид қилинган ва чет элга сотилган қимматбаҳо қоғозлар;

— берилган ва олинган халқаро кредитлар;

— жалб қилинган ва ҳисобварақларга ва жамғармаларга жойлаштирилган маблағлар;

— валюта қимматликларида тўловни амалга ошириш учун молиявий операциялар ёки маълум вақтдан сўнг уларнинг мулкый эгалик ҳуқуқи киради.

Хорижий валютадаги битимлар дунёнинг кўплаб банкларида тахминан эрталаб соат 9<sup>00</sup> да бошланади. Бироқ, дилерларнинг иш фаолияти бу битимларни тузишдан камида бир соат олдин бошланади. Ҳар куни эрталаб чет эл валютаси бўйича масъул ходим (бўлим бошлиғи) ўзининг ходимларини битимлар тузиш бўйича меъерий ҳужжатлар ҳамда зарурий маълумотлар ва янгиликлар билан таъминлайди. У ўзи йўналишни қайта кўриб чиқади (бозорни бир неча ой олдин таҳлил қилади) ва қуйидаги омиллар асосида ўз тактикасини аниқлайди:

а) Флоутинг тизимида айирбошлаш ставкаларида аниқловчи валюта ва фоиз ставкаларининг иқтисоди-

ётда ўзгариши асосий омиллардан бўлиб қолмоқда. Бунда улар битимлар муддатини курснинг тушиши билан ҳисоблашишмаса, у ҳолда худди шу битимлар курснинг ошиши билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

б) **Сийсий омиллар.** Мазкур омилларга ижтимоий ҳолат, ҳукуматнинг алмашиши ва шу каби валюта бозорига таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Кўпчилик ҳолатларда ушбу омиллар бозор ҳолатини белгиловчи энг муҳим омил бўлиши мумкин.

в) **Банкнинг чет эл валютасидаги ўз позицияси.**

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда курс асосан, йирик банклар ва йирик миллий ҳамда транс-миллий компания ва корпорацияларнинг маркет-мейкерлари томонидан кутилаётган талаб ва таклиф ўртасидаги фарққа боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

**Маркет-мейкерлар** — бу турли валюталарни битимлар бўйича сотиб олиш ва сотиш курслари котировкасини доимий равишда амалга оширувчи молия муассасалари ҳисобланади. Бозорнинг пассив иштирокчилари сезиларли даражадаги капитал билан қатнашаётган бўлсаларда, бозор ҳолатига кучсиз таъсир кўрсатадилар ва уларнинг фаолияти очиқ бозордаги курсларни профессионаллар томонидан тартибга солишга мажбур қилиши мумкин. Албатта, маркет-мейкерлар фақатгина чет эл валюталарини миллий валюта билан солиштирмайдилар, балки улар миллий валютага тегмаган ҳолатда чет эл валюталарини ўзларини котировкаларини ҳам амалга оширишлари мумкин. Умуман, маълум бир валюталарни эмитенти бўлган мамлакатларда шу валюта бўйича маркет-мейкерлар мазкур мамлакатда жойлашган бўлади. Евро бўйича етакчи маркет-мейкерларни Германиядан, швейцария франки бўйича эса Швейцариядан топиш мумкин. Маркет-мейкерлар ўзи мутахассис бўлиб ҳисобланган валютани олди-сотди курси котировкасини амалга оширади. Нисбатан кам банклар, бутун дунё бўйича валюта котировкасини берадилар, шундай бўлсада, Буюк Британиянинг кенг тармоқли клиринг банклари ўз мижозларига кенг кўламда котировкаларини таклиф этади. Валюта бозорида кам учрайдиган валюта билан боғлиқ операцияларни тижорат банкларида дилинг бўлимини ўзи эмас, балки қўшимча бўлимлар амалга оширадилар. Кам учрайдиган валюталар, асосан валюта бозори ривожланмаган мамлакатларда ёки чет эл валютаси



билан боғлиқ операцияларга маълум бир чекловлар қўйилган мамлакатларда учрайди. Албатта, бундай чекловлар мамлакат ҳудудига валюта кириб келишига эмас, балки қўпроқ чиқиб кетишига жорий қилиниши кенг қўлланилади. Агар банклар ушбу (кам қўлланиладиган) валюталар бўйича мижозларнинг талабларини бажара олмаса, улар ўзларининг филиаллари ёки бошқа валюталарда пул қабул қилиш ёки тўловни амалга ошириш мақсадида вакиллик банклардан фойдаланадилар.

Тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 28 мартда 31-сон билан тасдиқланган “Хорижий валюта операцияларни амалга ошириш учун тижорат банкларига лицензия бериш тартиби”га асосан, уч хил лицензия берилиши кўзда тутилган:

- **Бош лицензия.** Ушбу лицензияга эга бўлган ваколатли банклар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда барча валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

- **Ички лицензия.** Ушбу лицензияга эга бўлган ваколатли банклар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлиқ ёки чегараланган валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

- **Бир марталик лицензия.** Ушбу лицензияга эга бўлган ваколатли банклар хорижий валютада аниқ бир операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви ва халқаро валюта бозорларига интеграциянинг кучайиши натижасида валюта операциялари, мамлакатимизда тижорат банкларининг яна бир даромад топиш манбасини вужудга келтирмоқда.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Хорижий валюта тушунчасига таъриф бering.
2. Валюта қимматликлари ва валюта операциялари нима?
3. Қандай банклар ваколатли банклар дейилади?
4. Жорий валюта операциялари нима? Унга мисоллар келтиринг.
5. Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари деганда қандай операциялар тушунилади?
6. Валюта позицияси нима?
7. Тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун қандай лицензиялар берилади?

### 3.3. НАҚД КАССА БИТИМЛАРИ

Нақд касса битими деганда спот операциялари тушунилади.

**Спот операцияси** қоида бўйича битим кунини ҳисобга олмаган ҳолатда, икки иш куни давомида валютани айирбошлаш битимини билдиради.

**Спот курс** — бу спот битими тузилаётган вақтда бир мамлакат валютасини бошқа бир мамлакат валютасидаги баҳосидир. Спот курс ўзида унинг сузиб юрувчи ёки қатъий белгиланган тартибда ишлашидан қатъи назар операция амалга оширилаётган вақтда миллий валютанинг чет элларда қадри қанчалик баҳоланишини ўзида акс эттиради. Баъзи бир валюталарда ички ва ташқи қиймат деган тушунча мавжуд. Қуйидаги мисол орқали спот операцияларини яққолроқ акс эттириш мумкин: Женева ва Цюрихда соат 9<sup>00</sup> ва ФОРИКСда битимлар бошланди (FOREX). Бунда Швейцария банклари ўртасида телефонда келишувлар бошланди, секин-аста валюта бозорига чет эл валюта бозорлари ҳам қўшилади. Франкфуртлик дилер АҚШ долларининг швейцария франкига нисбати (курси) билан қизиқса, швейцария банки эса улардан АҚШ долл./еврога бирламчи нисбати(курси)ни сўрайди. Швейцария франки Лондон, Брюссель, Париж ва бошқа шу каби йирик молия шаҳарларининг банкларини чақиради ёки уларнинг ўзи у билан алоқа ўрнатади. Шу жумладан мустақил брокерлар ҳам курслар ҳақида маълумотлар йиғиш билан бу жараёнга қўшиладилар. Буларнинг ҳаммаси бозор қатнашчиларининг асосий мақсадини аниқлашга хизмат қилади. Шу бошланғич босқичда валюта харидори ва сотувчилари ўртасидаги курслар нисбатан кенгроқ намоён бўла бошлайди.

**Учинчи валюталар билан операциялар.** Оддий валюта курслари дилерларга умумий қилиб олганда, алоҳида муаммони қасб этмайди. Улар ўз котировкаларини бозорда кутилаётган аъъанага ёки жорий воқеликларга боғлиқ ҳолда ўзгартирадилар. Бундай ёндошув учинчи валюта курсини аниқлайди. АҚШ доллари кўпгина операцияларда базис валюта бўлиб ҳисоблансада, ҳатто миллий валютадаги битимларда асосий валюталарнинг бир-бири билан бўлган аниқ курсини ёки етакчи валюталарга нисбатан бўлган курсини аниқлаш осон эмас. Кўпгина дилерлар фунт-стерлинг/АҚШ долл.;

АҚШ долл./евро; АҚШ долл./швейцария франки ва шу каби операцияларга ихтисослашади. Дилер ёки унинг мижози еврони фунт-стерлинг ёки япон иенасига нисбатан курсини билмоқчи бўлса, бозорда бундай хизмат кўрсатувчи мутахассислар камлигига иқдор бўлади. Бунинг салбий томони шундаки, улар бу операцияни котировкага қўшгани учун алоҳида хизмат ҳақи (юқори фоиз) оладилар.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, валюта операциялари ичида энг кўп қўлланиладигани спот операцияларидир ва ушбу бозорларда тижорат банкларининг улуши сезиларли даражада. Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларининг таркибига қараладиган бўлса, унда спот операциялари ҳажми жами валюта операцияларининг 80 фоиз миқдорини ташкил этади.

Шунинг билан бирга спот операциялари тижорат банкларининг валюта операциялари ичида энг кўп рискка тортилгани бўлиб ҳисобланади. Бунга асосий сабаб, спот операцияларининг қисқа муддатлилиги ва уларни суғурталашнинг имкониятини йўқлигидир. Шу сабабли тижорат банкларига валюта позициялари бўйича лимитлар жорий этилган.

Ваколатли банкларнинг очиқ валюта позицияси юритилиши ҳақидаги ҳисоботни таҳлил қилишнинг зарурати Марказий банк томонидан республикадаги мавжуд ваколатли банкларнинг валютавий рисклари камайтирилишига қаратилган сиёсати билан изоҳланади.

**Валюта позициясига лимит** — ҳар бир давлатнинг иқтисодий ҳолати ва мамлакат молиявий тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўрнатилади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Қандай операциялар спот операцияси дейилади?
2. Учинчи валюталар билан операциялар қандай тарзда амалга оширилади?
3. Спот операцияларининг риск даражаси қандай?
4. Ўзбекистонда нақд касса битимлари кенг ривожланганми?

### 3.4. МУДДАТЛИ БИТИМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАР

Тижорат банкларининг муддатли битимлари деб, белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан кейин амалга ошириладиган операцияларга айтилади.

Амалиётда муддатли битимларнинг кенг тарқалган қуйидаги турлари мавжуд:

- форвард валюта битимлари;
- молиявий фьючерс битимлари;
- валюта опционли;
- своп операциялари.

**Форвард валюта битими** — бу валюта бўйича битим имзоланган санадан бошлаб, икки иш кунидан кейин амалга ошириладиган тўловни назарда тутувчи битимдир. Бу битим аниқ бир санада ёки икки сана орасида амалга оширишни назарда тутиши мумкин.

Қуйидагилар ушбу битимнинг айрим ўзига хос бўлган жиҳатлари мавжуд:

а) бу воз кечиб бўлмайдиган ва мажбурий шартномадир. Битим тузилгандан кейин мижоз битимдан воз кечишга ҳаққи йўқ. Мижоз шартномада кўрсатилган чет эл валютасини сотиб олиши ёки сотиши шарт.

б) бу битим чет эл валютасидаги аниқ бир суммани ташкил этади. Мижоз битимда кўрсатилган суммадан кўпроқ валютани сотиб олишга ҳам, сотишга ҳам ҳаққи йўқ.

в) битим келажакдаги аниқ бир санада бажарилиши шарт (агар опционли битимлар бўлса — иккита аниқ сананинг орасида). Мижозда форвард битими бажарилиш санасини узоқлаштиришга ҳам, яқинлаштиришга ҳам ваколат йўқ. Форвард валюта битими тузилгандан сўнг унинг бажарилиши фьючерс битимлари ва валюта опционларидан фарқли равишда мажбурий ҳисобланади.

Агар банк мижози билан чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш ҳақида битим тузса, у фақат мижози билан эмас, балки ташқи валюта бозори билан ҳам алоқа қилади. Бу шуни англатадики, банк мижози ёки бир қанча мижозлари билан тузган форвард битимлари учун, албатта, валюта бозори орқали валютани сотиб олиши ёки сотилиши қопланишини таъминлаши керак. Дилернинг «позиция»си ҳар қандай маълум куннинг ёки даврнинг охирида доимо тенг ҳолда бўлиши

шарт. Яъни сотиб олинаётган ва сотилаётган валюталар баланслаштирилади. Агар миждоз қандайдир бир сабаб билан битим шартларини бажаролмай қолса (бажаришни хоҳламаса), у ҳолда банк бозор билан тузган битимини бажариши шарт қилиб белгиланган. Шунинг учун, банк миждозидан битимда келишилган барча шартлар бажарилишини талаб қилади. Шу орқали форвард валюта битимининг шартлари қаттиқ ҳисобланади ва агар миждоз унинг шартларини бажара олмаса, банк миждознинг форвард валюта битимидаги мажбуриятларни бажармасдан кетиб қолишига йўл қўймайди, балки битимнинг муддатини «узайтиради» ёки «сўндиради». Форвард валюта битими *қатъий белгиланган ёки опционли* бўлади.

1. **Қатъий белгиланган форвард валюта битими** — бу келажакдаги аниқ бир санада бажарилиши шарт бўлган битимдир. Масалан, 1 сентябрда тузилган қатъий белгиланган икки ойлик форвард валюта битими, яъни икки ойдан сўнг амалга ошириладиган битим.

2. **Опционли форвард битими** — бу миждознинг хоҳишига кўра ёки битим тузилган вақтдан унинг бажарилишигача бўлган даврнинг ичида хоҳлаган вақтда ёки иккита аниқ сана давомида амалга ошириладиган битимдир.

Қайд этиб ўтиш лозимки, форвард валюта битими соф валюта опционларидан фарқ қилади. Валюта опцион миждозга келишилган битим шартларини бажариш ва бажармаслик ҳуқуқларини беради. Форвардли опцион эса миждозга уни бажармаслик ҳуқуқини бермайди.

Қуйидаги мисоллар орқали қатъий белгиланган ва опционли форвард валюта битимларини кўриб чиқамиз:

Франциянинг йирик бир савдо компанияси ўзбекистонлик экспорт-импорт фирмаси билан 1 млн. АҚШ доллари миқдоригадаги халқ истеъмоли моллари етказиб беришга шартнома тузди. Ўзбекистонлик фирманинг илтимосига кўра Франция компанияси 2 ой муддатга товарли кредит берди. Маҳсулотларни жўнатиш 1 майда, тўлов эса 1 июнда амалга оширилиши кўзда тутилди. Франция компанияси яқин 6 ой давомида АҚШ долларига эҳтиёж сезмади ва унинг АҚШ долларини еврога сотилишига зарурат туғилди. Франция томони ўз режасини икки йўл орқали амалга ошириши мумкин:

а) ўзбек фирмаси томонидан 2 ойда келиши кутилган сумма келиб тушишини кутиб, келиб тушганидан сўнг спот-курс бўйича маблағларни сотиш.

б) қатъий белгиланган ҳозирги курс бўйича 1 млн. АҚШ долларини сотиш ҳақида 2 ойдан кейинги санада етказиш шарти билан битим тузиш.

**Форвард битими** — бу маълум санада аниқ миқдордаги валюталарни сотиб олиш ёки сотишнинг, ёки келажакда аниқ икки сана орасида бажарилиши қатъий мажбурият эканлиги маълум. Бироқ, агар мижоз форвард битимини бажара олмай қолса нима бўлади? Масалан, импорт қилувчи қуйидаги салбий ҳолатларга дуч келиши мумкин, яъни:

- мол етказиб берувчи товарларни талабга мувофиқ етказиб беришга имконияти йўқ, шунинг учун, импорт қилувчи товарларни қабул қилишдан воз кечади ва уларга ҳақ тўлашдан бош тортади;

- мол етказиб берувчи етказиб келтиришлар миқдорини қисқарганидан келиб чиқиб, кутилганидан камроқ товарларни жўнатди. Шунинг учун импорт қилувчи уларга камроқ ҳақ тўлайди;

- айтайлик, мол етказиб берувчи белгиланган муддатдан кеч қолди. Шунинг учун импорт қилувчи товарларга ҳақни бироз кечроқ тўлаши мумкин.

Бу жиҳатларнинг ҳар бирида импорт қилувчи банкдан чет эл валютасини сотиб олиш истаги йўқ. Лекин форвард валюта битими шартлари бўйича у сотиб олишга келишган. Шу билан бирга, экспорт қилувчи ҳам шундай ҳолатга тушиши мумкин: ё умуман тўловни олмаслиги ёки бир муддат кечиқишлар билан катта ёки кичик суммада олиши мумкин. Бундай шароитда экспорт қилувчи форвард валюта битимида кўрсатилган шартларни бажара олмаслиги, хусусан, ўз банкига чет эл валютасининг барчасини ёки маълум қисмини сотиш имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда банк позицияси қуйидагичадир: агар мижоз форвард валюта битими шартларини бажара олмай қолса, банк уни мазкур шартларни бажаришга ундайди ва:

а) агар мижоз банк билан валютани сотиш ҳақида битим тузган бўлса, лекин у мазкур валютани банкка етказа олмаса, у ҳолда банк:

- валютани мижозга спот курс бўйича сотиши (битимнинг бажарилиш муддати келганда);

• форвард валюта битими шартлари бўйича қайтадан валютани сотиб олиши мумкин.

б) агар мижоз банк билан валютани сотиб олиш ҳақида битим тузган бўлса у ҳолда банк:

• кўрсатилган миқдордаги валютани «форвард» курси бўйича мижозга сотиши;

• тезда зарур бўлмаган валютани қайтадан «спот» курс бўйича сотиб олиши мумкин.

Натижада банк мижозга етишмаётган валютани «спот» курс бўйича сотиб олиб ёки сотиб, форвард валюта битими бажарилишига имконият яратади. Бу келишувлардан форвард валюта битимини сўндириш сифатида фойдаланилади. Форвард валюта битимини сўндиришда банк, одатда, мижознинг жорий ҳисобрақамида бир ёзув олиб боради, унда икки битим ўртасидаги фарқ акс этади. Бу ёзув дебитли ёки кредитли қолдиққа эга бўлиши мумкин, чунки «форвард» курси ва «спот» курси ўртасидаги фарқ ё зарар, ё даромад келтириши мумкин. Сўндириш жараёнини қуйидагича аниқланади. Сўндириш — форвард валюта битимини тугаллашдир, агар битимнинг бошқа қатнашчиси мазкур битим бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаса, ёки бажаришни истамаса, амалга оширилади. Сўндириш тўлиқ ёки қисман амалга оширилиши мумкин.

Тўлиқ сўндириш мижоз томонидан қуйидагилар аниқланганда амалга оширилади:

а) у битим бўйича банкка сотиши керак бўлган валютани ололмай қолганда;

б) битим бўйича банкдан сотиб олиши шарт бўлган чет эл валютасига эндиликда эҳтиёж сезмаганда.

Банк қисман сўндиришни мижоз томонидан қуйидагилар аниқланганда амалга оширилади:

а) у битим бўйича банкка сотиши керак бўлган валютанинг тўлиқ суммасини ололмай қолганда;

б) битим бўйича банкдан сотиб олиши шарт бўлган чет эл валютасининг ҳаммасига эҳтиёж сезмаганда.

Форвард битимларини узайтиришда қуйидаги ҳолат вужудга келиши мумкин: форвард валюта битими ўз ниҳоясига етмоқда, бироқ, мижоз хорижий харидордан ёки хорижий сотувчидан тўловга кутилаётган валютани ҳали олмаган бўлиши мумкин. Мижоз форвард валюта битимида келишилган миқдордаги валютани ҳали сотиб олиш ёки сотиш нияти бор, лекин у мазкур битимдаги валютанинг етказиб берилиш вақтини

узайтириш нияти бор. Бундай ҳолатда миждоз қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

а) спот битимига мувофиқ, банкдан эски битимни сўндиришни сўраши ва оддий йўл орқали ҳисобланган қўшимча даврнинг курси бўйича янги битим тузиши мумкин;

б) банкдан ушбу битимдаги сотиб олиш ва сотишнинг банк курсларини ўзгартириб, битимни узайтиришни сўраш.

Шундай қилиб, форвард валюта битимини узайтириш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин, деган савол туғилади.

а) форвард валюта битимини сўндириш сингари банк ўзининг ташқи валюта бозоридаги позициясини ҳимоя қилади ва шунинг учун:

- агар бирламчи форвард валюта битими банк томонидан валютани сотишга йўналтирилган бўлса, энди у санани узайтирувчи ўзининг спот харид курсини қўллайди;

- агар бирламчи форвард битими банк томонидан валютани харид қилишга йўналтирилган бўлса, энди у санани узайтирувчи ўзининг спот сотиш курсини қўллайди.

Банк одатда битим муддатини узайтираётганда миждознинг жорий ҳисобварағида «форвард» курси билан ёпилиш «спот» курси ўртасидаги фарқни миллий валютада қайд қилиб боради, яъни миждознинг ҳисобварағи фойдали бўлганда кредитланади ва зарарли ҳолат кузатилганда дебитланади;

б) форвард валюта битимини узайтириш сўндиришга қараганда қуйидагилар билан ажралиб туради, бунда банк миждоз билан оддий форвард битимидан фарқли ўлароқ, миждозга мақбул бўлган курс бўйича янги форвард битимини имзолайди.

Бу қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- банк томонидан валютани сотиш муддатини узайтириш кўрилаётганда «спот» курс бўйича харид қилиш ва жорий мукофот ёки дисконт бўйича сотишни қўллаш;

- банк томонидан валютани харид қилиш муддатини узайтириш кўрилаётганда «спот» курс бўйича сотиш ва жорий мукофот ёки дисконт бўйича харид қилишни қўллаш.

Бу яна «диагонал қоида» сифатида машҳурдир, яъни



форвард битими узайтирилаётганда форвард курси қуйидагича аниқланади:

*Сотишнинг спот курси*

*Хариднинг спот курси*

*Сотишнинг  
мукофот ёки дисконти*

*Хариднинг  
мукофот ёки дисконти*

Агар ушбу қоида ҳали унчалик даражада тушунарли бўлмаса, форвард валюта битими курсини қуйидагича аниқлаш мумкин:

а) агар бу битим банк томонидан сотишни (ва мижоз томонидан сотиб олишни) назарда тутса:

- муддатни узайтириш санасига банкнинг спот харид курси (битим муддати узайтирилмаганда, банкнинг битимни сўндириш курси);
- битим муддатини узайтириш даврида (масалан, агар битим бир ойга узайтирилган бўлса, унда сотиш курсига форвард дисконти ҳисобланилади ёки мукофот қўшилади) банкнинг сотиш курсига минус дисконт (ёки сотиш курсига плус мукофот).

б) агар бу битим банк томонидан сотиб олишни (ва мижоз томонидан сотишни) назарда тутса:

- муддатни узайтириш санасига банкнинг спот сотиш курси (битим муддати узайтирилмаганда, банкнинг битимни сўндириш курси);
- банкнинг харид курсига минус дисконт ёки битимни узайтириш даврига плус мукофот. Таъкидлаш лозимки, форвард битимини узайтиришда банк мижозга битимни сўндиришга, яъни «*диагонал қоида*»га нисбатан анча қулай айирбошлаш курсини таклиф қилади.

**Молиявий фьючерс битимлари.** Молиявий фьючерс битимлари ўтган асрнинг 70-йилларида халқаро валюта бозорида биринчи бор қўлланилганлигининг ўзидаёқ кенг тарқалди. Молиявий фьючерслар концепцияси хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларидан келадиган фойдага асосланади. Андоза ҳажмидаги ва миқдоридagi ҳар қандай маҳсулотлар фьючерслар биржасида олди-сотди объекти сифатида қатнашиши мумкин. Агар қандайдир бир маҳсулот фьючерс операциясининг объекти ҳисобланса, тасаввур қилиш мумкинки, бундай опе-

рацияни евро, фунт-стерлинг ёки швейцария франки билан ўтказиш осонроқ ҳисобланади.

Шуни айтиш мумкинки, алоқа тизимининг доимий равишда такомиллашиши, битимлар тузиладиган жой — маълум бир маҳсулотларни ёки шартномалар сотиладиган ва харид қилинадиган ўрта асрларни эслатувчи ўзига хос айланма савдо расталари мавжуд бўлган катта операцион зални эслатади. Шунда операциялар, фақатгина оператор ходимларнинг уларга махсус белгиланган жойда турган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, шартномаларни сотиш ва сотиб олиш вақтида оддий бақирӣқ-чақирӣқлар орқали ҳам амалга оширилади. Ва турли биржаларда иш турлича бўлсада, умумий маълумот учун фақатгина битимлар бўйича тўлов муддати ва ставкалари ҳақида чегараланган маълумотлар берилади.

Фаол бозорда алоҳида битимлар ёки битимларнинг кичик гуруҳлари оммага маълумот тариқасида етказилмайди, чунки ставкалар жуда тезликда ўзгарувчи тавсифга эгадир. Юқорида таъкидланганидек, **валюта курслари бўйича фьючерслар** — бу келажакдаги маълум бир санага маълум ҳажмдаги валютани олди-сотди қилиш битимидир. Бу жиҳатлари билан улар форвард валюта битимларига ўхшайдилар, бироқ, форвард битимларидан фарқли ўлароқ, улар:

а) жуда оддий тарзда бекор қилинади;

б) валютани қатъий белгиланган суммасига тузилади (масалан, АҚШ долларига фьючерс бўйича 25000 фунт-стерлинг, АҚШ долларига фьючерс бўйича 125000 евро ва ҳ.к.);

в) расмий биржаларда сотилади;

г) фьючерс сотувчилари фьючерс мажбуриятлари бажарилишини кафолатлаш учун биржа дилерларига «пуллик маржа»ни тўлашни кўзда тутишлари керак.

Мувофиқлашган ҳисоб-китоб куни битимни тартибга солишда ўзига мажбурият олувчи ва биржа томонидан бериладиган кафолат тизими — маржа тизими (кафолатга аъзолик бадали)ни амал қилишига янги куч бермоқда. Битимнинг тугалланишигача қайта баҳоланиш натижасида юзага келувчи тақчилликни қоплашга киритилиши лозим бўлган маржа тизими — кафолатнинг аъзолик бадали таъминлайди. Масалан, халқаро валюта бозорида 25000 евро миқдоридан битимни тузиш учун сотувчи томонидан ҳам, харидор томони-

дан ҳам агар фақат улар қайта битимни амалга оширмаган бўлсалар, 1500 АҚШ доллари миқдорида кафолатга аъзолик бадалини киритиш талаб этилади. Қуйида сотувчи ва харидор томонидан валюта фьючерси бўйича биржада маржа ўзгартиришлари киритилиши мисолини кўриб чиқамиз.

*Мисол:* Биржанинг аъзоси ҳисобланган харидор декабрь ойида 25 000 фунт-стерлинг миқдоридаги фьючерс битимини 2 АҚШ доллари курсида бажарилишини сотиб олмақда (учинчи чоршанба ёки кейинги биринчи иш куни). Демак, битим қиймати — 50000 АҚШ долларини ташкил этади. Харидор биржага биржанинг аъзоси ҳисобланаётган ўз агенти орқали 1500 АҚШ доллари миқдоридаги маржани киритади. Биржа ҳар куни кечқурун барча бажарилмаган битимларни охириги курс бўйича қайта баҳолашни амалга оширади. Агар шу куни кечқурун фунт-стерлинг курси 1,98 долларгача тушиб кетса, табиий равишда харидор 500 АҚШ доллари миқдорида зарар кўриши мумкин эди. Биржа бу ҳолатда ундан маржани оширишни талаб қилмайди, чунки унинг зарарлари ҳажми киритилган маржадан ошмайди. Бу ўтказма маржа дейилади: фунт-стерлинг ҳолатида бу 1000 доллардир. Бироқ, агар фунт-стерлинг 1,95 АҚШ долларигача қадрсизланса ва битим фақатгина 48750 доллар турса, харидор биржанинг кейинги очилиш кунига 1000 АҚШ доллари ҳажми даражасини тиклаши учун яна 250 доллар қўшиши керак. Тескари равишда агар ҳар кунги қайта баҳолаш вақтида фойда (даромад) ташкил топса, унда 1000 АҚШ доллари ҳажмидаги минимал маржа сақланган ҳолда ортиқчаси харидорга ўтказилади. Шундай қилиб, ҳар кунлик асосда бажарилмаган битимларни қайта баҳолашда маржа тизими шу вақтнинг ўзида даромад олиш ва зарарларни қоплашни таъминлаш учун кафолат бадалининг ҳажми мослаштирилишини амалга оширади. Таъкидлаш лозимки, бу Чикаго фьючерс биржасида амал қилаётган маржа тизими ишлашини операция ўтказишни истаган қисқача кўринишидир. Биржага аъзо бўлиш ёки биржада операцияларни амалга ошириш истагини билдирган ҳар қандай томон биржада битимларни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари билан танишиши лозим. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, ташкилот ёки расмий шахс номидан биржада қатнашаётган биржа аъзоси ўзининг биржага биринчи киритган маржа-

сидан кўпроқ маржани талаб этиши мумкин. Бунга сабаб, ҳар куни маржага керак бўлган маблағни сўраб, ташкилотни безовта қилмасликдир. Бу асосан, бозор ниҳоятда тез ўзгарувчан ва нобарқарор ҳолатда бўлганида намоён бўлади.

Мазкур битимлар моҳиятини қуйидаги мисол яққолроқ намоён этади: брокер мижоздан 1 долл./2 евро нисбатида АҚШ долларига 20000 евро сотиб олиш учун уч ойлик фьючерс битимини тузишга буюртма олди. Брокер мижознинг маблағлари ҳисобига харид суммасига нисбатан 10 фоиз ҳажмда кафолат суммасини киритади. Бу сумма 2000 евро ни ташкил этади. Брокер бошқа бир брокердан 1 сентябрда уч ойлик фьючерс битимини 1 декабрда бажарилиш муддати бўйича сотиб олади, яъни брокер позиция очди. Фьючерс битимлари фойда ёки зарарлар ҳисобини қуйидаги формула орқали амалга оширади:

*Фьючерс битимида валютани харид қилиш:*

$$P = V(R\$ - Rb),$$

бу ерда: P — маржанинг ҳажми (фойда/зарар);

V — фьючерс бўйича битим ҳажми;

R\$ — позицияни сўндириш кунда валюта биржасида котировка қилинаётган АҚШ доллари курси (фьючерсни сотиш);

Rb — фьючерс битими бўйича валютанинг АҚШ долларига чет эл валютасини харид қилиш курси.

*Фьючерс битимида валютани сотиш :*

$$P = V(Rs - R\$),$$

бу ерда: Rs — фьючерс битими бўйича АҚШ долларини валютанинг фьючерс курси бўйича сотиш.

Биржадаги савдолар жараёнида долларнинг курси қуйидагини ташкил этди:

1.09.02 й. долл./еврога спот курси = 2,0010 евро

позицияни сўндириш куни

Маржа =  $(2,0010 - 2,0000) * 20000 = 20$  евро, яъни 20 евро фойда

2.09.02 й. долл./еврога спот курси = 2,0005 евро

позицияни сўндириш куни

Маржа =  $(2,0005 - 2,0010) * 20000 = -10$  евро, яъни 10 евро зарар

3 сен. долл./еврога спот курси = 2,0020 евро

позицияни сўндириш куни

Маржа=(2,0020-2,0005)\*20000=30 евро, яъни 30 евро фойда.

Иш куни охирида позицияни сўндириш вақтида фьючерс битими қайта баҳоланади. Брокер фьючерсни бажарилиш кунигача ушлаб турди. Бажарилиш куни фьючерс банклараро валюта бозорида спот котировка курси бўйича сўндирилади:

АҚШ долл. /евро 2,0100

Фьючерсни харид қилган брокернинг фойдаси куйидагичадир:

$P=(2,0100-2,0000)*20000=200$  евро.

Шу билан бирга, у ўзининг 2 000 евро ҳажмидаги кафолатланган аъзолик бадалини қайтадан олди.

Фьючерсни сотган брокернинг зарарлари куйидагичадир:

$P=(2,0000-2,0100)*20000$  евро = -200 евро.

У кафолатланган аъзолик бадалини 1 800 евродаги қисмини (2.000-200) қайтадан олди.

Фьючерслар биринчи бўлиб Чикагода пайдо бўлган кичик чайқовчиларга бозорга чиқишга инструмент бўлиб хизмат қилган ва йиллар ўтган сари унинг иштирокчилари сони ўсиш анъанасига эга бўлмоқда. Шунга қарамай, валюта фьючерслари тизими ҳисобида эгилувчанлик бўлмасада, улар жаҳон валюта бозорларида форвард битимларини иккинчи даражага тушира олмайди. Молия фьючерслари бўйича барча камчиликлар, ютуқлар ва кафолат мажбуриятлари юқорида қайд этилди.

Битта битим ёки бир қанча битимлар сони қўп битимларга нисбатан тезроқ сотилиши мумкин. Йирик бўлмаган операторларда яна бир устунлик бор. Бозор муносабатлари шароитида битта битим ёки кичик бир сумма ставкаси фарқ қилмайди.

**Валюта опциони.** Валюта опциони унинг харидорига маълум бир ҳуқуқни беради, айти пайтда унинг зиммасига келажакдаги маълум муддатда белгиланган нарх бўйича хорижий валютанинг муайян миқдорини харид қилиш ёки сотиш мажбуриятини юкламайди. Опционни сотувчи харидор олдида келажакдаги муайян муддатда қатъий белгиланган нарх бўйича муайян миқдордаги хорижий валюталарини харид қилиш ва сотиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Опцион шартномасининг тузилиши ҳар қандай олди-сотди савдо битими сингари сотувчи ва харидорнинг мавжуд бўли-

шини кўзда тутади. Опцион харидори (шунингдек опцион эгаси деб номланади) ушбу операцияни амалга ошириш ҳуқуқини олиш эвазига белгиланган миқдордаги пулни — воситачилик ҳақини тўлайди. Опцион олдиндан белгиланган муддатгача кучга эга бўлади. Ушбу муддат экспирация санаси деб аталади. Опцион турли хил турдаги товарлар учун (ер, кўчмас мулк, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва фьючерс контрактлари) тузилиши мумкин. Шунингдек у товарни амалда етказиб берилишини кўзда тутмаслиги мумкин (бундай опционга “ҳисоб-китоб” опциони дейилади).

Валюта опциони биринчи марта 1982 йили Филадельфия биржасида амалга оширилган эди. Шундан сўнг валюта опционлари билан савдо жаҳоннинг қўтлаб биржаларида амалга оширила бошланди. Опциондан инвестиция портфелининг муҳим элементи ва суғурталашнинг самарали усули сифатида фойдаланиш учун унинг қандай ишлашини билиш лозим.

Опционларнинг қуйидаги *иккита асосий тури* мавжуд:


- “колл-опцион” ёки харид қилиш учун опцион;
- “пут-опцион” ёки сотиш учун опцион.

Колл-опционнинг харидори олдиндан белгиланган нарх бўйича муайян товарни сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу “ҳуқуқ” харидорга аниқ товарни сотиб олиш ёки сотиш унинг учун фойда келтирмайдиган бўлган ҳолда ундан воз кечиш имкониятини беради. Масалан, колл-опционнинг харидори 1 АҚШ долларига 80 сўм нисбатдаги курс бўйича 100 АҚШ долларини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Пут-опционнинг харидори эса худди ўша шартларда олдиндан белгиланган муддатда, масалан, жорий ойнинг 30 санасига қадар ушбу нархлар бўйича АҚШ долларини сотиш ҳуқуқига эга. Опционнинг сотувчиси колл-опцион ҳолатида опционни бажариши, яъни сотиши лозим. Пут-опцион ҳолатида эса опцион харидори буни талаб қилса, муайян товарни сотиб олиши шарт, “ҳисоб-китоб” опциони бажарилган ҳолда фойда (зарарлар) пул шаклида ҳисобланади.

Опционни амал қилиши тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва опцион стратегияларини таҳлил қилиш фойда(зарарлар) диаграммасидан фойдаланилади. Ушбу диаграммалар бу опцион ёки бир неча опционлар (опционлар портфели) товарларга ҳар хил нарх қўйилган

вақтда қанча фойда (зарар) келтириши мумкинлигини кўрсатади. 1 АҚШ доллари учун 1200 рос.рубл нисба-тидаги курс бўйича валюта сотиб олинган ёки сотил-ган ҳолатда фойда ва зарарларнинг ўзгариши 2-чизма-да кўрсатилган.

2-чизма



Абсцисс ўқи бўйича АҚШ долларининг вужудга келиши мумкин бўлган курси кўрсатилган. Ординат ўқи бўйича эса валютани харид қилиш ва сотиш опе-рацияси келтириши мумкин бўлган фойда ва зарарлар акс эттирилган. Иккинчи диаграммада АҚШ доллари курси 10 бандга ошган ҳолатда инвестор ҳар бир харид қилинган доллар учун 10 рубл фойда кўриши, курс 10 бандга тушганда эса, ҳар бир доллар учун тегишли равишда 10 рублдан зиён кўришини акс эт-тирган.

Валюта опционлари валюта рискани камайтириш ва олдини олиш мақсадида фойдаланилади ва улардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- валюта тушуми (тўлови) нинг вақти ва миқдори аниқ бўлмаганда. Агар битим амалга ошмаса, опцион бозорда сотилиши (агар унинг қандайдир бир қиймати бўлса) мумкин, ёки даромад билан бажарилиши (агар бажарилиш нархи “спот” курсга нисбатан анча муво-фиқ бўлса) мумкин;
- чет эл валютасида баҳоланган тижорат таклифи ҳисобланган хорижий шартномани рағбатлантириш учун;
- чет эл валютасидаги ўз маҳсулотларининг нарх-навосини чоп этишда;

• нархга нисбатан ўта сезгир бўлган экспорт ва импорт товарларини ҳимоя қилишда.

Агар айрибошланиш курсининг яхши томонга ўзгариши юз берса, опцион импорт қилувчи (экспорт қилувчи) ундан даромад олиш имкониятини туғдиради (бунда у форвард валюта битимларидан импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг қатъий белгиланган курсга боғланиб қолишининг олдини олади). Бу шуни англатадики, даромад импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг мижозларига тайинланган нархларда акс этади.

Компания маълум бир белгиланган валютанинг ҳолатини (рискини) билмасдан чет эл валютасини сотиш ҳақида форвард валюта битими тузмайди. Масалан, Малибу компаниясига Германияда еврода тайинланган нарх бўйича битим тузиш таклиф этилган. Малибу компанияси тахминича, битим 1850000 фунт-стерлинг қийматида туради. Бу битимга таклифларнинг кўплиги ва рақобатнинг кучлилигини эътиборга олиб, компания бу битимни 2 млн. фунт-стерлингга баҳолади. Битим вақтида 1 фунт-стерлинг 2,80 еврога ташкил этишини ҳисобга олиб, у 5600000 евро миқдорига таклифни ўртага ташлайди. Битим олти ой муддатдан олдин тузилмайди.

Шунингдек опционларнинг америка ва европа турлари мавжуд.

**Америка опциони** деб одатда, опционни ҳаракат муддатини хоҳлаган вақтида бажарилишига айтилади. Шунинг учун, опционни ҳаракат муддати унинг биринчи ва охириги ҳисоб-китоб санаси орасида ўрнатилади.

**Европа опциони** деб одатда, опционнинг фақат ҳисоб-китобнинг маълум бир охириги аниқ даврида бажарилишига айтилади. Опцион битими бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш учун икки иш куни олинади ва шунинг учун валюта опциони унинг эгаси томонидан ҳисоб-китоб кўзда тутилган кундан икки кун олдин бажарилиши шарт. Масалан, агар опцион эгаси уни бажарилишини истаса, европа опциони ҳисоб-китоб санасигача икки кун олдин бажарилиши шарт.

Валюта опционлари турли молия институтларида расмийлаштирилиши мумкин:

а) улар банкнинг мижозлари учун ёзилади — биржадан ташқари опционлар;



б) уларни опцион биржаларидан сотиб олиш мумкин — биржа опционлари.

**Биржадан ташқари опционлар**, одатда, банк томонидан ишбилармон миқозга мос келувчи тижорат шартномасига ёзилади. Улар миқознинг талабидаги суммаси, баҳоси (яъни айирбошлаш курси) билан бирга унинг бажарилиш санасига ҳам аниқ мослаштирилгандир.

Бу турдаги опционларнинг энг асосий камчилиги — улар муомаласининг йўқлиги ҳисобланади. Миқоз опционни бажарилиш санасигача ушлаб туриши ёки уни бажариши ёки унинг муддатини ўтиб кетишига йўл қўйиши керак.

**Биржа опционлари** — бу валюта опцион битимларининг жамланган суммаси ва вақтнинг даврий йиғиндисидир.

Битимни бажарилиш санаси ва суммаси биржадан биржагача ўзгаради, масалан, Филадельфияда ҳар бир стерлинг битимининг бажарилиш баҳоси (айирбошлаш курси) 12 500 фунт-стерлинг суммасида тузилади ва март, июнь, сентябрь ва декабрдаги муддатига беш цент ўлчамида котировка қилинади.

Бу опционларни муомаладалиги ўзининг орқасидан қуйидагича катта эҳтимолликни олиб келади, бунга мувофиқ савдонинг асосий ҳажми мос келувчи тижорат битимларида қайд қилинмайди, балки чайқовчилик тусига эгадир. Қоида бўйича, бу каби опционларда буюртмага нисбатан нархларнинг диапозони нисбатан камроқдир. Биржа опционларининг камчилиги бўлиб, уни тугаллаш ва керакли суммани аниқ «мослаш»ни иложи йўқлиги ҳисобланади.

Валюта опционларининг оммабоплиги ўсиб, ундан фойдаланиш борган сари кенгайиб бормоқда. Банклар ўз миқозларига уларни сотишда фаол қатнашишга ҳаракат қиладилар.

Лекин валюта опционларининг қуйидаги камчиликлари мавжуддир:

а) Баҳо. Валюта опционлари компанияларни нафақат ёмон ҳолатлардан, ҳатто валюта рискларидан ҳам ҳимоя қилади, балки уларга валюта курсларининг «ижобий» ўзгаришидан фойдаланиш имкониятини беради. Бу хизмат сўзсиз қимматли ҳисобланади. Мукофотнинг баҳоси валюта билан қопланган умумий сумманинг

5 фоиз атрофини ташкил қилади, шундай бўлсада, сумманинг аниқлиги кутилаётган курснинг айрибошланиши ўзгаришига боғлиқдир.

б) «Олдиндан» тўловнинг зарурлиги. Валюта опционлари унинг тузилиш вақтида тўланади. Бу барча компанияларга ёқмайди, чунки улар опционни амалга оширишни истасалар ҳам улар ҳар доим нақд пулга эга бўлмайдилар.

в) Савдо опционларини барча валюталарга нисбатан олиб бўлмайди, шундай бўлсада, биржадан ташқаридаги опционлар ҳар қандай эркин конвертирланадиган валютага эркин тарзда сотилади.

г) Биржадан ташқари опционларнинг муомаласи мавжуд эмаслиги.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муддатли операциялар тижорат банклари учун риск даражаси кам ҳисобланадиган операциялардан бири ҳисобланади. Чунки улар мазкур операцияларни хежерлашлари, яъни суғурта қилиш имкониятига эгадирлар.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Муддатли битимлар нима ва унинг қандай турлари бор?
2. Форвард валюта битими ва унинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
3. Қатъий белгиланган ва опционли форвард битимларининг фарқи нимада?
4. Форвард битимини сўндириш қайси ҳолатларда амалга оширилади?
5. Форвард битимининг курси қандай аниқланади?
6. Молиявий фьючерс битимларига таъриф беринг.
7. Валюта опциони нима ва унинг қандай турлари бор?
8. Америка ва европа опционининг қандай фарқлари мавжуд?
9. Валюта опционларининг қандай камчиликлари бор?

### 3.6. ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ВАЛЮТА РИСКНИ БОШҚАРИШ

Бозор иқтисодиёти корхона, жамоа ташкилотлари, кооперативлар, банклар ва фуқароларга ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта хўжалигини мустақил тарзда амалга ошириш имкониятини юзага келтирди. Ҳеч

кимга сир эмаски, бозор иқтисодиёти риск билан боғлиқ. У билан банкирлар ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳоли ҳам тўқнашади. Бироқ, кўпгина ҳолларда рискни камайтириш, олдини олиш ва ҳаттоки ундан қочиш мумкин. Молиявий рискларни камайтиришда банклар муҳим ўрин тутаяди. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг қайта қурилиши, халқаро алоқаларнинг кенгайиши бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқ равишда ўзгартиришларини тақозо этади. Уларнинг хўжалик фаолиятларига валюта курсларининг тебраниши сезиларли таъсир кўрсатади.

Банк тизимини эркинлаштириш, алоҳида олинган корпоратив банклар фаолиятини универсаллаштириш шароитида, алоҳида олинган банк рискларини ҳисоблаш ва баҳолаш муаммоси амалий аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, тижорат банклари фаолиятида доимо учраб турадиган валюта рисклари хусусида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Валюта рискларининг мавжудлиги — валюта бозорларида валюта операциялар амалга оширилиши, трансмиллий корхоналарни барпо этиш орқали банк операциялари бозори байналмилаллашгуви, шу жумладан, улар фаолиятини диверсификациялаш билан боғлиқ.

Шу сабабдан рискка бир қатор омиллар сезиларли таъсир кўрсатадилар. Буларга мисол қилиб, географик, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, демографик ва бошқа омилларни кўрсатиш мумкин.

**Валюта rischi** деганда, ташқи иқтисодий фаолият жараёнида айрибошлаш курслари ўзгаришидан ёки бошқа турли валюта операциялари амалга оширилишида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар (ёки даромад олиш) тушунилади. Валюта рисклари юзага келишининг асосий сабаби — валюта курслари ўзгариши ҳисобланади. Бундай ўзгаришлар ҳамма шахсларга: ишбилармон фирмалар ва давлат тузилмаларига ҳам таъсир кўрсатади. Кўпгина ҳолларда уларнинг фаолияти экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ва шу сабабли кредиторлар ва қарз олувчилар, инвесторлар ва чайқовчилар, хўжалик субъектлари ўз бизнесларини миллий валютага нисбатан хорижий валюталарда амалга оширишни маъқул кўрадилар.

**Валюта рискига** — ташқи савдо, кредит, валюта

операциялари ҳамда фонд ва товар биржаларида амалга оширилаётган операцияларда, миллий валюта курсига нисбатан хорижий валютани курси ўзгариши билан боғлиқ валюта йўқотишлари хавфи киритилади.

Валюта рискининг ҳажми, валютанинг сотиб олиш қобилятининг пасайиши билан боғлиқ, шу сабабли у битим имзоланган ва тўловни амалга ошириш муддати ўртасидаги вақт оралиғининг фарқига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Экспорт қилувчи (сотувчи) учун курсдан йўқотишлар тўлов валютаси курсини тушишигача бўлган муддатда битим имзолаб қўйган бўлса юзага келади, чунки олинган тушум маблағларига экспорт қилувчи камроқ миллий пул маблағларни олиши мумкин. Импорт қилувчи (харидор) эса баҳо валюта курси ошишидан зарар кўриши мумкин, чунки харид қилиб олиши учун энди кўпроқ миллий валюта маблағларини харажат қилиш лозим бўлади.

Халқаро амалиётда юзага келадиган ҳар қандай риск экспорт қилувчи (сотувчи)нинг бўйнига тушади.

Миллий молия бозорларида рискларни маълум бир сезиларли миқдорда тахмин қилиш мумкин. Худудий ва халқаро молия бозорларида эса бундан фарқли ўлароқ, риск даражаларини тахминлаштириш сезиларли даражада мушкул ҳисобланади.

Валюта рискни уч турга бўлиш мумкин:

1. **Пул ўтказишда юзага келадиган риск** — хорижий валютада ифодаланган (мисол учун, хориждаги филиалнинг ҳисоботлари) фирма ёки банкнинг молиявий ҳисоботлари натижаларини миллий валютага ўтказиш (мисол учун, фирманинг молиявий ҳисоботларини жамлаш вақтида);

2. **Транзакция (битимлар) риски** — тўловни келажакдаги бир санада амалга оширишда миллий валюта қийматининг ёки битим даромадлигининг ноаниқлигини акс эттиради. Бунга мисол қилиб, импорт қилувчига кредит тақдим этилган ҳолда импорт қилувчи валютасида товарларни экспорт қилиши учун хизмат қилади;

3. **Иқтисодий риск** — келажакда валюта айрибошлаш курсларининг ўзгариши натижасида хорижий валютада ифодаланган фирма актив ва мажбуриятларининг миллий валютадаги қийматининг ўзгаришидир. Бунга мисол қилиб, фирманинг хорижий бўлинма ва

филиалларининг активи ва мажбуриятларини кўрса-тиш мумкин.

Пул ўтказишда юзага келадиган риск — бу ҳисоб-китоб амалиётида юзага келиб, хорижий валютада ифодаланган фирма ёки банкнинг актив ва мажбуриятларининг миллий валютага ўтказишда даврий равишда айирбошлаш курсининг ўзгариб туришидир. Агарда миллий валютада ифодаланган хорижий валюта қимматлашса, у ҳолда фирма ёки банкнинг хорижий валютадаги активлари, мажбуриятлари ва мол-мулки ҳам миллий валютага нисбатан қиймат жиҳатидан ошади. Хорижий валюта айирбошлаш курсининг қадрсизланиши юқоридаги ҳолатнинг акси бўлиб чиқади.

Транзакция (битимлар) rischi тўлашга йўналтирилган ёки тўловга қабул қилинган хорижий валютада ифодаланган ҳисоб билан боғлиқ молиявий рискдир. Айрибошлаш курси транзакцион кўринишга тегишли равишда хежерлаш (суғурталаш) орқали барҳам берилмагунга қадар, фирманинг даромадига, миллий валютада тўловларни қабул қилиш ва тўлаш ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Барқарор сиёсатни амалга ошириш мақсадида тижорат банклари доимий равишда ўз миждозларидан айирбошлаш курсининг кутилмаган ўзгаришларидан юзага келадиган зарарларнинг олдини олиши учун уларни хежерлашни тавсия қиладилар.

Банклар ўз миждозлари қатори рискларни минималлаштириш манфаатини кўзлайдилар. Фоиз рисклари ҳолатида халқаро банклар ва фирмалар, одатда, айирбошлаш курсининг тахминлаштиришга жуда кўп вақтлари ва ҳаракатларини сарфлайдилар. Айирбошлаш курсларини тахминлаштириш миллий (ички) фоиз ставкаларини баҳолашдан анча мураккаб ҳодиса эканлигини исботлаб берди. Бунга асосий сабаб бўлиб, ҳар қандай давлатда ички фоиз ставкаларига нисбатан, айирбошлаш курсларининг жуда кўп миқдордаги мураккаб ўзгарувчанлик хусусиятига эга эканлигидир.

Айирбошлаш курслари ва фоиз ставкаларини тахминлаштиришга қизиқиш ва ўз навбатида хорижий валюталар позициясини “очиқ” қолдириш (хежерла-маслик) корпоратив хазиначиликда юқори бўлиб турибди, бу эса баъзида салбий натижаларга олиб келади.

Тижорат банкларидаги валютани айирбошлаш бўлинмалари ҳам одатда очиқ позицияларни ушлаб ту-

ришга ҳаракат қилишади: “узун” позицияни (хорижий валюта захираларини кўпайтириш) ёки “қисқа” позицияни (хорижий валюта захираларини камайитириш) қолдирадилар. Бу ҳолат, одатда, банк иқтисодчиси ёки бош валюта дилери томонидан тайёрланган ва юқори раҳбарият томонидан маъқулланган “боғлиқ” валюта тахминлаштиришга асосланган, мақсадли рискларни қабул қилишдир. Бу эса ўз навбатида, банк учун катта хатар келтиради. Шундай қилиб, валюта савдосида банк менежменти учун энг самарали сиёсат бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) мижозлар ташаббуси билан амалга оширилаётган тижорат транзакциялари (савдо битимлари асосида бўлган) учун валюта битимларини чеклаш;

б) корпоратив мижозлар томонидан доимий равишда талаб қилинадиган валюта кассалари учун овернайт амалиётига қаттиқ чекловлар ўрнатиш, ҳамда асосий конвертирланадиган валюталар учун лимитларни белгилаш;

в) банкнинг валюта савдосида актив бўлган барча корпоратив ва бошқа мижозлар учун банкнинг иш вақти ва овернайт вақтида валютани айирбошлашга лимитлар, шунингдек уларнинг фаолияти устидан мониторинг ўрнатиш.

Иқтисодий риск — мазкур валюта рискининг учинчи кўриниши бўлиб, мультимиллий фирма учун энг муҳим риск ҳисобланади ва фирманинг актив қийматига айирбошлаш курси ўзгаришининг узоқ муддатли таъсирини ўлчайди.

Валюта-иқтисодий рискни ўлчаниши мушкул вазифадир. Чунки валюта курсининг ўзгариш самарасини бир вақтнинг ўзида нисбий инфляция суръатлари (унинг асосида ётган ва ҳар бир валюта билан боғлиқ) пул оқимларига таъсирининг олдини олиш тўлақонли таҳлилсиз мумкин эмас.

Фирмага валюта курслари ўзгаришларининг иқтисодий таъсири, инфляция суръатларидаги курс ўзгаришлари фарқларининг тўлиқ қопланганлигига боғлиқ. Агар (наrx назорати, тангар сиёсат ўзгаришига ва бошқ.) ҳақиқий валюта курси (ўз навбатида нисбий нархлар) ўзгарса, у ҳолда нисбий нархлар ўзгариши охир-оқибатда фирманинг узоқ муддатли рақобатли рискинни аниқлаб беради. Бунда қатъий белгиланган

валюта курси тартиби, сузиб юривчи курслар тартибига нисбатан валютанинг катта рақобатли рискига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, банклар ҳар бир алоҳида амалиёт бўйича (валюта келишуви, ҳимоя келишуви, олтин келишуви, мультивалюта келишуви, кафолатлар қўлланилиши, форвард битимлари ва своп битимлари) валюта рискларини тартибга солишда турли услубларни қўллаш йўли билан валюта амалиётларидан зарарлар рискини камайтиришга ҳаракат қилишлари зарур.

Валюта курслари ўзгаришларини аниқроқ прогнозлаштириш, валюта рискларини суғурталаш (хежерлаш) дан фойдаланиш зарурдир.

Банклар барқарор сиёсатни ишлаб чиқишлари, яъни хорижий валютада барча актив ва мажбуриятлар миқдори ҳамда муддатларига лимит ўрнатишлари ҳамда ҳар бир алоҳида валюта лимитлари бўйича доимий мониторинг ва даврий кузатишни амалга оширишлари зарур. Бундай сиёсат бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва лимитлар банкнинг кредит сиёсатида мукамал белгиланиши шарт.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда ваколатли банклар валюта амалиётларини қўллаш доирасини жаҳон тажрибасига мувофиқ кенгайтиришга ёрдам берадиган шарт-шароитлар яратишлари лозим. Ўзбекистон валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда манфаатдор идораларга халқаро валюта бозори фаолият юритиш услубларини диққат билан ўрганиш ҳамда мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирларга йўл қўймаслик мақсадида валюта рискларини тартибга солиш инструментларини қўллашни кенгайтиришлари керак.

Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаолиятини марказий банк томонидан тартибга солиниши, банк тизимидаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш бўйича давлат органи бўлиб ҳисобланади.

Бу масаланинг долзарблиги, асосан кўпгина йирик ваколатли банклар активларининг асосий қисмини валюта соҳасига йўналтирилганлиги, яъни хорижий валютадаги активлардан иборатлиги билан изоҳ-

ланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш тамойиллари ва валюта қимматликлари билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни билан аниқланади. Ушбу қонун талабларига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида хорижий валюта билан боғлиқ барча ҳисоб-китоблар фақат ваколатли банклар орқали, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини ўтказишга рухсат берувчи лицензиясига эга бўлган тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Бундай лицензияга эга бўлган тижорат банклари, ваколатли банклар ҳисобланадилар.

Тижорат банкларининг валюта фаолиятларини тартибга солишда очиқ валюта позициясининг юритилиши ҳақидаги ҳисобот муҳим ўрин тутди. Бу ҳисобот таҳлил қилинишининг зарурати, Марказий банк томонидан республикадаги мавжуд ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришга қаратилган сиёсати билан изоҳланади. Чунки Марказий банк томонидан ваколатли банкларга чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларга лимит ўрнатилади. Бу тартиб бўйича банкнинг ўз маблағларига нисбатан 20 фоизгача валюта сотиб олиши ва сотишига рухсат бор. Бир валюта тури бўйича бу кўрсаткич 5 фоиз қилиб белгиланган. Лимит ўрнатишнинг асосий сабаби ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришдир. Чунки ваколатли банклар барча активларини чет эл валюталарига қўйса ва бу валюталарнинг курси жаҳон валюта бозорида тушиб кетса, банк активлари камайиши ва ҳатто банк банкрот бўлиши мумкин (бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётининг секин-асталик билан инқирозга юз тутишига олиб келади). Шунинг олдини олиш мақсадида бу лимит барча ваколатли банклар учун жорий қилинган.

Валюта позициясига лимит ҳар бир давлатда, унинг иқтисодиётининг ҳолати ва мамлакатнинг молиявий тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўрнатилиши маълум. Қуйида келтирилган маълумотлар бунга ёрқин далил бўлади.

Дунёнинг айрим давлатларида очиқ валюта позицияси қуйидагича миқдорда белгиланган<sup>1</sup>:

<sup>1</sup> IMF “EXCHANGE ARRANGEMENT”, 1999 year, Washington.



1. *Австрия*: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига) бир валюта тури бўйича кун давомида 30 фоиз ва умумий валюта позицияси бўйича 50 фоиз қилиб белгиланган.

2. *Хитой*: (1998 йил 31 январь ҳолатига) кун давомида молия институтлари хорижий валютани олди-сотди қилишларида капиталга нисбатан 20 фоиз ҳажмдан оширмасликлари лозим. Шу билан бирга куннинг охирида, яъни валюта позицияларини сўндиришда капиталга нисбатан 1 фоиз миқдорда очик лимит сақлашига рухсат этилган.

3. *Буюк Британия*: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига) бу ерда очик валюта позициясига қатъий лимит ўрнатилмаган. Лекин фақат фоизсиз депозитларнинг 0,35 фоизи Англия банкида сақланиши кўзда тутилган.

4. *Австралия*: (1998 йил 31 март ҳолатига) 1998 йил 27 мартдан очик валюта позицияларига лимитни ўрнатиш ташқи валюта бозорида иштирок этувчи дилерларга ваколат берилган.

5. *Швеция*: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига) бир валюта тури бўйича кун давомида 15 фоиз ва умумий валюта позицияси бўйича 30 фоиз қилиб белгиланган.

6. *Вьетнам*: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига) капиталга нисбатан умумий валюта позицияси бўйича 15 фоиз лимит белгиланган.

7. *Литва*: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига) бир валюта тури бўйича очик валюта позицияси банкнинг капиталига нисбатан 20 фоиз ва умумий валюта позицияси бўйича 30 фоиздан ошмаслиги белгиланган.

8. *Европанинг баъзи давлатларида*: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига) очик валюта позициялари Европа Ҳамжамиятининг директивалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда амалда Марказий банк бошқарувининг 1998 йилнинг 28 мартда 392—сон билан қабул қилинган “Очик валюта позициясини юритилиши қоидалари” амал қилади.

Юқорида қайд этилган тартибда бир қатор ўз ечимини топмаган масалалар учрайди. Хусусан, қонданинг 2-банди бўйича: очик валюта позициясининг лимит миқдори жуда кам ўрнатилган. Яъни барча хорижий валюта позицияси бўйича 20 фоиз, аниқ бир валюта тури бўйича эса 5 фоиз. Ушбу фоиз миқдорларини қайта кўриш керак. Чунки республика ваколатли банклари асосан, икки валюта (евро киритилишигача бўлган

даврда асосан битта — АҚШ доллари) билан ишлади. Демакки, улар ўз валюта позицияларини максимал даражада 10 фоиз қиладилар. Яна бошқа бир валюта-лар инobatга олинса, бу кўрсаткич энг кўпи билан 12-14 фоизни ташкил қилади. Яъни уларнинг позиция имкониятлари чекланади. Мазкур вазиятни яхшилаш учун: *биринчидан*, умумий валюта позицияси миқдорини яна 5-10 фоизга ошириш керак. Чунки жорий операциялар бўйича конвертирлаш масаласи тўла ҳал қилинса, банклар, жумладан, уларнинг мижозлари ҳисобланган корхона ва ташкилотлар (мулк шаклидан қатъи назар) халқаро жаҳон бозорига, яъни интеграция жараёнига жадал киришиб кетадилар. Демакки, умумий позициянинг миқдорини камлиги бу жараёнга халақит бериши мумкин; *иккинчидан*, ҳар бир валюта тури бўйича позиция лимитини яна 5 фоизга ошириш керак.

Мазкур тартиб бўйича ҳисобот бир ойда бир кунда тузилиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки жорий валюта операциялари бўйича мавжуд чеклашлар олиб ташланса, банклар ушбу лимитни бузмаслик учун ҳисобот тузилиши санасида қисқа позиция қилишлари ва аксинча бошқа кунлар мобайнида позицияни узун қилиб лимитни бузишлари мумкин. Шу сабабли, мазкур ҳисоботни тақдим этилиш муддатини яна бир бор қайта кўриш керак ёки ушбу чегарани ваколатли банклар ҳар куни ушлашларини белгилаб қўйиш лозим.

Шу масала ҳал қилинмаса, ички валюта бозори анчагина ликвид маблағлардан маҳрум бўлиши ва фақат ойнинг бир-икки куни давомида жуда катта миқдорда ликвид маблағларга эга бўлиши мумкин. Бу ҳаққоний валюта бозорининг шаклланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади ҳамда меъёрий фаолият кўрсатиши бузилишига олиб келади.

Агар банкнинг мижози унинг учун валюта ресурсларини сотиб олишни талаб қилса ва 5 кун муддат ичида мазкур валютани сотиб олмаса, ушбу валюта ресурсларининг миқдори банк учун узун валюта позицияси ҳисобланиши мақсадга мувофиқ. Чунки мижоз хорижий валютани ўз вақтида сотиб олмаса, риск тўғридан-тўғри банкнинг бўйнига тушади.

### Текшириш учун савол ва тошпириклар

1. Валюта rischi нима ва унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
2. Халқаро амалиётда юзага келадиган риск кимнинг зиммасига тушади?
3. Валюта rischi турларини сананг.
4. Валюта сиёсати юритилишида банк менежментининг нималарга эътибор бериши, самарали сиёсат ҳисобланади?
5. Валюта билан операцияларда, рискни пасайтиришда Марказий банк қандай рол ўйнайди?
6. Турли мамлакатларда валюта позицияси бўйича қандай лимитлар ўрнатилган?

### **БАНКЛАРАРО БОЗОРДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ БАНКЛАРНИНГ РИСКИ**

Банклар — банклараро бозор иштирокчиси сифатида қуйидаги рискларга дуч келадилар:

1. Тўламаслик rischi. Банк ёки қарздор-корпорациянинг олинган қарзлар ва улар бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли мавжуд. Ушбу бозордаги қарзлар ва депозитлар таъминот талаб қилмайди.

2. Бозор rischi. Фоиз ставкаларининг кутилмаган тебранишлари банкнинг маблағлар манбасига салбий таъсир этиши мумкин. Банклараро бозор, сузувчи фоиз ставкаларига асосланганлиги учун қарздорлар кредитларни қайтаришга қийналиб қолади (Лондондаги банклараро депозитлар бўйича таклиф ставкалари нобарқарор ҳисобланади, айниқса инфляция шароитида).

3. Маълум мамлакатда фаолият юритиш rischi. Мамлакат ўз банкларига хорижий банклардан олинган қарзлар ва депозитларни тўлаб беришни тақиқлаши мумкин (масалан, 1919 йилда Россиядаги инқилоб пайтида, 1961 йилда Кубада). Тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашуви ва халқаро захираларнинг кескин қисқариши, дебиторларни қарзлар ва улар бўйича фоизларни тўлашига халақит қилади.

4. Валюта rischi — валютанинг алмашув курсларини кескин ўзгариши, банкнинг актив ва пасивларини бошқаришни қийинлаштиради. Масалан, 1985—1987 йилларда америка доллари курсининг пасайиши ва япон иенаси қийматининг ошиши, кўплаб халқаро банкларнинг таркиби ва фойдасига жиддий салбий таъсир кўрсатди.

5. Ликвидлилик rischi. Банклар томонидан банклараро депозитларнинг маълум банкдан талаб қилиниши, ушбу банкнинг ўз активларини сотиш ва зарар кўришга мажбур қилади.

6. Инқирознинг юзага келиш rischi. Қачонки, 1974 йилдаги (Хермтатт Банк ва Френклин Нейшл бэнк) каби жаҳон молия инқироzi, ёки 1982 йилдаги ривожланмаган мамлакатлардаги қарздорлик инқироzi (Мексика ва Бразилия) ёки 1984 йилдаги маҳаллий банклар инқироziда (Континентал Иллинойс) — ҳар доим ҳам «домино» қўрқув таъсири юзага келади.

7. Сиёсий риск. 1979 йилда АҚШ ҳукумати Эроннинг АҚШ долларидagi активларини, 1985 йилда Ливиянинг АҚШ долларидagi активларини музлатди.

### 3.6. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида ҳам ривожланаётган бошқа давлатлар каби маълум бир валютавий чеклашлар мавжуд. Уларнинг энг асосийси бўлиб, миллий валютани эркин конвертирланадиган валюталарга тўлақонли конвертирлашнинг йўқлигидир. Бу қўйидагиларда намоён бўлади: рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқчи бўлган корхона ўзининг таркибини яхшилашга, янги технологиялар киритишга, малакали мутахассисларга эҳтиёж сезади. Бунга амалда эришиш учун ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш, улардан янги технологик асбоб-ускуналарни сотиб олиш, ўз мутахассисларини чет элларда ўқитиш ёки четдан жалб қилиши керак. Бунинг учун чет эл валютасидаги маблағлар зарур бўлади.

Ҳозирги кунда республикада бозор муносабатлари ривожланаётган даврда чет эл инвестициясини жалб қилишга эҳтиёж юзага чиқмоқда. Миллий валютани эркин конвертирланишига эришиш қийин масала ҳисобланади ва у иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта куриш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ҳамда пул-кредит ва валюта сиёсатини такомиллаштиришни талаб қилади. Чунки дунёнинг ҳамма мамлакатлари ҳам эркин конвертирланадиган валютага эга эмас. Миллий валютанинг қадрини ошириш учун ҳар бир давлат ўз ҳудудида валютани тартибга солиш усуллари билан (чет эл валютасини миллий нақд ва нақд пулсиз айланмасига таъсирини камайтирган ҳолда) миллий валюта-ни бошқа валюталарга эркин айирбошланишини таъ-

минлайдиган барча шарт-шароитларни юзага келтириши шарт. Бир қатор давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин конвертацияга фақатгина иқтисодийнинг маълум бир ривожланиш босқичида эришилади.

Ҳатто Япония, Жанубий Корея ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа ривожланаётган давлатлари каби мамлакатлар узоқ вақт мобайнида турли шаклдаги валютавий чеклашларни қўллашга мажбур бўлганлар.

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизимининг шаклланиши мустақилликка эришилгандан сўнг 1991 йилда “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши билан кейин юзага келди. 1992 йилдан ҳозирги кунгача Марказий банкнинг фаолияти асосий йўналишлар сифатида миллий валютани муомалага киритиш учун шарт-шароитлар яратиш ва миллий валютанинг қадрини ошириш танланди. 1993 йилда “Валютани тартибга солиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши билан Марказий банк томонидан валютани тартибга солиш бўйича қайтадан амалий меъёрий-ҳуқуқий базани яратилди. Бу қонун Марказий банк миллий валюта қадрини ошириш учун валюта захираларини ташкил этиши ва сўмнинг ички конвертациясини таъминлаш учун ички валюта бозорини ривожлантиришини белгилаб берди.

Валюта захираларини шакллантириш ниҳоясига етмаган шароитда, валюта бозорини ривожлантириш мақсадида Марказий банк, Молия вазирлиги билан биргаликда 1994 йили республика корхоналарининг экспортдан тушган тушумларининг 15 фоизини мажбурий сотишни тасдиқлади. Бу вақтда мазкур мажбурий сотувдан ташқари экспортдан тушган тушумдан олинadиган 15 фоизли солиқ ҳам мавжуд эди.

Бундан кейинги қадам бўлиб, солиқнинг бекор қилиниши ва унинг ўрнига корхонанинг экспортдан тушган тушумдан олинadиган мажбурий сотувнинг 30 фоиз қилиб белгиланиши бўлди. Ушбу чора-тадбирлар корхоналарни экспортга қизиқишларини янада оширди. Чунки энди улар фойдасининг бир қисми миллий валютага айирбошланиб, корхонанинг ўзига қайтариларди. Бу тушган тушум Марказий банкнинг валюта захирасини оширишга қаратилган эди.

1994 йил 1 июлдан республика миллий валютаси — сўмнинг киритилиши билан унинг қадрини кучайтириш учун зарурий чора-тадбирлар ўтказишга эҳтиёж сезилди. Бунга ички бозорни тўйинтириш, корхона фаолиятини экспорт потенциални кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш қўл келди. Шунинг учун 1994 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори миллий валюта барқарорлигини таъминлашдаги муҳим босқич бўлди. Чунки нақд пулсиз чет эл валютасида импорт қилувчи корхоналар талабини таъминлаш учун чет эл валютасидаги захираларга қўшимча эҳтиёжни қондирилишини таъминлаш зарурати юзага келди. Ва оқибатда, марказлашган барча экспорт тушуми ва давлат ресурслари Марказий банкка мажбурий сотилиши белгилаб қўйилди. Маълумки, 1997 йилда пахта толасини экспорти жами экспорт ҳажмининг 40 фоизини, электроэнергия ёқилғи маҳсулотлари экспортдан тушаётган барча тушумнинг 6 фоизини ташкил қилди.

Ҳозирги вақтда импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш технологиясини ва республикага биринчи даражали халқ истеъмоли моллари олиб келинишини таъминлайдиган корхоналарга ички валютага устувор тарзда конвертирлашнинг ишлаб чиқилган механизми амал қилмоқда.

Бундан ташқари, республика ҳукуматининг қаро­рига мувофиқ, чет эл инвестицияси иштирокидаги экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга сўмдаги маблағларини эркин айирбошланадиган валютага ўз вақтида конвертирлаш, шу жумладан, чет эл таъсисчиларига тегишли улушнинг фойдасини ва дивидендининг конвертирланиши кафолатланган.

Валюта операцияларини ва валюта бозорини ривожлантиришдаги кейинги қадам бўлиб, корхоналарнинг валюта тушумидан Марказий банкка 30 фоизлик мажбурий сотиш бекор қилинди ва бунинг ўрнига валюта бозорини эркинлаштирувчи, биржадан ташқари валюта бозори юзага келтирилди. Бу — ваколатли бан­кларга талаб ва таклифдан келиб чиқиб, мустақил ра­вишда айирбошлаш курсларини ўрнатиш имконияти-

ни яратди. Ваколатли банкларнинг биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ўтказишининг манбаси бўлиб, корхоналарнинг 30 фоизлик мажбурий сотишидан ташқари, уларнинг ўз ресурслари ҳамда мижозларининг чет эл валютасидаги депозитлари ва бошқа жалб қилинган маблағлари ҳисобланади.

Валютани тартибга солиш соҳаси бўйича олиб берилган чора-тадбирлар корхоналарнинг валюта ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтди. Буни қуйидаги маълумотлардан қўриш мумкин: республика валюта бозоридаги операциялар ҳажми 1995 йилги 1,3 млрд. АҚШ долларидан 1997 йили 3,6 млрд. АҚШ долларига етди. 1998 йилда бу кўрсаткич 2,2 млрд. АҚШ доллари миқдорини ташкил этди. Кейинги йилларда ички валюта бозорида хорижий валюталарнинг сотилиш ҳажми камайишининг асосий сабаби, корхона ва ташкилотлар томонидан экспорт шартномаларини тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ ишларнинг қоникарсиз аҳволда бўлганлиги туфайли валюта тушумидан мажбурий сотиш бўйича режадаги топшириқларнинг бажарилмаслиги, алоҳида экспорт товарларининг рақобатбардош эмаслиги ва экспорт қилинаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида нархларнинг тушиши ҳисобланади. Шу билан бирга Жануби-Шарқий Осиё ва Россия Федерациясида юз берган инқирозлар ҳам мамлакат олтин-валюта захираларининг шаклланишига салбий таъсир этди.

Хулоса қилиш мумкинки, республикада амалга оширилаётган валюта операцияларининг ҳажми секин-аста бўлсада, барқарор ҳолатда ривожланиш аъъанасига эга. Бироқ, сўмнинг тўлиқ конвертирланишига эришиш учун бир қатор биринчи даражали вазифаларни ҳал этиш лозим: экспорт ва ишлаб чиқариш таркибини яхшилаш, технологик қолоқликни бартараф этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва меҳнат унумдорлигини ошириш зарур. Бу вазифаларни ечиш учун маълум вақт керак. Шу билан бирга миллий валютани тўлиқ конвертирлаган ҳолда рақобатбардош иқтисодиёт билан жаҳон бозорига кириш шарафлидир. Демакки, сўмни ички конвертирлаш асосий мақсад бўлмай, балки миллий иқтисодиётни жаҳон бозорига тенг ҳуқуқли интеграцияси учун қўйилган бир восита ҳолос.

Ўзбекистонда катта ҳажмда форвард операцияларини ривожлантириш истиқболлари ва валюта опцион

ҳамда валюта фьючерси операциялари билан Европа бозорига чиқиш имкониятлари мавжуддир. Республикада спот бозорининг ривожланмаганлиги муддатли битимларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг фақатгина бир нечта тижорат банкларигина етакчи чет эл банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган. Бундан ташқари, МДХ давлатлари банкларида вакиллик ҳисобварақлар очиш бўйича турли хил чекловлар мавжуддир. Масалан, собиқ Иттифоқнинг ҳамма давлатлари билан халқаро келишувларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, тижорат банклари хоҳлаган банки билан миллий валютада вакиллик муносабатлар ўрнатолмайди. Табиийки, ташқи савдо учун зарур ҳисобланган чет эл банклари билан вакиллик муносабатларни ривожлантириш керак.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари валюта операцияларининг яна бир муҳим йўналишларидан бири бўлиб, халқаро ҳисоб-китоб шакларини ривожлантириш ҳисобланади. Бу биринчи навбатда ҳужжатлаштирилган аккредитив ва тўлов топшириқномасига тегишлидир. Лекин бугунги кунда чет эллик шериклар аккредитивни қоплаш суммасини ва юқори комисион тўловларни талаб қилмоқдалар, тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобда эса юқори ҳажмда олдиндан тўлаш талаб этилмоқда.

Шу билан бирга, республикада валюта операцияларини ривожлантириш учун валюта айирбошлаш операцияларини ривожлантириш керак. Бунинг учун, аҳолидан нақд чет эл валютасини жалб қилиб, сотиб олинishi ва эркин тарзда сотилиши керак. Бу турдаги валюта операцияларига қаттиқ валюта чекловини жорий қилиш тижорат банкларига бўлган ишончнинг янада пасайишига ва чет эл валютасига бўлган фетишизмнинг ривожланишига олиб келади (масалан, доллар фетишизми).

Ҳозирги вақтда республикада бир қатор қўшма ва чет эл банклари фаолият юритмоқда. Улар бир неча ўн йиллик хорижий тажрибаларни бизда қўллашга ва республикадаги банк рақобатчилиги ривожланишига кўмаклашмоқда.

Ушбу банкларга:

- **УТ-Банк.** Ўзбекистон томонидан — “Ўзпахтабанк”, Туркия томонидан — “Зираат банк” таъсисчи бўлиб



қатнашган. Банкнинг асосий фаолияти икки республика ўртасида фаол ривожланаётган савдо-иқтисодий муносабатларга банк хизматини кўрсатиш, банк фаолиятини ташкил этишнинг янги усуллари жорий этишдан иборат.

• 1994 йилнинг майида «Ўзприватбанк» хусусийлаштириш ва инвестиция бўйича ўзбек Халқаро банки республика ичкарасидан ва ташқарасидан молия маблағларини жалб қилишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Банкнинг таъсисчилари бўлиб, Давлат мулк қўмитаси, «Фотон» ИИЧБ ва бошқалар ҳисобланадилар. Голландия томонидан эса «Интер Репаблик Холдинг» ва «Мис Пирсон Н.В.» Голландия банки қатнашган.

• Бошқа қўшма банклар. Буларга «АБН Амро банк Ўзбекистон МБ АЖ» ўзбек-голландия банки, «ЎзДЭ-Убанк» ўзбек-корейя банки ва «Марказий Осиё ривожланиш ва тараққиёт банкининг Тошкент ш.» шўъба банкни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундай қўшма банклар республикага бўш капиталларни, инвестицияларни ва халқаро кредитларни жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларини кредитлаши, ишлаб чиқаришни рағбатлантириши мумкин.

ХМК, ЕТТБ, ОРБ, Япониянинг «Эксимбанки», Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди, Германиянинг «Ривожланиш кредит агентлиги» томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларига кредит линиялари очилди.

Бозор муносабатларининг ривожланишини ҳисобга олиб, умуман келтирилган ҳамма маълумотлар таҳлил қилинса, республикада тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожланиш истиқболлари етарли эканлиги кўринади. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида валюта операцияларини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- валюта курсини эркинлаштириш;
- валюта ва ташқи савдо тизимини янада эркинлаштириш;
- ваколатли банкларнинг имкон қадар эркин айирбошланидиган валютада қўшимча ресурслар жалб

қилишга, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш орқали ҳаракат қилишларига эришиш лозим.

Мазкур мақсадларга эришиш учун *биринчидан*, валюта соҳасидаги хизмат турини кўпайтириш керак, *иккинчидан*, хизмат харажатларини камайтириш зарур, *учинчидан*, хорижий валютадаги депозитлар учун банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиш керак.

Миллий валютадаги вакиллик алоқаларни ривожлантириш бевосита халқаро савдо алоқаларида миллий валюта — сўмдан кенг миқёсда фойдаланишга асос бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо тизими ва энг юқори даражада қулайликлар яратилишини кўзда тутувчи битимлар имзоланган давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан миллий валютада товарлар (бajarилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)ни экспорт ва импорт қилиш учун республика корхона ва ташкилотлари томонидан шартномалар имзоланишини мақсадга мувофиқ ҳолда амалга ошишини таъминлаш халқаро молия муносабатлари тизимининг ажралмас қисми бўлган валюта операцияларининг самарасини оширишга имконият беради.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари қандай?
2. Мамлакатимизда валюта операцияларини ривожлантиришнинг қандай истиқболлари мавжуд?
3. Фаолият юритаётган қўшма банкларни санаб беринг ва улар фаолиятидаги айрим фарқли жиҳатларини изоҳланг.
4. Миллий валюта барқарорлигини ошириш учун зарур бўлган тадбирлар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

## IV БОБ

# ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА МАМЛАКАТ ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

### 4.1. МАМЛАКАТ МИЛЛИЙ ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ жараёнларни бошқаришда, миллий валютанинг халқаро мавқеини белгилашда ва мамлакатнинг жорий ҳамда келажакдаги иқтисодий муносабатлари тизимида валюта сиёсати муҳим роль ўйнайди. У “кўп қиррали башорат” (иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш ва инфляцияни жиловлаш, тўлов балансининг активлигини сақлаб туриш) муҳити ҳисобланган иқтисодий сиёсатнинг асосини эгаллашда етакчи ўрин эгаллайди.

Валюта сиёсатининг шакли ва ўрни, мамлакатнинг валюта-иқтисодий ҳолати, жаҳон ҳўжалигининг эволюцияси, жаҳон майдонидаги ўрни билан аниқланади. Тарихий ривожланишига назар соладиган бўлсак, биринчи навбатда, ҳар қандай валюта сиёсатининг асосий мақсадлари қўйидаги шаклланиб келмоқда: валютавий инқирозни бартараф этиш ва валюта қийматининг таъминланганлиги, валютавий чеклашлар, валютанинг эркин алмашинуви, валюта операцияларини эркинлаштириш ва бошқалар. Мамлакатлараро муносабатларда валюта сиёсатининг асосий жиҳати: ҳамкорлик ва келишув, яъни ривожланаётган мамлакатларни ички сиёсатига молиявий ва маслаҳат хизматлари орқали кўмак бериш.

Валюта сиёсати ҳуқуқий жиҳатдан валютавий қонунлар асосида тартибга солинади. Буларга ҳуқуқий даражадаги чегараларнинг ўрнатилиши, мамлакат ичкарисида ва мамлакат ташқарисида валюта қимматликлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солиш, яна валютавий муаммолар бўйича икки томонлама ва кўп томонлама, мамлакатлараро валютавий келишувларни тузиш кирadi. Ямайка валютавий келишуви ХВФ низомининг ўзгартириши билан янги жаҳон валюта тизими йўналишини аниқлаб берди.

Валюта сиёсати амалга оширилишининг асосий йўлларида бири, давлатнинг халқаро ҳисоб-китоблари бажарилишини бошқариш ва миллий, мамлакатлараро, ҳудудлараро валюта муносабатларини амалга оширишдан иборат. Валютани тартибга солишнинг бевосита йўли қонуний ҳужжатлар ва ҳукуматнинг ижро органлари орқали амалга оширилиши ҳисобланса, билвосита йўл билан бозор агентларининг иқтисодий ҳаракатланишига, иқтисодий усуллар, хусусан, валюта-кредит усуллари билан таъсир этилади. Хўжалик алоқалари умумийлаштирилиши, давлатлараро валюта бошқарилишининг ривожланишига сабаб бўлди. У қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди: айрим мамлакатлар валюта сиёсатини мувофиқлаштириш, келишган ҳолда валюта инқирозини бартараф этиш, ривожланган мамлакатлар валюта сиёсатининг бошқа мамлакатларга мос келиши. Ҳудудий валютавий бошқариш иқтисодий интеграция бирлашмалари чегарисида амалга оширилади.

**Валюта сиёсати** — валюта муаммоларини ҳал этиш бўйича қарорлар тайёрлаш, қабул қилиш ва тадбиқ этишдан иборатдир. Валюта муносабатларини тартибга солиш бир неча поғоналардан иборат:

- хусусий фирмалар биринчи навбатда, валюта муносабатларида актив иштирок этаётган ва йирик валюта маблағларига эга бўлган миллий ва халқаро банклар ҳамда корпорациялар киреди;

- халқаро давлатлар қаторидаги миллий давлатлар (Молия вазирлиги, Марказий банк, валюта назорати ташкилотлари).

Халқаро тартибга солишда валюта, кредит ва молия сиёсати қуйидаги сабаблар билан шаклланган:

1. Миллий иқтисодиётда валюта, кредит ва молия муносабатларининг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги.

2. Хўжалик муносабатларини эркинлаштириш шароитида бозор ва давлат бошқарувининг бозор томон юз тутиши.

3. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон сиёсий ва иқтисодий майдонида асосий куч ҳисобланган АҚШ ўрнида учта асосий ҳамкорлик ва қарама-қарши марказларнинг ташкил топиши: АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония.

4. Жаҳондаги етакчи валюталар, кредит ва молия бозорлари, яъни сузиб юривчи курслар, фоиз ставка-

лари, биржа инқирозлари ва бошқалар ўзгаришининг барқарор эмаслиги.

5. Ички миллий иқтисодий сиёсатнинг, шунингдек валюта, кредит, молия, бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлмаган ва уларнинг халқаро ҳўжаликдаги интеграциялашуви.

Мамлакатлараро валютани бошқариш ташкилоти бўлиб ХВФ ҳисобланади. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб валюта сиёсатини мувофиқлаштириш бўйича йиғилишлар бўлиб ўтди. Жумладан, 1975 йил Рамбуеда (Франция) олти етакчи мамлакатлар иштирокида; 1975 йил Парижда Халқаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида; 1976 йилдан “Катта еттилик”ни (АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада) йиллик амалий йиғилишларини санаб ўтиш мумкин.

Валюта сиёсати мақсад ва шаклига кўра *таркибий ва жорийга* бўлинади. **Таркибий валюта сиёсати** — жаҳон валюта тизими таркибини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли тадбирлар мажмуидир. Улар барча мамлакатларнинг мақсадларига тўғри келадиган, алоҳида валюталарни шакллантиришга қарши қаратилган валюта тадбирлари орқали амалга оширилади. Таркибий валюта сиёсати, жорий валюта тизимига ўз таъсирини кўрсатади. **Жорий валюта сиёсати** — валюта курси, валюта операцияси, валюта бозорининг фаолияти ва олтин бозорини қисқа вақтда тезкорлик билан бошқаришдир.

*Валюта сиёсатининг қуйидаги шакллари мавжуд: дисконт, девиз сиёсати ва унинг кўринишлари — валюта интервенцияси, валюта захираларини диверсификация қилиш, валютавий чеклашлар, валютанинг алмашув даражасини бошқариш, валюта курсининг тартиби, девальвация, ревальвация.*

**Дисконт (фоиз ставкаси) сиёсати.** **Фоиз ставкаси** — ссуда капиталининг йиллик даромадини унинг мутлоқ катталигига нисбатидан келиб чиқади.

Фоиз ўзининг иқтисодий маъноси бўйича ссуда капиталидан фойдаланганлик учун тўланадиган қўшимча қийматдир. Фоиз ставкалари одатда фойда меъёри орқали аниқланади, лекин амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади. Бу талаб ва таклиф бир қанча фундаментал иқтисодий ҳамда бошқа омилларга боғлиқ,

яъни: давр босқичидан, инфляция даражасидан, иқтисодни давлат томонидан монопол бошқарувидан, марказий банк сиёсати ва бошқалардан.

Фоиз ставкаси даражасига таъсир этувчи омилларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Масалан, бозордаги талаб ва таклифга тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил бу — давлат томонидан талаб (давлат бюджетининг тақчиллиги миқдори билан аниқланади) ҳамда савдо, ишлаб чиқариш компаниялари ва аҳоли ўртасидаги талаб ва таклиф.

Ички омиллар ҳам муҳим ўрин тутати. Булар жумласига хорижий, миллий ва халқаро бозордаги ставкалар даражаси, капиталлар ҳаракатини чеклашлар, тўлов балансини аҳволи кабиларни кўрсатиш мумкин. Ва, ниҳоят, бир қанча омиллар борки, улар ставкаларнинг ўсишига тезроқ таъсир этади. Аммо улар талаб ва таклифга, кутилаётган инфляциянинг олдини олишга, хавф-хатарлар, солиқлар, валюта курси тушиши анъанасига ва шу кабиларга таъсир этмайди.

Фоиз ставкаларининг жойлашиш жараёни шу қадар мураккаблашдики, ссуда капиталлари бозоридаги ҳолатларни ёки фоиз ставкаларини тўғри прогнозлашни тушунтириб бериш мураккабдир.

Шу билан биргаликда фоиз ставкаларининг таркиби етарли даражада эгилувчандир.

Фоиз ставкалари таркиби асосида объектив тарзда пул бозори ставкаси ётади. Яъни жуда кенг тарқалган ва ликвидли қисқа муддатли операциялар ставкалари тижорат банклари ўз кредит фаолиятини қайта молиялаштиришда қўлланилади.

Ставкалар таркиби асосида пул бозорининг расмий ҳисоб ставкаси (қайд қилинган) ёки марказий банкнинг операциялари бўйича жорий ставкалари ётади. Бу ставкалар ҳар доим пул бозори ставкаларидан паст бўлади, чунки марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинган тижорат векселлари, валюта курси хавф-хатарларидан холироқ бўладилар.

Шундай қилиб, банклар марказий банк томонидан одатий ҳолда қайта молиялаштирилишлари мумкин. Давлат учун расмий ҳисоб-ставка курси валюта-пул бозорини тартибга солишнинг асосий йўллари билан биридир. Шунинг учун, векселларнинг барчасини қайта ҳисобга олишда фойдаланилмайди (акцептловчи банклар сони чегараланган).

Пул-валюта бозорининг ставкалар таркибини иккинчи асосий элементларига хазина векселлари ставкалари киради. Баъзан бу алоҳида мамлакатлар (Канада, Италия, Швеция, Япония)да расмий фоиз ставкасидан паст бўлади. Чунки хазина векселларига кафолатловчи сифатида ҳукуматнинг ўзи турганлигидир. Шунингдек ҳукуматнинг ўзи кафолат берувчи сифатида турганлиги учун бу векселлар энг ликвидли активлар тоифасига киради.

Пул-валюта бозорининг учинчи асосий элементларига банклараро депозитлар ва унга яқин депозит сертификатлари ставкалари киради. Бу ставкалар расмий курс ставкасидан кам, хазина векселлари ставкасидан эса ҳамиша юқори туради.

Ҳудудий валюта бозорларнинг ривожланиши билан фоиз ставкаларининг муайян турлари кўпаймоқда. Масалан, **ЛИБОР (London Interbank Offered Rete — LIBOR)** — Лондон банклараро маблағларга таклиф ставкаси юзага келди ва жуда кенг қўлланилмоқда. ЛИБОР ўзида Лондон банкларининг бир-бирига таъминланмаган ссудалар (1 ойдан, 1 йилгача) беришнинг ўртача фоиз ставкасидир. ЛИБОР АҚШ долларарида қўлланилиши кенг тарқалган, лекин бу ЛИБОРни бошқа евровалюталарда қўлланилмаслигини англамайди.

Халқаро ссуда капиталлари бозорининг ривожланиши билан ЛИБОР ставкасига ўхшаш бошқа ставкалар пайдо бўлди: ПИБОР (Париж), СИБОР (Сингапур), НИБОР (Нью-Йорк, Норвегия), КУБОР (Кувейт), ЛЮКСИБОР (Люксембург) ва шу кабилар.

Буларнинг барчасида валютадаги фоиз ставкалари “тенглашиш” аъъанасига эга, чунки улар Евробозорда ҳудудий марказий яқинликдадирлар. 1985 йилдан Франкфурт-Майнда ФИБОР (немис маркаси учун), Амстердамда АИБОР (гульден учун) ставкалари қўлланила бошланган.

**Девиз сиёсати. Валюта интервенцияси.** Марказий банкнинг девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли, валюта интервенцияси ҳисобланади.

Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиш ёки сотишига **валюта интервенцияси** дейилади.

Ҳозирги даврда валюта интервенциясидан кўзланган мақсад — валюта курсининг қисқа вақт оралиғи-

да, кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларга барҳам бериш ҳисобланади. Марказий банклар валюта курсини исталган даражада ўзгартириш имкониятига эга эмас, чунки улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Шу сабабли, валюта интервенциясидан мақсад валюта курсининг кескин тебранишлари оқибатларини юмшатиш ҳисобланади.

Валюта интервенцияси расмий олтин-валюта захиралари ёки марказий банкларнинг банклараро “СВОП” битимлари ҳисобига амалга оширилади.

Валюта интервенцияси XIX асрдан бошлаб қўлла-нила бошлади. Масалан, Голландия Марказий банки, Австрия-Венгер банки миллий валюта курсини барқарор тарзда ушлаш учун ундан фойдаланишган. Олтин монометализми бекор қилингандан сўнг валюта интервенциясидан фойдаланиш кенг тарқалди. 1929-1933 йилги жаҳон иқтисодий инқирози юзага келган шароитда марказий банклар валюта демпингига кўмак бериш учун ўз валюталари курсини тушириш мақсадида валюта интервенциясидан фойдаландилар.

Валюта интервенцияси ўтказишнинг моддий базаси вазифасини 1930-йилларда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва бошқа мамлакатларда ташкил қилинган мақсадли валюта фондлари — олтин, чет эл ва миллий валюталарда ташкил этилган давлат фондлари ўтади. Ҳозирги шароитда бу фондларнинг роли ва йўналиши айрим давлатларда алоҳида хусусиятга эгадир. Масалан, Францияда бу мақсадли валюта фонди мамлакат расмий олтин-валюта захираларининг суммаси миқдоридан ажратилган фондир. Франция Марказий банки ўзининг интервенция операциялари ҳажмини ва характерини ошкор қилмаслик учун унинг ўлчов кўрсаткичларини матбуотда эълон қилмайди. АҚШда мақсадли валюта фонди ҳақиқий аҳамияти ва заруратини йўқотди (унинг ҳажми 2 млрд. АҚШ доллари бўлиб, у 1934 йил ташкил топган вақтдан бери ўзгармасдан қолмоқда). Чунки Федерал Захира банклари валюта интервенциясини, асосан чет эл марказий банкларининг “СВОП” битимлари асосидаги кредитлари ҳисобига амалга оширмоқда. Буюк Британияда мақсадли валюта фонди, мамлакатдаги олтин-валюта захираларини ўзида мужассамлаштирган-дир.



Бреттонвуд тизими доирасида валюта интервенцияси, асосан қатъий белгиланган курслар қадрини ушлаб туриш мақсадида ўтказиларди. Интервенцияни ўтказишда асосий валюта АҚШ доллари бўлгани учун АҚШ бошқа давлатларга унинг курсини маълум даражада ушлаш юзасидан мажбурият қўйди. Ямайка тизимида сузиб юрувчи валюта курсларига ўтилгандан сўнг валюта интервенцияси, асосан курслар тез тебранишининг олдини олиш мақсадида ўтказиларди. АҚШ долларини захира валюта сифатидаги роли пасайиши оқибатида валюта интервенциясида АҚШ доллари билан бир қаторда немис маркаси ҳамда бир қатор Фарбий Европа ва Япония давлатлари валюталари қўлланила бошланди.

Ҳозирги вақтда ҳар қандай интервенциянинг охириги мақсади валюта бозоридаги вазиятни барқарор ушлаш ҳамда валюта курслари тез тебранишининг олдини олишдан иборат. Валюта бозоридаги барқарор ҳолат, биринчи навбатда ташқи иқтисодий алоқаларни, шу жумладан, бутун иқтисодиётни ривожланишини таъминлайди.

Валюта интервенциясининг узоқ муддатли мақсадлари сифатида ҳукумат томонидан бозордаги ҳолатни, мамлакатнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари билан мослаш, хусусан, миллий валюта курсининг ошиб ёки тушиб кетишининг олдини олиш, иқтисодиётни халқаро валюта-кредит конъюктурасининг салбий таъсиридан сақлашларини кўрсатиш мумкин. Баъзан давлат ўз валюта курсини реал бўлмаган курс даражасида сақлашга ҳаракат қилади.

Кўпгина марказий банклар мамлакатнинг олтин-валюта захиралари билан ўтказиладиган операцияларга эҳтиёткорлик билан ёндошмоқдалар ва камроқ харажат талаб қиладиган усуллардан фойдаланишга интиломоқдалар.

Охириги йиллар давомида етакчи мамлакатлар бир неча марта мувофиқлашган валюта интервенциясини ўтказдилар. Уларнинг асосий мақсади бўлиб АҚШ доллари курсини тушириш ёки ҳеч бўлмаганда унинг курси ўсишининг олдини олиш эди. Бироқ, ўтказилаётган операциялар суммаси нисбатан кам бўлганлиги сабабли, сезиларли ютуқларга эришилмади. Шундай бўлсада шу нарса аниқ бўлдики, алоҳида мамлакатларнинг шартли интервенциясига нисбатан мувофиқлашган интервенциянинг натижаси таъсирчанроқдир.

**Девальвация** — миллий валютанинг чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг тушишидир.

Девальвациянинг келиб чиқишига сабаб бўлиб, инфляциянинг кучайиши ва мамлакат тўлов балансининг салбий қолдиққа эга бўлиши ҳисобланади.

Девальвация сиёсати мамлакат тўлов баланси ёмонлашганда ва мамлакатга импорт оқими сезиларли даражада кўпайганда амалда қўллаш иқтисодиётга ижобий таъсир этади.

Демак, девальвацияни қўллаш шарт-шароити юзга келганда уни дарҳол амалга ошириш лозим, акс ҳолда сунъий равишда курснинг қатъий ушлаб турилиши, бутун иқтисодиётга сезиларли даражада талофат етказиши мумкин.

**Ревальвация** — миллий валютанинг чет эл валюталарига ёки ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрини оширишдир. Ревальвация қадри кучли валюталарга нисбатан қўлланилади.

Инфляциянинг ниҳоятда паст даражада бўлиши, узоқ вақт давомида мамлакат тўлов балансининг актив бўлиши ҳамда миллий фирма ва компанияларнинг жаҳон савдо бозорида рақобатбардошлигининг ортиши ревальвацияни келтириб чиқаради. Ревальвация девальвацияга нисбатан жаҳон амалиётида камроқ қўлланилади.

Одатда **валютавий чеклашлар** деганда, чет эл валютаси ҳамда валюта қимматликлари билан бўладиган операцияларга давлат томонидан чеклашларни жорий қилишга айтилади. Ҳозирги вақтда деярли барча ривожланган мамлакатларда валютавий чеклашлар мутлақо олиб ташланган, айримларида эса унинг заиф кўринишини кузатиш мумкин. Масалан, Буюк Британияда 1979 йилдан буён валютавий чеклашлар мутлақо йўқ.

Валютавий чеклашлар мамлакатлар ҳудудидан олтин ва валюта қимматликлари чиқиб кетишининг олдини олишда, чет эл валюталарига бўлган талабни тартибга солиш мақсадида қўлланилади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Мамлакат валюта сиёсатининг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
2. Валюта, кредит ва молия сиёсати қайси сабабларга кўра шаклланган?
3. Таркибий валюта сиёсати нима?
4. Жорий валюта сиёсати нима?
5. Валюта сиёсатининг шакллари нима санаб беринг ва уларни изоҳланг.
6. ЛИБОР фоиз ставкасини тушунтириб беринг.

### 4.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Давлат мустақиллигига эришилиши билан Ўзбекистон Республикаси олдида инфляция жараёнлари ва ишлаб чиқариш тушкунлигига барҳам бериш, бозор талабларига жавоб берадиган молиявий тизимни вужудга келтириш, халқаро валюта ва савдо тизимиغا интеграция қилинишга йўналтирилган макроиқтисодий ислохотларни амалга оширишга оид мураккаб масалалар пайдо бўлди.

Ушбу кўрсаткичларга эришишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ўринлардан бирини эгалламоқда. Чунки пул муомаласини тартибга солиш, кредит-банк соҳасини назорат қилиш, қатъий пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш унинг функцияларига киради. Валюта тартиботлари, халқаро валюта бозорлари, ривожланаётган ва саноати ривожланган мамлакатларда қабул қилинган валюта курсларини қўллаш услублари масалаларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Бу эса маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни каби ўзига хос бир ҳодисани бошидан кечираётган Ўзбекистон Республикаси учун катта қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган валюта сиёсати, бевосита ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ислохотлар стратегиясига мувофиқ ҳолда олиб борилмоқда. Давлат томонидан валютавий ҳуқуқларни ҳимоялашга доир мустаҳкам қонунчилик ва институционал асосни яратиш бўйича чора-тадбирларни кўрган

ҳолда — давлат бош ислоҳотчи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу шунингдек валюта бозори инфратузилмасини яратишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатнинг амалга оширилишида ҳам намоён бўлмоқда. Шу тарзда давлат ислоҳотларнинг мураккаб босқичларида ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган етакчи куч эканлигини кўрсатмоқда. Давлат шунингдек бир қатор махсус давлат органларини ташкил этиш йўли билан ислоҳотларни тартибга солишни амалга оширмоқда. Албатта, Марказий банк давлат банки сифатида бу борада муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, қуйидагилар *валюта назорати органлари* ҳисобланади: жумладан, Марказий банк, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (ҳозирда Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги (ТИАА)), Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмиталаридир. Уларнинг ҳар бири ўз вазифа ва функцияларига эгадир. Ваколатли банклар эса **валюта назорати агентлари** ҳисобланади.

Валюта сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмидир. Лекин уларнинг нисбатини белгилаш жуда мураккабдир. Классик иқтисодиётнинг замонавий иқтисодиётдан фарқларидан бири, замонавий иқтисодиётда валюта сиёсати иқтисодий ислоҳотларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли республика ҳукумати ушбу масалага жуда катта эътибор қаратмоқда.

Валюта сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати билан узвий боғлиқдир. Уларнинг иккаласи ҳам давлат иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатнинг макроиқтисодий мақсадларининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда валюта сиёсатини тартибга солиш ва валюта сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун барча тегишли ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитларга эгадир.

Шу тарзда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Марказий банк ва валюта назоратининг бошқа органлари томонидан иқтисодий ислоҳотлар мобайнида кўрилган чора-тадбирлар қуйидаги натижаларга эришиш имконини берди:

- валюта сиёсатининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш;

- самарали валюта назорати ва тартибга солиш тизимини ташкил этиш;
- иқтисодий агентлар ўртасида чет эл валютасини самарали қайта тақсимлаш механизмларини ташкил этиш;
- тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллаш;
- биржа ва биржадан ташқари валюта бозорлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- нақд ва нақд пулсиз тарзда валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини, валюта рисклари олдини олишнинг савдо ва носавдо операциялари механизминини белгилаш;
- хориждан маблағ жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилаш;
- давлатнинг олтин-валюта захираларини самарали бошқариш;
- халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш;
- валюта курсини самарали тартибга солиш;
- миллий валютанинг ички конвертирланишини таъминлаш;
- республикамиз тўлов баланси жорий операциялари бўйича миллий валюта конвертирланишини босқичма-босқич жорий этилиши бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

Шу билан бирга, республикамизда амалга оширилаётган валюта сиёсатини умумлаштириш ва унга тавсиф беришда унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ташқи салбий омиллар таъсиридан ҳимояланиш ва иқтисодиётни, шу жумладан, молия-пул тизимини миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш. Маълумки, давлатнинг иқтисодий ва молиявий асосига путур етганда у қулаб тушиши мумкин. М.Фридман ўзининг “Капитализм ва эркинлик” асарида ёзганидек, “умумий эътирофга кўра, пуллар устидан назорат қилиш, иқтисодиёт устидан назорат қилишнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин”. Ўзбекистон ҳимояланиш чора-тадбирларига қатъий амал қилган ҳолда Жанубий-Шарқий Осиё, Россия Федерациясидаги глобал валюта-молиявий тангликлар таъсирини камайтиришга муваффақ бўлди.

2. Иқтисодий ва савдо-иқтисодий самарали ва тенг ҳуқуқли асосда жаҳон ҳўжалигига интеграция қилинишини таъминлаш йўлини танладик. Экспорт базаси анча суст бўлган шарт-шароитда ички валюта бозори эркинлаштирилишини сунъий тарзда тезлаштириш самарали интеграция жараёнларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Ушбу вазифани ҳал этиш, ички ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш ва мамлакатимиздаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги ҳисобга олиниб, чуқур ўйланган давлат стратегияси қабул қилинишини талаб этади.

3. Иқтисодий ўсиш жараёнларини таъминлаш. Ушбу вазифани ҳал этишда, биринчи ўринда валюта маблағларидан фаолият юритувчи ишлаб чиқариш корхоналарини замонавийлаштириш ва техникавий қайта ташкил этишда қўшимча қийматнинг юқори улушини таъминлайдиган янги илғор корхоналарни вужудга келтиришда фойдаланиш валюта сиёсатининг энг асосий вазифасидир. Иқтисодий нуқтаи-назардан қараганда, ушбу вазифалар юқорида қайд этилган иккита масалага нисбатан базис вазифадир. Чунки давлат ўзининг стратегик вазифалари нуқтаи-назаридан илғор саноатлашган жамиятлар томонидан ишлаб чиқилган замонавий технологияларни импорт қилиши, қайта ишлаши ва ўз шарт-шароитига мослаштира олиши унинг иқтисодий тараққиёти таъминланишини белгилаб берувчи муҳим омилдир.

Миллий валюта сўмнинг муомалага киритилиши ва молиявий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш вазифаси унинг ҳуқуқий базасини янада ривожлантиришни, бозор талабларига мувофиқ равишда банклар фаолиятининг барча жиҳатларини тартибга солувчи алоҳида қонунни ишлаб чиқишни талаб қилар эди.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида иқтисодий тартибга солувчи орган сифатидаги мақомини шакллантиришда муҳим воқеа бўлди. 1996 йилда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши банкларнинг мақоми, мақсад ва вазифалари ҳамда фаолият кўрсатиш шартларини аниқ белгилаган ҳолда тижорат банкларининг барқарор фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистоннинг кучли банк тизимини шаклланти-

ришда мамлакат ҳукумати банкларнинг бозор иқтисодиётида тутган ўрнини чуқур тушунган ҳолда ушбу соҳага эътиборини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ислоҳотларнинг дастлабки давридан бошлаб, банклар 4 йил муддатга бир қатор солиқлардан озод этила бошланди. Солиқлардан озод этилган маблағлар банкларга замонавий инфратузилмани шакллантиришга имкониёт яратди.

1993 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинишидан сўнг Марказий банк валютани тартибга солиш масалалари бўйича янги меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқди.

Валюта операциялари бўйича қонун базасини ташкил қилиш ва амалга оширишда қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Валютани тартибга солиш муҳитини ҳуқуқий базасини ташкил қилиш жорий иқтисодий аҳволини таҳлили натижаларида амалга оширилаётганлигини унинг ўзига хос хусусияти бўлиб ажралиб туради.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валютанинг олди-сотди операцияларини амалга ошириш қоидалари; ички валюта бозорини механизмини ишлаб чиқиш; республика ҳудудида хорижий капитал иштирокида хорижий банкларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш қоидалари; хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун тижорат банкларига лицензия бериш қоидалари; резидент ва норезидент — юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютада ҳисобварақларини очиш ва ишлаш қоидалари; ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ҳисобварақларини очиш қоидалари; республика ҳудудида валюта операцияси билан боғлиқ касса операцияларини амалга ошириш қоидалари; банк ташкилотларида валюта қимматликлари билан боғлиқ касса операцияларининг тартиби ва бошқа саволларни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиш натижасида эканлигини таъкидлаш — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз валюта сиёсатини давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда валюта муносабатларини ва валюта бозорини эркинлаштиришга босқичма-босқич амалга ошираётганлиги кўринади. Ҳозирги кунга келиб, мамлакат-

даги иқтисодий жонланишини инобатга олган ҳолда, ва айниқса мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб этиш жараёнини ривожлантириш мақсадида мавжуд валюта чеклашларни камайтириш йўли билан валюта муносабатларини ва валюта бозорини эркинлаштириш лозим. Валюта бозорини эркинлаштириш ва ваколатли банкларни валюта муносабатларини ривожлантиришдаги амалга ошириладиган вазифаларини аниқ белгилаб олиш — миллий валютанинг тўла конвертирланишига олиб келадиган асосий чора-тадбирлардан биридир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ташқи алоқалари доираси анча кенгайиб, халқаро молия ташкилотлари ва йирик хорижий банклар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик янада ривожланди. Хусусан, ХВФ томонидан халқаро андозаларга мос равишда банк қонунчилигини яратиш, бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқиш, янги ҳисоб ва ҳисоботларни киритиш, шунингдек тўлов тизимини такомиллаштириш масалалари ҳамда мутахассисларни ўқитиш ва касбий малакасини ошириш бўйича ёрдам берилди.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон Республикасида валюта сиёсати ва унинг дастлабки натижалари қандай?
2. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
3. Мамлакатимизда валютани тартибга солиш ва валюта сиёсатини амалга оширишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?

### **4.3. ВАЛЮТА СИЁСАТИ ДОИРАСИДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Валюта сиёсатини амалга ошириш учун объектив асос бўлиб, ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати хизмат қилади. Халқаро меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва ривожланиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига ва такомиллашишига асосий сабаб бўлади.



Валюта операцияларининг кенг қўламда ривожланиши марказий банкларга ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айни вақтда уларни тартибга солишга имкон яратди.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта захираларига эга бўлиши.

Амалиётдан маълумки, қўпчилик ривожланган давлатларда, хусусан АҚШ, Германия, Австрия, Буюк Британияда давлатга тегишли барча олтин-валюта захиралари Марказий (Федерал захира) банкнинг балансига ўтказилган. Марказий банкнинг вазифаси ушбу захиралардан оқилона фойдаланиш билан биргаликда уларнинг ҳажмини ошириб бориш ҳисобланади. Демак, у ўз балансида чет эл валюта захираларига суянган ҳолда ҳукумат томонидан белгиланган валюта сиёсати доирасидаги барча операцияларни амалга оширади. Масалан, валюта интервенциясини амалга ошириш учун валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам бера оладиган миқдорда ликвидли маблағларга эга бўлиши лозим (Англия Марказий банки ана шу мақсадга хизмат қилувчи 40 млрд. АҚШ долларисидаги захирага эга).

б) Марказий банкнинг хорижий мамлакатларнинг банклари билан кенг тармоқли вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.

Марказий банкнинг халқаро валюта бозорларидаги барча операциялари унинг ўз миллий ва хорижий валюталардаги вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир валюта турига биттадан вакиллик ҳисобварағи очилади ва марказий банклар бошқа мамлакатларнинг марказий банкларида ўз ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда эркин тарзда вакиллик счетларини юритишга ҳақлидирлар.

Ҳозирги кунда марказий банклар халқаро валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Тижорат банклари ҳар йили улкан миқдордаги маблағларни валюта курсининг ўзгаришини чамалаш, валюта рискларини бошқариш мақсадларига сарфлайдилар. Бунинг устига марказий банклар бевосита тижорат тизимлари билан кредит, ҳисоб-китоб

хизмати кўрсатиш операцияларини ривожлантириш имкониятини чеклайди. Бунга сабаб, улар тижорат тузилмаларига хизмат кўрсатмайдилар.

Марказий банкнинг дилерларига, одатда, вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи минимал бўлиши керак, деган мажбурий шарт қўйилади. Юқорида келтирилган омилларнинг мавжудлиги ана шу шартлар бажарилишини тақозо қилади.

в) Марказий банкка валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги.

Республикада “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг VI бобида валютани тартибга солиш ва халқаро захираларни бошқариш масалалари белгилаб берилган. Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, Марказий банк расмий валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органи сифатида фаолият кўрсатади. У ўз балансидаги расмий олтин-валюта захираларини мустақил тарзда бошқариш ҳуқуқига эга ва айни вақтда уларни самарали тарзда бошқариш юзасидан ҳам жавобгардир.

г) Чет эл валюталари билан савдо қилишда мавжуд бўлган савдо анъаналарига риоя қилиш.

Халқаро валюта савдосидаги қонунларда ёки шартномаларда белгилаб қўйилмайдиган, аммо ҳаммиша унга риоя қилинадиган маълум анъаналар юзага келди. Кундалик амалиётда қўлланиладиган ана шундай муҳим анъаналар тоифасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Спот битимлари бўйича валюталарни 2 иш куни мобайнида ўтказиш. Ушбу муддатда улгурмаган томон, албатта, жарима тўлайди.

2) Котировкаларни эълон қилиш.

Дилер валюта сотмоқчи ёки сотиб олмақчи бўлса, аввало, ўзининг банкидаги халқаро маълумот тизимидан фойдаланади. У компьютернинг дисплейидан халқаро валюта бозорларидаги котировкаларни кузатиши мумкин. Шундан кейингина валюта курси ўзига маъқул бўлган банкка мурожаат қилади. Қабул қилинган

қоида шундан иборатки, ҳеч қайси дилер ҳеч қачон бирдан валютани сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи эканлигини айтмайди. Фақат сотиш ёки сотиб олиш курсини сўрайди. Курслар тўғрисидаги маълумотни олгандан сўнг ўз фикрини изҳор қилади. Бунда бозорда қабул қилинган минимал битимлар суммаси, албатта, эътиборга олиниши керак. Масалан, 500 минг АҚШ доллари, 1 млн. евро, 1 млн. швейцария франки бўлиши мумкин. Амалда валюта савдоси минимал суммадан бир неча баробар юқори суммада амалга оширилади.

3) Битимни ёзма тарздаги шартномаларсиз амалга оширилиши.

Валюта савдоси асосан телефон ёки телеграф орқали амалга оширилган келишувлар асосида амалга оширилади. Биржада эса оғзаки тарзда битимлар тузилади. Аммо уларни бажариш томонлар учун мажбурий бўлиб, улар сўзсиз бажарилади. Гап йирик суммалар устида кетаётганлиги сабабли, битимларнинг имзоланиши дарҳол ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бу эса уларнинг ишончилигини оширади.

Битимнинг имзоланиши қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- алмашинадиган валюталарни аниқлаш;
- курсларни белгилаш;
- йирик, ихчамлаштирилган битим суммасини белгилаб олиш;
- валютада тўлаш, девиз;
- валюта ўтказилиши лозим бўлган манзилни кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта операциялари ҳозирги кунда Республика Олий Мажлиси ва ҳукумат томонидан аниқланган тангар сиёсатнинг асосий йўналишларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, валюта савдосида мақсадлилиқ ва устуворлилиқ тамойилига кўпроқ эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадларга қуйидагилар киради:

- экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган корхоналар;
- чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олган фойдалари ва дивидендлари;
- республика иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги устивор лойиҳаларда қатнашаётган корхоналарнинг сўм маблағлари;

• халқаро туризм хизмати, халқаро алоқалар бўйича хизмат, хизмат сафари ва хорижда таълим олиш билан боғлиқ харажатлар.

Ушбу мақсадлар учун валюта савдосини амалга ошириш тартиби фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган барча асосларга эга.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакат олтин-валюта захираларининг марказий банк балансида туриши, мамлакат марказий банкининг молиявий жиҳатдан барқарорлигини намоён қилади. Чунки, одатда марказий банк давлатнинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ барча операцияларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш, шунингдек халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун маъсул.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати доирасида амалга оширадиган асосий вазифалардан бири мамлакатда тижорат тусидаги валюта операцияларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда муддатли операцияларни ривожлантириш жуда долзарб ва мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса валюта бозорини ривожлантириш зарур. Чунки ҳар қандай турдаги валюта операцияси — своп, форвард, валютавий опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар, пировардида, спот бозорининг ликвидлилигига боғлиқ. Агар валюта биржасида ва биржадан ташқари валюта бозорида эркин айирбошланадиган валюталар бўйича тўлиқ ликвидлилик таъминланса, яъни барча талаблар мувофиқ равишда ўз вақтида қондирилса, бу миллий валюта — сўмнинг қадрини оширишга хизмат қилади. Бунда шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикада ички валюта бозорини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, қабул қилинган қарорларга мувофиқ, 1997 йил 1 январдан бошлаб, корхона ва ташкилотларнинг марказлашмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмини мажбурий сотуви ваколатли банкларга сотила бошланди. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар амалга ошириш учун асосий манба бўлиб, мажбурий сотувдан тушган маб-

лағлардан ташқари ваколатли банкларнинг эркин айирбошланадиган валютадаги ўз маблағлари, шу жумладан, тақсимланмаган фойда, мижозларнинг депозитлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 июлдаги “Биржадан ташқари валюта бозорини либераллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг чиқиши биржадан ташқари валюта бозорида операцияларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Мазкур Фармоннинг чиқишигача бўлган даврда республика валюта бозорида валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар сўмдаги маблағларини эркин айирбошланадиган валютага конвертация қилганларида Марказий банк томонидан ўрнатилган расмий валюта курси бўйича 12 фоиз миқдорда маржа ундириб олинарди. Ушбу Фармон чиққандан кейин биржадан ташқари валюта бозорида конвертирлаш жараёни талаб ва таклиф орқали аниқланадиган курс орқали амалга ошириладиган бўлди.

Шу билан бирга ҳали биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ҳал қилиниши ниҳоясига етмаган масалалар турибди. Хусусан, биржадан ташқари валюта бозорининг ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Ушбу муаммони ҳал этиш учун ваколатли банкларнинг экспортга ишловчи корхоналар ҳисобланадиган мижозлари томонидан валюта тушумларини кўплаб республикага олиб келишлари учун уларнинг фаолиятини максимал даражада рағбатлантириш лозим.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга имкон берувчи қандай асослар мавжуд?
2. Марказий банклар, тижорат банклари билан валюта бозорларида рақобат қилаоладиларми?
3. Халқаро валюта савдосида амал қиладиган қандай анъаналар бор?
4. Битимларнинг имзоланиши қайси элементларни ўз ичига олади?
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта сиёсатидаги асосий мақсадлари нималардан иборат?

6. Валюта сиёсатининг қандай вазифалари бор?

7. Биржадан ташқари валюта бозорининг қандай камчиликлари мавжуд?

#### 4.4. ВАЛЮТА КУРСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Валюта айирбошлаш курси мамлакат иқтисодиёти-ни бошқа мамлакатлар билан боғловчи асосий омил-лардан биридир. Номинал ва реал айирбошлаш курси каби иккита айирбошлаш курси мавжуд. **Номинал айирбошлаш курси** — бу икки мамлакат валютасининг нисбий нархидир. **Реал айирбошлаш курси** — бу иккита мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий нархи. Реал айирбошлаш курси номинал курс ва то-варларнинг миллий валютадаги нархига боғлиқ бўлиб қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R = e \times P / P^*,$$

Бунда:  $e$  — номинал айирбошлаш курси;  $P$  — битта мамлакатдаги нархлар даражаси,  $P^*$  — бошқа мамла-катдаги нархлар даражаси. Бунда :


$$e = R \times P^* / P.$$

Эркин сузиб юрувчи айирбошлаш курси шарт-ша-роитидаги валюта бозорини кўриб чиқамиз. Бунда ма-салан, реал айирбошлаш курси 1 га тенг бўлади, чун-ки валютага бўлган талаб ва таклиф эркин рақобат қонунлари ҳисобига тартибга солинади. Ушбу модел-нинг софлиги учун халқаро кредитлаш, хориждан маб-лаг жалб қилиш ва валюта чайқовчилиги мавжуд эмас деб тасаввур қилайлик.

Ушбу талаб, хорижий валютадан фақат товар ва хизматларни экспорт ва импорт қилишга оид савдо битимларида фойдаланилишини назарда тутати. Маҳ-сулот импорт қилувчилар ўзларининг хориждаги тўлов-номалари бўйича тўловни амалга ошириш учун чет эл валютасини олишлари лозим. Хусусан, импорт, хори-жий валютага бўлган талаб манбаи бўлади. Экспорт эса бундан фарқли равишда уни таклиф этиш манбаидир. Бозорда экспорт томонидан бўлган таклиф, импортга

бўлган талаб билан тўқнашади. Бунга асосан айирбошлаш курслари ўрнатилади. 3-чизмада чет эл валютаси бозорининг мувозанат ҳолати кўрсатилган.

3-чизма



Ҳўқи бўйича биз айирбошлаш курсини кўрсатамиз. Ёки хорижий валютанинг ушбу ҳолатда АҚШ долларининг сўмдаги нархини кўрсатамиз. Тегишли тарзда ушбу чизмадаги айирбошлаш курсининг ўсиши миллий валютанинг арзонлашуви, курснинг пасайиши эса миллий валютанинг қимматлашувини билдиради.

Хўқи чет эл валютаси миқдорини акс эттиради.

С экспортдан тушган миллий валютадаги даромадларнинг умумий қийматини акс эттиради.

М импортнинг миллий валютадаги умумий қийматини акс эттиради.


Эркин сузиб юрувчи валюта курси — валюта бозорини мувозанат ҳолатига келтирувчи нарх бўлади (3-чизмадаги Э нуқта).

Ички ва ташқи нархлар даражаси доимий бўлса, мамлакат валютаси арзонлашган ҳолда хорижда мамлакатнинг маҳсулотларига бўлган нархлар тушиб кетади ва уларга бўлган талаб ошади. Тегишли равишда экспорт харажатлари ҳам ошиб кетади. Импорт харажатлари эса камаяди. Хусусан, миллий валюта курсининг бошқа мамлакатлар валюталарига нисбатан курсининг пасайиши маҳсулот экспорт қилувчилар учун фойдалидир, курснинг ошиши эса импорт қилувчиларга фойдали бўлади.

Мамлакатнинг ЯИМ ҳажми ўсиб бораяпти деб тасаввур қилайлик. Бу эса аҳоли даромадлари миқдори

ва шу билан бирга импортга бўлган талабнинг ҳам ошишига олиб келади. Бунда  $M$  эгри чизиғи  $M1$  ҳолатига ўзгаради (4-чизма). Ушбу ҳолатда бошланғич айирбошлаш курсида импортга бўлган талаб  $\mathcal{E}1$  нуқтасига ўтади.

4-чизма



Аммо экспортдан келаётган даромадлар ҳали ҳам  $\mathcal{E}$  нуқтасига мувофиқ келади. Импорт харажатлари ва экспортдан олинган даромадлар  $\mathcal{E}2$  ўртасидаги фарқлар чет эл валютасига бўлган талабнинг ортиқчасини акс эттиради. Агарда марказий банк ушбу жараёнга аралашмаса, бу ҳолда валюта курси мустақил равишда тартибга солинади. У ўсиб борган ҳолда  $\mathcal{E}2$  нуқтасида янги мувозанатга келади.

Валюта сиёсати валюта курслари тизимини танлаш ва валюта операциялари амалга ошириладиган курсни белгилашдан иборатдир. Мамлакатда амалга ошириладиган валюта сиёсати, унда мавжуд бўлган маҳаллий валютада ифодаланган нархлар ташқи бозорларда сотилиши мумкин бўлган товарлар (экспорт маҳсулотлари) ва ички бозор эҳтиёжларига (экспортга мўлжалланмаган товарлар)ни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарлар ўртасидаги нархлар нисбатига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат ички бозордаги нархларнинг умумий даражасига таъсир кўрсатади. Шу туфайли танланган валюта курслари тизими ва белгиланган валюта курси нархларни рағбатлантирувчи омил сифатида мамлакат иқтисодиётига кенг даражада таъсир кўрсатади.



Валюта сиёсатини белгилашда мамлакат иқтисодиёти тузилмаси ва унда мавжуд тизимларнинг ўзига хос хусусиятига катта эътибор қаратилиши лозим. Шу туфайли жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда марказий банклар валюта курслари тартибининг қўйидаги турларидан фойдаланишади:

- қатъий белгилаб қўйилган валюта курси (ягона валюта ёки валюта саватчаси асосида аниқланади);
- талаб ва таклиф таъсири остида сунъий (стихияли) равишда вужудга келадиган эркин сузиб юрувчи валюта курси;
- “поғонали” валюта курси;
- кўп хилли валюта курслари тизими;
- иккиёқлама валюта курси.

1993 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси муомалага сўм-купон — ўз миллий валютасига ўтилиш даврида фойдаланишга мўлжалланган оралик пул бирлигини киритди. Муомалага сўм-купон киритилиши билан валюта курси сиёсатини амалга ошириш зарурияти туғилди. Иқтисодий ислохотларнинг бошлангич даврида ва ўша вақтда мавжуд бўлган иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бошқариладиган сузиб юрувчи тартиботда босқичма-босқич девальвация қилиш варианты Ўзбекистон учун энг оптимал усул деб топилган эди. Айирбошлаш курсини белгилашда муомаладаги пул массаси ҳажми ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинган эди.

Ҳозирги кунда валюта курсларини тартибга солишда бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улар ягона валюта курсининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Жумладан, чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишда қўйидаги курслар юзага келганлигини кўриш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси, бухгалтерия ҳисоби, божхона ва ва бошқа тўловлар мақсадида шу жумладан, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар томонидан Марказий банкка ва ваколатли банкларга чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий тарзда сотувни амага оширишга доир операцияларда қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси савдоларида белгиланадиган биржа курси. Ушбу курс бўйича марказлашган валюта манбалари ҳисобидан ҳуку-

матнинг валюта кредитлари ва ҳукумат кафолати остида олинган чет эл валютасидаги кредитларни тўлаш, элчихоналарга сарфланадиган харажатлар, халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш, ҳукумат топшириқлари билан чет элга хизмат сафари харажатлари учун сўм маблағларини эркин айирбошланадиган валютага конвертирлашиши таъминланади.

## 3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида мавжуд валюта айирбош-  
лаш курслари ўртасидаги нисбат ва унинг ўзгариши**

Йиллар, ойлар	1 АҚШ долларининг сўмдаги ўртача курси				Курслар ўртасидаги нис- бат марта	
	расмий		параллел бозор		йиллик ўртача	
	йиллик ўртача		йиллик ўртача		йиллик ўртача	
1994й.	10,15		23,94		2,36	
1995й.	29,86		40,2		1,35	
1996й.	40,35		61,6		1,53	
1997й.	66,36		146,3		2,21	
1998й.	94,50		271,1		2,30	
1999й.	124,51		513,2		4,12	
2000й.	237,24		769,82		3,24	
2001й.	423,96		1069,73		2,52	
2002й.	ойлик	чораклик	ойлик	чораклик	ойлик	чораклик
Январь	689,40		1521,90		2,21	
Февраль	693,55	692,39	1492,14	1477,69	2,15	2,13
Март	694,23		1419,03		2,04	
Апрель	701,38		1433,33		2,04	
Май	718,87	720,22	1381,61	1325,65	1,92	1,84
Июнь	740,41		1162,00		1,57	
Июль	756,11		1197,10		1,58	
Август	767,39	771,92	1219,10	1177,77	1,59	1,53
Сентябрь	792,27		1117,10		1,41	
Октябрь	847,34		1159,03		1,37	
10 ойлик ўртача	740,10		1310,23		1,77	

Шунингдек корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ замонавий чет эл технологиялари, асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш ҳам шунга киради.

- Ваколатли банклар томонидан ўрнатиладиган айирбошлаш курси. Ушбу курс бўйича биржадан ташқари валюта бозорида бўш валюта ресурсларининг сотуви амалга оширилади. Марказий банк лицензиялари эгалари бўлган — корхоналар ва айирбошлаш шахобчалари орқали жисмоний шахсларга чет эл валютаси сотуви ҳам ушбу курс бўйича амалга оширилади.

- Параллел бозордаги — назорат қилинмайдиган бозорда жисмоний шахслар томонидан валюта-айирбошлаш операциялари амалга оширилганда қўлланиладиган норасмий курс.

Валюта курслари ўртасидаги фарқ катта бўлса, кўп хилли валюта курслари тартиботи (расмий, тижорат, параллел) валюта даромадларини нотекис тарзда қайта тақсимланишига олиб келади (айни пайтда республикада амалда юқоридаги курсларнинг учтаси мавжуд). Юқорида келтирилган 3-жадвал маълумотларида Ўзбекистондаги расмий валюта курси билан параллел бозор курси фарқи акс этирилган.

Ушбу муаммонинг бир қатор масалалар билан боғлиқлиги ва уни ҳал этишнинг мураккаблиги шу билан ифодаланадики, унга кўра расмий курсни девальвация қилиш асосида кўп хилли валюта курсларини тугатиш техникавий қайта қуриш ва қайта ташкил этиш вақтида асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар ва хом ашё импортига қаттиқ боғланиб қолган корхоналарнинг молиявий аҳволини қийинлаштириб қўйиши мумкин. Ушбу ҳол саноатлашиш ва қисқа ҳамда узоқ муддатли истиқболда кутилаётган иқтисодий ўсиш суръатларини сусайтириб қўйиши мумкин. Айирбошлаш сиёсатининг тутган ўрни шунингдек бозор тизимлари ва молиявий бозорларнинг ривожланганлигига боғлиқдир. Агарда молиявий бозорлар яхши ривожланмаган бўлса, ушбу ҳолда чет эл валютаси бозорлари ҳам кутилган даражада самарали фаолият кўрсата олмайди ва йирик дилерларнинг манипуляцияларга таъсирчан бўлади. Натижанда Марказий банк интервенция сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлади ва охир-оқибатда олтин-валюта захиралари камайиши хавфи туғилади. Ушбу шарт-

шароитларда тартибга солинадиган айирбошлаш курси доирасидаги макросиёсат юритиш, валюта бозорини эркинлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда валюта курсининг бир хиллаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Миллий валюта конвертирланишини жорий этиш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи-назаридан ушбу вазифа муҳим аҳамиятга эгадир.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Номинал ва реал айирбошлаш курслари ўртасида қандай фарқ мавжуд?
2. Миллий валюта курсини бошқа мамлакатлар валюта курсига нисбатан пасайиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
3. Валюта сиёсатини белгилашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
4. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга оширишда қандай курслар мавжуд?
5. Бугунги кунда мамлакатимиз валюта сиёсатининг олдига турган муҳим вазифалар нималардан иборат?

### **ХАЛҚАРО ЖОРИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ КОНВЕРТИРЛАНИШИ ТАЛАБЛАРИ**

Халқаро валюта фонди ҳақидаги Келишувининг VIII-моддаси ушбу ташкилот аъзоларига қуйидаги талабларни қўяди:

- ХВФга аъзо бирорта мамлакат Фонднинг тасдиғисиз, халқаро жорий операцияларни амалга ошириш бўйича тўловларга чеклов ўрнатмайди;

- ҳар қандай аъзо-мамлакат валютасини ишлатиш билан амалга ошириладиган валюта шартномалари, мамлакат валюта операциялари қоидаларига зид бўлса, мазкур Келишувга кўра ХВФга аъзо-мамлакатларининг ҳеч бири ҳудудида бундай операцияларни амалга ошириш таъминланмайди;

- ХВФга аъзо бирорта мамлакат ва унинг фискал агентлари ҳеч қанақа дискриминацион валюта келишувларида иштирок этмайди ҳамда турли хил алмашув курслари амалиётини қўллашга рухсат бермайди;

- фонд ХВФга аъзо-мамлакатдан ўз ишини юритишда зарур бўлган ахборотларни талаб қилиши мумкин. Жумладан мамлакат ҳақида қуйидаги минимум позициялар бўйича маълумотларни:

- мамлакат ва хориждаги расмий авуарлар (олтин ва хорижий валютадаги);

- олтинни қазиб олиш, олинадиган ва йўналтириладиган мамлакатлар бўйича экспорт ва импорти;

- олинадиган ва йўналтириладиган мамлакатлар бўйича экспорт ва импорт умумий ҳажми;

- ташқи тўлов баланси ва бошқалар.

- ХВФга аъзо-мамлакатлар иштирокида ўзаро манфаатдор тузатишлар киритиш мақсадида консултация қилиш орқали ХВФга аъзо-мамлакат алоҳида олинган ёки вақтинча юзага келган айрим ҳолатларда валюта операцияларини амалга ошириш бўйича чекловларни киритиш ёки сақлаш ваколатини қўлга киритиши мумкин:

- ҳар бир аъзо-мамлакат Фонд ва бошқа аъзо-мамлакатлар билан мазкур мамлакатнинг захира активлари нисбатан сиёсати, халқаро ликвидлик ва халқаро валюта тизимларининг халқаро захира активлари ҳолатини, халқаро назоратини амалга оширишни такомиллаштириш вазифаларига зид келмаслигини таъминлаш бўйича мажбурият олади;

Жорий тўловлар бўйича конвертирлаш мажбуриятини олган мамлакат, капитал ўтказмаларидан фарқланувчи қуйидаги мақсадларда ўтказиладиган тўловлар бўйича тақиқларни ўрнатиш ҳуқуқига эга эмас (фонд тасдиғисиз):

- ташқи савдони амалга ошириш бўйича барча тўловлар, бошқа жорий фаолият, шу жумладан, хизматлар, шунингдек, қисқа муддатли банк механизмлари билан боғлиқ одатий ишлар;

- ссудалар бўйича фоиз кўринишидаги тўловлар ва бошқа инвестициялардан соф даромадлар кўринишидаги тўловлар;

- ссудаларни қайтариш ҳисобварағи бўйича меъерий суммалар ёки тўғри инвестицияларнинг амортизация ҳисобварағига тўловлар;

- хориждан оиланинг жорий харажатлари учун меъерий хусусий ўтказмалар суммаси.

Манфаатдор аъзо-мамлакатлар билан ўтказиладиган консултациялардан сўнг, Фонд маълум операцияларни жорий операцияларга ёки капитал билан боғлиқ операцияларга тегиллигини ўрнатади.

ХВФга аъзо-мамлакатлар VIII модда бўйича мажбуриятларни олмасдан олдин XIV модда бўйича имкониятдан фойдаланишлари мумкин. Унга мувофиқ, мамлакат Фондга аъзо бўлиб киргунга қадар ўзгарувчан ҳолатга мувофиқ ра-

вишда халқаро жорий операциялар бўйича маблағларни ўтказиш ва тўлаш бўйича чекловларни сақлаб қолишлари мумкин. Бундай ҳолатларда мамлакат валюта тартибини ёмонлаштирмаслик ва қўшимча валюта чекловларини жорий қилмаслик мажбуриятини олади.

Манба: экономическое обозрение, август 2002 WWW.CER.UZ. (доклад ЦЭИ «Анализ состояния валютного рынка и переход к текущей конвертируемости национальной валюта»).

#### **4.5. ВАЛЮТА СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИДАН ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ФЙДАЛАНИШ**

Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий классик инструментларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банклари амалиётидан шу нарса маълумки, марказий банкнинг валюта сиёсати, асосан, қуйидаги: ҳисоб ставкасини ўзгартириш, валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация, валюта захираларини диверсификация қилиш шаклларида номоён бўлади.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодий шароитларидан халқаро иқтисодий муносабатларининг “очиқлик” даражасидан келиб чиқиб валюта интервенциясини ўз вазифаларига мослаб амалга оширади.

Энг қисқа муддатли шароитда марказий банклар ҳар кунги валютавий тебранишларнинг олдини олиш мақсадини бозорнинг техник кўрсаткичлари ҳолатига йўналтирилган ҳолатда амалга оширадилар (масалан, сотувчи ва харидор курслари ўртасидаги фарқ).

Қисқа муддатли истиқболда ҳукумат, кўпинча “шамолга таянч” (lean against the wind) тактикасини қўллайди, бу тактика чегараланган бошқарувчилик қарама-қаршилигида номоён бўлади. Масалан, шу нарса аниқ белгиланган бўлиши мумкин: курсни бирор маълум соат ва кун давомида ўзгариши қарама-қарши операция ўтказишни талаб қилади. Баъзан ҳукумат интервенция ёрдамида муҳим иқтисодий масалани ҳал қилишда ёки сайловолди тадбирларида ютиб чиқишда фойдаланади.

Валютавий қарама-қаршилиқ (номутаносиблик)нинг кучайиши, валюта курсини интервенция ёрдамида тар-

тибга солишнинг самарасиз уринишлари ва шу каби ҳолатлар, ҳатто ривожланган мамлакатлар, масалан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бўлиб ўтган молиявий инқирозлар — бу давлатлар томонидан ХВФини қайта қуриш бўйича янги таклифлар киритишга сабаб бўлмоқда. Кўпгина давлатлар (асосан ривожланаётган мамлакатлар) валюта-молия масалалари бўйича юқори даражадаги конференция ўтказишни талаб қилмоқдалар. ХВФга доимий равишда ҳамма томонларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда унинг механизмларини ўзгартириш ҳақидаги таклифлар киритилмоқда. Масалан, киритилаётган таклифлардан бири етакчи валюта курсларини ўртача тортилган индекси тебранишлари чегарасини ўрнатишдир.

Валюта соҳасидаги ҳамкорлик бўйича катта воқеа сифатида 1987 йил Париждаги “Лувр келишуви”ни кўрсатиш мумкин. Етакчи ривожланган мамлакатлар валюта барқарорлигига эришиш ва биринчи галда АҚШ доллари билан боғлиқ муаммони ҳал этиш масаласига қаттиқ киришганликларини билдилар. Умуман олганда, 1987 йил валюта интервенциясини ўтказиш даражаси бўйича рекорд кўрсаткични намоён қилган йил бўлди. Бу интервенциялар ғарбнинг йирик марказий банкларининг келишуви асосида ва алоҳида яқка ўзлари ўтказган интервенциялардан иборат бўлган. Бу вақтда энди гап АҚШ доллари курсини ушлаш ҳақида кетмоқда эди, шу сабабли, америка валютаси фаол сотиб олинмоқда эди. Бунинг натижаси сифатида 1986 йилнинг август ойидан 1987 йилнинг августигача Германия, Япония ва Буюк Британия олтин-валюта захираларининг 63 млрд. АҚШ долларига ўсганини кўрсатиш мумкин (75 фоиз — ўсиш) . Бу вазият кўзга кўринадиган ютуқ ва фойда олиб келмади, 1987 йилнинг кузида рўй берган биржа инқирози эса марказий банкларнинг ҳамма уринишларини йўққа чиқарди.

---

<sup>1</sup> Р.Р.Тожиев, Н.Х.Жумаев. Марказий банкнинг монетар сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.:ТДУИ, 2002.

4-жадвал<sup>1</sup>

**Олтин-валюта захиралари йирик ҳажмда бўлган  
баъзи бир давлатлар рўйхати (млрд. АҚШ долларарида)**

	Чет эл валютаси			Валюта ва олтин		
	1990	1996	1997	1990	1996	1997
<b>Ривожланган мамлакатлар:</b>	<b>589,1</b>	<b>789,2</b>	<b>777,2</b>	<b>895</b>	<b>1065,5</b>	<b>1023,4</b>
Япония	78,5	216,6	221,1	87,8	225,6	229,2
АҚШ	72,3	64,0	56,8	173,1	160,7	144,3
Германия	67,9	83,2	80,8	104,5	118,3	112,6
Испания	51,2	57,9	63,4	57,2	63,7	68,6
Италия	62,9	45,9	42,2	88,6	70,6	64,5
Швейцария	29,2	38,4	35,0	61,3	69,2	62,9
Франция	36,8	26,8	29,0	68,3	57,0	56,4
Голландия	17,5	26,8	27,7	34,4	39,6	36,1
Норвегия	15,3	26,5	28,5	15,8	27,0	28,8
Австрия	9,4	22,9	20,6	17,2	26,8	24,0
<b>Ривожланаётган мамлакатлар:</b>	<b>318,2</b>	<b>780,1</b>	<b>842,4</b>	<b>373,3</b>	<b>838,6</b>	<b>895,0</b>
Хитой	29,6	107,0	122,8	34,5	111,7	127,1
Тайвань	72,4	88,0	90,0	77,7	93,0	94,6
Сингапур	27,7	76,8	80,7	27,7	76,8	80,7
Гонконг	24,6	63,8	67,6	24,6	63,8	67,6
Бразилия	7,4	58,3	55,8	9,2	59,7	57,2
Жанубий Корея	14,8	34,0	34,0	14,9	34,2	34,2
Таиланд	13,3	37,7	31,4	14,3	38,6	32,2
Индия	1,5	20,2	25,7	5,6	24,9	30,0
Малайзия	9,8	27,0	26,6	10,7	27,9	27,4
Мексика	9,9	19,4	23,8	10,2	19,5	23,9

“Лувр келишуви” иқтисодиёт ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштиришга олиб келмади, чунки унда ҳисоб ставкасини ўзгартириш келишуви доирасидан четга чиқилмади ҳамда АҚШ давлат бюджети тақчиллиги муаммосини ҳал этиш масаласи ва халқаро тўловларни баланслаштирилмаганлигига эришилгани йўқ.

Охириги йигирма йил давомида валюта сиёсатидаги барқарор ҳолатни олиб бориш мақсадида ҳамда ўз валюталарининг кучли позициясини ушлаш учун бир

<sup>1</sup> Борисов С. Мировая экономическая и валютная ситуация в 90-х годах. Денги и кредит.. М.— НАУКА. 1998. №5, стр.71.



қанча ривожланган ва шуниси қизиқарлики, ривожланётган мамлакатлар ҳам йиғаетган олтин-валюта захираларининг кўпайиши билан изоҳлаш мумкин. Олтин ва валюта захираларининг етарлилиги бир қанча Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий инқироз пайтида интервенция қилишга асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳақидаги қонуннинг 42-моддасида халқаро захиралар тўғрисида қуйидагича қайд этиб ўтилган:

“Марказий банк ўзининг баланс ҳисобларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини шакллантиради. Бу захиралар қуйидагиларни:

- олтин ва бошқа қимматбаҳо металлларни;
- нақд чет эл валютасини;
- чет эл банкларида, халқаро молия ташкилотларида ҳисобварақлар ва депозитларда бўлган чет эл валютаси қолдиқларини;
- чет эл ҳукуматлари, банклари ва халқаро молия ташкилотлари чиқарган ёки кафолатланган чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг монетар ҳамда валюта сиёсатини амалга ошириш учун шунингдек халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли бўлган даражада халқаро захиралар сақлаб турилишига ёрдам беради.

Мамлакат валюта сиёсатини такомиллаштириш қуйидаги вазифаларни самарали бажаришга кўп жиҳатдан боғлиқ:

1. Марказий банкнинг пул-кредит институти сифатида иқтисодиётдаги мавқеи аввало унинг банкнота эмиссияси соҳасидаги монопол мавқеи ва пул-кредит сиёсатининг таъсирчанлиги билан белгиланади. Бу ўз навбатида ҳал қилувчи даражада Марказий банкнинг ҳукуматдан мустақиллигига боғлиқ.

2. Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасидаги бажарадиган барча операцияларини 3 асосий тури мавжуд, яъни:

- а) валюта интервенциясини бошқариш билан боғлиқ операциялар;
- б) расмий олтин-валюта захираларини бошқариш билан боғлиқ операциялар;
- в) ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ операциялар.

Юқоридаги параграфларда амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таъсирчанлигини ошириш борасида бир қатор муаммолар мавжуд ва уларни ҳал қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Марказий банкнинг валюта сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим:

1. Ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ операцияларни тўлиқ Марказий банк ихтиёрига бериш.

Ушбу масала ҳал қилинмаса, Марказий банк валюта маблағлари ҳаракатини пул массасига таъсири билан боғлиқ жиҳатларини тўлиқ назорат қилиш имкониятига эга эмас.

Шу нарса яққол кўришиб турибдики, Марказий банк ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ валюта маблағларининг ҳаракатида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Ҳукуматнинг ўзини молиялаштириш манбаларига эга эканлиги марказий банкнинг ушбу жараёндаги иштирокини чеклаб қўяди. Бунинг устига ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлашда манба бўлиб хизмат қилувчи Республика Валюта фонди Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк ҳузуридадир.

Ривожланган хорижий давлатларда АҚШ, Германия, Австрия ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлашдаги иштироки катталигини кўриш мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати доирасида амалга оширадиган асосий вазифаларидан бири — мамлакатда тижорат тусидаги валюта операцияларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда муддатли операцияларни ривожлантириш жуда долзарб ва мураккаб масала бўлиб турибди. Бунинг учун эса жорий бозорни ривожлантириш зарур. Аввало Республика Валюта биржасини ликвидлигини тўлиқ таъминлаш зарур. Чунки ҳар қандай турдаги муддатли валюта операцияси — “своп”, “Форвард”, валютавий опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар пировард натижада СПОТ бозорининг ликвидлигига боғлиқ.

Марказий банк “ГОЛД-СВОП” операциялари воситасида СПОТ бозорининг ликвидлигини маълум вақт мобайнида таъминлаб туриши мумкин. Аммо бун-

да СПОТ бозоридаги ликвидлилик доимий тусга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда “ГОЛД-СВОП” операциялари жиддий зарар келтириши мумкин. Бунда СПОТ бозорининг ликвидлиги янада пасайиб кетиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсатининг таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ муҳим масалалардан бири иқтисодий чет эл валюталарида кредитлаш жараёнига кўмаклашиш мумкин.

Иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш давом этаётган ҳозирги шароитда чет эл валюталарида кредит олишга талаб кучли. Бу талаб эса ўз навбатида, тижорат банклари томонидан “спрэд” даражасини юқори белгилашга имкон беради. Бу эса инвестиция фаолигини маълум даражада бўғиб қўйиши мумкин. Лекин тижорат банклари юқори даражада фойда олишга эришадилар. Сабаби шундаки, улар кичик “спрэд” билан кредит оладилар ва юқори даражадаги талабга асосланган ҳолда “спрэд” даражасини оширадилар.

Ана шу ҳолатга барҳам бериш мақсадида Марказий банк гаровли кредитлар механизмидан фойдаланиш керак. Бунинг афзаллиги шундаки, Марказий банк тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари қолдиқларини маълум қисмини гаров сифатида олиб, бозор даражасидан паст ставкада хорижий валютада кредит бериш мумкин. Бунда берилган кредит суммасига эғлик қилиш Марказий банк тасарруфида қолади. Шу йўл билан Марказий банк чет эл валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасига таъсир қилади. Асосий масалалардан бири, бу ерда гаровга олинган суммаларга фоиз тўлаш хусусида бўлади. Сабаби шундаки, бу суммаларга бозор ставкасида фоиз тўлаш керакми ёки ундан паст ставкада фоиз тўлаш зарурми деган савол туғилади.

### **Текшириш учун савол ва топириқлар**

1. Мамлакатлар валюта интервенцияларини қандай амалга оширадилар?
2. “Лувр келишуви”нинг мақсади нимадан иборат эди?
3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари нималардан иборат?

4. Мамлакат валюта сиёсатини такомиллаштириш учун қандай вазифаларни бажариш лозим? Валюта сиёсатининг таъсирчанлиги ошириш учун-чи?

5. “ГОЛД-СВОП” операцияларининг моҳияти нимадан иборат?

### **АТАМАЛАРДА ТИЛ МУАММОСИ**

Турли мамлакатларда фаолият юритаётган ТМКлар ўз маҳсулотларини турли хил тилларда «жарангдор» номланишига эришишга ҳаракат қиладилар. Масалан, «Дженерал Моторс» компанияси моделларни «Нова» деб номланиши Лотин Америкаси бозорларида осон қабул қилинади деб ўйланган эди. Чунки ушбу сўз испан тилида «юлдуз» деган маънони англатар эди. Аммо аҳоли ушбу моделларни «но ва» деб қўллай бошлади ва бу у испан тилида «ишламайди» деган тушунчани келтириб чиқарди. «Кока-кола» компанияси ўз фирма товарларини глобал кенгликда қўллашга ҳаракат қиларди. Аммо тез орада «Дайст-Коук» термини немис ва италян тилларида касаллар учун ишлатиладиган диета, яъни у «диета учун Кока-кола ичимлиги» деган маънони билдириши маълум бўлди. Шу сабабли, ушбу марка АҚШ ташқарисида «Кока-кола Лайт» (Енгил Коко-кола) номи оиди.

Бир неча йиллар давомида Буюк Британияда «Маратон» ва «Сникерс» плиткали шоколад ишлаб чиқарувчи «Марс» компанияси ушбу маҳсулотлар номланишини бирлаштириб, ягона халқаро маркани яратиш устида бошқотирди. Шунингдек бу чорага «Сникерс» деб номланишини кўпчилик ҳолларда Англияда аёлларнинг ички кийимини билдирувчи «никерс» сўзи каби талаффуз қилиниши ҳам туртки берди.

Талаффуз билан боғлиқ яна бир қанча муаммолар юзага чиқиши мумкин: савдо маркасини номланишидаги товуш бошқа мамлакат тилида умуман йўқ бўлиши ёки у баъзан муомалада қўлланилмайдиган ахлоқсиз сўзни билдириши мумкин.

«Рональд Мак-Дональд» Японияда ўзини «Дональд Мак-Дональд» деб атайди. Чунки японлар R ҳарфини талаффуз этишда қийналишади. Марсель Бич (Macel Bich) ўзининг фирмаси томонидан ишлаб чиқариладиган авторучкаларда ўз фамилиясидаги охирги h ҳарфини ёзишдан воз кечди.

Акс ҳолда ушбу сўз инглиз тилида нохуш маъно берувчи сўзга айланиб қоларди.

Франциянинг алкоғолсиз роҳатбахш ичимликлар ишлаб чиқарувчи машҳур «Перве» (Peggie) фирмасининг инглиз

тилида «Пшит» (Pschilt) деб талаффуз қилинадиган маҳсулотлари харидорлар иштаҳасини анча тушириб юборди.

«Юнилевер» фирмасига қойил қолса бўлади. У муаммонинг ечимини топганга ўхшайди. «Юнилевер» ўз трикотаж маҳсулотларини юмшатишда қўлланиладиган махсус товарни қадоқлаётганда ҳеч қанақа ном эмас, балки ўзининг фирма белгиси — ўйинчоқ айиқча суратини туширди. АҚШда «Снаггл» (Snuggle) деб номлана бошлаган ушбу маҳсулот, Германияда Кюшелвайш (Kuschelwiech) Францияда «Кажолин» (Cajoline), Италияда «Коккалино» (Coccolino), Испанияда «Мимозин» (Mimosin) деган ном олди. Ҳаттоки инглиз тилида сўзлашувчи Австралияда «Снаггл» бошқачароқ маънони беради ва шунинг учун фирма уни «Хагги» (Huggy) деган ном билан алмаштирди.

Қизиқ... агар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарлар чет элларда ҳам ишлаб чиқарила бошланса ёки сотилса, хорижий тилларда улар қандай маъноларни берадиган?

## V B O B

# МАМЛАКАТНИНГ ТЎЛОВ БАЛАНСИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ РОЛИ

### 5.1. ТЎЛОВ БАЛАНСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Барча мамлакатлар замонавий жаҳон хўжалигининг аъзоси бўлиб ҳисобланади ҳамда улар жаҳон хўжалигининг иқтисодий тизими орқали ташқи иқтисодий алоқаларга эга бўлмасдан, алоҳида фаолият юрита олмайдилар. Мамлакатнинг ўз ҳамкорлари билан бўлган ташқи иқтисодий алоқалари унинг жаҳон хўжалигидаги алоқалари бўлиб, миллий иқтисодиётни халқаро хўжалик билан боғлаб туради. Шу сабабли ҳам “ташқи иқтисодий ва халқаро алоқалар ҳамда операциялар” ва “жаҳон хўжалиги алоқалари” атамаларини синоним сифатида қабул қилиш мумкин.

Жаҳон хўжалиги алоқалари ўз ривожини давомида маълум бир босқичларни босиб ўтган ҳолда ривожланиб, мазмун ва моҳиятан бойиб боради: савдо ва хизматлар кўрсатишдан — капитал олиб чиқиш ва халқаро ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, кейинчалик эса — валюта, кредит, қимматли қоғозлар бозори ягона жаҳон бозори даражасига кўтаришмоқда.

Жаҳон хўжалиги алоқаларининг эволюцион генератори бўлиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари хизмат қилади. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши, мазкур давлатларнинг интеграциялашуви натижасида келиб чиқмоқда. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалардан ташқари сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа турдаги алоқалар мавжуд бўлиб, улар натижасида пулли тўловлар ҳамда ҳисоб-китоблар юзага келади. Давлатнинг кўп қиррали алоқаларининг йиғиндисини, унинг халқаро операциялари бўйича баланс ҳисобварағида кўриш мумкин. Бу ҳужжат тўлов баланси деб номланади.

**Тўлов баланси** — халқаро операцияларнинг баланс ҳисобварағи, яъни бу — давлатнинг товарлар, хизматлар, капиталларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш кўрсаткичларининг нисбати кўринишидаги барча хал-

қаро алоқалари мажмуининг пулдаги ифодаси. Халқаро операцияларнинг баланс ҳисобварағи ўз моҳияти жиҳатдан мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг кўлами, таркиби ва туси жиҳатдан миқдорий ва сифат кўринишини ҳамда унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини белгилайди. Амалиётда “Тўлов баланси” деб аталувчи терминдан фойдаланишга кўникма ҳосил қилинган бўлиб, барча операциялар бўйича валюта оқимларига кирувчи ва чиқувчи кўринишларда фарқлаш келишиб олинган.

Нашр қилинадиган тўлов балансларидаги маълумотлар фақат тўланган ва маълум муддатга тўланиши шарт бўлган қисмдан иборат бўлибгина қолмай, балки халқаро даражадаги талаблар ва мажбуриятлар тўғрисидаги кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади. Бу эса кўплаб иқтисодий алоқалар, кредит асосида амалга оширилганлигидан далолат беради.

Сўнгги пайтларда тўлов балансига қўшимча равишда **мамлакатнинг халқаро активлари ва пассивлари тўғрисидаги баланс** ҳам нашр этилмоқда. Бу эса мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси қандай даражада эканлигидан далолат беради. Бу ҳужжатда мамлакатнинг берган ва олган кредитлари, инвестициялари ва бошқа молиявий активларининг кўрсаткичлари нисбий кўринишларда ифода этилади. Бу борада маълум бир мамлакатлар олган маблағлар юзасидан устунликка эга бўлса, бошқа бирлари эса берилган маблағлар юзасидан устунлик қилади. Айрим мамлакатларда эса ҳар иккала кўрсаткич ҳам бир хилда юқори даражада. Бу борада АҚШ хориж молиявий ресурсларини нетто-импорт қилувчи сифатида юқори ўринларда туради. Халқаро молиявий ҳолат ва тўлов баланси кўрсаткичлари ўзаро алоқадор бўлади.

Ўз иқтисодий мазмунига кўра маълум бир вақтга нисбатан ва маълум бир давр давомида тузилган тўлов баланслари фарқланади. Тўлов балансини маълум бир вақтга нисбатан муқим ҳолда акс эттириш қийин, чунки ундаги ҳолат вақт сайин, тўловлар ва олинадиган тушумлар бўйича ўзгариб туради.

Бухгалтерия нуқтаи назаридан тўлов баланси доимо тенглашган кўринишда бўлиши лозим. Аммо ҳақиқатда эса унинг асосий элементлари, бўлимлари бўйича тушумлар тўловлардан ортиқ — **актив қолдиқ**; тўловларнинг тушумлардан ортиқ бўлиши — **пассив**

**қолдиқ** ҳолатлар кўпроқ юзага чиқади. Шу сабабли ҳам тўлов балансини тузиш ҳамда қолдиқларни аниқлаш, алоҳида аҳамият касб этади. Тўлов балансини тузиш назарияси ва амалиёти жаҳон хўжалигидаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда ўзгариб бормоқда. Ҳозирги кунда тўлов баланси турли кўринишларда акс эттирилмоқда.

**Тўлов балансининг таркиби.** Тўлов баланси кўйидаги асосий бўлимлардан ташкил топган:

- савдо баланси, яъни товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши ўртасидаги нисбат;
- хизмат ва нотижорат тўловлар баланси;
- ўз ичига товарлар, хизматлар ва бир ёқлама тўловлар ҳаракатини олувчи жорий операциялар баланси;
- капитал ва кредитлар ҳаракатининг баланси;
- расмий валюта захиралари бўйича операциялар.

**Савдо баланси.** Тарихий нуқтаи назардан олиб қараганда, ташқи савдо — халқаро иқтисодий муносабатларнинг илк кўриниши бўлиб, миллий хўжаликларнинг жаҳон ҳамжамиятига алоқасини ифодалайди. Халқаро савдо орқали дунёда меҳнат тақсимотига биноан, мамлакат истиқболи белгилаб берилади.

Ташқи савдо кўрсаткичлари тўлов балансида ўзига хос аҳамият касб этади. Товарлар экспорти ва импорти кўрсаткичлари савдо баланси асосини ташкил этади.

Ҳар бир давлатнинг актив ёки тақчил қолдиғи, унинг дунё ҳамжамиятига бўлган интеграциясига чамбарчас боғлиқ. Айрим ривожланган мамлакатлар (Япония, ГФР ва бошқалар) ўз актив қолдиқларини капитал экспорти, хорижда қўшимча иқтисодиётни йўлга қўйиш каби масалаларга сафарбар этади.

Пассив савдо баланси мамлакатнинг халқаро жиҳатдан кучсизроқ эканлигини билдириб, унга эга бўлиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳол эса валюта тушумларига муҳтож бўлган айрим мамлакатлар учун тўғри ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқаришга ихтисослашган мамлакатлар учун бу кўрсаткич бошқа бир моҳият касб этади. Масалан, мамлакат савдо балансидаги тақчиллик, мамлакат бозорига четдан келадиган рақобатчилар сонини оширади.

**Хизматлар баланси** ўз ичига транспортли ташувлар, суғурта, электрон, телекосмик, телеграф, телефон, почта ва бошқа алоқа турлари бўйича халқаро туризм, илмий-техник ва ишлаб чиқариш малакасининг алмашинуви, эксперт хизматлари, дипломатик, савдо ва



бошқа ваколатхоналарни хорижда сақлаш харажатлари, маълумотлар узатиш, маданий ва илмий алмашинувлар, турли комиссия йиғимлар, реклама, ярмаркалар ҳамда бошқалар бўйича тўлов ва тушумларни олади. Хизматлар ҳозирги кунда дунё иқтисодий алоқаларининг энг динамик ҳолда ривожланаётган қисми бўлиб, унинг тўловлар ва тушумлар ҳажмига бўлган таъсири доимо ўсиб бормоқда. Одатий ҳисобланган хизматлар (транспорт, суғурта) савдо ташувларининг ҳажми ва шакли жиҳатдан қайта шаклланиши, улардаги ярим тайёр маҳсулотлар ўрнининг ошиши, халқаро кооперация ва ихтисослашувнинг ривожланиши туфайли тубдан қайта тикланмоқда. Ривожланган мамлакатларда яшаш даражасининг ўсиши боис, халқаро туризм кўламли, бунинг таркибида ишлаб чиқаришнинг халқаро тус олиб бориши туфайли ишбилармон ташрифлар ҳам кескин ортиб бормоқда.

Халқаро ишлаб чиқариш, илмий-техника инқилоби ва бошқа байналмилаллашув омиллари, лицензиялар, ноу-хау, бошқа кўринишдаги илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибаси, лизинг хизматлари (ускуналар ижараси), ишбилармон маслаҳатлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ва шахсий тусдаги хизматлар савдоси кун сайин ривожланиб бормоқда. Халқаро статистика қоидаларига биноан, “хизматлар” деб аталувчи бўлимда халқаро кредитлар фоизлари ва инвестициялар даромадлари бўйича тушумлар ҳисобга олиниб келинмоқда, ваҳоланки, бу тўловлар ўз иқтисодий мазмунига кўра капитал ҳаракатига кўпроқ яқинлиги мавжуд.

ХВФ услубига кўра **бир томонлама ўтказмаларни** алоҳида бир элемент қилиб кўрсатиш қабул қилинган. Буларнинг таркибига қуйидагилар кирилади: 1) давлат операциялари — бошқа давлатларга бериладиган иқтисодий ёрдам кўринишидаги субсидиялар, давлат нафақалари, халқаро ташкилотларга бериладиган бадаллар; 2) хусусий операциялар — ишчи, мутахассис, қариндошларнинг ўз ватанига қиладиган пулли кўчирмалари. Бу турдаги операциялар катта иқтисодий аҳамият касб этади. Италия, Туркия, Испания, Греция, Португалия, Покистон, Миср ва бошқа давлатлар ўз фуқароларининг хорижда ишлашига ижобий назар билан қарашади. Чунки улар мамлакатга валюта оқимини олиб келадилар. ГФР, Франция, Буюк Британия,

АҚШ, Швейцария, ЖАР каби мамлакатлар тўлов балансларида бу модда тақчил ҳисобланади, чунки бу мамлакатларга хорижий ишчилар келиб, ўзлари билан ишлаб топган маблағларини олиб чиқиб кетадилар.

Юқорида номлари келтириб ўтилган: инвестициядан олинган даромадлар ҳаракати, ҳарбий тусдаги битимлар ва бир томонлама ўтказмаларни “кўринмас” операциялар деб аташади, чунки уларнинг моддий бойликлар ҳаракатига ҳеч қандай таъсири йўқ.

**Жорий операциялар** бўйича тўлов баланси таркибига савдо баланси ва “кўринмас” операциялар киради. Тўлов баланси тузишнинг айрим услублари давлатнинг бир томонлама ўтказмаларини алоҳида модда бўйича ифода этишни ва унинг қолдиғини жорий операциялар бўйича қолдиққа қўшмайди. Бу операцияларнинг жорий операциялар дейилишига сабаб, дунёдаги товарлар ва хизматлар савдосини молиявий ресурслар ҳаракатидан ажратиб, алоҳида равишда тақдим этишдан иборат.

**Капитал ва кредитлар ҳаракати балансида** хусусий ва давлат капиталларининг олиб келиниши ёки олиб кетилиши, олинган ёки берилган халқаро кредитларнинг ўзаро нисбатлари ифода этилади. Ўз иқтисодий мазмунига кўра бу операциялар 2 категорияга бўлинади: тадбиркорлик ва ссуда капиталининг халқаро ҳаракати.

**Тадбиркорлик капитали** тўғридан-тўғри, бевосита хорижий инвестициялар (корхоналарни хорижда сотиб олиш ёки куриш) ва портфель инвестициялар (хорижий компанияларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш) ни ўз ичига олади. Бевосита инвестициялар узоқ муддатли капитални олиб чиқиб кетишнинг энг муҳим шаклларида бири бўлиб, тўлов балансига сезиларли таъсир кўрсатади. Улар қарз мажбуриятини англамайди, чунки бундай операциялар, одатда, мулк сотиб олиш билан боғлиқ бўлади. Бундай инвестициялар натижасида халқаро ишлаб чиқариш ривожланиб, миллий иқтисодиётларни дунё хўжалигига боғланиши мустаҳкамланади. 1997 йилга келиб, барча мамлакатларнинг бевосита инвестициялари йиғиндиси билан ҳисобланганида 3 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган эди. Тадбиркорлик капиталининг олиб чиқиб кетилиши, ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ривожига нисбатан тезроқ ривожланмоқда. Бу эса унинг байнанмилалла-

шув ва глобализация жараёнидаги ўрни юқорилигидан далолат беради.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг иккидан уч қисмидан қўпроғи ривожланган давлатларнинг ўзаро капитал қўйилмалари бўйича алмашинувидир. Бу эса ривожланган мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқалари бошқа давлатлар билан бўлган алоқаларга нисбатан мустақкамроқ тус олиб бораётганидан далолат беради.

**Халқаро ссуда капитали** ўз муддатлилиги билан турли кўринишларда таснифланади:

Узоқ муддатли ва ўрта муддатли операциялар бир йилдан ортиқ муддатга тақдим этилган давлат ва хусусий заём ва кредитларни ўз ичига қамраб олади. Давлат заём ва кредитларини олувчи мамлакатлар бўлиб, иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича етакчи мамлакатлардан бирмунча орқароқда бўлган давлатлар майдонга чиқмоқдалар. Ривожланган давлатлар эса асосий кредитор сифатида фаолият юритмоқдалар. Кейинги йилларда хусусий заём ва кредитлар билан бўладиган вазият ўзгачароқ тус олмоқда. Бу ерда ҳам ривожланиб келаётган мамлакатлар, ривожланган давлатларнинг корхоналаридан, кредит-молия институтларидан қарз олишга мажбур бўлиши кузатилмоқда. Ривожланган давлатларнинг корпорациялари ўз облигацияларини дунё бозорларига қўйиши натижасида кўплаб миқдорда капитал йиғиб оладилар.

Қисқа муддатли операциялар ўз ичига бир йилгача бўлган халқаро кредитларни, миллий банкларнинг хорижий банклардаги жорий ҳисобварақлари (авуарлар), капиталнинг банклараро ҳаракатини акс эттиради.

Охириги 20 йил ичида банклараро қисқа муддатли кредитлар билан боғлиқ операциялар кескин ўзгаришга учради. Агарда ўтган асрнинг 60—70 йилларида “иссиқ” пулларнинг ҳаракати устунлик қилган ва Бреттонвуд валюта тизимининг инқирозига олиб келган бўлса, 80—90 йилларда эса қисқа муддатли капитал оқимлари, асосан евровалюта бозорлари орқали амалга ошадиган бўлди.

Тўлов балансига маълумот йиғиш ва уларни статистик қайта ишлаш услубиятларининг мукамаллашиб боришига қарамасдан, айрим хато ва камчиликлар ҳали ҳам сезилиб турибди. Шу боисдан ҳам **“Хато ва камчиликлар”** моддаси махсус киритилган бўлиб, унда ста-

тистик хатолар ва назардан четда қолдиришлар ҳисобга олиб борилади. Мутахассисларнинг таъкидлашлари-ча, қисқа муддатли капитал ҳаракати айниқса инқироз даврларида ҳисобга олиш борасида айрим қийинчиликларни юзага чиқармоқда.

Тўлов балансининг энг охирги моддаларида ликвид валюта активлари билан боғлиқ операциялар акс эттирилиб, бу ерда давлатнинг валюта органлари ҳам иштирок этади ва натижада расмий олтин-валюта захираларининг миқдори ва таркибининг ўзгаришига олиб келади.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Жаҳон ҳўжалигида қандай алоқалар мавжуд?
2. Мамлакатнинг тўлов баланси нима?
3. Тўлов балансининг актив ва пассив баланс қолдиқлари нима-ни билдиради?
4. Тўлов балансининг таркибий тузилишини тушунтиринг.
5. Савдо баланси ўзида нималарни акс эттиради?
6. Хизматлар баланси қайси моддалардан ташкил топган?
7. Бир томонлама ўтказмалар қандай акс эттирилади?
8. “Кўринмас” операциялар қандай операциялар?
9. Жорий ва капиталлар ҳамда кредитлар балансининг фарқли жаҳатлари нимада?

### **5.2. ТЎЛОВ БАЛАНСИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ УСУЛЛАРИ**

Мамлакатларнинг халқаро ҳисоб-китобларини акс эттириш учун тузиладиган тўлов баланси, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳисоб ҳамда таҳлилий вазифаларга мўлжалланган бўлади. Халқаро иқтисодий операция қатнашувчилари турличадир: алоҳида мамлакатлар ва уларнинг гуруҳлари, миллий, хорижий ва трансмиллий корпорациялар, компаниялар ва банклар, турли хил миллий ва халқаро ташкилотлар ҳамда муассасалар, алоҳида шахслар, давлат валюта органлари ва ҳ.к. Бу нафақат миллий, балки хорижий манбалардан келиб турган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш заруратини келтириб чиқаради. Асосий

талаб, бир турдаги кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва маъносининг ягоналиги ҳисобланади. Қабул қилинадиган кўрсаткичларга универсал тус берадиган ва уларнинг таққослашга имконият берадиган бирликка эришиш учун ХВФ бошқарувининг тўлов баланси тузиш бўйича зарурий тавсиялари мавжуд.

Ҳозирги вақтда ХВФга аъзо бўлган мамлакатлар тўлов балансини тузишда ушбу тавсияларга асосланилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида айрим мамлакатлар иқтисодиётидаги шартли хусусиятлар, ташқи иқтисодий ҳолати, қабул қилинган миллий ҳисоб тизимидан келиб чиққан ҳолда тўлов баланси тузиш қоидаларига ўз элементларини киритадилар, уларни ифодалайди. Шунинг учун айрим мамлакат тўлов баланси кўрсаткичларини таққослашда маълум даражада шартлилиқ ва ноаниқликлар мавжуд. Шу сабабли бундай солиштириш натижасида берилган хулосалар мутлоқ тўлиқ ва ҳар доим ҳам реал воқеликни акс эттирмасдан, балки жараёнлар йўналишини кўрсатади ва бу йўналишнинг натижалари қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ахборот олишга имкон беради.

**Тўлов балансининг турли таърифлари.** Тўлов балансига таъриф беришда ва унинг иқтисодий моҳиятини ёритиш учун, аввало, чет эл адабиётларида тўлов балансига берилган мавжуд таърифларга мурожаат қиламиз. Мавжуд таърифлар бўйича турли даражада ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, **тўлов баланси** — мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини акс эттирувчи ҳамда статистик маълумотлар берувчи баланс шакли сифатида қабул қилинган. Америкалик иқтисодчилардан Вассерман ва Уэйр тўлов баланси муаммолари ҳақидаги ишларида қуйидагича таъриф келтирилади: “Маълум давр оралиғида резидент мамлакатлар ва бошқа мамлакат вакиллари ўртасида иқтисодий операцияларни статистик кўрсатилиши тўлов балансида белгиланиши мумкин”. ХВФ услубий кўрсатмаларида айтилишича: “Тўлов баланси ҳозирги вақтдаги статистик жадвалларни кўрсатади: а) маълум мамлакат ва дунёнинг қолган мамлакатлари ўртасида товарлар, хизматлар ва даромадлар операцияси; б) маълум мамлакатга тегишли олтин, СДР ва бошқа мулкларни, шунингдек бошқа мамлакатларга нисбатан молиявий талаблар ва мажбуриятларнинг ўзгариши; в) ўзаро қопланмайдиган бухгалтерия операцияларида, баланслаштириш учун

зарур бўлган мувозанатлаштирувчи ёзишмалар ва бир ёқлама ўтказмалар. Бундай кўрсатмаларга мувофиқ, тўлов балансида нафақат бажарилган операциялар, балки операцияларни баланслаштириш учун сунъий тузилган кўрсаткичлар акс эттирилади.

**Резидент тушунчаси.** Мамлакатнинг ташқи иқтисодий операцияларини ички хўжалик операцияларидан ажратиш учун тўлов балансини тузишда асосий ўринни резидент ва битимлар тушунчалари эгаллайди, шунингдек, ҳисобга олиниши зарур бўлган трансакциялар нималигини билиш муҳим. Ташқи иқтисодий операцияларда иштирок этувчи фирмалар, ташкилотлар халқаро тўлов алоқалари нуқтаи назаридан ё шу мамлакатнинг резидентлари ёки норезидентлари бўладилар. Бу шунчаки оддий савол бўлиб туюлиши мумкин, лекин замонавий халқаро алоқаларда бунга муҳим ва шу билан мураккаб масала сифатида ёндошилади. Халқаро капитал оқимининг кенгайиши, ТМКлар фаолиятининг янги тус олиши, кенг миқёсда ишчи кучи миграциясининг юз бериши, жаҳон хўжалигида жиддий тузилмавий ўзгаришларни келтириб чиқарди.

ХВФ бошқарувига қуйидагича таъриф берилади: “Мамлакат иқтисодиёти — бошқа ҳудудга нисбатан, маълум ҳудуд билан узвий боғланган хўжалик бирликлари йиғиндиси сифатида қаралади. Бу мамлакатнинг тўлов баланси юқоридаги хўжалик бирликларининг бошқа мамлакатлар билан амалга оширадиган операцияларини акс эттиради (агар ушбу хўжалик бирликлари мазкур мамлакатнинг резидентлари сифатида қаралса). Ёки ушбу хўжалик бирликлари шу мамлакат операциялари билан акс эттирилади (агар хўжалик бирликлари мамлакат алоқаларида норезидент сифатида қаралса)”. ХВФ бошқарувининг таъкидлашича, икки-ёқлама ёзув тизимининг қўлланилиши натижасида айрим хатоларнинг бўлиши балансни бузмайди. Фақатгина амалга оширилган операцияларни тақдим этишда айрим номутаносибликлар юзага келиши мумкин.

Буни чеклаш учун “резидент” тушунчасининг универсал таърифи ишлаб чиқилиши ва уни тўғри қўллаш керак.

АҚШда ҳамма ҳукумат органлари, миллий компаниялар ва мамлакатда доимий яшовчи фуқаролар **резидент** ҳисобланади. Чет элда яшовчи (давлат ишчиларидан ташқари) америка фуқароларига келсак, улар-

ни резидентлар қаторига қўшиш давлат ташқарисида бўлиш муддатининг узоқлигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Америка корпорацияларининг чет элдаги филиаллари АҚШ учун чет эл фирмалари ҳисобланади. Худди шундай изоҳланиш, бошқа етакчи мамлакатларда ҳам қўлланилади.

ГФРда тўлов баланси нуқтаи назаридан **резидентлар** деб: “миллатидан қатъи назар иқтисодий манфаатлар маркази шу мамлакат бўладиган барча жисмоний ва юридик шахслар, ташкилотлар ва бошқалар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ГФРда резидент сифатида фақат немис миллатига мансуб бўлган шахслар эмас, балки ГФРда асосланиб, фаолият юритаётган хорижий тадбиркорлар ҳам резидент ҳисобланади.

Францияда қабул қилинган тушунчаларга мувофиқ, Францияда истиқомат қилувчи барча французлар, шунингдек чет элда икки йилдан кам муддат истиқомат қилган французлар ва хорижий хизматчилардан ташқари, икки йилдан ортиқ Францияда яшаб турган хорижликлар ҳам **резидент** деб ҳисобланади. Францияда ишлаб турган дипломатик ваколатхона аъзоларидан ташқари барча юридик шахслар резидент ҳисобланади.

1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунида резидент ва норезидент тушунчаларига таъриф берилган. Ушбу қонунга асосан **“Резидент”га қуйидагилар киради:**

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга, шу жумладан вақтинча Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ташкил қилинган ва рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикасида жойлашган, шу жумладан, хорижий инвестиция иштирокидаги юридик шахслар;

- Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ҳуқуқига эга дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек хориждаги бошқа Ўзбекистон Республикасининг хўжалик ва бошқа тижорат фаолияти юритмайдиган корхона ва ташкилотларининг ваколатхоналари.

**“Норезидент”га қуйидагилар киради:**

- хорижда доимий яшаш жойига эга бўлган, шу

жумладан, вақтинча Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган жисмоний шахслар;

- хориж мамлакатлари қонунчилиги асосида ташкил қилинган ва рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг корхона ва ташкилотлари иштирокидаги юридик шахслар;

- хориж давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ҳуқуқига эга дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек хорижнинг бошқа Ўзбекистон Республикасидаги ҳўжалик ва бошқа тижорат фаолияти юритмайдиган корхона ва ташкилотларининг ваколатхоналари.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Тўлов баланси нима учун тузилади ва унда қандай кўрсаткичлар ўз аксини топади?
2. Америкалик иқтисодчилар Вассерман ва Уэйр тўлов балансига қандай таъриф беришган?
3. Резидент ким?
4. Норезидент ким?
5. Ушбу тушунчаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қабул қилинган таърифлар билан таққосланг.

### 5.3. ТўЛОВ БАЛАНСИНING ҚОЛДИҒИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

Тўлов балансини тузишдаги асосий масалалардан бири — унинг қолдиғини ўлчашдан иборат. Бу муҳим таҳлилий муаммо саналади. У баъзи халқаро келишувлардаги маълумотларнинг аниқлигидан бошлаб, махсус жадвалларни тузишгача бўлган кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади. Мазкур масала тўлов баланси назарияси ва амалиётининг муҳим қисми ҳисобланади.

Тўлов балансидаги тақчилликни ёки актив қолдиқни ҳисоблашнинг қабул қилинган ва тан олинган усули — уни асосий ва баланслаштирувчи ҳисобварақларга ажратишдан иборат. Асосий қисмларнинг қолдиғи “тўлов балансининг қолдиғи” дейилади. Қолдиқ-



нинг мусбат ёки манфийлигига кўра тўлов баланси актив ёки тақчилликли дейилади. У баланслашадиган ҳисобварақлар ҳисобидан қопланади. Тўлов балансининг қолдиғи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Унинг қиймати ялпи ички маҳсулот ҳамда миллий даромадни ҳисоблашда инобатга олинади ва у валютанинг даражаси, ички ва ташқи иқтисодий сиёсат воситаларини тиклашга таъсир этади. Тўлов баланси қолдиғини ўлчашдаги муҳим муаммо, ҳисобварақларни асосий ва баланслаштирувчи таклифларга ажратиш муаммоси вужудга келишидир.

Тўлов баланси қолдиғи — маълум операцияларнинг баланс якунига тегишли бўлган тушунчадир. Бу ҳолат муҳим тамойилли тус олади. Тўлов балансининг активи ёки тақчиллик ҳолатда бўлиши унинг хусусиятини ҳар доим ҳам ёритиб бера олмайди. Ушбу натижани бухгалтерлик муносабатида қабул қилинган тизимга кўра доим баланслашган хусусиятда, яъни — ноль қолдиқли сифатида бўлиши талаб этилмайди. Тўлов балансининг қолдиқ кўрсаткичи — тузилмавий шаклга эга. Унинг миқдори, биринчи навбатда уни ташкил қилувчи моддаларни танлашга боғлиқ. Бу каби танлов, ихтиёрий бўлиши мумкин эмас. У аниқ бир қарашга бўйсунди ва маълум таҳлилий ёндошувни талаб қилади.

Тўлов баланси моддаларини ХВФ усулида таснифлаш, унинг қолдиғини ўлчаш усулларининг эволюциясидан келиб чиқади. Бу чизмадан фойдаланган ҳолда операцияларнинг маълум гуруҳини оператив олиш, унинг тагида чизик билан ажратиш мумкин ва бу чизикнинг юқоридаги моддаларнинг капитали маълум бир концепцияга мос бўлган тўлов балансининг қолдиғига муносибдир. Бу кўрсаткич чизик остидаги барча моддалар миқдорига тенг бўлади. Мазкур таснифлашнинг таркибини, халқаро иқтисодий амалларини ривожлантиришдаги тарихий ҳолат деб қабул қилиш мумкин.

**Жорий операциялар баланси концепцияси.** Тарихан ташқи савдо халқаро айирбошлашнинг ривожланган шакли ҳисобланади. Ташқи савдодаги ҳисоб-китоблар, дастлабки тўлов баланси асосий моддаларининг муҳим мазмунини ташкил этган. Халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашуви билан халқаро айирбошлашда хизмат кўрсатиш асосий роль ўйнай бошлади. Замонавий тўлов балансида савдо ва хизмат кўрсатиш операцияла-

ри тўлов баланси моддалари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Савдо баланси ва хизмат баланси, давлат ички иқтисодиётининг ҳолатини ва унинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрни билан мустаҳкам боғлиқ. Ташқи савдо бўйича тақчиллик ёки актив қолдиғи мазкур давлатдан товарни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, унинг иқтисодиёти даражасини акс эттиради ва уни тузатиш бўйича жиддий иқтисодий чоралар кўришни талаб этиши мумкин. Мазкур давлатнинг ташқи дунё билан иқтисодий алоқаларини, жорий операцияларининг тўлов баланси акс эттиради. Давлат савдо балансининг тақчиллигини лицензиялар сотишдан, туризм ёки хорижда фаолият юритаётган ишчиларнинг пулли ўтказмалари ҳисобидан қоплаши мумкин. Тўлов балансидаги жорий операциялар одатда давлатнинг ташқи иқтисодий ҳолатини тавсифлашда қўлланилади. Жорий операциялар баланси, давлатнинг хорижга чиқарган ёки хориждан ялпи ички маҳсулот ҳажмига қўшимча равишда олиб кирган бойликларнинг ҳақиқий миқдорини билдиради. У техник-иқтисодий жиҳатдан давлатнинг қанчалик “ўз даромади” ҳисобидан яшаётганини кўрсатади.

Таҳлилий нуқтаи назардан (хорижий экспертларнинг фикрича), жорий операциялар баланси икки хусусият билан фарқланади. *Биринчидан*, жорий операциялар ўз табиатига кўра якуний ҳисобланади — улар бўйича ҳисоб-китоблар, капиталининг ҳаракатидаги операциялардан фарқли ўлароқ, жавоб операцияларни бажаришни талаб этмайди. *Иккинчидан*, қисқа муддат доирасида жорий операциялар барқарор бўлиб, уларнинг натижаси чуқур иқтисодиётдаги ҳолатдан келиб чиқади. Шу боис, жорий операциялар баланси бугунгача муҳим иқтисодий мазмундаги кўрсаткич деб қаралади. У миллий ҳисоблар “ҳаражат — ишлаб чиқиш” ҳисоб-китоблар ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар жумласига киради. Шунингдек у давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти якунларини аниқлаш ва унинг ички иқтисодий жараёнлари билан муносабатини яхшилаш учун хизмат қилади. Бу кўрсаткич давлат иқтисодий сиёсатини таҳлил қилиш ва унинг узоқ муддатли мақсадини ишлаб чиқишда қўлланилади.

Жорий операциялар баланси кўрсаткичи чуқур иқтисодий мазмунга эга. Капиталнинг чиқиш ҳажми ортиши билан хорижий иқтисодий назарияда “жорий операциялар қолдиғи узоқ муддатли кредитнинг ҳарака-

тини баланслаштириши лозим” дейиладиган концепция шаклланмоқда. ХВФнинг таснифлаш чизмасига кўра, бу А гуруҳ бўйича операциялар қолдиғи (жорий операциялар) В (узоқ муддатли капитал) гуруҳидаги операциялар қолдиғига тескари ишора билан тенг бўлиши керак. Мазкур концепцияга кўра жорий операциялар балансининг активи ҳисобидан узоқ муддатли кредитнинг чиқарилишини молиялаштириш амалга оширилиши лозим.

**Базисли баланс концепцияси.** Узоқ муддатли капитал ҳаракатининг ҳисоби ва унинг тўлов балансида тўлиқ акс этиш ғояси базисли баланс концепциясида илгари сурилган. У АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда урушдан кейинги даврда кенг тарқалган бўлиб, тўлов балансининг ҳолатини аниқлаш учун асосий ва ёрдамчи кўрсаткичлар сифатида қўлланилган. Мазкур концепциянинг маъноси асосий моддаларга кирувчи базисни, барқарор келишувларни ажратиб олишдан иборатдир. Уни муаллифларининг фикрига кўра, бу кўрсаткичлар иқтисодиёт конъюнктурасининг ўзгариши барқарорлигини ифодалайди. Бундай кўрсаткичлар қаторига нафақат жорий операциялар, балки узоқ муддатли капиталнинг ҳаракати ҳам кўпинча киритилади. Қисқа муддатли капитал ва валюта захира ҳаракати баланслаштирувчи операциялар ҳисобланади. ХВФ таснифланишга кўра базис балансининг қолдиғи А ва В гуруҳларидаги операциялар қолдиғининг йиғиндиси сифатида аниқланади. Бу йиғинди В гуруҳдан пас-та жойлашган операциялар баланси билан тенглашиши лозим.

Базисли баланс концепциясига мувофиқ, жорий операциялар активи, капитал ҳаракатини тенглаштирибгина қолмасдан, балки валюта тушумини таъминлайди. Тўлов балансининг якуний тенглаштирилиши, маълум чегараларда валюта курсининг ўзгаришини, устама фоиз ва бошқа иқтисодий сиёсати воеиталарини бажаришга имкон берувчи қисқа муддатли капиталнинг ҳаракатини таъминлаши лозим эди. Мазкур муносабатни тушунтириш учун қисқа муддатли капиталнинг ҳаракатига мустақил ҳаракат деб қаралмаганлигини билиш етарли. Узоқ муддатли капитални четга чиқариш, хорижий инвестициялашни кенгайтириш ва бунинг асосида дунё бозорида ўз мавқеини кенгайтириш мумкин ҳисобланарди.

Базис баланси концепциясининг тарқалишига ўтган асрнинг 50-йиллар охири ва 60-йиллари бошида ҳисобот ва таҳлилга бўлган талаб ҳамда Фарбий Европа давлатлари томонидан валютанинг конвертирланиши, иқтисодий инқироз ва шу даврда АҚШ долларининг инқирози сабаб бўлди.

Базис баланси концепциясини турли давлатлар томонидан турлича талқин қилинади. АҚШда мазкур концепция расмий ҳужжат сифатида ўтган асрнинг 40-йиллари охири 50-йилларнинг ўрталаригача қўлланилди, кейин унинг ўрнига ликвидлик концепцияси амал қила бошлади. 1962-1965 йилларда у қайта тикланди ва тўлов баланси таҳлил қилинишини қўшимча воситаси сифатида қўлланила бошланди. Америка услубига кўра базис балансининг кўрсаткич, 1962-1965 йилларда жорий операциялар ва узоқ муддатли капитал ҳаракати ҳисоб-варақларининг қолдигидан, узоқ муддатли давлат ва хусусий америка банкларининг, хорижий расмий валюта ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятлари айрилганига тенг.

ГФРда базисли баланс концепцияси бошқа операциялар таъсири остида сезиларсиз бўлиб келаётган қисқа ва узоқ муддатли капитал ҳаракатининг тебранишлари ортиб бораётганлиги сабабли 1962 йилдан бошлаб қўлланила бошланди.

Буюк Британияда эса базисли баланс концепцияси ўтган асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларида қўлланилди. Буюк Британия дунё молия марказларидан бири бўлганлиги учун мазкур концепция асосий базис ва иккинчи даражали ташқи иқтисодий операциялар ўртасида аниқ фарқни таъминлайди деб қаралди. Бу ҳол давлат иқтисодиётига, унинг давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг мақсад ва усулларига катта таъсир кўрсатувчи тўлов балансига нисбатан, давлат иқтисодий сиёсатини қўллаш учун катта аҳамият касб этади. Базисли баланс жорий операциялар ва барча узоқ муддатли капиталларнинг, унга нисбатан махсус (хусусан, баъзи давлат) операцияларини инобатга олмаган ҳолдаги ҳаракатнинг натижасини ифодалайди.

Аммо Буюк Британияда базисли балансининг қўлланилиш амалиёти, доимо капитал ҳаракатини таснифлашда, уни қисқа муддатли ва узоқ муддатли операцияларга ажратишда ва уларни тўлов балансининг модда-

ларига тақсимлашда қийинчиликлар туғдирган. Бу қийинчиликлар ўтган аср 60-йилларининг иккинчи ярмида айниқса 1967 йилда давлат тўлов балансининг ёмонлашуви ва фунт-стерлинг девальвациялашуви оқибатида, жаҳон валюта тизимини қамраб олган инқироз даврида намоён бўлди. Шу ҳолатда Англия тўлов балансида капиталнинг тартибсиз ҳаракати тебраниши кучайди. Бу инқироз ҳолатига боғлиқ эди ва узоқ муддатли анъаналарни ифодалаш учун мўлжал бўла олмас эди. Бу қийинчиликлар 1970 йилда Англияда базис баланси концепциясидан воз кечишга олиб келди.

**Ликвидлилик концепцияси.** 1958 йилда АҚШ томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган ликвидлилик концепцияси бу соҳадаги кейинги қадам бўлди. АҚШда юз берган тўлов балансининг ёмонлашуви ва долларнинг инқирози, савдо вазирлиги томонидан тўлов балансини тузиш ва унинг тақчиллигини ўлчаш усуллари танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Қисқа муддатли капитал ҳаракатига бўлган муносабат қайта кўриб чиқилиб, асосий эътибор, хорижий жисмоний шахслар ва расмий ташкилотларда мавжуд бўлган ликвид доллар активига қаратилди. Буларнинг барчаси янги ёндошувнинг номи ва мазмунини белгилаб берди.

Ликвидлилик концепцияси АҚШ долларининг захира валюталиги ва уни халқаро тўлов ҳамда захира валютаси сифатида қўлланилишидан келиб чиқди. АҚШ доимо доллар билан амалга оширилаётган чайқовчиликларга тайёр бўлиши ва бунинг учун эса резидент бўлмаган шахсларда қанча миқдорда ликвид доллар мавжудлигини билиши лозим ҳисобланарди. Бундай маблағларнинг ўсиши, тўлов балансидаги қолдиқ миқдорини кўрсатиши лозим эди. Шунинг учун ликвидлилик концепциясига кўра асосий моддалар жумласига базисли келишувлар томонидан киритилган моддалардан ташқари, яна уч кўринишдаги келишувлар кирди: хусусий қисқа муддатли миллий капиталнинг ҳаракати, хорижий тижорат кредитлар ҳаракати ва “хато ва камчиликлар” моддасидаги қолдиқ.

Баланслаштирувчи моддалар сифатида савдо вазирлигининг фикрича, АҚШда халқаро ликвидлилик ҳолатини акс эттирувчи моддалар танланди. Баланслаштирувчи моддалар америка валюта захираси (ХВФга бе-

риладиган бадал), АҚШнинг хорижлик расмий ва жисмоний шахслар олдидаги ликвид мажбуриятлари бўйича ўзгаришларни ўз ичига олади. Мазкур концепциянинг яна бир томони шундаки, унда давлат валюта захиралари билан америкалик хусусий шахслардаги валюта ҳажми ажратиб кўрсатилади.

ХВФ томонидан қабул қилинган тўлов баланси моддаларини таснифлаш усулига кўра ликвидлилик концепциясидаги қолдиқ, баъзи келишувлар билан (С гуруҳга тааллуқли бўлганларга) асосий кўрсаткичлар деб номланувчи, А+В+С+Д гуруҳлар бўйича операциялар қолдиғига мос келади. Бу қолдиқ эса Е+F+G+H гуруҳлар бўйича олинган қолдиқнинг умумий миқдорини, тескари ишора билан олинган қиймати билан баланслашади.

ИХРТ томонидан қабул қилинган таснифда ликвидлилик ҳақида аниқ таъриф берилган бўлиб, унда кўпгина қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд. Масалан, қисқа муддатли маблағ билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг асосий бандлари тоифасига киритилиши асосланмаган. Хусусан, америкалик хусусий маблағ эгаларининг қўлидаги хорижий валюта активлари тўлов балансининг қисқа муддатли капиталлар бўйича моддалари таркибига киритилишининг асосий сабаби шундаки, АҚШ қонунчилиги давлат молия органларига ушбу маблағлардан долларни ва расмий захираларни ҳимоя қилишда фойдаланишига тўсқинлик қилади. “Хатолар ва камчиликлар” моддаси бўйича қолдиқ, қисқа муддатли капиталлар ҳаракати билан боғланмаган ва бунга халқаро ҳисоб-китобларнинг мукамал эмаслиги сабаб қилиб кўрсатилган.

Баланс моддалари жумласига АҚШнинг қисқа муддатли хусусий мажбуриятлари моддаларига ўзгариш киритилиши, долларга хавф солувчи потенциал омил деб қаралди. АҚШ қонунчилигига мувофиқ, долларни ушлаб турувчи хорижий шахслар АҚШ хазиначилигида долларни бевосита олтинга алмаштириш ҳуқуқига эга эмас. Лекин долларнинг нуфузига раҳна солинган вақтда хорижий хусусий банклар ўзларининг доллардаги активларини марказий банкларга сотишлари, улар эса ўз навбатида АҚШ хазинасига долларни олтинга алмаштириш учун мурожаат қилишлари мумкин.

1958 йилда АҚШ тўлов балансидаги йирик миқдордаги тақчиллик ҳукумат ва молиявий органларни

ташвишга солиб қўйди. Хусусан, тақчилликни баҳолаш усулига шубҳа билан қаралди. Эндигина пайдо бўлган ликвидлилик концепцияси қаттиқ танқид остига олинсада, АҚШ савдо вазирлиги бу концепцияни қатъий равишда қолдиришга муваффақ бўлди. Долларнинг захира валюта мақомига эга бўлганлиги учун ликвидлилик концепцияси расмий равишда АҚШ тўлов балансига нисбатан қўлланилди. АҚШ тўлов балансининг йирик миқдордаги тақчиллиги бошиданок, бу концепцияга ишончсизлик билан қаралишига сабаб бўлади.

**Расмий ҳисоб-китоблар баланси концепцияси.** 1965 йилда АҚШда таклиф этилган расмий ҳисоб-китоблар баланси концепцияси тўлов баланси қолдиғини ўлчаш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Кейинчалик бу концепция ХВФ ва ИХРТ экспертлари томонидан асосий концепция сифатида тан олинди. Бу усулнинг АҚШ ва бошқа давлатларнинг расмий органлари учун маъқул келишига сабаб, *биринчидан*, тақчилликнинг миқдори ни пасайтириб кўрсатиш имконини берарди, *иккинчидан*, амалиётда қўлланилаётган тўлов балансини яхшилаш учун хорижий қисқа муддатли хусусий ва портфель капиталларни жалб қилишни назарий исботларди.

1965 йилдан *расмий ҳисоб-китоблар концепцияси* АҚШда қўлланила бошланди (қўпгина ривожланган мамлакатларда ва ХВФ нашрларида буни *якуний баланс концепцияси* деб атай бошладилар (overall balance)). Кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам ушбу концепция кенг қўлланила бошланди ва у ХВФ ҳамда ИХРТ экспертлари томонидан маъқулланди. Бу концепциянинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатларнинг расмий валюта органлари ўз валюталари курсини қўллаб-қувватлаш учун валюта интервенциясини амалга оширади. Бреттонвуд тизимига мувофиқ, ушбу интервенцияларда мамлакатлар валюта курсини долларда белгиланган  $\pm 1\%$  паритетдан юқори бўлмаган оғишларга йўл қўймаслик мажбуриятини зиммасига олганлар. 1973 йилдан бошлаб, бу аралашув номунтазам тус олди; у расмий валюта органлари томонидан сузиб юрувчи курс ҳамкорларнинг мувофиқ деб топилган валюта курсига нисбатан, валюта курси оғишганда амалга оширилган.

Расмий ҳисоб-китоблар концепциясига ўтилиши билан АҚШнинг хорижликлар, хорижий хусусий му-

ассасалар, банклар, шу жумладан, Америка банкларидаги хусусий депозитлар, ҳукуматнинг қимматли қоғозларга жалб этилган хусусий шахсларнинг хорижий инвестицияларига доир қисқа муддатли мажбуриятлари, тўлов балансига ва долларга хавф солувчи сифатида эмас, балки мамлакатга капитал оқими сифатида ёндошила бошланди. Концепция муаллифлари балансловчи моддалар сифатида расмий захиралар ва махсус ҳукуматлараро операцияларни тавсия этдилар.

Расмий ҳисоб-китоблар балансини аниқлашни, қўпгина мамлакатлар томонидан қўлланиладиган андозасига кўра, балансловчи моддалар жумласига қуйидагилар киритилади: расмий валюта органларининг валюта захираси билан боғлиқ операциялари (олтин, хорижий валюта, ХВФнинг захира нуқта назари, СДРдаги активлар); расмий валюта органларининг хорижий расмий муассасалар, халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларнинг ўзгариши, СДРнинг тақсимланиши. ХВФ таснифига кўра расмий ҳисоб-китоблар концепциясига мувофиқ тўлов баланси қолдиғи асосий моддалар ҳисобланувчи гуруҳлар бўйича қуйидагиларнинг якуний натижаси ҳисобланади:  $A+B+C+D+E+F+G$ . У расмий валюта операциялари билан мувофиқлаштирилади.

Айрим мамлакатларда қўлланилаётган расмий ҳисоб-китоблар концепцияси ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, ХВФ ва ИХРТ чизмалари ва тавсияларидан фарқ қилади. Хусусан, АҚШда кўрсатиб ўтилган операциялардан ташқари, унга қуйидаги операциялар бўйича маълум давр ичидаги ўзгаришлар ҳам киради: миллий муассасаларнинг хорижий расмий муассасаларга нисбатан ликвид мажбуриятлари, хорижий расмий органларга нисбатан бошқа бозор мажбуриятлари (шу жумладан Америка банкларининг ноликвид мажбуриятлари, Америка давлат муассасаларининг, корпорацияларнинг, хусусий корпорацияларнинг, штатлар ҳукуматлари ва муниципалитетларининг облигациялари); АҚШ ҳукуматининг хорижий расмий захира муассасаларига нисбатан ноликвид мажбуриятлари. Валюталари захира ҳисобланмайдиган мамлакатларнинг расмий ҳисоб-китоблар усули бўйича балансловчи моддалари АҚШ тўлов балансидан фарқланади ва бошқа мазмунга эгадир. Германияда улар “Бундесбанкнинг хорижий активларга нисбатан нетто позициясининг ўзгаришини”



акс эттиради. Бундесбанк ҳисобварақларига хорижий валютанинг келиб тушиши Германиянинг тўлов баланси активини акс эттиради, у тақчиллик бўлганда банк захирасидаги хорижий валюта ҳажми камаяди. Германияда қўлланиладиган концепцияга мувофиқ, Бундесбанкнинг давлат капиталини хорижга узоқ муддатга жойлаштиришдан иборат операцияларини, баланслаштирувчи операциялар киришига олиб келади. Бунга мисол қилиб, Бундесбанкнинг ЖТТБининг облигацияларини харид қилишини келтириб ўтиш мумкин.

Буюк Британияда расмий ҳисоб-китоблар концепцияси 1970 йилдан қўлланади. Америка услубидан фарқли равишда расмий захираларнинг ўзгариши билан боғлиқ баъзи операциялар фақат қисман акс этирилади. Бунга расмий захираларни қўллаб-қувватлаш учун ХВФдан қисқа муддатга ва ўрта муддатга олинган расмий захиралар, айрим мамлакатларнинг марказий банкларидан олинган шу каби маблағлар киради.

Буюк Британиянинг хорижий расмий валюта муассасаларига нисбатан мажбуриятлари ўзгарганини акс эттирувчи бир-нечта балансловчи операциялар киритилмаслиги, тўлов балансининг қолдиғи асимметрик бўлишига олиб келади. Бу усулда тўлов баланси тузиш бўйича давлатлар ўртасида анчагина фарқ мавжуд.

Кўрсатиб ўтилган фарқлар натижасида мамлакатлар тўлов баланси қолдиғини солиштириш имконияти пасаяди. Масалан, расмий ҳисоб-китоблар балансининг қолдиғи кўрсаткичини қиёсланаётган турга келтириш учун, масалан, АҚШ кўрсаткичларига нисбатан ИХРТ усулини қўллаш учун СДР тақсимотини ва АҚШ ҳукуматининг узоқ муддатли кредитлари бўйича чет элликларнинг муддатидан олдин тўловлар тўлаш миқдори қўйилиши керак. Англия кўрсаткичларига нисбатан қўллаш учун захираларни қўллаб-қувватлаш линияси бўйича юзага келган мажбуриятлардан ташқари, хорижий валюта органлари олдидаги мажбуриятларни қўшиш ҳамда Англия ҳукумати томонидан қарзга олинган хорижий валюта миқдорини айириш керак. Германия кўрсаткичидан Бундесбанкнинг ЖТТБ облигацияларини сотиб олиш учун сарфланган маблағларини айириш керак. Аммо кўрсатиб ўтилган фарқ масштаби унча катта эмас, айрим ҳолларда жуда кичик, бу эса

амалий жиҳатдан бу кўрсаткичларни солиштириш имконини беради.

Ғарб экспертларининг таъкидлашича, расмий ҳисоб-китоблар концепцияси, урушдан кейинги даврда Фонд томонидан қўлланган расмий молиялаш концепцияси билан ўхшашдир. Бу концепцияда баланс операциялари жумласига захирадаги ўзгаришлардан ташқари, яна барча расмий субсидиялар, Ғарбий Европа давлатларига ва баъзи ривожланаётган давлатларга берилган узоқ муддатли давлат кредитлари ҳам (хусусан, АҚШ-нинг Экспорт-импорт банки, Маршалл режасига мувофиқ ҳамда ЖРБТ томонидан берилган кредитлар) киритилган. Шунингдек расмий органлар томонидан назорат қилинувчи хусусий банкларнинг портфелидаги хорижий активлари, хорижий расмий ва хусусий муассасалар олдидаги барча мажбуриятлари ҳам киради. Расмий молиялаш концепцияси моҳиятан ва статистик ҳисобот жиҳатидан танқидга учраб, 1954 йилда бекор қилинди.

Валюта курси белгилаб қўйилган вазиятда расмий ҳисоб-китоб баланси мазкур мамлакатнинг валюта бозоридаги вазиятни акс эттиради. Чунки валюта курсининг ўзгариши расмий захиралар ҳажми ўзгаришига ҳамда хорижий расмий валюта органлари олдидаги мажбуриятларнинг ҳам ўзгаришига таъсир этади. Бу моддалар активи (валюта захирасининг ошиши ёки мажбуриятларни камайтириш) мазкур мамлакат валютаси позициясининг кучайишини, тақчиллиги эса унинг пасайишини билдиради. Ўзгарувчан валюта курсининг жорий этилиши натижасида баланс моддалар таҳлили миллий валюта ҳолати ҳақида маълумотлар беришга қодир бўлмай қолди. Давлатнинг валюта курси ўзгариши мумкин, лекин давлат валюта органлари валютани қўллаб-қувватлаш бўйича операцияларни амалга оширмаса, расмий ҳисоб-китоблар баланси моддалари ўзгаришсиз қолади. Бу ҳолда валюта курсининг ўзгариши натижасида тўлов балансининг асосий моддаларида ўзгаришлар рўй беради. Валюта курсидаги узоқ вақт огишишлар, жорий операциялар баланси ҳамда капитал ва кредитлар ҳаракати баланслари қолдиқлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади; валюта курсидаги қисқа муддатли тебранишлар эса асосан, қисқа муддатли капиталнинг ҳаракатига таъсир кўрсатади.

Ўтган асрнинг 70-йилларидаги халқаро капитал ҳаракати ҳажмининг ортиши белгиланган курслар режимининг издан чиқишига сабаб бўлди; бу сузувчи курс вазиятида ҳам давом эттирилди. Узоқ ва қисқа муддатли капитал ҳаракатига валюта омили билан бирга ТМҚларнинг сиёсати, давлатнинг иқтисодий сиёсати шу жумладан, банкнинг фоиз ставкаларидан фойдаланиш орқали юритадиган сиёсати ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Нефть экспорти билан шуғулланувчи мамлакатларда йирик доллар активининг ҳосил бўлиши капитал ҳаракатининг муҳим омили бўлди. 1980-йилларда АҚШда молиявий ресурслар танқислиги ва бу билан боғлиқ бўлган банк фоиз ставкаларининг ошиши натижасида капиталнинг йирик ҳажмда ҳаракати юзга келди. Бундай вазиятда расмий захира операциялари тўлов балансидаги катта ўзгаришлар ўрнини қоплай олмайди.

**Фақат жорий операциялар бўйича тўлов баланси қолдиғини ўлчашга қайтиш.** Халқаро тўлов муносабатлари тизимидаги йирик ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ бўлган капитал ҳаракатининг барқарор тусга эга эмаслиги ўтган асрнинг 70-йилларида тўлов баланси қолдиғини аниқлаш услубининг қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлди. 1976 йилдан бошлаб, АҚШда тўлов баланси қолдиғини расмий равишда жорий операциялар қолдиғи сифатида ўлчаш бошланди. Бошқа операциялар тўғрисида эса маълумотнома нашр этила бошланди. Қолган мамлакатлар ҳам АҚШ каби иш тутдилар.

Тўлов баланси қолдиғини жорий операциялар бўйича ўлчаш шунин билдирадигани, ушбу усулни қўллаган мамлакатлар, сузувчи валюта курси шароитида тўлов балансини тартибсиз равишда тенглашишида капитал ҳаракати моддалари баланс моддалари бўлиб ҳисобланади. Демак, жорий операциялар бўйича ўлчашга мурожаат қилиш, ўтмишга қайтиш сифатида баҳоланмаслиги керак. Тўлов балансининг жорий операциялар бўйича кўрсаткичига мурожаат қилиниши иқтисодий назариянинг амалиётдан орқада қолишни акс эттиради. Давлат органлари капитал ҳаракатини халқаро хўжаликнинг байналмилаллашуви ва глобаллашувининг омили эканлигини инобатга олмайдилар ва ҳамон унга фақат қарздорлик муносабатлари элементи сифатида баҳо бермоқдалар. Бугунги шароитда жорий операциялар қолдиғининг динамикаси қарздорлар ва кредитор-

ларнинг халқаро тўлов муносабатларидаги ролларининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Халқаро солиштиришни амалга ошириш мақсадида ХВФ тўлов баланслари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни нашр этиб боради. Улар ўзига хос хусусиятга эга, бу жиҳатдан улар миллий статистика нашрларидан фарқланади. ХВФ экспертлари мамлакатлардан олинган кўрсаткичларни қайта ишлайдилар, унга аниқликлар киритадилар, норасмий нашрлардан фойдаланадилар, тўлов баланси моддаларини қайтадан гуруҳларга бўладилар ва бошқа амалларни бажарадилар. Натижада ХВФ нашрлари мамлакатлар берган дастлабки маълумотлардан анчагина фарқланади. Энг асосийси, қиёслашни таъминлаш учун маълумотлар СДР қайтадан ҳисоблаб чиқилади. Бунинг натижасида маълум бир фарқлар юзага келади. Фонд экспертлари барча кўрсаткичларни қайта ҳисоблаш учун тўлов баланси тақдим этилган вақтдаги мамлакат валютасининг СДРдаги ўртача курсидан фойдаланадилар. Шу билан бирга операцияга нисбатан қўлланганда, ушбу курс ўртача курсдан фарқланади, чунки маълум товарлар ва хизматларнинг халқаро ва миллий баҳоси ўртасида фарқ мавжуд. Демак, СДР томонидан кўрсаткичлар қайта ҳисобланганда миллий маълумотлар маълум маънода силлиқлаштирилади, баъзи моддалар бўйича миллий валютадаги ўртача курсга нисбатан оғишлар ёки СДРдаги фарқлар реал муносабатларни инобатга олган ҳолда ўзгартирилади.

Шундай қилиб, аъзо мамлакатларнинг ХВФ томонидан эълон қилинган тўлов балансларининг кўрсаткичларини қиёслаш натижалари жуда аниқ бўлмайди. Бу маълумотлар таҳлили, асосан тадқиқ қилинаётган жараёнлар кўлами ҳақида фикрлаш имконини беради, сон жиҳатдан аниқ маълумот беролмайди.

Юқорида кўриб ўтилган концепциялар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳеч бири операциялар кўлами ҳақида аниқ маълумот бермайди, асосий ва балансловчи гуруҳларига бўлиш ҳам нисбийдир. Одатда тўлов балансининг янги концепцияси халқаро ҳисобкитоблар тизимидаги катта мураккабликлар, иқтисодийёт ҳамда валюта тизимидаги ўзгаришлар даврида юзага келади ва бу вужудга келган ўзгаришларни акс эттиришга ҳаракатнинг натижасидир. Амалдаги вазиятни акс эттирувчи тўлов баланси концепцияси иқтисо-

дий назария ва амалиёт учун долзарб масала ҳисобланади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Тўлов балансининг қолдиғи нима?
2. Тўлов баланси моддаларини ХВФ усулига кўра таснифлаш қандай амалга оширилади?
3. Жорий операциялар баланси концепциясининг қандай асосий жиҳатлари мавжуд?
4. Базисли баланс концепциясини тушунтиринг.
5. Қандай сабабларга кўра ликвидлилик концепцияси юзга келган?
6. Яқуний баланс концепцияси қачондан бошлаб қўлланила бошланди ва унинг олдинги концепциялардан қандай фарқли жиҳатлари бор?
7. Валюта курси ўзгарган пайтда давлат валюта органлари валютани қўллаб-қувватлаш бўйича операцияларни амалга оширмаса, расмий ҳисоб-китоблар баланси моддаларида қандай ўзгаришлар юз беради?
8. Фақат жорий операциялар бўйича тўлов баланси қолдиғини ўлчашга қайтишга сабаб нимада?
9. Нима мақсадда ХВФ тўлов баланслари тўғрисидаги маълумотларни нашр этиб боради?
10. Кўрсаткичларни қайта ҳисоблашда қайси усулдан фойдаланилади?

### ***СОСА-COLA ВА MICROSOFT ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ БРЭНД (МАРКА)ЛАРИ СИФАТИДА ТАН ОЛИНДИ***

Business Week журнали ва Interbrand маслаҳат компанияси томонидан тузилган дунёнинг брэндлари рўйхатида Coca-Cola етакчилик қилмоқда. Кучли ўнликдан, шунингдек Microsoft IBM, General Electric, Intel, Nokia, Disney, McDonalds, Malboro ва Mercedes жой олишди.

Ушбу рейтингга бир-қанча талабларга жавоб берувчи компаниялар киритилди. Жумладан: *биринчидан*, қиймати миллиард доллардан ортиқ бўлиши, *иккинчидан*, ушбу марка остида сотилаётган товарларнинг 20 фоизидан ортиғи хорижий бозорларда сотилиши керак.

Яна бир мажбурий шарт — ушбу брэнд ҳақидаги маркетинг ва молиявий ахборотларни олиш имкониятлари бўли-

ши лозим (мазкур талабга жавоб бермаганлиги учун Visa International, BBC ва Mars рейтинг рўйхатидан чиқарилди).

Рейтинг тузиш жараёнида амалга оширилган тадқиқотлар натижасига кўра Samsung, Nivea, Harley-Davidson, Starbucks каби брэндлар сезиларли муваффақиятларга эришганлиги кузатилган. Ericsson, Ford, AT&T, Boeing, Merrill Lynch кабилар эса омадсизлар сафидан жой олишган.

#### 5.4. ТЎЛОВ БАЛАНСНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

Тўлов баланси қадимдан давлат томонидан тартибга солинадиган объектлардан биридир. Бундай бўлишига қуйидагилар сабаб бўлиб хизмат қилади:

*биринчидан*, тўлов балансига тенгсизлик, мувозанатсизлик хос бўлиб, бу ҳолат айрим давлатларда узоқ муддатли тақчиллик ва ҳаддан ташқари актив қолдиқ кўринишида намоён бўлади. Бу номутаносиблик валюта курси динамикасига, капитал кўчишига, иқтисодиёт ҳолатига қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШ жорий операцияларидаги тақчилликни миллий валюта билан қоплаш натижасида инфляцияни бошқа давлатларга экспорт қилишга эришган. Халқаро айланмадаги доллар ортиқчалигини келтириб чиқариб, XX асрнинг 70-йилларидаги Бреттонвуд тизимининг издан чиқишига олиб келди;

*иккинчидан*, XX асрнинг 30-йилларида олтин захиралари бекор қилингандан сўнг тўлов балансини тенглаштиришнинг баҳо механизми иш бермай кўйди. Шу сабабли ҳам тўлов балансини давлат томонидан маълум тадбирлар орқали бошқарилиши мақсадга мувофиқ бўлиб қолмоқда.

*учинчидан*, хўжалик алоқалари глобаллашиб бораётган бир даврда, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимида тўлов балансининг роли борган сари ортиб бормоқда. Бу балансни тенглаштириш вазифаси — давлатнинг иқтисодий ўсиш жадалигини таъминлаш, инфляцияни жиловлаб туриш ва ишсизликни камайтириш каби вазифалари билан бир қаторда тан олинмоқда.

Тўлов балансини тартибга солишнинг моддий асоси бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- расмий олтин-валюта захиралари;
  - миллий даромаднинг давлат бюджети орқали тақсимланадиган қисми;
  - давлатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда капитал экспорт қилувчи, кредитор, кафолат берувчи, қарз олувчи сифатида бевосита қатнашиши;
  - ташқи иқтисодий операцияларни меъёрий ҳужжатлар ва давлат органлари ёрдамида тартибга солиш.
- Мамлакатлар тўлов балансини тартибга солишда тез-тез учраб турадиган муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Тўлов балансини тенглаштириш бўйича қайси давлатлар (актив қолдиққа ёки тақчилликка эга бўлган) зарурий чора-тадбирларни қўллашлари зарурлиги. Бу масалада назариётчилар ва амалиётчиларнинг фикрлари турличадир. Одатда бир-қанча ички ва ташқи омилларнинг босими остида тўлов балансида тақчиллик мавжуд мамлакатларда уни тенглаштириш муаммоси туради. Актив балансга эга бўлган давлатлар халқаро ҳисоб-китобларга киришувчи мамлакатларни “ўз уйида тартиб ўрнатишини” талаб қилади: инфляцияни жиловлаш, дефляцияни сиёсатни қўллашга зарурат, экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш ва бошқалар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ, Ғарбий Европанинг тўлов балансида асоратли тақчилликка эга мамлакатларига нисбатан мана шундай талабларни қўйди. Аммо 1980-йилларга келиб, вазият ўзгарди. Энди ЕИ АҚШга нисбатан юқоридаги талабларни қўйди.

Тақчилликли тўлов балансига эга бўлган давлатлар эса актив балансга эга бўлган ўз ҳамкорларидан импорт бўйича чекловларни камайтириш, мазкур мамлакатларга капитал чиқарилишини рағбатлантириш кабиларни талаб қилади.

Тўлов балансининг давлат томонидан тартибга солиниши — бу давлатни тўлов балансининг асосий моддаларини шакллантиришга ҳамда пайдо бўлган тақчилликни молиялаштиришга йўналтирилган иқтисодий, жумладан валюта, молия, пул-кредит тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятининг умумий йиғиндисидир.

Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китоблари ва валюта-иқтисодий ҳолатига боғлиқ ҳолда тўлов балансини бошқаришнинг, ташқи иқтисодий операцияларни рағ-

батлантириш ёки қисқартиришга йўналтирилган турли усуллари мавжуд.

Тўлов балансида тақчиллик мавжуд бўлган давлатлар томонидан экспортни рағбатлантириш, импорт қилинаётган товарларни камайтиришга, хорижий капитални жалб қилишга, капитални олиб чиқиб кетишни чегаралашга қаратилган қуйидаги тадбирлар қўлланилади:

• **Дефляциян сиёсат.** Бу сиёсат ички талабни камайтиришга йўналтирилган ҳолда ўз ичига бюджет маблағларини аҳолига камроқ ишлатиш, баҳоларни ва иш ҳақларини музлатиш кабиларни қамраб олади. Унинг энг асосий инструментларидан бири бўлиб, молиявий ва пул-кредит чоралари ҳисобланади: бюджет тақчиллигини камайтириш, Марказий банкнинг ҳисоб ставкаларини ўзгартириши (дисконт сиёсати) кредит чекловлари, пул муассасининг ўсиб боришига чегара қўйиш. Иқтисодий пасайиш, ишсизликнинг юқори кўрсаткичи ва тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари шароитида дефляция сиёсатини қўллаш, ишлаб чиқариш ва бандликнинг янада пасайишига олиб келади. Бу эса аҳолининг турмуш даражасига сезиларли салбий таъсир кўрсатиб, вазиятни юмшатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар қўлланилмаса, ижтимоий низолар келиб чиқади.

• **Девальвация.** Миллий валюта курсининг пасайтирилиши. Бу тадбир миллий экспортни рағбатлантириш ва импортни жиловлаш билан боғлиқ мақсадларда амалга оширилади. Аммо тўлов балансини тартибга солишда девальвациянинг роли, уни ўтказиш тартиблари ва уларга ҳамкорлик қилувчи мамлакатнинг умумиқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ бўлади. Девальвация фақатгина, рақобатбардош товарларнинг экспорт потенциали ва жаҳон бозоридаги қулай вазиятларнинг мавжудлиги шароитидагина товарлар экспортини рағбатлантириши мумкин. Девальвациянинг импортни чеклашга таъсири эса такрор ишлаб чиқариш жараёнининг байналмилаллашуви ҳамда халқаро ихтисослашув даражасининг ривожланиши билан мамлакатнинг импортни чеклаш бўйича кескин чоралар қўллаш имкониятлари пасайишидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳамма мамлакатларда ҳам импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш сиёсати муваффақиятли чиқавермайди.



Девальвация импортни чеклаши билан мамлакат ичида товарлар ишлаб чиқариш харажатлари ортишига, нархларнинг кўтарилишига ва оқибатда, ташқи бозорларда рақобатбардошлик қобилятининг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун бу тадбир мамлакатга вақтинчалик устуворлик бериши мумкин, аммо у тўлов балансининг тақчиллигини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга қодир эмас. Кутилган натижани олиш учун девальвация етарли даражада бўлиши зарур. Акс ҳолда у валюта спекуляциясини кучайтиради ва валюта курсини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилади. Масалан, 1967 йил ноябрь ойида фунт-стерлингни 13,4 фоизга девальвацияси ва 1971 йил долларнинг 7,89 фоизга девальвация қилиниши, ушбу валюталарга бўлган чайқовчилик босимни йўқ қилаолмади. Аммо ҳаддан ортиқ даражада амалга оширилган девальвация, бошқа валюталар курсини ҳам туширишга олиб келадиган занжирли реакцияни амалга оширади. Натижада девальвацияни амалга оширган мамлакат, рақобатда ўзи кутган устуворликка эга бўлаолмаслиги мумкин. Айрим мамлакатлар баъзи пайтда турли валюта курсларини қўллайдди, масалан, иккита валюта бозорини ташкил этиш ёки яширин девальвация шаклидаги сузиб юрувчи курслар тартибининг қўлланилиши, тўлов балансларини тенглаштириш имконини бермади. Тарқоқ ва баъзи ҳолатларда қўлланиладиган девальвация амалиётидан воз кечиш, халқаро ҳисобкитобларда спекулятив капитал босимини пасайтирди. Аммо уни сузиб юрувчи курс шароитида экспорт ва импорт нархларининг бозорда пасайиш нисбатига таъсир этмади. Шунинг учун кўпгина ривожланаётган мамлакатларда девальвациянинг самарасини ошириш мақсадида табақалаштирилган пошлиналар ҳамда экспорт-импортга субсидиялар бериш амалиёти қўлланилмоқда.

• **Валюта чекловлари.** Ушбу тадбир экспорт қилувчиларнинг хорижий валюталардаги тушумларидан фойдаланишни чеклаш, хорижий валютани импорт қилувчиларга сотишни лицензиялаш орқали амалга оширилади. Шунингдек у валюта операцияларни махсус рухсатномага эга бўлган банкларда амалга оширилиши ҳамда тўлов балансидаги тақчилликни камайтириш мақсадида капитал экспортини чегаралаш ва унинг оқиб келишини рағбатлантириш, товарлар импортини чега-

ралашга қаратилган тадбирлар йиғиндисидир. XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йилларининг бошларида жорий операциялар бўйича юритилаётган сиёсатнинг эркинлашувига қарамасдан, конвертирланадиган валютага эга бўлган мамлакатларнинг деярли 90 фоизда капиталларнинг халқаро ҳаракатида турли хил чекловлар мавжуд бўлган. ЕИининг кўпчилик давлатлари ушбу чекловларни фақатгина ўтган асрнинг 90-йиллари келиб бекор қилди.

• **Молия ва пул-кредит сиёсати.** Тўлов балансидаги тақчилликни бартараф этиш мақсадида экспорт қилувчиларга бюджет субсидиялари берилади, протекционистик (ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш) мақсадларида импорт божлари оширилади, мамлакатга пул оқимининг кириб келишини рағбатлантириш мақсадида қимматли қоғозлар эгаси бўлган хорижликлардан олинадиган солиқларни бекор қилиш каби чоратадбирлардан кенг фойдаланилади. Шунингдек пул-кредит сиёсати, банк ҳисоб сиёсати ва муомаладаги пулнинг массасини белгилаш тадбирлари юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

• **Тўлов балансининг махсус моддаларини шакллантириш** жараёнида давлат томонидан кўрсатиладиган махсус таъсир чоралар — савдо баланси, “кўринмас” операциялар ҳамда капиталлар ҳаракати ҳисобварақлари бўйича олиб борилади.

**Савдо баланси** — тартибга солишнинг муҳим объекти бўлиб хизмат қилади. Ҳозирда давлат назорати нафақат муомала соҳасини, балки экспорт товарлари ишлаб чиқариш жараёнини ҳам ўз ичига қамраб олмоқда. Сотиш босқичида товарлар экспортини рағбатлантиришга фақатгина уларнинг нархига таъсир кўрсатиш орқали эришиш мумкин. Экспорт қилувчиларнинг товарларни экспорт қилишдаги қизиқишини жонлантириш мақсадида давлат уларга экспорт кредитларини беради, уларни иқтисодий ва сиёсий рисклардан сугурталайди, капитални имтиёзли амортизация қилишга шароит яратади ва бошқа молиявий имтиёزلарни тақдим этади.

Жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиб бориши билан, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тартибга солиш борасида тармоқ ичидаги ихтисослашувни кучайтириш ва миллий фирмаларни хориж фирмалари билан кооперациялашувини амалга ошириш

лозим бўлади. Халқаро ихтисослашувни кучайтириш мақсадида, барча мамлакатларда ҳукумат кичик ва ўрта бизнес вакилларининг экспорт фаолиятини рағбатлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспортини кучайтириш, машина ва ускуналар кўринишидаги илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш рағбатлантирилмоқда.

Бугунги кунда экспортни давлат томонидан тартибга солиниши, товарларнинг чет элдаги бозорларини ўрганишдан бошлаб, уларни сотувдан кейинги хорижий хизматларини таъминлашни ҳам ўз ичига олмоқда. Экспортни рағбатлантириш усулларининг қўлланилиши тобора комплекс равишда тус олмоқда. Улар ўз таркибига валюта, кредит, молиявий-ташкилий кўринишда экспортни қўллаб-қувватлаш ва реклама, ахборот, кадрлар тайёрлаш кабиларни ҳам қамраб олади. Мазкур воситалар ёрдамида капитал олиб чиқиб кетишни чеклаш ҳамда товарлар экспортини рағбатлантиришда фойдаланилмоқда. Пассив тўлов балансига эга бўлинган ҳолатларда импортни тартибга солиш, мамлакат ичкарисида импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш механизмларидан фойдаланиш амалиёти ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда импортни чеклашда тарифсиз чекловлар қўлланиб келинаётган бўлиб, контрагентлар билан уларнинг ўз хоҳиши билан экспортни чегаралашга битим тузилади (масалан, АҚШ билан Япония, Испания, Мексика, Бразилия ўртасида XX асрнинг 80-йилларида тузилган битимлар).

Тўлов балансининг “кўринмас” операциялари бўйича тўловлар ва тушумлар билан боғлиқ бўлган операцияларни тартибга солиш мақсадида қуйидаги чоралар қўлланилади:

— мазкур давлат сайёҳлари томонидан валюта олиб чиқиб кетиш меъёрларининг чегараланиши;

— хорижий сайёҳларни жалб қилиш мақсадида мамлакатда сайёҳликни йўлга қўйиш учун давлатнинг бевосита ёки билвосита аралашуви;

— “Транспорт” банди бўйича харажатларни камайтириш мақсадида;

— бюджет маблағлари орқали денгиз транспортини қуришга кўмаклашиш;

— илмий—техникавий битимлар, лицензиялар, савдо патентлари ва бошқалар савдоси орқали тушумни ривожлантириш мақсадида илмий изланиш ишларига давлат харажатларини ошириш;

— ишчи кучи кўчишини тартибга солиш, жумладан, хорижий ишчилар алмашувини қисқартириш учун иммигрантлар чиқишини чеклаб қўйиш.

Капитал ҳаракатининг тартибга солиниши бир томонлама миллий монополияларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини рағбатлантиришга, бошқа томонлама тўлов балансини мувозанат ҳолатига келтириш учун хорижий валюта оқими ва миллий капитални репартиция қилишни рағбатлантириш лозим. Шу мақсадда ҳукумат чет эллик хусусий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини ташкил этиш орқали капитал олиб кирувчилар ва товар олиб чиқиб кетувчиларни рағбатлантиради. Инвестициялар бўйича ҳукумат кафолатлари, тижорат ва сиёсий рискларни суғурталаш орқали амалга оширилади.

Давлат шунингдек капитал “қочиши”ни чегаралашга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Булар таркибига: мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, миллий валюта ва ҳукуматга ишончни ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, “қора” бозор ва коррупцияга қарши курашиш киради. Капиталнинг “қочиши”ни камайтиришнинг энг самарали йўлларида бири капиталнинг халқаро ҳаракати устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек унинг олиб чиқиб кетиладиган ҳажминини чегаралаш ва дивиденд ҳамда фоизларни ўз вақтида репартиция қилишни талаб қилиш ҳисобланади.

Халқаро амалиётда капиталнинг “қочиши”ни чегаралаш, пул капитал операцияларни ва хорижга инвестицияларни қонуний меъёрлар, маъмурий ва молиявий назорат қилишнинг биргаликда амалга ошириш орқали эришилади. Банклар назоратни амалга оширадилар ва чет эл банкларига ўтказилган шубҳали суммалар, ташқи иқтисодий сохта шартномалар бўйича бўнаклар ҳамда тўловлар юзасидан давлат органларига хабар берадилар. Экспорт битимлари субъектларининг ягона занжирини ҳосил қилиш (экспорт қилувчи—божхона—банк), ҳисоб-назорат механизми, ҳисоботларни бир хиллаштириш (хусусан, экспорт юклари ва уларни етиб бериш тўғрисидаги) капитал “қочиши”ни че-

гаралашга кўмаклашади. Капиталнинг четга чиқиб кетишини чегараловчи яна муҳим бир восита, валюта ва экспорт назоратини самарали юритишдир. Бу ерда назорат органлари функцияларни, ваколат ва жавобгарликни аниқ бўлиб олиши муваффақият гарови ҳисобланади. Капитал “қочиши”нинг олдини олувчи муҳим омил — ушбу капиталлар бориб жойлашадиган мамлакатлар билан валюта ва экспорт назорати бўйича халқаро шартномалар тузиш ҳамда ҳамкорлик қилишдир.

Актив тўлов баланси мавжуд бўлганда, давлат томонидан тартибга солиш, асосан юзага келиши мумкин бўлган ўта актив қолдиққа барҳам беришдан иборат. Шу мақсадда юқорида кўриб ўтилган усуллар — молия, кредит, валюта ва бошқалар, шунингдек валютани ревальвацияси, импортни кенгайтириш, товарлар экспортини камайтириш, капитал экспортини ошириш (шунингдек ривожланаётган мамлакатларга ёрдамлар ва кредитлар) ва капитал импортини чеклаш қўлланилади.

Одатда, тўлов балансини мувозанатловчи тартибга солиш усули қўлланилади, яъни иккита бир-бирига мутлоқ қарама-қарши тадбирлар: рестрикцион (кредитларни чегаралаш, жумладан, фоиз ставкаларини ошириш, пул массаси ўсишини, товарлар импортини, капитал “қочиши”ни чегаралаш) ва экспансион (товарлар, хизматлар экспортини, капиталлар ҳаракатини рағбатлантириш, девальвация ва ҳ.к.). Давлат нафақат тўлов балансининг айрим моддаларини, балки унинг қолдиғини ҳам тартибга солади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Нима сабабдан тўлов баланси тартибга солинади?
2. Тақчилликли тўлов балансига эга мамлакатларда уни тартибга солиш учун қандай асосий чора-тадбирлар қўлланилади?
3. Дефляцион сиёсат ҳамда девальвациядан кўзланган мақсад нима?
4. Валюта чекловининг асл моҳиятини тушунтиринг.
5. Савдо баланси қандай тартибга солинади?
6. Пассив тўлов баланси шароитида импорт-экспорт операциялари қандай тартибга солинади?

## 5.5. ТҶЛОВ БАЛАНСЛАРИНИ МУВОЗАНАТЛАШ УСУЛЛАРИ

Расмий жиҳатдан тўлов баланси ҳар қандай баланс каби мувозанатда бўлади. Чунки асосий мувозанатта олиб келувчи омиллар ўзаро бир-бирини қошлайди. Агарда жорий ҳисобварақлар бўйича тақчиллик келиб чиқадиган бўлса, у ҳолда бу ҳисобварақларни мувозанатлаштириш, тенглаштирувчи — тўлов баланси қолдиғини тартибга солувчи моддалар орқали амалга оширилади. Одатда, бундай мақсадлар учун жорий қарзлар ва капитал киритилишидан фойдаланилади. Тўлов баланси тақчиллигини қошлаш учун ХВФ захира кредитларини тақдим этади. Бу кредитлар миқдори унчалик кўп бўлмайди, яъни бадалнинг 25 фоиз миқдоорида. Бундан ҳам кўпроқ маблағлар олиш учун ХВФ томонидан қўйилган кўплаб меъёрларни бажариш талаб қилинади.

Ривожланган мамлакатлар ўз тўлов баланслари тақчиллигини қошлаш мақсадида жаҳон бозорида банклар консорциумларининг кредитлари, облигацион қарзларини жалб қилади. Ушбу турдаги қарзларни тақдим этишда тижорат банклари етакчилик қилмоқда.

Халқаро валюта фондлари кредитларидан банк кредитларининг фарқи, банклар ҳеч қандай барқарорлаштирувчи дастурлар бажарилишини талаб қилмаслиги ҳамда уларнинг оммавийлигидадир. Аммо банк кредитлари қиммат ва йирик ташқи қарзлари мавжуд мамлакатлар учун у қийинлик туғдиради. Масалан, Америка банклари вақти-вақти билан ривожланаётган мамлакатларнинг айримларини “қора” рўйхатга киритишганини эълон қилишади ва бу мамлакатларга банк кредитларини бериш тавсия этилмайди. Шунингдек кейинги йилларда хусусий банклар билан халқаро молия-кредит ташкилотлари ўртасида кредитлар беришни мувофиқлаштириш амалиёти кучайиб бормоқда.

Мамлакат тўлов балансининг пассив қолдиғини қошлаш учун “своп” битими орқали қисқа муддатли кредитлардан фойдаланилади ва бу кредитлар марказий банклар билан ўзаро келишув орқали миллий валютада олинади.

Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан 80-йиллари ўрталаригача, ривожланган давлатлар ўз тўлов баланс-

ларидаги тақчилликни молиялаштириш мақсадида бундай кредитлардан фойдаланишган.

Тўлов баланси тақчиллигини молиялаштиришнинг вақтинчалик усулларида бири бўлиб, хорижий ёрдам линиялари орқали олинган имтиёзли кредитлар ҳам хизмат қилади.

Олтин монометализми даврида тўлов балансининг пассив қолдиғини тўлаш олтиннинг мамлакатдан олиб чиқилиши орқали амалга оширилган бўлсада, аммо қимматбаҳо металнинг ҳаракати ҳеч қачон тўлов балансининг ҳолатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган. Агар мамлакат олтин қазиб чиқарувчи бўлса, мамлакатдан олтиннинг олиб чиқиб кетилиши, тўлов балансининг пассивлигини билдирмайди. Олтин андозасининг бекор қилиниши билан тўлов балансининг тақчиллигини молиялаштиришда, ундан фойдаланиш анча қисқарди. Олтиннинг расман демонитизация қилинганлиги шароитида ундан умумий тўлов воситаси сифатида куйидаги вазиятларда фойдаланилмоқда: *биринчидан*, ноилож қолинган пайтларда чекланган миқдорда; *иккинчидан*, савдо ва кредит битимларини бажаришда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қабул қилинган миллий валюталарни сотиб олиш учун олтинни дунё бозорларида сотиш орқали билвосита шаклда фойдаланилмоқда.

Ўтган асрнинг 50-70-йилларида АҚШ ўзининг тўлов балансидаги тақчиллигининг 1/5 дан 1/3 гача қисмини олтинни мамлакатдан ташқарига олиб чиқиш орқали молиялаштиради. Аммо АҚШ тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳар қандай улкан олтин захирасига эга бўлган давлат ҳам бу усул орқали узоқ муддат тўлов балансидаги тақчилликни қоплай олмайди (мазкур тадбирлар натижасида АҚШ олтин захираси 1949 йилдаги 24,6 млрд. АҚШ долл. дан 1985 йилга келиб 11 млрд. АҚШ долл.га камайиб кетди).

Айрим давлатлар (Италия, Португалия, Уругвай ва бошқалар) олтин захираларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш мақсадида олтиндан фақатгина кредитлар таъминоти сифатидагина фойдаланди. Бу олтиннинг фавқулодда пул сифатидаги функциясининг иқтисодий моҳиятини сақлаб қолганлигини яна бир бор исботлайди. 1974 йилда Италия 3,5 млрд. АҚШ долл.га эга бўлган ҳолда тўлов балансини тенглаштириш учун Германиядан икки йил муддатга олтинни

ўртача бозор баҳосида кредит таъминоти сифатида қўйиб кредит олди (ўша даврда бир унция 120 АҚШ долл.га тенг бўлган). Германиянинг талаби билан олтин АҚШдаги омборлардан олиниб, Немис Федерал банкига депонентлаштирилган. Яна бир мисол, 1976 йилда Португалия банки Германия ва Швейцариянинг қатор банкларидан 580 млн. АҚШ.долл. миқдорида кредит олди. Кредитнинг таъминоти эса мамлакат олтин захирасининг 20 фоизидан иборат эди.

Конвертирланадиган хорижий валюта захиралари мамлакат тўлов балансини баланслаштиришнинг энг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ ва Буюк Британия тўлов балансларидаги тақчиллик миллий валюта ҳисобидан молиялаштирилди. Чунки Бреттонвуд келишувида доллар ва фунт-стерлингга халқаро захира валютаси мақоми берилган эди. Мазкур имтиёз натижасида АҚШ уруш вақтида ва ундан кейин жамғарган улкан олтин захирасининг ярмини сақлаб қолди. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида АҚШ тўлов балансидаги тақчилликни молиялаштиришда 70-80 фоиз, 1971 йилда долларни олтинга конвертирланиши бекор қилиниши билан 100 фоиз ўз миллий валютасидан фойдаланди. Мазкур ҳолат муомаладаги олтиннинг ҳажмини ортиб кетишига ва унинг қадрини даврий равишда тушишига олиб келди. АҚШдан фарқли равишда бошқа мамлакатлар тўлов балансидаги тақчилликни молиялаштириш учун зарурий миқдордаги конвертирланадиган валютани миллий бойлигининг маълум қисмини экспорт қилиш орқали “ишлаб топиши” лозим. Мамлакатлар ўртасида валюта захираларининг нотекис тақсимланганлиги тўлов балансини тенглаштириш имкониятларини чегаралайди.

1970 йиллардан бошлаб, тўлов балансидаги тақчилликни молиялаштириш учун зарурий валютани сотиб олишда ХВФдаги бир мамлакатнинг ҳисобварағидаги СДРни иккинчи мамлакатнинг ҳисобварағига ўтказиш орқали амалга оширилмоқда. СДРнинг эмиссияси сезиларсиз ва унинг халқаро ликвид захиралардаги улуши 1,9 фоизни ташкил этади. У нотекис тақсимланган, ХВФининг аъзолари ўртасида уларнинг бадалларига қараб, СДР миқдори белгиланган.

Тўлов балансидаги тақчилликни молиялаштиришнинг яна муҳим манбаси — субсидия ва инъомлар



кўринишидаги хорижий ёрдамлар ҳисобланади. Масалан, 1947 йилда Фарбий Европа мамлакатларининг тўлов балансидаги тақчилликнинг 75 фоизига яқини АҚШнинг сиёсий ва иқтисодий ёрдами билан қопланди. Ҳозирги кунда кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов балансидаги тақчилликни қоплашда кўпроқ мазкур усулдан фойдаланилмоқда.

Тўлов балансидаги актив қолдиқ, асосан, мамлакатнинг ташқи қарзини тўлашга (шу жумладан, муддатидан олдин), бошқа мамлакатларга қарзлар беришга, расмий олтин-валюта захираларини оширишга, хорижда иккинчи иқтисодиётни ташкил қилиш мақсадида четга капитал олиб чиқиш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, дунё хўжалигининг глобаллашуви ва иқтисодиётни миллий даражада тартибга солишнинг самараси етишмаслиги кабилар натижасида тўлов балансини давлатлараро тартибга солиш амалиёти юзага чиқди.

Такрор ишлаб чиқариш ташқи омилларининг таъсирини кучайиши ҳамда мамлакатлар тўлов балансида узоқ вақт давом этадиган тенгсизликлар, мамлакатлар иқтисодиёти ва жаҳон хўжалигида номутаносибликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам етакчи мамлакатлар тўлов балансини ҳамкорликда тартибга солиш йўлларини ишлаб чиқмоқда. Тўлов балансини тартибга солишнинг давлатлараро усулларига қуйидагилар киради: давлат томонидан экспортни кредитлашнинг шартларини келишиш; икки томонлама ҳукумат кредитлари; “своп” битимларига асосланиб, марказий банкларнинг миллий валютадаги ўзаро қисқа муддатли кредитлари; ХВФ ва бошқа халқаро молия институтларининг кредитлари.

Давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги қарзларининг ошиб кетиши биринчи навбатда иқтисодий ва сўнгра сиёсий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бозор томонидан шундай давлатларга кредит борасида чекловлар қўйиладики, уларнинг тўлов балансидаги тақчиллик, фақатгина шартли кредитлар эвазигагина қопланиши мумкин. Масалан, ХВФнинг кредитлари маълум барқарорлаштирувчи дастурларни бажариш шартларини қўйса, айримлари кредитор ёки халқаро ташкилотларнинг қарз олувчи мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳолатига аралашувини назарда тута-

ди. Шу сабабли ҳам қарз олган давлатлар ўз қарамлигига чек қўйиш мақсадида ўз ташқи қарзларини камайтиришга ҳаракат қилади.

Европа Ҳамжамиятида тўлов балансини давлатлараро тартибга солиш куйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

— божхона бождарини бекор қилиш (1968 й. 1 июлдан бошлаб, божхона Иттифоқи тузилган, бошқа учинчи томонлар учун ягона ташқи тариф белгиланган);

— солиқ тизимининг бир хиллаштирилганлиги;

— товарлар экспортини кредитлаштириш талабларининг келишилганлиги.

Шундай қилиб, тўлов балансини тартибга солиш анча мураккаблашди. Қўлланиладиган инструментлар кенгайди, уларни иқтисодий сиёсатнинг бошқа шакллари билан уйғунлаштирилган ҳолда қўллаш тизимли тус олди. Одатда, тўлов балансини барқарорлаштириш — иқтисодиётни соғломлаштириш, инфляцияни чеклаш, бюджетдаги тақчилликни қисқартириш ва бошқа тadbирлар билан биргаликда амалга оширилади.

Аммо тўлов балансидаги тақчилликни камайтириш вазифаси аксарият ҳолларда хўжалик фаолиятини кенгайтириш, бюджет харажатларини ошириш, фоиз ставкаларини пасайтириш кабиларни талаб қилувчи иқтисодий сиёсат — иқтисодий ўсиш ва бандликни таъминлаш вазифаси билан тўқнашади. Тўлов балансининг энг самарали соғломлаштириш воситаси — бу ҳарбий харажатларни, шу жумладан, ташқи ҳарбий харажатларни қисқартириш орқали эришилади.

Тўлов балансини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси, миллий иқтисодиётни бир вақтнинг ўзида ҳам ички, ҳам ташқи тенгликка эришишнинг қийинлигидан далолат беради. Бу актив ва пассив тўлов балансига эга мамлакатларнинг ўзаро муносабатларида икки анъанани—ҳамкорлик ҳамда муросага келишнинг қийинлигини кучайтиради.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Қайси моддалар тўлов баланси қолдигини тартибга солувчи моддалар бўлиб ҳисобланади?

2. Ривожланган мамлакатларда тўлов баланслари тақчиллигини қоплаш қандай усулда амалга оширилади?

3. Халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган кредитлар, тижорат тузилмаларининг кредитларидан қайси фарқли жиҳатлари билан ажралиб туради?

4. Олтин монометализми даврида тўлов балансининг пассив қолдигини молиялаштиришда олтин қандай рол ўйнаган?

5. Конвертирланидиган хорижий валюта захиралари мамлакат тўлов балансини баланслаштиришда қандай аҳамиятга эга?

6. Тўлов балансини тартибга солишда СДРнинг ролини кўрсатинг.

7. Тўлов балансидаги тақчиллик, ташқи қарзлар билан қандай алоқада?

8. Европа Ҳамжамиятида тўлов балансини давлатлараро тартибга солишга қайси усуллардан фойдаланилади?

### **ЯПОНИЯ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ**

1987 йилда Япония ҳукумати тўлов балансида юзага келган 30 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги актив қолдиқни, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам тариқасида қайта тақсимлашни эълон қилди. Ушбу маблағларни 10 млрд. ва 20 млрд. АҚШ доллари ҳажмдаги иккита йирик траншга бўлиш мўлжалланди. Биринчи транш учта қисмдан иборат: ЖТТБ да 2 млрд. АҚШ доллари ҳажмдаги Япониянинг махсус фондини ташкил этиш; Япония ҳукумати томонидан ХВФга 3 млрд. СДР миқдорда кредит ажратиш; Япония ҳукумати томонидан Халқаро Ривожланиш Агентлигига 2,6 млрд. АҚШ доллари миқдордаги АМР-8 (пул маблағларини саккизинчи жамланишига тегишли бўлиб, ЖТТБнинг филиали ҳисобланади. Бу маблағлар Халқаро ривожланиш Ассоциациясига тегишли ва 24 донор мамлакат ҳисобидан тўлдирилади) ва Осиё ривожланиш фондига 1,3 млрд. АҚШ доллари қуйилма ажратиш; Япония Махсус фонди ЖТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва техник ёрдам кўрсатиш учун 30 млрд. иен миқдоридаги дотацияни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек фонд япон капитал бьзорида ЖТТБ қарзлари учун кенг имкониятларни юзага келтирди ва ушбу капитал миқдори 300 млрд. иенни (2 млрд. АҚШ доллари) ташкил этиб, 3 йил муддатга мўлжалланган бўлади.

Иккинчи транш 1990 йилгача уч йил муддат ичида ривожланаётган мамлакатларга берилиши керак эди. 20 млрд. АҚШ долларидан 8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ЖТТБ ва Япония ҳукуматининг келишувига кўра, То-

кио бозорларига ЖТТБ томонидан қўшимча тақдим этилган маблағларни ташкил этарди;

ОРБда ва Америка ривожланиш банкидаги Япония махсус фондлари, худди ЖТТБдаги фонд тариқасида ташкил этилган. Шунингдек бу суммага кўптомонлама ривожланиш банкларига бериладиган дотациялар ҳам киради. 9 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағ ривожланаётган мамлакатларни тартибга солувчи дастурларини ҳамкорликда молиялаштиришни амалга ошириш учун ажратилди. Ҳамкорликда молиялаштиришни амалга оширувчи муассасаларга Япония экспорт-импорт банки, чет эллар билан иқтисодий ЖТТБ ва бошқа кўптомонлама ривожланиш банклари билан ҳамкорлик фонди (ЧИХФ) ва Япония тижорат банклари киради. Мазкур дастурларни амалга оширишда ЧИХФ қўшимча тўғридан-тўғри кредитларни тақдим этиши мумкин. Қолган 3 млрд. АҚШ долари маблағ Япония экспорт-импорт банки томонидан ишлаб чиқилган, ривожланаётган мамлакатларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган кредитларни тақдим қилиш схемасига асосан йўналтирилади.

Шу йўл билан Япония ривожланаётган мамлакатларга кўрсатаётган ёрдам миқдорини икки баробарга ошириш ва ушбу кўрсаткични 1990 йилда 7,6 млрд. АҚШ долларига етказишни мўлжаллаган. Япония ривожланишга кўмаклашиш бўйича Франциядан илгарилаб, дунё бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринга чиқиб олди. Одатда, Япония Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларига ўз ёрдамини кўрсатиб келарди, аммо кейинги йилларда Африка давлатларига кўрсатилаётган ёрдамлар миқдори ҳам анча кенгайганлигини кузатиш мумкин.

## 5.6. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТЎЛОВ БАЛАНСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ

Ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов баланси, мамлакатнинг халқаро тўлов муносабатларидаги турли операцияларини умумлаштириб, уларни маълум бўлим ва моддаларга бўлиб акс эттиришга асосланган ХВФ андоза чизмаси бўйича тузилади.

“Жорий операциялар баланси” бўлимида таҳлил давридаги экспорт ва импортнинг ўзгариши ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган “савдо баланси” моддаси мухим ўрин эгаллайди.

Лекин ривожланаётган мамлакатлар тўлов баланс-

ларида экспорт ва импорт ҳақида келтирилаётган маълумотлар бирламчи статистик маълумотлар ноаниқлиги туфайли маълум даражада нотўғри бўлади.

Мисол учун, ҳамма қонуний ташқи савдо операцияларида товарлар экспорти ёки импорти пайтида божхонада етарли даражадаги аниқлик билан қайд қилинади. Кейин божхона статистикасини тўлов баланси талабларига мувофиқлаштириш учун мамлакат валюта органлари керакли ўзгартиришлар киритадилар. Хусусан, Сиф импортни Фоб импортга қайта ҳисоблайдилар. Яъни товар сотиб олишга бўлган тўғридан-тўғри ҳаракатдан фрахт ва суғурта учун бўлган харажатни ажратадилар, божлар олиниб ташланган нархлар бўйича импортни ҳисобга оладилар, ёрдам доирасида олинган товарлар қийматларини валюта статистикасидан чегириб ташлайдилар ва ҳ.к.

Бундан ташқари, кўп давлатларда ташқи савдонинг салмоқли улуши контрабанда йўллари билан амалга оширилади ва улар божхона ҳамда валюта статистикаларида қайд қилинмайди. Умуман, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар ташқи савдо операцияларини манфий савдога олиб келади. Бу эса уларнинг халқаро тўловларининг умумий баланслаштирилмаганлигининг муҳим сабабларидан биридир.

“Кўринмас” операциялар шакли ва иқтисодий мазмуни жиҳатдан турлича бўлган моддаларни бирлаштиради. Шундай қилиб, транспорт операциялари ўз ичига фрахтни, темир йўл, ҳаво ва автомобил транспортдан фойдаланилган ташишларни, шунингдек қувурлар эксплуатацияси билан боғлиқ ташишларни олади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи савдо юklarининг салмоқли ҳиссаси кемалардан ва ғарб мамлакатларининг чизиқли компаниялар тарифлари бўйича ташилади. Бу тарифлар кўп ҳолларда дискриминацион бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон денгиз савдосидаги 50 фоиз юкланган ва 20 фоиз туширилган юклар тўғри келади. Улар жаҳон савдо флотининг 15 фоиздан камроқ юklarига эгадирлар.

Юк айланмасининг ҳажми ўсиб борган сари, фрахт учун тўловлар, тўлов балансларига оғир юк бўлиб тушади ва бу ҳозирги вақтда фрахт даромадларидан 3 баробарга ортиқ бўлиб, “кўринмас” операциялар бўйича умумий тўлов суммаларининг 30 фоизини ташкил қилади.

Ҳатто ўз флотига эга давлатларнинг (Миср, Ҳиндистон, Бирлашган Араб амирликлари, Эрон ва бошқалар) хорижий тоннаж бўйича фрахт харажатлари тўлов баланси тақчиллигининг 30-35 фоизига етади. Бу ҳол ҳарбий мурасасизликлар ва сиёсий зиддиятлар даврида авж олади.

Бир қатор ривожланаётган мамлакатларда хорижий валюта тушумининг салмоқли манбаи сайёҳлик бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон сайёҳлик даромадининг 1/5 қисми тўғри келади. Бу модда бўйича катта даромадлар алоҳида экзотикага эга давлатлар (Кения, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Филиппин, Бермуд ороллари, Багата ороллари ва бошқалар) учун хос. Сайёҳликнинг ривожланишига ривожланаётган мамлакатларнинг географик узоқлиги, уларнинг сайёҳлик объектларининг етарли даражада тайёр эмаслиги, тез-тез юз бериб турадиган сиёсий ва ҳарбий зиддиятлар, террористик ҳодисалар халақит беради.

“Суғурта” моддасини кўздан кечириб, суғуртасиз ҳеч бир ташқи савдо битими амалга оширилмаслигини кўриш мумкин. Ривожланаётган мамлакатларнинг суғурта бўйича тўловлари йилига 4 млрд. АҚШ доллари-дан ошади. Бу эса уларнинг тўлов баланслари ҳолатини ёмонлаштиради. Келтирилган рақам тақрибийдир, чунки халқаро суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича тўловлар ҳақидаги умумлашган расмий маълумотлар мавжуд эмас.

Жорий операцияларга шахсий ва давлат “ўтказмалар”и ва “трансферт” тўловлари киради. “Шахсий ўтказмалар” моддаси Туркия, Покистон, Бразилия, Жанубий Корея, Филиппин, Ҳиндистон каби кўп сонли хорижда фаолият юритувчи ишчилар армиясига эга мамлакатларда сезиларлидир.

Бу мамлакатларнинг чет элда ишлаётган ишчи ва мутахассисларининг ўз ватанига ўтказаетган иш ҳақлари, чет эл валютаси салмоқли даражада тушишини таъминлайди (йилига 20 млрд. АҚШ долларига яқин). “Ҳукумат ўтказмалари” моддаси ҳам кўпгина ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим. Асосий операциялар бу ерда чет элдаги дипломатик аппарат субсидиялар таркибини ташкил қилади, яъни тўлов балансининг жорий операцияларида акс этадиган бегараз ёрдамлар. Бу заёмлар шаклидаги ёрдамлардан фарқ қилади, чунки заёмлар тўлов балансининг капиталлар

ҳаракати балансида акс этади. Кўрсатилган субсидиялар, маълум даражада жорий баланснинг моддалари бўйича тақчилликни камайтиради. Товарлар ҳаракатини ўзида акс эттирган беғараз ёрдамлар ривожланаётган мамлакатлар импортида акс этади.

Айрим озодликка чиққан мамлакатлар учун “хизматлар” моддаси маълум мазмунга эга. Бунга улар ҳудудида чет эл хусусан, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳарбий базалари ва қўшинларини сақлашдан келадиган даромадлар киритилади. Чет эл қуроли кучлари мавжудлиги Кипр, Таиланд, Туркия, Бахрайн, Жанубий Корея, Сомали ва бошқаларга хосдир. Ушбу мамлакатларда бу модда бўйича тушумлар миқдори бир қанча млрд. АҚШ доллариغا етади. “Хизматлар” моддасида илмий-техникавий айирбошлаш операциялари ҳам акс этади, яъни лицензиялар ва патентлардан фойдаланиш бўйича тўлов тушумлар (техник ёрдам, техник ва бошқарув тажрибасини бериш (ноу-хау). Кўпгина ривожланаётган давлатларга кўрсатилган операциялар бўйича манфий қолдиқ хос, чунки бу мамлакатлар илмий-техника тараққиётдан (ИТТ) ортда эканликлари сабабли, чет элдан катта миқдорда лицензия ва патентлар сотиб олишади ва бу соҳада деярли ҳеч нарса четга сотмайди. Бу модда ИТТ шароити муҳимлиги сабабли мамлакатнинг “технологик баланси” деб номланади.

“Кўринмас” операцияларнинг муҳим моддаларидан бири — бу “фойдаларни чет эл капиталига ўтказиш”-дир. Жалб қилинган инвестициялар ва кредитлар бўйича (йилига 150 млрд. АҚШ долларида кўп) фоиз ва дивидендлар тўлаш (асосий қарз билан бирга) ривожланаётган мамлакатлар тўлов баланслари ҳолатини оғирлаштириб қўймоқда. Лекин Форс кўрфазидаги нефть қазиб олувчи мамлакатлар (Кувайт, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари), чет элда жойлаштирилган йирик капиталлари туфайли бу модда бўйича мусбат қолдиққа эгалар.

“Кўринмас” операциялар баланси бўйича қолдиқ, тўлов баланси яқуний натижаси шаклланишида катта роль ўйнайди.

Бу операциялар бўйича ривожланаётган мамлакатлар тақчиллиги 1990 йилларда йилига 40 млрд. АҚШ долларида ошарди.

Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг капитал ҳаракати баланси моддалари, таркибий нуқ-

таи назардан деярли фарқ қилмайди. Капитал ҳаракати хусусий, банк ва расмий капиталлар ҳаракатларига бўлинади. Расмий капиталларга давлатлараро кредитлар, давлатлараро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг заёмлари киради. ХВФ кредитлари эса расмий ликвид захиралар моддасида акс этади. 1995 йилда ривожланаётган мамлакатлар узоқ муддатли ресурсларнинг умумий оқими 205 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди, шу жумладан, давлат йўналишларидан 55 млрд. ва хусусий каналлардан 150 млрд. АҚШ доллари миқдоридан. Бу мамлакатлардаги тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг умумий йиғилган суммаси 620 млрд. АҚШ доллари миқдоридан баҳоланди.

Тадбиркорлик ва ссуда капиталининг импорти, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансига мураккаб ва қарама-қарши таъсир қилади.

Жорий инвестиция операцияларининг бирламчи ва иккиламчи таъсир омилларини фарқлаш керак. Бошланғич босқичда капитал импорти, импорт қилувчи давлатнинг тўлов балансини яхшилаш аънарасига эга. Бу бирламчи таъсир, кейинчалик чет эл инвесторларига тегишли корхоналарда ишлаб чиқарилаётган товарлар эспортини иккиламчи ўсиши билан мустақамланиши мумкин. Иккиламчи таъсир шундан иборатки, бир қанча вақтдан кейин ривожланаётган мамлакатнинг тўлов баланси унинг аҳволини ёмонлаштирувчи аъна таъсирини сеза бошлайди.

*Биринчидан*, ишлаб чиқариш шаклидаги импорт ривожланаётган мамлакат янги саноат қурилиши учун асбоб-ускуна, хом ашё ва материалларнинг келиб тушишини рағбатлантиради, яъни импорт ўсади.

*Иккинчидан*, мамлакат лицензияга, патентлар ва чет эл капитали импорти билан боғлиқ бошқа хизматлар тўловига валюта сарфлашга мажбур бўлади. Кейинчалик жалб қилинган чет эл капитали кўлами ўсиши билан мамлакат бу капиталдан фойдаланишдан тушган даромаддан чет элга бўлган ажратмаларни оширишга мажбур.

Ниҳоят кўп ривожланаётган мамлакатларда, ўзгарувчан сиёсий шароитда илгари қўйилган чет эл ка-

---

<sup>1</sup> Л.Н.Красавина. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник. Москва.: "Финансы и статистика". 2001. Стр.167.



питалининг ривожланган мамлакатларга қайтиши сезиларли даражада ортади.

Одатда, ривожланаётган мамлакат тўлов балансига ижобий таъсир, асосан капитални жалб қилиш бўйича амалга оширилган бошланғич операция даврида кузатилади. Лекин кейинги йилдан бошлаб, унинг тўлов позициялари ўсиш тартибда ёмонлаша бошлайди ва қисқа вақт ўтгандан кейин, мамлакат ҳар йили чет эл инвестициясини жалб қилишдан соф зарар кўради. Фақат бир нечта ривожланаётган давлатлар (янги саноат мамлакатлари ва Узоқ Шарқ ҳудудлари) мамлакат ичида чет эл капиталидан самарали фойдаланганлари ва товар экспортини кучайтирганликлари туфайли кузатилаётган модда бўйича тўловларнинг салбий натижаларини олдини ола бошладилар. Айтилганлардан қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

1. Капитал импортининг ривожланаётган мамлакат тўлов балансига таъсирининг умумий таъсири, чет эл инвестицияларининг ўсиш жадаллигига, капитал фойдасига бўлган меъёрлар ва чет элга чиқарилаётган ҳамда мамлакатда қолдирилаётган фойда ўртасидаги мутаносибликларга боғлиқ ҳолда ўзгаради;

2. Чет элга чиқарилаётган фойданинг ўсиш жадаллиги, янги чет эл капитал қўйилмаларининг ўсишидан ошса, тўлов баланси маълумот чизиғида кумулятив салбий таъсирни сезади;

3. Янги капитал оқими ва чет элга ўтказилаётган фойда ўртасидаги мутаносиблик мамлакат учун салбий тус олиши билан мазкур таъсирнинг пайдо бўлиши шунчалик тез бўлади;

4. Ва аксинча, капиталнинг оқими, четга чегирилаётган даромадларга ва фойда меъёрининг ўсиши жадаллигига қараганда қанчалик тез бўлса, чет эл капитали оқимининг тўлов балансига бўлган салбий таъсирини шунчалик юмшатади.

Чет эл инвестициялари оқими, уни қабул қилувчи мамлакатларнинг саноат ривожланишини ва улар иқтисодиёти умумий замонавийлашувини тезлаштиради. Шу билан бирга, хорижий тажрибадан маълумки, чет эл капиталини жалб қилиш, ривожланаётган мамлакатлар олдида турган муаммолар ечимини топишга олиб келмайди. Аксинча, ушбу муаммолардан айримлари авж олганлигини кўриш мумкин. Инвестицияларни биринчи навбатда фойдали жойлаштириш истиқболи мав-

жуд бўлган мамлакатларга йўналтирилиши натижасида ривожланишнинг нотекислиги кучаяди. Ушбу хорижий инвестицияларнинг фақатгина оз миқдори ниҳоятда қолоқ ва уларга муҳтож давлатларга тушмоқда.

Бир қатор ривожланаётган мамлакатлар 1970 йиллар охиридан бошлаб, ўз капиталини экспорт қилишга киришдилар. Унинг йиллик ҳажми 1990 йиллар ўртасида 30-35 млрд. АҚШ доллари миқдорида деб баҳоланган. Бу гуруҳга биринчи навбатда нефть қазиб олувчи мамлакатлар, ҳамда Жанубий Корея, Малайзия, Бразилия, Мексика, Ҳиндистон ва бошқалар киради.

“Кредитлар ва заёмлар” моддасини таҳлилида шу нарсани назарда тутиш керакки, оддий мақсадларга чет элдан олинган кредитлар тўлов балансининг тақчиллиги сифатида кўрилмайди. *Биринчидан*, кўп ривожланаётган мамлакатлар учун кредит ва заёмлар доимий тусга эга, *иккинчидан*, кредитлар одатда, маълум лойиҳалар учун берилади. Салбий валюта-молиявий кўрсаткич бўлиб, катта молиявий кредитлар ва заёмлар, улар ичида эски қарзларни қоплаш учун янги маблағлар (қайта молиялаштириш) олиш ҳисобланади. Жалб қилинган молиявий маблағларнинг умумий суммасидаги қайта молиялаштириш учун кредитларнинг салмоғи, мамлакат молиявий аҳволининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Капиталлар ҳаракати балансини таҳлил қилишнинг бош мақсади — тўлов баланси жорий операциялар тақчиллигини қоплаш манбаларини ҳамда актив қолдиқ суммасидан фойдаланиш йўналишини аниқлашдан иборатдир. Тўлов балансини мувозанатлаштириш учун, агарда жорий битимлар баланси пассив бўлса, капитал ҳаракати баланси бўйича актив қолдиққа эришиш лозим.

Баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда ХВФ андоза чизмаси бўйича расман кўрсатиш шарт бўлмаган ривожланаётган мамлакат тўлов балансини умумий қолдиғини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

У жорий операциялар бўйича капиталлар ҳаракати ва “хатолар” моддалари бўйича қолдиқларнинг йиғиндисига тенг. Бошқача айтганда, тўлов балансининг умумий қолдиғи, ўзига валютали ва валютасиз операцияларни ҳамда турли хил элементли баланслантирувчи моддаларни олади. Бу тўлов балансининг умумий қолдиқ кўрсаткичини сунъий ҳосил қилади ва таҳлилда

унинг қийматини туширади. Шунинг учун бу кўрсаткич билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатнинг халқаро ҳисоблари ҳақида тўлақонли маълумот берувчи, жорий операциялар баланси қолдиғини ҳам доимо эътиборга олиш керак.

**Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларини тузиш усуллари**нинг ўзига хос томонлари. Тўлов балансининг андоза схемаси, ҳар бири ўз тартиб рақамига эга бўлган, иложи борича кўп ташқи иқтисодий операцияларни қамраб оладиган балансларни тузишни кўзда тутати. ХВФ чизмаси фақатгина тўлов эмас, балки ҳисоб балансини ҳам ўз ичига олади. Жорий операциялар бўйича валюта ҳисоб-китоблари, валютасиз операциялар билан, капиталлар ҳаракати ҳамда ҳисоб даврида валюта маблағларининг ҳаракати бўлмаган, қопланмаган ўзаро операциялар билан бирлашади. Тўлов балансларининг андозавий чизмаси уни моддаларининг ягона номенклатурасини кўзда тутати. Жорий операциялар балансида ҳар бир модда куйидаги ёзувларга эга бўлади: дебет (тўловлар), кредит (тушумлар) ва натижавий (қолдиқ). Капиталлар ва олтин ҳаракатининг балансида мажбуриятларни оширувчи (капиталнинг оқиб келиши +) ёки камайтирувчи (капиталнинг оқиб кетиши -) ёзувлар акс этган. Мос равишда мамлакат активларини оширувчи (капиталнинг оқиб кетиши -) ёки камайтирувчи (капиталнинг оқиб келиши +) ҳамда қолдиқ ёзувлари мавжуд.

ХВФ чизмасидан ташқари, айрим мамлакатлар операцияларни валюталарга бўлган ҳолда, балансларни бўлимларга ажратиб тузишади. Биринчи навбатда, бу валюта гуруҳига кирувчи ёки ўзининг халқаро ҳисоб-китобларида маълум бир валютани мўлжал қиладиган ривожланаётган мамлакатларга тегишли. Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансини тузишнинг айрим услубий томонлари, улар статистик ҳисобларининг етарли даражада эмаслигидан келиб чиқади. Шу тўғрисида айрим операциялар балансларда ўз аксини топмасликлари ва қайд қилинмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда операция қисман акс этиши мумкин, мисол учун, фақат дебет ёки кредит шаклида. Тўлов баланси моддаларида акс этувчи суммалар миқдори, ҳажми кўп ҳолларда оширилиб ёки камайрилиб кўрсатилиши мумкин.

ХВФ чизмаси бўйича тўлов балансларини тузиш

услуги, кредит ва дебет ёзувларининг мос келиши талаб қилинганлиги боис, ривожланаётган мамлакатлар бу мақсадларда, “хатолар” моддасидан фойдаландилар. У орқали бир қатор мамлакатларнинг валюта органлари, статистик маълумотлар ёки бирламчи ҳисоб хатоларини қоплайдилар. Кўрсатилган бу модда бўйича, кўп ҳолларда, катта суммалар ўтади ва шунинг учун ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларида халқаро ҳисоблар бўйича реал ҳолат тўлиқ акс этмайди. Шу боис ХВФ, агарда валюта тўловлар базасида ҳисобланган, кўрсатилган модда бўйича ўтадиган сумма мамлакатнинг импорти ёки экспортининг 10 фоизидан ошмаса (бу қийматларнинг энг каттаси ҳисобга олинади), тўлов баланси қониқарли тузилган деб ҳисоблайди. “Хатолар” моддаси бўйича катта қолдиқ, тўлов балансини сезиларли хатолар билан тузилгани ҳақида далолат беради. Лекин кўрилаётган модданинг йирик ҳажмдаги қолдиғи ҳам, аниқлик кафолати бўла олмайди, чунки битим тўлов балансида қайд қилинмаса (мисол учун, контрабанда), унинг маълумотлари аниқ бўлмайди. Лекин “хатолар” моддаси билан йўқотиш керак бўлган мувозанатсизликлар юзага келмайди. Бу модданинг катталиги ҳам, мамлакатдаги валюта назоратининг ва статистиканинг ҳолати билан боғлиқ. Умуман, ривожланаётган мамлакатлар тўлов баланслари маълумотлари, ривожланган мамлакатларникига қараганда, кўп ҳолларда ишончсизроқ бўлади. Кўп ривожланаётган мамлакатлар ҳисоб балансини ҳам тузишади (халқаро талаблар ва мажбуриятлар мутаносиблиги). Бу баланслар қолдиғи, одатда, бир-бирига тўғри келмайди. Мисол учун, капиталлар чиқимини амалга ошираётган ОПЕК аъзолари бўлган мамлакатларнинг ҳисоб баланслари активдир, тўлов баланси эса нефть нарҳини тушиши пайтида пассивдир. Мисол учун, 1980-йиллар ўртаси ва 1990-йиллар охирида нефть импорт қилувчи бўлган ривожланаётган мамлакатларга иккала баланснинг ҳам пассив қолдиғи характерлидир. Бу балансларнинг фарқи, капиталлар ва кредитлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларнинг уларда акс этиши билан намоён бўлади. Агар АҚШ Бразилияга 100 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит берса, капиталларнинг оқиб кетиши сифатида бу сумма кредитор-мамлакатнинг тўлов балансининг пассивига ёзилади ҳамда уни келажакда тўлаши керак бўлган мам-

лакатга талаб сифатида ҳисоб балансининг активига ёзилади. Бразилия кредит олгани боис, бу унинг тўлов балансининг активида ва мамлакат қарзи қайд қилинган ҳисоб балансининг пассивида акс этади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Қандай операциялар “кўринмас” операциялар таркибга кирди?
2. “Шахсий ўтказмалар” “ҳукумат ўтказмалари”дан нимаси билан фарқланади?
3. Капитал ҳаракати моддаларида қайси капиталлар расмий капиталлар ҳаракати дейилади?
4. Жорий инвестиция операцияларининг бирламчи ва иккиламчи таъсир омиллари қандай фарқланади?
5. Чет эл инвестиция оқими уни қабул қилувчи мамлакатга қандай таъсир ўтказди?
6. Капиталлар ҳаракати балансини таҳлил қилишнинг бош мақсади нима?
7. Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларини тузиш усулларининг қандай ўзига хос томонлари мавжуд?
8. Ҳисоб баланси нима?

### 5.7. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ТЎЛОВ БАЛАНСИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Тўлов балансига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар фарқланади. Бир томондан, бу фарқлар мамлакатда юз бераётган жараёнлар таъсири остида шаклланади ва мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштироки, ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенглиги, таркиби ва характери ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Бошқа томондан, ривожланаётган мамлакатлар тўлов баланси жаҳон ҳўжалиги, валюта тизими, ривожланган мамлакатлардаги сиёсий ҳолат билан боғлиқ омилларни кучли таъсирини сезади. Тўлов баланси ҳолатига қуйидаги асосий омиллар таъсир қилади:

1. *Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалигидаги қарамлик ҳолати.* Улар ҳиссасига дунё экспортининг 37,6 фоизи тўғри келади. Бу мамлакатларнинг кўпчилигининг экспортида ҳалигача дунё бозорида ба-

ҳоси катта тебранишга эга бўлган хом ашё, энергия ташувчилар, тропик мономаданиятлар катта салмоққа эга.

2. *Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг доиравий ўзгаришлари.* Ўтган асрнинг 70-90-йиллардаги дунё иқтисодий ва молиявий инқирозлари, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларининг нобарқарорлигини оширади, биринчи навбатда улар маҳсулотига бўлган талабининг ва улар нархларининг тушиб кетишига олиб келди.

3. *Ҳарбий ҳаракатлар.* Ҳарбий йўналишдаги товарлар импортининг ошиши, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларининг аҳволини ёмонлашишига олиб келади. 1990-йилларнинг биринчи ярмида бу мамлакатлар йилига 30 млрд. АҚШ долларини чет элдан, асосан АҚШ, Франция, Буюк Британиядан қурол—яроғ сотиб олишга сарфлашганлар.

4. *Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи молиявий манбаларга боғлиқлиги.* Чет эл капиталларининг оқиб келиши, улар тўлов балансларига икки томонлама таъсир қилади, олдинги тушумлар кўпаяди, лекин тўловлар муддати етиб келгани учун қарздор мамлакатлар қарз суммасини ҳамда фоизлар ва дивидендлар тўлашга мажбур бўлишади.

5. *Дунё савдоси шарт-шароитларидаги ўзгаришлар.* Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли бўлмаган савдоси, ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов балансларига салбий таъсир кўрсатади. Жаҳон бозоридаги монополияларнинг баҳо кўтариш сиёсати натижасида ривожланаётган мамлакатларга экспорт қилинаётган товарлар нархлар индексининг ўсиши, бу мамлакатлардан олиб чиқилиб кетилаётган маҳсулотлар баҳо индексининг ошишидан анча баланд. Бундан ташқари, “боғланган” ёрдам ҳисобига ташилаётган товарлар нархи, одатда, бозордаги ўртача нархлардан 20-40 фоиз юқори.

ТМКларнинг фаолияти, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ва тўлов балансларининг номуносивлиги ҳамда нобарқарорлигини кучайтиради. Халқаро монополиялар, фирма ичидаги ўсаётган айланмадан ўз мақсадларида фойдаланадилар. Бу эса баҳолар даражасига, халқаро иқтисодий муносабатлар тузилмасига, халқаро меҳнат тақсимотидан келадиган фойдани тақсимлашга таъсир кўрсатади, ҳамда ривожла-

наётган мамлакатларда божхона протекционизмининг кучайишига олиб келади. ТМКларнинг яширин ва очиқ операциялари ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларига салбий таъсир кўрсатади.

Қатор товарлар жаҳон нархларининг вақти-вақти билан бўлиб турадиган кескин кўтарилиш ёки пасайиш чизиги бўйича портлашлари, кўп ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларининг нобарқарорлигини оширади. Энергетик инқироз ва жаҳон инфляцияси шароитида энергия ташувчилар, биринчи навбатда нефть нархлари ўсиши, нефть импорт қилувчилар бўлган ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансига ёмон таъсир қилади. Вақтинча нефть экспорт қиладиган ОПЕК мамлакатларининг тўлов балансларида йирик миқдорда ижобий қолдиқ шаклланди.

1980-йиллар ўртасида нефть баҳосининг кескин тушиб кетиши (1982 йилдаги 1 баррель учун 33,8 доллардан, 80-йиллар охири ва 90-йилларнинг иккинчи ярмида 14-16 долларгача) ОПЕКка аъзо бўлган мамлакатлар тўлов балансининг ёмонлашувига олиб келди.

6. *Валюта-молиявий омиллар.* Етакчи валюталар, хусусан АҚШ долларининг ва нархларнинг нобарқарорлиги ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларининг нобарқарорлигини оширади. 1971-1973 йиллардаги долларнинг икки девальвацияси ҳамда унинг курсини кетма-кет тушиши, валюта фойдасини пасайтириб, уларга кўшимча зиён олиб келди. 1990-йилларнинг биринчи ярмида доллар курсининг кўтарилиши туфайли ривожланаётган мамлакатлар — импорт қилувчи ва қарздор сифатида зиён кўрадилар, чунки халқаро мажбуриятларни қоплаш учун Америка валютасини сотиб олиш уларга қимматга тушар эди. 1990-йилларнинг иккинчи ярмида япон иенаси курсининг тушиб кетиши, Жануби-Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларининг (хусусан, Индонезия, Тайланд ва Филиппин каби) валюта-молиявий аҳволини анча ёмонлаштириб қўйди. Натижада улар ўз пул бирликлари девальвациясини ўтказишга мажбур бўлдилар. Умуман олганда, ривожланаётган мамлакатлар валютасининг девальвацияси экспортни рағбатлантиради ва товарлар импортини ушлаб туради. Лекин кўпчилик мамлакатларнинг экспорт потенцияли ва товарлар рақобатбардошлиги унчалик катта эмас, импортга бўлган эҳтиё-

жи эса жуда катта. Буларнинг ҳаммаси девальвациянинг улар тўлов балансларига ижобий таъсирини пайсайтиради.

Ривожланаётган мамлакатларда инфляция тўлов балансларига салбий таъсир кўрсатади, чунки нархларнинг ошиши, миллий фирмалар рақобатбардошлигини пасайтиради, экспортни оғирлаштиради, товарлар импортини рағбатлантиради ва капиталлар оқиб келишига ёрдам беради.

7. *Айрим ривожланаётган мамлакатларнинг, ривожланган давлатлар томонидан савдо-сиёсий дискриминация қилиниши.* Аксарият вазиятларда савдо иқтисодий муносабатлар яхши ривожланишига, АҚШ ва унинг шериклари томонидан олиб борилаётган иқтисодий санкциялар сиёсати, ҳаттоки айрим ривожланаётган мамлакатларга нисбатан байкот эълон қилиниши, мазкур мамлакатларнинг янада қашшоқланишига олиб келмоқда. Ўтган асрнинг 80-90-йиллари оралиғида шу каби санкциялар Ливия, Никарагуа, Куба, Афғонистон, Ироққа қарши амалга оширилган ва айримлари ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

8. *Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларини мувозанатлаштириш усуллари.* Мавжуд тақчилликни қоплаш учун одатда, вақтинчалик усуллардан фойдаланилади: чет эл кредитлари ва капитални олиб кириш. Ривожланаётган мамлакатлар Европа бозорларида кредит олишга ҳаракат қилишади, лекин бу манбаларга бўлган имконият чекланган. Одатда, евробанклар оз бўлсада ХВФдан кредит олган мамлакатларга кредит беришади ва унинг назорати остида барқарорлаштириш дастурини амалга оширади. Хусусий банклардан олинishi мумкин бўлган кредитлар қиммат, айниқса катта қарзи бўлган мамлакатлар учун бу самарасиздир. 1980-йиллардан бошлаб (кейинчалик асримиз бошларида такроран) юқоридаги мамлакатларнинг айримларини ғарб мамлакатлари “қора” рўйхатга киритишди. Саноати илғор мамлакатлар назорати остида бўлган хусусий банклар ва халқаро валюта-кредит ва молиявий ташкилотлар фаолиятининг мувофиқлашуви ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг ссудалар капиталининг халқаро бозорга кириши имкониятларини чеклаб қўйилишига таъсир кўрсатади. Тўлов балансларини мувозанатлаштириш учун чет эл кредитларидан фаол фойдаланиш, ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзла-



рини сезиларли ўсишига олиб келди (1990-йилларда, бу сумма жами 2 трлн. АҚШ долларидан ортди). Уни тўлаш, ривожланаётган мамлакатлар валюта аҳволи нобарқарорлигини оширади.

Тўлов баланси тақчиллигини қоплашнинг якуний усули бўлиб, расмий олтин-валюта захираларидан фойдаланиш хизмат қилади. Ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон валюта захираларининг 41 фоизи, олтин захираларининг 17,9 фоизи тўғри келади (1997 йил). Уларнинг катта қисми ОПЕКка аъзо мамлакатларда ва айрим янги саноатлашган давлатларда тўпланган. Ривожланаётган мамлакатлар чет эл валюта захираларини асосан ғарб мамлакатларининг банкларида сақланганлиги боис, қатор ёш мамлакатларга нисбатан, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар қўллаши мумкин бўлган валюта чекланишлари ва валюта қамаллари натижасида уларни йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Ривожланаётган мамлакатлар, жуда бўлмаганда, халқаро ҳисоб-китоблар ва ташқи қарзларни қоплаш учун олтидан фавқулотда пул сифатида фойдаланишади. Аксарият ривожланаётган давлатлар, ХВФ томонидан берилган (бу ташкилотга киритилиши вақтидаги “олтин квотани” қайтариб бериш тартиби асосида қайтариб берилган), улар учун капитал бадалининг 10-25 фоизга тенг бўлган олтинни сотди. 1970-йиллардан бошлаб, тўлов баланси тақчиллигини қоплаш учун конвертирланадиган валюта сотиб олишда СДР қўлланилади. Мамлакатлар Фонд орқали квоталар доирасида СДРни керакли чет эл валютасига алмаштириб оладилар ва улар билан ўз ташқи қарзларини қоплайдилар. Лекин ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига СДР эмиссиясининг фақат 1,4 қисми тўғри келади. Бу маблағлар мамлакатлар орасидаги тўлов балансига қараб эмас, балки квота капиталига қараб автоматик равишда тақсимланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг СДР эмиссиясини ошириш ва валюта ресурслари етмаётганларга ёрдам шаклида улар тақсимоти тартибини ўзгартириш каби талаблари, қатор ривожланган давлатлар томонидан қаршиликка учрамоқдалар.

Тўлов баланси пассив қолдиғини қоплаш манбаи бўлиб, субсидиялар, имтиёзли кредитлар шаклидаги чет эл ёрдами ҳам хизмат қилади. Аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро кредитларга тобели-

гидан фойдаланган ҳолда ғарб мамлакатлари ташқи ёрдамани биринчи навбатда ХВФнинг сиёсий-иқтисодий талаблари билан боғлашади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Тўлов баланси ҳолатига қандай омиллар таъсир қилади?
2. Ривожланаётган мамлакатларда тўлов баланси тақчиллигини қоплашнинг якуний манбаси нима?
3. Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансига инфляция қандай таъсир кўрсатади?
4. Мамлакатлар ташқи қарзларни қайси валютада тўлайдилар?
5. Ривожланаётган мамлакатларда тўлов балансини мувозанатлаш усуллари қандай?

## 5.8. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ТЎЛОВ БАЛАНСЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ

Ривожланаётган мамлакатларда тўлов балансларини тартибга солиш учун, асосан ривожланган давлатлардан қарз олиш, экспортни рағбатлантириш, импортни ушлаб туриш, чет эл капиталини жалб қилиш, капитал чиқиб кетишини чеклашга қаратилган турли усуллардан фойдаланилади:

1. Дифляцион сиёсатни юритиш.
2. Миллий валюта девальвацияси: самарадорликни таъминлаш учун ривожланаётган мамлакатлар экспорт ва импортга табақалаштирилган солиқлар ҳамда субсидиялар қўллашади, турли валюта курсларидан фойдаланишади (айрим вазиятларда иккита валюта бозорини ташкил этиш орқали).
3. Валюта чекловларини қўллаш.
4. Молиявий ва пул кредит сиёсатини юритиш (экспорт қилувчиларга бюджет субсидиялари, импортга бўлган солиқларни протекционистик равишда ошириш, пул—кредит сиёсати инструментларини қўллаш).
5. Асосий моддалар шаклланиши пайтида давлатнинг тўлов балансига таъсир қиладиган махсус чораларини ишлаб чиқиш. Тартибга солишнинг муҳим объекти, экспортнинг мономаданиятли эканлиги ва унинг диверсификациясини енгиш чизиги бўйича сав-

до балансидир. Тартибга солиш, асосан мамлакат ташқи савдо таркибида сифат ўзгаришларга, биринчи эҳтиёж предмети бўлмаган товарлар импортини чеклашга йўналтирилади.

“Кўринмас” операциялар бўйича тўлов ва тушумларни тартибга солиш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар қуйидаги чораларни қўллайдилар:

- сайёҳлик инфратузилмасини яратиш орқали хорижий сайёҳларни жалб қилиш;
- ишчи кучи миграциясини тартибга солиш;
- “транспорт”, “суғурта” ва бошқа моддалар бўйича харажатларни камайтириш;

Ривожланаётган мамлакатлар ўз флотини ташкил этишга ҳаракат қилади. Улардан айримлари (Панама, Кипр, Гондурас, Ҳиндистон, Либерия ва бошқалар) йирик флотга эгалар, лекин унинг салмоқли қисмини бошқа байроқлар остидаги кемалар ташкил қилади. 1970-йиллар ўртасидан бошлаб, нефть экспорт қиладиган мамлакатлар ўз флотини яратишга катта ҳаракат қиляптилар. Бунда улар нефтни истеъмолчига етказиш йўлидаги муҳим бўгинни халқаро нефть монополиялари қўлидан тортиб олиш имкониятини кўряптилар. Денгизга чиқиш имкониятига эга мамлакатлар (Шри-Ланка, Ҳиндистон, Сингапур, Яман ва бошқалар), ўз портларида чет эл кемаларига хизмат кўрсатишдан катта даромад оляптилар. Бундан ташқари, бошқа транспорт хизматларидан келадиган валюта тушумларини ошириш учун Сурия, Ироқ, Ливан, Эрон ва бошқа мамлакатлар ҳудудидан ўтган нефть қувурларидан фойдаланишни кенгайтирмоқдалар. Денгизга чиқиш учун етарлича даражада имкониятга эга бўлмаган мамлакатлар қолади (Непал, Чад, Эквадор, Марказий Африка Республикаси ва кўпчилик Марказий Осиё мамлакатлари). Улар қўшни давлатлар ҳудудидан ташиниш учун катта суммалар сарф қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Суғурта соҳасида чет эл компанияларига қарамликни камайтириш учун айрим ривожланаётган мамлакатларда (Сурия, Жазоир, Шри-Ланка, Танзания, Замбия ва бошқалар) давлат секторида миллий суғурта компаниялар ташкил этилган, уларнинг чет эл суғурта компаниялари устидан назорати ўрнатилган. Бир қатор мамлакатларда (Бирма, Эрон, Аргентина) суғурта бўйича рискнинг катта қисмини давлат ўз бўйнига

олади. 1965 йилдан бахтсиз ҳодисалар рискларини қайта суғурталашнинг тўрт ҳавзасини ташкил этиш ҳақидаги Туркия, Эрон ва Покистон ўртасидаги уч тарафлама келишув 1960 йилдан Денгиз суғуртаси бўйича Осиё синдикати ва ҳ.к. амал қилмоқда. Араб мамлакатлари нефтни қидириш, қазиб олиш ва ташиш билан боғлиқ операцияларга катта эътибор берадиган араб давлатлари суғурта федерациясини туздилар.

Капиталлар ҳаракатини тартибга солиш, одатда чет эл капиталлари оқиб келишига, уларнинг чиқиб кетиши чегаралашга ва фойдани ўтказишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўлламоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларини давлатлараро тартибга солиш ХВФ орқали амалга оширилади. У макроиқтисодий агрегатлар чоракларга бўлинадиган миқдорий мўлжаллар шаклидаги барқарорлаштирувчи дастурлари ишлаб чиқилади. Миллий хусусиятларни инобатга олмайдиган Фонд чора-тадбирларини андозалаштириш, уларни сайланувчанлиги заифлигини оширади. Айрим ҳолатларда Фонд томонидан тавсия қилинадиган талабни чеклаш каби анъанавий дефляцион чоралар, иқтисодий ўсиш имкониятларини пасайтиради. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг қатъий дастурлари, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансининг капитал қўйилмалари сарфланишига мажбур қилади, бу эса иқтисодий ўсишни чегаралайди. Ривожланаётган мамлакатларда катта ташқи қарзлар мавжудлиги шароитида, кредитор давлатлар (Париж клуби) қарз олган мамлакат, фақатгина ХВФнинг барқарорлаштириш дастурини қабул қилган ҳолдагина қарзларни қайта кўриб чиқишга рози бўладилар.

1970-йиллар охирларида тўлов баланси тақчиллигининг таркибий тусини тан олинишига асосланган, уни халқаро тартибга солиш концепцияларида иқтисодиётни барқарорлаштириш даври узайтирилди ва унинг таркиби ўзгарди. ЖТТБ дастурларига мослаштирилиб тузилган, ХВФнинг барқарорлаштирувчи дастурлари фақат талабга таъсир қилувчи чораларни эмас, балки таклифга иқтисодиётнинг тармоқ таркибини замонавийлаштириш чизиғи бўйича ялпи таклифнинг камчиликларига иқтисодий ўсиш, капитал қўйилмалар стратегияси билан боғлиқ тузатишларни киритишни ўз ичига олади. ХВФ томонидан тавсия қилинган тўлов балансини тартибга солиш чоралари тўпламини кенгай-

тириш, қарздор мамлакат иқтисодиёти тармоқ таркибидаги мувозанатсизликларни йўқотиш йўли орқали барқарорлаштирувчи дастурларнинг янги чизмаси ишлаб чиқилишида унинг ЖТТБ билан ҳамкорлигига ёрдам беради. Бундан ташқари, ХВФ 1990-йиллар бошидан ниҳоятда ёмон аҳволда қолган мамлакатларга шошилишчи молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича мувофиқлаштирувчилик ташаббуси билан чиқяпти. Тақдим қилинаётган ресурслар “тўпламига” фақатгина ХВФ маблағлари эмас, балки бир қатор ривожланган давлатлар (биринчи навбатда АҚШ, Япония ва ГФР) ва йирик хусусий банклар маблағлари ҳам киради. 1995 йилда Мексика иқтисодиётини қутқариш учун ХВФ бу мамлакатга 48 млрд. АҚШ доллари ҳажмида молиявий ресурслар беришни ташкил қилди. 1997 йилда худди шундай, Таиландга 17,2 млрд. АҚШ доллари, Индонезияга 40 млрд. АҚШ доллари ва Корея Республикасига 58 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёрдам ажратилган эди. ХВФнинг шундай шошилишчи чоралари, бу мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол барқарорлашишига ёрдам берган бўлса ҳам, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ва валюта молиявий аҳволидаги салбий сиқошларни очиб бериши томонидан ХВФ катта нуқсонларга эга эканлигини кўрсатди.

**Ривожланаётган мамлакатлар тўлов баланслари муаммолари.** Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансини таҳлил қилганда, уларни икки асосий гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: бир томондан, булар нефть импорт қилаётган кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар. Уларнинг тўлов баланслари доим тақчилдир (1980 йилда 56,5 млрд. 1990 йилда 17,8 млрд, 1997 йилда 40 млрд. АҚШ долларидан ортиқ); бошқа гуруҳ ОПЕКка кирувчи, нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчилардир. Уларнинг тўлов баланслари узоқ муддат ичида (1982 йилгача) актив эди, бу эса уларни катта валюта захираларни тўплашига олиб келди.

**Нефтни импорт қилувчи, ривожланаётган мамлакатлар тўлов баланслари.** Улар тўлов балансларининг доимий тақчиллигига, иқтисодиётнинг ривожланишида ташқи дунёга қарамлик, халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқсиз иштироки асос бўлади. Ташқи савдонинг мувозанатсизлиги— савдо шароитлари, экспорт ва импорт нархларининг ёмон мутаносиблиги билан аниқланади. Ривожланган мамлакатлар товарлари нархларини

ошириш ва ривожланаётган мамлакатлар анъанавий экспортидаги қатор товарлар нархларининг пасайиши савдо шароитини намоён бўлишидан иборатдир.

Ривожланаётган мамлакатлар ривожланган давлатларга “кўринмас” операциялар бўйича тўловларни амалга оширишидан йирик ҳажмда валюта йўқотадилар. Мисол учун, ташқи савдо операцияларини ривожланган мамлакатларнинг суғурта компанияларига суғурта ва қайта суғурта қилганларида, денгизда юк ташишда ривожланган мамлакатларнинг флотидан фойдаланишда ва ҳ.к. Ривожланаётган мамлакатларнинг харажатлари, айниқса фоиз ва дивидендларни ўтказиш бўйича, фойдани ўтказиш бўйича тақчиллик ўсиб бораяпти (983 йилда 37 млрд., 1996 йилда 64 млрд. АҚШ доллари).

Нефть импорт қилувчилар бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг жорий операциялар бўйича тўлов баланслари тизимли равишда пассив қолдиққа эга бўлмоқда.

Тўлов баланси ёмонлашишининг олдини олиш учун, ривожланаётган мамлакатлар жорий ва молиявий операциялар бўйича валюта чеклашларда дефляцион сиёсат қўлайдилар. Лекин бу сиёсат, иқтисодий ўсиш учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналар импорти чекланиши ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасининг тушиб кетишига олиб келувчи омилга айланади.

**Нефть экспорт қилувчи ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов баланслари.** Катта валюта захираларини тўлаганларига қарамасдан, бу гуруҳ мамлакатлар тўлов баланслари нобарқарорлигича қолмоқда. 1970-йилдаги уларнинг халқаро ҳисоблар балансининг катта актив қолдиғи, 90-йиллар бошида нефть нархи ва унга бўлган талабнинг тушиб кетиши натижасида тақчиллик томон ўзгарди.

Нефть экспорт қилишдан келган даромадларнинг қисқариши, қатор ОПЕКка аъзо мамлакатларнинг илғор ғарб мамлакатлари банкларидан пулларини қайтариб олишига сабаб бўлди.

Қатор давлатлар (Нигерия, Эрон, Ироқ, Ливия) жаҳон ссуда капиталлари бозоридан маблағ олишни оширишга мажбур бўлдилар.

Аксарият нефть қазиб олувчи мамлакатларнинг капитал ҳаракати баланси салмоқли актив қолдиққа эга, чунки чет эл монополиялари катта фойда сабабли, бу

мамлакатларга капитал қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Капиталнинг йирик эспорт қилувчиси бўлган айрим ОПЕКка аъзо мамлакатлар тўлов балансининг бу бўлими бўйича пассив қолдиққа эгалар.

ОПЕКка аъзо мамлакатлар тўлов балансларининг аҳволи, уларнинг табақаланиши сабабли бир хил эмас. Саудия Арабистони, Кувайт, Бирлашган Араб амирликлари 1990-йиллар ўрталарида тўлов балансларининг актив қолдиғига ва катта олтин-валюта захираларига эга бўлганлар. Шу вақтнинг ўзида Нигерия, Венесуэла, Жазоир, Габон ва бошқа мамлакатлар ўз ташқи тўловлари тақчиллиги туфайли жаҳон ссуда капитали бозоридан қарз олганлар.

Шундай қилиб, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларининг барқарор эмаслиги, уларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги қарамлиги ва тенг ҳуқуқли бўлмаган иштироки хусусиятларидан келиб чиқадиган фундаментал сабабларга эга. Бундан ташқари, бу давлатларнинг халқаро ҳисоблари номувозанатлигининг муҳим сабаби— саноатлашиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида уларнинг валюта ресурсларига бўлган эҳтиёжининг кескин ўсганлигидир.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Тўлов балансини тартибга солиш усулларини санаб беринг.
2. Нима сабабдан аксарият ривожланаётган мамлакатлар ўз флотларини барпо қилишга интилишадилар?
3. Суғурта соҳасида чет элга қарамлик деганда нима тушунилади?
4. Ривожланаётган мамлакатларда тўлов балансини давлатлараро тартибга солиш ким томонидан амалга оширилади?
5. Барқарорлаштирувчи дастурлар нима?
6. Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансидаги асосий муаммоларни тушунтиринг.
7. Нефть импорти билан шуғулланувчи мамлакатлар тўлов баланслари қандай аҳволда?

## 5.9. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТЎЛОВ БАЛАНСИ

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги қонунига мувофиқ, тўлов балансини тузиш 1993 йилда Молия вазирлиги зиммасига юкланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 15 майдан “Ўзбекистон Республикаси истиқболни белгилаш ва Статистика давлат қўмитасини, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартириш тўғрисида” ги Фармониға мувофиқ, тўлов балансини тузиш, уни амалға ошириш устидан назорат қилиш ушбу идораға топширилди ва унинг тузилмасида тўлов баланси бўлими фаолият кўрсата бошлади.

Яқин кунларғача тўлов балансини тузиш бўйича ҳар бир идоранинг вазифавий мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмаган эди. Шу туфайли маълумотлар бир неча бор йиғилиб қолишға, шунингдек тўлов баланси расмий статистиканинг баъзи кўрсаткичлари бўйича номувофиқликлар вужудға келди.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлигининг масъул ходимларидан мувофиқлаштирувчи идоралараро ишчи гуруҳи тузилиб, келишув баённомаси имзоланди ҳамда тўлов баланси маълумотлар баъзаси ва статистикани мувофиқлаштириш бўйича ҳамкорлик ишлари режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур идоралараро ишчи гуруҳи томонидан амалға ошириладиган тўлов баланси тузиш жараёни уч босқични ўз ичига олади;

1. Олинган ахборотни ҳар бир идора даражасида йиғиш, текшириш ва баҳолаш;

2. Компьютер воситаларидан фойдаланиб, кодлаштириш умумий тизимини қўллаш асосида турли манбалар бўйича маълумотларни текшириш. Ушбу усулдан савдо статистикаси маълумотларини йиғишда фойдаланилмоқда: божхонадан олинган маълумотлар, корхоналардан олинган ахборот билан солиштирилмоқда. Бу босқичда Марказий банк вазифасига тижорат банклари тақдим этган ҳисоб-китобларни қайта ишлаш йўли билан касса асосида тўлов балансини тузиш киради. Бу ерда банк ҳисоботлари орқали олинган ахборотни кор-



хоналардан олинган ахборот билан таққослаш мумкин;

3. Битимларга асосланган тўлов балансининг сўнгги вариантыни касса асосида, тўлов балансидан ажратиш йўли билан ишлаб чиқилади ва сўровнома маълумотлари моддий ресурслар рўйхатга олинган ахборот билан алмаштирилади. Ушбу босқичга зарурат бўлганда қўшимча тузатишлар киритиш ва баҳолаш мумкин. Ахборот йиғишни яхшилаш учун тўлов балансини тайёрлашда, Ўзбекистон Марказий банки резидент ва норезидентлар орасидаги битимлар бўйича ҳисоб-китобларга асосланган банк ҳисоботлар тизимини такомиллаштиришни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, ХВФининг махсус миссияси тўлов балансининг статистикасига доир техник ёрдам кўрсатиш мақсадида, норезидентлар ҳисобварақлари ва битимлари позициялари бўйича интеграцияланган статистика ҳисоботлари беришни билдирувчи ёпиқ тизимдан фойдаланишни тавсия этди.

#### **Тўлов балансининг асосий муаммолари:**

Республиканинг асосий саноат товарлари бўйича импортга қарамлиги, валюта курсларининг юқорилиги — тўлов балансининг ҳолатига таъсир этувчи жиддий *макроиқтисодий муаммолардан биридир*. Пахта, олтин, бошқа рангли металллар соҳасида қудратли иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон ушбу товарларнинг жаҳон нархларидаги пасайиш анъанаси давомийлигидан азият чекмоқда.

Муаммонинг *иккинчи* томони шундаки, мамлакатнинг асосий экспорт маҳсулотлари бўлган — пахта, олтин, мис ишлаб чиқаришни тўхтовсиз кўпайтириб бориш мумкин эмас. *Учинчидан*, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлиши учун импортни ошириш талаб қилинади. Импорт чекланган бир пайтда иқтисодий ўсишда юқори суръатларга эришиш қийин бўлади. Бироқ, импортнинг экспортга нисбатан юқори суръатларда ўсиши, тўлов балансининг тақчиллигига ҳамда мамлакатнинг макроиқтисодий аҳволи беқарор бўлишига олиб келади. Валюта курсларининг юқори бўлиши расмий, тижорат, “қора” курсларнинг мавжудлиги, расмий курс билан “қора” курс ўртасидаги фарқнинг катта бўлиши валюта даромадлари оқилона қайта тақсимланмаслигига олиб келади. Иқтисодиётнинг саноат секторини

маълум даражада рағбатлантиришни четлаб, фойданинг асосий қисми валюта маблағларини конвертирлаш мақсадида ёки импорт истеъмол товарларини сотиб олиш йўлларига эга бўлган савдо тузилмаларига, чет эл компанияларига ва аҳолининг нисбатан бой қатламларига ўтиб кетади. Бундан давлат, бюджет ва қишлоқ аҳолисининг кўпчилик қисми ютқазади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасида тўлов баланси тузишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
2. Мамлакатимизда тўлов балансини тузувчи орган ким?
3. Тўлов балансини тузиш нечта босқичдан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасида тўлов балансининг асосий муаммолари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасида экспорт ва импорт операцияларининг тўлов балансига таъсирини изоҳлаб беринг.

### **«ХОФФМАН ЛЯ РОШ» (HOFFMAN LA ROCHE) ВА «ДЖЕНЕНТЕК» (GENENTECH INC.) НИНГ БИРЛАШУВИ**

АҚШ биотехнология саноатининг фахри — «Дженентек Инк», 1990 йил февралда ўз акцияларининг асосий қисмини Швейцариянинг тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик компанияси «Рош Холдинг» (Roche Holding)га сотилишини эълон қилди.

Битим бўйича «Рош» «Дженентек»нинг 60 фоиз акциясини сотиб олишга 2,1 млрд. доллар сарфланиши лозим эди. «Дженентек»нинг асосий маҳсулотлари — бу инфарктдан кейинги жароҳатларни даволаш учун ва ўсишдан тўхтаган болаларга мўлжалланган гармонлардир. Компания томонидан ишлаб чиқариладиган энг машҳур дори-дармонлар сифатида «Валиум» (Valium) ва Либриум (Librium) каби транквилизаторларни кўрсатиш мумкин.

Биотехнология саноатини ларзага солган ушбу битим, Уолл Стритда маъқулланди.

Мазкур битим, янги дориларни ишлаб чиқариш ва чет элда сотиш харажатларини ҳамкорликда молиялаштириш мақсадида, фармацевтика компаниялари томонидан амалга ошириладиган бирлашувлардан биридир. Битимга янги тех-

нологияларни ишлаб чиқарувчи америка компанияларини хорижликлар сотиб олишдан ташвиш ортаётган пайтда эришилди. Биотехнология саноати АҚШ саноатининг йирик соҳаларидан бири ҳисобланиб, ўнлаб унча катта бўлмаган корхоналардан ташкил топган.

«Дженентек» ва «Рош»нинг расмий вакиллари «Дженентек» автоном ҳолда ишлайди, унинг акциялари эса ошқора сотилади, шунинг учун ҳам ушбу битим муаммо келтириб чиқармайди, деган фикрда эдилар.

Сўнги 2 йил давомида акцияларининг нархи тушиб кетган «Дженентек», хорижий ҳамкор билан бирлашиш, биржадаги уринишлардан кўра кўпроқ молиявий маблағлар оқимини юзага келтиради деган қарорга келди. 1987 йилги молиявий инқироздан сўнг кўпчилик биотехнологик компаниялар молиявий маблағлар оқимини жалб қилиш масаласида қийналиб қолган эдилар.

«Рош» компанияси «Дженентек»нинг қолган акцияларини ҳам кейинги 5 йил ичида бутунлай сотиб олишни кўзлаган бўлсада, айти пайтда корхонани мустақил ҳолда фаолият юритиши ҳамда амалдаги бошқарувни сақлаб қолиш фикрига эга эканлигини эълон қилди. 13 аъздан иборат «Дженентек» директорлар Кенгашида «Рош» атиги 2 овозга эга бўлди.

Одатда йирик компаниялар билан унча катта бўлмаган, юқори технологияли компанияларнинг бирлашуви, кичикроқ компаниядан олимлар ва менежерларни ишдан кетишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш ҳамда «Дженентек» ходимларининг тadbиркорлик ташаббусини сақлаб қолиш мақсадида «Рош» юқоридагича қарорни қабул қилди.

Келишилган битимга мувофиқ, «Рош» муомаладаги «Дженентек» акциялари ярмини, ҳар бир акция учун 35 доллар тўлаб (шундай 65% акцияни ёпилиш қийматини 21,75 долларга тенгдан ортиқ баҳода) олиш керак эди. Ушбу шартлар эълон қилингандан кейинги савдо кунида акциялар баҳоси 8,125 долларга ўсиб, ёпилиш баҳоси 29,875 долларни ташкил этди. «Рош» шунингдек «Дженентек» капиталини кенгайтиришга 492 млн. доллар қўйилма қилиши ҳамда янги чиқарилган акцияларни сотиб олиш орқали «Дженентек» капиталидаги улушини 60 фоизга етказиши керак эди.

«Дженентек» бошқарувининг таъкидлашича, компаниянинг молиявий аҳволи унчалик ёмон бўлмасада, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун компаниянинг инвестицияларга эҳтиёжи ортган. Иккала компания расмийлари — мазкур битим «Рош»ни биотехнология соҳасидаги энг тажрибали ҳисобланган «Дженентек»нинг илмий потенциали ва тажрибаларидан фойдаланишига имконият берилишини

билдиришган. Компаниялар мустақил равишда фаолият юритсада энди улар маҳсулотларни бир-бирига сотиш ҳақида шартномалар тузишлари ҳамда «Дженентек»нинг Европа бозоридаги маркетинг позицияларини мустаҳкамлашлари мумкин. Компанияларнинг фикрича, қўшма келишувлар мунозаралар орқали ишлаб чиқилиши ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши керак.

Фармацевтика соҳасидаги бирлашувларнинг натижаси сифатида «СмитКлайн Бэкмэн корпорейшн» (SmitKline Beecham Corporation, США) ва «Бичэм груп Пи Эл Си» (Beecham Group P.L.C., Буюк Британия)ни бирлашувини, «Бристол-Майерс Компани» (Bristol-Myers Company, АҚШ) ва Скуибб корпорейшн (Squibb Corporation) ўртасидаги битим, шунингдек, «Рон-Пуленк Эс А» (Rhône-Poulenc S.A., Франция) ва Рорер групп (Rorer Group, АҚШ)ларнинг бирлашувини кўрсатиш мумкин.

1980-йилларнинг охирида янги технологияларни ишлаб чиқиш харажатларини компаниялар ўртасида тақсимлаш мақсадида, трансмиллий қўшма битимлар натижаси сифатида бир қанча консорциумлар ташкил этилди.

Мазкур битимлар инвестицияларни қабул қилаётган реципиент мамлакатда янги корпоратив қўшма корхоналарни ташкил этишга олиб келмаган бўлсада, улар келажакда қўшма корхоналар ташкил қилиш мақсадини кўзлайдилар.

Масалан, АйБиЭм (IBM) ва «Сименс» (Siemens) биргаликда компьютер хотираси учун микросхемаларни такомиллаштириш қўшма лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад — япон компанияларини яримўтказкич ускуналар бозоридаги монополиясига барҳам бериш ҳамда динамик оператив эслаб қолувчи қурилмаларнинг интеграл схемаларга асосланган янги авлодини яратиш билан боғлиқ харажатларни компенсациялашдан иборат.

1990 йилда компаниялар қўшма лойиҳани эълон қилганларида, бозор интеграл схемаларининг 4 Мбит (млн. бит) ҳажмли тури кенг тарқалган эди. АйБиЭм ва «Сименс» фирмаларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида 64 мбит ҳажмли схемалар ишлаб чиқарилди.

## VII Б О Б

### ХАЛҚАРО САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

#### 6.1. ХАЛҚАРО САВДОНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТЎҚНАШ БИТИМЛАР

Халқаро савдони молиялаштириш ҳар доим ҳам етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун пулли ҳисоб-китоб ёрдамида амалга оширилавермайди. Халқаро савдонинг бундай шакллари (кўринишлари) учун тўқнаш битимлар қўлланилади. Назария ва амалиётда “тўқнаш битимлар” тушунчаси барча битимлар кўринишини ўз ичига олади, бунда товарлар ёки хизматларни экспорт қилувчи, импорт қилувчи (ёки импорт қилувчи мамлакатнинг бошқа мол етказиб берувчиси)нинг товарларни (ёки хизматларини) қабул қилиб олиш мажбуриятини олади. Шундай қилиб, экспортга мол етказиб беришлар қисман ёки тўлиқ молиялаштирилади, яъни компенсацияланади. Шу сабабли “компенсациялар” тушунчаси кўпинча тўқнаш битимларнинг барча кўринишлари учун умумлаштирувчи (жамловчи) бирлик сифатида ишлатилади. Умуман тўқнаш битимлар 4 гуруҳга ажратилади:

1) **бартер** — бу иккита шерик, масалан, мол етказиб берувчи (экспорт қилувчи) ва сотиб олувчи (импорт қилувчи) ўртасидаги тўғридан-тўғри (бевосита) товар айирбошлашдир.

2) **компенсация** — бу ўзи етказиб берган мол учун қисман ёки тўлиқ товар (ёки хизмат) билан тўлашга розилигидир (бу ерда учинчи шерик ёки бир неча фирмалар қўшилиши ҳам мумкин. Уларга компенсация бўйича мол етказиб бериш мажбурияти юклатилади):

- тўлиқ;
- қисман.

3) **тўқнаш харидлар** (counterpurchase) (бир-бирига мол етказиб беришлар, параллел, ўзаро боғлиқ, мажбурият юклайдиган, мажбуриятли икки томонлама бир-бирини тақозо қилувчи битимлар). Бу ерда мол етказиб берувчи, экспорт қилувчи белгиланган муддатда ўзи етказиб берган товарлар қийматининг муайян фо-

изи миқдоридан товарларни ўзи ёки учинчи шахс орқали сотиб олиш мажбуриятини олади.

4) **Маҳсулот орқали тўлаш.** Бу тушунча барча битимларни ўз ичига олади, бунда сотиб олувчи (импорт қилувчи) мол етказиб бериш қийматини, хусусан, товарлар савдо-сотигининг келажакда шу товар ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуна ва дастгоҳлар қийматини тўлиқ ёки қисман тўлайди.

**Ўзбекистонда халқаро савдони молиялаштириш.** Ўзбекистон савдо алоқаларини молиялаштиришни ривожлантиришга зарурат сезмоқда. Бунинг учун тегишли иқтисодий бошқарув муайян даражадан жорий операциялар бўйича ҳисобларнинг тақчиллиги, ўрта муддатли капиталга бўлган муҳим талаб ҳукуматнинг инвестиция дастури томонидан молиялаштиришга кафолат бериши лозим. Халқаро муносабатларга киришишда Ўзбекистон ноль (яъни соф) баланс билан иш юрита бошлади. 1992 йил ноябрь ойида у ноль вариантли битимни имзолади ва ушбу битимга кўра, собиқ СССРнинг ташқи маблағлари ва мажбуриятлари Россияга берилди. 1995 йил охирига келиб, Ўзбекистон халқаро агентликлардан муҳим аҳамиятга эга бўлган маблағларни олди ва бу маблағларнинг кредиторлари савдони молиялаштиришни таъминлайдиган тижорат банклари бўлдилар. Жаҳон банки томонидан муҳим молиялаштиришлар учун йўл очиб берган ХВФнинг кредити келишиб олинди. Ўзбекистон ЕТТБдан бир қанча кредитлар олган. Деярли кўпчилик қарзлар давлат томонидан олинган, лекин уларнинг орасида хусусий сектор томонидан олинган айрим қарзлар ҳам бор. Молия вазирлиги ташқи қарзлари бўйича шартномаларни тузишни назорат қилишга жавобгардир. Бу соҳада муҳим операцион жавобгарлик Ўзбекистон Миллий банкига юклатилади ва у давлат манфаатларига мос кредит битимларини тузади ҳамда ҳукуматга қарзларни бошқариш бўйича техник ёрдамни таъминлайди. Ўзбекистон захиралари мамлакатимизда ва шунингдек ривожланган ғарб мамлакатларининг етакчи банкларида ҳукумат захиралари сифатида сақланади. Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги расмий миссияси ўтказган тадқиқотларига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи молиялаштиришга бўлган умумий эҳтиёжи 1993-99 йилларда тахминан 5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Халқаро банк республикага 1 млрд. АҚШ доллари миқдори-

гача маблағ беришга тайёр эканлигини билдирди. Иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги, бозор иқтисоди ривожланиш ютуқлари ва хорижий инвесторларнинг ишончини қозонган ҳолда миссия умумий тўловлар миқдори 3-3,5 млрд. АҚШ доллариغا етиши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда охириги икки йилда ташқи савдони эркинлаштириш йўналишида муҳим қадамлар қўйилди: экспорт қилишда чекланган товарлар сонини 176 тадан 4 тагача камайтирилди; республикалараро савдога қўйилган чеклашлар қисқартирилди; собиқ Иттифоқ республикалари билан икки томонлама битимлар имзоланди. Модомики, товарлар импорти катта қисми давлатнинг улгуржи буюртмаларига боғлиқ бўлиб, стратегик товарлар экспорти эса давлат томонидан назорат қилинар экан, ушбу соҳани эркинлаштиришга қаратилган сиёсат юритилишига қарамасдан, ташқи савдонинг марказлашганлик даражаси ҳали ҳам юқориликгача қолмоқда. Бу айниқса пахта масаласида аниқ кўринади. Давлат маҳаллий ишлаб чиқаришнинг 60 фоизгача сотиб олади.

Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги (шу ном билан аталадиган собиқ вазирлик), ўзининг 10 га яқин савдо компаниялари билан экспорт-импорт операциялари бўйича асосий ҳамкорлик қилади. Бу ташкилот давлат захираларидан пахта сотиб, ташқи савдо бўйича энг катта товар айланмасига эга. Экспорт ва импорт қилувчилар ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси лицензиясини олиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлигида рўйхатдан ўтишлари шарт. Хорижий фирма импорт ёки экспортга лицензия олиши учун қуйидагиларни Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлигида кўриб чиқиш учун тақдим этилиши шарт. Харид қилиш (сотиш) ҳақидаги имзоланган битим нусхаси, товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳужжат расмий баёноти, Молия вазирлигининг гувоҳномаси — низом, хорижий ҳиссадорлар тўғрисида умумий маълумот, яъни компания номи, расмий манзиллар, рўйхатдан ўтказиш жойи ва вақти, компанияга хизмат кўрсатиладиган банкнинг тавсияномалари, бошқарувчининг исми ва фамилияси ҳамда миллати кўрсатилади. Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги шунингдек, лицензиялашни талаб қиладиган товарлар ҳамда ҳукуматлараро битимларда кўрсатилган товар бўйича

шартнома ва битимлар бўйича рўйхатдан ўтказди ва маслаҳатлар беради. Ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш, экспорт-импорт операцияларини тарифли ва нотарифли бошқаришни яхшилаш, экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадларида 1997 йилнинг 10 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар (иш ва хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган. Республика экспорт потенциалини оширишни таъминлаш масаласини ечиш билан бирга, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб, Фармонга мувофиқ, махсус маҳсулотларнинг бир неча гуруҳларидан ташқари, барча товарлар учун ҳамда товарлар экспортини лицензиялаш учун экспортга бож тўловлари бекор қилинади. Рақобатбардош ва қайта ишлашнинг юқори даражасига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришни иқтисодий ёлди ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисобланган ҳолда 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб, ўз ишлаб чиқариши маҳсулотини эркин конвертирланадиган валютада экспорт қилаётган корхоналарга қўшимча имтиёзлар берилди. Хусусан, уларга ўз маҳсулотини олдиндан тўловсиз ва аккредитив очмасдан, ваколатга эга бўлган банкларнинг кафолатлари билан, харидорларга хизмат кўрсатувчи ишчиларсиз ва амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган валюта тушумлари кирими муҳлатига амал қилмасдан экспорт қилиш ҳуқуқи берилади. Агар маҳсулот экспорти бозор нархларидан паст нархларда амалга оширилса, корхоналар учун солиққа тортиладиган базаси экспорт маҳсулоти сотувининг ҳақиқий нархларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Агар экспорт қилинаётган товарлар сотувининг умумий ҳажмидаги улуши 30 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этса, даромад солиғи ставкаси амалдаги ставкага қараганда 2 баробарга пасайтирилади. Экспорт қилувчи корхоналар учун қулай шароитлар яратишга қаратилган рағбатлантирувчи омил бўлиб, Фармонда қабул қилинган МДҲ давлатларига ўз ишлаб чиқариши маҳсулотини эркин конвертирланадиган валютага экспорт қиладиган корхоналарни акциз солиғи ва қўшимча қиймат солиғидан агар ҳукуматлараро битимларда бошқалар кўзда тутилмаган бўлса, озод қилиш қарори ҳисобланади.

Ўрнатилган имтиёзлар манзилли йўналишга эга ва



қайта ишлашнинг юқори даражаси билан экспортга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантириш учун қабул қилинган. Шу боисдан, кўрсатиб ўтилган имтиёзлар савдо-воситачилик ташкилотлари, шунингдек, хом ашё (рангли ва қимматбаҳо металллар, қора металллар прокатига, нефть, таббий газ, пахта толаси) экспорт қиладиган корхоналарга тааллуқли эмас.

Ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини таъминлаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни реклама қилиш мақсадида Фармонга мувофиқ, барча мулк шаклидаги, ўз ишлаб чиқаришнинг маҳсулотини экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига хорижда консигнация шартларида товарларни етказиб бериш асосида савдо уйлари ва ваколатхоналарга очишга рухсат этилади.

Мамлакатда товар ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилишни таъминлаш ва ички бозорда улар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, импортга янги, бир хиллаштирилган бож тўловлари қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Бунда 1998 йил 1 январдан бошлаб, божхона тўловлари ставкаси товар (иш, хизмат)нинг божхона қийматида ҳисобланади.

Экспорт-импорт операциялари билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотларнинг ахборот таъминотини яхшилаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идораларга жорий йилда давлат ташқи савдо статистикаси маълумотларини тўплаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича зарур чораларни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Мамлакатлар ва ташкилотлар учун ҳеч қандай имтиёзли таъриф ставкалари мавжуд эмас. Компаниялар имтиёзли солиқлар учун талабнома беришлари мумкин; бу талабнома фақат Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қондирилиши мумкин.

Ўзбекистон 1994 йилда бош келишувда кузатувчи юридик мақомини олишга талабнома берган бўлса ҳам унинг тариф таркиби “Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув” билан боғлиқ эмас. Бундан ташқари, мамлакат ҳали тарифларнинг мувофиқлаштирилган тизимини ишлаб чиққани йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкама-

си фармойишлари асосида Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги томонидан берилган лицензиялар бўйича экспорт-импорти амалга ошириладиган махсус товарлар рўйхати:

1. Курол-яроқ ва ҳарбий техника ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун махсус бутловчи маҳсулотлар.

2. Қимматбаҳо металллар, улардан ишланган маҳсулотлар, қотишмалар, концентратлар, чиқиндилар, қимматбаҳо табиий тошлар ва улардан ишланган маҳсулотлар; марварид ва ундан ишланган буюмлар, қаҳрабо ва ундан ишланган буюмлар.

3. Уран (фақат ураннинг концентратлари) ва бошқа радиоактив моддалар, улардан ишланган буюмлар ва уларнинг чиқиндилари.

4. Радиоактив моддалар фойдаланилган асбоб-ускуналар.

**Имтиёзлар жорий қилинган экспорт қилинадиган хом ашё товарларининг рўйхати:**

1. Рангли металллар прокати, уларнинг парчалари ва чиқиндилари;

2. Қора металл прокати, уларнинг синиқ парчалари ва чиқиндилари.

3. Қимматбаҳо металллар;

4. Нефть табиий газ;

5. Пахта толаси.

**Экспорт қилиш тақиқланган буюм ва маҳсулотларнинг рўйхати:**

1. Дон: буғдой, жавдар, арпа, сули, гуруч, макка-жўхори, гречка.

2. Нон маҳсулотлари: (ун, қандолат маҳсулотлари, пирожнийлар, ўз ишлаб чиқаришининг пишириқларидан ташқари).

3. Ун, ёрма.

4. Чорва, парранда.

5. Гўшт ва озиқ-овқат учун гўшт маҳсулотлари.

6. Қуруқ сут.

7. Чой хом ашёси, чой маҳсулоти.

8. Шакар.

9. Этил спирти.

10. Муҳим бадиий санъат, тарихий, илмий ёки бошқа маданий бойликларнинг ифода этувчи қадимги буюмлар, тасвирий ҳайкалтарошлик асарлари (Маданият вазирлиги хулосасига кўра).

11. Ўсимлик ёғи (техник мойлардан ташқари).
12. Чарм хом ашёси (андозасидан ташқари).

**Ўзбекистон Республикасига импорт қилиш (олиб кириш) тақиқланган буюмлар рўйхати:**

Давлат ижтимоий тузумни бузиш, ҳудудий яхлитлик, сиёсий мустақиллик ва давлат суверенитетини бузиш, урушни, терроризм, зўравонлик (куч ишлатиш), миллий устунлик ёки диний нафрат, ирқчилик ва унинг кўринишлари (сионизм, антисемитизм, фашизм)га йўналтирилган матбуот асарлари, қўлёзмалар, расмлар, фотосуратлар, фотоплёнкалар, негативлар, кино, видео ва аудио маҳсулотлар, грамзапислар, овоз ёзиш материаллари.

**Ўзбекистон Республикаси орқали олиб ўтиш (транзит) тақиқланган предметлар рўйхати:**

1. Қурол-аслаҳа предметлари, ўқ-дорилар ва ҳарбий қурол-аслаҳалар.
2. Учувчи аппаратлар, уларнинг қисмлари ҳамда уларга ускуна ва анжомлар.
3. Қурол-аслаҳа (қуролланиш) предметлари, ўқ-дорилар ва учувчи аппаратларни ишлаб чиқаришга қаратилган дастгоҳ ва машиналар.
4. Портловчи моддалар.
5. Қучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар.
6. Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланган предметлар:

И з о ҳ: Юқорида санаб ўтилган предметлар транзити Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги томонидан бериладиган транзитга (олиб ўтишга) рухсатнома бўйича амалга оширилиши мумкин.

**Ташқи савдо бўйича тўловлар:**

Агар бошқа давлатлар билан битимлар аниқ белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият миллий банки "ИСС 500" халқаро андозаларига тўғри келадиган аккредитивлар очишни таклиф қилади. Нақд пулли ҳисоб-китоблар ҳужжатларнинг кўрсатиш билан амалга оширилади.

Консигнация савдоси, асосан компьютер ва электроника, мебель ва кийим-кечакларга нисбатан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси учун ташқи ҳисоб-китобларда кўпроқ АҚШ долларидан фойдаланилмоқда. Ма-

салан, 1993 йил умумий тўловларнинг 90 фоизи шу валютада амалга оширилган.

Одатда, собиқ Иттифоқ мамлакатлари билан бўладиган савдо Марказий банк томонидан имзоланган банклараро келишувларга мувофиқ ҳолда молиялаштирилади.

Экспорт кредитлари ва Ўзбекистонга экспорт бўйича суғурта дастурлари бир неча мамлакатлардан, масалан:

АҚШ ЭКСИМБАНКИ экспортни молиялаштириш ва қисқа ва узоқ муддатли экспортни молиялаштириш ҳамда асбоб— ускуна экспортини, озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи етказиб беришни суғурталашни таклиф этади. Netmes экспортни молиялаштиришни очди, KfW 400 млн. немис маркасидан ортиқ мажбуриятларни (қарз) берди.

Ислохотларнинг дастлабки йилларида Туркия ЭКСИМ БАНКИ 375 млн. АҚШ долларига кредит линиясини очди, унинг ярми лойиҳаларни молиялаштиришга, бошқа қисми озиқ-овқат ва халқ хўжалиги товарларига мўлжалланган. Япония ЭКСИМБАНКИ нефть ва газ соҳасидаги лойиҳаларни 300 млн. АҚШ доллари суммасида молиялаштиришга жалб қилинган.

Франция, Швейцария, Буюк Британиянинг экспорт кредит агентликлари асбоб-ускуна ва истеъмол товарлари сотиб олиш учун экспорт кредитлар беришга тайёр эканликларини билдиришмоқдалар.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Қандай битимлар тўқнаш битимлар дейилади?
2. Бартер нима?
3. Ўзбекистонда халқаро савдони молиялаштириш механизми қандай амал қилади?
4. Халқаро савдони молиялаштиришда, халқаро ташкилотлар кредитлари ролини тушунтиринг.
5. Ўзбекистонда ташқи савдони эркинлаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Сизнинг фикрингизча, ушбу соҳада яна қандай амалий ишларни бажариш ижобий натижалар беради?
6. Марказлашган экспорт нима?
7. Экспорт қилувчи корхоналарга нисбатан республикамизда қандай рағбатлантиришлар мавжуд?
8. Имтиёзлар жорий қилинган экспорт қилинадиган хом ашё товарларини санаб беринг.

9. Ўзбекистон Республикасида қайси товарлар экспорти тақиқланган?

10. Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни йўлга қўяётган хорижий давлатларнинг банклари фаолияти хусусида фикрингизни билдириш.

## **6.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

Ўзбекистон Республикасида экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш, асосан банклар ёрдамида, хусусий ёки давлат (ҳукумат) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бугунги кунда республикада товар ва хизматлар импорти учун кредит ажратиш амалиёти мавжуд. Экспорт муносабатларида фақатгина муддати ўтган тўлов сифатидаги кредит мавжуд.

Чет эл мамлакатларидан товар сотиб олинганда тўловлар, асосан эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади. Чет элдан келтириладиган товарларнинг асосий қисмини, халқаро меъёрларга жавоб берувчи, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарувчи машина ва асбоб-ускуналар ташкил қилади. Бу харидлар банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур ускуналар билан савдо қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади ва давлат томонидан назорат қилинади.

Ускуналар импорти, яъни банк кредити ҳисобига сотиб олиш лойиҳаси давлат томонидан тасдиқланади. Бу кредитлар қарз олувчига қарз берувчиларнинг ўз маблағлари ёки кредит линиялари ҳисобидан берилди.

Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

Иқтисодий вазирлигидан унинг таркибида тасдиқланган умумий ходимлар сони доирасида кичик ва ўрта тадбиркорликни инвестициялашга кўмаклашувчи марказ ташкил этиладиганлиги тўғрисида таклиф қабул қилинади ва унга қуйидагилар юклатилади:

- республиканинг турли ҳудудлари ва турли соҳаларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш,

шунинг асосида банкда инвестиция лойиҳаларга талаб ва таклифлар бўйича маълумотлар ташкил қилиш, даврий ахборот бюллетен чиқариш ва уни манфаатдор тузилмалар ўртасида тарқатиш;

- кичик ва ўрта бизнес субъектларига, ҳудудлар ва соҳаларнинг ривожланишини истиқболли йўналишлари, хом ашё ресурслари ва зарур инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни самарали жойлаштиришга кўмак бериш;

- лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилиши тўғрисидаги таклифларни Иқтисодиёт вазирлигига тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикасида ҳукуматнинг, кичик ва ўрта корхоналарни жалб қилинаётган кредитлар ҳисобидан олиб кирилаётган технологик ускуналарга импорт учун божхона божларини тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзлари мавжуд.

Лойиҳаларни танлаб олиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун жалб қилинаётган хорижий кредит линиялари ҳисобидан кичик ва ўрта корхоналарга кредит бериш тартиби.

Қуйидагиларни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари, хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин:

- янги кичик ва ўрта қўшма корхоналарни ташкил қилиш, фаолият кўрсатаётганларини ривожлантириш;

- экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш-ни ривожлантириш;

- қўшимча ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини қишлоқ жойларда ташкил этиш.

Инвестиция таклифлари ташаббускорлари ўрнатилган намунадаги лойиҳа ғоясини ўзида жамлаган ариза-анкетани расмийлаштирадилар ва уни Ўзбекистон лойиҳа бўлимлари ёки Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Банкивестлоийиҳа бўлимига тақдим этадилар. Республика ҳудудида турли соҳалар ривожланишининг истиқболли йўналишлари, ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашиши ва чизмаси, хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожини ҳамда преференция тизими тўғрисидаги маълумотларни инвестиция таклифи та-

шаббускорлари Иқтисодиёт вазирлиги таркибидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни инвестициялашга қўмаклашиш маркази ҳамда вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидан олишлари мумкин. Ўзинвестлойиҳа бўлинмалари ёки Банкивестлойиҳа хизмати учун ҳақ олмасдан 10 кунлик муддат ичида тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади. Ишлаб чиқариш базасида текширув ўтказди ва ўрнатилган тартибда кичик ва ўрта бизнес ривожланиши ҳамда жалб қилинган хорижий кредит линиялари критерияларига мувофиқ, молиялашни очиш учун тижорат банклари талаб қиладиган ҳужжатлар тўпламини тайёрлашнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрлайди. Лойиҳа ташаббускорининг ўз капитали, хорижий кредит линиялари доирасида молиялаш учун тижорат банклари қўяётган талабларга етмай қолганда инвестиция институтлари (Ўзбекистон банклари уюшмаси таркибидаги Банкивесттраст ва бошқалар) лойиҳа ташаббускорининг етарли даражадаги низом фондини шакллантиришда қатнашишлари мумкин.

Инвестиция таклифлари ташаббускорлари зарурат туғилганда, инжинеринг ҳамда консалтинг компанияларини жалб қилиб, инвестиция олди текширувларини амалга оширадилар. Ушбу текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

— талаб ва таклиф прогнозини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот бозорини баҳолаш;

— истеъмол қилинаётган ресурслар ва прогноз қилинаётган хом ашё захираларини баҳолаш;

— инфратузилма объектининг жойлашган жойини баҳолаш;

— лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш;

— ишлаб чиқариш кўламини оптимизациялаш;

— оптимал технологик қарорни танлаб олиш;

— лойиҳанинг ҳаётийлиги ва иқтисодий натижавийлигини баҳолаш;

— лойиҳанинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий асосини шакллантириш.

Лойиҳанинг Ўзинвестлойиҳа тасдиқлаган ва унинг тавсияларига мувофиқ тайёрланган техник-иқтисодий асоси (ТИА) лойиҳа ташаббускори томонидан тижорат банки (лизинг компанияси)га тақдим этилади.

Тижорат банки зарур бўлганда Ўзбекистон банклари Уюшмасининг консалтинг фирмалари (Банкин-

вестлойиҳа, Банкхуқуқхизмат, Банкинформрейтинг, Банкконсалтаудит)ни жалб қилиб, лойиҳанинг ТИА ҳамда бизнес режасини, лойиҳа ташаббускорининг кредитга лаёқатлилигини баҳолайди, лойиҳанинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий таркибини ҳамда кредит таъминоти етарлилиги экспертизасини амалга оширади

Тижорат банки (лизинг компанияси) 30 кунлик муддат ичида лойиҳа ташаббускорига лойиҳани молиялаштириш имкониятлари тўғрисида хабар беради. Тижорат банки (лизинг компанияси) кредит қўмитасининг қарори ижобий бўлса, лойиҳа ташаббускори ўрнатилган тартибда шартномаларни расмийлаштиради ва рўйхатдан ўтказди. Адлия вазирлигида гаров шартномасини расмийлаштиради ва рўйхатдан ўтказди, Иқтисодиёт вазирлиги билан Инвестицион дастурга киришиш имкониятларини мувофиқлаштиради. Мулк суғуртаси ва тадбиркорлик рисклари ва тижорат банки (лизинг компанияси) талаблари олдида қарздорнинг жавобгарлигини суғурталашнинг бошқа шакллари расмийлаштиради.

**Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.** Лойиҳа ташаббускори томонидан тижорат банкига (лизинг компаниясига) кредит таъминоти бўйича тўла ҳужжатлар тўплами ўрнатилган талабларга мувофиқ тақдим қилинганда, тижорат банки (лизинг компанияси) 10 кунлик муддат ичида лойиҳани амалга оширишни таъминловчи қатор харажатлар бўйича молиялаштиришни амалга оширади. Лойиҳа ташаббускорида суғурталаш ва ТИАни ишлаб чиқиш бўйича хизматини тўлаш учун етарли маблағ мавжуд бўлмаганда, ушбу хизматларга бўладиган харажатларнинг 50 фоизидан ошмаган қисмини кредит суммасига киритиш мумкин. Лойиҳа ташаббускори қарзга олинган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, ишлаб чиқариш қувватини ўзлаштириш ва кредитнинг ўрнатилган муддатларда қайтарилиши учун амалдаги қонунларга асосан жавобгар ҳисобланади.

Тижорат банки (лизинг компанияси) ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатади. Банк амалиётида қабул қилинган қоидаларга мос ҳолда кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши мониторингини амалга оширади. Ажратилган кредит маблағлари мақсадли ишлатилмаганда ҳамда кредит ўз вақ-



тида қайтарилмаган ҳолларда тижорат банки (лизинг компанияси) қуйидаги чораларни кўради:

— лойиҳа ташаббускори ҳисобварағида маблағ мавжуд бўлса, ундаги ҳар қандай валютадаги маблағларни огоҳлантиришсиз олиш;

— лойиҳа ташаббускори ҳисобварағида етарли миқдордаги маблағ мавжуд бўлмаганда, эътиборни гаровга қўйилган мулк ва лойиҳа ташаббускори томонидан тақдим қилинган бошқа таъминотни ундиришга қаратади;

— лойиҳа ташаббускори мансабдор шахслари лавозимини суистеъмол қилганда ва қонунда кўзда тутилган бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, ушбу мансабдор шахсларни жазолаш юзасидан амалга ошириладиган жавобгарликка тортиш.

Ўзбекистон Республикасида барча кредит муносабатлари мавжуд қонунлар ва ҳукумат ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Мамлакатимиз импорти таркиби асосини нималар ташкил этади ва мазкур товарлар учун тўлов қайси валютада амалга оширилади?
2. Асбоб-ускуналар импортини молиялаштириш манбалари нималардан ташкил топган?
3. Қайси инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш хорижий валютадаги кредитлар орқали молиялаштирилади?
4. Инвестиция олди текширувлари нималардан иборат?
5. Лойиҳанинг кредитга лаёқатлилигини текширишда, тижорат банкларига кўмаклашадиган ташкилотларни санаб беринг.
6. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш қандай амалга оширилади?
7. Берилган кредитлар мақсадли ишлатилмаганда тижорат банклари қандай чора-тадбирларни амалга оширадилар?

### **6.3. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО САВДО ВА ХАЛҚАРО КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ МУҲИТИДА**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республика олдида халқаро интеграция жараёнига жалб қилинган иқтисодиёт, миллий давлатчиликни шакл-

лантириш билан боғлиқ бир қатор масалалар пайдо бўлди. Шу муносабат билан республикага халқаро молия муносабатларнинг тўла иштирокчиси бўлишга имкон берувчи қатор мақсадлар белгилаб қўйилди. Буларнинг ичида энг муҳими сифатида бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда чет эл инвесторларига яратилаётган инвестиция имкониятлари, республика ҳукумати сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларидаги муҳим йўналишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатчилигини қўлга киритганига кўп бўлмаганлигини, шунингдек капитал, инвестицияга талаб бутун дунёда ўсаётганини ҳисобга олган ҳолда мамлакатда хорижий инвесторларга яратилаётган инвестиция имкониятларини халқаро ишбилармонлар доирасида ёйиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 1994 йилнинг мартада Тошкентда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича очиқ мулоқот” халқаро конференция ўтказилди.

Лондонда 1994 йилдан бери ўтказилаётган “Doing business in Uzbekistan” конференцияси энди анъанавий бўлиб қолди. 1995 йилнинг октябрида Ўзбекистон ҳукумати БМТ институтлари билан ҳамкорликда Женеванинг Миллатлар Саройида хусусийлаштириш жараёнида инвестицияларни жалб қилиш муаммоларига бағишланган конференция ўтказилди. 1996 йилда Франкфурт-Майнда Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятлари тўғрисида вакиллик конференцияси ўтказилди ва у йиғилган немис бизнесининг 300 дан ортиқ вакилига катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тоғ-кон саноати, нефть ва газ соҳаларининг АҚШдаги тақдмоти ҳам муваффақиятли ўтди.

**Инвестиция муҳити.** Маълумки, ҳар қандай мамлакатдаги инвестиция муҳити, авваламбор, сиёсий барқарорликка боғлиқ бўлади. Айнан шу омил, инвесторга ўз фаолиятини пухта режалаштиришга, узоқ муддатли инвестиция режаларини амалга оширишни аниқлашга имконият яратади. Ўзбекистонда инвестиция муҳитининг муҳим хусусияти унинг Марказий Осиё худудидаги энг барқарор давлатлардан бири эканлиги ҳисобланади.

Мамлакат ҳукумати томонидан ўтказилаётган макроиқтисодий сиёсат инвестиция жараёнларини жадаллаштиришнинг ҳам муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Жаҳон банки ва ХВФ билан яқин муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Жаҳон банки институционал ислоҳотларни, шунингдек Ўзбекистон миллий валютасининг тўлов қобилиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамкорликни бошлаб юборди.

Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотлар билан самарали ва конструктив муносабатлари чет эл инвесторлари учун республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар барқарорлигининг бош кафили бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий банки томонидан республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларини кредитлашга мўлжалланган ЕТТБ, ОТБ, Ҳиндистон, Швейцария, Туркия, Чехия, Корея, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, АҚШ банклари, суғурта компаниялари ва халқаро молия институтлари томонидан берилган ва умумий қиймати 2,9 млрд. АҚШ доллари бўлган 14та кредит линиясига хизмат кўрсатилмоқда.

Биргина 1996 йилда қуйидаги янги кредит линиялари очилди:

— Чэйз Манхэттэн банки (АҚШ) Кейс фирмаси трактор ва комбайнларини сотиб олиш учун 58 млн ва Боинг-767 самолётлари лизингига 172 млн АҚШ долл.га;

— Женераль банки (Бельгия) 32 млн. АҚШ долл.га;

— Япония Эксимбанки Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини молиялаштириш учун 87 млн. АҚШ долл.га;

— Турк Эксимбанки (Туркия) 78 млн. АҚШ долл.га СамКОЧавто ҚК (39млн. АҚШ долл.), ҚК Косонсой-Текмен (24 млн. АҚШ долл.) ва Интерконтинентал меҳмонхонаси (15 млн. АҚШ долл.) қурилишини яқунлаш учун.

— Миллий банк ГЕРМЕС суғуртаси воситасида немис банклари билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Мазкур йилда умумий қиймати 595,6 млн Dm бўлган 25 келишув имзоланган.

Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида умумий қиймати 1,05 млрд. АҚШ доллари бўлган 33 лойиҳа амалга оширилмоқда ва улардаги ЕТТБнинг ҳиссаси 529,1 млн

АҚШ доллари. Республика иқтисодий кўрсаткичларининг барқарорлиги, хорижий кредитларни қайтариш бўйича республиканинг ўзига олган мажбуриятларининг қатъий бажарилиши ЕТТБга 1996 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Марказий банкига давлат кафолатисиз 60 млн. АҚШ долларига янги кредит линиясини очиш ҳақида қарор қабул қилиш имкониятини берди. Шунингдек француз суғурта агентлиги КО-ФАС ҳам Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига давлат кафолатисиз 30 млн. француз франкига кредит линиясини очди.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йилда ЕТТБ томонидан очилган кредит линиясининг муддатидан олдин ўзлаштирилиши яқунланди, унинг очилиши нафақат ЕТТБнинг Ўзбекистондаги фаол фаолиятини бошланиши, балки шаклланаётган майда тадбиркорлар синфининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди.

Хорижий кредит линиялари орқали пахтани қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш молларини ишлаб чиқариш соҳаларини молиялаштиришга устуворлик берилмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб—қувватлаш бўйича биринчи кредит линиясининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида ЕТТБ Ўзбекистон учун 120 млн. АҚШ доллари миқдорига иккинчи линияни очишга розилик берди. Шу билан бирга, макроиқтисодий ислохотлар молиявий инфратузилмасининг ривожланиш соҳаси ва хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий базасидаги ижобий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда янги кредит линияси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг суверен кафолатисиз берилди.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида фаол ҳамкорлик қилаётган компаниялардан яна бири Кейс компаниясидир. У ўзбек ҳамкорлари билан биргаликда “ЎзКейсагролизинг” (Тошкент ш.) халқаро қўшма компаниясини ташкил қилди. Компаниянинг низом капитали 5 млн. АҚШ долларини ташкил қилди:

Ўзбекистон банклари уюшмаси	2,45 млн. АҚШ доллари	49%
“Кейс Кредит Холдинг Лимитед” (АҚШ)	2,55 млн. АҚШ доллари	51%

“ЎзКейсагролизинг” компанияси фаолиятининг йўналиши — хусусий мулк эгалари, тадбиркорлар ва корхоналарни қишлоқ хўжалиги соҳасида муваффақиятли ишлашлари учун барча зарур фондлар билан таъминлашлари билан боғлиқ.

ОТБ Миссиясининг 1996 йилнинг ёзидаги ташрифидан сўнг Миллий банкка Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 50 млн. АҚШ долларига кредит линияси очилди.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон Республикасига хорижий кредитларни жалб қилиш бўйича ўтказилаётган анжуманлар ва улардан кўзланган асосий мақсад ҳақида ўз фикрингизни билдилинг.

2. Инвестиция муҳити нима?

3. Ўзбекистонга ажратилаётган халқаро кредитлар қайси йўналишларга жалб этилмоқда?

4. “ЎзКейсагролизинг” компаниясининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни қандай?

## **6.4. ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КРЕДИТЛАШ**

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат кредитлари нафақат миллий экспорт қилувчиларга, балки импорт қилувчиларга ҳам тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳолатда кредитлар бир давлат (одатда ривожланган) ҳукумати томонидан бошқа (ривожланаётган) давлат ҳукуматига экспорт қилувчиларга яхши муҳит яратиш учун ажратилади. Мазкур кредитлар имтиёзли ҳисобланади. Кредитларни беришнинг давлатлараро шартлари, қарздор билан келишишнинг шартларини ишлаб чиқиш манфаатдор мамлакатларнинг марказий банклари зиммасига юклатилади. Мазкур шартлар жумласига қуйидагилар киради:

- кредитнинг мақсади;
- унинг миқдори ва валюта тури;
- кредит линияси таркибига кирувчи товар ва хизматлар тури;

— кредитлар бўйича фоизлар, уларни тўлаш муддати;

— қарздор томонидан кафолатлар.

Саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда экспорт кредитларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ўтган асрнинг 50-йиллариданоқ кенг ривожланди.

Бугунги кунда бешта етакчи давлат (АҚШ, Франция, Германия, Япония, Англия)дан бериладиган ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ИХРТ томонидан бериладиган кредитларнинг 75 фоизига тўғри келади. Экспорт кредитларини ўзлаштиришнинг 70 фоизига яқини ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб бутун дунёда давлат кредитларининг салмоғи пасайиши кузатилмоқда. Мазкур жараён собиқ “Соцлагерь” гуруҳига кирувчи мамлакатларда бутун тизимни қайта куришга олиб келган аксилмарказлаштириш ҳаракатларининг натижасида юз берди. Саноати ривожланган мамлакатларда экспорт кредити салмоғининг қисқариши бир неча сабаблар билан боғлиқ.

*Биринчидан*, социалистик мамлакатлар — асосий рақибларнинг сиёсат майдонидан йўқолиши янги бозорларни очиб берди ва экспансия сиёсатини анча “арзон” усуллар билан амалга ошириш имконини берди.

*Иккинчидан*, айрим сабабларга кўра давлат кредитини жойлаштиришнинг анъанавий соҳалари, банк ва фирма кредити орқали молиялаштирилмоқда.

*Ниҳоят*, алоҳида олинган миллий лойиҳаларни молиялаштиришда Жаҳон банкининг роли сезиларли ўсди. Шунга қарамасдан, экспортни давлат томонидан кредитлаш ўзининг салмоқли ҳиссасини сақлаб қолди ва у халқаро дастаклар, меъёрлар ва шартномалар асосида қаттиқ тартибга солиб турилади.

Англияда Саноат ва савдо вазирлиги қошида экспорт кредитларига хизмат кўрсатувчи махсус бошқарма фаолият юритади (Export Credit Guarantee Department (ECGD)). Ушбу бошқарма экспорт қилувчиларга кафолатлар бериш орқали уларни кредитга лаёқатини таъминлайди. Агар мазкур импорт қилувчилар Буюк Британия банкларининг хорижий филиалларидан кредит олсалар, унда ушбу давлат кафолатлари Буюк Британия товарларини импорт қилувчиларга ҳам қўлланилади. ECGD билан ҳамкорлик қилиш экспорт корхоналари учун қисқа муддатларда йирик ҳажмларда

кредит олишни кафолатлайди. Мазкур бошқарма паст фоизларда берган кредитлари ва тижорат банкларидан жалб қилинган маблағлари ўртасидаги фарқни давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан қоплайди. 1978 йилдан бошлаб, ECGD экспорт кредитларини бериш ҳамда уни қайта молиялаштириш билан бевосита шуғулланади.

АҚШда кўпчилик экспорт қилувчи фирмалар ўзининг йирик маблағларига ва турли хил кредит ташкилотлари билан мавжуд кенг алоқаларига таянган ҳолда экспорт операцияларини молиялаштирадilar. Давлатнинг экспорт операциялари, асосан, кичик ва ўрта корхоналарга мўлжалланган бўлиб, уларга АҚШ экспорт-импорт (Эксимбанк) банки хизмат кўрсатади. Ушбу банкнинг бугунги кундаги асосий функцияси — узоқ муддатли экспорт кредитларини қайта молиялаштириш, ташқи савдо операциялари ва экспорт учун тўғридан-тўғри берилган кредитларни кафолатлашдир (ташқи савдо операциялари қийматининг 30-55 фоизи миқдориди). Шунингдек ушбу банк тижорат банклари томонидан тақдим этилган кредитлар қайтарилишини кафолатлашни амалга ошириш билан уларни суғурталайди. АҚШ Эксимбанки билан 60 та банк ва экспорт қилувчи фирмаларни бирлаштирадиган Хусусий экспорт фонди биргаликда ҳамкорликни амалга оширади (*Private Export Funding Co*). Экспортни молиялаштириш билан боғлиқ сиёсий ва тижорат рискларини суғурталашда Эксимбанк таркибига кирувчи тижорат кредитини суғурталаш Ассоциациясининг роли катта. Эксимбанкнинг низом (ва заҳира) капитали бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил топган. Аммо асосий кредит ресурсларини банкнинг ўзи давлат кафолатлари ва Федерал молия банкнинг кафолатларига таянган ҳолда ташкил этади. Ҳар беш йилда АҚШ конгресси Эксимбанкнинг низомини кредитлаш ва суғурталашнинг умумий суммасига тенг ҳолда тасдиқлайди. Банк томонидан тақдим этиладиган кредитларнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатларга экспорт қилувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Францияда экспортни кредитлаш банки фақатгина узоқ муддатли кредитларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни қайта молиялаштириш билан шуғулланади. Экспортнинг қолган қисми, асосан, тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланади. Франция экспортни

кредитлаш банки миллий капитал бозорларидан бўш ресурсларни жалб қилади ва ягона имтиёзга эга: банк томонидан бериладиган экспорт кредитлари билан тижорат банклардан жалб қилинган фоиз ставкалари ўртасидаги фарқни бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш.

Германияда экспорт қилувчи фирмаларнинг кўпчилиги сезиларли даражада йирик маблағларга эга. Тижорат банклари билан анъанавий яқин алоқалар, даврий маблағларга эҳтиёжни қондиришга кўмаклашади. Экспорт операцияларини молиялаштиришда давлат улуши ҳеч қачон 25 фоиздан ортмаган. Агар немис экспорт товарларини асосан ривожланаётган мамлакатлар бозорига йўналтирилганлиги ҳисобга олинган бўлса, давлатнинг ушбу иштироки сезиларсиздир. Тикланиш банки томонидан тақдим этиладиган экспорт кредитлари Германиянинг анъанавий экспорт товарларини ривожланаётган мамлакатларга реализациясида ҳамда немис фирмаларининг чет эллардаги бўлимларини молиялаштиришда муҳим рол ўйнайди. 60 дан ортиқ тижорат банкларини ўзида бирлаштирган банк синдикати ДКА уч хил турдаги экспорт кредитларини тақдим этади: А, В, С. Биринчи тур кредитлар синдикат аъзоларига, иккинчи тур кредитлар — Германия Бундесбанкдан қайта молиялаштириш ҳуқуқи билан ташқи контрагентларга берилади. Кредитлар тақдим этилишининг максимал муддати: А турдаги кредитлар — 10 йил, В турдаги кредитлар — 4 йилга. Одатда, кредит улуши шартнома суммасининг 70 фоизидан ортмайди. С турдаги кредитлар чет эллик товар сотиб олувчиларга тақдим этилади.

Японияда Экспорт-импорт давлат банки фаолият юритади. Ушбу ҳолат низом капиталини шакллантиришга ҳамда давлатнинг ёрдамига таяниб иш кўриш учун яхши таъсир этади. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида мазкур банк экспорт операцияларининг 50 фоиздан ортиқроқ қисмини кредит маблағлари билан таъминлади. Ушбу кредитлар турли соҳаларга тақдим этилади: экспортни тўғридан-тўғри кредитлаш; чет эллик сотиб олувчиларга тақдим этилган фирма кредитларини қайта молиялаштириш; давлат кредитларини тақдим этиш; чет эл банклари кредитлари ва капитал қуйилмаларини қайта молиялаштириш. Одатда, кредитлар икки йилдан ўн йилгача муддатларга тақдим этилади ва улар бўйича фоиз ставкалари белгилаб қўйи-



лади. Кредитнинг ҳажми шартнома суммасининг 70 фоизигачани ташкил этади. Япониянинг ташқи савдо ва саноат вазирлигидаги экспортни суғурталаш бошқармасида шартномани суғурталаш, кредит тақдим этилишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда экспортни кредитлаш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириб, шундай хулоса қилиш мумкин. *Биринчидан*, экспортни қисқа муддатли кредитлаш, асосан, тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Мазкур тижорат банкларининг фаолияти кўпроқ ички бозорга қаратилган бўлиб, экспортни кредитлаш билан йирик ихтисослашган банклар шуғулланишади. *Иккинчидан*, экспорт операцияларини амалга ошириш учун тижорат банклари тизими томонидан тақдим этилаётган кредитлар миқдори чегараланган ва ҳар доим ҳам етарлича эмас. *Учинчидан*, ривожланган мамлакатларда товар ва хизматлар экспорти учун ўрта ва узоқ муддатли кредитларга бўлган талаб ортмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу масалани ечишда корхоналарга давлатнинг ёрдами ортмоқда.

Аксарият ҳолатларда экспорт операцияларини кредитлашга ихтисослашган махсус молия институтларини ташкил этиш амалиёти кенг тарқалмоқда. Ушбу ташкилотлар тўлиқ давлат ихтиёридаги аралаш мулкчиликка асосланган ёки ҳукумат томонидан махсус ваколат берилган бўлиши мумкин. Аммо ҳар қайси вазиятда ҳам ушбу фондлар давлатнинг назорати остида бўлади. Кўпчилик мамлакатларда худди мана шундай молия ташкилотлари экспорт қилувчиларга кредит тақдим этадилар, экспорт кредитларини қайта молиялаштирадилар ва импорт қилувчиларга кредитлар берадилар. Мана шу тузилма орқали экспорт ва импорт қилувчиларга турли кўринишдаги имтиёзлар тақдим этилади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Экспорт ва импорт қилувчиларга бериладиган кредитлардан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат?
2. Экспорт кредитларини бериш бўйича қайси мамлакатлар етакчилик қилади?
3. Саноати ривожланган мамлакатларда экспорт кредити салмоғининг қисқариши қандай сабаблари бор?

4. Англияда Саноат ва савдо вазирлиги қошида экспорт кредитларига хизмат кўрсатувчи махсус бошқарма (Export Credit Guarantee Department (ECGD))нинг асосий фаолияти нималардан иборат?

5. АҚШда экспорт қилувчи фирмаларни қўллаб-қувватлаш қандай ташкил этилган?

6. Японияда Экспорт-импорт давлат банки фаолияти нимадан иборат?

7. Экспорт операцияларини кредитлашга ихтисослашган махсус молия институтлари ким томонидан ташкил этилади?

8. Ўзбекистонда экспорт операцияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкил этилиши ва унинг самаралилик даражаси хусусида ўз фикрингизни билдириңг.

## **6.5. ХАЛҚАРО САВДОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ АСОСИ**

Халқаро савдо турли мамлакатлар ўртасидаги савдо сифатида қадим замонларда пайдо бўлган. У қулдорчилик даврида ҳам, феодализмда ҳам олиб борилган. Аммо ўша даврларда халқаро муомалага ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кам қисми келиб тушарди: асосан дабдабали буюмлар (қимматбаҳо матолар, қимматбаҳо буюмлар), ширинликлар, минерал хом ашёларнинг айрим турлари ва ҳ.к. Капиталистик тизимгача бўлган иқтисодий жамият тизимлари натурал хўжаликка асосланган ва шунинг учун маҳсулотларнинг асосий қисми алоҳида хўжаликлар, жамоа ёки кичик ҳудудлар доирасида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган.

Халқаро кредит жаҳон хўжалигида юз бераётган интеграцион иқтисодий ўзгаришларнинг муҳим жиҳатини ўзида ифодалайди. Бўш маблағларнинг ҳаракатини ва энг истиқболли ҳамда ривожланишга муҳтож тармоқлар, ҳудудларга капиталнинг оқимини таъминлаган ҳолда халқаро кредит капиталнинг миллий хўжаликлар иқтисодиёти ва умуман, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши учун тақсимланишига имкон беради.

Халқаро кредит ўзида товар ва валюта ресурсларини етказиб бериш билан боғлиқ халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида ссуда капиталининг ҳаракатини ифодалайди.

Халқаро кредит XIV-XV асрларда халқаро савдода

вужудга келган, айниқса Европадан Яқин ва Ўрта Шарққа, кейин Америка ва Ҳиндистонга денгиз йўллари ўзлаштирилишидан кейин унинг доираси кенгайган.

Пул-кредит сиёсати, валюта курсини мувофиқлаштиришни амалга ошириш, сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертирланишига эришиш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор вазифалари ҳисобланади. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг чуқурлашуви валюта захираларини тўлдириш ва уларни миллий валютани мустаҳкамлашга йўналтириш учун молиявий ёрдам олишга имкон берди.

Иқтисодий ислохотлар давридаги мураккаб масалалар ечимида тижорат банкларининг аҳамияти муҳим. Банкларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жаҳон молия бозори таркибига Ўзбекистон интеграцияси каби масъулиятли вазифа топширилган. Банклар экспорт-импорт банки, давлат аҳамиятига эга бўлган соҳалар ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи банklar функциясини, шунингдек кенг мижозлар доирасига хизмат кўрсатувчи универсал тижорат банклари функциясини ҳам бажарадилар. Функцияларнинг бундай бирикмаси йирик массивли кредит ресурсларининг йиғилишига имкон беради. Бу эса иқтисодиётни интенсив ривожланиш даврида молия ресурсларини жамлаш ва банк активларининг диверсификацияси учун жуда муҳимдир.

Банklar активларни мамлакат ичида фаол жойлаштириш сиёсатини амалга оширмоқда, бу биринчи навбатда йирик инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ва Ўзбекистон ташқи савдо операцияларини ўстиришга йўналтирилган. Шу билан бирга, кредитлашнинг консерватив тамойиллари ва инвестицион лойиҳалар танлови, шунингдек кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва уларнинг қайтарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш тарафдорлари бўлиб ҳисобланади. Банк юритаётган сиёсат қисқа муддатли хорижий кредитларни рад этиш ва кредит портфели сифатини оширишга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, асосан, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки доимий равишда қўшимча фойда олишга имкон берувчи ва мижозлар манфаатига мос келувчи янги молиявий инструментлар қўлламоқда ва бутунги кунда у

АҚШ, Германия, Япония, Франция, Буюк Британия, Италия, Корея, Хитой, Индонезия, Туркия банклари кредит линияларига хизмат кўрсатмоқда.

Банкнинг эътиборли халқаро молия институтлари— Жаҳон банки гуруҳи, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осие Тараққиёт банки, МФК билан фаол ҳамкорлиги аниқ лойиҳаларда амалга оширилади.

Лойиҳалар ўзига кетган харажатларни қоплаши, атроф-муҳитни ҳимоялаш талабларига жавоб бериши, импорт ўрнини боса олиши, мамлакат экспорт потенциали тез ўсишига имкон бериши лозим. Буларнинг пухта текшируви бизга кредиторлар ва қарздорларга барча мажбуриятларни сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳуқуқини беради. Иқтисодиётнинг қуйидаги йўналишлари бўйича лойиҳалар устувор саналмоқда:

- пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг ривожини;
- мева ва сабзавотлар етиштириш ва қайта ишлаш;
- дон ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш;
- нефть ва газ қазиб чиқарувчи саноат;
- тоғ-кон саноати — қимматбаҳо ва рангли металллар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш;
- кимё технологияси мажмуи;
- қурилиш моллари ишлаб чиқариш;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналари;
- транспорт тармоқлари ривожини;
- туризм саноатини кенгайтириш;
- замонавий телекоммуникация тармоқларини яратиш.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро савдода халқаро кредит муносабатлари қачон юзага келган?
2. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини халқаро савдони кредитлаш операциялари қандай мақсадларга йўналтирилган?
3. Иқтисодиётнинг қайси йўналишлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш устувор саналмоқда?

**РИСКЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ — ТАШҚИ  
САВДОДА УЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ**

РИСК	1. КРЕДИТ РИСКИ	2. ВАЛЮТА РИСКИ	3. ҲУДУДИЙ РИСК
<b>ТАЪРИФИ</b>	Сотиб олувчини тўловга ноқобиллиги ёки уни амалга оширишни хоҳламаслиги	Экспорт қилувчи ёки импорт қилувчи ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган валюта курсининг ўзгариши	Импорт қилувчи мамлакатида содир бўлган сиёсий ва иқтисодий воқеалар таъсирида, сотувчига тўловни вақтинча амалга оширмаслик
<b>РИСКНИ ҚИСҚАР- ТИРИШ ЧОРАЛАРИ</b>	а) аккредитив- лардан фойдаланиш  б) нақд депозит- ларни олиш  в) экспорт кредитларини суғурталаш	а) форвард валюта хежерлашдан фойдаланиш  б) опцион бозорида фьючерслардан фойдаланиш  в) ўз валютасида чек ёзиш г) шартномавий таъминот	а) тасдиқлан- ган аккредитив- лардан фойдаланиш  б) экспорт кредитларини суғурталаш

## VII Б О Б

## ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТУШУНЧАСИ  
ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

**Халқаро ҳисоб-китоблар** деганда турли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида юзага келадиган пуллик талаблар ва мажбуриятлар юзасидан тўловларни амалга ошириш тизими тушунилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг турли шакллари мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан кенг қўлланилади.

Товарлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнларининг байналмилаллашуви, халқаро ҳисоб-китобларнинг мазмунида янги ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келди. Халқаро ҳисоб-китоблар кенг қамровли бўлиб, у экспорт-импорт операциялари, тижорат тусига эга бўлмаган тўловлар — сайёҳлик, спорт, фуқаролар томонидан хорижий давлатларга пул ўтказишлар, хорижий давлатларда дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш, ўзга давлатлар ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Ҳар куни жаҳон валюта бозорларида 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Шунини 40 фоизи АҚШ долларида амалга оширилади. Дунё бўйича жами конверсион операцияларнинг 90 фоизи 5 та валютада амалга оширилади. Жумладан:

1. АҚШ доллари (USD). — 40%
2. Евро (EURO) — 30%
3. Япония иенаси (JPY). — 15%
4. Англия фунт-стерлинги (GBP). — 8-10%
5. Швейцария франки (CHF). — 1-2%.

Халқаро ҳисоб-китоблар 2 гуруҳга бўлинади: *ҳужжатлаштирилмайдиган*; *ҳужжатлаштирилмайдиган* тўловлар.

Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларга:

1. Ҳужжатлаштирилган аккредитив;

2. Инкассо билан амалга ошириладиган ҳамма тўловлар киради.

Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларга:

1. Тўлов топшириқномаси;
2. Чеклар;
3. СВИФТ (SWIFT) киради.

Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларни туркумлашда мезон шартларини тўлов шартлари ўтайди. Агар ҳар қандай ҳисоб-китоб қуйидаги 3 тўлов асосида амалга оширилса, бу ҳужжатлаштирилмайдиган ҳисоб-китоб бўлиб ҳисобланади:

1. Олдиндан тўлаш;
2. Товарни олгандан сўнг тўлаш;
3. Очиқ ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоблар.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакли сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Тўлов топшириқномалари;
2. Чеклар;
3. Ҳужжатлаштириладиган аккредитив;
4. Инкассо.

**СВИФТ (SWIFT)** — бу маълумотларни узатиш ва операцияларни амалга ошириш тизими бўлгани учун уни ҳисоб-китобларнинг мустақил шакли сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас.

МДХ давлатларида валюталар котировка қилинадиган доимий валюта биржаларининг мавжуд эмаслиги ушбу давлатларнинг валюталаридан давлатлараро ҳисоб-китобларда фойдаланишга тўсқинлик қилади. Эркин алмашинадиган валюталар (ЭАВ) билан ҳисоб-китоб қилишга асосланган тизим энг қулай тизим ҳисобланади. Лекин ЭАВнинг етишмаслиги сабабли, бу тизимдан тўлиқ фойдаланишнинг имкони йўқ эди. МДХ давлатлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар муаммосини ҳал қилиш учун 1994 йилда Минскда Давлатлараро банк ташкил этилди. Бу банк клиринг маркази вазифасини ўташи керак эди. Лекин марказий банкларнинг фаолиятида мувофиқлик бўлмаганлиги туфайли ушбу банк ҳаққоний фаолият кўрсатмаяпти.

Халқаро ҳисоб-китобларда қатнашувчи **субъектлар** бўлиб ҳукуматлар, давлат органлари, марказий банклар, тижорат банклари, махсус молия-кредит институтлари (пенсия фондлари, суғурта компаниялари, кредит иттифоқлари, ломбардлар ва ҳ.к.), корпорация-

лар, халқаро ва ҳудудий молия-кредит ташкилотлари (ХВФ, ЖТТБ, ЕТТБ, ОРБ ва ҳ.к.) ҳисобланади.

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича биринчи ўринни тижорат банклари эгаллайди. Сабаби шундаки, халқаро операцияларнинг асосий қисми — ташқи савдо операциялари ва капиталлар ҳамда кредитларнинг ҳаракати бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга тўғри келади. Ушбу ҳисоб-китобларда иштирок этувчи тижорат тузилмаларининг миллий ва чет эл валюталаридаги жорий ҳамда депозит ҳисоб-рақамлари, тижорат банкларида жойлашган. Марказий банклар эса тижорат тузилмаларига кредит-ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Демак, тижорат банклари орқали тижорат тусидаги операцияларнинг асосий қисми амалга оширилади.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги мавқеи, уларнинг молиявий жиҳатдан мустақкамлигига, электрон алоқа тизимлари билан яхши жиҳозланганлигига, обрўсига, ривожланган кенг тармоқли хорижий филиаллар ва бўлинмалари, кўп сонли вакиллик ҳисоб-рақамларига эга эканлигига боғлиқ. Тижорат банкларининг хорижий банк ва корпорациялар билан амалга оширадиган ҳар қандай операциялари талаб ва мажбуриятлар орқали ўтади. Масалан, Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкининг мижози Австрияга пахта толасини экспорт қилди, дейлик. Бунда импорт қилувчи ўз банкига, яъни Австриядаги тижорат банкига жўнатилган товарлар суммасини тўлаш тўғрисида кўрсатма беради. Австрия банки тўлов суммасини ўзидаги Ўзбекистон банкининг вакиллик ҳисоб-рақамига ўтказди. Ушбу вакиллик ҳисоб-рақами Ўзбекистон тижорат банки учун “Ностро” деб аталади, Австрия тижорат банки учун “Востро” деб аталади. Ҳар қандай тижорат банки ҳар бир валюта тури учун биттадан вакиллик ҳисоб-рақами очади. Одатда, ушбу ҳисоб-рақамлари, халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланувчи эркин алмашинадиган валюталарда очилади. Ҳозирги кунда халқаро ҳисоб-китобларда энг кенг қўлланувчи бешта давлатнинг миллий валютасини кўрсатиш мумкин(5-жадвал).

Валюта курсининг доимо тебраниб туриши сабабли, тижорат банклари уларни диверсификация қилиб туради. Валюта курсларини диверсификация қилиш деганда, захиралар таркибидаги нобарқарор валютани со-



тиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш тушунилади. Ҳозирги кунда диверсификация, асосан, учта валюта — евро, Япониянинг иени ва Швейцариянинг франки ҳисобидан амалга оширилмоқда.

## 5- жадвал

**Халқаро ҳисоб-китобларда қўлланилувчи асосий валюталар**

*(тартиб рақами валюталарнинг халқаро ҳисоб-китоблардаги салмоғига қараб белгиланган)*

Т/р	Валюталарнинг тури	Халқаро савдо бўйича ҳисоб-китобларда салмоғи, фоизда	Валюталарнинг халқаро миқёсда тан олинган белгиланиши	Валюталарга нисбатан қўлланилувчи коэффициентлар
1	АҚШ доллари	40	USD	1
2	Евро	30	EURO	100
3	Япония иенаси	15	JPY	100
4	Буюк Британия фунт-стерлинги	8-11	GBP	1

Халқаро ҳисоб-китоб шаклларида мамлакат ҳудудида фойдаланиш тартибини одатда марказий банк белгилайди. Масалан, чекларни амал қилиш муддатини белгилаш, чет эл валютасидаги банк позициясига нисбатан лимитлар ўрнатиш тартиби марказий банк томонидан белгиланади.

1976 — 1978 йилларда Ямаиканинг Кингстон шаҳрида тўртинчи жаҳон валюта тизими юзага келди. Ушбу давлатлараро келишувнинг муҳим натижаларидан бири — олтиндан бевосита ва тўғридан-тўғри халқаро ҳисоб-китобларда ишлатиш тақиқланди. Яъни олтин қўймалар ва олтиндан ясалган буюмлар билан давлатлараро тўловни амалга оширишга чек қўйилди.

Ҳозирги кунда давлатлар ўз олтинларини жаҳон олтин бозорларида сотиб, ундан тушган валюта маблағлари ҳисобидан халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширадилар. Жаҳон олтин бозорларида сотиладиган олтинларнинг 50 фоиздан ортиқроғи Лондон ва Цюрих бозорларида сотилади. Лондон олтин бозорларида бешта

банк ҳар куни икки марта аукцион ўтказади. Ушбу аукционларда олтиннинг бозор баҳоси аниқланади.

Ташқи иқтисодий битимларнинг, шу жумладан, ташқи савдо битимларининг амалга ошиши, яъни уларни ўз вақтида ва кам ҳаражат сарфлаган ҳолда амалга ошириш шартномалари молиявий ва тўлов шартларига боғлиқ. Шу сабабли, ташқи савдо муносабатларида иштирок этувчи субъектлар, шартномани имзолаш пайтида унинг барча жиҳатларини пухта келишиб оладилар. Бунда экспорт қилувчи ва импорт қилувчи манфаатларининг қарама-қаршилиги юз беради. Масалан, экспорт қилувчи тўлов суммасининг маълум қисмини олдиндан тўлаб қўйилишини, кўпчилик ҳолларда талаб қилади. Ушбу тўлов суммасининг миқдорини аниқлашда қарама-қаршилиқ юзага келади. Экспорт қилувчи имконият даражасида кўпроқ суммани олдиндан тўлашни талаб қилади, импорт қилувчи эса иложи борича, камроқ суммани олдиндан тўлашга ҳаракат қилади, чунки бу сумма маълум вақт импорт қилувчининг ҳўжалик айланмасидан чиқиб кетади. Ёки ҳисоб-китоб шакллари танилаш масаласини олайлик. Экспорт қилувчи имкон қадар тўлов кафолатланадиган ҳисоб-китоб шаклини танлашни таклиф қилади. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитив ана шундай ҳисоб-китоб шаклидир. Импорт қилувчи учун эса бу шаклдан фойдаланиш мақбул эмас. Чунки бунда импорт қилувчининг чиқими кўпаяди. Масалан, ҳозирги кунда Фарбий Европа мамлакатларининг тижорат банклари ҳужжатлаштирилган аккредитив хизмати кўрсатганлиги учун 3-5 фоиз миқдорда хизмат ҳақи олади.

Ташқи савдо шартномасининг қуйидаги тўрт молия— тўлов шартини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Баҳо валютаси;
2. Тўлов валютаси;
3. Тўлов шarti;
4. Ҳисоб-китоб шакли.

**Баҳо валютаси** — бу товарнинг баҳоси ўлчанадиган валюта. Ушбу валютани танлашда товарнинг тури, ҳукуматлараро шартномаларнинг шартлари ва валютанинг барқарорлиги ҳисобга олинади. Шартномада кўрсатилган баҳо таркибига товарларни ишлаб чиқариш, уни юклаш, импорт қилувчи мамлакат портига тушириш, омборхоналарга жойлаштириш, импорт қилувчига уни етказиб бериш ҳаражатлари киради. То-

варлар баҳосини шартномада белгилашнинг 5 асосий усули мавжуд:

1. Қатъий белгиланган баҳоларни ўрнатиш. Ушбу баҳо шартнома имзоланаётган вақтда ўрнатилади ва шартнома ижро этилиши мобайнида ўзгармасдан қолади.

2. Товарлар баҳосини шартнома имзоланаётган пайтда юзага келган бозор баҳосида ҳисобга олиш. Агар хом ашё экспорт қилинаётган бўлса, уларнинг бирон-бир товар биржасида (Лондон ёки Нью-Йорк товар биржалари ва ҳ.к.) хорижий баҳоси асосида шартнома ижро этилади.

3. Баҳо қатъий белгилаб қўйилиши. Аммо шартнома имзоланаётган пайтда товарларнинг баҳоси кескин ўзгарса, белгиланган баҳо ўзгартирилади.

4. Товарлар баҳоси қатъий белгилаб қўйилади, аммо харажатлар таркибида ўзгариш бўлган тақдирда белгиланган баҳо ўзгартирилади. Бу усул кўпчилик ҳолларда, асбоб— ускуналарни сотишда қўлланилади.

5. Аралаш шакл. Товарларнинг маълум қисми қатъий белгиланган баҳоларда, маълум қисми ўзгартириладиган баҳоларда сотилади.

**Тўлов валютаси** — бу ҳақиқатда импорт қилувчининг мажбурияти тўланадиган валюта. Агар тўлов валютаси нобарқарор валюта бўлса, унда шартномада товарларнинг баҳоси барқарор валютада ўлчанади.

**Тўлов шартлари** — бу тўлов нақд валюталарда ёки нақдсиз шаклда, очиқ ҳисоб-рақамлари орқали кредит шаклида ёки векселлар орқали амалга оширилиши мумкинлигини келишиб олишдир.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро ҳисоб-китоблар нима?
2. Халқаро ҳисоб-китоблар қайси операцияларни ўз ичига олади?
3. Ҳар қуни жаҳон валюта бозорларида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар миқдори қанча ва у қайси валюталарда амалга оширилади?
4. Халқаро ҳисоб-китоблар қандай гуруҳларга бўлинади?
5. Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари айтилинг.
6. СВИФТ нима?
7. МДҲ давлатлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги муаммолар қандай ҳал қилинган?

8. “Ностро” ва “Востро” ҳисобварақлари моҳиятини тушунтиринг.

9. Ташқи савдо шартномасининг қандай молия-тўлов шартлари мажуд?

## 7.2. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ИНКАССОДАН Фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳужжатлаштирилган инкассо икки банк-вакиллик воситачилигида амалга оширилади: инкассо қилувчи, экспорт қилувчи банки ва тўловчи банк. Банклар инкассо амалиётларида экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида ишонч воситачилар бўлиб хизмат қилади. Уларнинг мажбуриятлари ҳужжатларни тўловга ёки акцептга қарши юбориш, қабул қилиш ва топшириш билан чегараланади. Ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фарқли ўлароқ, инкассода банклар харидор тўлаолмаганлиги ёки унинг ҳисоб-китобларини бажармаганлиги учун масъул эмасдир. Шу билан биргаликда банклар ўз ходимларининг суистеъмоллигини ҳисобга олмаганда, хабарларнинг объектив сабабларига кўра ушланиб қолиши ёки йўқолишига ҳам жавоб бермайди.

**Инкассо** — бу банклар томонидан олинган йўриқнома-лар асосида молиявий ёки тижорат ҳужжатлари билан биргаликда қуйидаги операцияларни бажариш мақсадидаги амалиётдир:

- 1) тўлов (акцепт) олиш,
- 2) тижорат ҳужжатларни тўловга (акцепт) қарши бошқа шартларда бериш.

Шундай қилиб, инкассода қўлланиладиган тўлов шартлари қуйидагилардир:

- 1) ҳужжатларни тўловга қарши бериш;
- 2) ҳужжатларни акцептга қарши бериш;
- 3) векселга қарши ҳужжатлар ёки мажбуриятларга қарши ҳужжатлар.

Биринчи ҳолатда, муддатига тегишли бўлган тўлов шартларида тақдим қилинганда ёки ўрнатилган муддатда ёки белгиланган кундан кечикмасдан кўрсатилиши мумкин.

Иккинчи ҳолатда, экспорт қилувчи тўлов учун импорт қилувчига узоқ муддат бериши мумкин ва импорт қилувчи экспорт қилувчи томонидан унга қўйил-

ган ўтказма векселни акцептлашга қарши ҳужжатларни олиши мумкин.

Учинчи ҳолатга келганда, импорт қилувчи ҳужжатларни инкассо қилувчи банк воситасида унга аниқ бир муддатга ёки белгиланган даврга тўловни ёзма мажбурият билан бериш орқали ҳужжатларни олади.

Молиявий ҳужжатлар термини ўз ичига тўловни олишда ишлатиладиган ўтказма векселларни, оддий векселларни, чекларни, тўлов распискаларни ёки шунга ўхшаш ҳужжатларни олади.

Тижорат ҳужжатлари дейилганда эса ҳисобварақлар, товар жўнатиш ҳужжатлари ёки молиявий ҳужжат бўлиб ҳисобланмаган бошқа ҳужжатлар тушунилади.

Инкассо иккига бўлинади: **соф инкассо** (фақат молиявий ҳужжатлар бўлса) ва **ҳужжатлаштирилган инкассо** (тижорат ҳужжатлари билан бирга бўлган молиявий ҳужжатлар инкассоси).

Иштирок этувчи томонлар:

1) ўз банкига инкассо бўйича амалиётни топширувчи мижоз (доверитель — ишончнома эгаси);

2) банк-ремитент — ишончнома эгаси инкассо бўйича амалиётни топширган банк;

3) инкассо банки — инкассо топшириқномасини бажаришда иштирок этувчи ремитент-банк бўлмаган бошқа банк;

4) тақдим қилувчи банк — тўловчига топширувчи инкассо банки;

5) тўловчи инкассо топшириқномасига кўра унга топшириқ бериладиган шахс.

Ҳужжатлаштирилган инкассо шакли танлангандан сўнг халқаро ҳисоб-китоб бўйича экспорт қилувчига харидор томонидан тўлаолмаслик ёки акцептланмаслик хатаридан ҳимоя қилинишини таъминлаш зарур. Агарда сотувчи тижорат кредити шаклида маҳсулотни юборса, мазкур ҳолатда унга сарф-чиқимларни акцептланмаслик хавф-хатаридан суғурта қилиш ҳақида ўйлаши керак. Бу билан сотувчи харидор банкидан, ёки биринчи даражали банкдан харидор томонидан акцептланган сарф-чиқим тақдими бўйича тўлов кафолатлашини сўраши лозим. Ҳужжатларни расмийлаштириш даврида сотувчи ҳужжатлаштирилган инкассонинг қуйидаги элементларини ҳисобга олиши лозим.

— юк юбориш ҳисобварағи харидор маҳсулотига расмийлаштирилади;

— маҳсулот ҳуқуқий ҳисобварағи эгаси номига юборилади;

— харидор сарф-чиқим акцепти ёки ҳисобварағи тўловидан сўнг маҳсулотни олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг расмийлаштириш тамойилларининг бузилиши, халқаро ҳисобкитобларда муаммоларни келтириб чиқаради.

Тўғри расмийлаштирилган инкассо топшириқномаси турли хил келишмовчиликларнинг олдини олади, сабаби, ҳужжатларнинг шартнома шартлари билан тўғри келмаслиги мижознинг сарф-чиқим акцептидан ёки тўловдан воз кечишгача олиб келади. Натижада сотувчи қўшимча харажатлар қилишига тўғри келади.

Инкассо топшириқномасини расмийлаштиришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

— инкассо олинган банк реквизитлари, хусусан, унинг тўлиқ номи, манзили (почта ва СВИФТ), телекс, телеграф, факс рақами ҳамда изоҳлар рақами;

— ишончнома эгасининг реквизитлари — унинг тўлиқ номи, почта манзили ҳамда зарур ҳисобланганда телефон, телекс ва факс рақамлари;

— тўловчи реквизитлари — тўлиқ номи, почта манзили ва юридик манзили (у бўйича ҳужжат тақдим қилинади);

— тақдим қилувчи банк реквизитлари — тўлиқ номи, почта манзили;

— инкассо қилинадиган валюта қиймати;

— ҳар бир ҳужжат нусхалари ва илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати;

— олиннадиган тўлов ва акцептнинг шарти ва тартиби, шу билан бирга ҳужжатлар бериш шартлари (тўловга ва акцептга қарши);

— ставкани ва фоизлар ҳисоблаш даврини ҳисобга олган ҳолда олиниши лозим бўлган фоизлар;

— тўлов тури ва унинг хабар бериш шакли;

— тўлов тўланмаганда, акцептланмаганда ва бошқа йўриқномаларга тўғри келмаган ҳолатлардаги кўрсатма.

Инкассо топшириқномасида тўловчининг тўлиқ манзили кўрсатилиши лозим. Агарда манзил тўлиқ бўлмаса, унда инкассо қилувчи банк тўғри манзилни аниқлаши мумкин, лекин бу сафар ўзига ҳеч қандай мажбуриятни олмайди, банк инкассо қилувчи банк муддат учун жавоб бермайди.

Инкассо топшириқномасида тўловчи қачон ҳаракат қилиши учун аниқ бир вақт кўрсатилиши керак.

Ҳужжатлар қабул қилиб олинган шундай шаклда, улар тўловчига тақдим қилинади. Инкассо қилувчи банк ишончнома эгаси томонидан кўрсатилади, агарда кўрсатилмаган бўлса, унда банк-ремитент ўзи ёки банк танлови бўйича тўловни амалга ошириши зарур бўлган давлатда ёки бошқа шартлар бажариладиган давлатда бўлади. Инкассо қилувчи банк ҳужжатларни ва инкассо топшириқномасини банк-ремитентдан ёки бошқа банк орқали олади. Агарда тақдим қилувчи банк кўрсатилмаса, унда у инкассо қилувчи банк томонидан танланади. Тақдим қилувчи банк кечиктирмасдан, агарда тақдимотда кўрсатилган бўлса, ҳужжатларни тўловга тақдим қилиши лозим, агар бошқа муддат бўлса, тўлов муддати келмасдан акцепт ёки тўловга тақдим қилиниши лозим.

Шартнома тузилгандан сўнг харидор ўз банкига маҳсулот ҳужжатлаштирилган инкассо қўлланган ҳолда амалга оширилиши ҳақида маълумот беради. Хусусан, харидор банкка инкассо шартлари, ҳужжатлар турлари ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, у банкка унга маҳсулот келаётганлиги ҳақида маълумот бериши лозим. Ўз навбатида банк ўз миջозини маҳсулот келганлиги тўғрисида хабар беради.

Биринчи келишувдан то, битимнинг тўлиқ амалга оширилишигача сотувчи ва харидор ўртасида кўпгина алоҳида қадамлар зарур бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, бу жараёни уч босқичга ажратиш мумкин:

1. Инкассо шартлари бўйича келишув — экспорт қилувчи ўз таклифида, олди-сотди шартномасида тўлов шартларини харидор билан биргаликда ўрнатади;

2. Инкассо топшириқномасини топшириш ва ҳужжатларни тақдим қилиш;

3. Тўловчига ҳужжатларни тақдим қилиш. Инкассо қилувчи банк, харидорга ҳужжатлар келганлиги ва уларнинг сотиб олиш шартлари ҳақида хабар беради. Харидор унинг тўловни ёки акцептни қабул қилади ва унга ҳужжатларни топширади. Тўланган сумма инкассо бўйича банк-ремитентга ўтказилади, у эса ўз навбатида экспорт қилувчи суммасини кредитлайди.

“Ягоналашган қоидалар”га биноан, инкассо амалиётлари учун импорт қилувчи банки инкассо топшириқномасида кўрсатилган, маҳсулот бириктирилган

ҳужжатлари мавжудлигини текширади. Бундан ташқари, тўловчининг банки қуйидагиларни билиши лозим:

1. Экспорт қилувчи банкининг рухсатсиз, харидорнинг банкидан импорт тўловининг бир қисмини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

2. Импорт қилувчи банки тўлов бўлмаса ёки акцепт бўлмаса, бу ҳақида тезда хабар бериши лозим. Бу ҳақда хабар олган сотувчи банки, ҳужжатларни қайтиб бериш йўриқномасини беради. Агарда зарурий йўриқнома хабар берилган кундан бошлаб, 90 кун мобайнида олинмаса, у ҳолда харидор банки ҳужжатларни экспорт қилувчи банкига қайта юборишга мажбур бўлади.

3. Харидорнинг банки ҳисоб-китоб шартларига биноан, харидорга ўз вақтида ҳужжатлар берилишидан ташқари, ҳеч қандай мажбуриятни олмайди. Текширувдан сўнг банк импорт қилувчига унинг номига инкассо топшириқномаси қабул қилинганлиги ҳақида тезда хабар беради. Бу билан амалиётни бажариш бўйича банкнинг мажбурияти чегараланади. Импорт қилувчи банкига келган ҳужжатларни текширишнинг асосий жараёни маҳсулотни сотиб олувчи томонидан амалга оширилади.

Бунда ҳужжатлар мазмуни ва миқдори, шартнома шартларига тўғри келиши шарт. Бундан ташқари харидор:

- ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганини;
- барча ҳужжатлар берилганлигини;
- ҳужжатларда шартнома томонидан кўрсатилган талаблар ҳисобга олинганлигини;
- масъул шахслар томонидан барча ҳужжатлар имзоланганлигини;

- харидор номига счет-фактура, суғурта ҳужжатлари ва вексель расмийлаштирилганлигини текширади.

Ҳужжатларни текширишда харидор қуйидаги ҳисоб-китоб элементларига эътибор бериши лозим:

- ҳисобварақни тўлашдан аввал, ҳужжат мазмуни ва таркибини текшириш;

- экспорт қилувчи банкининг рухсатсиз харидорга сотувчи томонидан қўйилган ҳисобварақни тўловигача, маҳсулот ҳолатини текширишга рухсат берилмайди;

- агарда импорт қилувчи яхши ва барқарор мижоз бўлса, банк унга ишонч бўйича келган ҳужжатларни топшириши мумкин. Аммо бу банкдан ҳужжатларни



бажарилмаган ҳолатидаги зарари, ёки қайтиб келиши масъулиятидан воз кечилмайди.

*Ҳужжатлаштирилган инкассонинг турли шакллари мавжуд: тўловга қарши ҳужжатлар, сарф-чиқим акцептига қарши ҳужжат, хат-мажбуриятга қарши ҳужжатлар.*

**Ҳужжатлаштирилган инкассо** (тўловга қарши ҳужжатлар) — бу импорт қилувчи банки харидорга, у томонидан экспорт қилувчи ҳисобига тўловга қарши маҳсулот кузатиб борувчи ҳужжатларни топширилишидир. Мазкур шаклни танлашдан аввал ҳамкорлар маҳаллий қонунчиликни ҳисобга олишлари зарур. Сабаби, улар яхши бажарилишга тўсқинлик қилувчи муаммоларни келиб чиқиши мумкин. Мисол учун, мамлакат қонунчилиги тўловга қарши ҳужжатларни миллий валютада бериши мумкин ва миллий валютанинг конвертирланиши қаттиқ назорат остига олинган бўлиши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айрим харидорлар атайлаб ҳужжатларни олишга шошилишаётганлиги йўқ ва маҳсулот келгунча тўлов муддатини чўзишга ҳаракат қилишмоқда. Бундай ҳолатларда ҳисобкитоб шартларига зарур бўлган келишувларни киритиш лозим.

**Ҳужжатлаштирилган инкассо** (акцептга қарши ҳужжатлар) — бунда харидор банки, импорт қилувчига сарф-чиқимни, акцептига қарши ҳужжатларни жўнатишидир. Одатда, тўлов муддати 60 кундан 180 кунгача чўзилиши мумкин. Мазкур шакл харидор учун фойдали бўлиб ҳисобланади, сабаби у тўловни амалга оширгунча маҳсулот олади. Бу эса ўз навбатида, унга сарф-чиқимни тўловигача маҳсулот қайта сотиш имкониятини беради. Бунда сотувчи суммани ололмаслик хавфига ҳам дуч келади. Мазкур иш бўйича экспорт қилувчига сарф-чиқимни тўлаш учун биринчи даражали банк кафолатини талаб қилиш зарур бўлади.

**Халқаро савдода ҳужжатлаштирилган инкассо** (хат-мажбуриятга қарши ҳужжатлар) шакли жуда кам қўлланилади. Унинг асосий мазмуни шундан иборатки, ҳужжатлар харидорга у томондан хат-мажбуриятни олгандан сўнг топширилади. Хат мазмуни, унда экспорт қилувчи банки томонидан мажбуриятлар белгиланади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Хужжатлаштирилган инкассо қандай амалга оширилади?
2. Инкассо нима?
3. Инкассода қандай тўлов шартлари қўлланилади?
4. Қандай хужжатларга тижорат хужжатлари дейилади?
5. Инкассо топшириқномалари қай тартибда расмийлаштирилади?
6. Инкассо амалиётида “Ягоналашган қоидалар” деганда нима тушунилади?
7. Хужжатлаштирилган инкассонинг қандай шакллари бор?

### 7.3.ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИДА ИНКАССОДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Халқаро ҳисоб-китоблар билан банкларнинг кафолат амалиётлари, ҳисоб-китобларнинг алоҳида шакллари (инкассо, очиқ бўйича, аванс) билан чамбарчас боғлиқдир. Булар шартнома бўйича ўзларига олинган ташқи савдо ҳамкорларининг ўзаро мажбуриятларини бажаришда қўшимча таъминот ролини ўйнайди. Халқаро ҳисоб-китобларнинг тарихан қуйидаги ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган:

1. Импорт қилувчи ва экспорт қилувчилар, уларнинг банклари ташқи савдо шартномасидан алоҳида бўлган расмийлаштириш, юбориш, маҳсулот бириктирилган ва тўлов хужжатларни қайта ишлаш, тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларга киришишади. Улар ўртасида масъулиятларнинг тақсимланиши ва мажбуриятлар ҳажми ҳисоб-китобларнинг аниқ бир шаклига боғлиқ бўлади.

2. Халқаро ҳисоб-китоблар миллий қонунчилик меъёрий актлари, шу билан бирга халқаро банк қоидалари ва тамойиллари билан тартибга солинади.

3. Халқаро ҳисоб-китоблар — хўжалик алоқаларининг байналмилаллашуви, банк амалиётларининг универсаллашуви билан боғлиқ бўлган яхлитлаштиришнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Мисол учун, инкассо бўйича қоидалар 1936 йилда ишлаб чиқилган, 1967 ва 1978 йилларда (1979 йил 1 январидан кучга кирган) қайта ишланган. Жаҳоннинг кўпгина банклари мазкур қоидаларга қўшилганлиги ҳақида эълон қилишган.

4. Халқаро ҳисоб-китоблар, одатда ҳужжатлаштирилган тусга эга, яъни молиявий ва тижорат ҳужжатларга қарши амалга оширилади. Банк мазкур ҳужжатлар мазмуни ва тўлиқлигини текширади.

5. Халқаро тўловлар турли валюталарда амалга оширилади. Шу сабабли, улар валюта амалиётлари ҳамда валютанинг олди-сотдиси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу тўловларнинг самарали амалга оширилишига валюта курсларининг динамикаси таъсир қилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларининг танловига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- ташқи савдо битими объекти бўлган маҳсулот тури (машина ва ускуналарни жўнатиш, озиқ-овқатларда ҳисоб-китоблар шакли бир-биридан фарқ қилади); айрим маҳсулотларнинг жўнатилиши бўйича (ёғоч, дон) амалиёт билан ишлаб чиқилган анъанавий шакллар қўлланилади;

- кредит шартномасининг мавжудлиги;

- томонлар ўртасида келишув тусини белгилайдиган ташқи савдо битимлари бўйича контрагентларнинг тўловга қобилиятлилиги ва обрў-эътибори;

- жаҳон бозорида мазкур маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф даражаси.

**Олди-сотди шартномаси асосидаги экспорт битимлари.** Бундай битимлар 2 усулда амалга оширилади. Экспорт қилувчи бевосита, импорт қилувчига чет элга товар сотиши мумкин ёки чет элда маркетинг ташкилотини тузиб ва бизнесни дилер, агентлар, шахсий бўлимлари ва компаниялари орқали амалга ошириши мумкин.

Экспорт қилувчининг иккала шакли ҳам ўз афзалликларига эга. Биринчи шакли, товарлар экспорти ички савдога нисбатан иккинчи даражали аҳамиятда бўлса, ёки экспорт алоқалари унча аҳамиятга эга бўлмаса, яъни чет элда ташкилотнинг доимий ваколатхонасига зарурият йўқлигида қўллаш маъқулдир. Иккинчи шакли эса ўрта ва йирик корхоналарга тўғри келади ва экспорт савдоси эпизодик ҳаддан юқорироқ ҳолда ўз афзалликларга эга бўлган ҳолда маъқулдир. Бу икки шаклнинг кўп вариантлари мавжуд. Экспорт битимлари мунтазам равишда амалга оширилиши мумкин, лекин ташқи бозорга чиқишда ягона операция бўлиши ҳам мумкин.

Олди-сотди шартномаси асосида тузилган савдо ва

чет элдаги вакиллар орқали савдо экспорт савдосининг ягона йўли ва усуллари эмас, ҳақиқатда, улар бир-бирини тўлдириб туради, холос. Чет элда доимий вакили тайинлангандан сўнг экспорт қилувчи улар билан ёки улар орқали олди-сотди шартномасини тузиш билан экспорт битимларини амалга оширади. Масалан, Канадада ўз компаниясини ташкил этган ва Швециядаги импорт қилувчига алоҳида (рухсат) савдо ҳуқуқини берган экспорт қилувчи Канада компанияси ва швед импорт қилувчига сотиш орқали товарларни кўрсатилган мамлакатларга экспорт қилади.

Шартномаларда халқаро ҳисоб-китоблар шартлари ва шакллари белгиланиб олинади. Экспорт битими кўпинча халқаро товарлар олди-сотди шартномасига асосланган бўлади. Экспорт қилувчи Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчисидан товар сотиб олса, бу олди-сотди шартномаси **ички битим** бўлиб ҳисобланади, агар у товарларни қайта чет эл сотувчисига сотса, бундай олди-сотди шартномаси **экспорт битими** бўлиб ҳисобланади. Агар чет эл сотиб олувчиси, бевосита ёки агентлар орқали Ўзбекистон Республикасидан ишлаб чиқарувчига буюртма берса, бунда гап **экспорт битими** тўғрисида кетади.

Халқаро товарлар олди-сотди шартномаси қатор тавсифларни ўзига мужассамлантиради ва улар ички савдо шартномаларида иштирок этмайди. Улар бошқа шартномалар билан боғлиқ бўлади, яъни сув, темир йўл ва транспорт суғуртаси шартномалари.

Халқаро савдода қўлланиладиган ҳисоб-китоб шаклларида бири ҳужжатлаштирилган инкассо ҳисобланади.

**Ҳужжатлаштирилган инкассо** икки банк-вакиллик воситачилигида амалга оширилади: инкассо қилувчи экспорт қилувчи банки ва тўловчи банк. Банклар инкассо амалиётларида экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида ишончли воситачилар бўлиб хизмат қилдилар. Уларнинг мажбуриятлари ҳужжатларни тўловга ёки акцептга қарши юбориш, қабул қилиш ва топшириш билан чегараланади. Ҳужжатлаштирилган аккредитивдан фарқли ўлароқ, инкассода банклар харидор тўлаолмаганлиги ёки унинг ҳисоб-китобларини бажармаганлиги учун масъул эмасдирлар. Шу билан бирга, лиқда банк ўз ходимларининг суиистеъмоллигини ҳисобга олмаганда, хабарларнинг объектив сабабларга

кўра ушланиб қолиши ёки йўқолишига ҳам жавоб бермайдилар. Шунинг эса тутиш керакки, инкассо қарзларни инкассо қилиш эмас, аксинча, бу қоғозларни инкассо қилишдир. Банк экспорт қилувчига хорижий харидорга юборилган маҳсулот учун тўланишига етарли тарзда кафолат бермайди. Банк барча ҳужжатлар юборилганлиги ва тақдим қилинганлиги, тўланган пул маблағлари экспорт қилувчи ҳисобрақамига ўтказилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Шу сабабли, банклар молиявий ҳужжатлар инкассо қилинганлигини, уларнинг асосида ётган тижорат битимлари моҳиятига аралашмасдан текширувга жавоб беришлари лозим. Бошқа бир муҳим вазиятни эътиборга олган ҳолда инкассо ўзида ҳисоб-китоб усулини намойиш қилиб, унда:

а) ёки экспорт қилувчи хорижий мижоздан тўловни олиш учун кўрсатма беради;

б) ёки импорт қилувчи хорижий маҳсулот етказиб берувчига тўлаш мажбуриятини олади;

Инкассо нафақат импортга тегишли, у экспортга ҳам тегишли бўлиб, инкассо бўйича яхлитлашган қоидалар, иккала ҳолда ҳам ишлатилади. Ҳужжатлаштирилган инкассода банк ўзига сотувчи учун тегишли бўлган суммани олиш бўйича ҳужжатларни беришга қарши мажбуриятни олади.

Ҳужжатлаштирилган инкассо, қачонки, экспорт қилувчи очиқ ҳисобварақ бўйича маҳсулотни юборгиси келмаса ва шу билан бирга аккредитив ёрдамида рискнинг олдини оладиган суғуртага эга бўлмаса, тўловларни амалга ошириш лозим бўлади. Очиқ ҳисобварақ бўйича маҳсулот юборишга нисбатан, ҳужжатлаштирилган инкассо катта хавфсизликни таъминлайди, яъни у харидорни маҳсулот учун тўловни амалга оширмасдан ёки векселни акцептламасдан ўзига олиш ҳуқуқига тўсқинлик қилади. Бундай ҳолатда банклар тўловни амалга ошириш мажбуриятини олмайдилар. Лекин ҳужжатлаштирилган инкассо, сотувчини инкассо билан боғлиқ бўлган кўпгина маъмурий ишлардан озод қилади ва унга банклараро алоқадан фойдаланган ҳолда фойда олишни таъминлайди. Инкассо жуда кам расмий қатъийликни талаб қилганлиги сабабли, аккредитивга нисбатан кам харажат қиладиган хизмат тўлов шакли ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда инкассонинг

тўлиқ таърифини бериш мумкин. **Инкассо** — бу банклар томонидан олинган кўрсатмалар бўйича қуйидаги ҳужжатларни қайта ишлашдир:

а) акцептни олиш ёки агарда зарур бўлганда тўловни;

б) тижорат ҳужжатларини акцептга қарши ёки керак бўлганда тўловга қарши тақдим қилиш;

в) ҳужжатларни бошқа талаб ва шартлар асосида тақдим қилиш.

Молиявий ҳужжатлар термини ўз ичига тўловни олишда ишлатиладиган ўтказма векселларни, оддий векселларни, чекларни, тўлов ёзишмаларни ёки шунга ўхшаш ҳужжатларни олади.

**Тижорат ҳужжатлари** дейилганда ҳисобварақлар, товар ортиш ҳужжатлари ёки молиявий ҳужжат бўлиб ҳисобланмаган бошқа ҳужжатлар тушунилади.

Инкассо иккига бўлинади: соф инкассо (фақат молиявий ҳужжатлар бўлса) ва ҳужжатлар инкассо (тижорат ҳужжатлар билан бирга бўлган молиявий ҳужжатлар инкассоси).

Ҳужжатлаштирилган инкассода сотувчи маҳсулотни юборишгача бўлган вақтгача, харидор ҳақиқатан ҳам, тўловни амалга оширишига ишонч ҳосил қилмаслигини ҳисобга олсак, у қуйидаги ҳолларда тўловни амалга оширади:

- сотувчи билан яхши муносабатларга таянган ҳолда харидорни тўловга қобилиятлилигига ва тўловга тайёрлигига ишониши лозим. Бу ҳамкорнинг аниқ бир хизмат ва мажбуриятларни бажариши бошқа сабабларга кўра ишончсизлик ҳосил қилмайди;

- импорт қилувчи давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шартлари барқарор бўлиб ҳисобланади;

- харидор давлати импортга турли чегараларга (мисол учун, валютавий назорат) эга бўлмайди, сабаби у барча зарурий рухсатларни берган бўлади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларининг танловига қандай омиллар таъсир қилади?

2. Олди-сотди шартномаси асосидаги экспорт битимлари неча хил усулда амалга оширилади?

3. Ўзбекистон Республикасида ҳужжатлаштирилган инккасо қандай қўлланилади?
4. Ҳужжатлаштирилган инкассони амалга оширишда қайси ҳолатларда банклар тўловни амалга ошириш мажбуриятини олмайдилар?
5. Соф инкассо билан ҳужжатлар инкассосининг фарқи нимада?

#### **7.4. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ИНКАССОДАН ФЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМИ**

Сотувчи ва харидор ўртасида биринчи келишувдан тортиб, битимнинг бажарилишигача бўлган даврда кўпгина алоҳида ишлар зарур бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамадан урта даврни ажратиб олса бўлади:

##### **1 давр — инкассо шартлари ҳақида келишиб олиш**

Экспорт қилувчи ўз таклифида тўловнинг шартларини белгилайди ёки уларни олди-сотди шартномасида харидор билан аниқлаб олади.

##### **2 давр — инкассо топшириқномасини бериш ва ҳужжатларни тақдим қилиш**

Буюртма олингандан ёки олди-сотди шартномаси тузилгандан сўнг сотувчи буюртма қилинган маҳсулотни бевосита харидор манзилига ёки инкассо қилувчи банк манзилига ортади. Бир вақтнинг ўзида у барча зарурий ҳужжатларни (фактура, коносамент, суғурта сертификати, маҳсулотни келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар) тайёрлайди ва уларни ўз банкига (банк ремитент) инкассо топшириқномаси билан биргаликда тақдим қилади. Ремитент банк инкассо қилувчи банкка зарурий кўрсатмалар билан ҳужжатларни юборади.

##### **3 давр — тўловчиға ҳужжатларни тақдим қилиш**

Инкассо қилувчи банк (тақдим қилувчи банк) ҳужжатлар келганлиги ҳамда уларни сотиб олиш шартлири ҳақида харидорни хабардор қилади. Харидор унинг тўловини ёки акцептини қабул қилади ва банкка ҳужжатларни беради. Инкассо бўйича тўланган сумма банк томонидан ремитент банкка юборилади. Ремитент банк эса ўз навбатида экспорт қилувчи сечини кредитлайди.

##### *Иштирок этувчи томонлар:*

Агарда, тўлов ҳужжатлаштирилган инкассо шаклида амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда тўрт томон иштирок этади:

- экспорт қилувчи;
- ремитент банк;
- тақдим қилувчи банк (инкассо қилувчи банк: инкассо қилувчи банк — бу банк ремитентдан ташқари инкассо топшириқномасини бажаришда иштирок этувчи хоҳлаган банк. Тақдим қилувчи банк — бу тўловчига ҳужжатларни тақдим қилувчи инкассо қилувчи банкдир;
- импорт қилувчи.

*Ҳужжатлаштирилган инкассонинг ҳуқуқий асослари.* Ҳужжатлаштирилган инкассо, Швейцария банклари 1979 йил 1 январидан бери амал қилиб келаётган “Инкассо бўйича ягоналашган қоидалар”га таянадилар (Парижда Халқаро савдо палатаси томонидан қабул қилинган).

Мазкур қоидаларнинг ҳуқуқий асослари аккредитив ҳуқуқий асосларидек, ҳали тўлиқ ҳажмда қабул қилинмаган. Шунга қарамасдан кўпгина давлатларнинг банк иттифоқлари инкассонинг ягона қоидаларини қабул қилишган. Топшириқнома формулярида белгиланган белгига кўра, улар мижоз (ишончнома эгаси) ва банк ўртасидаги шартноманинг таркибий қисмига айланади.

Мазкур қоидалар, банкларнинг асосий қоидалари ва инкассо топшириқномасини ўзига қабул қилган мажбуриятларини тартибга солади. Мисол учун, топшириқнома тўғрисидаги Швейцария мажбурий ҳуқуқларининг 394-моддасига кўра, ремитент банки мижозининг кўрсатмалари инкассо қилувчи банкка берилиши бўйича мажбуриятларни ўзига олади. У бўладиган хатолар учун мажбуриятни ўз бўйнига олмайди. Банклар ўзига тўлов мажбуриятларини олмайдилар ва форс-мажор шароитига хабар ёки ҳужжатлар берилиши вақтида кечикиш ёки йўқотиш бўлган ҳолатларда жавоб бермайдилар.

**Инкассо шартлари бўйича келишиб олиш.** Импорт қилувчи экспорт қилувчи корхонасидан аниқ бир маҳсулот таклифи тўғрисида сўрайди.

Сотувчи таклифида ва олди-сотди шартномасида тўлов шартлари ўрнатилади, мисол учун, “нақд пул тўловига қарши ҳужжатлар”, “акцептга қарши ҳужжатлар” (тақдим қилингандан сўнг 60 кун мобайнида).

Олди-сотди шартномасида ва таклифида тўлов



тўғрисидаги келишув қуйидаги инкассо турларидан бирига тааллуқлидир:

1) Тўловга қарши ҳужжатларни тақдим қилиш (documents against payment, D/P).

Тақдим қилувчи банк тўловчига фақат ўз вақтидаги тўловга қарши ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин. «Тезда» халқаро қоидага кўра «энг узоқдан маҳсулот келганида» деган маънони англатади. Агарда сотувчи ўз маблағларини кўп кутишни хоҳламаса, у инкассо топшириқномасида ҳужжатлар тақдим қилиниши билан тўлов амалга оширилишини талаб қилиши мумкин. Аммо олди-сотди шартномаси ҳамда тўлов ўз ичига, инкассо қилувчи банкка ҳужжатлар келганидан сўнг тезда улар тўловчига тақдим қилиниши лозимлиги тўғрисидаги низомда айтиб ўтилиши лозим.

Тўлов муддатига тегишли бўлган тўлов шартларида, тақдим қилинганда ёки ўрнатилган муддатда, ёки белгиланган кундан кечикмасдан кўрсатилиши мумкин.

2) Акцептга қарши ҳужжатларни тақдим этиш.

Тақдим қилувчи банк тўловчига 30-180 кун мобайнида, тақдим қилингандан сўнг тўлов амалга оширилиши лозим бўлган сарф-чиқимни ёки аниқ бир муддатга амалга оширилиши лозим бўлган сарф-чиқимни акцептлашга қарши ҳужжатларни тақдим қилади. Тақдим қилувчига акцептланадиган векселларни, квитанцияга қарши нақд пул тўлови билан тенглаштириш мумкин. Шундай қилиб, трассат тўлов амалга оширилгач, маҳсулот эгасига айланади, у тезда маҳсулотни сотиб юбориши мумкин ва бу билан вексель тўлови учун зарур бўлган суммани олиши мумкин. Бунда акцепт унга тўлов муддатини белгилайди ва омбордаги захираларни қисқа муддатли кредитлашдан ҳимоя қилади.

Сотувчи учун маҳсулотни бергандан сўнг таъминот сифатида трассат акцепти ҳисобланади. Шундай қилиб, вексель бўйича тўлов муддати давригача у тўлов амалга оширилмаслиги хавф-хатарига дуч келади. Аммо у, акцепт инкассо қилувчи банк ёки бошқа биринчи даражали банкнинг қўшимча авали билан таъминлашини талаб қилиши мумкин. **Аваль** — бу вексель бўйича кафолатномадир, у векселнинг олди томонидаги имзо билан ёки аваль ҳақида вексель айланмаси қисмида аниқ бир белги билан берилади. Бу билан сотувчига

тўлов амалга оширилишига кафолати ёки унинг ўртача муддатга амал қилишини ҳисобга олган ҳолда векселни форфетлаш ёки бўнак олиш имконияти ошади.

Иккинчи ҳолатда, экспорт қилувчи тўлов учун импорт қилувчига узоқ муддат бериши мумкин ва импорт қилувчи экспорт қилувчи томонидан унга қўйилган ўтказма векселни акцептлашга қарши ҳужжатларни олиши мумкин.

3)Тўловга қарши ҳужжатлар билан бирга акцептни тақдим қилиш.

Мазкур учинчи тур инкассо амалиётдан кўра кўпроқ махсус адабиётларда учрайди. Асосан Узоқ Шарқ давлатларидан келадиган бундай инкассо топшириқномаларида сотувчи трассат ҳужжатларни тақдим қилиниши билан векселни акцептлашни талаб қилади. Мисол учун, тақдим қилингандан 60 кундан сўнг тўловни амалга ошириш муддати билан бўлади. Аммо ҳужжатлар вексель тўловини амалга оширигандан кейин харидорга тақдим қилиниши мумкин. Бу пайтгача маҳсулот сақланиб туриши лозим, ушбу ҳолатда импорт қилувчи ҳужжатларни инкассо қилувчи банк воситасида унга аниқ бир муддатга ёки белгиланган тўловни ёзма мажбурият билан бериш орқали ҳужжатларни олади.

**Инкассо топшириқномаси берилиши ва ҳужжатлар тақдим қилиниши.** Маҳсулот учун буюртма олингандан ёки олди-сотди шартномаси тузилгандан сотувчи маҳсулотни юбориши мумкин. Керакли тарзда счет-фактура, юк ҳужжатлари, суғурта ва бошқа ҳужжатлар тақдим қилинади.

Сотувчи учун бу банкка инкассо топшириқномасини бериш учун асос бўлади. Унда сотувчи тўлиқ ва тушунарли тарзда кўрсатмаларни бериши лозим, сабаби ремитент банки инкассо қилувчи банк сингари амалиётни ўтказиш вақтида фақат инкассо топшириқномасига таянилади. Қийинчилик юз берган ҳолда банк буйруқ берувчи кўрсатмаларни бериши лозим.

**Инкассо топшириқномаси.** Экспорт қилувчига инкассо топшириқномасини беришни енгиллаштириш учун Кредит Свисс махсус топшириқнома формуляр—ҳужжатлаштирилган римессани ишлаб чиқди:

Инкассо топшириқномасини расмийлаштиришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

— инкассо олинган банк реквизитлари, хусусан,

унинг тўлиқ номи, манзили (почта ва СВИФТ), телекс, телеграф, факс рақами ҳамда изоҳлар рақами;

— миждоз реквизитлари — унинг тўлиқ номи, почта манзили ҳамда зарурият туғилганда телефон, телекс ва факс рақамлари;

— тўловчи реквизитлари — тўлиқ номи, почта манзили ва юридик манзили (у бўйича ҳужжат тақдим қилинади);

— тақдим қилувчи банк реквизитлари — тўлиқ номи, почта манзили;

— инкассо қилинадиган валюта қиймати;

— ҳар бир ҳужжат нусхалари ва илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати;

— қандай шарт ва тартибда олиннадиган тўлов ва акцепт, шу билан бирга ҳужжатлар бериш шартлари (тўловга ва акцептга қарши);

— ставкани ва фоизлар ҳисоблаш даврини ҳисобга олган ҳолда олиниши лозим бўлган фоизлар;

— тўлов тури ва унинг хабар бериш шакли;

— тўламаганда, акцептланмаганда ва бошқа йўриқномаларга тўғри келмаган ҳолатлар бўйича кўрсатмалар.

**Тўловчининг манзили.** Инкассони аниқ бажариш мақсадида тўловчининг тўлиқ ва аниқ манзили кўрсатилиши лозим. Мазкур моддадаги хатолик, катта муаммоларни келтириб чиқаради (“Қоида”нинг 8-моддаси).

**Ҳужжатларни тақдим қилиш усуллари.** Банк эҳтиёткорликдан келиб чиққан ҳолда тўловчига тўловга қарши инкассо учун тақдим қилинган ҳужжатларни, бошқа ҳеч қандай кўрсатмалар берилмаган ҳолда бериши мумкин. Акцептга қарши ҳужжатлар (documents against acceptance D/A) инкассо топшириқномасида аниқ кўрсатилган ҳолатда тақдим қилинади. Агарда шундай бўлса, тақдим қилувчи банк вексель тўлиқ ва расмий аниқ акцептга эга бўлишлигини назорат қилиши лозим. Банк имзолар тўғрилиги, ёзувлардаги ўзгартиришлар ёки трассатни тўловга қобилиятлилиги учун масъул бўлмайди.

**Ҳужжатлар.** Ҳужжатлар тури ва миқдори импорт қилувчи давлатдаги буйруқлар билан белгиланади. Агарда бундай маълумотлар буюртма ёки олди-сотди шартномасида мавжуд бўлмаса, у ҳолда экспорт қилувчи импорт қилувчи давлатида консуллик ваколатхонаси-

дан маълумот олишга ҳаракат қилади. Агарда зарур ҳужжат мавжуд бўлмаса, харидор яхшилаб синчиклаб текширгандан сўнг ҳужжатларни қабул қилиши (ёки тўлаши) мумкин ёки буни қилмаслиги мумкин. Барча ҳужжатларда рақам ва белгилар бир хил бўлиши, товар ўралиши ва сақланиши халқаро андозаларга тўғри келиши керак.

Маҳсулотларни ҳаво транспорти, почта, темир йўллари ёки автомобиль транспорти орқали юборишда, бевосита тўловчи манзилига, у инкассо ҳужжатларини тўлаганлигига ёки тўламаганлигига қарамасдан юборилади. Шу сабабли, экспорт қилувчи маҳсулотларни тақдим қилувчи банкка ёки бошқа инкассо қилувчи банккага жўнатиши мумкин. Албатта бу ҳолда мазкур банкнинг олдиндан розилигини олиш лозим.

Агарда инкассо қилувчи банк, маҳсулотни ўз манзилига юборишига розилик берса, у ҳолда тўловчи томонидан тўлов амалга оширилмаса, у ремитент банккага тезда хабар бериши зарур. Маҳсулотни оморга кўйиш, жўнатиш ва орқага жўнатиш экспорт қилувчининг ёки унинг вакилини белгиланган мамлакатдаги вазифаси бўлиб ҳисобланади. Айрим ҳолатларда инкассо қилувчи банк ёрдам беришга тайёр эканлигини билдириши мумкин. Юзага келадиган харажатларни экспорт қилувчи кўтаради.

**Банк манзили.** Агарда экспорт қилувчи тўловчи банкни билса ёки инкассо аниқ биргина томонидан амалга оширилишини зарур деб ҳисобласа, у ҳолда инкассо топшириқномасида у банкнинг тўлиқ манзили кўрсатилади. Агарда олдинги тажрибаларга ёки импорт қилувчи давлатдаги чегаралувчи низомларга суянган ҳолда ремитент банки, банк танловидан рози бўлмаса, у ҳолда экспорт қилувчи билан боғланиб, бошқа тўғри келадиган инкассо қилувчи банкни таклиф қилади.

**Вексель.** Харидорга тақдим қилинган ўтказма векселни, экспорт қилувчи ҳужжатларга илова қилади. Инкассо топшириқномасида кўрсатилган кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда инкассо қилувчи банки акцептланган векселни ремитент банккага экспорт қилувчи ҳисобига юборади ёки ўзига тўлов муддати келгунга қадар масъул сақлашга қолдиради. Акцептланган вексел тўловидан сўнг у инкассо бўйича суммани ремитент банккага ўтказиши ва ремитент банки экспорт қилувчи ҳисобварағини кредитлайди.

**Комиссияларни ва харажатларни олиш.** Агарда бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ремитент банки экспорт қилувчидан унга ва инкассо қилувчи банкига тегишли инкассо бўйича бўлган комиссия ва харажатларни олади. Экспорт қилувчи эса, ўз навбатида, бу маблағларни тўловчидан талаб қилади. Агарда тўловчи, тўловдан воз кечса, у ҳолда тақдим қилувчи банк ҳужжатларида инкассо бўйича комиссия ва харажатларни тўловидан сўнг берилиши керак деб, инкассо топшириқномасида кўрсатилишига қарамасдан, унга ҳужжатларни тақдим қилиши лозим.

**Учинчи шахс манзилини кўрсатиш.** Ишониб топширувчи шахс учинчи шахс сифатида белгиланган давлатда вакил ёки агентни кўрсатиши керак. Бу эса ўз навбатида, тўлов амалга оширилмаган ҳолатда маҳсулотни сақлаш, сотиш ёки орқага қайтариш бўйича шуғулланиши лозим. Шу билан биргаликда инкассо қилувчи банк, мазкур “учинчи шахс”дан қандай кўрсатмаларни олишни кўрсатиши керак (мисол учун, ҳужжатлар ва маҳсулотларни бошқариш ёки шартларни ўзгартириш).

**Муҳим изоҳлар.** “Муҳим изоҳлар” рубрикаси остида, ишониб топширувчи шахс, ўз банкига қуйидаги кўрсатмаларни бериши мумкин:

— агарда тўлов ёки акцепт амалга оширилмаса қаршилик билдириш шартми? Агарда ҳужжатлар тақдим қилинганда тўловчи тўловдан ёки акцептдан бош тортса, тақдим қилувчи банк ремитент банки орқали бу ҳақда ишониб топширувчи шахсни хабардор қилиши зарур.

— агарда акцептланган сарф-чиқим тўланмаган бўлса, қаршилик билдириш зарурми?

— тақдим қилувчи банк, тўловчига маҳсулотни текширишга рухсат бериши мумкинми?

— хорижий валюта амалиётида валюта курсини сугурта қилиш мақсадида, муддатли шартномани тузиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўловга киритиши шартми?

**Кредитланадиган ҳисобварақ.** Қандай тарзда инкассо тушуми, ишониб топширувчи шахсга тўланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма, тўловлар амалга оширилишини тезлаштиради ва келишмовчиликларнинг олдини олади. Агарда инкассо тушуми хорижий валютада келиб тушса, у ҳолда бенефициар учун хорижий

валютадаги ҳисобварақ устун бўлиб ҳисобланади. Унда унга тегишли бўлган сумма оригинал валютада кредитланади.

**Ҳужжатларни текшириш.** Ўз банкига инкассо топшириқномасини беришдан аввал, экспорт қилувчи ҳужжатлар тўлиқлиги ва тўғри тўлдирилишини текшириши лозим. Банк бу ишни амалга оширишга мажбур эмас, унинг вазифаси ҳужжатларни тақдим қилиш, шу билан бирга, инкассо топшириқномасини сифатли ва тўғри бажаришдир. Аммо банк топшириқномада келтирилган ҳужжатлар мавжудлигини текшириши лозим.

Экспорт қилувчи қўйидагиларга эътибор бериши лозим:

— харидор томонидан талаб қилинган ёки олдисотди шартномасида айтиб ўтилган барча ҳужжатлар мавжудми?

— импорт қилувчи мамлакат ҳужжатларининг тақдим қилинишида олдиндан ёзишмалар ҳисобга олинганми?

— барча ҳужжатлар керакли тарзда имзоланганми?

**Инкассо қилувчи банкка ҳужжатлар берилиши.** Ремитент банки, тўловчи мамлакати банкига зарур бўлган кўрсатмалар билан ҳужжатларни топширади. Кўп ҳолларда импорт қилувчи банки ҳужжатларни бевосита тўловчининг ўзига топширади. Айрим шароитларда у бошқа банкка ҳужжатларни тақдим қилади. Аввал айтиб ўтилганидек, тўловчига ҳужжатларни тақдим қилувчи, инкассо қилувчи банки — тақдим қилувчи банк ҳам деб аталади.

**Тўловчига ҳужжатлар тақдим қилиш ва тўлов.** Тақдим қилувчи банк, тўловчига унга ҳужжатлар келганлиги тўғрисида хабар беради. Хабарда авизо ва ҳужжатлар фотонусхаларида тўловчи унга юборилган маҳсулот ҳақидаги маълумотдан хабардор бўлади. Бундан ташқари, у авизодан банкдаги мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида маҳсулот олишни ва бож тўлаши мумкинлиги тўғрисида маълумотни кўриши мумкин.

**Харажатлар.** Ҳужжатлаштирилган инкассони амалга оширишда, хизмат учун компенсация сифатида тақдим қилувчи банк ва инкассо қилувчи банк комиссия ва устама харажатлар ҳисобланади. Энг асосий мавзу комиссиялар ҳақида қўйидагилар учун:

— акцепт ва тўловга қарши ҳужжатлар тақдим қилиш;

— акцептни тўлаш;

— банк ихтиёрига банк ва транспорт агентига жўнатилган юкланган маҳсулотни озод қилиш.

Инкассо амалга оширилишига қараб вексель муддати узайтирилганлиги учун, ҳужжатлар ҳақида қўшимча маълумотлар учун, ҳужжатлар қайтарилиши, қаршилик билдириш, почта йиғимлари ва бошқа харажатлар учун қўшимча устама харажатлар ва комиссияларни ҳисоблашлари мумкин.

Жуда кам миқдордаги харажатлар учун банк мижози яхши эквивалентни олади. Сабаби банк нафақат ўзининг тажрибали мутахассислари хизматини, ҳатто кенг вакиллик алоқаларини ҳам кўрсатади.

Юқорида инкассо топшириқномасида нималарга эътибор бериш хусусида маълумотлар баён қилиб ўтилди.

Инкассо шаклининг экспорт қилувчи ва импорт қилувчиларга фойдали жиҳатлари ва мавжуд камчиликларини ўрганиш зарур.

Экспорт қилувчилар учун мазкур шакл сезиларли равишда камчиликларга эга. *Биринчидан*, экспорт қилувчи импорт қилувчининг тўловдан бош тортиши хавфхатарига дуч келиши мумкин. Бу эса тўловчининг молиявий шароити ва бозор конъюнктурасининг ёмонлашуви сабабли бўлиши мумкин. Шу сабабли, инкассо шаклининг шарти, экспорт қилувчининг импорт қилувчига бўлган ишончи ва унинг виждонлигига боғлиқ бўлади. *Иккинчидан*, инкассо бўйича валюта тушуми келиб тушиши ва маҳсулот юборилиши ўртасидаги вақтда жуда катта тафовут мавжуд. Бу асосан юкни узоқ вақт ташиш билан боғлиқ. Инкассонинг мазкур камчиликларини бартараф қилишда амалиётда қуйидаги шартлар қўлланилади:

1) Импорт қилувчи экспорт қилувчи банки телеграммасининг инкассога маҳсулот ҳужжатларини қабул қилиш ва юборишига қарши тўловни амалга оширади;

2) Импорт қилувчи топшириғига кўра банк экспорт қилувчи ҳисобига тўлов кафолатини беради. Ўз навбатида экспорт қилувчи олдида импорт қилувчи томонидан тўлов амалга оширилмаса, инкассо суммасини тўлаш мажбуриятини олади. Одатда, тўловнинг қўшимча гарантияси тижорат кредити бўйича қўлланилади. Сабаби тўлов муддатининг кечиктирилиши, тўловчи молиявий шароитида ўзгаришлар билан боғ-

лиқ бўлган импорт қилувчи томонидан тўлаолмаслик riskини келтириб чиқаради. Баъзан, импорт қилувчи банки векселни аваль қилади. Аваль қилувчи банк векселнинг олди томонига имзо чекиб, ким учун тўлов кафолати берилганлигини айтиб ўтган ҳолда ўзига тўлов учун мажбуриятни қабул қилади. Бўлмаса аваль ўтказма вексель берувчисига берилган деб ҳисобланади.

3) Экспорт қилувчи банк кредитига жамланмаган захираларни қоплашда муурожаат этади.

Шу билан биргаликда, инкассо шакли импорт қилувчига маълум бир имтиёзларни беради. Импорт қилувчининг асосий мажбурияти, унга маҳсулотга эгалик қилувчи ҳуқуқини берувчи, маҳсулот ҳужжатларига қарши тўловни амалга оширишидир. Бу ҳолатда олдиндан ўз айланмасидан маблағларни жалб қилишга эҳтиёж бўлмайди. Аммо экспорт қилувчи импорт қилувчи томонидан тўловни амалга оширгунча, агарда маҳсулотни тезда олиш учун коносамент оригиналлари билан бирини харидорга бевосита юбориш амалиёти қўлланилмайдиган бўлса, маҳсулотга эгалик қилувчи юридик ҳуқуққа эга бўлишни давом эттираверади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳужжатлаштирилган инкассо экспорт қилувчига мавжуд хавф-хатарлардан ҳисоб-китоб очиқ счет шаклига нисбатан кўпроқ, бироқ аккредитивга нисбатан камроқ суғурталайди.

Ҳужжатлаштирилган инкассо импорт амалиётларида кенг тараққий этган бўлиб, асосан импорт қилувчини бошқа шаклларга нисбатан ўзининг айрим устунликлари билан ўзига жалб қилади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблар шаклини амалга ошириш, унинг турли шакл ва турлари билан амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуқ қоидаларининг йиғиндиси бўлган инкассо бўйича яхлитлашган қоидалар халқаро иқтисодий муносабатларда халқаро ҳисоб-китоблар шаклларини тартибга солади. Улар меъёрий тусга эга бўлмасада, халқаро банк амалиётида кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ички қонунчилиги, халқаро ҳисоб-китобларда ўзбекистонлик иштирокчиларнинг турли тўловларни амалга ошириш ҳуқуқларини, шу билан бирга, рухсатномалар олган ҳолатларда тартиб ва шартларини белгилайди. Бундан ташқари, қонунчилик халқаро ҳисоб-китобларга тегишли бўлмаган,



айрим амалиётлар бажарилиш қоидаларини ҳам ўз ичига олади.

Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларида Ўзбекистон Республикасида ҳужжатлаштирилган инкассо шакли унча кенг тарқалмаган шакллардан биридир. Сабаби, хўжалик юритувчи субъектларда, шу билан бирга тижорат банклари амалиётида халқаро иқтисодий муносабатлар ва ҳисоб-китобларда муаммолар мавжуд. Мазкур муаммолардан бири Ўзбекистонда миллий валюта ва валюта муносабатларининг ҳозирги ҳолатидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, республикада иқтисодий ислохотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири — экспорт салоҳиятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустақкам мавқеини эгаллашдир. Экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлини танлаган корхоналарга хом ашё билан таъминланишларида уларни инвестициялар билан таъминлаш, имтиёзли кредитлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Корхоналар жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг кўламда авж олдиришлари учун рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиришимиз зарур. Бунинг учун қатъий молия-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Инкассодан фойдаланиш механизми нечта даврга бўлинади?
2. Ҳужжатлаштирилган инкассода қимлар иштирок этади?
3. Ҳужжатлаштирилган инкассони амалга ошириш қандай ҳуқуқий меъёрларга асосланади?
4. Тўловга қарши ҳужжатларни тақдим этиш деганда нима тушунилади?
5. Акцептга қарши ҳужжатларни тақдим этиш қандай амалга оширилади?
6. Тўловга қарши ҳужжатлар билан бирга акцептни тақдим қилиш инкассонинг бошқа турларидан нимаси билан фарқланади?
7. Инкассода қўлланиладиган ҳужжатлар қим томонидан белгиланади?

8. Инкассода учинчи шахс манзилини кўрсатиш нима учун керак?

9. “Муҳим изоҳлар” рубрикасида нималар акс эттирилади?

10. Ҳисоб-китобларда инкассо шаклининг экспорт қилувчи ва импорт қилувчиларга бўлган ютуқ ва камчиликларини кўрсатинг.

### 7.5.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНКАССОДАН ФЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдодаги экспорт кўрсаткичлари 2000 йил 1 январь ҳолатига қуйидаги тарзда бўлди(6-жадвал).

6-жадвал

(минг АҚШ долларарида)

Кўрсаткичлар номи	2000 йил январ	Ум. эксп. фоизда	1999 йил январ	Ум.эксп. фоизда
Озиқ-овқат маҳсулотлари	8551,9	5,36	7038,9	3,5
Алкогол ва ноалкогол ичимликлар	684,9	0,4	307,3	0,2
Тамаки ва унинг ўриндошлари	1688,7	1,1	484,8	0,2
Кимёвий маҳсулотлар	1514,8	1,0	2408,3	1,2
Энергия	21454,2	14,0	31746,6	16,0
Фармацевтика маҳсулотлари	229,9	0,1	2677,0	1,3
Минерал ўғитлар	586,0	0,4	23587,2	11,9
Парфюмер-косметика ва ювувчи воситалар	84,6	0,1	2201,6	1,1
Пластмассалар ва унинг маҳсулотлари	241,6	0,2	1157,7	0,6
Каучук и резина маҳсулотлари	30,2	0,0	328,8	0,2
Тўқимачилик ва унинг маҳсулотлари	61252,0	39,9	1524523,6	768,7

Пахта шу жумладан,	49859,0	32,5	1467440,0	739,9
Ипак пахта	46636,7	30,4	1360957,4	686,2
Пойабзал	12,1	0,0	2367,4	1,2
Қора металл ва унинг маҳсулотлари	1293,3	0,8	9905,4	5,0
Рангли металл ва унинг маҳсулотлари	13371,1	8,7	170824,8	86,1
Ускуналар ва уларнинг қисмлари	1045,3	0,7	13843,4	7,0
Электр машиналар ва ускуналар	897,2	0,6	47540,5	24,0
Транспорт воситалари	1197,4	0,8	85161,5	42,9
Бошқалар	18800,8	12,3	920950,6	464,3
шу жумладан, Турли тайёр маҳсулотлар	115,6	0,1	776278,8	391,4
Хизматлар	20236,3	13,2	310117,8	156,4
Умумий экспорт	153415,9	100	198337,0	1589

Агарда кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, асосий экспорт маҳсулотлари тўқимачилик маҳсулотлари (61252 минг АҚШ доллари, жумладан, пахта (49859 минг АҚШ доллари) ҳам қиради), электр энергия (21454,2 минг АҚШ доллари) ҳамда рангли металлар (13371,1 минг АҚШ доллари)дан иборат бўлиб, ўтган йилга нисбатан тўқимачилик маҳсулотлари (ўтган йилги кўрсаткич (ў.й.)— 1524523,6 минг АҚШ доллари), электр энергия (ў.й. 31746,6 минг АҚШ доллари), рангли металлар (ў.й. 170824,8 минг АҚШ доллари) салмоғи экспортда камайган. Шу билан биргаликда, озиқ-овқат (ў.й. 7038,9 минг АҚШ доллари бўлган бўлса, жорий йилда 8551,9 минг АҚШ долларини ташкил этган, яъни 21,5 фоизга ўсган), тамаки маҳсулотлари (484,8 минг АҚШ доллари — 1688,7 минг АҚШ доллари, яъни 248,3 фоизга ўсган) маҳсулотлари салмоғи ошган. Лекин мазкур маҳсулотларнинг улуши экспорт салмоғида жуда кам. Бунга асосий сабаб, ҳамон пахта каби хом ашё маҳсулотлари ҳамда электр энергия экспорти кўплигидадир. Ўтган йилга нисбатан, экспорт салмоғи анча пасайган (ў.й. 198337 минг АҚШ долла-

рини ташкил этган бўлса, жорий йили атиги 153415,9 минг АҚШ долларини ташкил этган, яъни 22,6 фоизга экспорт камайган).

6-жадвалдан кўриш мумкинки, 2000 йилда деярли барча маҳсулотлар экспорти 1999 йилга нисбатан камайган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва корхоналари амалиётида экспортни кредитлаш шаклларида бири бўлмиш чақириб олинмайдиган аккредитив билан бир қаторда инкассодан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Бу шакл экспорт қилувчига ўз вақтида маҳсулот учун тўловнинг келиши ва импорт қилувчи томонидан маҳсулот ҳужжатларини сотиб олмаслик рискин минимумга олиб келиш кафолатини таъминлайди. Сабаби мазкур аккредитивни муддати ўтгунча бекор қилиб бўлмайди, шартларини эса бенефициар рухсатсиз ўзгартириб бўлмайди. Чақириб олинмайдиган аккредитивга келсак, унда у мижоз кўрсатмасига биноан, хоҳлаган вақтда ўзгартирилиб ёки бекор қилиниши сабабли ташқи савдо амалиётида умуман қўлланилмаяпти. Аммо инкассодан фойдаланишда тижорат банклари айрим қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бунинг асосий сабаблардан бири — мамлакат валюта бозорининг тўлиқ эркинлашмаганлигидир.

Мамлакатимизда импорт қилувчилар асосан акцептга қарши ҳужжатларни тақдим қилиш (documents against acceptance, D/A) туридан кўпроқ фойдаланишади.

Бунда тақдим қилувчи банк тўловчига 30-180 кун мобайнида тақдим қилингандан сўнг тўлов амалга оширилиши лозим бўлган сарф-чиқимни ёки аниқ бир муддатга амалга оширилиши лозим бўлган сарф-чиқимни акцептлашга қарши ҳужжатларни тақдим қилади. Тақдим қилувчига акцептланадиган векселларни квитанцияга қарши нақд пул тўлови билан тенглаштириш мумкин. Шундай қилиб, трассат тўлов амалга оширилгунча маҳсулот эгасига айланади, у тезда маҳсулотни сотиб юбориши ва бу билан вексель тўлови учун зарур бўлган суммани олиши мумкин. Бунда акцепт унга тўлов муддатини белгилайди ва омбордаги захираларни қисқа муддатли кредитлашдан ҳимоя қилади.

Сотувчи учун маҳсулотни бергандан сўнг таъминот сифатида трассат акцепти ҳисобланади. Шундай қилиб, вексель бўйича тўлов муддати давригача у тўлов амалга

оширилмаслиги рискига дуч келади. Аммо у акцепт инкассо қилувчи банк ёки бошқа биринчи даражали банкнинг қўшимча авали билан таъминлашини талаб қилиши мумкин. Иккинчи ҳолатда экспорт қилувчи тўлов учун импорт қилувчига узоқ муддат бериши мумкин ва импорт қилувчи экспорт қилувчи томонидан унга қўйилган ўтказма векселни акцептлашга қарши ҳужжатларни олиши мумкин.

7-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси 1999 йилда континентлар бўйича ташқи савдосининг тақсимланиши**

Кўрсаткич-лар	Товар айлан-маси	Шу жумладан		Қолдиқ	Жамига нисбатан фоизда	1998 йил-га нисба-тан 1999 йил товар айлан-маси
		Экспорт	Импорт			
Жами	3919,7	2067,2	1852,5	214,7	100	76,8
шу ж-дан:						
Европа	2606,5	1530,9	1075,6	455,3	66,5	85,6
Осиё	1080,9	473,6	607,3	— 133,7	27,6	60,4
Африка	1,9	0,1	1,8	— 1,7	0,1	21,8
Америка	220,9	56	164,9	— 108,9	5,6	84,3
Австралия ва Океания	9,5	6,6	2,9	3,7	0,2	2,5 марта

Ўзбекистонда экспорт қилувчилари томонидан инкассо шакли ҳозирча қўлланилмаяпти. Сабаби республикада мавжуд бўлган қонунчиликдаги халқаро ҳисоб-китобларда маҳсулотни юбормасдан аввал аванс тўловини олиш, аккредитив очиш ёки кафолат шакли қўлланилиши, муддати ўтган дебитор қарздорлик муаммоси (маҳсулот кетгандан сўнг 60 кун муҳлат ичида тўлов амалга ошириши шарт) инкассони халқаро андозалар даражасида қўлланилишига тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашуви жараёни ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муносабатлари ўсиши билан белгиланмоқда.

Бу ҳодиса ташқи савдо, хорижий инвестиция оқими, қўшма корхоналар тузиш бўйича имзоланган келишувлар динамикасида яққол кўринмоқда.

Бундан ташқари, хорижий банклар бўлган УзДЭУ-банк, АБН Амробанк, Узприватбанк ва Ўтбанклар инкассо шаклидан импорт қилувчилар учун фаол иштирок этмоқдалар.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасининг экспорт кўрсаткичларининг таркиби қандай?
2. Ўзбекистон Республикасида экспортни кредитлашнинг қандай шакллари қўлланилмоқда?
3. Мамлакатимизда импорт қилувчилар томонидан қўлланиладиган акцептга қарши ҳужжатларни тақдим қилиш (documents against acceptance, D/A) қандай амалга оширилади?
4. Аваль нима?
5. Ўзбекистон Республикаси банкларининг инкассо шаклидан фойдаланишни ривожлантиришнинг қандай имкониятлари мавжуд?

### СВИФТ

**СВИФТ** — бу, халқаро битимлар учун муҳим коммуникация тармоғи. СВИФТ — хусусий нотижорат корпорацияси бўлиб, унинг бошқарув органи Бельгиянинг Брюссель шаҳрида жойлашган. СВИФТнинг 2000 га яқин аъзоси бўлиб, уларнинг кўпчилиги — банк муассасаларидир. Маълумотларни узатиш марказлари Нидерландияда ҳамда Калпере (Виржиния)да жойлашган. Фаолият юритувчи марказлар халқаро ахборот узатиш линиялари орқали маълумотларни қайта ишловчи СВИФТ аъзолари жойлашган ҳудудий-процессорлари билан боғланган. СВИФТ хорижий валюта бозоридаги битимлар, тўловларни тасдиқлаш ва қимматбаҳо қоғозлар, халқаро савдо ҳужжатлари ва бошқа молиявий ахборотлар тўғрисидаги маълумотларни узатиш бўйича чегараланмаган имкониятларга эга. СВИФТ — бу, ахборотларни халқаро узатишда энг кўп қўлланиладиган тизим. Аммо бир қанча муқобил тизимлар ҳам мавжуд. Масалан, Британиянинг Рейтер компанияси. Унинг хизматлари молиявий бозордаги жорий ахборотлар билан таъминлайди ва ҳамкорлар ўртасидаги фаолиятни мувофиқлаштиради.

СВИФТ ҳар кунлик валюта ҳисоб-китоблари ва клиринг тизими билан яқин алоқада. Масалан, СВИФТ хизмат кўрсатадиган 140 та Нью-Йорк банклари, валюта ва евро-доллар битимлари билан ҳисоб-китобларни банклараро клиринг ҳисоб-китоб (БКХ) электрон тизими орқали амалга оширади. Валюта битимлари бўйича ҳисоб-китоблар сони ва қиймати бўйича БКХлар кўрсатадиган хизматларнинг ярмидан ортиғини ташкил этади. БКХ Нью-Йорк клиринг палатаси Ассоциациялари (New York Clearing House Association) ва Нью-Йорк федерал захира банки (Federal Reserve Bank of New York) томонидан бошқарилади.

## VIII БОБ

### ХАЛҚАРО КРЕДИТ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

#### 8.1. ХАЛҚАРО КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА КРЕДИТЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Халқаро кредит** ссуда капиталининг жаҳон айлан-масидаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни уч шарт асосида, яъни:

- қайтариб беришлилик;
- муддатлилик;
- фоиз тўлашлик асосида бериш натижасида юзага келади.

Халқаро кредит муносабатларининг **субъектлари** сифатида тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, ҳудудий ва халқаро молия-кредит ташкилотлари қатнашади.

Халқаро кредитнинг юзага келишига сабаб бўлиб, ишлаб чиқаришни миллий доира даражасидан ошиши, хўжалик алоқаларининг байналмилаллашув жараёнининг тезлашиши, халқаро капиталларнинг умумлашуви ҳамда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши ва кооперациялашувининг натижаси ҳисобланади.

**Халқаро кредит тамойиллари.** Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш қўйидаги тамойилларга асосланади:

1. Қайтариб беришлилик: агар олинган маблағлар қайтарилмаса, пул капиталини қайтариб бермаслик шакли намоён бўлади, яъни молиялаштириш юзага келади;

2. Муддатлилик, яъни кредит шартномасида кўрсатилган муддатда кредит қайтарилишини таъминлаш;

3. Таъминланганлик, яъни олинган кредитни тўлашни кафолатланганлиги;

4. Мақсадлилик, яъни ссудани аниқ объектларга йўналтиришни кўзлаш, ва уни биринчи навбатда, кредитор давлатнинг экспортини рағбатлантириш учун қўллаш.

5. Фоиз тўлашлик.

**Халқаро кредитнинг функциялари.** Халқаро кредит халқаро иқтисодий алоқаларда ссуда капиталлари ҳара-



катини ўзига хос хусусиятини намоён этиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, истёмолни таъминлаш учун ссуда капиталларини мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлаш. Ссуда капиталлари халқаро кредит механизми орқали фойдаси кўпроқ, даромадлироқ бўлган тармоқларга интиладилар. Шу орқали кредит миллий даромаднинг ўртача даромадга тенглашишига имкониятни юзага келтиради ва унинг массаси ошишига олиб келади.

2. Ҳақиқий пулларни кредит пулларга алмаштириш, нақдсиз тўловларни ривожлантириш ва тезлаштириш ҳамда нақд валюта айланмасини халқаро кредит операциялари билан алмаштиришлар орқали халқаро ҳисоб-китоблар муомаласидаги сарф-харажатлар иқтисод қилинади. Халқаро кредит базасида халқаро ҳисоб-китобларнинг кредит маблағлари юзага келди — векселлар, чеклар, шу жумладан, банклараро ўтказмалар, депозит сертификатлари ва шу кабилар. Ссуда капитали муомаласини вақтинча тежаш орқали халқаро иқтисодий алоқалардаги капитални ишлаб чиқариш функцияси ўсишига, ишлаб чиқариш кенгайтишига ва фойданинг ошишига олиб келади.

3. Капиталнинг бир жойга тўпланиши ва марказлашишини тезлаштириш: чет эл кредитларини жалб қилиш туфайли кўшимча қийматнинг капиталга айланиш жараёни тезлашади, шахсий жамғармалар чегараси кенгайди, бир давлат тадбиркорларининг капиталларига бошқа давлатнинг маблағлари кўшилиши оқибатида улар миқдори кўпаяди. Халқаро кредит олдиндан якка корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айланишига, янги фирмалар ва монополияларни пайдо бўлишига хизмат қилади.

Халқаро кредит функцияларининг аҳамияти катта ва у миллий ҳамда жаҳон хўжалиги ривожланишига қараб ўзгариб туради. Ҳозирги шароитда халқаро кредит иқтисодиётни тартибга солиш функциясини бажармоқда ва ўзи ҳам тартибга солиниш объекти бўлиб ҳисобланмоқда.

**Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда халқаро кредитнинг роли.** Халқаро кредит ўз функцияларини бажаришда иккиёқлама роль ўйнайди (ижобий ва салбий).

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги ижобий ўрни — уни такрор ишлаб чиқариш ривожланишини таъмин-

лашда ва кенгайтиришда намоён бўлади. Халқаро кредит ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади. Халқаро кредит ишлаб чиқариш байналмилаллашувига ва айирбошлашувига, жаҳон бозорининг ташкил топишига ва ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини куйидаги йўналишлар орқали тезлаштиради:

*Биринчидан*, кредит мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини рағбатлантиради, шу орқали бозорда конъюнктурани қўтарувчи талабни юзага келтиради. Ташқи савдо кредитда халқаро меъёр бўлиб ҳисобланмоқда. Айниқса узоқ давр мобайнида тайёрланадиган, истеъмол қилинадиган ва баҳоси баланд товарлар учун. Маҳсулотларнинг баҳосини ва жаҳон савдосида машина ҳамда асбоб-ускуналар улуши ошиши экспорт қилувчиларни ҳам, импорт қилувчиларни ҳам ташқи савдо кредитларига бўлган қизиқишларини орттирмоқда.

Ҳозирги замон шароитида кредитор-мамлакатдан экспорт етказиб берувчи “боғлиқлик” кредитининг салмоғи ошди. Кредитланаётган давлатнинг товарларини сотиб олиш учун қилинадиган харажат қарзнинг шarti бўлиб ҳисобланмоқда. Худди шу орқали халқаро кредит кредитор-мамлакат фирмаларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

*Иккинчидан*, халқаро кредит чет эл хусусий инвестициялари учун қулай муҳит юзага келтиради. Чунки одатда, кредитор-мамлакат инвесторларига имтиёзлар бериш мажбуриятлари қўйилади. Инфраструктурани ташкил этиш, шу жумладан, чет эл ва қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатиши халқаро капиталга алоқаси бор миллий корхона ва банкларнинг позицияси кучайишига ёрдам беради.

*Учинчидан*, кредит — мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига хизмат қилувчи халқаро ҳисоб-китоб ва валюта операциялари тўхтовсизлигини таъминлайди.

*Тўртинчидан*, кредит — мамлакат ташқи савдо операцияларини иқтисодий самарадорлигини оширади ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари ривожланишига туртки бўлади.

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги салбий ўрни — бозор иқтисодиётини ривожлантиришда унинг қарама-қаршилиги кучайишида намоён бўлади. Иқтисоди-

ётда номутаносиблик чуқурлашади, кредит-товарлар қайта ишланиши тезлашади, мамлакатлар ўртасида ссуда капиталларини қайта тақсимлайди ҳамда иқтисодий кўтарилиш ва даврий пасайиш давларида ишлаб чиқаришни жуда тезлаштиради. Халқаро кредит ижтимоий ишлаб чиқаришдаги номутаносибликни кучайтиради, бунинг оқибатида даромадли тармоқлар ривожланиши осонлашади, шу билан биргаликда чет эл капитали жалб қилинмаган тармоқларнинг ривожланиши секинлашади.

Халқаро кредит — мамлакатларнинг харид бозори рақобати учун кураш қуроли ҳамда капитални жойлаш соҳаси, хом ашёлар манбалари, ИТТ соҳасидаги ютуқлардир.

Кредит сиёсати кредитор мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини кучайтиришга хизмат қилади. Бунда:

*Биринчидан*, халқаро кредитни қарз сифатида олган мамлакатдаги даромадларни қарз берган мамлакатга олиб ўтишда фойдаланилади. Шу билан бирга, ссудани қайтарувчи ҳар йилги фоиз тўловлари, жамиятнинг соф даромади миқдорини кўпайтирувчи, ишлаб чиқариш ўсишини таъминловчи жамғармаларнинг ташкил топиши, шу жамғармаларнинг ташкил топиш манбалари қарздор мамлакатларга салбий таъсир этади.

*Иккинчидан*, халқаро кредит қарз олувчи мамлакат томонидан кредитор мамлакатлар учун қулай иқтисодий ва сиёсий муҳит яратишни тақозо этади.

Этакчи мамлакатлар ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун банклар, ҳукуматлар, халқаро ва ҳудудий валюта-кредит ва молия ташкилотлари орқали вақти-вақти билан уларга мос келмаган сиёсат юритаётган давлатларга нисбатан кредит дискриминациясини ва кредит қамалини қўллашади.

**Кредит дискриминацияси** — бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи, оғир ва қийин шартларни қўйишдир.

Кредит дискриминациясининг асосий усуллари бўлиб, кредит бўйича чеклашлар, фоиз ставкасини, комиссиян йиғимларни ошириш, қутилмаганда кредитдан фойдаланишни тўхтатиш ёки кредит суммасини камайтириш ҳамда иқтисодий ва сиёсий тусдаги чора-тадбирлар кўриш шартлари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқаро кредитдан фойдаланишда унинг иккиёқлама роли намоён бўлади, бир томондан, мамлакатларнинг ўзаро фойдали алоқаларини ривожлантирса, бошқа томондан — рақобат кураши воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришнинг ва айирбошлашнинг байналмилаллашуви, жаҳон хўжалиги алоқаларининг янги шакллари вужудга келиши, халқаро кредит шакллари хилма-хиллиги ривожланишига объектив асос бўлиб хизмат қилади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро кредит нима?
2. Қимлар халқаро кредит муносабатлари субъектлари ҳисобланади?
3. Халқаро кредит муносабатларини ташкил этиш қандай тамойилларга асосланади?
4. Халқаро кредитнинг функцияларини санаб беринг.
5. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда халқаро кредитнинг роли қандай?
6. Халқаро кредит такрор ишлаб чиқаришга қандай таъсир этади?
7. Халқаро кредитларнинг иқтисодиётга қандай салбий таъсири мавжуд?
8. Кредит дискриминацияси нима?

## 8.2. ХАЛҚАРО КРЕДИТНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Халқаро кредит шакллари бир неча турларга бўлиб гуруҳлаш мумкин.

Манбалари бўйича ташқи савдони ички, ташқи (чет) ва аралаш кредитлаш ва молиялаштириш бўйича фарқланади.

Вазифалар қарз маблағлари ҳисобидан қандай ташқи иқтисодий битимлар таъминланиши бўйича фарқланади:

- тижорат кредити (асосан ташқи савдо ва хизматлар билан боғлиқ кредитлар);
- молиявий кредит (юқоридагилардан бошқа мақсадларга ишлатиладиган, шу жумладан, капитал қўйил-

малар, инвестицион объектлар қуриш, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш, ташқи қарзларни узиш, валютавий интервенцияга боғлиқ кредитлар);

• “оралиқ” кредити (капитални олиб келишни аралаш шаклига хизмат қилишда белгиланган товар ва хизматлар, масалан, пудрат ишларини бажариш кўринишида).

Халқаро кредитларни кўриниши бўйича 2 та асосий шаклга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Халқаро банк кредити;
2. Халқаро тижорат кредити.

**Халқаро банк кредити** асосан валюта (пул) кўринишида бўлади.

**Халқаро тижорат кредити** эса товар кўринишига эга.

Ана шу 2 та асосий кредит шаклидан келиб чиқадиган бир қанча кредитлар мавжуд:

1. **Фирманинг (тижорат) кредити** — одатда экспорт қилувчи мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импорт қилувчига тўловни кечиктириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади. Ташқи савдода тижорат кредити товарли операцияларга боғлиқ ҳисобкитобларда кенг қўлланилади. Тижорат кредитининг муддати (одатда 2-7 йил) турлича бўлади ва жаҳон бозори конъюнктураси шартларига, товарлар турларига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир. Машина ва асбоб-ускуналар (технология, жиҳозлар)нинг экспорти кенгайиши халқаро кредит муддати узайишига олиб келади. Тижорат кредити одатда, вексел ёки очиқ ҳисобварақлар бўйича бериладиган кредитлар орқали расмийлаштирилади.

2. Векселли кредитда экспорт қилувчи товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексел (сарф-харажатлар)ни импорт қилувчига жўнатади, импорт қилувчи тижорат ҳужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

3. Очиқ ҳисобварақлар бўйича бериладиган кредит. Бу кредит экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасидаги келишувга асосланади. Экспорт қилувчи жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импорт қилувчининг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб боради. Импорт қилувчи шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ ҳисобварақлар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий ало-

қада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

Тижорат кредитининг яна бир турига импорт қилувчининг аванс тўлови (сотиб олувчининг аванси)ни киритиш мумкин. Бунда шартнома тузилаётган пайтда импорт қилувчи томонидан чет эллик мол етказиб берувчига одатда машина, асбоб-ускуналар (технология)нинг қийматидан 10-15 фоизи олдиндан тўланади.

Харид бўнаки экспортни кредитлашнинг бир шакли бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзидан бошлаб импорт қилувчининг мажбуриятини таъминловчи воситага айланади. Чунки импорт қилувчи ўзи буюртма берган товарни сотиб олишга мажбур бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг импорт билан шугулланувчи фирмалари ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, харид бўнагидан шу давлатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишда фойдаланмоқдалар.

Бўнак тўлаган томоннинг айби билан шартнома бажарилмай қолса, сарф-харажатлар ундирилган ҳолда маблағ қайтарилади. Агар шартнома бўнак олган томоннинг айби билан бажарилмай қолса, у сотиб олувчига барча харажатларни тўлаган ҳолда маблағни қайтариши шарт.

**Бўнак** — шартнома бажарилишидан воз кечиш мумкин бўлган битимга нисбатан рағбатлантиради. Воз кечиш мумкин бўлган битимда эса зарар кўрган томоннинг харажатларини тўлаш мажбуриятларидан иккинчи томон озод бўлади. Баъзан харид — сотиб олувчининг аванси тўловни кечиктиришга ўзаро мослашади, бунинг устига тенг улушлар билан маълум интервалларга бўлинади (ой, квартал, 1 йил).

Тижорат кредити сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабатни намоён қилсада, у одатла, банк кредити билан қўшилиб, мослашади. Машина ва асбоб-ускуналарни сотишда тижорат кредити узоқ муддатга берилади (7 йилга), бу эса ўз навбатида, экспорт қилувчининг анчагина маблағини жалб қилиб олади. Шу сабабдан экспорт қилувчи қонундагидек банк кредитига мурожаат қилади ёки ўз кредитини банкларда қайта молиялаштиради.

Тижорат кредити ҳажм ва молиялаштириш шартлари бўйича машина ва асбоб-ускуналар экспортини кре-

дитлаш муаммосини тўлиқ еча олмаганлиги сабабли, банк кредитларининг роли ошади.

**Банк кредитлари.** Банк кредити — экспорт ва импортни кредитлашда ссуда шаклида намоён бўлади ва у товарлар, товар ҳужжатлари, векселларни ҳамда сарф-харажатни гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзлари билан чамбарчас алоқада бўлган йирик экспорт қилувчи фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

Халқаро савдода банк кредитлари тижорат кредитларига нисбатан устунликка эга. Улар кредит олувчини олган маблағларидан товарлар сотиб олишга мустақил фойдаланиш имкониятини туғдирадилар, мол етказувчи фирмадан кредит сўрашдан озод этадилар ҳамда охирги товарларга ҳисоб-китобларни банк кредитидан фойдаланиб тўлайдилар. Хусусий банклар кўпинча давлат маблағларини ва унинг кафолатини олган ҳолда экспорт кредитларини 10-15 йилга бозор ставкасидан пастроқ ставкада берадилар. Лекин банклар қоида бўйича кредитдан ўз мамлакатлари ҳудудидагина фойдаланишни чегаралаб, унинг интилишини маълум мақсадли қилиб қўядилар, масалан, фақат ўзларини қизиқтирган фирманинг товарларини сотиб олишга йўналтирадилар. Шу орқали банк кредити фирма кредити хусусиятларини ўзида мужассам этади. Банк кредитини банклар, банкир уйлари ва бошқа кредит муассасалари берадилар.

Ташқи иқтисодий операцияларни кредитлаш операцияларини мувофиқлаштирувчиси учун, йирик кредит ресурсларини жамлаш учун ва банк хавф-хатарини бир маромда тақсимлаш банклар консорциумлар, синдикатлар, банк фондларини ташкил қиладилар. Банклар экспорт ва молия кредитларини берадилар.

**Экспорт кредити** — экспорт қилувчи банкининг импорт қилувчи банкига етказиб берилган машина, асбоб-ускуна ва бошқа инвестиция қилинган товарларни кредитлашга айтилади. Банк кредитлари пул кўринишида берилади ва “боғлиқ”лик тусига эга, чунки кредит олувчи ссудадан фақатгина кредитор мамлакат товарларини сотиб олишигагина берилади.

Утган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, экспортни кредитлашнинг шакли сифатида истеъмол кредити (5-8 ва ундан ортиқроқ йил муддатга) юзага келди.

**Истеъмол кредити.** Истеъмол кредитининг ўзига хос

хусусияти бўлиб, экспорт қилувчи банкнинг тўғридан-тўғри миллий экспорт қилувчини кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни импорт қилувчи мамлакат фирмаси ва унинг банкни кредитлаш ҳисобланади. Шу орқали импорт қилувчи керакли товарларни етказган мол етказиб берувчилар тўловни харидорга ёки банкка қарз сифатида қайд қилади. Одатда, бундай кредитлар маълум бир фирманинг товарлари ва хизматларидан фойдаланишда қўлланилади. Бундай кредитлаш шартномасида экспорт қилувчи иштирок этмайди, бу эса ўз навбатида кредитнинг баҳосини ошириш имкониятини йўқотади. Банк кредитининг харидорга бўлган нархи, қоида бўйича ссуда капиталлари бозоридаги қарз маблағлари нархидан анча паст бўлади, бу ўз навбатида уларнинг рақобатбардошлигини оширади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро кредитнинг қандай шакллари бор?
2. Фирманинг (тижорат) кредити нима?
3. Векселли кредит деб қандай кредитга айтилади?
4. Очiq ҳисобварақлар бўйича кредит беришнинг тартиби қанақа?
5. Қандай кредитларга банк кредитлари дейилади?
6. Экспорт кредитини тақдим этишдан кўзланган асосий мақсад нима?
7. Истеъмол кредитининг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг.

### 8.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚАРО КАФОЛАТЛАРНИ ҚўЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Халқаро кафолатлар** — товарлар ва капиталлар ҳаракатини узлуксиз ва доимий ҳаракат қилиниши таъминланишига хизмат қилади. Халқаро кафолатлар импорт қилувчиларни сифатсиз товарлар қабул қилишдан, экспорт қилувчиларни эса товарлар ҳақини ололмай қолиш risksидан сақлайди<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Ваҳобов. А.В. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатларни қўллаш масалалари. “Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Солиқ ва божхона органлари академияси, Тошкент – 2002 йил.



Халқаро кафолатлар халқаро операцияларнинг барча асосий турларида қўлланилади. Жумладан, буларга:

1. Халқаро кредитлар бўйича бериладиган кафолатлар;

2. Экспорт-импорт операциялари бўйича бериладиган кафолатлар;

3. Тўғри ва портфелли инвестициялар бўйича бериладиган кафолатларни киритиш мумкин.

**Халқаро кафолатлар** марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилди.

Халқаро кафолатлар банклар ва бошқа кафолат берувчи ташкилотлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади, аммо булар юқори рискли операциялар ҳисобланади.

Халқаро кафолатларда учинчи бир томоннинг иштирок этиши шартдир. Айнан мана шу кафолат берувчи томоннинг тўловга лаёқатлилиги асосий масала бўлиб ҳисобланади. Халқаро кафолатлар халқаро миқёсда тан олинган субъектлар томонидан берилди.

Халқаро кафолатларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

1. **Тўғри кафолатлар** — бунда кафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига кафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларни тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

2. **Воситалашган кафолатлар**. Бунда кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.

3. **Тасдиқланган кафолатлар**. Бундай кафолатлар берилган кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импорт қилувчининг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспорт қилувчининг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Халқаро кафолатларнинг яна қуйидаги асосий шакллари ҳам мавжуд:

1. Тўлов бўйича берилган кафолатлар;

2. Сифатли маҳсулотлар етказиб бериш бўйича берилган кафолатлар (жарима, қўшимча харажатлар).

Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатлардан фойдаланиш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Республикада катта суммада молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг аксариятида давлат улушининг кўплиги сабабли, халқаро кафолатларни ишлатувчи субъект ҳукуматдир. Бундай йирик лойиҳаларга *Кукдумалоқ нефть мажмуи, Зарафшон-Ньюмонт қўшма корхонаси, UzDaewooAuto* ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Олинаётган халқаро кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан олинмоқда. Халқаро кафолатларни беришда тижорат тузилмалари ва банкларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатлар ўрнини босувчи мажбуриятларни пул маблағлари билан таъминлаш тизими кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида ерга хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги ва бир қатор юқори ликвидли объектларнинг йўқлиги халқаро кафолатлардан республика шароитида фойдаланишга жиддий таъсир этади.

**Ҳукумат облигациялари** марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинадиган сарф-харажатлар (ўтказма векселлар), ҳукумат томонидан кафолатланган саноат облигацияларини амалиётга жорий этиш — бевосита халқаро кафолатларнинг инструментлари кенгайишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро кафолатлар нима?
2. Халқаро операцияларнинг қайси турларида халқаро кафолатлардан фойдаланилади?
3. Халқаро кафолатларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатларни қўллашда қандай муаммоларга дуч келинмоқда?
5. Сизнинг фикрингизча, республикамизда халқаро кафолатларнинг инструментларини кенгайтириш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?

#### **8.4. ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК МУАММОСИ ВА УНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси — умумжаҳон аҳамиятга эга бўлган муаммо сифатида 1982 йилда юзага келди. Чунки биринчи марта ўтган асрнинг 80-йилларида Мексика давлати ўзини расман банкрот деб эълон қилди. Яъни олинган халқаро кредитларни қайтара олмаслигини маълум қилди. Мексикадан кейин бир қатор давлатлар Бразилия, Аргентина, Парагвай ва бир қатор Африка давлатлари ўзларини расман банкрот деб эълон қилдилар.

Ўтган асрнинг 90-йилларининг бошларига келиб, биринчи марта кредитларнинг фоиз тўлови суммаси уларнинг асосий суммасидан ошиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири — берилган жами халқаро кредитларнинг 60 фоизи сузиб юрувчи ставкага эга эканлигидадир.

Халқаро кредитлар бўйича ана шундай кескин муаммонинг юзага келишига сабаб бўлган уч омилни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кредит олган мамлакатлар иқтисодиётида халқаро кредитлардан самарали фойдаланишнинг иложи бўлмаганлиги. Халқаро кредит ёрдамида молиялаштирилган йирик лойиҳалар аксарият мамлакатларда ўзини оқламади. Инфляция даражаси нисбатан юқорилиги кредитларнинг қайтариш масаласини оғирлаштирди.

2. Халқаро кредитлар берган хусусий тижорат банклари кредитлар бўйича тобора тўпланиб бораётган қарз суммасини жиддий таҳлил қилмадилар. Тижорат банклари бу мамлакатларга берилган кредитлари учун етарли даражада таъминланганлик объектлари ва бошқа ҳимоя чораларини кўришга шошилмадилар. Халқаро кредитларнинг сезиларли қисми молиялаштирилаётган объектдан тушадиган даромадлар суммаси билан таъминланган эди. Бу объектларга қилинган харажатлар уларни ишга тушириш билан боғлиқ тадбирлардан келадиган даромадлар суммасига нисбатан сезиларли даражада катта эди. Демак, кредитлар мазкур таъминланганлик объекти сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Шуниси эътиборлики, айрим тижорат банклари эса ишончли кредитлар берган.

3. Ушбу мамлакатларда молиявий — пул-кредит инструментларида фойдаланишда йўл қўйилган хатоликлар пировард натижада тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида миллий валюталарнинг курсига таъсир қилади. Иккинчи томондан, давлат бюджети тақчиллик ҳажмининг ортиши пул массасининг ўсишига олиб келади.

Халқаро кредит бўйича қарздорлик муаммоси кескин ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келади:

1. Халқаро кредитлар бўйича ўз муддатларида тўланмаган қарз суммалари ва фоиз суммалари тўпланиб бориши натижасида уларни тўлаш тобора қийинлашиб боради. Чунки муддатида тўланмаган кредит суммаларига оширилган фоиз ставкасида ҳақ тўланади. Айниқса сузиб юрувчи кредитларнинг қиймати ўсишига сабаб бўлади. Бунинг 2 асосий оқибатини кўриш мумкин:

- мамлакат миллий даромадининг асосий қисми кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлашга кетади. Бу эса мамлакатдаги инвестиция ҳажмини қисқартиради;

- халқаро кредитга асосан етакчи эркин алмашинадиган валюталарда тўлашади. Қарз суммасининг ўсиши мамлакатдан чет эл валютасининг кўпроқ чиқиб кетишини билдиради. Бу эса миллий валютанинг курсига салбий таъсир этади.

2. Мамлакатнинг жаҳон ссуда капиталлари бозорида кредит олиши қийинлашади. ХВФ, Жаҳон банки, ЕТТБ каби ташкилотлар томонидан бериладиган кредитлар тобора оғир шартли бўлиб боради.

3. Инфляция даражаси кучаяди. Бу эса аҳолининг турмуш даражасининг пасайишига ва жамғармаларнинг қадрсизланишига олиб келади.

4. Тўлов баланси тақчиллиги шу даражага етиши мумкинки, бунинг натижасида иқтисодиётда бир қатор салбий оқибатлар, жумладан, доллар фетишизми пайдо бўлиши мумкин.

5. Давлат бюджети тақчиллиги кучаяди. Бу эса ижтимоий дастурларни қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилиш масалалари билан Лондон ва Париж клублари шуғулланади. Агар қарздор давлат ёки давлат органи бўлса, бу масала Парижда кўриб чиқилади. Агар

қарздор бўлиб, хусусий банклар ва компаниялар ҳисобланса, бу масала Лондон клубида кўриб чиқилади. Ҳар иккала клуб ҳам доимий ташкилот эмас, балки вақти-вақти билан чақирилиб фаолият юритилади. Масалан, Париж клубининг йиғилишлари Франция Молия вазирлигининг биносида маълум вақтларда ўтказиб турилади. Йиғилишда энг аввало, қарздор мамлакатлар вакилларининг маърузаси эшитилади. Париж клубида бундай маърузалар ҳукумат раҳбарлари ёки унинг расмий агентлари — Молия вазири ёки Марказий банк раиси ушбу маърузаларни ўқийди. Маърузада кредитларнинг қайтарилмаётганлигини, мамлакат иқтисодиётининг аҳволи ва кредитни қайтариш учун қандай чоралар қўлланилаётганлиги тўлиқ ўз аксини топган бўлиши лозим. Ундан сўнг кредиторларнинг даъволари эшитилади, кейин ХВФ нинг экспертлари маъруза қиладилар. Олиб бориладиган мунозаралардан сўнг ҳар иккала клубда халқаро кредитларни қайтариш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг энг маъқул йўли ҳозирги кунда ушбу давлатларга янги кредитлар бериш ҳисобланади. Гарчи мазкур усул ҳозирча ягона самарали усул ҳисобланса ҳам, у қарздорлик муаммосини тўла ҳал қилмайди. Қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг оптимал йўлларида бири — кредитни беришга кириш жараёнида уни тўла қонли таҳлили ҳисобланади. Йирик кредитлар бўйича таъминланганлик масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Таъминланмаган ссудалар бўйича риск ҳамisha сақланиб қолади. Демак, олинаётган ҳар қандай халқаро кредитни қайтариш кераклигини ҳис қилган ҳолда ундан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси қачон юзага чиқди?
2. Халқаро кредитлар бўйича кескин муаммолар юзага келишига қандай омиллар таъсир этади?
3. Халқаро кредит бўйича қарздорликнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари қандай?

4. Мазкур муаммони ҳал қилиш билан кимлар шуғулланадилар?
5. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг қандай йўллари мавжуд?

### **ЖАҲОН БАНКИНИНГ ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ҚАРЗЛАРИ ОРТМОҚДА**

Жаҳон банкининг 2002 молия йилида Европа ва Марказий Осиёга (ЕМО) қарзлари рекорд суммага — 5,5 млрд. АҚШ долларига етди.

Таққослаш учун: 2001 молия йилида ушбу кўрсаткич 2,7 млрд, 2000 йилда — 3 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

2002 йилда Жаҳон банкининг ЕМОдаги операциялари асосан, инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий ислохотлар ва институционал ривожланиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ҳудудда қашшоқликни пасайтиришга йўналтирилган. Жаҳон банки кредитларининг бундай сезиларли кенгайишига Туркияда юз берган инқироз оқибатларини тугатиш мақсадида ажратилган 3,55 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Молиявий соҳа қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий ҳимоя кредитлашнинг асосий йўналишларини ташкил этди. Молиявий соҳадаги лойиҳалар учун кредитлаш 2001 йилдаги 853 млн. доллардан 2,6 млрд. АҚШ долларига ўсди. Қишлоқ хўжалиги лойиҳаларни кредитлаш 235 млн. доллардан 717 млн. АҚШ долларига, ижтимоий соҳадаги лойиҳалар учун 439 млн. доллардан 698 млн. АҚШ долларига ортган.

Манба: Пресс-редиз, Жаҳон банки. 01.08.2002.

### **8.5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутди. Хорижий инвесторларнинг самарали фаолият кўрсатиши кафолатларини таъминлаш, хорижий молиявий ва бошқа ресурсларни замонавий чет эл технологияси ва бошқарув тажрибасини жалб қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш мақсадида мамлакатнинг

иқтисодий ривожланишига, шунингдек унинг жаҳон тизимига интеграциялашувига қўмаклашиш учун 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек Ўзбекистондаги инвестицион тақлифларни тайёрлаш ва амалга оширишда хорижий инвесторлар ва маҳаллий ҳамкорларга амалий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 21 августдаги Фармони билан ноҳукумат ташкилот мақомига эга бўлган хорижий инвестициялар бўйича Агентлик ташкил этилди. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди.

Шу муносабат билан 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан янги ҳужжат — “Хорижий инвестициялар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қонун қабул қилди.

Кейинги йилларда республиканинг инвестиция фаолияти ортиб бораётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Хорижий сармояни кенг жалб қилиш асосан таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, иқтисодий соҳани мустаҳкам моддий-техника базасини яратишга, мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Ҳар бир молия йили учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан республиканинг 2000 йил учун инвестиция дастури ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Унда ҳукуматнинг кафолати остида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига инвестицион лойиҳаларнинг аниқ мўлжалланган дастури алоҳида ифодалаб берилади. Масалан, 2000 молия йили учун тузилган инвестиция дастурига 2748,4 млн. АҚШ доллари миқдорига 52 та лойиҳа киритилган бўлиб, шундан жорий йил прогнозлари бўйича 750,5 млн. АҚШ доллари миқдорига сармоя ўзлаштирилиши мўлжалланади.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур дастур амалда республика иқтисодиётининг деярли барча тармоқла-

ри ва минтақаларини қамраб олади. Инвесторлар ва кредиторлар сифатида эса нуфузли халқаро молия ташкилотлари, энг йирик банклар ва корпорациялар иш олиб боради. Улар орасида Япониянинг Ҳамкорлик банки, Коммерцбанк (Германия), Чейз Манхеттен банки (АҚШ) бор бўлиб, мазкур банклар Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишига 618,22 млн. АҚШ доллари сарфлайди.

Франциянинг “Сосьете Женерал” банки Фарғона “Азот” бирлашмасида натрий хлорат ва хлорат магнийли дефолиант ишлаб чиқариш қувватини қайта қуриш лойиҳасига 23,3 млн. АҚШ доллари ажратмоқда. Ана шу маблағларни ўзлаштириш қишлоқ хўжалигининг мазкур кимёвий воситалар турларига бўлган эҳтиёжларини маълум даражада қондириш имконини беради.

Ижтимоий соҳаларга ҳам йирик капитал сармоялар ишлатилмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини қуриш, реконструкция қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга Испания ҳукумати билан Германиянинг КВФ банки 37,81 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратмоқда. ХТТБ “Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва гигиена” дастурини амалга ошириш учун жорий йилда 11 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Умуман, лойиҳа бўйича жами 75 млн. АҚШ доллари сарфлаш режалаштирилган.

Коч гуруҳи (Туркия), ХМК ва ЕТТБ 59,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни бирлаштириб, Самарқанддаги “Сино” АЖ базасида маиший совуткичлар ишлаб чиқариш бўйича “Арсин” қўшма корхонасини ташкил этишда ёрдам кўрсатилиши мўлжалланган.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан ўн миллионлаб доллар миқдорида кредит ҳисоблари очилган бўлиб, уларда ЕТТБ, ХМК, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ватанимиздаги тижорат банклари иштирок этмоқда.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга:

— янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган



маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

— янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

— жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга қадри баланд валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Юқори техник савиядаги тайёр маҳсулотлар улуши оширилиши қуйидаги жиҳатларга боғлиқ:

— хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;

— юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши соҳа ва соҳа ичи тизими яхшиланишига хизмат қилади;

— экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техник-тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган илмий-техник ютуқларининг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш;

— илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини берувчи шарт-шароит яратувчи инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

— инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул уйғунлашуви асосий йўллари белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасигача етказиш;

— ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

— юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижорат ва технология менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйи-

ча ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади.

Бунинг учун бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади.

Ўзбекистон амалга ошираётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

— инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

— республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;

— ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга қаратилган валютада ўзини-ўзи қоплашни таъминлайдиган инвестицияларга кўмаклашиш;

— мамлакатнинг кредит қобилиятини, Ўзбекистоннинг биринчи даражали қарз олувчи мамлакат сифатидаги обрў-эътиборини қўллаб-қувватлаш;

— мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларга ёрдам бериш.

Ўзбекистон ҳукумати инвестиция жараёнини такомиллаштиришга доимий эътибор бериб, хорижий инвесторларнинг фикрига сезгирлик билан муносабат билдирмоқда ва очиқдан-очиқ ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Америка Савдо палатаси томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини такомиллаштиришга доир тавсиялар бунинг тасдиғи бўла олади. Тавсияларда республикага инвестициялар жалб этиш йўлидаги асосий тўсиқлар таҳлил қилиб чиқилган.

Ушбу тавсияларни муҳокама қилишда хорижий инвестицияларни жалб этишга муайян даражада алоқаси бўлган деярли барча ташкилотлар қатнашди. Мана шундай икки томонлама учрашувлар хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсати изчил олиб борилаётганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

1998 йилда инвестициялаш ҳуқуқий муҳитини яратиб берадиган бир қатор асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида: “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар мавжудлиги мамлакатимиз инвестициялари борасидаги “ҳуқуқий бўшлиқни” тўлдирди.

Инвестиция жараёнини таъминлайдиган институцион инфратузилма янада ривожланди. Хусусан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш мақсадида 1998 йил бошларида республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Инвестиция дастурлари бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлим давлат инвестиция сиёсатини амалга оширувчи тўла ҳуқуқли идора бўлиб, унинг зиммасига хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторингини ташкил этиш вазифаси юклатилган. 1998 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ислоҳ қилиш ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳам тузилди.

Фонд бозори бошқарувининг қонунчилик базаси жадал ривожланиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Бу ҳол тасодифий эмас. Чунки давлат кичик хусусийлаштиришни муваффақиятли амалга ошириб, бевосита навбатдаги босқичга — бир қатор йирик ва асосий корхоналарни хусусийлаштиришга киришди. Бу жараёнда хорижий инвесторларга каттагина ўрин берилди. Ўзбекистон фонд бозорининг халқаро сармоя бозорига қўшилишига қаратилган босқичма-босқич ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Инвестициялаш шарт-шароитларини такомиллаштириш соҳасида бундан буён кўриладиган чора-тадбирлар хусусидаги ҳукумат режалари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида ва 1999 йил биринчи ярмида Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш яқунлари-

га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида танишиб чиқиш мумкин. Бу ҳужжатларда ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда тизимни ва миллий валюта бозорини эркинлаштириш, шунингдек давлат инвестиция дастурини амалга ошириш механизминини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.

Инвестицияларни мамлакатга жалб қилишда ҳуқуқий асосларга тааллуқли ҳозирги вазифа — бу ҳукуматнинг хорижий инвестициялар бўйича узоқ муддатли барқарор позицияларини шакллантириш ва уни потенциал хорижий инвесторларга етказишдан иборатдир.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторларнинг фаолият юритиши қандай ҳуқуқий меъёрларга асосланади?

2. “Хорижий инвестициялар тўғрисида” ва “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларининг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад нима?

3. Хорижий инвесторлар томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилаётган йирик ҳажмдаги инвестициялар хусусида ўз фикрларингизни тушунтириб беринг.

4. Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган қўшма корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётига қандаи ижобии таъсири бор?

## 8.6. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига қуйидаги *ташкилий шаклларда* жалб қилиниши мумкин:

1) улуш қўшиб қатнашиш орқали қўшма корхоналар ташкил қилиш;

2) 100 фоиз мол-мулки хорижликларга тегишли бўлган хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш;

3) йирик хорижий компания ва фирмаларни, шўъба корхоналарни ва филиалларни ташкил этиш;

4) халқаро корхона ва ташкилотларни ташкил этиш;

5) концессия ва лизинг шартномаларини тузиш;

6) тендерлар эълон қилиш;

7) эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш;

8) молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шакллардан бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида **қўшма корхона** деганда, низом капиталининг камида 30 фоизи хорижий инвесторга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ долларига тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади.

Қўшма корхоналар чет эл инвестициялари билан янгитдан ташкил этилиши ёки фаолият юритаётган корхонанинг акциялар тўпламининг 30 фоиздан кам бўлмаган қисми сотилиши орқали ташкил этилиши мумкин.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Қишлоқ хўжалик, машинасозлик, қазилма бойликларни қазиб олиш соҳасида ташкил этилган корхоналарга нисбатан кенг солиқ имтиёзлари жорий қилинган. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол-мулклари бир қисмини ажратиб, шўъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шўъба корхоналарига ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар, ташкилотлар ўз капиталини жамлаган ҳолда **халқаро ташкилотлар** ташкил этиши мумкин. Бу ташкилотларга нисбатан ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар қўйилган.

**Концессия шартномалари** — бу табиий бойликлар-

ни, айрим фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

**Лизинг шартномаси** эса чет эл инвестициялари иштирокида асбоб-ускуналарни, техника-технологияларни узоқ муддатга ижарага олиш.

**Тендерлар** эса танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилишидир.

**Эркин иқтисодий ҳудуд** — бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир.

**Молиявий активлар** — бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чет эл капиталини жалб этиш, чет эл кредитларини олиш ва чет эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун эмиссия қилинади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш учун улар асосан куйидаги уч талабга жавоб бериши шарт:

1) хорижий сармоя иштирокидаги корхона низом жамғармасининг миқдори 150 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак. Бундай минимал қиймат сифатсиз маҳсулотларнинг олди-сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган;

2) корхона таъсисчиларидан бири хорижий шахс бўлиши;

3) корхона низом фондида хорижий инвестицияларнинг улуши 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Жаҳон тажрибасида эса чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни қаерда, ким билан шериклар улушининг қанчалиги ва қандай мақсадларни кўзда тутиб ташкил қилинишига кўра гуруҳларга ажратиш мумкин. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни тавсифловчи ва туркумловчи 4 та асосий шакл мавжуд. Улар:

1. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхонанинг жойлашган жойи. Корхона ташкил топаётганда шерикларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси чет мамлакат (давлат, ташкилот, фирма) нинг вакили бўлиши керак.

2. Шериклар тузилиши. Бунда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг 3 асосий шаклини кўришимиз мумкин:

а) фақат хусусий капитал иштирокида (асосан ривожланган мамлакатларда);

б) фирмалар, корхоналар, ташкилотлар ва давлат ташкилотлари билан (асосан ривожланаётган мамлакатлар);

в) миллий ва халқаро ташкилотлар билан.

3. Шерикларнинг чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона низомидаги улуши. Бу ерда ўзининг ижобий ва салбий кўринишини ифодаловчи 3 та вариантни кўриш мумкин:

1) пайчилик асосида улуш қўшиб қатнашиш. Бундай шаклдаги қўшма корхоналар ишлаб чиқариш тармоғи ривожланган мамлакатларда тараққий этган. Пайчилик асосида ташкил қилинган қўшма корхонанинг низом фондида шерикларнинг улуши асосан тенг бўлиб, бу уларнинг ҳуқуқли шерикчилигини таъминлайди ва бу иқтисодий нуқтаи назардан қўшма корхона тузишнинг идеал шаклидир.

Лекин бундай корхоналарнинг салбий томонлари ҳам бор. Мисол учун, корхонада бирон бир масалани ҳал қилиш учун ўзига масъулият олувчи бошлиқнинг йўқлиги (фавқулотда вазиятда “йўлбошчи” нинг йўқлиги);

2) корхонада хорижий капиталнинг кўплиги. Бундай корхоналар хорижий шерикларнинг корхона фаолияти устидан назоратини оширишга қаратилган мақсадлардан келиб чиқади. Маҳаллий шерикнинг корхона низомига қўшадиган молиявий маблағи кам бўлган тақдирда хорижий инвестицияларга эҳтиёж ошади;

3) корхонада хорижий инвестор улушининг камлиги. Бундай шаклдаги корхоналар бир қатор тадбиркорлар томонидан яхши бўлмаган шаклдор, деб эътироф этилади. Чунки корхона фаолияти устидан назорат маҳаллий шерик қўлига ўтиб кетади.

4. Фаолият тури. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона шерикларининг мақсадига кўра:

а) илмий-тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб, илмий тадқиқот, янги маҳсулотлар яратиш, “ноу-хау” ва бошқалар;

б) ишлаб чиқариш тусига эга қўшма корхоналар. Бу корхоналарда маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиш, янги технологияни жорий қилиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини кўтариш ва бошқалар;

в) маҳаллий бозорда арзон хом ашё ва материалларни сотиб олиб, чет мамлакат корхоналарида қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар;

г) янги маҳаллий бозорни ўрганиш (маркетинг)га мўлжалланган қўшма корхоналар;

д) қўшма корхоналар мажмуи, яъни қўшма корхона жойлашган ҳудуд (мамлакат) қонунларига зид бўлмаган ҳар хил фаолият билан шуғулланувчи қўшма корхоналар.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг энг устувор йўналиши — қисқа муддатларда ўз самарасини берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган шакли ҳисобланади. Лекин республикада бундай корхоналар сони етарли эмас. Шунинг учун улар ҳозир ўзининг кутилган самарасини бермаяпти. 1999 йилда қўшма корхоналарнинг сони 3,5 мингтага етган бўлсада, лекин амалда бу корхоналарнинг атиги 52 фоизи фаолият кўрсатди. Шундан бор-йўғи 592 таси ёки 31 фоизи ишлаб чиқариш корхоналари эканлиги янада ачинарли кайфият ҳосил қилади.

Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларига кириб келаётган чет эл инвестициялари учун, шунингдек экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун конвертирлаш муаммосини ҳал қилиш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

Яна бир муаммо, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти йирик шаҳарларда барпо этилганлиги билан боғлиқдир.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлараро тўғри тақсимланиши учун қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил этиб, ҳар бир ҳудуд учун алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

1. Ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш даражаси таҳлили. Ҳудуднинг ялпи ички маҳсулоти, жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми, ҳудудда ўртача иш ҳақи миқдори, жон бошига сарфланаётган капитал, ҳудудда жойлашган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар сони каби кўрсаткичлар таҳлил этилиши лозим.

2. Ҳудуднинг экологик ва турли шаклдаги жиноятчи-



лик даражаси таҳлили. Бунда ҳудудда содир этилаётган иқтисодий жиноятларнинг сони, экологик жиҳатдан зарарли чиқиндилар билан табиатни ифлослантираётган корхоналарнинг сони, шунингдек тугатилмаган қурилиш объектлари умумий қурилишдаги ўрнининг таҳлили ўрганилиши керак;

3. Ҳудуднинг географик жойлашиши, бошқа мамлакатлар билан қўшничилиги, коммуникация, йўллари ва бошқа кўрсаткичларни пухта таҳлил қилиб чиқиш зарур.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида 80дан ортиқ мамлакатдан келган инвесторлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда қатнашмоқда. Энг кўп ана шундай корхоналар Россия Федерацияси (378), Туркия (243), АҚШ (186) ва Покистон (106) иштирокида тузилган. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажмига келсак, унинг деярли 40 фоизи Жанубий Корея улушига тўғри келади, АҚШ иштирокидаги корхоналар улуши 24 фоизни, Буюк Британия иштирокидаги корхоналар улуши 7 фоизни, Туркия иштирокидаги корхоналар улуши 6 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон жуда катта иқтисодий имкониятларга эга мамлакат деб тан олинishi натижасида мамлакатда хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар ва рағбатлантириш чоралари тизими вужудга келтирилганлиги туфайли уларнинг республика иқтисодиётидаги роли салмоқли бўлиб қолди. Масалан, агар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши 1994 йилда 2,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2000 йил якунларига кўра, 18 фоизни ташкил қилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар импортнинг мамлакат умумий импортидаги улуши шу давр ичида 8 баравар кўпайди ва 2000 йилда 35,9 фоизга етди. Бу ҳол корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун инвестиция товарлари, хом ашё, бутловчи қисмлар импорт қилиш ҳажми катталиги билан изоҳланади. Корхоналар экспортининг умумий экспорт ҳажмидаги улуши янада юқори суръатлар билан ортиб бориб, 1994 йилдаги 0,6 фоиздан 2000 йилда 9,8 фоизга етди, яъни 18 баравар ўсди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортининг республика экспорти умумий ҳажмидаги салмоғини бутун дунё учун олинган (чет элдаги барча филиаллар экспортининг жаҳон экспортидаги улуши) шундай кўрсаткич билан таққослаш диққатга сазовордир. Бу салмоқ ҳам тўхтовсиз ортиб борди ва 2000 йилда 34,3 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги бундай корхоналарнинг улуши ҳозирча умумжаҳон кўрсаткичидан тахминан 5 баравар кам. Бироқ, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари жаҳон кўрсаткичларидан анча юқори: Ўзбекистон учун 2000 йилда тегишли кўрсаткич 1999 йил кўрсаткичидан 32 фоиз юқори бўлди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўтган йилги фаолияти ижобий тамойилларига қараб, шуни қайд этиш керакки, илгари эътибордан четда қолиб келган тармоқлар, чунончи, қишлоқ хўжалиги, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоқларининг ўсиш суръатлари илдамлади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида ҳамма вақт орқада қолиб келган мамлакат минтақаларининг ривожланиб бораётган минтақалар қаторига ўтиши ҳам диққатга сазовордир. Бу ҳол иқтисодий минтақалар бўйича бир текис ўсиб боришига олиб келади.

Инвестиция фаолияти учун шарт-шароитларни янада такомиллаштириш мақсадида ҳукумат режаларига ташқи иқтисодий фаолият тизимини қайтадан кўриб чиқиш ва валюта бозорини эркинлаштириш зарурлиги киритилган. Булар шубҳасиз, мамлакатимизга хорижий инвестициялар кириб келишига янги туртки беради.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг тармоқ тузилишини ўзгартиришга қўшаётган ҳиссасини (7-жалвал)дан кўриш мумкин.

Шундан ҳам маълумки, саноат соҳасидаги бундай корхоналар маҳсулотининг улуши иқтисодиёт учун шундай кўрсаткичнинг ўртача қийматидан анча юқоридир. Навбатдаги жадвал кўрсатиб турганидек, саноатнинг бундай кичик тармоқларини ривожлантиришга хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар айниқса кўп ҳисса қўшдилар.

## 7-жадвал

**2000 йилда иқтисодиёт соҳалари бўйича хорижий  
инвестицияларнинг ишлаб чиқариш улуши**

Тармоқлар	Тармоқнинг жами маҳсулот ҳажмида ХИИК улуши, фоиз
Иқтисодиёт бўйича ўртача	15,4
Саноат	67,4
Қишлоқ хўжалиги	0,5
Қурилиш	3,6
Транспорт ва алоқа	15,8
Савдо ва умумий овқатланиш	8,1
Бошқалар	3,8

8-жадвалдан кўриниб турибдики, хорижий инвесторлар машинасозликка, озиқ-овқат, кимё ва нефть кимёси, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатига кўп ҳисса қўшдилар. Ёқилғи, энергетика ва енгил саноат тармоқлари хорижий инвесторлар томонидан кам ўзлаштирилган тармоқлар деб ҳисоблаш мумкин.

Хорижий инвестициялар фақат иқтисодий ўсишга (ишлаб чиқариш ҳажмларига)гина эмас, балки республика иқтисодиётининг таркибига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Тармоқлар бўйича динамик ўзгаришлар шуни кўрсатмоқдаки, 2000 йилда фан ва илмий хизмат кўрсатиш қишлоқ хўжалиги, кимё ва нефть кимёси тармоқларига қарашли текширилаётган корхоналар маҳсулоти ҳажми айниқса баравар ўсган. Шуниси муҳимки, қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари 2000 йилда 1999 йилдагига нисбатан 6,4 бараварни ташкил қилган.

## 8-жадвал

**2000 йилда тармоқлар бўйича ишлаб чиқаришда хорижий  
инвестициялар иштирокидаги корхоналар ишлаб  
чиқаришининг улуши**

Тармоқлар	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқаришининг тармоқ ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши, %
Саноат	14,5
Ёқилғи ва энергетика	0,5
Қора металлургия	0,1
Рангли металлургия	11,7
Кимё ва нефть кимёси	17,3
Машинасозлик	59,8
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	19,4
Қурилиш материаллари саноати	13,6
Енгил саноат	7,6
Озиқ-овқат саноати	26,9
Бошқа саноат тармоқлари	1,7

Бунинг тасдиғи ўлароқ, Осиё тараққиёт банки иштирокида қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган кредит линияси (50 млн. АҚШ доллари) 1997 йилдан ўзлаштирила бошланди ва 2000 йилда давом эттирилди. Бундан ташқари, Американинг “ЎзКейсмаш” компанияси билан бирга “Кейс-2022” ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини 13 млн. АҚШ доллари миқдоридан ишлаб чиқариш бўйича, туркиялик инвесторлар билан 13,2 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги гўшт ва сут ишлаб чиқариш мажмуини яратиш бўйича бир қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилди; исроиллик инвесторлар билан бирга гўшт етиштириш учун 6,8 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги паррандачилик хўжалиқларини янгилаш бошланди ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалигидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмлари анча юқори суръатлар билан ўсиб бораётганлигига қарамай, ҳали мавжуд имкониятларнинг барчаси ишга солинган

эмас. Ушбу корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий ҳажмидаги улуши пастлиги (0,5 фоиз) шундан далолат бериб турибди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб берувчи йирик давлатдир. Пахта, пилла, қорақўл тери ва бошқалар экспортнинг анъанавий моддаларини ташкил этади. У хорижий инвесторларни ушбу секторга жалб этиш учун жуда катта ресурс имкониятларига эга.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ривожлантиришга хорижий инвестициялар қўшаётган ҳисса уларнинг соҳалар бўйича тақсимланишидан кўрииб турибди. Масалан, 1999 йил бошидаги хорижий инвестицияларнинг 90 фоиздан кўпроғи нефть кимёси тармоғига, телекоммуникацияларга, транспортга, қурилишга, машинасозликка ва фойдали қазилмалар қазиб чиқаришга йўналтирилди.

2002 йилда кимё тармоғига (2000 йилдагига қараганда деярли 7 баравар) транспортга (2,8 баравар), қишлоқ хўжалигига (деярли 12 баравар), кичик ва ўрта корхоналар секторига (17 баравар), инфратузилма ва экология секторига (7 баравардан кўпроқ), машинасозликка (2,3 баравар) хорижий инвестицияларнинг анча ошиши тахмин қилинган. Умуман олганда, хорижий инвестицияларнинг кўпайиши 2002 йилда тахминан 70 фоизни ташкил этиши режалаштирилган.

30 дан ортиқ мамлакат инвесторлари давлат инвестиция дастурида иштирок этмоқда. 2002 йил давлат инвестиция дастурида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари қийматининг 55 фоизи ва 2001 йилнинг ўзида ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг 65 фоизи дунёдаги 3 та етакчи давлат (АҚШ, Япония ва Германия) ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, уларнинг улуши 2002 йилда бирмунча пасайиб, 57 фоизга тушди. Шу билан бирга, Ўзбекистонга инвестицияни кўпайтиришни режалаштираётган асосий мамлакатлар Германия (1,9 баравар), Жанубий Корея (3,6 баравар), шунингдек АҚШ, Франция, Туркия, Чехия, Италия, турли халқаро молия институтлари ва бошқалардир.

Хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштирок этишлари кенгайиб борган сари иқтисодий жиҳатдан етакчи мамлакатлар бўйича таъсирнинг объектив тақсимланиши аниқ бўлиб бормоқда. Айни вақтда Ўзбекистон инвестиция бўйича шериклар

доирасини кенгайтира бориб ва уларни мамлакат иқтисодиётини таркибан ўзгартиришга, корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларни техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга жалб этиб, кўп соҳаларда ютуқларга эришмоқда.

### Текшириш учун савол ва тошпириқлар

1. Хорижий инвестицияларнинг қандай шакллари мавжуд?
2. Халқаро ташкилотлар ким томонидан ташкил этилиши мумкин?
3. Қандай шартномалар концессия шартномалари дейилади?
4. Эркин иқтисодий ҳудуднинг қандай ижобий томони бор?
5. Молиявий активлар нима?
6. Ўзбекистон Республикасида хорижий шерик билан қўшма корхона ташкил этишнинг қандай шартлари мавжуд?
7. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлараро тўғри тақсимланиши деганда нима тушунилади?
8. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳукумат томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

### **ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ ПОРАХЎРЛИК**

Давлат амалдорларига корхонани рақобатдан ҳимоялаш, турли хил хизматлардан фойдаланиш учун ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида яширин тарзда тўловлар бериш кенг тус олган ва бу маълум маънода порохўрликнинг халқаро даражада намоён бўлиш шаклидир.

**Тарқалиш кенглиги.** ТМКларни таъсири хусусида сўз борганда, ҳаммининг ёдига ўтган асрнинг 70-йилларида матбуотда акс этирилган давлат амалдорларига тўловлар бериш воқеаси тушади. АҚШда қимматбаҳо қоғозлар бўйича Комиссия томонидан амалга оширилган текширувлар, давлат амалдорларига бериладиган пора бир-неча миллион долларни ташкил этиши аниқлаган.

Ташкиллар асосан ТМКларга (айниқса АҚШ) йўналтирилган бўлиб, ҳақиқатда, пора бериш амалиёти фақатгина ТМКлар билан чегараланмаган. Изланишлар шуни кўрсатдики, порани халқаро даражада саноати ривожланган давлатларнинг амалдорлари ҳам, ривожланаётган мамлакат-

ларники ҳам, хорижликлар ҳам, коммунистлар ҳам, анти-коммунистлар ҳам олади.

Порахўрлик жуда кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган, халқаро фирмаларга эса у билан тез-тез тўқнашишга тўғри келади.

**Мотивлари.** Поралар ҳажми бўйича бизнесни бошлаш (акс ҳолда уни бошлашга рухсат берилмаслиги мумкин) учун ёки келажакда юзага келиши мумкин бўлган потенциал рақобатчиларни йўқотиш мақсадлари учун энг кўп бериллади. Шу жиҳатдан, давлат шартномаларини қўлга киритиш учун, айниқса авиация-космик саноатига кўпроқ пул тўланади.

Иккинчи ўринда, давлат хизматларидан фойдаланиш учун, яъни фирмаларга қонуний рухсат этилган, аммо амалдорлар томонидан вақти чўзиладиган ишларни битказиш учун бериладиган пуллар туради. Бундай хизматларга маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш, қурилиш ишлари учун рухсат олиш, импорт товарларни божхонада расмийлаштириш кабилар киради.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи фирмалар солиқ тўловлари бўйича қарзларини камайтириш учун пора берган. Масалан, «Дженерал Тайр» (General Tire) Мароккога рақобатчиларни киритмаслик учун пул тўлаган. Резинотехник маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниялар гуруҳи Мексикада резинотехник маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи палата орқали маълум суммани ўтказиб, ҳукуматдан ушбу маҳсулот бўйича тартибга солинадиган нархларни оширишга эришганлиги маълум бўлган.

Айрим фирмалар мажбур бўлганларидан пора берганлигини таъкидлашган, булардан «Мобил» (Mobil) Италиядаги нефтни қайта ишловчи заводнинг фаолиятини тўхтатиш жараёнини тезлаштириш учун «Бойс Кэскейд» (Boise Cascade) «АйБиЭ», «Жилетт» ўз ходимлари хавфсизлигини таъминлаш учун пора берган. Баъзи поралар сиёсий партиялар учун мўлжалланган бўлиб, айрим давлатларда бунга рухсат берилган. Аммо бундай ҳаракатлар мамлакатимизда ноқонуний ҳисобланади.

**Усуллари.** Одатда, бундай барча тўловларга нақд пулда амалга оширилган, баъзи ҳолларда фирмалар ўз маҳсулоти билан пора беришган.

Фирмалар томонидан халқаро даражада пора бериш, баъзан тўғридан-тўғри давлат амалдорларига кўпчилик ҳолатларда бундай мақсадлар учун учинчи мамлакатда жойлашган ташкилотларга пул ўтказиш усулидан фойдаланишади. Турли хил усуллар қўлланилади. Масалан, харид ҳақидаги қарор қабул қилишга таъсир эта оладиган одам ёки унинг қариндоши вақти-вақти билан фирма тўлов рўйхатида кон-

сулътант (маслаҳатчи) сифатида акс эттирилади. Бошқа ҳолларда воситачи сифатида фаолият юритган одамларга, одатдаги комиссиян тўловлардан анча юқори сумма тўланади. Кенг тарқалган усуллардан яна бири — воситачига ёки давлат ташкилоты ортиқча пул тўлаш ва ушбу суммани, солиққа тортиш ва хорижий валютани ишлатиш бўйича назоратдан қочиш учун бошқа мамлакатдаги шахсга беришидир. «Пулман» (Pullman) фирмаси ҳаттоки, давлат амалдорларига пора бериш учун ўз аудиторларидан ҳам фойдаланганлиги маълум.

**Айрим оқибатлари.** Порахўрлик бўйича можаролар Гондурасда, Японияда, Италия давлат раҳбарлари алмашинувига сабаб бўлган.

Голландия шахзодаси Берихард 1,1 млн. долл. миқдорда пора олганликда айблангандан сўнг ўзининг барча жамоат ишларини бажариш функциясидан воз кечган. Кўпгина мамлакатларда, масалан, Венесуэла, Эрон, Покистонда давлат амалдорларини пора олганликлари учун қамоққа олинган ҳолатлар мавжуд. «Локхид» (Lockheed) фирмаси дунёнинг кўпгина мамлакатларида можароларга аралшиб қолганлиги учун Шри-Ланкада унинг самолётларига буюртма бекор қилинган.

Кўпгина кузатувчиларнинг фикрича, ушбу можаролар сиёсий партиялар ҳарбий харажатларни қисқартириш бўйича ўз мақсадига эришишларига таъсир этган.

**Қонуний тақиқлар.** 1977 йилда АҚШда хорижий амалдорларга пора беришни тақиқловчи қонун қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг номутаносиблиги шундаки, компанияларни бир вақтнинг ўзида иккита мустақил ташкилот жазолаши мумкин: Адлия вазирлиги, қимматбаҳо қоғозлар ва биржа бўйича Комиссия. Қонуннинг яна бир камчилиги — қонунга мувофиқ равишда бизнесга кўмаклашувчига пора бериш мумкин, аммо қонунни бузувчиларга пора бериш мумкин эмас. Масалан, қонуний йўл билан олиб кирилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш учун 10 минг доллар пора бериш қонуний, аммо божхона ходимини қонундан озгина четлаб иш кўришига таъсир этувчи давлат вазирига, ҳаттоки, оз миқдорда пора бериш ноқонуний ҳисобланади. Бундай «Экспедиторлик» пораларини беришга рухсат, кўпчилик мамлакатларга олиб келинаётган импорт товарларни қонунга мослигини жуда узоқ муддат текшириш амалиётини (айнан пора олиш мақсадида) мавжудлигидан келиб чиққан.

Порахўрликка қарши норозиликлар жуда қатъийдир. Моҳиядан АҚШнинг бошқа мамлакатларга кўрсатадиган давлат ёрдамнинг иккинчи томони ҳам бор.

Одатда, бундай мамлакатларда АҚШ фирмаларини фаолият юритишига маълум имтиёзлар эвазига эришилади. Бир



пайтнинг ўзида бундай ёрдам олаётган мамлакатларни, ёрдамни қабул қилувчи мамлакат амалдорларини ушбу маблағлардан ўз мақсадлари учун фойдаланганлиги учун айблаб бўлмайди.

Коррупция устидан назоратни амалга оширувчи халқаро ташкилот томонидан тайёрланган «Порахўрлик индекси — 2002» ҳисоботида кўрсатилишича, манфаатли шартнома имзолаш учун пора таклиф қилувчи компанияларга Россиядан кейин Жанубий Корея, Италия, АҚШ, Япония компаниялари туришади.

Австралия, Австрия, Канада ва Швеция компаниялари бизнесда ўта очиқ ва ҳалол фаолият юритувчи шериклар ҳисобланадилар.

## IX Б О Б

### ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

#### 9.1. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ ВА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНING ТАРИХИЙ САБАБЛАРИ

Ҳозирги кунда лизинг билан боғлиқ барча иқтисодий ҳуқуқий муносабатларни хўжалик алоқаларининг янги босқичига киритиш анъанага айланди. Ҳақиқатда эса бундай қараш тўғри эмас. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ижара (лизинг) қадим даврлардан маълум бўлган. Шу боисдан бўлса керак, гарбда бирор-бир қадимий нарса ҳақида гапиришганда, кўпинча “лизинг каби қадимийдир” деган гапни эслашади.

Лизинг сўзи иқтисодиёт учун янгилик эмас, бироқ қадимда лизинг (lease) сўзи амалиётда фойдаланилмаган. Лизингнинг мазмуни ва моҳиятини очиш — Аристотель даврларига бориб тақалади (тахминан милодимиздан аввалги 384-383-382 йилларни ўз ичига олган даврлар). Аристотель шундай деган: “Бойлик эғалик қилишда эмас, балки ундан самарали фойдаланишдадир”. Ҳозирги замон тили билан айтганда, кишининг даромад олиши учун қандайдир бир мулкка албатта эғалик қилиши шарт эмас, балки ундан фойдаланиши ҳуқуқига эга бўлиши ва натижада фойда олишнинг ўзи кифоя қилади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, қадимда лизинг бирор-бир аниқ мулкни ижарага бериш билан чегараланмаган. Бу даврда нафақат қишлоқ хўжалиги технологияси ва ҳунармандчилик асбоб-ускуналари, балки ҳарбий аслаҳалар, қурол-яроқлар ҳам ижарага берилган. Маътумотларнинг гувоҳлик беришича, лизинг битими амалиётда қўлланилганлигини тасдиқловчи биринчи ҳужжат 1066 йилга бориб тақалади. Бунда қирол Вильгельм нормандларнинг кема эгаларидан, кемаларни Британия оролларини ишғол қилиш учун ижарага олганлиги қайд этилган. Икки ҳафталик вақт ичида икки йирик флот (бири норвеглар, иккинчиси нормандлар) Англия қироллигини ишғол қилиш учун етиб бордилар. Ўша вақтларда ҳар иккала флот жуда ҳайбатли эди. Бироқ, на норвегларнинг қироли ва на нор-

мандларнинг герцоги бундай тadbирни молиялаштиришга иқтисодий имконияти бўлмаган. Шунинг учун, зарур бўлган кемаларни ва қурол-аслаҳаларни олиш учун ижаранинг махсус шакли — яъни “лизинг” дан фойдаланилган.

Венецияда ҳам XI асрда лизинг операцияларига ўхшаш битимлар мавжуд бўлган: венецияликлар кема эгаларига ва сотувчиларга ўша вақтлар жуда қиммат ҳисобланган кема якорларини ижарага берганлар. Сузиш тугагандан сўнг «пўлат қимматликлар» эгаларига қайтарилган ва яна ижарага берилган. XIX асрнинг бошларида Буюк Британияда саноатнинг ривожланиши, асбоб-ускуналарнинг турли хиллари кўпайиши оқибатида, лизингга топшириладиган товарлар сонининг ўсиши юз берди. Бунда темир йул транспорти ва кўмир саноатининг ривожланиши асосий ўринни эгаллади. Кўмир конлари эгалари ўз ишларини бошланишида кўмирни ташиш учун вагонлар сотиб олдилар, бироқ тезликда бунинг фойдасизлигини ва ҳатто, бундай молиялаштиришнинг иложи йўқлиги маълум бўлди. Кўмирни қазиб чиқариш ҳажмининг ўсиши, янги шахталарнинг очила бошланиши жуда кўплаб вагонларни талаб этарди. Кичик корхоналар бундай қулай шароитдан фойдаланиб, капиталларини шу каби тармоқларга хизмат кўрсатадиган тармоқларга қўйишди. Улар кўмир ташиш учун вагонларни сотиб олиб, уни темир йўл компанияларига ижарага—лизингга берардилар. Шундай қилиб, ягона мақсади ва фаолияти фақатгина темир йўл ва вагонларни лизингга берадиган компаниялар юзага келди. Битимни тузиш вақтида лизингдан фойдаланувчига, лизингнинг муддати тугаганидан сўнг унга мулкни сотиб олиш ҳуқуқини беришни кўзда тутарди. Бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб, фойдаланувчиларнинг вагонларни ишлатишда эҳтиёткорлик ва тўғри фойдаланишга ундаш эди, чунки улар кейинчалик шу вагонларни сотиб олишлари мумкин эди. Бундай битимлар ижара сотув битими номини олди. Инглиз тилида “hire-purchase” ибораси таржима қилинганда “ижара-харид” маъносини англатади. Бироқ, биринчи термин кенгроқ тарқалгандир. Лизинг ва ижара сотуви ривожланишидаги кейинги bosқичларда лизинг битимларидан ва ижара сотувларидан чекловларни олиб ташлаш зарурияти туғилди. Шу билан бирга, нафақат Европада, балки АҚШда ҳам турли хилдаги техника

ва асбоб-ускуналар ижарасини молиялаштиришга талаб кучли эди. Хусусий мулкчиликка тегишли биринчи қайд қилинган ижара битими XVIII аср бошида Американинг шимолий бирлашган штатларида қайд қилинган. Бунда ижарага отлар ҳамда аравалар берилган. Буюк Британияда лизинг операцияларининг фаоллашуви, ушбу давлатда темир йўл транспортлари ривожланиши билан боғлиқдир. Бунда инвесторлар йўналтирилган маблағлар даромадлилигини темир йўл ва вагонларини сотиб олишни молиялаштириш орқали таъминлаганлар. Асбоб-ускуналарни бошқаришни трастлар амалга оширганлар, уларнинг орқасида банклар ёки уларни ташкил этган йирик қўшма трастлар турган. Трастларнинг сертификатлари инвесторларга сотилган ва инвестициянинг ҳажмига қараб маълум миқдорда фонд олиш ҳуқуқи берилган.

Ҳозирги замон лизинг муносабатларига ўхшаб траст бошқарувчиси, асбоб-ускуна тайёрловчига тўлов тўлаб, сўнгра шу асбоб-ускунадан битим асосида фойдаланувчидан ижара тўловини йиғиб олар эди. Ижара тўлови ўзининг ҳажми бўйича барча мажбуриятларни қоплаган.

XX аср бошларида жўнатиладиган товарлар ҳажмининг ортиши билан, кўпгина темир йўл лизинг компаниялари вагонлардан фойдаланишда монополик қилиш ёки узоқ муддатли бошқаришдан кўра асбоб-ускуналарни ишончли фойдаланишга берилишни афзал билдилар. Бу мазкур воситалардан фақатгина қисқа муддатда фойдаланиш талаб қилинишига олиб келди. Трастлар қисқа муддатли битимлар тузишга ҳаракат қилишардилар. Битимнинг муддати тугаганидан сўнг вагонлар ижарага берувчига қайтарилар, ўз навбатида, у мулкка эгаликни ўз қўлида сақлаб қолар эди. Бундай ижара тўловлари, ҳақиқий ёки операцион лизинг юзага келишига шароит яратди. Халқаро статистиканинг гувоҳлик беришича, ҳозирда бундай битимлар лизинг битимларининг асосий қисмини ташкил қилади.

Австриялик иқтисодчи В. Хойер ўзининг “Европада қандай қилиб бизнес қилиш мумкин” деб номланган китобида келтиришича, лизинг сўзини биринчи оммавий тарзда ишлатилиши 1877 йилларга бориб тақалади. “Белл” номли телефон компанияси ўзининг телефон аппаратларини сотиш ўрнига уларни ижарага бериш-

ни лозим топган. Яъни ушбу корхона асбоб-ускунани фақатгина ижара тўлови асосида миждознинг уйи ёки иш жойига ўрнатишни жоиз топди. Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШ ҳукумати расмий рентабеллик шартномаларидан фаол суръатларда фойдаланди. Бу ижара бизнеси ривожланиши учун рағбатни таъминлашга яна бир туртки бўлди.

Шу даврда транспорт воситалари билан боғлиқ бизнесда лизинг операциялари ҳажмининг ошиши юз берди. Автомобилларни лизингга бериш — 1918 йилга бориб кенг тарқалди. Ундан сўнг ўтган асрнинг 30-йилларида Генри Форд автомобиллар сотиш самарадорлигини ошириш учун ижарадан фойдаланди. Бироқ, автомобиль лизинги бизнесининг қонуний тус олишига Золли Френкнинг хизматлари катта. У ўтган асрнинг 40-йиллари бошида автомобилларни узоқ муддатга ижарага беришни биринчи бўлиб таклиф этган чикаголик савдо агентидир.

Ҳозирги даврда транспорт лизингидан тушаётган ялпи даромадлар йилига 50 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетмоқда.

Ижарага саноат воситалари ёппасига берила бошланиши билан ижара муносабатларида ҳақиқий инқилоб юз берди. Хусусан, технологик асбоб-ускуналар, машиналар, механизмлар, кемалар, самолётларни ижарага бериш кенг ривожланди. АҚШ ҳукумати бу ютуқни тўғри қабул қилиб, лизинг механизмларини тезликда қайта ишлаб чиқди ва уни рағбатлантириш учун давлат дастурини қабул қилди.

1952 йилда Сан-Францискода тузилган “United States Leasing Corporation” — лизинг операциялари асосий фаолият тури бўлиб ҳисобланган биринчи ҳиссадорлик жамиятидир. Бу компанияга Генри Шонфельд асос солган. Аввалига у компанияни фақатгина битта махсус лизинг битими учун тузди. Аммо Генри Шонфельд лизинг битимини жуда истиқболли эканлигига тушуниб етди ва натижада “United States Leasing Corporation” вужудга келди. Лизинг операциялари жуда қисқа вақт ичида АҚШ чегарасидан чиқиб, лизинг бизнесини ривожлантиришнинг асосий тушунчаси ҳисобланмиш “халқаро лизинг операциялари” юзага келди. Сўнгра бундай лизинг компаниялари бошқа мамлакатларда ўзларининг бўлимларини оча бошладилар.

Жаҳонда халқаро лизинг операциялари кенг кўламда ривожланган бўлсада, мамлакатимизда унинг ривожланиши мустақилликдан сўнг кенг тус олди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси молия бозорида хорижий капитал иштирокида бир неча йирик кўшма лизинг компаниялари фаолият юритмоқда.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Лизинг қачон пайдо бўлган?
2. Лизинг муносабатлари келиб чиқишига зарурат нимадан иборат эди?
3. Ўтган асрнинг бошларида нима учун айнан транспорт воситалари билан боғлиқ лизинг муносабатлари ривожланди?
4. Биринчи қайси ҳиссадорлик жамиятининг асосий фаолият тури лизинг операциялари бўлиб ҳисобланган?

## **9.2. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ**

Хўжалик алоқалари байналмилаллашуви муҳотида халқаро лизинг янги кўринишларга эга бўлмоқда ва ундан фойдаланиш ҳажми ҳамда тармоқлари кўпайиб бормоқда.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Америка, Фарбий Европа ва Япония мамлакатлари банклари иштирокида “Орион Лизинг Холдинг” халқаро миқёсдаги лизинг компаниялари вужудга келди. Бундай лизинг компаниялари, одатда, лизинг олувчи фирмаларга кема, самолёт, асбоб-ускуналар ва шу кабиларни 3 йилдан то, 10-15 йилгача бўлган муддатда мулкчилик ҳуқуқисиз ижарага беради.

Халқаро амалиётда асбоб-ускуналарни ижарага бериш қуйидаги турларга бўлинади:

1. Қисқа ва ўрта муддатли (рентинг) — 3 йилгача. Бунда андоза асбоб-ускуналар, яъни автомобиллар, тракторлар, темир йўл вагонлари ва шу кабилар лизингга берилади;

2. Ўрта ва узоқ муддатли (лизинг)да саноат технологияси билан боғлиқ асбоб — ускуналар ижарага берилади.

Лизингнинг юқоридаги икки тури ўртасидаги фарқ қуйидагиларда намоён бўлади:

- рентингда шартномадаги объект давомли келишувлар бўйича ишлатилиши;
- узоқ муддатли ижарада эса ижарага берилаётган асбоб — ускуна шартномада белгиланган меъёрий муддатгача узлуксиз ишлатилиши мумкиндир.

Халқаро лизинг операциялари билан ижара орасидаги фарқ қуйидагиларда намоён бўлади:

- битим объекти, асбоб-ускунани ўз ҳисобига сотиб олган лизинг берувчи эмас, балки лизинг олувчи томонидан танланади;
- шартнома муддати тугашида мижоз имтиёзли ставкада мулкни ижарага беришни ёки бўлмаса ижарага берилаётган мулкни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиши мумкин;
- лизинг муддати асбоб-ускуна эскириши муддатидан кам бўлади ва одатда амортизация муддатигача узайтирилади;
- лизинг берувчи бўлиб, одатда, молия муассасаси — лизинг компанияси қатнашади.

Шунингдек ижара тўловлари ҳар ойда, ҳар чоракда ёки бўлмаса ярим йил учун амалга оширилади. Ижара тўлови ставкалари, ижарага олинаётган асбоб-ускуналар қиймати ва характеридан келиб чиқади. Бу тўлов, охир-оқибатда, ижарага берилаётган асбоб-ускунани тижорат нархидан ошиши лозим бўлади.

Ҳозир замонавий лизинг хизматлари бозорида тузилаётган шартномаларни кенг тарқалиши — лизинг шакллариининг кўплиги, унинг кўрсаткичлари тез суръатларда ўсиши билан изоҳланади. Жаҳон бозорида лизинг хизматларини асосий қисми уч марказда жойлашгандир. Булар:

1. АҚШ;
2. Ғарбий Европа;
3. Япония.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, лизинг операциялари билан тижорат банклари эмас, балки ихтисослашган компаниялар шуғулланадилар.

Мамлакатда лизинг хизматларини ривожлантириш, иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш тармоқларини рағбатлантириш ва шу орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кучли туртки бўлади. Бундан ташқари, халқаро лизинг халқаро кредитни бир шакли сифатида

банклар ва лизинг компаниялари ўртасида рақобат кучайишига туртки бўлади. Бу ўз навбатида ссуда фоизлари тушишига ва натижада капиталларни ишлаб чиқариш соҳаларига оқиб кириши учун қулай замин яратади. Лизингнинг энг асосий ютуғи — бу кредит доирасида кўрсатиладиган хизматлар кенглиги билан тавсифланади.

Халқаро лизинг операцияларининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Йирик халқаро лизинг ташкилотлари халқаро лизинг бўйича кенг қўламда хизматлар таклиф қиладилар. Жаҳонда энг йирик халқаро лизинг ташкилотларидан “Эбиклиз”-ни ва Миллий лизинг ассоциацияларининг Европа федерацияси — “Лизюроп”ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. “Эбиклиз” ташкилоти Голландия, Италия, Германия, Австрия, Буюк Британия, Бельгия ва Франция давлатларидаги лизинг компанияларини ўзида мужассамлаштирган. Бу ташкилот кўпчилик ҳолларда халқаро лизинг битимларини амалга оширишда воситачи вазифасини бажаради. “Лизюроп” 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 17 та мамлакатнинг 700 та лизинг компаниясини бирлаштиради. Унинг таркибига Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Болгария, Швейцария, Германия, Дания, Испания, Франция, Италия, Ирландия, Люксембург, Норвегия, Португалия, Швеция, Голландия, Финландия давлатларининг лизинг компаниялари киради.

Ҳозирги кунда амалга ошириладиган халқаро лизинг операцияларининг тенг ярми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. АҚШда лизинг юксак суръатларда ривожланишининг муҳим сабабларидан бири — инвестициявий солиқ имтиёзининг мавжудлигидир.

Мазкур халқаро лизинг ташкилотлари иқтисодиётда бир-қанча вазифаларни амалга оширадилар. Уларнинг асосийлари:

- барча ҳуқуқий, солиқ билан боғлиқ молиявий масалаларни ҳал этиш;
- ушбу ташкилотларга аъзо мамлакатларнинг қонунчиликларини ўрганиш ва таққослаш;
- лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш;
- лизинг битимларининг шартлари тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш.

Халқаро лизинг миллий иқтисодиётни ривожлан-



тиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб, ривожланаётган давлатларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шу орқали мамлакатга валюта тушумини оширишда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ҳамда янги технологияларга эҳтиёж сезилади. Айниқса олтин-валюта захиралари чекланган мамлакатларга халқаро лизинг жуда кўл келади. Чунки асбоб-ускунани сотиб олишда лизинг олувчи мамлакат, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг экспортбонлигини исботлаган ҳолда ва валюта тушуми ҳаққонийлигини таърифлаб, халқаро лизинг муносабатларида иштирок этади. Айнан халқаро лизингнинг аҳамияти шу ерда кўзга ташланади.

Бозор иқтисодиётига ўтишда, Ўзбекистоннинг халқаро лизинг компаниялари билан асосли битимлар тузиши ва шу орқали саноатни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари кенгаймоқда. Бу саноат ва ишлаб чиқаришнинг самарали ва юқори даражада ривожланишига, пировардида иқтисодий ўсишга олиб келади.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. “Орион Лизинг Холдинг” деб номланадиган халқаро миқёсдаги лизинг компанияси ким томонидан ташкил этилган?
2. Халқаро амалиётда асбоб-ускуналарни ижарага беришнинг қандай турлари мавжуд?
3. Нима сабабдан замонавий лизинг хизматлари бозорда тузилаётган шартномалар кенг тарқалмоқда?
4. Халқаро лизинг операциялари жаҳон иқтисодиётида қандай аҳамиятга эга?
5. “Лизюрел” қачон ташкил этилган ва унинг таркибига қайси мамлакатларнинг лизинг компаниялари киради?

### **9.3. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Халқаро лизинг бозорининг шаклланиши, унга янги тармоқ ва соҳаларнинг қўшилиши, шунингдек халқаро лизинг муносабатларида қатнашаётган мамлакатларнинг сонини ортиши, жумладан, собиқ Иттифок

ва бошқа социалистик тизим давлатларининг қўшилиши муносабати билан мазкур давлатларнинг ташқи иқтисодий фаолиятларидаги иштирокини мувофиқлаштиришда лизинг операцияларини тартибга солиш муаммосини ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш вазифаси турибди. Мамлакат иқтисодиётини тиклашда халқаро лизингнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш билан бирга, лизинг бизнесини миллий даражада ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бойитиш зарурати юзага чиқмоқда.

1998 йилнинг май ойида Канаданинг Оттава шаҳрида “Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенция” қабул қилинди. Конвенциядан кўзланган асосий мақсад — молиявий лизинг бўйича асосий терминологияни аниқлаш ва умумлаштириш ҳамда лизинг битимида иштирок этадиган ҳамма томонларнинг ўзаро муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат эди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, Конвенциянинг асосий қисми — лизинг муносабатларини туркумланиши ва тавсифининг асосий жиҳатлари ёритиб берилди.

Конвенцияда лизинг бўйича қуйидаги тамойиллар асос этган:

- келажакда лизинг олувчи, ўзига асбоб-ускунани етказиб берувчини мустақил равишда танлайди;

- лизинг компаниясидан асбоб-ускунани сотиб олиш, яъни лизинг объектини олди-сотдиси амалга оширилишида асбоб-ускунани етказиб берувчи томонга, ускунани кейинчалик ижарага бериш учун олинаётганлиги мақсадида эканлиги билдирилади;

- лизинг бўйича тўловларнинг ҳисоб-китоби — амортизациянинг қабул қилинган шартлари асосида амалга оширилади.

Шу билан бирга, юқорида қайд қилинган Конвенция уч томон иштирок этишини кўзда тутувчи классик лизингдан келиб чиқиб, битимларни аниқлайди ва тартибга солади. Мазкур Конвенция “қайтарилдиган лизинг” деб ном олган икки томонлама ўрнатилган лизинг битимларини ўз ичига олмайди. Шунингдек шахсий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган лизинг ҳам мазкур Конвенция томонидан тартибга солинмайди.

Конвенциянинг марказий ўрни — лизинг берувчи, лизинг олувчи ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларнинг мулкӣ жавобгарликларининг ҳиссасига қара-

тилган. Лизинг олувчининг мулкый ҳуқуқларининг ҳимояси уни вақтинча фойдаланишга олинган мулкнинг эгаси эканлигидан келиб чиқилади.

Қабул қилинган Конвенцияда лизинг берувчининг лизинг олувчи олдидаги жавобгарлик ҳиссаси лизинг берувчи томондан лизинг олувчига асбоб-ускунани етказиб берувчининг танлашда аралашishi ёки лизинг объектининг алоҳида ихтисослашуви билан чегараланган. Конвенциянинг шу қисми билан бир қатор давлатларнинг ҳуқуқий амалиётлари мос келмайди. Мазкур қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида Конвенция — жавобгарлик масалаларини миллий хусусиятлардан келиб чиқиб, мувофиқлаштиришга руҳсат беради.

Лизинг олувчи олинган мулкка эгалик ҳуқуқини таъминлаб туриши учун, у мазкур асбоб-ускунадан битимда кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланиши ва унинг маънавий ҳамда жисмоний эскиришларини ҳисобга олган ҳолда битим тузиши лозим. Асбоб-ускунадан фойдаланувчи ўз вақтида ва келишилган жадвал асосида лизинг тўловларини амалга ошириши шарт. Лизинг олувчи томонидан ўз мажбуриятларини бажарилмаслиги ҳолатларида мулк эгаси унга тегишли тўловлар тўланишини ва келишилган битимга риоя қилинмаслиги оқибатида кўрилган зарарларни қоплашини талаб қилиши мумкин. Томонлар битимда кўрсатилган келишувлар бўйича битимни бекор қилишлари мумкин.

Конвенция, лизинг олувчининг бошқа томондан мулкый ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан бирга, агарда мулкдан фойдаланувчидан ташқари, бошқа бир учинчи шахс кўпроқ фойда олса, бу ҳолда тўлиқ жавобгарлик мулкнинг эгасига ўтишини кўрсатади. Агарда бу ҳолат, фойдаланувчининг ҳаракати натижасида юзага келса, у ҳолда инobatга олинмайди.

Республикамизда лизинг муносабатлари ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқмоқда. Ушбу лизинг муносабатлари жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган лизинг муносабатлари билан мувофиқлаштирилгандир.

Ўзбекистонда Конвенция қоидаларига асосан, битим бажарилмай қолганда, яъни лизинг олувчининг асбоб-ускунадан фойдаланиш даврида, кейинчалик, тўловга лаёқатсизлиги аниқланса, шерикларининг у билан бўладиган кейинги муносабатларини билиши муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонуний меъёрий ҳужжатларида қарз олувчининг тўловга лаёқатсизлиги аниқланса, уни тўловга нолайиқ, яъни банкрот деб эълон қилиш кераклиги кўзда тутилган.

Хусусан, 1996 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 35-моддасида шундай дейилади:

— “банкдан олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олмай, мажбуриятларини бажара олмаётган қарздор банк томонидан тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиниши ва матбуотда бу ҳақда чоп эттирилиши мумкин. Банк бундай қарздорларни банкрот деб тан олиниши талаб қилиб, хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин”.

Бироқ, ҳозирги вақтда МДХнинг бир қатор давлатларида лизинг берувчи мулкни фойдаланишга берилган томоннинг тўловга лаёқатсизлиги аниқлансада, унинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ ўрнатилмаган. Лизинг олувчи томон банкрот деб эълон қилинганда, у мулкнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланмайди. Бундай вазиятда лизинг олувчи тўловни ундириш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Банкротлик ҳолатида лизинг битими лизинг олувчининг айби билан бекор қилинган ҳисобланади. Лизинг олувчи лизинг берувчига битим бузилганлиги натижасида юзага келадиган зарарларни тўлиқ қоплаши шарт. Банкрот бўлган корхона ўзининг мажбуриятларини тўлашда, контрагентлари қаторига лизинг берувчи ҳам киритилади. У ўзига тўловларни ундириши учун навбатга, яъни рўйхатга қўйилади ва ўрнатилган тартибда тўлов амалга оширилади.

Конвенцияда битимда қатнашаётганларнинг талабларига биноан, “лизинг берувчининг мулкига лизинг олувчининг вақтинчалик эгалигини кўрсатувчи битимни расман эълон қилиниши мумкинлиги тўғрисида” умумий қоида қайд қилинади.

Шунингдек ушбу Конвенцияга мувофиқ, лизинг олувчига худди олди-сотди битимида харидорга бериладиган ҳуқуқ доираси каби ҳуқуқ берилади. Мулкдан фойдаланувчи асбоб-ускунани етказиб берувчидан мулкни олди-сотдиси битими бўйича ўрнатилган тартибда худди мулк эгаси сифатида етказиб бериш шартларини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шу билан у асбоб-ускунани етказиб берувчининг олдида мулкнинг эгаси

бўлиб ҳисобланади. Аслида у ҳақиқий мулк эгаси эмасдир. Бироқ, лизинг олувчи асбоб-ускунани етказиб берувчи билан ўрнатилган олди-сотди битимини бекор қилишни, мулкнинг ҳақиқий эгасини огоҳлантиришсиз мустақил тарзда амалга оширолмайди. Асбоб-ускунани етказиб бериш бўйича шартлар бузилганда, лизинг олувчи мулкнинг ҳақиқий эгасидан, у орқали ушбу шартлар бажарилишини таъминлашини ёки асбоб-ускунани етказиб берувчи ва лизинг компанияси ўртасидаги етказиб бериш битимини бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда халқаро лизинг муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилмоқда. Юқорида қайд этилган шартнома моддаларини бажариш ҳамда лизинг муносабатларида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш, халқаро андозаларга мос равишда ишлаб чиқилмоқда.

#### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. “Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенция”ни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат?
2. Конвенцияда лизинг бўйича қандай тамойиллар ўз аксини топган?
3. “Қайтариладиган лизинг” нима?
4. Конвенцияда ижарага бериладиган мулкка нисбатан қандай мулкый муносабат амал қилади?
5. Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари қайси қонуний-меъёрий ҳужжатларга асосланади?

#### **9.4. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ШАКЛЛАРИ**

Халқаро лизинг бир вақтнинг ўзида молиялаш ва янги технологияларни харид қилиш масалаларини ҳал этиш, айланма маблағларни тўлдириш ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун маблағларни озод қилиш имкониятини берувчи молиявий воситаларнинг энг муҳим шаклларида биридир.

Халқаро лизинг шакллари таҳлил қилишда унинг энг кенг тарқалганларини (лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасидаги муносабатларни ҳисобга олиб), бе-

**восита** (тўғридан-тўғри) ва **билвосита** (эгри) лизинг турларини ажратишимиз мумкин.

- Бевосита лизингда лизинг берувчи бўлиб — бевосита мулк эгасининг ўзи битимни амалга оширилишида иштирок этиши шарт.

- Билвосита лизингда ижарага берилаётган мулк эгаси — учинчи томоннинг иштирок этиши шартдир.

Халқаро лизингни кредитлаш усули бўйича **муддатли ва қайта тикланувчи** лизингларга ажратиш мумкин.

Муддатли лизингда ижара бир маротаба амалга оширилади. Қайта тикланадиган лизингда эса, лизинг шартномаси битимнинг биринчи муддати тугаши билан қайта тикланади.

Шунингдек халқаро лизингни операцион ва молиявий лизингларга бўлиш мумкин.


**Операцион лизингда** корхоналар асбоб-ускунага мулк ҳуқуқини олмасдан туриб, ундан фойдаланиш учун шартнома тузадилар.

**Молиявий лизинг** деб, асбоб-ускунани ижарага олаётган фирма кейинчалик уни қолдиқ қийматда тўла сотиб олишига айтилади.

Бунга мисол қилиб, самолётларни лизингга беришни кўрсатиш мумкин. Одатда, лизингга беришни авиакомпания таклиф этади. Ўз навбатида у таклифларини бир қанча лизинг компаниялари ва банкларга танишиш ҳамда маълумот учун юборади. Кейин улар ўзларини кредитлаш шартларини ва ўзларига мос вариантларини матбуотда кенг миқёсда эълон қиладилар. Лизинг битими тузилишида уч томоннинг иштирокини қуйидаги чизма кўринишида ифодалаш мумкин:

5-чизма.

**Уч томонлама лизинг битимини тузишда лизинг тузилишининг таркибий чизмаси**



Бу ерда:

1. Лизинг олувчи томонидан ариза қабул қилиниши;
2. Лизинг олувчининг тўловга қобилиятлилигини ва лизинг лойиҳасининг самарадорлиги аниқлаш;
3. Объектни (мулкни) етказиб берувчига буюртма бериш;
4. Лизинг битимини амалга ошириш учун ссуда олиш;
5. Лизинг объектини олди-сотдиси ҳақидаги битимни тузиш;
6. Асбоб-ускунани фойдаланиш учун олинган ҳужжатларни расмийлаштириш;
7. Лизинг битимини тузиш;
8. Лизингга берилаётган мулкка техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги битимни расмийлаштириш;
9. Лизингга берилаётган мулкни суғурталаш битимини расмийлаштириш;
10. Лизинг тўловларини амалга ошириш;
11. Лизинг объектини қайтариш;
12. Ссудани ва унинг фоизларини тўлаш.

Банк (бир ўзи ёки консорциумдаги бошқа банклар билан ҳамкорликда) лизинг бўйича махсус компанияни ташкил этади. Лизинг компанияси фойдасига самолётни сотиш шартномасини тузиш ҳуқуқи берилади ва у ҳуқуқий жиҳатдан мулкнинг эгаси булиб ҳисобланади. Компания фақатгина маълум операцияни амалга ошириш даври учун ташкил қилинади ва одатда, операция тугагандан сўнг унинг фаолияти тугатилади. Масалан, Франция давлатида самолётларни лизингга бериш соҳасида бир қанча ўнлаб махсус компаниялар фаолият юритадилар. Авиаккомпания ихтисослашган компаниянинг фойдаси учун самолётни сотиб олиш ҳуқуқини беради. Бу ҳуқуқ шартлари авиаккомпания билан самолёт етказиб берувчи ўртасида олдиндан келишилади ва самолётни суғурталаш ўз ҳисобига амалга оширилади. Банк томонидан кредитлашнинг асосий шартидан бири бўлиб — банкка суғурталаш сертификатини тақдим қилиш ҳисобланади.

Лизингга ихтисослаштирилган компаниялар самолётни эгаси сифатида уни кредитор-банкка гаровга ўтказишни расмийлаштиради ва банк кредити ҳисобига самолёт етказиб берувчининг фойдасига самолёт қийматининг 100 фоиз тўловини амалга оширади. Кредит

ва унга тўланадиган фоизлар — авиакомпания томонидан самолётдан фойдаланиш даврида тушадиган тушумдан тўлиқ қопланади.

Бу операцияда авиакомпаниянинг мажбуриятлари бўйича кафолат берган томон (масалан, хизмат кўрсатувчи банк) ҳам қатнашиши мумкин.

Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишда вужудга келадиган рискларни баҳолашда одатда қуйидаги омилларни эътиборга олиш тақозо этилади:

- Лизинг олувчи компаниянинг молиявий ҳолати ва тижорат доирасидаги мавқеи;

- Шартнома баҳосининг иккиламчи бозордаги ўзгариши;

- Лизинг олувчи фирма томонидан лизинг объектини ишлатилиш шарт-шароитлари;

- Компания кириб келаётган мамлакатдаги молиявий-иқтисодий ва сиёсий ҳолатларни (яъни миллийлаштириш rischi, чет элга валюта маблағларини ўтказишдаги мавжуд чекловлар, гаров ҳуқуқини амалга оширишда вужудга келадиган қийинчиликлар rischi ва бошқалар).

Ижарага берилаётган мулкка нисбатан қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- **Соф лизинг битими.** Соф лизинг битимида ижарага берилаётган мулкнинг хизмат кўрсатишида ёки фойдаланишда пайдо бўладиган кўшимча харажатларни лизинг олувчи ўз бўйнига олиши кўзда тутилади;

- **Тўлиқ лизинг битими.** Тўлиқ лизинг битимида мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ барча харажатларни ва техник таъминот билан боғлиқ харажатларни ижарага берувчи ўз бўйнига олади.

Ижарага берилаётган объектнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб — *ҳаракатланадиган* мулкка бериладиган лизингни, *ҳаракатланмайдиган* мулкка (маъмурий бино-иншоотлар, омборхоналар, супермаркетлар, гаражлар ва бошқалар) бериладиган лизингларга бўлишади.

Одатда, кўчмас мулк лизингидан — қурилишда фойдаланадилар. Тадбиркорлар саноат бино-иншоотларни қуришда кўпинча ўз капитали етишмаслигидан қийналадилар ёки улар ўзларининг пул маблағларини айланишидан олиб, уни узоқ муддат давомида янги объектларни қуришга сарфлашни маъқул кўрмайдилар. Саноат объекти, омборхона қурилиши, меҳмонхона қури-



лиши учун кўп ҳолларда инвестицияга керак бўлаган сумманинг кичик ва ўрта ҳол фирмаларга етмай қолиш хавфи туғилади. Бундай шароитда лизинг компаниялари турли объектлар қурилишини, кейинчалик кўчмас мулкни лизинглаш билан кредитлашади. Кўчмас мулк объектини қуриш ва жиҳозлаш мажбуриятини лизинг компанияси ўз бўйнига олади ва ундан фойдаланиш натижасида тушган даромаднинг сезиларли қисмини олади. Лекин бу объектдан лизинг компанияси фойдаланмайди, балки ижарага топширилган фирма фойдаланади.

Мижознинг гаровланган талаби бўйича лизинг компанияси ер майдонини сотиб олишга маълум миқдорда маблағ сарфлайди ва пудратчига лойиҳалаш, қуриш ишлари ва мижознинг талабларига мувофиқ объектни жиҳозлаш каби ишларни топширади. Объект қурилиши тугагандан сўнг 20-30 йил муддатга мижозга ижарага берилади. Бу муддат тугашидан олдинроқ, ижарачи объектни тўла сотиб олиши мумкин. Кўчмас мулкнинг лизинги, оддий ижарадан шуниси билан фарқланадики, объектни жиҳозлаш ва қуриш, маълум мижоз учун унинг барча талабларини эътиборга олган ҳолда олиб борилади. Қурилган объектни фойдаланишга олган мижоз, уни таъмирлаш ва атроф-муҳитни тозалаш билан боғлиқ харажатларни ўз бўйнига олади. Мижоз бу объектни тўла ёки қисман суб ижарага топшириши мумкин, бироқ, унга эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг компаниясида қолади.

Инвестиция лизинги бизнесга йўналтирилган капиталдан фарқли равишда инфляциядан ҳимоялангандир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, одатда, ер ва кўчмас мулк нархи тинмай ўсиб бориш аъъанасига эгадир.

Халқаро лизинг операцияларидан жаҳон амалиётида ҳаракатланувчи мулк лизинги кенг тарқалган. У ўзига жуда кўп объектларни бириктиргандир. Уларнинг асосий гуруҳларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

— транспорт воситалари (юк ташувчи автомобиллар, енгил автомобиллар, самолётлар, кемалар ва шу каби транспорт воситалари);

— телевизион ва масофавий техник-электрон алоқалар воситалари;

— станоклар;

— қурилиш техникаси;

— компьютерлар ва маълумотларни қайта ишлаш воситалари;

— саноат, яъни ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, механизмлар;

— лицензия, ноу-хау, компьютер дастурлари ва шу кабилар.

Лизингнинг муддати ёки даври деганда — лизинг шартномасининг ҳаракат муддати тушунилади. Бу даврда лизинг берувчининг балансида лизингга топширилган ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва шу кабилар) ҳисобда туради ҳамда лизинг олувчи ўзининг ҳўжалик фаолиятида лизинг компанияси томонидан ўрнатилган тўловларни тўлаб, ундан фойдаланади.

Лизингнинг бирламчи ва иккиламчи даврларига ажратишади. Лизингнинг бирламчи даври дейилганда, битим ҳаракатининг асосий даври тушунилади. Бунда лизинг олувчи лизинг компаниясига объектнинг тўла амортизация ажратмалари ҳамда ажратилган фоизларни тўла амалга оширмаган бўлади. Иккиламчи даврда, лизинг олувчи лизинг фирмасига тўлиқ тўловни амалга оширади. Бироқ, лизинг фирмаси лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқини бермаган бўлади. Лизинг олувчи асбоб-ускунани анъанавий ставкада фоиз тўлаган ҳолатда фойдаланишда давом этади. Бу каби лизинг муддатини узайтириш, лизинг шартномасида албатта келишилган бўлиши керак. Назарий жиҳатдан лизингнинг иккиламчи даври вақт бўйича чекловларга эга эмас, бироқ, унинг муддати асбоб-ускунанинг ҳақиқий хизмат муддати билан чегаралангандир. Асбоб-ускунага эътибор қаратиш ва бузилганда ўз вақтида қайта таъмирлаш каби масалалар, иккиламчи даврни номаълум муддатга узайишига олиб келиши мумкин.

Халқаро амалиётда халқаро лизинг шартномаларининг қўйилаги шакллари ишлаб чиқилди.

**1. Андозали лизинг.** Лизингнинг бу шаклида асбоб-ускунани ишлаб чиқарган шахс уни лизинг компаниясига ўзи мустақил тарзда сотади. Лизинг компанияси асбоб-ускунани истеъмолчига ижарага беради. Асбоб-ускунани ишлаб чиқарувчи ва уни лизингга олувчи ўртасидаги лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатлар ўрнатилмайди. Бу ерда асбоб-ускунага техник хизмат кўрсатиш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Бу ҳолда асбоб-ускунани ишлаб чиқарган шахс билан

лизинг олувчи ўзига хизмат кўрсатиш учун алоҳида битим тузиши лозим. Бунга асосий сабаб, лизинг компанияси техник хизмат кўрсатиш масалаларига аралашмайди.

2. **“Соф лизинг”**. Бунда асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ асосий мажбуриятлар лизинг олувчи бўйнига тушади. У солиқлар ва ҳар-хил йиғимларни, тўловларни ҳамда асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ барча харажат ва суғурта тўловларини тўлайди. Лизинг олувчи асбоб-ускунани ишга соз ҳолатда сақлаши лозим. Шу билан бирга, у ижара муддати тутаганда, лизинг берувчига асбоб-ускунани ўртача эскиришини ҳисобга олиб, яхши ҳолатда қайтариши шартдир. Лизинг берувчи, лизинг олувчи олган мулкдан фойдаланиши билан боғлиқ ҳаракатларга жавоб бермайди. Лекин у асбоб-ускуна ишлатилаётган мамлакатдаги ҳукумат ва бошқа ташкилотлар томонидан бўлиши мумкин бўлган салбий таъсирлар учун жавобгардир.

3. **Қайтарилувчи лизинг — “лиз-бэк”**. Тижорат нуқтаи назаридан лизингнинг бу шакли фирма маблағларга кучли эҳтиёж сезганда қўлланилади. Унинг асосий хусусияти бўлиб, фирманинг молиявий ҳолатини яхшилашга самарали восита сифатида намоён бўлишидир. Бу операциянинг мазмуни шундан иборатки, асбоб-ускунанинг эгаси, асбоб-ускунани лизинг компаниясига сотади, ва сўнгра ундан шу асбоб-ускунани ижарага олади, яъни асбоб-ускунани сотган шахс лизинг олувчига айланади. Бундай операциялар асосан, муомалада олдин ҳам бўлган асбоб-ускуналарга нисбатан қўлланилиши қайд этилади.

4. **“Яхлит лизинг”**. Бу лизингнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб лизинг олувчи учун лизинг берувчи томонидан қўшимча хизматларни таклиф этилиши ҳисобланади. Лизингнинг бу шакли қиммат. Чунки лизинг берувчи асбоб-ускунани етказиб бериш билан бирга таъмирлаш, суғурталаш, баъзи вақтларда ишлаб чиқаришни бошқариш ёки ёқилғи билан таъминлаш каби ишларни ҳам амалга оширади. Одатда, лизингни бу тури янги асбоб-ускуналарни, хусусан, компьютерлар, самолётлар ва бошқа мураккаб машина ҳамда механизмларга нисбатан қўлланилади.

5. **Тўла хизматли лизинг**. Бу лизинг “яхлит” лизингга ўхшаб кетади, бироқ, шартномада бир қанча қўшимча хизматлар кўрсатиши кўриб чиқилади. Масалан, ли-

зинг берувчи асбоб-ускунани сотиб олиш масалаларини тадқиқ қилади. Бу асбоб-ускунани ишлатиш учун зарур бўлган хом ашё материаллари билан таъминлайди. Шу билан бирга, асбоб-ускунадан фойдаланиш учун малакали мутахассислар ёллаб беради ва бошқа бир қатор хизматлар кўрсатади.

**6. Асбоб-ускунани қолдиқ қиймати лизинги.** Лизингнинг бу шакли олдиндан фойдаланилган асбоб-ускуналарни ижараси билан боғлиқ ва у дилерлар (савдо агентлари) томонидан кенг фойдаланилади. Лизингнинг мазкур тури, одатда, 1 йилдан 3-4 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади.

**7. Мол етказиб берувчига лизинг.** Бу ижара шакли “лиз-бэк” лизинги шаклига ўхшайди. Асбоб-ускунани етказиб берувчи икки ёқлама вазифани бажаради. Яъни у асбоб-ускунадан фойдаланувчи бўлмаса ҳам асбоб-ускунани сотувчиси ва ижарага олувчиси бўлиб ҳисобланади. Ижарага олувчи, албатта, суб ижарачини топиши ва асбоб-ускунани суб ижарага топшириши керакдир. Бунинг учун ижарага берувчининг розилиги шарт бўлмасада, асбоб-ускунани суб ижарага топшириш шарт бўлиб ҳисобланади.

**8. Қайта тикланувчи лизинг.** Лизинг операциясининг бу шаклида лизингга берилган асбоб-ускуна вақти-вақти билан янги такомиллашган асбоб-ускунага алмаштириб турилиши лозим. Бу модел асосан, ЭҲМлар лизингида кенг тарқалгандир. Чунки ундаги инвестицион жараён (бозорда янги, такомиллашган турларининг кўпайиш даври, вақти, муддати) жуда қисқа саналади.

**9. Вендор лизинг** (тайёрловчилар ёки ишлаб-чиқарувчилар кооперацияси). Бу ерда лизинг компанияси бўлиб, банк ёки лизинг компанияси билан бирга асбоб-ускунани ишлаб чиқарган фирма ҳам қатнашиши мумкин. Бу модел, қоида бўйича бозорда жуда қиммат баҳодаги асбоб-ускунани олиб чиқишда фойдаланилади. Бунда ишлаб чиқарувчи (тайёрловчилар) ўзларига мижозни қидириш ва лизинг объектига хизмат кўрсатиш мажбуриятини оладилар, лизинг компанияси эса лойиҳани ишлаб-чиқиш, маъмурий масалаларни ҳал қилиш, маслаҳат бериш хизматлари каби операцияларни амалга оширади.

Халқаро лизинг хизматларининг жаҳон бозори — иккинчи жаҳон уруши давридан кейин қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда шаклланиши ва ривожланиши бошланди:

— ликвид маблағлар ҳажмининг тўлиқ етишмаслиги;

— инвестицияни оптималлаштиришни талаб қилувчи рақобатнинг кучайиши;

— ишлаб чиқариш кенгайтирилиши учун корхоналарда етарли маблағлар ажратилишида унинг фойдасини чегараланганлиги;

— иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, хусусан, инвестиция ўсишига шарт-шароит яратилиши учун ҳукумат ва молиявий органлар томонидан лизинг операциялари ривожланишига ҳукумат органларининг кўмаклашиши.

Ҳозирда жаҳон бозорида халқаро лизинг операцияларига талаб жуда катта. Чунки лизинг битимида иштирок этаётган ҳамма томонлар ўзи учун устунликка, ёки янада тўғрироғи, афзалликларга эга.

Лизинг олувчи томон учун афзалликларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- лизинг ишлаб чиқаришни амалга ошириш, унинг ҳажми кўпайишини таъминлайдиган асбоб-ускунага эгалик қилиш учун капитал тўловини амалга ошириш ёки капитал қўйилмани музлашиши каби ҳолатлардан озоддир;

- ижараланаётган мулкнинг зарар кўриш ёки йўқолиш rischi унинг эгасида, яъни лизинг берувчида;

- асбоб-ускунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш унинг эгаси томондан амалга оширилади. Гап бу ерда мураккаб асбоб-ускуна ҳақида бораяпти, ва шубҳасизки, ижрочи ўзи унга хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмасдир;

- лизинг асбоб-ускунани алмаштириш ва замонавийлаштиришни осонлаштиради, шунингдек ижарачига замонавий асбоб-ускунадан фойдаланиш имкониятини беради;

- тўловлар бир вақтда амалга оширилмайди, балки келишилган муддатларда қисмларга бўлиб тўланади;

- лизинг — солиққа тортилиш нуқтаи назаридан жуда ҳам самаралидир (яъни, солиқдан бир қатор имтиёзларга эга);

- лизинг молия-кредит операцияси сифатида сотиб олувчига кредитдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Хусусан, кредит муассасаларидан кредит олиш имконияти бўлмаганда унинг аҳамияти ортади;

- лизингда ижара тўлови, асбоб-ускуна корхонага

ўрнатилганидан ва маълум миқдорда ишлаб чиқаришга эришилганидан кейин амалга оширилишида намоён бўлади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро лизинг нима?
2. Бевосита ва билвосита лизинг турлари бир-биридан қандай фарқланади?
3. Халқаро лизингни кредитлаш усули бўйича унинг қандай шакллари бор?
4. Операцион ва молиявий лизингнинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Уч томонлама лизинг битимини тузишда кимлар иштирок этишади?
6. Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишда вужудга келадиган рискларни баҳолашда қайси омилларга эътиборни қаратиш зарур?
7. Халқаро амалиётда халқаро лизинг шартномаларининг қандай шакллари мавжуд?
8. Лизинг олувчи лизинг муносабатларидан қандай манфаатларни кўзлайди?

## 9.5. ЛИЗИНГГА ИХТИСОСЛАШГАН ХАЛҚАРО КОМПАНИЯЛАР

Жаҳонда бир неча мингдан ортиқ халқаро миқёсда ишловчи лизинг компаниялари ва фирмалари мавжуд. Мазкур лизинг компаниялари ва фирмаларининг фаолияти лизинг операцияларининг ихтисослашуви, ҳажми, потенциали, ҳудудий жойланишига ва бошқа шу каби бир қатор омилларга боғлиқдир.

Қуйидаги 9-сонли жалвалда Европадаги лизинг компанияларининг фаолияти чегараси ва уларнинг миқдори, ҳажми бўйича баъзи бир маълумотларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикамиз иқтисодиётига нафақат Европа, балки жаҳоннинг йирик лизинг компанияларини ҳам жалб этиш муҳим ва аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикасида лизинг компаниялари (жадвалларда келтирилган маълумотлар) орқали халқаро лизинг операциялари билан

боғлиқ лойиҳалар амалга оширилишга имконият яратилади. Бу маълумотлар ҳар бир лизинг лойиҳалари амалга оширилиши учун ёрдам беради. Шунингдек бу маълумотлар лизинг компанияларининг расмий ҳисобланмайдиган рейтингини кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Ўз навбатида шериклар билан олдиндан танишиш имкони берилиши мақсадга мувофиқдир.

9-жадвал<sup>1</sup>

**Европа лизинг компаниялари**

МАМЛАКАТЛАР	Компанияларнинг сони, фаолият юритадиган соҳа доираси		
	фақатгина асбоб-ускуналар лизинги билан	кўчмас мулк лизинги билан	асбоб- ускуналар ва кўчмас мулк лизинги билан
1. Австрия	12	1	21
2. Бельгия	0	0	54
3. Болгария	0	0	14
4. Буюк британия	68	0	16
5. Венгрия	9	0	4
6. Германия	87	4	9
7. Греция	7	0	0
8. Дания	17	0	7
9. Ирландия	17	0	0
10. Испания	20	5	65
11. Италия	19	2	72
12. Люксембург	5	5	5
13. Мальта	5	5	1
14. Нидерландия	20	1	3
15. Норвегия	16	0	3
16. Польша	41	0	1
17. Португалия	26	4	0
18. Словения	11	0	1
19. Финландия	0	0	5
20. Франция	113	158	7
21. Чехия ва Словакия	42	0	7
22. Швеция	30	0	0
23. Швейцария	7	3	2
<b>Жами:</b>	<b>572</b>	<b>178</b>	<b>285</b>

<sup>1</sup> В.Д. Газман "Лизинг: теория, практика, комментарии". Москва, 1997 г., изд. "Правовая культура". стр. 56–60.

Қуйидаги 10-жадвалда жаҳоннинг халқаро лизинг операциялари билан шуғуланувчи энг йирик лизинг компаниялари келтирилган. Мазкур жадвал маълумотларида нафақат лизинг шарномаларининг умумий суммаси кўрсатилган, балки йил давомидаги улар томонидан бажарилган операцияларининг ҳажми ҳам берилган. Шу сабабли, мазкур жадвал маълумотларидаги рўйхатга баъзи бир йирик лизинг компаниялари тўғрисидаги маълумотлар қўшилмай қолган.

Масалан, “Japan Leasing Corporation” компаниясининг йил давомидаги лизинг операциялари ҳажми 3,269 млрд. АҚШ доллари бўлиб, у жаҳонда 8-ўринни эгаллайди; “D”Accord Financial” компанияси 2,500 млрд. АҚШ доллари — 17-ўрин; “Newcourt Credit Corp” 2,468 млрд. доллар — 18-ўрин; “Australian Guarantee Corp” 1,390 млрд. доллар — 31-ўринни эгаллайди.

10-жадвалда юқоридаги компанияларнинг киритилмаганлигига сабаб — улар портфелларининг умумий суммаси ҳақидаги маълумотларнинг йўқлигидир.

Шундай қилиб, жаҳоннинг энг йирик 30 та лизинг компаниялари портфелининг жами ҳажми 280,710 млрд. АҚШ долларини ташкил этади ва йил давомидаги лизинг операцияларининг умумий суммаси 103,656 млрд. АҚШ долларига тенг. Яъни биринчи кўрсаткичга нисбатан 2,6 марта кичикдир.

10-жадвал маълумотларига қараб хулоса қиладиган бўлсак, жаҳоннинг энг йирик лизинг компаниялари ўз фаолиятлари самарасини уч йил муддат ичида камайишига сабабчи бўлмоқда.

Япония лизинг компаниялари орасида йирикроғи ҳисобланган “Centery Leasing System, Inc.”нинг фаолиятини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. “Centery Leasing System, Inc”нинг 1993 йилги ҳисоботларининг маълумотларига қараганда, бу лизинг компаниясининг операцион даромадлари тахминан 3,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган.



10-жадвал'

**Жаҳондаги энг йирик лизинг компаниялари (1994 й.)**

№	Лизинг компанияси-нинг номи	лизинг шартлари портфелининг ум.ҳажми, млн. долл.да	Йил давомидаги лизинг опер-нинг ҳажми, млн. долл.да	лизинг портфелини ҳажми билан йил давомидаги опер-лари ўртасидаги фарқ
1	2	3	4	5 = 3 : 4
1	GE Capital	41300	16800	2,5
2	Orix Corporation	24830	9662	2,6
3	Societe General	23928	5810	4,1
4	KG Allgemeine Leasing	21000	3150	6,7
5	Lombard North Central / NatWest Group	16550	7061	2,3
6	Debis Financial	16199	4655	3,5
7	GMAC	13631	10363	1,3
8	Barclays Mercantile	12444	1709	7,3
9	Tokio Leasing Co	10421	3200	3,3
10	AT&T Capital	7661	4250	1,8
11	Diamond Lease Co	6419	2865	2,2
12	ING Lease	5982	2589	2,3
13	Century Leasing Sys, Inc.	5870	2733	2,1
14	IBM Credit Corp	5300	2800	1,9
15	Mercedes-Benz Credit	5300	1876	2,8
16	USL Capital	5300	2145	2,5
17	GEFA Leasing	5289	3148	1,7
18	ABN Amro Lease	4651	2221	2,1
19	Caterpillar Financial	4511	2183	2,1
20	Volkswagen Financial	4395	378	11,6
21	NWS Bank	4393	2173	2,0
22	Pitney Bowes Credit	4307	1218	3,5
23	Esanda Finance Corp	4213	2602	1,6
24	BNY Leasing Corp	4000	800	5,0
25	UCABAL	3960	965	4,1
26	VR Leasing	3927	1300	3,0
27	Abbey National	3889	567	6,9
28	Comdisco	3840	1582	2,4
29	CITgrup	3694	1040	3,6
30	Korea Dev. Leasing Corp.	3503	1807	1,9
Жами		280707	103652	-

Шу билан бирга, 1994 йилда бу компаниянинг лизинг операциялари ҳажми фақатгина 2,7 млрд. долларни, яъни биринчи қайд этилган сумманинг 77 фоизи ни ташкил этди.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, демак, лизинг компанияси даромадларининг бир қисми лизингга боғлиқ бўлмаган бошқа фаолиятлардан ташкил топмоқда.

Жаҳоннинг етакчи банклари лизинг билан боғлиқ бизнесга қизиқишлари каттадир. Лизинг операциялари билан шуғулланиш мураккаб бўлсада, жуда самарали ҳисобланади. Лизинг компаниялари банк гуруҳлари, холдинглар доирасида тузилади.

Шу билан бирга, битта банкнинг ўзи бир неча лизингга ихтисослашган компаниялар очиш ҳоллари ҳам кўплаб учраб туради.

Франциянинг “Societe Generale” банки 1968 йилдан бошлаб, жаҳонда кенг тармоқли “Sogelease” лизинг гуруҳини тузди. Унинг таркибига ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли жойларида жойлашган 30 дан ортиқ фирмалар киради. Мазкур банкнинг штаб-квартираси Европада жойлашгани сабабли, “Sogelease” лизинг гуруҳи компаниясини Европанинг лизинг-холдинг компанияси деб ҳисоблашади. Умумий ҳажми бўйича бу компания жаҳонда учинчи ўринда ва лизинг портфели катталиги бўйича Европада энг йирик компаниялардан ҳисобланади. Охириги 10 йил ичида лизинг операцияларининг ҳажми 1,6 млрд. АҚШ долларидан 5,8 млрд.гача ўсди, яъни тахминан тўрт баробар ўсиши кузатилди.

“Sogelease” Германия, Австралия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Испания, АҚШ, Италия, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатларда ўз бўлимларига эга. 1996 йилда компания Австрияда лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўзининг шўъба бўлимини очди (фирманинг офиси Венанинг энг эътиборли районларидан бири ҳисобланган Шубертрингда жойлашгандир).

“Societe Generale” банкининг таркибий тузилмасида шўъба лизинг компаниялари фаолияти билан махсус шуғулланадиган алоҳида иккита департамент мавжуд.

“Sogelease” лизингининг муддати асбоб-ускунанинг умрига қараб 3 йилдан 18 йилгача ўрнатилади. Лизинг

тўловларининг ставкаси бевосита — LIBOR ставкаси билан боғлиқдир.

Лизинг бўйича асбоб-ускуналарни етказиб бериш асбоб-ускуналарнинг тўрт гуруҳига қараб амалга оширилади:

— транспорт (кема, самолёт, контейнер ва трайлерлар);

— нефт (платформа, баржа, судна ва заводлар);

— жамият ишларига зарур бўлган шаҳар бинолари ва керакли асбоб-ускуналар;

— саноат корхоналари ва компьютерлар учун — йирик инвестиция лойиҳалари.

Жаҳоннинг энг йирик лизинг компаниялари рейтингда 13-14 ўринларни Япониянинг “Century Leasing System, Inc.” компанияси эгаллаган. Бу лизинг компанияси 1969 йилда тўртта йирик ҳиссадорлар томонидан ташкил этилган. Уларга 81,1 фоиз акция тўғри келган:

• жаҳондаги етакчи ва Япониядаги йирик ҳисобланган “Itochu Corporation” савдо компанияси — нисом капиталга нисбатан 23,5 фоиз;

• Япониянинг “Dai-Ichi Kangyo Bank” номли йирик банкларидан бири — 23,5 фоиз;

• ҳаётни суғурталаш бўйича Япониядаги икки йирик компаниялар томонидан: “Nippon Life Insurance Company” — 23,5 фоиз; “Asahi Mutual Life Insurance Company” — 10,6 фоиз.

Булардан ташқари, ҳиссадорлар сафига яна икки банк (“Lohg-Term Credit Bank of Japan” ва “Bank of Tokyo”) акциялар пакетига 2,2 ва 1,9 фоизда, компаниянинг ўз хизматчилари пакетнинг 4,8 фоизига улуш қўшишган ва бошқалар. “Century Leasing System, Inc.” компанияси Лондонда, Гонконгда, Сингапурда ўз ваколатхоналарига эга.

Йирик халқаро лизинг компанияларининг таркибий тузилишини қуйидаги “Century Leasing System, Inc.” компанияси мисолида кўриб чиқамиз.

“Century Leasing System, Inc.” лизинг компанияси бошқарувини 16 кишилик директорлар кенгаши, президент ва икки бош директор-менежерлари ташкил этади.

“Century Leasing System, Inc.” бошқармасининг ташкилий тузилиши қуйидаги бўлимлардан иборатдир:

- аудит департаменти (бошқарманинг бошқа департаментларидан автоном);
- иш юритувчи бош департамент;
- ходимлар билан ишлаш департаменти;
- корпоратив режалаштириш ва мувофиқлаштириш департаменти;
- молия департаменти;
- бухгалтерия ҳисоби департаменти;
- илмий — тадқиқот департаменти;
- бошқариш маълумотлари тизимини режалаштириш департаменти;
- 1-сонли кредит департаменти;
- 2-сонли кредит департаменти;
- халқаро кредит департаменти;
- маркетинг дивизиони, унинг таркибига қуйидагилар кириди:
  - 1-сонли маркетинг дивизиони, у учта маркетинг департаментидан иборат;
  - 2-сонли маркетинг дивизиони, у учта электрон-ҳисоблаш ва ташкилий техника департаментларидан иборат;
  - 3-сонли маркетинг дивизиони, у иккита мажбуриятлар билан шуғулланувчи департаментлардан иборат;
  - 4-сонли маркетинг дивизиони, у Токиода жойлашган маркетинг департаменти, Шиньюки ва Уенодаги филиалларидан иборат;
  - 5-сонли маркетинг дивизиони, у Омиа, Иокогаме, Нагое шаҳарларидаги филиаллардан иборат;
  - Япониянинг ғарбий қисмидаги маркетинг дивизиони, у Осакадаги (яна икки департамент унинг таркибида), Киото, Хиросима, Фукокедаги филиалларидан иборат:
    - тижорат фаолиятини ривожлантириш департаменти;
    - ҳуқуқий-шартнома тузиш департаменти;
    - фойдаланилаётган активларни бошқариш департаменти;
    - халқаро дивизион. Унинг таркибига қуйидагилар кириди:
      - халқаро алоқалар ва мувофиқлаштириш департаменти;
      - халқаро молиявий фаолиятни бошқариш департаменти;

— хориждаги шўъба компанияларни бошқариш департаменти.

“Century Leasing System, Inc.” бошқармасининг ташкилий тузилишини мураккаблиги — халқаро молия бозорида лизинг операцияларини амалга оширишни юксак билим ва маҳорат талаб қилувчи ташкилий тузилмагина таъминлаб бера олишини яна бир бор исботлайди.

Глобализация ва халқаро интеграция шароитида ушбу йирик лизинг компаниялари ўз хизмат доираларини кенгайтириш мақсадида янги бозорлар қидирадилар. Бунда компаниялар халқаро маркетинг хизматларига таяниб ҳамда қабул қилувчи мамлакатдаги сиёсий иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб ўз фаолиятини юритадилар.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Халқаро лизинг компанияларининг фаолияти нималарга боғлиқ?
2. Нима учун жаҳоннинг йирик банклари етакчи лизинг компаниялари билан ҳамкорлик қилишга интиладилар?
3. “Soglease” лизинг гуруҳи фаолиятининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.
4. Жаҳоннинг энг йирик лизинг компаниялари рейтингда 13-14 ўринни эгаллайдиган Япониянинг “Century Leasing System, Inc.” компаниясининг ташкилий тузилмаси қандай?

## **9.6. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ**

Халқаро лизинг операцияларининг амалга оширилишида тузиладиган битим ёки шартномаларда анъанавий халқаро кредит операциялари ёки ташқи савдо шартномаларидаги олди-сотдиларга нисбатан битимда қатнашаётган томонларнинг сонига тааллуқли ҳолатда уларга нисбатан сезиларли даражада кўпгина ўзига хосликлар ва турли-туман шарт-шароитлар юзага келади.

Халқаро лизинг битимларида ўзига хос хусусият бўлиб андозалаштириш эмас, балки алоҳидалик харақтерлилиги ҳисобланади. Лизинг соҳаси бўйича му-

тахассис битта шахснинг ўзида яхши юристни, молияччини, бухгалтерни, ишбилармон-тадбиркорни ҳамда асбоб-ускуна турлари бўйича маълум даражада билимга эга бўлган мутахассисларни жамлаши керак.

Халқаро лизинг битимининг таркиби бешта асосий бўғиндан иборат:

1. Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва мол етказиб берувчи давлатларнинг қонунчилигидаги ҳуқуқий билимларни, хусусан, фуқаролик ҳуқуқини ҳамда тижорат ва солиқ сиёсати;

2. Ҳаракатларни ҳисобга олган ҳолда қўйилмалар қийматини ҳисоблаш ва эҳтимоли кучли рискларни аниқлаш, асосий молиялаштириш шароитлари доирасида молиявий таҳлил этиш;

3. Лизинг объекти сифатида қатнашаётганда бозорнинг жорий конъюнктураси ва асбоб-ускуна нархини ташкил қилиш механизмини ўрганиш;

4. Лизинг операциялари бўйича бухгалтерлик ҳисоб ва ҳисоботлари доирасидаги билим ва амортизация сиёсатини таҳлил этиш;

5. Лизинг лойиҳасини техник экспертиза қилиш учун қандай мутахассислар жалб қилиш кераклигини, асбоб-ускуна ишлаб чиқарган корхона билан суҳбат ўтказиш ва ундан асбоб-ускунадан техник жиҳатдан фойдаланишни кафолатини олиш ҳамда лизинг даври бўйича асбоб-ускунадан фойдаланилиши устидан давомли назоратни амалга ошириш ва шу кабилар.

Халқаро лизинг операциясини амалга оширишда лизинг компанияси кўпгина ташкилий ишларни амалга ошириши лозим. Хусусан, лизинг компанияси самарали фаолият юритиши учун лизинг операцияларини кенг реклама қилиши ва лизинг олувчига унинг ютуқларини ва фойдалилигини кўрсата олиши, тўғрироғи ишонтириши лозим.

Халқаро лизинг бўйича инвестицион лойиҳаларни экспертиза қилиш жараёнида маълум турдаги асбоб-ускуналарга бўлаётган талаб ва таклифни, бозор инфратузилмасини ва унинг асосий анъаналарини таҳлил қилиш лозим. Шунингдек бу ерда бозордаги асбоб-ускунага бўлаётган талабнинг ёки нархларнинг тебранишига, лизинг хизматига тегишли бошқа тарифлар ва баҳолар (таъмирлаш ишлари, техник хизмат)нинг, транспорт тарифларининг электр-энергия ва шу каби омилларни ҳисобга олиш лозим. Лизинг берувчи ком-

паниялар ўз фаолиятини аниқ бир тармоққа ихтисослаштиришга интиладилар (масалан, қурилиш, транспорт, саноатнинг маълум турлари, қишлоқ хўжалиги саноати, савдо ва шу кабилар).

Лизинг шартномаси тузилишидан олдин амалга ошириладиган жараён лизинг берувчи — лизингга эҳтиёж сезган корхонани, лизинг олувчи корхона эса лизинг берувчиларни қидириши билан бошланади. Биринчи қадам бўлиб, лизинг олувчи мижоз билан лизингнинг қайси шаклини танлаш мақсадга мувофиқлигини муҳокама қилиш ҳисобланади. Бунга асосий сабаб бўлиб, лизинг бозорида лизинг хизматлари шаклининг кўплиги ва лизинг операцияларини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларнинг ва лизинг шартномалари моделларининг турли-туманлигидир.

Лизинг шартномасини тугаллаш жараёни одатда қуйидаги давомийликда бўлади:

1. Лизинг олувчи ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзига керак бўлган асбоб-ускунани олишда ушбу асбоб-ускунани ишлаб чиқарувчи корхона ёки заводни топади. Ундан тижорат таклифини олади ва ўзини қизиқтирган бир қанча масалалар бўйича маълумотлар олади. Бу маълумотларга қуйидагилар киради:

- асбоб-ускунанинг сифати ва техник тавсифи;
- асбоб-ускунани ишлаб чиқариш даражаси қувватининг муддатли лойиҳаси;
- етказиб бериш муддати, монтаж, ишга тушириш билан боғлиқ ишлар;
- тўлов шартлари ва шу кабилар.

2. Потенциал лизинг олувчи лизинг компаниясига асбоб-ускунани сотиб олиш учун унга қисқа, ўрта ёки узоқ муддатта лизингга беришини сўраб мурожаат қилади.

3. Лизинг компанияси лизинг олувчи билан келишган ҳолда нархлар оқилоналигига, унинг ҳозирги бозордаги жорий нархлар даражаси билан солиштиради, агар нархлар мос келса, кўрсатилган асбоб-ускуна олди-сотдиси бўйича битим тузилади. Бунда лизинг компанияси лизинг объекти сифатида ўз мулкий ҳуқуқини қўлга киритади.

4. Бир вақтнинг ўзида лизинг компанияси ва лизинг олувчи ўзлари томонидан тузилган лизинг битимига мувофиқ лизингга берилган асбоб-ускунага эгалик қилиш, лизингга олинган асбоб-ускуна учун тўловлар-

ни ўз вақтида амалга оширган тақдирда лизинг олувчига ўтади. Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи компания асбоб-ускуна ишлаб чиқарувчи корхона заводларига, асбоб-ускунани лизингга олувчининг манзилига етказиш тўғрисида кўрсатма беради.

5. Лизинг олувчи ва асбоб-ускунани етказиб берувчи алоҳида тўлов тўлаш шarti билан асбоб-ускунани техник таъмирлаш ва унга керакли қўшимча эҳтиёт қисмларни етказиш ҳақида қўшимча битим имзолашлари мумкин. Баъзи ҳолларда бундай хизматларни лизинг компаниясининг ўзи кўрсатади. Бундай ҳолларда у хизмат ҳақини лизинг тўловига қўшиб юбориши кўзда тутилган.

Умуман, халқаро лизингнинг умумий кўриниши шундай. Ҳар қандай лизинг битимини тўртта босқичга ажратиш кўрсатиш мумкин. *Биринчи босқичда*, лизингнинг ҳар бир битимининг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларининг тўла қонли таҳлили, лизинг муносабатларида қатнашадиган томонларнинг тавсифи ва шу каби омиллар муҳокама қилинади. Бу босқичда лизинг олувчининг аризаси расмийлаштирилади, мижознинг кредитга лаёқатлилиги ҳақидаги хулосаси ва лизинг лойиҳасининг самарадорлиги ҳисоблаб чиқилади. *Иккинчи босқичда*, лизинг шартномасининг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши амалга оширилади. *Учинчи босқичда* лизинг жараёни, яъни лизинг объектдан фойдаланиш даври бўлади. *Тўртинчи босқичда* — лизинг олувчи томонидан лизингга берилган асбоб-ускуна қолдиқ қиймати бўйича сотиб олинади ёки лизинг олувчидан лизингга берилган асбоб-ускуна қайтарилиб олинади.

Халқаро лизинг компанияси лизинг лойиҳасини экспертиза қилишда энг барқарор ва обрўли лизинг олувчига беради. Лизинг лойиҳаси самарадорлиги масаласи, ҳозирги кунда энг муҳим ва аҳамиятли масалалардан бири бўлиб турибди. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, лойиҳа бўйича лизинг компанияси менежерининг ҳал этувчи қарори барча муаммолар ечимига, ёки аксига олиб келиши мумкин.

Таклиф этилган лизинг лойиҳасини амалга ошириш учун қуйидаги саволларга жавоб берилиши зарур:

- лойиҳанинг компания мақсади ва вазифаларига тўғри келиши;



- режалаштирилаётган даромад даражасининг етарлилиги;
- қўйилган маблағлар йўқолиш рискининг даражаси.

Юқоридаги саволларга жавоб топиш учун компаниянинг стратегик режасини қуйидагича ишлаб чиқиш зарур:

- лизинг компаниясининг лойиҳасига қанча даромад ва фойда тўғри келишининг минимал ҳажми;
- инвестиция даражасининг максимал ҳажми;
- лойиҳаларни амалга ошириш муддати;
- захираларни қайси ва қанча қисми қисқа-узоқ ва ўрта муддатли лойиҳаларга йўналтирилиши;
- компания имиджининг қандай бўлиши ва лойиҳалар шакли унга ижобий таъсир этиш-этмаслиги;
- компаниянинг вазифалари ва асосий мақсади;
- қайси риск энг юқори даражаллиги;
- лойиҳани қандай шакли ва ҳажми компаниянинг молиявий ва ташкилий имкониятларига тўғри келиш-келмаслиги.

Лойиҳани танлашда энг асосий эътиборни келиб тушаётган барча таклифларнинг андозали эканлиликка қаратиш лозим. Ҳамма лойиҳаларни битта андозавий шаклга келтириш, экспертиза жараёнини бир тизимга олиб келади ва бу ўз навбатида турли мезонларга қараб турли лойиҳаларни солиштириш ва таққослаш учун маълумотлар базасини шакллантиради. Таклиф таҳлили ва қайта ишлаш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади ва у кўп жараёнли босқичдан иборатдир. Булар:

1. Бошланғич экспертиза-таҳлили;
2. Асосий экспертиза-таҳлили;
3. Якуний таҳлил (молиялаштириш ҳақида қарор қабул қилиш).

Ишлаб чиқариш лойиҳаларининг бошланғич экспертизаси, лизингга олинаётган асбоб-ускунадан фойдаланишни ва унга тегишли барча ҳужжатлар тўпламини таҳлил қилиш билан бошланади. Тўпламга қуйидаги ҳужжатларни киритиш мумкин:

- корxonанинг аризаси;
- корxonанинг паспорти;
- бизнес-режа;
- таъсис ҳужжатларининг юридик жиҳатдан тасдиқланган нусхаси;

- охирги икки йил давомидаги корхона баланси ва охирги даврдаги барча ҳисоботлар;
- хом ашё, иш ва хизматлар етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан тузилган битимлар;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга сертификатлар;
- дебиторлар хулосаси;
- лизинг олувчининг олган асбоб-ускунасини қўйиб фойдаланадиган махсус жойи (бино-иншооти) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- тавсия этилган хатлар, кафолатлар;
- лизинг олувчи томонидан лизингни таҳлил қилиши, иқтисодий асоси ва лизинг компаниясини қизиқтирувчи асосий ҳужжатларни етказиши.

Лизинг лойиҳасини эксперт баҳолашда лизинг операцияларига минимал баҳо ўрнатиш кенг тарқалган. Масалан, “Остерайше лизинг Гмбх” Австрия лизинг компанияси ҳар бир лизинг битимини, тахминан, 90,0 минг АҚШ доллари қийматида бўлиши кераклиги шартини қўйган. Лизинг операцияларида бундай минимал чегара қўйилишига асосий сабаб бўлиб — халқаро лизингнинг ташкилий харажатларининг юқорилиги ҳисобланади. Бу ўз навбатида битимнинг самарадорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Асосий экспертиза — бу тўла қонли инвестиция таҳлили демакдир. Инвестиция жараёнини таҳлил қилишда берилган маълумотларнинг тўғрилиги, келтирилган маълумотлар асосида лизинг олаётган корхонанинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятини ҳамда лизинг лойиҳасининг самарадорлиги таҳлил қилинади.

Инвестиция лойиҳасининг самарадорлиги кўрсаткичларини икки асосий гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари ҳамда лойиҳани амалга ошираётган корхонанинг жорий ҳолати ва келажакдаги молиявий ҳолатининг иқтисодий кўрсаткичлари. Бу маълумотларга манба бўлиб, баланс ҳамда даромадлар ва харажатлар ҳолати тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади (ингл. “Balance sheet”);

2. Инвестициянинг самарадорлик кўрсаткичлари. Бунда ҳисоб-китоблар пул оқими режаси маълумотлари асосида амалга оширилади (ингл. “cash-flow”).

Даромадлар ва харажатлар ҳисоботидан лойиҳани амалга оширмақчи бўлган корхонанинг фойдалилиги-

ни аниқлаш мумкин. “Даромадлар ва харажатлар” ҳисоботини тузиш учун қуйидаги маълумотлар керак.

1. Маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган тушум ҳақидаги маълумот. Бунга маълум даврда сотув вақтидаги йўқотишлар ҳам киради (масалан, йил). Шу билан бирга, даромадлар ва хизматлар ҳисоботида маълум вақтдаги шартномадаги сотув суммасининг ҳажми ҳам кўзда тутилади:

- нақд сотув;
- кредитга сотув;
- жорий даврда сотиш кўзда тутилган маҳсулот учун олдиндан тўланган аванс тўлови маблағлари.

2. Ҳисоб-китоб давридаги (ой, чорак, йил) ҳолатларни ҳисоби ҳақида маълумот;

3. Ҳисоб-китоб давридаги харажатларнинг умумий суммаси (опцион, бошқарув-савдо). Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, умумий (доимий) харажатлар ўзига кредит бўйича амортизация ажратмаларини ўз ичига олади.

Шунингдек баланс ҳужжати ўзида маълум даврдаги корхонанинг молиявий ҳолатини намоён қилади. Масалан, 1999 йил 1 январь ҳолати. Баланс ўзида корхонанинг қанчалик даражада барқарорлиги (ликвидлиги ва тўлов қобилияти)ни акс эттиради.

Cash-flow (кэш-флоу) сўзи корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги жорий пул маблағлари қолдиғини аниқлаш учун ишлатилади.

Бу қолдиқ қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- маҳсулот ва хизматлар сотуви;
- амортизация ажратмалари;
- корхона активи фойда орқали олинган даромадлар;
- низом фондига бадаллар ва қарзлар.

Чиқимдан қуйидаги харажатлар:

- маҳсулот ва хизмат ишлаб чиқарувчи харажатлар;
- корхонанинг умумий харажатлари;
- қарзларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар;
- дивидендлар бўйича тўловлар, солиқ ва бошқа тўловлар.

Барча тушум ва тўловлар пул оқими режасида акс этади. Cash-flow усули пул оқимининг режаси ўзида корхона фаолияти билан боғлиқ барча пул маблағларининг ҳаракатини ўзида акс эттиради.

Шунингдек бу ерда лизинг операцияларини суғур-

талаш масалаларини кўриб ўтиш муҳим. Кўп йиллар мобайнида лизинг операцияларида суғурта компаниялари иштирок этмоқда. Ўзаро ҳуқуқий муносабатлардаги жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, лизинг шартномаси тузиш вақтида лизинг олувчи лизингга олинаётган асбоб-ускунани олиб келиши, уни ўрнатиши ва жиҳозлаш ишлари ҳамда мулкрий рискларни суғурталашни ўз зиммасига олади.

*Лизинг билан боғлиқ мулкни суғурталаш зарурияти* — “Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенция” да қабул қилинган. Бу конвенцияга мувофиқ, халқаро молия лизинги иштирокчиларининг ўзаро ҳуқуқий муносабатлари тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳам бу конвенцияга қўшилиши, мамлакатимизда халқаро лизинг муносабатларининг ривожланишига туртки беради.

Мулкрий суғурталаш шартномасида қуйидагилар суғурталанади:

- йўқотишлар, етишмовчилик ёки маълум бир мулкнинг зарарланиш rischi;
- ҳаётга, соғлиққа ёки бошқа шахслар мулкига зарар етказиш оқибатлари rischi;
- тадбиркорлик фаолиятида ўз мажбуриятларини контрагентлар томонидан бузилиши оқибатида кўриладиган зарарлар rischi, ёки бу фаолиятнинг шартлари тадбиркорга тегишли бўлмаган ҳолатда ҳам ўзгариши киради.

Шу билан бирга кутилаётган даромадларни оломай қолиш rischi ҳам киради.

Суғурталанаётган мулк шартнома бўйича (суғурталовчи ёки фойда олувчи) шахснинг фойдасига суғурталанади. Бу қонун бўйича асосланади ёки ҳуқуқий ҳужжатларда қайд қилинади. Мулкни суғурталаш шартномаси, суғурталанаётган шахснинг номини кўрсатмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда шартномани тузишда суғурталанаётган шахсга “кўрсатувчига” суғурта полиси берилади. Бу шартномадаги ҳуқуқ бўйича талофат кўрган томон, суғурта зарарини қоплаш орқали суғурта компаниясидан фойдаланиши мумкин. Зарар кўрсатиш жавобгарлигини суғурталаш шартномаси, rischi зарар кўрган одамга тўланиши қайд этилган.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, халқаро лизинг бўйича инвестиция лойиҳалари таҳли-

ли — халқаро лизинг операцияларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда жуда катта аҳамиятга эга.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Халқаро лизинг битими қандай таркибий қисмдан иборат?
2. Халқаро лизинг буйича инвестицион лойиҳаларни экспертиза қилиш жараёнида қайси омиллар иноватга олинади?
3. Лизинг шартномаси тузилишидан олдин амалга ошириладиган жараён нималардан иборат?
4. Лизинг шартномасини тугаллаш жараёничи?
5. Халқаро лизингнинг умумий кўриниши қандай элементлардан ташкил топган?
6. Таклиф этилган лизинг лойиҳасини амалга ошириш учун одатда қандай саволларга жавоб қидириш зарур?
7. Ишлаб чиқариш лойиҳаларини бошланғич экспертизаси учун тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами қандай ҳужжатларни ўз ичига олади?
8. Инвестиция лойиҳасининг самарадорлик кўрсаткичларини изоҳланг.
9. Лойиҳани амалга оширмақчи бўлган корхонани фойдалилигини кўрсатувчи даромадлар ва харажатлар ҳисоботини тузиш учун қандай маълумотлар зарур?
10. Лизинг билан боғлиқ мулкни суғурталаш деб нимага айтилади?

## **9.7. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚўЛЛАШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Жаҳон иқтисодий амалиёти халқаро лизингнинг капитал қўйилмаларни етарли даражада сақлаб туришга хизмат қилувчи, молиявий восита сифатидаги юқори самарадорлигидан далолат бермоқда. Халқаро лизингда молиялаштиришни тижорат банклари негизида ташкил қилинадиган лизинг компаниялари ёки банкларнинг ўзи амалга оширади. Шубҳасиз, бизнеснинг ўзига хос бу тури билан шуғулланиш банкларнинг ўзига ёки уларнинг махсус бўлимларига, шунингдек банклар билан алоқадор молиявий воситачилар учун қулайдир.

Бугун Ўзбекистон Республикасида лизингнинг ҳуқуқий асослари шаклланаётганлигини ишонч билан айтиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лизинг шартномасининг мазмуни, лизинг субъектлари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек лизинг муомалаларида иштирок этаётган субъектларнинг жавобгарлигини, лизинг объектларини, сублизинг (ижарачининг лизингга олинган объектни лизинг шартномаси асосида бошқа ижарачи — лизинг олувчига бериши)ни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига биноан, **ЛИЗИНГ ТЎЛОВИ** — бу лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган ҳамда лизинг объектини сотиб олиш ва лизинг ставкаси билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз ичига олган пул суммасидир.

Республика тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1997 йил 29 мартда 11— сонли баён билан қабул қилинган 327— сонли “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби” йўриқномасига амал қилади. Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ушбу тартиб — лизинг операцияларини ўтказиш жараёнида банк билан лизинг берувчи, шунингдек лизинг олувчи билан лизинг объектини ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) субъект ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Бироқ, мазкур тартиб лизинг берувчи банкнинг лизинг объектларини ўз шахсий маблағлари ҳисобига сотиб олишни назарда тутди. Ваҳоланки, бу банкларга лизинг операциялари ҳажмини жалб қилинган маблағлар ҳисобига кўпайтириш имконини бермайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида лизингнинг хилма-хил турларини учратиш мумкин. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, лизингнинг шакл ва турларини таснифлаш айрим сабабларга кўра қийин кечади: турли мамлакатларнинг амалдаги қонунлари нафақат лизингни, балки унинг алоҳида турларини ҳам ўзгача таърифлайди. Шунингдек лизинг битимларида лизингнинг бир неча турларини бирга қўшиб олиб бориш кўзда тутилиши мумкин ва лизинг турларини аниқлашда унинг бир қанча аломатларидан келиб чиқилади. Юқорида қайд этилган тартибга биноан, ли-

зинг бозор секторига боғлиқ ҳолда ҳам ички, ҳам халқаро лизингга бўлинади.

Жаҳон тажрибаси иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида лизингнинг турли шаклларида фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда лизингнинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш мумкин:

1. Молиявий лизинг.
2. Оператив лизинг.

**Молиявий лизинг** — бу ишлаб чиқариш воситаларининг узоқ муддатга ижарага олишнинг бир шакли бўлиб, қоидага биноан, ижарага олинган мулклар, мулк эгасидан ижарага олувчи ёки мулкнинг ишлатувчи ихтиёрига ўтиши билан яқунланади.

**Оператив лизинг** — бу асосий воситаларни узоқ муддатли ижарага олиш билан боғлиқ бўлиб, бунда асосий воситаларни таъмирлаш ишлари, мулк эгаси ҳисобидан ёки шартномада кўрсатилган бўлса, дилер фирмаси ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳозирги кунга келиб, лизинг операциялари бўйича харажатлар, умумий капитал қўйилмаларининг АҚШда — 30 фоизни, Англия, Франция, Швеция ва Испанияда — 13-17 фоизни, Италия ва Голландияда — 12-14 фоизни, Австрия, Дания, Норвегияда — 8-10 фоизни ташкил этади.

Саноати ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида, асосан оператив лизинг қўлланилмоқда.

Республикамизда ҳам лизингнинг ушбу шаклини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлишига қарамай, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида молиявий лизинг қўллашга ҳаракат қилинмоқда. Мамлакатимиз лизингни компаниялари олдида лизинг операциялари бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш ва бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни бозор иқтисодиёти талабларидан келиб яққан ҳолда шакллантириш вазифаси турибди. Яъни:

- иқтисодиётимизни кўп укладли тизимга ўтказиш;
- фермер ёки қишлоқ хўжалигини дастлабки капитал билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигини ўсиб бораётган техникага бўлган эҳтиёжини қондириш;
- баҳо тизимини такомиллаштириш, яъни қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи саноат корхоналари улгуржи баҳолари билан қишлоқ хўжалиги харид баҳолари-

нинг эквивалентлигини таъминлаш кабиларнинг ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунга келиб юқорида қайд этилган муаммолар аста-секин ҳал этилмоқда, лекин лизинг операцияларини кенгайтиришга қуйидаги омиллар қарама-қарши таъсир этмоқда:

- солиқ сиёсатидаги нобарқарорлик;
- қўшни мамлакатлардаги сиёсий нотинчлик;
- кредит ресурсларининг етишмаслиги;
- лизинг фирмаларининг камлиги, уларнинг доимий ҳаракатланиши учун ҳуқуқий базанинг етарли даражада такомиллашмаганлиги;
- лизинг фирмаларида хизмат қилувчи малакали кадрларнинг етишмаслиги.

Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши бевосита қишлоқ хўжалигида чет эл техникасини қўллаш ва чет эл инвестициясининг оқиб келишига йўл очиб беради. Чет эл техникасини қишлоқ хўжалигида лизинг шакли орқали қўлланилиши экспортли лизинг деб аталади.

**Экспортли лизинг** — бу чет эл лизинг компаниялари томонидан ёки фирмаларининг ишлаб чиқариш воқитларини бошқа бир давлат ижарачиларига тақдим этишдан иборатдир.

Халқаро лизингнинг афзалликларидан бири шуки, бунда такомиллашган техника ва жиҳозлардан фойдаланиш, молиявий ва солиқлар бўйича енгилликлардан фойдаланиш имконияти яратилади. ХВФининг қарорига биноан, чет эл машина ва механизмларини ижарага олиш, ижарага олувчи мамлакатнинг чет эл қарзлари миқдорини оширмайди. Республикамизда халқаро лизингдан фойдаланиш масаласини мамлакатимизда қўшма лизинг компаниялари ёки фирмаларини тузиш йўли билан ҳал этиш мумкин.

Халқаро лизинг муносабатларининг яқин тарихига назар ташлайдиган бўлсак, собиқ Иттифоқ хўжалик ташкилотлари ўртасида лизинг “Совтрансавдо” ташқи савдо автобирлашмасида муваффақиятли қўлланилганлигини кўриш мумкин. Бу ташкилотга 15 йил мобайнида ижара асосида навбатдаги турли хил юк автомобиллари ва прицеплар сотиб олинди. Бу даврда бирлашманинг умумий лизинг битимлари қиймати 25 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Республикамизда лизинг қўлланилиши 1989 йил-



нинг ўрталарида, яъни корхоналарни янги хўжалик юритиш шаклига, хусусан, ижара асосида ишлашга ўтиши натижасида бошланди. Ҳозирги кунда лизинг операциялари тижорат банкларида бошқа соҳаларга нисбатан кенгроқ қўлланилмоқда. Бундан ташқари, Республика Давлат таъминоти вужудга келган “Ўзконтракторторг” концернида ишлаб чиқариш воситалари лизингини ташкил этиш бўйича шуғулланувчи бўлим фаолият кўрсатиб турибди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси молия бозорида хорижий капитал иштирокидаги учта йирик қўшма лизинг компаниялари фаолият юритмоқда. Хусусан, низом капитали 5,0 млн. АҚШ долларидан иборат “ЎзКейсагро-лизинг”, низом капитали 4,0 млн. АҚШ долларига тенг “Ўзбеклизинг интернешнл АО” ва “Фудмашлизинг”, шунингдек “Ўзавиализинг” ҳамда “Самарқанд Лизинг Лтд” компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда Ўзбекистон Республикасида бир қатор тижорат банклари ҳам лизинг операцияларини амалга оширмоқдалар. Буларнинг ҳаммасини, шубҳасиз, шу кунларда тез суръатлар билан шаклланиб ривож топаётган молия бозорининг бу соҳаси учун ҳали етарли деб бўлмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозир “Ўзбеклизинг интернешнл АО” каби компанияларнинг фаолият доираси ортиб бормоқда. Бу компаниянинг асосий таъсисчилари бўлиб, Малайзия мамлакати томонидан Мейбанк ва Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ҳисобланади.

Чет эл амалиёти шуни кўрсатадики, алоҳида вилоят ва ҳудудларда лизинг операциялари бўйича кенг қулайликлар мавжуд. Бундай қулайликлар нафақат мамлакат иқтисодиётига, балки аҳоли турмуш даражаси ночор бўлган нобарқарор жойларга ҳам зарурдир. Шунинг учун, мамлакат иқтисодиётида лизинг тармоғини вужудга келтириш ва ривожлантириш учун қулай шартшароитларни шакллантириш ҳам муҳимдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиш суръатлари даражасини кўтариш учун халқаро лизинг компаниялари билан самарали битимлар тузиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бундай операциялар саноатни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконияти яратилади.

Демак, халқаро лизинг мамлакат иқтисодиётини

ривожлантиришдаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган соҳалардан бўлиб ҳисобланиши уни ўрганишни, иқтисодиётда жадал қўллашни тақозо этади.

Халқаро тажрибадан маълумки, банк капитали лизинг бизнесида ҳам бевосита (агарда банкларнинг ўзи лизинг операцияларини амалга оширса) ҳамда билвосита, яъни банклар лизинг компанияларини кредит ёки инвестиция маблағлари билан таъминлаш орқали ҳам иштирок этиши мумкин.

Жумладан, америкалик иқтисодчи олим Х.Хеймел билвосита лизинг ҳақида шундай деб ёзган эди: “Лизинг компанияси бевосита лизинг кредитлашда ва ажратишда иштирок этолмайдиган ёки иштирок этмасликни афзал кўрадиган банкнинг қўли билан иш юритади. Банклар эса ўзига яқин бўлган ҳамкор компаниялар билан ишлаганда, лизинг операциялари устидан исталган назоратни ўрнатиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Одатда, лизинг кредитларини олувчи субъектлар банклар томонидан танланади. Агар бу операцияларда лизинг компаниялари иштирок этадиган бўлса, у ҳолда улар банк тавсияларига амал қиладилар”.

Шунингдек таҳлил қилинган маълумотлар асосида қуйидаги хулосалар келтириш мумкин:

- Халқаро лизинг иқтисодиётнинг тармоқларини кредитлашнинг муҳим ва ҳозирда ўзига хос аҳамиятли шакли сифатида намоён бўлмоқда;
- Халқаро лизинг ХВФ мутахассислари томонидан ташқи қарзга киритилмаслиги, уни ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти учун аҳамияти янада ошиши учун хизмат қилади;
- Халқаро лизинг — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмак берувчи дастак бўлиб хизмат қилади;
- Халқаро лизинг энг замонавий ва қимматбаҳо асбоб-ускунани, техника — технологияни мамлакатнинг миллий иқтисодиётига жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатади;
- Халқаро лизинг мамлакат экспорт потенциали ривожланиши учун туртки бўлиб хизмат қилувчи иқтисодий дастак ҳисобланади.

Халқаро молия муносабатларининг муҳим таркибий қисми бўлган халқаро лизинг муносабатлари мамлакат иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муносабатларни такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

1. Лизинг операцияларини ўтказиш амалиётига асосланган ҳолда Ўзбекистонда банкларга дастлабки босқичда лизингнинг молиявий, қайтариладиган ва алоҳида турларини ривожлантиришни тавсия этиш мумкин;
2. Лизинг муносабатларини амалга ошириш учун меъёрий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этадиган тармоқлараро мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этиш лозим;
3. Халқаро лизинг операцияси жараёнида буюртмачининг кредитга лаёқатлигини аниқлаш ва у тақдим этган лойиҳани текширувдан ўтказиш ишларига катта ўрин бериш лозим. Шунда берилган халқаро лизинг операциясидаги кредитлар самарали бўлиши мумкин;
4. Халқаро лизинг компаниялари ва чет эл техникасини ишлаб чиқарувчи фирмалар, савдо ва дилер компаниялари ҳақида, лизинг муносабатларининг шартлари бўйича каталоглар ташкил этиш даркор. Шу орқали ижарага олувчиларга лизинг операцияларини энг оптимал вариантини танлаш имконини яратувчи маълумотлар марказини ташкил этиш мумкин.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон Республикасида лизингнинг ҳуқуқий асосларининг шаклланишини тушунтириб беринг.
2. Мамлакатимизда амал қилаётган лизингнинг қандай турларини биласиз?
3. Республикаимизда лизинг муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир этаётган омилларни кўрсатиб беринг.
4. Экспортли лизинг нима?
5. Мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро лизинг компаниялари фаолияти хусусида ўз фикрингизни айтинг.
6. Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий ислохотларни жадаллаштиришда лизингнинг роли қандай?

## Х Б О Б

### ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

#### 10.1. ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА МАМЛАКАТ ТАШҚИ СОЛИҚ СИЁСАТИ

Халқаро солиқ муносабатлари, халқаро молия муносабатларининг муҳим ажралмас таркибий қисмидир. Мазкур соҳа мамлакатлараро солиқ муносабатларини тартибга солиш масалалари билан шуғулланади.

Барча мамлакатларда чет эл билан бўладиган солиқ муносабатларининг икки муаммоли томонини кузатиш мумкин. Муаммонинг биринчи томони мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган хорижликларга солиқ қонунчилигининг қандай қўлланилиши бўлса, иккинчи томони, хорижда фаолият юритаётган мамлакат фуқароларига нисбатан солиқ тартибининг қўлланилиши ёки қабул қилувчи мамлакат солиқ қонунчилиги томонидан мазкур шахслар ҳуқуқларини паймол этилишидан муҳофаза этиш муаммосидир. Иккинчи муаммонинг ўзига хос томони шундаки, ҳеч бир мамлакат бошқа мамлакатдан ўзига тегишли фуқаролар ва капиталга солиқ имтиёзлари беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Аммо ҳар қандай мамлакат ўзаро келишувлар асосида шахслар ва капитал бўйича солиқларни маҳаллий шахс ва капитал ёки учинчи мамлакат вакиллариغا нисбатан тенглаштириш имкониятига эга (агар қабул қилувчи томон, маҳаллий аҳолига нисбатан, хорижликларга солиқлар бўйича алоҳида имтиёзлар берган бўлса). Акс ҳолда иккинчи мамлакат ушбу оддий тартибни бузган томоннинг шахслари ёки капиталига нисбатан, мос равишда, солиқ бўйича дискриминация тадбирларни ўтказиш билан қўрқитиши мумкин. Булар барчаси, халқаро солиққа тортишни ўрганиш заруратини оширади.

Халқаро солиққа тортиш амалиётини ўрганиш — бу суверен давлатлардаги солиқ ҳуқуқларини мувофиқлаштиришни ўрганишдир.

Ҳар бир мамлакатда солиқ юрисдикциясини кен-

<sup>1</sup> Р.Л.Дренберг. Международное налогообложение. Москва: — ЮНИТИ. 1997, стр. 20-24.

гайтириш ва уни муҳофаза этиш, шунингдек товар, хизмат ва капитални экспорт қилувчиларга солиқ имтиёзлари бериш билан боғлиқ тадбирларнинг умумий йиғиндиси мамлакатнинг **ташқи солиқ сиёсати** дейилади. Ушбу сиёсатнинг қайси томонга йўналиши муайян вазиятдан келиб чиқади. У бюджет даромадларини ошириш нуқтаи назаридан ёки экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадидан келиб чиқиши мумкин. Аммо шу нарсани ёддан чиқармаслик лозимки, бу соҳада манёврлаштириш имкониятлари анча чегараланган: юқорида айтилганидек, ҳеч бир мамлакат ўз фуқаролари ёки капитали учун бошқа мамлакатдан, маҳаллий аҳолига қўлланилаётган солиққа тортишга нисбатан имтиёзлироқ бўлган тартибни талаб қилишга ҳақли эмас. Худди шунингдек ҳеч бир мамлакат ўз ҳудудида фаолият юритаётган хорижий фуқаро ва шахсларга, солиқ юқини маҳаллий аҳолидан кескин фарқ қилувчи нисбатларда оширишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатнинг юз бериши, мазкур мамлакатнинг хорижий бозорларидаги фаолиятига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакат солиқ юрисдикциясининг жуда тор доирада амалга ошириши мумкин бўлган манёврлаштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, у йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Ташқи солиқ сиёсати ишлаб чиқишида олиб бориладиган ҳисоб-китоблар, ушбу сиёсатнинг муваффақият даражасини белгилаб бормоқда. Амалга ошириладиган халқаро савдо ва капитал ҳаракати ҳажмлари бир неча миллиард долларни ташкил этиши инobatга олинса, у ҳолда тўғри олиб бориладиган ташқи солиқ сиёсатининг қиймати, ҳар бир мамлакат учун бир-неча миллион ва ҳаттоки, миллиард доллар даражасида бўлиши мумкин. Тўғри ишлаб чиқилмаган ташқи солиқ сиёсатининг салбий оқибатлари сифатида (экспорт бўйича мавжуд рақобат ва халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш шартларининг ёмонлашувидан кўриладиган зарарлардан ташқари) фақатгина йиғиб олинмаган солиқ тушумлари ёки ташқи фаолиятдан валюта тушумларининг пасайиши бўйича йирик суммаларда кўрилиши мумкин бўлган зарарларни келтириш мумкин.

Аксарият мамлакатлар қонунларида хорижий шахслар ва компанияларни солиққа тортишнинг фақатгина умумий томонлари белгилаб берилади. Улар кейинча-

лик ҳукумат кўрсатмаларида, суд қарорларида, маълум миллий одатларда ва бошқаларда аниқлаштирилади.

Ҳар бир мамлакат учун халқаро солиқ муносабатларини **тартибга солинишида** қуйидагилар **асосий воқеалар** ҳисобланади:

- бир ёқлама чора-тадбирлар ёки миллий солиқ сиёсатининг чора-тадбирлари бўлиб, бошқа мамлакатлар ҳукуматлари билан ҳеч қанақа келишувларсиз амалга оширилади (мамлакатда фаолият юритаётган хорижликлар ва мамлакатнинг хорижда фаолият юритаётган фуқаро ва корхоналарига нисбатан солиқ тартибининг белгиланиши);

- шартномавий чора-тадбирлар, иккинчи томон билан икки томонлама ёки кўп томонлама асосда (халқаро келишув), ёки “солиқларнинг гармонлашуви” деб номланадиган келишувлар доирасида (яъни икки ёки ундан ортиқ шартлашаётган мамлакатларнинг миллий солиқ сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида)ги чор-тадбирлар.

Ҳозирги кунда амалда юздан ортиқ солиқ келишувлари мавжуд. Бундан ташқари, у ёки бу даражада мамлакатлар ўртасидаги солиқ муносабатларига тааллуқли бўлган турли хил халқаро келишувлар ҳам мавжуд.

Умуман, *солиқ келишувлари бир-нечта тур ва кўринишга* эга. Улардан айримларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- маъмурий ёрдам кўрсатиш бўйича келишув;
- “чегараланган” солиқ келишувлари;
- умумий солиқ келишувлари;
- ҳадя ва меросдан олинadиган солиқлар бўйича келишув;
- ижтимоий суғурта тўловлари бўйича солиқ келишувлари ва бошқалар.

Ҳозирда ушбу келишувларнинг барчаси кўпчилик вазиятларда янги келишув шакли бўлган — “Умумий солиқ келишуви” билан алмаштирилмоқда (ушбу солиқ келишуви тўлиқлигича “Икки ёқлама солиққа тортишни бекор қилиш ҳамда даромад ва капитални солиққа тортиш соҳасидаги четга чиқишларга қарши кураш бўйича келишув” деб номланади ва асосан Биринчи жаҳон урушидан кейин қўлланила бошланган).

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини ўрганишнинг асосий зарурати нимада?
2. Ташқи солиқ сиёсати деганда нима тушунилади?
3. Мамлакат солиқ юрисдикциясининг манёврлаштириш имкониятлари деганда нима тушунилади?
4. Солиқ муносабатларини тартибга солишнинг асосий воситалари нималардан иборат?
5. Мамлакатлар ўртасидаги солиқ келишувларининг қандай турлари бор?

## 10.2. ХАЛҚАРО СОЛИҚ КЕЛИШУВЛАРИНИНГ МАҚСАДИ

**Солиқ келишувларининг асосий мақсади** — ҳамкор мамлакатлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган икки ёқлама солиққа тортишнинг барча кўринишларига барҳам беришдан иборат. Ушбу келишувлар маълум қоида ва тadbирлар кетма-кетлигини қатъий тартибда амалга оширишни кўзда тутди. Келишувлар икки ёқлама солиққа тортишга қандай қилиб барҳам беради?

Солиқ келишувлари икки ёқлама солиққа тортишга барҳам беришнинг уч поғонали тизимини қўллашни кўзда тутди. Биринчи босқичда, ҳамкор мамлакатларда “резидент” ва “даромад манбаси” қоидаларидан келиб чиқадиган икки ёқлама солиққа тортишга барҳам берилди. Ушбу мақсадларда келишувда икки ёқлама резидентлик ва “моддий” моддалар бўйича тортишувларни ечишга қаратилган қисмлар мавжуд бўлиб, улар томонлардан бирига даромадларнинг аниқ турлари бўйича маълум солиққа тортишда мутлақ ҳуқуқ беради.

Иккинчи босқичда, “резидент” ва “даромад манбаси” моддалар бўйича барча мунозаралар ҳал этилгандан сўнг қолган икки ёқлама солиққа тортишга барҳам берилди. Бундай барҳам бериш ҳар бир мамлакатнинг ички меъёрлари асосида таъминланади. Янги солиқ келишувида эса ушбу меъёрларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги кўриб чиқилади. Охириги ҳолатда, икки ёқлама солиққа барҳам бериш бўйича янги

тартиб, келишув асосида жорий этилиши мумкин. Одатда, қуйидаги усуллардан бири қўлланилади: “озод қилиш” усули ёки “солиқ кредити” усули. Солиқ келишуви тузилаётган пайтда томонлар ушбу икки усулдан бирини танлаши, ёки уларни иккаласидан ҳам зарурий пайтларда фойдаланиши мумкин. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, солиқ келишувларида “солиқ кредити” усулидан кўпроқ фойдаланилади. Бу ҳолатни ҳаттоки, ички солиққа тортиш тизимида кўпроқ “озод қилиш” усулидан фойдаланадиган мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири — “солиқ кредити” усулида солиқларни тўлашда халқаро четга чиқиш имкониятларининг анча пастлигидир.

Учинчи босқичда, ҳамкор мамлакатларда солиққа тортиладиган даромадларни турлича аниқлаш сабабли келиб чиқадиган икки ёқлама солиққа тортишга барҳам берилади. Бундай икки ёқлама солиққа тортиш, одатда, солиқ органларининг ўз ваколатлари доирасида солиқларни ундириш учун солиқ тўловчилар даромадларини қайта тақсимлаш бўйича ҳаракатларидан келиб чиқади. Аксарият мамлакатларда солиқ органларига бундай ҳуқуқ ички қонунчиликда кўзда тутилган бўлиб, тадбиркорлик даромадлари, фоиз ва роялти тўғрисидаги келишув моддалари билан тасдиқланади. Масалан, 1977 йилда қабул қилинган ИХРТ Шаклий конвенциясининг тадбиркорлик даромадлари тўғрисидаги моддаларига биноан, “доимий фаолият юритувчи ташкилот”нинг фойдаси солиқ маъмурияти томонидан худди шундай фаолият тури билан шуғулланувчи корхона, ташкилотнинг фойдаси каби ҳисоб-китоб қилиниши мумкин; фоиз ва роялти ҳақидаги моддала эса кредитор ва қарздор ўртасидаги алоҳида келишувлар натижасида келиб чиқадиган ўзгаришларга барҳам бериш тўғрисида сўз боради. Аммо ўз-ўзидан маълумки, агар бирор мамлакат маҳаллий корхоналарга нисбатан солиққа тортиладиган даромадни ёки бирор шахсни хорижий шахс фойдасига ўтказган ва ҳаражат сифатида акс эттирилган суммасини “тикласа”, унда ушбу суммани олувчи хорижий шахс даромадлари бўйича керакли ўзгаришлар амалга оширилади. Акс ҳолда биринчи мамлакат солиқ органларининг бундай квалификацияни инобатга олмаслигига қарамасдан, хорижий шахс томонидан олинган ушбу сумма, хори-



жий шахснинг даромади сифатида қайтадан солиққа тортилиши мумкин. Солиқ келишувлари мавжуд бўлмаган шароитда, биринчи мамлакатнинг солиқ органлари, солиқ тўловчининг бундай даромадлари, иккинчи давлат ҳукумати томонидан даромад сифатида тан олинмайди ва ушбу даромадларни солиққа тортиш базасидан чиқариш зарурлиги бўйича илтимосномасини кўпчилик ҳолларда қондирмайди.

Солиқ келишувлари, икки ёқлама солиққа тортишга барҳам бериш мақсадларидан ташқари, муҳим мақсад — солиқ тўлашдан четга чиқиш ҳолатларига қарши курашни кўзлайди. Ушбу соҳада солиқ келишувлари орқали солиқ органлари ҳамкорлигининг асоси ва тартиби белгилаб олинади. Шунинг учун ҳам солиқ келишувларида даромадларни яширишга қарши, чет элга даромадни яширин тарзда ўтказишга қарши солиқ органларининг биргаликдаги кураши бўйича **бир қатор йўриқномалар** киритилади. Бу “доимий фаолият юритувчи ташкилот”нинг даромадларини тартибга солиш бўйича йўриқ; ассоциациялашган корхоналар тўғрисидаги модда (бош компания ва филиаллар ўртасида даромадларни тақсимлаш бўйича тузатишлар киритишга имкон берадиган); алоҳида муносабатлар туфайли ҳамкорлар ўртасида фоиз тўловлари ва роялти бўйича солиққа тортиладиган даромадлардаги “хатоларни” тўғрилаш бўйича шартлар ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бошқа асосий масалалар билан бирга, солиққа доир масалаларни ҳам ўз ичида кўриб ўтадиган бир-қанча **халқаро келишувлар** мавжуд.

*Биринчидан*, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосини ташкил этувчи кенг тарқалган келишувлар. Ушбу келишувларда қоидага биноан, солиқлар бўйича дискриминация қилмаслик, яъни бошқа мамлакатнинг фуқаро ва компанияларига худди маҳаллий фуқаро ва компаниялар учун жорий қилинган солиқ тартибини жорий қилиш тўғрисидаги йўриқномалар акс этади. Аммо шу нарса қайд этиладигани, ҳар бир мамлакат ўз фуқароларига ва компанияларига берадиган солиқ имтиёзларини бошқа мамлакат фуқароларига ва компанияларига беришга мажбур эмаслар.

*Иккинчидан*, дипломатик ва консуллик муносабатларини ўрнатиш бўйича (махсус консуллик конвенцияларини ҳам киритиш мумкин) келишувлар. Ушбу ке-

лишувларда томонлар дипломатик ва консуллик идоралари ҳамда уларда фаолият юритаётган шахсларга бериладиган солиқ имтиёзларини ўзаро келишадилар. Имтиёзлар ҳажми, одатда, ушбу шахсларнинг бошқа мамлакат ҳудудида бўлиш мақсадлари ва фаолият доиралари билан чегараланади. Мазкур имтиёзлар рўйхати 1961 ва 1963 йилларда қабул қилинган кўп томонлама дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари ҳақидаги *Вена конвенцияларида* ўз аксини топган.

Дунёнинг аксарият мамлакатлари ушбу конвенцияга аъзо. Шунинг таъкидлаш лозимки, юқоридаги икки хил келишувларда кўзда тутилган келишувлар у ёки бу кўринишда, умумий солиқ келишувларида ҳам инobatга олинади.

Учинчидан, ҳамкор мамлакатдан олиб кириладиган товар ва хизматларга максимал даражадаги қулай солиқ муҳитини яратишга йўналтириладиган тартибни қўллаш бўйича томонлар ўртасида тузиладиган савдо келишуви ва шартномалари. Солиқлар бўйича таъсир этишга кўра ушбу келишувлар, кўпчилик ҳолатларда фақатгина бож тўловлари бўйича кенг тарқалади. Аммо баъзи ҳолларда ушбу келишувлар умумий солиқларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин ҳамда ташқи савдо фаолиятининг бошқа меъёрларини (валюта бўйича, банк операциялари бўйича ва бошқалар) ҳам қамраб олиши мумкин.

**Жаҳон солиқ кодекси.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти у ёки бу халқаро дастурлар асосида бозор ислохотларини амалга ошираётган давлатларга маълум бир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёрдам бериш ҳамда ҳамкорлик қилишни амалга оширади. Бундай ҳамкорлик йўналишларидан бири — замонавий халқаро иқтисодий талабларга жавоб берадиган миллий солиқ тизимининг юзага келишига, шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беришдир. Айнан шундай чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, яъни халқаро солиқ дастури доирасида Жаҳон солиқ кодексини тайёрлаш фикри юзага келди. Ушбу **Кодекснинг асосий мақсади** — ислохотларни амалга ошираётган давлатларга илмий асосда солиқ муносабатларини бошқариш, ягона терминология ва ягона мазмундаги изоҳни яратиш имкониятларини тақдим этишдир.

“Жаҳон солиқ кодекси асослари” шаклидаги ушбу ҳужжат 1993 йилда тайёрланиб, нашрдан чиқарилди.

Унинг муаллифлари Гарвард университети (АҚШ) мутахассислари Уорд М. Хасси ва Дональд С. Любик. Ушбу Кодекс асослари 300 бетдан иборат бўлиб, 591 та модда ва изоҳни ўз ичига олган Солиқ кодекси матнидан иборатдир.

Кодекснинг кириш қисмида муаллифлар кўпгина давлатлар тажрибасидан ўтган солиқ тизимининг замонавий маъносини очиб беришга ҳаракат қилганликларини ёзишган.

Жаҳон солиқ кодекси намуна сифатида бўлишига қарамасдан, унда солиқ тўловларининг аниқ ставкалари, унинг минимумлари ва имтиёзлар берилгандир.

Кодекс матни ва унда берилган ставкалар кодексдан фойдаланишни хоҳловчи давлатлар учун мажбурий эмас, балки тавсиявий тусга эгадир.

Миллий солиқ қонунчилиги тайёрланаётганда ушбу давлат мутахассислари томонидан мамлакатдаги аниқ иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар инobatга олиниши керак.

Кодексда берилган низом алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу низомга кўра солиқ тизими орқали иқтисодий субсидиялар бериш тўғри субсидия тўловларига нисбатан кам самаралидир. Имтиёз турлари ва энгилликларнинг кўплиги, солиқ имтиёзларини назорат қилишнинг қийинлиги сабабли, солиқ тизимини мураккаблаштиради ва самарадорлигини туширади, унинг зарур бўлган эгилувчанлик хусусиятларини йўқотади. Бундан келиб чиқадикки, кодексда солиқлардан вақтинчалик ёки доимий озод этиш каби имтиёзлар кўзда тутилмайди. Ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кодекс муаллифлари фикрича, ушбу давлатлар даромадлари асосий қисми божхона божлари, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар ҳамда корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқ ҳисобига шаклланади. Бундай солиқ тизими улар фикрича, солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган маъмурий харажатлар жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиққа нисбатан кам бўлади.

Тавсия этилаётган кодексдаги солиқлар тизими га фақатгина юқори даромадларга эга бўлган аҳоли қисмига қўлланиладиган жисмоний шахслардан олинadиган индивидуал даромад солиғи ҳам киритилгандир. Бу бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда асосан ривожланаётган ва собиқ социалистик давлатларда ин-

дивидуал даромад солиғини ривожланган давлатлардаги каби кенг миқёсда қўллаш учун етарли даражадаги маъмурий ва ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Индивидуал даромад солиғи солиқ тушумлари мақсадида эмас, балки тенглик ҳиссини қарор топтириш мақсадида жорий этилади.

Жаҳон солиқ кодексини ишлаб чиққанлар, солиқ қонунларини тайёрлаш ва қабул қилиш солиқ ислоҳотига дастлабки қадамдир деб ҳисоблайдилар. Асосийси, солиқ аппаратининг самарадорлигини яратишда деб биладилар. Адолатли ва юқори салоҳиятли солиқ хизматининг мавжудлиги солиқ ислоҳотидаги муваффақиятларнинг зарурий шартидир.

Жаҳон солиқ кодекси асосий солиқ турлари бўйича 5 қисмга бўлиниб, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда жорий этиш учун тавсия қилинади. Биринчи қисм — даромад солиғи; иккинчи қисм — қўшилган қиймат солиғи; учинчи қисм — акциз солиқлари; тўртинчи қисм — кўчмас мулкка солиқ; бешинчи қисм — солиқ маъмурияти деб номланади.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Солиқ келишувлари қандай мақсадларни кўзлайди?
2. Солиқ келишувларида қўлланиладиган икки ёқлама солиққа тортишга барҳам беришнинг уч поғонали тизимини тушунтириб беринг.
3. Солиқ келишувлари мавжуд бўлмаган шароитда солиққа тортиш қандай амалга оширилади?
4. Қайси халқаро келишувлар ўзида солиққа тортиш масалаларини ҳам кўриб ўтади?
5. Жаҳон солиқ кодексини қисқача тушунтириб беринг.

### **10.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ СОЛИҚ СИЁСАТИ**

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши билан, унинг солиқ келишувларини тузиш соҳасидаги барча ҳуқуқлари ўз-ўзидан Иттифоқнинг собиқ республикалари ихтиёрига ўтди. Ушбу воқеа, пайдо бўлган мустақил давлатларнинг ҳар бири учун халқаро операцияларда ўз

миллий манфаатларидан келиб чиқадиган солиқ сиёсатини ишлаб чиқиши заруратини келтириб чиқарди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг солиқ ҳуқуқида “Ўзбекистон Республикасида тижорат фаолияти”, “Ўзбекистон Республикасида даромадлар манбаи” тушунчаларини аниқ белгилаб олиш зарур. Шунинг билан бирга “Ўзбекистон Республикасида даромадлар манбаи” — яъни “миллий хўжалик айланмасига” тааллуқли (Ўзбекистон Республикасининг солиқ юрисдикциясига мос тушадиган) даромадлар ва мулк (капитал), уларни солиққа тортиш тартибини деталлашган ҳолда аниқлаштириш (ушбу даромад ва мулкнинг солиқ ҳисобини юритиш, назорат усуллари ва бошқалар) керак.

Ривожланаётган мамлакатлар билан солиқ келишувларини тузишда, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корхоналарда мазкур мамлакатлар корхоналарининг улуши пастлигини ва ўзбекистонлик тадбиркорларнинг мазкур мамлакатлар ҳудудида потенциал фаолият юритиш имкониятларининг кенглигини инобатга олган ҳолда, “фаолият юритувчи ташкилот” тушунчасини максимал даражада чегаралаш зарур. Собиқ Иттифоқнинг бу соҳадаги тажрибасига назар соладиган бўлсак, аксинча у, ривожланган мамлакатлар билан мамлакат манфаатларига мос келмайдиган солиқ келишувларни тузган ва ривожланаётган мамлакатлар билан келишувларни тузишга эътиборни кам қаратган.

Шунингдек ташқи солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда солиқ келишувларининг шаклларини кенгайтириш ҳамда бошқа усуллар ва ташқи солиққа тортишнинг Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган бошқа воситаларини етарлича баҳоламаслик салбий ҳолатларга олиб келади. Масалан, бир ёқлама чора-тадбирлар қўллашни умуман оқлаб бўлмайди: у Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда шартномавий усуллардан фойдаланишни қийинлаштиради ва ўз-ўзидан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига жиддий салбий таъсир этади. Аммо баъзи давлатларда бир ёқлама чора-тадбирларни қўллаш амалиётига катта эътибор берилади: бунда баъзан, бошқа мамлакатлар билан бўладиган муносабатларда ўз миллий манфаатларига сезиларли устунлик беришни кўзлаб, солиқ сиёсатининг ташқи йўналишлари бўйича махсус қонунлар қабул қилинади.

Мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга эришилгандан сўнг ва миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш бўйича халқаро ташкилотлар томонидан қўйилган молиявий талабларни бажариш билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ташқи солиқ сиёсатининг айрим йўналишларини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлади. Мамлакат миллий манфаатларига мос келмайдиган келишувларни фаолиятига тезда барҳам бериш ёки уларни қайтадан кўриб чиқиш ҳақида ҳамкор мамлакатларга хабар бериш зарур бўлади. Аммо ушбу тадбирлар, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий муносабатларини солиқлар орқали тартибга солишни таъминлай оладиган, ҳар томонлама пухта шакллантирилган солиқ қонунчилиги ишлаб чиқилгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда давлат буюртмалари асосида фаолият юритаётган чет эл корхоналарини “керагидан ортиқча” даромад олишига йўл қўймаслик — муҳим муаммо ҳисобланади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат шартномалари асосида фаолият юритаётган хусусий сектор вакилларининг фойда меъёри (рентабеллик даражаси)ни чегараловчи махсус қоидалар амал қилади. Масалан (АҚШда), давлат шартнома тузишда хусусий корпорация томонидан олинган даромад маълум меъёрдан ошмаслигини келишиб олади. Баъзи мамлакатларда эса, хусусий секторни давлат буюртмаларидан оладиган даромадларини тартибга солиш мақсадида одатдаги даромад солиғига қўшимча равишда махсус солиқлар жорий этилган (Францияда давлат буюртмаси бўйича хусусий корхона оладиган даромад 25 фоиздан ортса махсус солиқ тўланади).

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи солиқ сиёсатининг асосий вазибалари нималардан иборат?
2. Ташқи солиқ сиёсатига салбий таъсир этувчи омилларни тушунтириб беринг.
3. Чет мамлакатларда хусусий секторни давлат буюртмаларидан оладиган даромадлари қандай тартибга солинади?

#### 10.4. СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Мамлакат ҳукумати томонидан корхона ва ташкилотларни хорижий шериклар билан ҳар томонлама узоқ муддатли ҳамкорлик олиб бориши учун барча шароитлар яратилмоқда. Мана шундай ҳамкорлик шакллари-дан бири — кўпчилик ҳолларда, хорижда тижорат фаолиятини олиб бориш учун тузиладиган қўшма корхоналардир. Мазкур корхоналар учун **солиқларни режалаштириш** масаласи алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Аммо ушбу масалани ҳал этишда қуйидагилар зарур:

- биринчидан, халқаро хўжалик фаолиятини солиққа тортишда, солиқ маъмурияти қандай тамойил ва критерияларга асосланиши ҳақида тушунчага эга бўлиш;

- иккинчидан, солиқларни режалаштириш воситаларни ва ундан тўғри фойдаланишни яхши билиш (солиқлар суиистеъмол қилинганда қўлланиладиган жазо соҳасига “йиқилиб” тушмаслик учун).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хорижий мамлакатлар корхоналари фаолиятида солиқларни режалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур фикрнинг тасдиқлаш учун қуйидагиларни келтириб ўтиш етарлидир: ғарб мамлакатларида кўпчилик корпорациялар, корпорация даромадларига тўланиши лозим бўлган 50-60 фоизли андоза солиқларни ўрнига, ҳақиқатда ушбу солиқ сифатида баланс фойдасидан ўртача 20-25 фоиз миқдорда солиқ тўлайдилар. **Солиқларни режалаштиришнинг иқтисодий маъноси** шуки, солиқ тўловчининг қонунчилик томонидан рухсат берилган барча йўллар, усуллар ва воситаларлардан фойдаланган ҳолда ўз солиқ мажбуриятларини максимал даражада қисқартириш бўйича ҳамма томонидан тан олинган ҳуқуқларидан фойдаланишдир.

Солиқларни режалаштириш жараёнларини ҳозирда муҳим бўлган аҳоли даромадларидан олинадиган солиқлар ва мулк солиғи мисолида кўриб чиқамиз. Шартли равишда ушбу жараённи *тўрт босқич*га бўлиш мумкин.

**Биринчи босқич** — бу компанияни, уни бошқарувчи органини, асосий ишлаб чиқариш ҳамда тижорат

<sup>1</sup> Бурханов У., Хошимов К. Налоговое регулирование внешнеэкономических связей. Сущность и развитие международных налоговых отношений. Москва: — Аспирант и соискатель. №1.2002.

бўлинмалар ва ҳ.к.ларни қаерда рўйхатдан ўтказиш, солиқ нуқтаи назаридан энг фойдали бўлиши масаласининг ҳал этилиши.

**Иккинчи босқич** — бу компаниянинг туси ва фаолият мақсадларини инобатга олган ҳолда унинг ҳуқуқий шакли ва таркибини танлаш масаласининг ҳал этилиши (ушбу босқич биринчи босқичга боғлиқ бўлиб, солиқларни режалаштиришнинг дастлабки бўғинини ташкил этади).

**Учинчи босқич** — солиқларни режалаштириш бўйича жорий фаолиятга тааллуқли бўлиб, у солиққа тортиладиган даромадларни аниқлашда ва солиқлар бўйича тўловларни амалга оширишда, солиқ имтиёзларидан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш масаласи ҳал этилишини назарда тутди.

Ниҳоят, тўртинчи босқич — олинган даромад ва бошқа жамғармаларни солиқ нуқтаи назаридан энг самарали жойлаштириш, уларни ишлатиш усул ва йўллари танлаш масаласини ечиш.

Ғарбий Европа мамлакатлари, Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида кенг тарқалган солиқлардан — амалга ошириладиган битим ёки операциялардан олинладиган солиқ, жумладан, қўшилган қиймат солиғи жиддий режалаштиришни талаб этади. Мазкур солиқ турлари, тўланиши лозим бўлган ҳамда қайтариб олинладиган солиқ суммаларини доимо ҳисоблашни талаб этади. Шунинг учун ҳам, солиқ тўловчи солиқлардан қайтариб олиши лозим бўлган суммани ўтказиб юбормаслиги учун, ушбу солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни режалаштиришга алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Шундай қилиб, солиқларни режалаштириш фавқулодда кенг бўлган йўналишлар спектрини, йўллари ва усуллари ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг қўпчилиги жудда оддий, айримлари фавқулодда мураккаб. Аммо шуниси муҳимки, солиқларни режалаштириш моддий ва молиявий ресурсларини ишлатмай туриб, фақатгина ташкилий-ҳуқуқий ҳаракатлар натижасида сезиларли даражада валюта маблағларини тежашга имконият беради.

Умуман, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

— бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни тартибга солиш ама-



лиётининг комплекс таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу тартибга солишда маъмурий усуллар устунлиги сақланиб қолмоқда. Тартибга солишда молиявий дастак ва инструментлардан фойдаланишга имкон берувчи ҳуқуқий ва рақобатли бозор муҳитининг шаклланиши эса, анча қийин кечмоқда;

— мамлакатда юзага келган молиявий-иқтисодий вазиятни объектив баҳолаш шундан далолат берадики, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, энг аввало, рақобатли бозор иқтисодиётини шакллантиришга туртки берувчи экспортни ривожлантиришга устувор соҳа сифатида ёндошиш, жаҳон бозорига Ўзбекистон Республикасининг “режали” кириб боришининг муҳим шартидир.

Валюта-молия инструментларидан фойдаланиш, экспортни рағбатлантириш ва инвестицион фаолиятни кенгайтириш, халқаро молия муносабатлари самарасини оширади ва мамлакатга капитал жалб қилишни кучайтиради.

Халқаро молия муносабатларида ташқи фаолиятни солиққа тортиш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- дунёнинг етакчи мамлакатлари валютасига нисбатан барқарор ва аниқланган курслар асосида миллий пул бирлиги алмашинувини таъминлайдиган валюта сиёсатини ишлаб чиқиш;

- халқаро иқтисодий муносабатларда молиявий назоратни таъминлаб берувчи, Ўзбекистон Республикасининг ташқи солиқ сиёсати концепциясини қабул қилиш лозим. Таклиф этиладиган критериялар ва устувор йўналишлар асосида мазкур соҳада қонунчилик меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Ўзбекистон фуқаролари ва корхоналарининг чет мамлакатлар солиқ органлари билан ўзаро муносабатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарда “солиқларни режалаштириш” тизими ишлаб чиқилмаган ва уни шакллантириш зарур. Бундай режалаштириш натижасида корхоналар ўзларининг тижорат ва молиявий фаолияти давомида қонунчиликда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари ва чегирмаларидан фойдаланиш имконияти кенгайди;

- ўтказилган таҳлилларни умумлаштириб, тадбиркорларнинг ташаббускорлигига қулай муҳит яратишга ҳамда иқтисодий муносабатларни устувор даражада мо-

лиявий дастаклар ёрдамида тартибга солишга имкон берувчи эркин иқтисодий сиёсат юритишнинг зарурлиги.

Иқтисодий ўтиш шароитида солиқ сиёсатининг юқорида санаб ўтилган асосий мақсадларга эришишида, мамлакатдаги молиявий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Солиқларни режалаштириш деганда нима тушунилади?
2. Солиқларни режалаштириш нечта босқичдан иборат?
3. Мамлакатимизда ташқи фаолиятни солиққа тортиш юзасидан қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?

## Х И Б О Б

### ХАЛҚАРО СУҒУРТА БОЗОРИ ВА СУҒУРТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

#### 11.1. ХАЛҚАРО СУҒУРТА БОЗОРИ

Суғурта молиянинг интеграциялашган шакллари-дан ҳисобланади. Дунёнинг йирик суғурта компаниялари биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга ошириш учун бирлашадилар. Кўпгина мамлакатларда хорижий суғурта компанияларини миллий бозорларга киришига рухсат этилган. Масалан, 1992 йилдаги Маастрихт шартномасига асосан Европа мамлакатларида хорижий капитални чеклаш бўйича барча тўсиқлар олиб ташланди ва Европада ягона суғурта бозорини шакллантиришга қаратилган тадбирлар бошланди. Шундай бўлсада, миллий суғурта бозорлари ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолмоқда. Бу хусусиятлар биринчидан, суғурта соҳасининг таркиби ва тақлиф этилган суғурта ҳимоясининг турларига тааллуқлидир. Масалан, ҳаётни суғурталаш, суғурта бўйича йиғиладиган бадалларнинг 77 фоизини ташкил этса, бу кўрсаткич Европада — 47 фоиз, Шимолий Америкада — 42 фоизни ташкил этади. Бундай тафовутнинг юзага келишига асосий сабаб, давлат томонидан ижтимоий ҳимоя паст бўлган мамлакатларда аҳолининг пенсия таъминотини ўзлари ҳал қилишидир (Ғарбий Европа суғурта бозорининг таркибини 1-жадвалдан кўриш мумкин).

АҚШда 9130 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият юритади ва суғурта тўловлари аҳоли жон бошига 1999 йилда 2334 ЭКЮни ташкил қилган.

Аҳоли жон бошига суғурта тўловлари энг юқори бўлган мамлакат — Люксембург бўлиб, 1999 йилда у аҳоли жон бошига 2800 ЭКЮни ташкил этган. Сабаби, Люксембургни немислар, бельгияликлар ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар бу ерни капитал жойлаштириладиган “солиқ жаннати” деб аташади.

Буюк Британияда энг эркин суғурта тизими барпо этилган. Бу ерда ҳаттоки, суғурта компанияларини назорат қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департаменти томонидан амалга оширилади. Суғурта

бадалларини ўрнатиш ва суғурта қилиш қоидалари эркинлигига қарамасдан, бу ерда кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мамлакатлардагидан анча юқори, нархлари эса паст даражада. Тарихан таркиб топишига кўра Британия суғурта бозори иккита мустақил қисмга бўлинган: Лондон ва бошқа барча ҳудудлар. Лондон бозори, одатда, хорижий мижозларни, денгиз кемаларини, нефть компанияларини, ТМКларни суғурталайди. Лондон бозорида ҳукмронлик қилувчи Ллойд суғурта компанияси охириги йиллардаги қийинчиликлардан, фақатгина жиддий ташкилий ислохотларни амалга ошириш билан чиқмоқда. Ушбу қийинчиликлар мамлакат ичкарасидаги мижозларни суғурталовчи – ички суғурта бозорига таъсир этмади.

Германияда суғурта бозори давлат томонидан қаттиқ тартибга солинади. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, суғурта бизнеси йирик саноат капитали билан яқин алоқада. Капиталда ва бошқарувда ўзаро иштирок этиш кенг тую олган. Мутахассисларнинг фикрича, тахминан 50 та киши барча йирик немис суғурта компанияларини назорат қилади. Шунинг учун ҳам рақобат асосан сотиш тармоқлари ўртасида мавжуд.

Германияда суғурта бозорида ҳукмронлик қилувчи компаниялардан бири — “Альянс” компаниясидир. У ҳаётни суғурталаш соҳасининг 42 фоизини ва бошқа суғурта соҳалари 38 фоизини эгаллаб олган. “Альянс” айланмасининг тахминан 55 фоизга яқини ички бозор, қолгани хорижий фаолият билан боғлиқ. Яқинда иккита француз компаниялари “АХА” ва “ИАР”ни бирлашишидан олдин “Альянс” Европадаги энг йирик суғурта компанияси эди.

“R+V” суғурта компанияси катталиги жиҳатдан Германияда иккинчи ўринда туради. Унинг юксалишига Берлин деворининг қулаши катта таъсир кўрсатди. Ушбу компания кооператив таркибга эга бўлиб, у асосан қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларни суғурталашга ихтисослашган.

Хорижий капиталга нисбатан қонуний чекловларнинг мавжуд эмаслигига қарамасдан, немис суғурта бозори нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бу аҳолининг: “немислар ўз суғуртачиларини афзал биладилар” деган психологияси билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу ерда агентлар тармоғи жуда зич. 50 мингга яқин агентлар суғурта компанияларида агент бўлиб тўлиқ иш кунда

ишлашса, тахминан 270 минг киши ўриндошлик асосида фаолият юритадилар. Агентлар билан миждозлар ўртасидаги муносабат дўстона ва узоқ муддатли асосда шаклланган.

Суғурта хизматлари анъанавий бўлиб, немис суғурта компаниялари юқори riskли тажрибаларни ўтказишга мойил эмаслар.

Германияда қайта суғурталаш кенг ривожланган. Бу — Биринчи жаҳон урушидан кейин тўғри суғурталаш билан шуғулланаётган немис суғурта компанияларига хорижда фаолият юритиш тақиқланиши натижасида юзага келди. Чунки ушбу тақиқлар қайта суғурталовчиларга тааллуқли эмасди ва суғурта капитали йиллар давомида ушбу соҳага оқиб ўтди.

Немис бозорининг энг муҳим томони — банк суғурталашдир, яъни суғурта компанияси ўз савдо шохобчасида нафақат суғурталаш билан, балки банк хизматларини кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.

Француз суғурта бозори ҳаётни суғурталаш ва автомобиль суғуртасига ихтисослашган. Айниқса автомобиль ва автотранспорт эгалари жавобгарлигини суғурталаш кучли даражада ривожланган.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг кўпгина йирик корхоналар ва банклар сингари суғурта компаниялари миллийлаштирилган эди ва узоқ вақт давлат ихтиёрида бўлди.

Бу ҳолат миллий иқтисодиётни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда давлат суғурта компанияларининг маълум қисми хусусийлаштирилган. Ҳаётни суғурталаш бўйича энг йирик суғурта компанияси — CNP давлат ихтиёрида қолмоқда. Ушбу компанияни сотиш лойиҳаси мавжуд бўлсада, қулай инвестор топилмаганлигидан, уни сотиш лойиҳаси амалга ошмасдан келаётир. CNP хусусий компанияларга нисбатан ҳеч қандай имтиёзга эга эмас.

Францияда ижтимоий суғуртанинг роли катта. Яхши йўлга қўйилган ижтимоий таъминот, пенсиялар бўйича давлат кафолатлари, ҳаётни суғурталашни бу ерда бошқа Европа мамлакатларникига нисбатан паст даражада ривожланишига сабаб бўлди. Аммо кейинги йилларда ижтимоий таъминот ва пенсия фондининг бюджетлари тақчилликка эга бўлиши кузатилмоқда.

Давлат ҳаётни суғурталашни рағбатлантириш бўйи-

ча қатор тадбирларни амалга оширди ва охириги 10-15 йил ичида Франция ушбу масалада қўшниларидан илгарилаб кетди.

Бу соҳадаги асосий тадбирлардан бири сифатида ҳаётни суғурталаш бўйича жиддий солиқ имтиёзлари берилишини кузатиш мумкин. Ушбу имтиёзлардан биринчиси: суғурта шартномасига кўра тўланган тўлов фоизларидан солиқ олинмайди. Бу суғурта шартномасини банк омонатидан ҳам фойдалироқ қилиб қўяди. Ушбу имтиёз суғурта шартномасининг муддати 8 йил бўлганда амал қилади

Иккинчидан, суғурта қилинувчи вафот этганда, суғурта шартномасига асосан олинадиган капитал меросидан солиқ тўланмайди. Бундан ташқари, суғурталаш мерос қилинадиган мулк таркибига киритилмайди ва бошқа меросхўрлар билан бўлиб олинмайди. Шундай қилиб, ҳаётни суғурталаш — ўз меросхўрларига, меросдан солиқ тўламасдан пул қолдиришнинг энг қонуний йўли ҳисобланади.

Францияда банк суғуртаси ҳам яхши ривожланган. Бундан ташқари, ҳаётни суғурталаш шартномалари, ҳаттоки почта орқали сотилади. Қишлоқ жойларда ва кичикроқ шаҳарларда, почта бўлимлари, нафақат почта хизматини, балки суғурта, банк хизматларини ҳам кўрсатади. Улар банк ҳисобварақларини юритадилар, жамғарма ҳисобварақларини очадилар ва бой бўлмаган аҳоли учун ўзига хос банкирлар ҳисобландилар.

Шундай қилиб, турли мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт тарзига мослашиб, суғурта турли хил шаклларда намоён бўлмоқда.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Суғурта нима?
2. Суғурта бозори деганда нима тушунилади?
3. Европа мамлакатларида суғуртани ташкил этиш ва унинг ўзи-га хос жиҳатларини тушунтириб беринг.
4. Германияда қайта суғурталаш қандай сабабларга кўра яхши ривожланган?
5. CNP компаниясини хусусийлаштиришга нима тўсқинлик қилмоқда?

## 11.2. ХАЛҚАРО СУҒУРТАНИНГ ТУРЛАРИ

Европа иқтисодий ҳамкорлик тизимида қабул қилинишича суғурта ташкилотлари ихтисослашган ва ихтисослашмаган асосда ўз фаолиятларини ташкил қилдилар. Ихтисослашмаган суғурта ташкилотлари суғуртанинг бир неча турлари бўйича ўз ишларини олиб бордилар. Ихтисослашган суғурта ташкилотлари 1-2 йўналишларда ихтисослашган ҳолда фаолият юритадилар. ЕХТда суғурта гуруҳлари қуйидаги икки хилга бўлинади: узоқ ва қисқа муддатли умумий суғурта турлари.

Узоқ муддатли суғурта турларига қуйидаги етти хил суғурта йўналишлари киради:

- ҳаётни ва аннуитентини суғурталаш;
- никоҳ ва фарзанд таваллудини суғурталаш;
- соғлиқ узлуксизлигини суғурталаш;
- тонтинг суғуртаси
- капитални қайта суғурталаш;
- пенсия суғуртаси;
- бошқа турдаги узоқ муддатли суғурталар.

Юқоридаги узоқ муддатли суғурта турларидан бошқа халқаро амалиётда қуйидаги суғурта йўналишлари мавжуд:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- тиббий суғурта;
- автомобилларни суғурталаш;
- темир йўл вагонларини суғурталаш;
- самолётларни суғурталаш;
- кемаларни суғурталаш;
- транспорт юklarини суғурталаш;
- мулкни ёнғин ва табиий офатлардан суғурталаш;
- транспорт ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- кема эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш;
- умумий жавобгарлик суғуртаси;
- кредит суғуртаси;
- ходимларни зарарлар эҳтимолидан суғурталаш;
- молиявий зарарларни суғурталаш;
- суд харажатлари тўловларидан суғурталаш ва бошқалар.

Юқоридаги суғурта турлари моҳиятини очиб бериш учун уларнинг қўлланиш соҳалари билан танишамиз.

Энг анъанавий суғурта турларидан бўлган ҳаётнинг

аралаш суғуртасининг бундай номланишига сабаб, унда 3 хил суғурта жавобгарлиги мужассамлаштирилганлигидадир. Мазкур суғурта турида шартномада кўрсатилган ёшга етиб, охириги бадал тўлангандан кейин компания қоплама пулини тўлайди. Қоплама ишсизлик ва вафот ҳодисаларини четлаб ўтмайди. Ҳаётнинг аралаш суғурта шартномаси 1 ойдан 6 ойгача, 1 йилга, 3 йилга, 5 йилга, 10, 15 ва 20 йилга тузилади.

Болалар ва никоҳ тўйи суғуртаси бўйича шартнома тузилган кунда боланинг ёши 15 дан ошмаган бўлиши керак. Боланинг ота-онаси, бошқа қариндош-уруғлари, фарзандликка олган шахслар бундай шартномалар тузиши мумкин. Касаллиги туфайли I гуруҳ ногиронлари билан суғурта шартномаси тузилмайди. Никоҳ суғуртасининг асосий мақсади, никоҳ тўйига қадар шартномада кўрсатилган суғурта маблағи йиғилиб, тўй арафасида уни суғурталанувчига топшириш ва унга бу тантанали тадбирни амалга оширишда ёрдам кўрсатишдир. Бадал миқдори суғурта пулига мос равишда бўлади ва пулнинг суғурта муддатидаги ойларга тақсимлаш йўли билан аниқланади. Агар 21 йилдан кейин никоҳ тўйи ўтказилмаса ўтган ҳар қайси тўлиқ йил учун суғурта пулининг 3 фоиз, ҳар бир тўлиқ ой учун эса 0,25 фоиз миқдорида тўланади.

Тиббий суғурта тури суғурта ҳодисаси рўй берганда даволаниш харажатларини қоплаш мақсадида суғурталанувчилардан олинадиган бадаллар ҳисобидан шакллантирилган фонд маблағларидан моддий ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади. Тиббий суғурта икки хил бўлади: мажбурий ва ихтиёрий.

Фуқароларни қўшимча пенсияга суғурта қилиш — суғуртачи билан суғурталанувчи ўртасида шартнома тузишдан бошланади. Бундай шартномалар 25 йилдан 60 йилгача эркаклар ва 20 дан 55 йилгача бўлган аёллар билан фақат уларнинг фойдасини кўзлаб тузилади. Қўшимча пенсияга суғурталанган фуқаро, фақат суғурта муддати давомида ҳамда қўшимча пенсия олиш даврида бахтсизлик ҳодисаларидан ҳам суғурталанган ҳисобланади. Пенсияга чиққунгача ўтган давр суғурта муддати деб аталади. Бу муддат тугагач, агар суғурта шартномаси бўйича ҳамма бадаллар тўланган бўлса, суғурталанувчи пенсия ёшига тўлгандан сўнг уларга умрлари охиригача қўшимча пенсия тўланади.

Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ҳаётни аралаш су-



ғурталаш қоидалари асосида шаклланиб, шу билан бирга, алоҳида суғурта сифатида ҳам амалга оширилади. Суғурта шартномаси амал қилган даврда суғурта ҳодисаси содир бўлиб қолса, бу ҳолда текшириш ўтказилиб, ҳужжатлар асосида суғурта қопламасининг миқдори аниқланади. Агар суғурта шартномасининг муддати тугаса, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши муносабати билан суғурта қопламаси тўланса, суғурталанган шахс вафот этса, суғурталанган шахс доимий ишлаш учун чет элга кўчиб кетса, суғурта шартномаси бекор қилинади. Шунини айтиш керакки, суғурта идоралари бахтсизлик ҳодисалари сабабини чуқур ўрганиш ва уни аниқлаш мақсадида суғурталанувчининг тиббий кўриқдан ўтиши учун мутахассис шифокор ҳузурига боришлари шарт

Юқларни суғурта қилиш учун суғурта ташкилотлари юридик ва жисмоний шахслар, юкни жўнатувчилар, юкни қабул қилиб олувчилар билан шартнома тузиб, бунда суғурталашга доир асосий кўрсаткичлар келтирилади. Юқлар содир этилиши мумкин бўлган барча ҳодисаларидан суғурталанади. Суғурта шартномаси юзасидан жавобгарлик юк омбордан жўнатиш учун олингандан бошланади ва бутун йўл давомида юкни ортиш ва уни тушириб, қайтадан ортиш, омборда сақлаш, юк қабул қилувчининг омборига ёки суғурта гувоҳномасида кўрсатилган охириги пунктдаги белгиланган манзилга етказиб берилгунга қадар давом этади.

Транспорт воситаларининг ихтиёрий суғуртаси ўзининг 4 хил объектига эга:

1. Транспорт воситалари
2. Ҳайдовчи ва йўловчилар
3. Транспортга тегишли қўшимча ускуналар
4. Асосий транспорт воситаси ёки прицепда ташилаётган юк.

Аҳолига тегишли мол-мулкни, яъни иморатлар, уй-жойлар, квартиралар, ҳайвонларни суғурта қилиш учун зарурий маълумотлар аниқланади. Бунда ажратилган ер участкалари, хусусийлаштирилган турар-жой фонди ва солиқ идоралари маълумотларидан фойдаланилади. Суғурта қопламасини тўлашда иморатнинг шикастланиши ва вайрон бўлишини кўзга тутиш лозим. 1-қаватда уни таъмирлаш харажатлари қопланади. Бунда иморатни сақлаб қолиш учун кетган харажатлар қопламага қўшиб тўланади.

**Халқаро суғурта компаниялари.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида суғурталовчиларнинг фаолияти турли хил ташкилий шаклларда, яъни ҳиссадорлик компаниялари; давлат ва аралаш суғурта ташкилотлари; хусусий тадбиркорлик ва бирлашмалар; кооператив суғурта ташкилотлари; қўшма корхоналар; автосуғурталовчилар параллел шаклларда намоён бўлади. Турли давлатларда суғурта жамиятларини тузишда турли хил ташкилий-ҳуқуқий шакллардан амалиётда фойдаланилади. АҚШ ва Германияда ҳиссадорлик жамиятлари, Францияда ўзаро суғурта жамиятлари, Буюк Британияда эса суғурта ассоциациялари иш олиб бормоқда.

Италия ва Испанияда кооператив суғурталаш амалиётда кенг қўлланилмоқда, Германия, Буюк Британия, Франция ва Японияда давлат капитали иштирокидаги суғурта компаниялари фаолият юритмоқда.

Улар асосан халқаро соҳада майдонга чиқадилар. Бу компанияларга Германиянинг “Гермес”, Франциянинг “Кофасе” компаниялари мисол бўла олади.

Бу компанияларнинг қай тарзда шаклланиши, уларнинг фаолияти маълум меъёрий актлар ва махсус давлат суғурта назорати органлари томонидан тартибга солинади.

Юқорида айтиб ўтилган Германиянинг “Гермес” компаниясини олиб қарайлик. Бу давлат суғурта компанияси бўлиб, турли мамлакатлар билан тузиладиган шартномаларга пул тўлови немис банклари ва компанияларининг рискларини суғурталайди.

Франциянинг “Кофасе” компаниясига келадиган бўлсак, бу давлат суғурта компанияси бўлиб, Франциядан экспорт жўнатмаларини амалга оширишга йўналтирилган кредитларни суғурталайди.

Англиянинг “Ллойд” корпорацияси юридик мустақил суғуртачилар бирлашмаси бўлиб. Уларнинг ҳар бири ўзининг молиявий шароитидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда рискларни суғурталайди. Ллойд XVII асрда пайдо бўлиб, ўз номини кафе эгаси бўлмиш Э.Ллойддан олган. Ушбу кафед фаолияти денгиз билан боғлиқ бўлган шахслар тўпланар эди. 1871 йилда бу компания денгиз суғурта операциялари билан иш олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс унвонига муваффақ бўлди. 1911 йилдан эса барча турдаги суғурта операциялари амалга оширила бошланди.

“Ллойд”нинг ҳар бир аъзоси ўз фаолиятини таъминлаш йўлида маълум миқдордаги пул маблағини депозит шароитида қўйиши лозим, бу сумма унинг рискдаги иштирок даражасини белгилайди.

“Ллойд” аъзолари суғурта турлари бўйича бирлаштирилган.

Буларга андеррайтерлар бошчилик қилиб, улар барча синдикат аъзолари номидан суғурта рискларини қабул қиладилар. “Ллойд” дунёнинг барча йирик портлари ва шаҳарларида ўз бирикмаларига эга бўлиб, узоқ муддатли хат суғурталаш ва алоҳида турдаги кафолатли суғуртадан бошқа барча соҳадаги суғурта хизматларини кенг миқёсда кўрсатади. Лекин “Ллойд”нинг таъминан ярим операциялари денгиз суғуртаси билан боғлиқ. Ушбу корпорация ўз таркибига 5000 атрофидаги суғурта компанияларини бирлаштиради. Агар объект бир муддатнинг ўзида Ллойд аъзоларининг бир нечасида суғурталанган бўлса, уларнинг ҳар бири суғурталанувчи олдида риск учун олинган маълум миқдордаги пул маблағи ва маҳсулот учун жавобгар ҳисобланади. Корпорация аъзолари одатда шартномаларни брокерлар орқали тузадилар.

*Халқаро суғурта бозоридаги операциялар.* Суғурта бозори бир неча суғурта ташкилоти ташаббуси билан шаклланиб, бир шаҳар, мамлакат миқёсида эмас, балки бир неча мамлакат доирасида, халқаро суғурта бозори сифатида шаклланади, қайта суғурталаш тadbирларини амалга оширишга ёрдам беради. Бозор шароитида фаолият юритувчи суғурталовчининг қайта суғурталашга бўлган эҳтиёжлари ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Ўзига катта рискни олувчи, лекин етарли даражадаги резерв ва захира фондлари бўлмаган суғурта ташкилотлари объектив ёндошган ҳолда қайта суғурталашни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб, шу йўл билан ўзларининг молиявий аҳволларини барқарорлаштирадилар.

Кенг ҳажмдаги қайта суғурталаш — бу суғурталаш томонидан ўзлари қабул қилган рискнинг маълум бир қисмини бошқа суғуртачилар — қайта суғуртачиларга топширилишидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бир рискнинг ўзи бир неча қайта суғуртачиларга топширилиши мумкин. Қайта суғурталашга қабул қилинган рискни қайта суғуртачи ҳам бошқа қайта суғуртачига топшириши мумкин. Бу

операция **ретроциссия** қайта суғурталовчи эса — **рет-ноцеспер** деб аталади.

**Факультатив қайта суғурталаш.** Бу усулга кўра суғуртачига қабул қилинган рискларини бошқа ихтиёрлий суғурта компанияга қайта суғурталашга бериш мумкин. Рискни қайта суғурталашга бера туриб, суғуртачи ўз фойдасига комиссиян пулдан бир қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Облегаторли қайта суғурталаш** — факультатив қайта суғурталашдан фарқли ўлароқ, бу усулда қайта суғуртачи ва қайта суғурталанувчилар орасида шартномавий муносабатларнинг бўлиши кузда тугилади. Қайта суғурталаш шартномаси бу ҳолда томонлараро муносабатлар ва ўрнатилган шарт-мажбуриятларни аниқ ифода этувчи юридик ҳужжат ҳисобланади.

Бу шартномалар ўз навбатида нисбий ва тескари нисбий гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ ўз ичига квота ва эксдидент шартномаларини, 2-гуруҳ эса жиддий зарарли ва эксдидент зарарли шартномаларини олади.

Суғурта амалиётида бу усуллардан аралаш ҳолда ҳам фойдаланилади.

**Квета шартномаси** — энг содда, оддий қайта суғурталаш шартномаси туридир. Бу усулда суғурталовчи рискни қайта суғурталашга, топширилаётган аниқ ёки аралаш турдаги рискларни қабул қилинган квета асосида топширади. Ушбу шартномада қайта суғурталовнинг квета ва кремия миқдори, зарарларни қоплашдаги иштироки, лимити кўрсатилади.

**Сумма эксцедент шартномаси.** Бу усулга кўра қайта суғуртачи рискни қайта суғурталашга топшира туриб, ўз фойдасига маълум бир суммадаги пулни ушлаб қолади, ва қайта суғурталашга ушбу суммадан текширади. Ушбу сумма суғуртанинг маълум бир тури ёки йирик риск турига қараб белгиланади.

**Эксцедент зарари шартномаси.** Бу компания суғурта портфелларини катта зарар ва кутилмаган зарарлардан ҳимоя қилишнинг энг кенг тарқалган усулидир. Бу механизм суғурта ҳодисаси юз бергандан кейин ишга тушади, зарар суммаси аниқланган ва бу сумма суғурталанган суммадан катта бўлиши лозим.

**Эксцедент зарарийлиги шартномаси ёки стоп лосс.** Ушбу шартноманинг моҳияти шундаки, компания ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда цедентнинг ортишига молиявий зарарларни келтириб чиқармаслигини таъминлайди.

### Текшириш учун савол ва тошпириқлар

1. Суғуртанинг қандай турлари мавжуд?
2. Умумий суғурта турларини санаб беринг.
3. Суғуртанинг қандай йўналишлари халқаро амалиётда қўлланилади?
4. Тиббий суғурта нима?
5. Транспорт воситаларининг ихтиёрий суғуртасида суғурта объектларига нималар киради?
6. Халқаро суғурта компанияларидан қайсиларини биласиз?
7. “Ллойд” компанияси қачон ташкил этилган?
8. Халқаро суғурта бозорида қандай операциялар амалга оширилади?
9. Қайта суғурталаш нима?

### 11.3. ЕВРОПА СУГУРТА БОЗОРИ

Европа дунёда суғурта бадалларини йиғиш ҳажми бўйича иккинчи ўринда (Шимолий Америкадан кейин) туради. 1989 йилдан 1999 йилгача бўлган оралиқда Европада йиғиладиган суғурта бадалларининг ҳажми мутлоқ кўринишда икки мартага ошди.


Дунё суғурта бадалларида Европанинг улуши сезиларли даражада ортиши кузатилмоқда. Агар 1995 йилда бутун суғурта бадалларининг 51,3 фоизи Шимолий Америка ҳиссасига, 25,9 фоизигина Европага тўғри келган бўлса, 1999 йилга келиб, вазият бутунлай ўзгарди (1-диаграмма). Шимолий Американинг улуши ҳамон катта бўлсада, энди у 36 фоизни ташкил этади. Европанинг ушбу бозордаги улуши 33 фоизни, Осиёники эса 29 фоизни ташкил этмоқда. Дунё суғурта бозорида “қолган дунё” ҳиссасининг икки марта ошишига қарамасдан, унинг салмоғи ҳамон 4 фоизни ташкил этмоқда.

11-жадвал<sup>1</sup>

**Худудлар бўйича суғурта бадалларини йиғиш ҳажми  
(млрд. АҚШ долларига)**

Худудлар	1989й	1991й	1993й	1995й	1996й	1998й	1999й
Европа	375	469	491	643	675	711	762
Осиё	311	372	628	756	647	572	621
Шимолий Америка	483	521	600	661	689	780	837
қолган дунё	42	53	84	88	95	104	104
жами	1211	1415	1803	2148	2106	2167	2324

Европа суғурта бадаллари динамикасини ўрганиш, уни 1983 йилдан 1999 йилгача бўлган ораликда анча барқарор кечганлигидан далолат беради. Бу вақт оралигида Европа Осиёдагидек кўрсаткичларнинг кескин ўзгаришини бошдан кечирмади.

1-диаграмма<sup>1</sup>

Европа Суғурта қўмитаси—ЕСҚ (аббревиатура, оригинал тилда — СЕА) 29 та мамлакатнинг миллий суғурта ассоциацияларини бирлаштиради. Уларнинг тўлиқ рўйхатини 2-жадвалдан кўриш мумкин.

Белорусия, Молдавия, (Россиядан бошқа) Руминия, Украина ва бошқа ЕСҚга кирмайдиган кўплаб

<sup>1</sup> Swiss Re.: European Insurance in Figures. Basik Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001.P.156.

<sup>1</sup> Swiss Re.Цит.По:European Insurance in Figures. Basik Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001.P.156.

мамлакатларнинг суғурта операциялари ва статистик кўрсаткичлари ЕСҚ ҳисоботларида акс эттирилмайди.

*12-жадвал*

**Миллий суғурта ассоциациялари ЕСҚга кирувчи мамлакатлар рўйхати**

1	Австрия	11	Франция	21	Мальта
2	Бельгия	12	Буюк Британия	22	Нидерландия
3	Швейцария	13	Греция	23	Норвегия
4	Кипр	14	Венгрия	24	Польша
5	Чехия	15	Ирландия	25	Португалия
6	Германия	16	Исландия	26	Швеция
7	Дания	17	Италия	27	Словения
8	Эстония	18	Литва	28	Словакия
9	Испания	19	Люксембург	29	Туркия
10	Финландия	20	Латвия		

ЕСҚ статистик маълумотномаларида ягона “евро” валютаси амал қиладиган 11 та мамлакат ҳисоботлари акс эттирилади. Бу мамлакатлар: Австрия, Бельгия, Германия, Испания, Финландия, Франция, Ирландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия.

ЕСҚнинг Европа Иқтисодий Худуди (ЕИХ) бўйича маълумотномаларида 15 та, Европа Ҳамжамиятига (ЕҲ) аъзо мамлакат ҳамда Исландия ва Норвегия бўйича маълумотлар ҳам келтирилади. ЕСҚнинг 1999 ва 2000 йиллар учун маълумотномасида Швейцария ҳам ЕИХга киритилган.

**ЕСҚга кирувчи мамлакатларда суғурта бадалларини тўplash ҳажми.** ЕСҚга кирувчи мамлакатлар сонининг ўсишига қарамасдан, тўпланадиган суғурта бадалларининг 93,4 фоизи ҳамон ЕҲ мамлакатларидаги суғурта операцияларига ва 98,4 фоизи ЕИХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунда Швейцария бўйича маълумотлар ЕИХга киритилмоқда.

13-жадвал<sup>1</sup>

## Суғурта бадалларини тўплаш ҳажмлари (жорий баҳоларда)

Йиллар	ЕСҚ, млрд.долл.	ЕҲ, млрд.долл.	ЕҲ улуши, %	ЕИҲ, млрд.долл.	ЕИҲ улуши,%
1994	544,3	507,1	93,2	538,9	99,0
1995	636,8	590,5	92,7	629,9	98,9
1996	672,4	626,5	93,2	664,1	98,8
1997	664,2	616,6	92,8	623,8	93,9
1998	685,4	633,8	92,5	674,3	98,4
1999	754,5	704,2	93,3	742,0	98,3
2000	728,2	679,9	93,4	716,3	98,4

13-жадвалдан 1994 йилдан 2000 йилгача бўлган вақт оралиғида ЕСҚга кирувчи мамлакатларда суғурта бадалларини тўплаш ҳажми 184 млрд.долл.га ёки 1,3 мартага ортанлигини кўриш мумкин.

14-жадвал<sup>1</sup>

## Ҳаётни суғурталаш бадаллари ва суғуртанинг жами турлари ҳажмларининг нисбати, фонзда

	1994й	1995й	1996й	1997й	1998й	1999й	2000й
<b>ЕСҚ мамлакатлари</b>							
ҳаётни суғурталаш	50,1	51,4	54,1	56,1	58,5	62,2	63,5
жами турлар <sup>o</sup>	49,9	48,6	45,9	43,9	41,5	37,8	36,5
<b>ЕҲ мамлакатлари</b>							
ҳаётни суғурталаш	49,9	51,1	54,0	55,9	58,4	62,6	64,1
жами турлар	50,1	48,9	46,0	44,1	41,6	37,4	35,9
<b>ЕИҲ мамлакатлари</b>							
ҳаётни суғурталаш	50,4	51,6	54,4	55,8	59,0	62,7	64,0
жами турлар	49,6	48,4	45,6	44,2	41,0	37,3	36,0

<sup>1</sup> European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Bruxelles, 2001.P. 18,64.

<sup>1</sup> European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Bruxelles, 2001.P. 18,64.

<sup>o</sup> Бу ерда жами турлар деганда, Ҳаётни суғурталашдан бошқа барча суғурта турлари назарда тутилган.



Юқоридаги жадваллар Европада тўпланадиган суғурта бадалларининг таркибидаги ўзгаришларни акс эттиради.

1992 йилдан 2000 йилгача давр оралиғида суғурта турларида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бундай ўзгаришларнинг амалга ошишига ЕСҚ мамлакатларида пенсия таъминоти бўйича ислохотлар ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ушбу ислохотлар натижасида пенсия таъминотида давлатнинг иштироки камайди ва бир вақтнинг ўзида ҳаётни суғурталаш ва пенсия ҳажмларининг ортиши кузатилди.

### **Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Европа суғурта бозори дунё суғурта бозорида қандай ўринни эгаллайди?
2. Нима сабабдан Европа суғурта бозори нисбатан барқарор кўрсаткичларга эга?
3. Қайси мамлакатлар Миллий суғурта ассоциациясига кирган?
4. Кейинги йилларда Европада суғурта бўйича тўпланадиган бадаллар таркибида қандай ўзгаришлар рўй берди?

## **11.4. СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ**

Суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти — жаҳон суғурта бозорининг ривожланганлигини кўрсатувчи муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Европа суғуртачилари инвестицияга йўналтириладиган маблағлари ҳажмини доимий равишда кенгайтирмоқдалар.

1992 йилдан ЕҲ мамлакатларида суғуртачиларнинг инвестициялари уч мартага ошди ва 5,2 трлн. еврога ташкил этмоқда (15-жадвалда 4,5 трл. АҚШ долл. келтирилган). Ушбу нумутаносиблик АҚШ доллари ва евро курсларидаги ўзгаришлар ҳамда 2000 йил учун инвестиция маълумотларининг етарли даражада эмаслиги билан тавсифланади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, инвестициялар ҳажми жорий баҳоларда (евро) камаймаган ва доимий ўсиш анъанаси давом этмоқда.

15-жадвал<sup>1</sup>

**Суғурта компанияларининг инвестиция ҳажми,  
млрд.долл.**

Мамлакатлар	1995й	1996й	1997й	1998й	1999й	2000й
ЕСҚ	3412,7	3804,7	3994,2	4427,2	4939,4	4775,2
ЕҲ	3147,1	3539,6	3765,8	4139,9	4627,3	4456,8
ЕИҲ	3406,9	3591,6	3765,8	4417,7	4925,1	4760,2

Ушбу инвестицияларнинг йўналишини қуйидаги 16-жадвалдан кўриш мумкин.

16-жадвал<sup>2</sup>

**Европа мамлакатлари суғуртачиларининг  
инвестиция йўналишлари  
(умумий инвестиция ҳажмига нисбатан фонзда,  
1999 йил)**

Инвестиция йўналишлари	ЕСҚ	ЕҲ	ЕИҲ
Кўчмас мулк	4,9	4,6	4,9
Улушли қатнашиш	3,5	3,2	3,5
Акция ва бошқа ўзгарувчан даромадли қимматли қоғозлар	37,4	38,6	37,5
Облигация ва бошқа белги-ланган даромад келтирувчи қимматли қоғозлар	35,3	35,0	35,2
Қарзлар	12,6	12,4	12,6
Депозитлар	1,6	1,5	1,6
Ва бошқалар	4,8	4,7	4,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЕСҚ мамлакатлари асосий инвестицияларини акция ва облигация сотиб олишга йўналтиради. ЕҲ мамлакатларининг суғурта компаниялари бу иккала йўналишга тахминан 73 фоиз миқдордаги инвестиция-

<sup>1</sup> European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001. P. 22.

<sup>2</sup> European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001. P. 80—81.

ларини йўналтирадilar. Агар ЕСК суғурта компаниялари акция сотиб олишга ўртача 37,4 фоиз миқдорда инвестиция қилса, бу кўрсаткич ЕХ суғурта компаниялари учун нисбатан юқори бўлиб, 38,6 фоизни ташкил этади. ЕСКнинг янги аъзо мамлакатларида (Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари) инвестицияларнинг ўртача таркиби ЕХ ва ЕСКдан анча фарқ қилади. Собiq социалистик мамлакатлар иқтисодиётидаги нобарқарорликни ҳисобга олган ҳолда суғуртачилар, бу мамлакатларда риск даражаси паст бўлган йўналишларга инвестицияларни йўналтиришни афзал билмоқдалар. Мазкур мамлакатларда йўналтирилган инвестицияларнинг йирик қисми (54,1 фоиз) облигацияларга, кейин депозитларга (15 фоиз) ва акцияларга (7,4 фоиз) тўғри келади.

Суғурта компаниялари ичида инвестициялар миқдори кўпроқ ҳаётни суғурталовчи компаниялар ҳиссасига тўғри келади. 1999 йилда ЕСК мамлакатларида мазкур компаниялар инвестицияларининг бошқа турдаги суғурта фаолияти билан шуғулланувчи барча компаниялар инвестицияларига нисбати 4,5 баробар ортиқ бўлган.

17-жадвал<sup>1</sup>

**Европа суғурта компаниялари инвестициялари ҳажмида  
ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг улуши  
(1999 йил, фоизда)**

Мамлакатлар	суғурта компаниялари инвестициялари ҳажмида ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг улуши	жами тур суғуртачи компанияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги улуши
Европа суғурта кўмитаси	81,4	18,6
Европа Ҳамжамияти	81,7	18,3
Европа иқтисодий ҳудуди	81,5	18,5


<sup>1</sup> European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001. P. 80-82.

Кейинги ўн йилликда ҳаётни суғурталовчи компанияларнинг йиғиладиган суғурта бадалларининг ортиши билан ушбу компанияларнинг инвестиция фаолияти жадаллашди. 1992 йилда ЕҲ мамлакатлари суғуртачиларининг инвестициялари ҳажмида ҳаётни суғурталовчи компаниялар улуши 75,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 77,1 фоизни, 1998 йилда 79,9 фоизни ва 1999 йилда 81,7 фоизни ташкил этган.

**Суғурта компанияларининг сони ва унда банд бўлганлар салмоғининг ўзгариши.** ЕСКҚга кирувчи мамлакатлардаги суғурта компанияларининг сони, нисбатан барқарор бўлиб, ўртача 5,4 мингтани ташкил этишини кўйидаги 2-диаграммадан кўриш мумкин. Шунинг билан бир вақтда ЕҲга кирувчи мамлакатлар суғурта компанияларининг сони анча камайганлиги кузатилмоқда. Буни ушбу мамлакатлардаги суғурта компанияларининг бирлашуви ва йириклашув жараёни билан изоҳлаш мумкин.

2-диаграмма<sup>1</sup>

### Европа суғурта компанияларининг сони



2000 йилда ЕСКҚга кирувчи мамлакатларнинг суғурта компанияларида 1056,7 минг киши фаолият юритган.

ЕСКҚга кирувчи мамлакатларнинг суғурта компанияларида ишловчилар сони ўсиш анъанасига эга бўлиб, 1992 йилдан 2000 йилгача улар сони қарийб, 36,5 минг

<sup>1</sup> European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Bruxelles. 2001. P. 80–82.

кишига ортган. Шунингдек бу ўсишга ЕҚСга янги аъзо мамлакатларнинг қўшилиши ҳам таъсир этган бўлиб, бу мамлакатларда суғурта бозорлари энди шаклланиш босқичини бошдан кечирмоқдалар. Аммо ЕҲ мамлакатларида суғурта тўловларининг ҳажми ўсишига қарамасдан, суғурта компанияларида ишловчи ходимлар сониди камайиш кузатилмоқда. Юқорида кўриб ўтилган вақт оралиғида, ЕҲ мамлакатларида ишловчи ходимлар сони 7 минг кишига камайган. Аммо битта компанияга тўғри келадиган ўртача бандлик даражаси камаймаган. ЕҲ мамлакатларидаги суғурта компанияларида ЕСҚ ва ЕИҲ мамлакатларидаги компанияларга нисбатан, битта компанияга тўғри келадиган ходимларнинг ўртача сони энг минимал даражани ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

**Айрим суғурта кўрсаткичларини Европа мамлакатларининг ЯИМ билан таққослаш.** Одатда, мамлакат иқтисодиёти учун зарурий суғурта иккита кўрсаткич — йиғиладиган суғурта бадалларининг ЯИМга нисбати ҳамда суғурта компаниялари инвестицияларининг ЯИМга нисбатан ҳажми билан белгиланади.

Ушбу кўрсаткичларни қуйидаги 18-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

18-жадвал<sup>1</sup>

**Европа мамлакатларида йиғиладиган суғурта бадалларининг ва инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати**

Йиллар	йиғиладиган бадаллар ҳажми, %			инвестициялар ҳажми, %		
	ЕСҚ	ЕҲ	ЕИҲ	ЕСҚ	ЕҲ	ЕИҲ
1994	6,8	6,9	7,0	32,9	33,1	34,1
1995	6,7	6,8	6,9	34,8	35,2	36,2
1996	7,0	7,1	7,2	37,9	38,7	39,6
1997	7,2	7,4	7,5	42,7	43,9	44,8
1998	7,5	7,6	7,7	47,3	49,0	49,9
1999	7,9	8,2	8,2	52,0	53,9	54,6

<sup>1</sup> European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999 Data, CEA, Brussels, 2001. P.87-88.

1999 йилда ЕСҚ мамлакатларида йиғилган суғурта бадалларининг ҳажми ЯИМга нисбатан 7,9 фоиз, ЕҲ ва ЕИҲ мамлакатларида эса бу кўрсаткич 8,2 фоизга тенг бўлган.

Бу кўрсаткич дунё бўйича солиштирилганда, ўртача (7,52 фоиз) дан юқори бўлиб, фақатгина Шимолий Америка — 8,42 фоиз ва Океания (Австралия ва Янги Зеландия) — 9,2 фоиз кўрсаткичларидан ортда қолади.

Мазкур кўрсаткич динамикаси ижобий тусга эга бўлиб, 1992 йилдан 1999 йилгача нисбатан барқарор равишда — 1,3 мартага ошган.

Европа суғуртачиларининг инвестицион фаолияти доимо ўсган ва ўсиш жадаллиги ушбу мамлакатларнинг ЯИМ ўсиш суръатларидан анча тез кечган. Масалан, 1992 йилда ЕСҚ мамлакатларида суғуртачилар инвестицияларининг ЯИМга нисбати 29,1 фоиз бўлган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил этган. Агар ушбу кўрсаткични ЕҲ ва ЕИҲ мамлакатлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, унда мазкур кўрсаткич, бу мамлакатларда 53,9 ва 54,6 фоизни (мос равишда) ташкил этган.

Халқаро молия муносабатларида халқаро суғурта операциялари билан боғлиқ кўрсаткичларни солиштириш, кўпроқ, маълум ҳудуд мамлакатларида йиғиладиган суғурта бадалларини, шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиш орқали амалга оширилади.

Бундай оддий усул, турли хил аҳоли сонига эга бўлган ҳудудларда суғурта жараёнининг қанчалик оммавийлашганлигини акс эттиради.

Европа мамлакатларида аҳоли жон бошига нисбатан суғурта бадалларининг барқарор ўсишини кузатиш мумкин. 1992 йилга нисбатан, бу кўрсаткич ЕСҚ мамлакатларида 1,75 марта, ЕҲ мамлакатларида 1,79 марта ва ЕИҲ мамлакатларида 1,78 мартага ошган.

1999 йилда ЕҲ мамлакатларида суғурта бадаллари тўлови ҳажми 2053 АҚШ долларини ташкил этган. Ва дунёда фақат АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган (АҚШда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта бадалларининг миқдори 2765,5 долларни ташкил этади). Дунё ҳудудлари бўйича бу кўрсаткич ўртача — 387 АҚШ долларини ташкил этади.

<sup>1</sup> Swiss Re. Sigma. 2000. №9. P. 32.

Аҳоли жон бошига суғурта тўловларининг ҳажмида, ҳаётни суғурталаш сезиларли салмоққа эга бўлиб, унинг улуши умумий йиғилган суғурта бадалларида 62 фоизни ташкил этади.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти деганда нима тушунилади?
2. Европа суғурта компанияларининг инвестициялари таркибида қандай ўзгаришлар кузатилмоқда?
3. Суғурта компаниялари ичида инвестициялар миқдори кўпроқ суғуртанинг қайси тури билан шуғулланувчи компаниялар ҳиссасига тўғри келади?
4. Суғурта компаниялари сони ва уларда ишловчилар салмоғида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
5. Халқаро молия муносабатларида халқаро суғурта операциялари билан боғлиқ кўрсаткичларни солиштириш қандай амалга оширилади?

### МОЛ-ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ-СУГУРТА МУНОСАБАТЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АТАМАЛАР<sup>1</sup>

№	Етказиб бериш шартлари тўлиқ номи	Сотувчи ва харидорнинг мажбуриятлари	Код
1	2	3	4
1.	Заводдан, корхонадан, омбордан	Маҳсулот жўнатиш бўйича сотувчи ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди. У шартномада кўрсатилаган муддатда ва жойда харидор томонидан юборилган ташиш воситаларига маҳсулотни юклаш учун харидор ихтиёрига тақдим этиши лозим.	EXW
2.	(“франко-омбор” ёки “франко-завод”) “Ташувчидан эркин” айтилган жойда (“франко—		
		Сотувчи ташувчи ихтиёрига айтилган жойда маҳсулотни бериши лозим. Ташувчи — бу, харидор билан ёки унинг номидан шартнома тузилган ҳар қандай шахсдир. Жойни харидор танлайди. Агар	FRG

<sup>1</sup> «СИФ» дан ташқари.

1	2	3	4
3.	ташувчи ёки франко-станция”) ... “вагонда эркин ёки платформада” жўнаш жойининг номи (ёки форфот, франко-вагон)	харидор жойни айтмаса, у ҳолда сотувчи жойни шартномадаги шартларга мувофиқ ўзи танлайди. Бу шартлар темир йўлларда ташишда қўлланилади. Бутун вагонга юклаш учун етарли миқдорда маҳсулотни жўнатишда сотувчи ўз вақтида платформага буюртма бериши, унга маҳсулотни юклаш, бу ҳақда харидорга хабар бериши ва темир йўл квитанциясининг дубликатини бериши лозим. Харидор ўз вақтида мўлжалланган жойни кўрсатиши ва транспорт харажатларини тўлаши лозим. Маҳсулот юкланган вагонни темир йўлга берилган вақтдан бошлаб, барча хавф-хатарларга харидор жавобгардир.	FGR
4.	... “аэропортда эркин” (аэропорт номи ёки “фоб-аэропорт”)	Сотувчи шартномага мувофиқ маҳсулотни етказиб беришга ва уни харидор томонидан белгиланган ҳаво ташувчисига топширишга мажбур. Маҳсулот ҳаво ташувчисига топширилган вақтдан бошлаб, маҳсулот бузилиши ёки йўқолиши хавф-хатари ҳаво ташувчисига даъволарини тартибга солишда кўмаклашиши лозим.	FOA
5.	... “Кема борти бўйлаб эркин” юкни тушириш келишилган портнинг номи	Сотувчи ўз ҳисобидан шартномада келишилган юклаш портига харидор томонидан кўрсатилган жойга келишилган муддатда маҳсулотни етказиб бериши ва уни харидор томонидан ижарага олинган кема борти бўйлаб жойлаштириши лозим.	FAC
6.	.. “Кема бортида эркин” юкни тушириш келишилган порт номи	Сотувчи ўз ҳисобидан харидор ижарага олган кема бортига маҳсулотни етказиб бериши лозим. Шунингдек маҳсулотни келишилган юклаш портига белгиланган муддатда етказиш ва харидорга коносамент топшириши керак. Юкни трюмда жойлаштириш сотувчи мажбуриятига кирмайди ва қабул қилинган меъёрларга кўра кема эгаси ҳисобига бажарилади ҳамда харидор томонидан тўланадиган ижара ҳақига киритилади.	FOB
7.	... “Ижара ҳақи (ташиш ҳақи) ... гача тўланган” мўлжалланган манзил номи	Бу шарт транспортнинг ҳар қандай турига қўлланиши мумкин. “Ижара ҳақи” ва “ташиш ҳақи” атамалари ўртасидаги фарқ шундаки, биринчиси денгиз ва ҳаво.	CIF
8.	... “Қиймат, суғурта ва ижара ҳақи”	Сотувчи кемани ижарага олиши, ижара ҳақини тўлаши, маҳсулотни жўнатувчи портга етказиши, белгиланган муддатда	



1	2	3	4
	<p>мўлжалланган портнинг номи (фақат денгизда ташишлар учун), (франко-вагон, харидор манзилига етказиш шarti)</p>	<p>уни ўз ҳисобидан кема бортига юклаши ва харидорга коносаментни топшириши лозим. Сотувчи мажбуриятига, шунингдек транспортда юз берадиган хавф-хатарлардан юкни суғурта қилиши ҳам киради (сотувчи харидорга сотувчи харидор номига суғурта полисини топшириши лозим). Сув транспортига, иккинчиси — қуруқлик транспортига тааллуқли. Бу шартга кўра сотувчи қуйидагиларга мажбур: ўз ҳисобидан келишилган манзилга маҳсулотни ташиш шартномасини тузиши ва ташувчига ташиш харажатларини тўлаш; маҳсулотни топшириш; харидорга ташувчи томонидан берилган транспорт ҳужжатларини тақдим этиши лозим.</p>	
9.	<p>Ижара ҳақи (ташиш ҳақи ёки суғуртачига тўланган, мўлжалланган манзил номи, транспортнинг ҳар қандай тури учун)</p>	<p>Сотувчи айtilган манзилгача ташиш ҳақини тўлаши, ташиш шартномасини тузиши ва маҳсулотни суғурта қилиши лозим. У ташувчига маҳсулотни бериши лозим (денгизда ташишда борт коносаменти).</p>	FCP
10.	<p>.. “Кемадан”.. мўлжалланган манзил номи (“ёки мўлжалланган франко порт”)</p>	<p>Сотувчи ўз ҳисобидан шартномада кўрсатилган муддатда мўлжалланган портга маҳсулотни етказиши ва уни кема бортида харидорнинг ўзига тақдим этиши лозим. Сотувчи ўз вақтида харидорга кеманинг келиш вақти ҳақида хабар бериши ва унга керакли ҳужжатни топшириши мумкин.</p>	EXS
11.	<p>“пристандан” мўлжалланган портнинг номи (“франко-пристан”)</p>	<p>Сотувчи 10-пунктда кўрсатилган мажбуриятларни бажаради ва ўз ҳисобидан мўлжалланган портда юкни кемадан туширишни амалга оширади.</p>	EXQ
12	<p>“бож тўланган ҳолда етказилган” маҳсулот олиб келинадиган манзил номи (харидорнинг “франко-омбори”)</p>	<p>Бу шарт маҳсулотни харидор омборига етказишда қўлланилади. Бундай вазиятда у “харидор омборида эркин” деб аталади. Транспортнинг барча турлари учун қўллаш мумкин. Мазкур шартга кўра сотувчи қуйидагиларга мажбур: ўз ҳисобидан маҳсулотни ташиш шартномасини тузиш ва мўлжалланган манзилгача барча транспорт харажатларини ўз зиммасига олиши лозим; маҳсулотни айtilган манзилда харидор ихтиёрига топшириши ва кўрсатилган жойда божни тўлаши; импортга рухсатни ёки лицензияни бериши ва импорт божлари ёки солиқларни тўлаш бўйича харажатларни ўз зиммасига олиши керак.</p>	DDR

## **СИЁСИЙ РИСК НИМА?**

ТМКларнинг диққат-эътиборини тортадиган муҳим объектлардан бири — инвестор фаолияти ёмонлашувига олиб келувчи реципиент-мамлакат (қабул қилувчи)даги сиёсий ўзгаришлар эҳтимолидир.

Компания фаолиятига салбий таъсир ўтказувчи сиёсий хатти-ҳаракатлар сифатида давлат томонидан хорижий мулкни қийматини тўлаб бериш ёки тўламасдан экспроприация қилиш (ўзлаштириш); фирма фаолиятини чегараловчи тўсиқларнинг ўрнатилиши; инвесторнинг ходимлари ёки мулкига зарар етказишни кўрсатиш мумкин.

Масалан, «Форд» корхонаси Венгрияда давлат томонидан экспроприация қилинган; Францияда портлатиб юборилган; Мексикада — ҳукуматдан операциялар юритишни тартибга солувчи бир-бирига зид бўлган буйруқлар олган.

Сиёсий рискни аниқлашда қўллаёладиган усуллардан бири — маълум давлатни хорижий мулкка муносабатини тарихий жиҳатдан таҳлил этиш ҳисобланади. Шунингдек фирмани қизиқтираётган мамлакат одамларининг фикрини таҳлил этиш усули ҳам кенг тарқалган. Бундай ёндошувда келажакдаги юз бериши мумкин бўлган сиёсий воқеаларга таъсир ўтказадиган одамларнинг фикри, бизнесга таъсир этиш нуқтаи-назаридан ўрганилади.

Биринчи босқичда, сиёсий етакчиларнинг умуман бизнесга, хорижий инвестицияларга, иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш усуллари ва хорижий давлатларга бўлган муносабатига тааллуқли расмий ва норасмий чиқишлари эътибор билан ўрганилади.

Нашр қилинган чиқишларни осон қўлга киритиш мумкин бўлсада, фирмалар у билан анча кеч танишиши ва етарлича чораларни амалга оширишга улгура олмасликлари мумкин.

Журналистлар, илмий доира вакиллари, ўрта даражадаги амалдорлар ва касаба уюшмалар етакчилари бўлиб ўтаётган воқеаларга, кўпчилик ҳолларда ўзининг объектив фикрини билдиришади. Фикрларни таҳлил этишда анча тизимлаштирилган ёндошув сифатида маълум мамлакат ва маълум сиёсий шароитларни яхши биладиган мутахассисларни жалб қилиш мумкин.

Фирмалар бундай хулосалар учун ягона экспертга ёки инвестицион рискларни баҳолаш билан шуғулланувчи тижорат агентликларига мурожаат қилишлари мумкин.

## Х И Б О Б

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

### 12.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳўжалигига кириб боришида, унинг ҳудудий ва глобал даражадаги рақобатбардошлиги бўйича устунлиги, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар бўйича қизгин мунозараларнинг мавжудлигига қарамасдан, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда, ҳукумат, мамлакатнинг географик, ишлаб чиқариш ва технологик ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарасини инобатга олмоқда. Халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши, халқаро ҳўжалик иштирокчиларидан юқори даражадаги рақобатбардошликни талаб этади.

Шу жиҳатдан жаҳон ҳўжалигида Ўзбекистон қўшни МДХ мамлакатларидан ўзининг қўйидаги халқаро утворликлари билан ажралиб туради:

1) Қадимий бой маданият, тарихий ва диний ёдгорликлари халқаро туризм соноатини ривожлантириш учун қулай имкониятларни юзага келтиради;

2) Қулай табиий иқлим ва табиий бойликлар, ишлаб чиқариш, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида рақобатбардош муҳитни шакллантиради;

3) “Буюк ипак йўли”да жойлашганлиги халқаро интеграцияда Европа билан Осиёни боғловчи “кўприк” вазифасини бажаришга етарлича имкониятни вужудга келтиради.

4) Ўзбекистон Республикаси етарли даражада маалакали мутахассислар билан таъминланган. Замонавий технология ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо қилиш, ушбу соҳадаги имкониятларни кенгайтиради.

5) Мамлакат ҳукумати томонидан ички ишлаб чи-

қарувчиларни ҳимоя қилиш ва экспортни рағбатлантириш сиёсатини юритилиши.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатларидаги иштирокида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Шуни инобатга олиб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 633-ХII сонли “Ўзбекистон Республикасини Халқаро Валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликка аъзо бўлиши тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

ХВФ ва Жаҳон банки каби ташкилотлар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, нафақат республикани жаҳон бозорига интеграциясини тезлаштирди, балки амалга оширилаётган таркибий ислохотлар ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш самарасини оширди.

Халқаро молия институтлари билан алоқаларнинг салмоқли қисми халқаро кредитлар ва қарзлар масаласи билан боғлиқ. Ушбу муносабатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги, “Ташқи қарздорлик тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меъёрий актлар ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида олинган кредитлар ва қарзлар, асосан қисқа муддатли бўлиб, ички бозорни истеъмол товарлар билан тўлдиришга қаратилган бўлса, кейинги йилларда ҳукумат мазкур қарзларни жалб қилиш соҳасини таркибий қайта қуриш бўйича маълум ишларни олиб бормоқда.

Олинадиган қарзлар ва жалб қилинадиган узоқ муддатли кредитларнинг асосий йўналишлари сифатида экспорт потенциалини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳалари танланди. Минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, машина-созликни ривожлантириш, телекоммуникация соҳасини замонавийлаштириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш — хорижий инвестициялар жалб қилинадиган устувор йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Хорижий инвестициялар сонининг амалдаги орти-

ши ва сифат даражаси, амалга оширилаётган давлат инвестиция дастури ҳақида маълумот беради. Унинг мақсади — миллий ва хорижий инвесторларнинг инвестицион фаолиятини оптимал даражада ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Хорижий капитал оқимини рағбатлантириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга хизмат кўрсатувчи молия-валюта инфратузилмасини ташкил этишга боғлиқ.

Молия-валюта инфратузилмаси хўжалик субъектлари билан жаҳон пул-капитал бозори ўртасидаги алоқаларни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу инфратузилмаларни ташкил этиш, қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

- банк тизимини такомиллаштириш;
- ички суғурта хизматлари соҳасини ривожлантириш;
- ички валюта бозорини фаолиятини яхшилаш;
- лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- аудит ва маслаҳат хизматлари бозорини ривожлантириш;
- миллий товарларни халқаро бозорлар томон ҳаракатини ташкил этиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасини халқаро ҳамкорлиги ва иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди ва у мамлакатни халқаро бозорга қўшилишининг асосини ташкил этади.

**Халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий ривожланиш тамойиллари.** Ўзбекистон собиқ Иттифокда йирик республикалардан ҳисобланиб, аҳолисининг сони бўйича 3-ўринни ва ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича 5-ўринни эгаллаб келган.

Республика табиий ресурсларга бой, саноатда ва қишлоқ хўжалигида етарли даражада ривожланган айрим ишлаб чиқаришларга эга.

Масалан, Ўзбекистон табиий газ қазиб олишда дунёда 9-ўринда, олтин қазилда 7-ўринда, олтингугурт кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда ҳамда пилла етиштиришда 7-ўринда туради.

Юқоридаги табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда республиканинг халқаро молия муносабатлари ва жаҳон хўжалигига интеграцияси мажмуи аниқ белгиланган мақсадлар ва уларни амалга оширишга қаратилган асосий тадбирларни ўз ичига олади.

*Биринчидан*, республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва уни жаҳон бозорида муносиб ўринни эгаллашни таъминловчи бўғинларни аниқлаш;

*Иккинчидан*, иқтисодиётнинг экспорт бўғинида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланиш;

Бу усуллар қуйидагилардир:

1. Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли фоизлар бўйича кўп муддатли кредитлар ажратиш, мўлжалланган инвестицияларни суғурталаш;

2. Экспорт қилувчиларга миллий ишлаб чиқариш ва унинг хорижий рақобатчилари ишлаб чиқариши харажатлари ўртасидаги фарқни қоплаш;

3. Давлат томонидан республикага илғор технологиялар, тажрибалар, билимларни кириб келиши учун субсидиялар ажратиш;

4. Экспорт ва импортни лицензиялаш ёки четга мол чиқаришга ва четдан уни олиб келишга рухсатномалар бериш;

5. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи, хориждан келтирилган хом ашё ва материаллар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар улушини босқичма-босқич камайтириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, халқаро молия соҳасидаги сиёсат миллий валютани мустақамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлашни, ички нархларни жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш мақсадида баҳолар ислоҳотини тугаллашни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутати.

Ўзбекистон учун асосий стратегик мақсадлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизими интеграциясига қўшилиб боришини таъминлаш;

2. Экспорт потенциалини ривожлантириш;

3. Импорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

4. Инвестиция сиёсатини такомиллаштириш;

5. Чет эл сармояларини жалб қилиш;

6. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш зоналари ва эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш;

7. Ташқи иқтисодий фаолият инфратузилмасини ривожлантириш.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграция-лашувининг муҳим таркибий қисми — давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, ОИК ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Булар орасида Европа Иттифоқи алоҳида ўрин тутди. 1996 йилда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди.

### Текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Жаҳон ҳўжалигида Ўзбекистоннинг ўзига хос халқаро устуворликлари нималардан иборат?
2. Молия-валюта инфратузилмаси нима?
3. Халқаро иқтисодий муносабатлар қандай замонавий ривожланиш тамойилларига эга?
4. Экспорт давлат томонидан қайси усуллар орқали қўллаб-қувватланади?
5. Жаҳон ҳўжалигига интеграциялашувда Ўзбекистон учун асосий стратегик мақсадлар нималардан иборат?

### **ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ ВА «АСАКА» — ДУНЁНИНГ 1000 ЙИРИК БАНКЛАРИ РЎЙХАТИДА**

Financial Times халқаро ахборот агентлиги гуруҳига кировчи The Banker, 2001 молия йили якунлари бўйича дунёнинг 1000 та йирик банки рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатда республикамизнинг иккита банки — ТИФ Миллий банки ва «Асака» банк — мос равишда 418 ва 947 ўринни эгаллашди.

«Асака» банки, шунингдек капиталнинг активларга нисбати бўйича учинчи, капитал адекватлиги бўйича саккинчи ўринни эгаллади. Бу банк барқарорлиги ва иқтисодиётдаги кескин макроиқтисодий ўзгаришлардан далолат беради.

ТИФ Миллий банки 639 млн. АҚШ доллари капитал ва 3,8 млрд. АҚШ доллари активи билан МДХнинг йирик

банклари ичида юқори ўринларни эгаллайди ҳамда Марказий Осиёнинг энг йирик банки ҳисобланади.

Манба: <http://www.uza.uz/>, [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)

## 12.2. ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида амалга оширилган тадбирлар натижасида очиқ иқтисодий шакллантириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Чет эл инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги”, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги” қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда халқаро молия муносабатларини тартибга солиб туради, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва рағбатлантириш тартибини белгилаб беради. Хусусан, ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари ва тартиблари “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги” Қонунда белгилаб берилган<sup>5</sup>. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига мувофиқ, мулкчилик шаклларида қатъи-назар ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулклари ҳимоя қилинади.

“Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги” қонунда ҳужалик жамоалари ва ширкатларида, банklar ва суғурта ташкилотларида ҳиссадорлик асосида иштирок этиш, яъни мулкларни акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш, шунингдек ерга (жумладан, ижарага олинган ерга) ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилган<sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги №285-ХП қонуни. 14 июнь. 1998.

<sup>6</sup> “Законодательство Республики Узбекистан ОВЭД”. Т-1995. ИПК «Шарқ» Сборник нормативных актов.



Бу қонуннинг чет эллик сармоядор ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонунлари инвестиция шароитини ёмонлаштириб қўядиган бўлса, у ҳолда чет эллик инвесторларга нисбатан ўн йилгача бўлган муддатга инвестициялар амалга оширилиб турган пайтда амалда бўлган қонунлар татбиқ этилади. Шу билан бирга, қонунда чет эл инвестициялари миллийлаштириш амалга оширилмаслиги кафолатланади, шунингдек уларни мажбуран сотиб олиш ҳам мумкин эмас, лекин табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар (ҳайвонлар ўлати) юз берган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда чет эллик инвесторларга тўланадиган компенсацияни келтирилган зарарга баробар бўлиши назарда тутилади.

Чет эллик сармоядорларнинг ўз инвестицияларини ихтиёрий равишда суғурта қилиш ҳуқуқи инвесторларни ўз мулкларининг экспроприация қилинишидан, мамлакат маъмурларининг суғурта ташкилоти билан инвестор ўртасидаги шартномавий муносабатлари аралашувидан, миллий ва бошқа валюталар алмаштиришни ҳамда уларни мамлакат ташқарисига чиқаришни чеклашлардан ва бошқа хатарлардан муҳофаза қилишни таъминлайди.

Чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни лицензияларсиз хорижга чиқариш ва эҳтиёжлари учун четдан маҳсулот келтириш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек шахсий эҳтиёжлар учун четдан республикамизга келтириладиган мол-мулкларга бож тўлашдан озод қилинган.

1996 йилда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”-ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга қаратилган энг муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонунида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг халқаро кўرғазмалар ва ярмаркаларда иштирок этишларига кўмаклашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга ёрдам бериш назарда тутилади. 1995 йил 1 октябрдан бошлаб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг янги

механизми ишга солинди. Бу механизм негизида тартибга солишнинг тарифга асосланмаган усулидан тарифга асосланган усулига ўтишга, экспорт-импорт операцияларини халқаро меъёрлар талабларига мос унификациялашни амалга оширишга қаратилган тадбирлар мажмуи ётади.

Тайёр маҳсулотларнинг ташқи бозорларга кириб боришига ва экспорт кредити механизми шаклланишига кўмаклашиш натижасида республикамиз Президентининг “Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (1996 йил 20 март) билан 1996 йил 1 апрелдан кўплаб корхоналар товарлар (ишлар, хизматлар) экспорт ҳажмлари оширилишидан эркин алмаштириладиган валюта шаклида олинган тушум фойдасидан (даромаддан) солиқ тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (1997 йил ноябр) фармонига кўра ўтган йилнинг 1 ноябридан бошлаб, товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) барча турига экспорт божхона божлари ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини лицензиялаш бекор қилинди. Фақат махсус маҳсулот турларигагина бу қоидадан мустасно қилиб қўйилди.

Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирлар — биринчи навбатда ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштиришга, экспорт-импорт операцияларида тариф ва нотариф бошқариш усуллари тартибга солишга ва такомиллаштиришга қаратилган.

Фармонда кўрсатилган муддатдан бошлаб, рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида эркин муомаладаги валютага экспорт қиладиган корхоналар учун бир қатор қўшимча имтиёзлар бериш жорий этилган, масалан:

— бу корхоналарга ўз маҳсулотини олдиндан пул олмасдан ва аккредитив очмасдан экспорт қилиш ҳуқуқи берилди;

— экспорт қилинаётган товар улуши маҳсулотни сотишнинг умумий ҳажми 30 ёки ундан кўпроқ фоизини ташкил этса, у ҳолда корхоналарнинг даромад солиғи ставкаси амалдаги ставкага қараганда икки баробар камайтирилади;

— корхоналар ўз маҳсулотларини ички бозор нархларидан арзон нархларда экспорт қилган шароитда улардан олинадиган солиқ база экспорт маҳсулотини сотишдан тушган амалдаги нарх билан ҳисоб-китоб қилинади.

Фармоннинг муҳим хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, унда кўрсатилган имтиёзлар фақат экспортга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга астойдил интиланган корхоналарни рағбатлантиришга қаратилган. Кейинги 5 йил ичида республикада ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича муҳим ишлар қилинди, унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди, тегишли институционал ўзгаришлар амалга оширилди, иқтисодиётимизни ташқи дунёга янада кенгроқ очиш ва эркинлаштиришга қаратилган жиддий қадамлар қўйилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритганда, бу ерда албатта халқаро битимлар тўғрисида ҳам биров тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки иккита ёки бир нечта халқаро муносабатлар қатнашчиларининг ҳар қандай биргаликдаги фаолияти келишилган, ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида халқаро битимлар тузилади ва улар қуйидаги турларга бўлинади:

- умумий тусдаги битимлар. Ушбу битим икки давлат ўртасида тузилган халқаро битим бўлиб, ўз ичига муносабатлар асоси, дипломатик муносабатларни ўрнатиш ҳақида битимдир. Унда иқтисодий муносабатлар алоҳида бўлим сифатида ажратилиб кўрсатилади.

- махсус битимлар. Бу битимлар асосан, иқтисодий масалалар бўйича икки ёки кўп томонлама тузиладиган қуйидаги битимлардир:

- а) битимлар ва шартномалар. Бу битимлар маҳсулотлар ва хизматлар экспорт-импортининг умумий шартлари ва тартибини аниқловчи ҳужжатлардир. Улар қаторида алоҳида аҳамиятга эга маҳсулотлар ва хизматларга тааллуқли махсус битимлар ажратилади. Масалан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини йўқолиб бораётган турларининг халқаро савдоси бўйича Конвенция, шунингдек ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар манфаатларини кўзлаган ҳолда кескин нарх тебранишининг олдини олиш ёки юмшатиш мақсадида хом

ашё ресурслари савдосида қўлланиладиган кўп томонлама шартномалар.

Бу битимлар контрогентлар ёки хорижий шериклар ўртасида халқаро тижорат шартномалари шартнома тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

б) божхона битимлари;

в) солиқ битимлари. Масалан, икки марта солиқ олишнинг олдини олиш мақсадида. Халқаро муносабат қатнашчиларининг солиқ солиш умумий қоидалари, шароитлари ва тартиби тўғрисидаги солиқ битимлари;

г) инвестицияларни ҳимоялаш ҳақидаги давлатлараро битимлар, яъни иқтисодий муносабат ўрнатилган икки мамлакат ўртасида тузиладиган капитал қўйилмаларнинг ўзаро кафолати ва рағбатлантириш ҳақидаги шартномалардир.

1992—1995 йилларда Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмаси қарийб 2 марта кўпайди, МДХ мамлакатлари билан иқтисодий интеграция чуқурлашди, ўз навбатида иқтисодий ривожланган узоқ хорижий мамлакатлар билан савдо ҳажми ва географияси бирмунча кенгайди. Узоқ хорижий мамлакатлар билан экспорт ҳажми қаторида анъанавий пахта толасидан ташқари, электр манбалари чиқариш, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, транспорт хизмати, сайёҳлик ва бошқа хизматлар кенг ўрин олди.

Импорт тизимида озиқ-овқат келтириш камайиб, техника ва асбоб-ускуналар олиб келиш салмоғи ортди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси (ТСА) тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 19-жадвалда келтирилган (млн. АҚШ доллари).

19-жадвал<sup>7</sup>

Кўрсаткичлар	1992й	1993 й	1994й	1995 й	1996й
ТСА	1798,6	1900,0	5299,4	6001,7	9711,3
Экспорт	869,3	919,2	2689,9	3109,0	4590,2
Импорт	929,3	980,8	2609,5	2892,7	4721,1
Қолдиқ	-60,0	-61,6	+80,4	+216,3	-130,9

Республика ташқи савдо айланмасининг энг юқори кўрсаткичи 1996 йилда қайд этилган бўлиб, у 9,7 млрд.

<sup>7</sup> А.Ф. Расулов «Миллий иқтисодиётнинг экспорт стратегияси». Фан. 1996.

АҚШ долларидан ортиғни ташкил этган. Аммо 1997-1998 йилларда республиканинг асосий экспорт товарлари — олтин ва пахтанинг жаҳон нархларининг пасайиши ҳамда Жануби-Шарқий Осиё ва Россиядаги молиявий инқирозлар натижасида, ташқи савдо айланмаси сезиларли даражада қисқарди. Ушбу воқеаларга қарамасдан, 2000 молия йили якунларига кўра ташқи савдо ҳажми, 1999 йилдагига нисбатан 39,4 фоизга ортди. 2000 йилда Ўзбекистоннинг ялпи савдо айланмаси 6212,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда, экспорт улуши 52,5 фоиз, импорт эса, 47,5 фоизни ташкил этди ва 317,3 млн. АҚШ доллари миқдорига ижобий қолдиққа эришилди. Мазкур йилда экспортнинг моддий ҳажмида ўсиш кузатилди ва экспорт таркибида босқичма-босқич диверсификация амалга оширилди. Натижада унинг таркибида юқори қўшимча қийматли товарлар улуши жами экспорт ҳажмининг 36 фоизига етди (ушбу кўрсаткич 1998 йилда 25 фоизни ташкил этган эди).

2000 йилга келиб, ташқи савдо операцияларининг географик кенгайишида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Масалан, 1990-йилларда ташқи савдо сезиларли даражада МДХ мамлакатларига йўналтирилган бўлса (хусусан, 1994 йилда республиканинг жами ташқи савдо айланмасининг 57,8 фоизи ушбу минтақага тўғри келган), маркетинг изланишлари ва бозор сегментацияси бўйича товарларни қайта тақсимлаш натижасида 2000 йилда ташқи савдо айланмасининг 37 фоизи МДХ мамлакатлари ва 63 фоизи узоқ хориж мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, умумий савдо ҳажмидан: АҚШ — 8,1 фоиз, Германия — 7,6 фоиз, Корея — 6,7 фоиз, Швейцария — 5,8 фоиз, Буюк Британия — 5,4 фоиз, Туркия — 4,6 фоиз; МДХ мамлакатларидан: Россияга — 17,3 фоиз, Қозоғистонга — 3,9 фоиз, Туркменистонга — 2,7 фоиз тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси табиати ранг-баранг бўлиб, аграр соҳани ривожлантириш учун шарт-шароитлар мавжуддир. Бунга жаҳон бозорларида талаб юқори ва баҳоси қиммат бўлган қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилиши киради. Булар пахта толаси, қорақўл тери ва бошқа маҳсулотлар ҳисобланади. Асосан, Ўзбекистоннинг экспортида пахта толаси, қорақўл тери, машиналар, кабель маҳсулотлари ва бошқалар етакчи ўринда туради.

Республикамизга келтирилаётган импорт маҳсулотлари эса кўпроқ техника ва халқ хўжалиги устувор соҳаларининг ривожини учун хизмат қилиши керак.

Республиканинг жаҳон хўжалиги тизимига шаҳдам қадамлар билан кириб бориши учун, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши ташқи фаолиятни бошқарув тизимини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Ушбу кўриниш республика ташқи сиёсати олдига қўйилган икки муҳим ҳолат билан боғлиқ:

*Биринчидан*, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташқи иқтисодий муносабатлар учун ўзининг мустақил сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши учун жавобгар бўлган махсус ташкилотлар тузиш тақозо этилди.

*Иккинчидан*, Республикада миллий иқтисодиётни тубдан ўзгартириб, қайтадан ишлаб чиқиш, яъни қайта қуриш жараёни туфайли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари кенгайди, уларга турли соҳада ташқи иқтисодий битимларни тузишда кенгроқ ҳуқуқлар берилди. Ушбу соҳадаги шартномаларни, битимларни фақат давлат идоралари эмас, балки мулкчиликнинг бошқа шакллариغا асосланган турли бирлашмалар, корхона-ташкилотларга ҳам тузиш имконияти берилди.

Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда республикада ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро молия муносабатларини бошқариш тизими шаклланмоқда ҳамда унинг таркибий қисмига кирган ташкилотлар фаолияти такомиллаштирилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг тармоқ ташкилотлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар ва ташкилотларнинг махсус идоралар, йирик корхоналар ва ташкилотларнинг махсус бўлинмаларидан ташкил топган. Улар тармоқ, идора, корхона ва ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади, хорижий шериклар билан шартнома ва битимлар тузади, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлайди. Ушбу ташкилотларга: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат кимё саноати концерни, Давлат металлургия саноати концерни, “Ўзбексавдо” уюшмаси, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзавтотранс”, “Ўзбекистон темир

йўллари”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Дори-дармон” ҳиссадорлик уюшмаси ва бошқалар.

Ташқи иқтисодий фаолият бошқарилишида функционал ташкилотлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бу ташкилотларга: Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Давлат техника қўмитаси ва бошқалар киради.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усуллари ичида божхона божлари ва тарифлари жуда муҳим ҳисобланади. Улар ёрдамида халқаро муносабатларнинг кўринишларидан бири бўлган ташқи савдо тартибга солинади. Тарифларни ўзгартириш орқали давлат экспорт ва импортни рағбатлантириши ёки қисқартириши, унинг тузилишини вужудга келтириши, бу орқали эса миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларига таъсир этиши мумкин.

Божхона тарифлари, асосан миллий даражада қўлланилади ва бунда қатор вазифаларни бажаради.

1. Фискал, яъни давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади;

2. Протекционистик, яъни миллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилади;

3. Бошқарув, яъни иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги илғор силжишлар рағбатлантирилади.

Шундай қилиб, божхона божлари ва тарифлари миллий даражада бўлгани каби миллатлараро даражада ҳам, ташқи савдони тартибга солишнинг муҳим воситалари ҳисобланади.

Халқаро молия муносабатларини тартибга солишнинг билвосита, эгилувчан усуллари сифатида турли солиқ турлари ҳам кенг қўлланилади. Бунда фақат ташқи солиқ тизимидаги эмас, балки ички солиқ тизимидаги солиқ турларидан ҳам фойдаланилади. Фақат ташқи иқтисодий битимларни тартибга солишда қўлланиладиган солиқларга импорт ва экспорт солиқлари киради. Улар олиб келаётган ёки олиб чиқаётган маҳсулотларга, уларнинг оқимларини тартибга солиш, яъни рағбатлантириш ёки тўхтатиш мақсадида белгиланади.

Кўпгина мамлакатларда импорт тушумларига солиқлар кенг қўлланилса, экспорт маҳсулотини сотиш-

дан тушумларга солиқлар эса маълум имтиёзларга эгадир. Бу экспортни рағбатлантиришга, ички ва ташқи бозорлардаги нархлар фарқи кўп бўлганда ўз маҳсулотлари каби импорт маҳсулотларга ҳам мамлакат ичида сотиш учун бир хил шароитлар яратиш имконини беради.

Халқаро молия муносабатлари ички солиқлар тизими ёрдамида ҳам тартибга солинади. Давлат маҳсулот сотилишидан олинган фойдага, пул капиталидан даромадларга, капиталнинг қўшимча ўсишига, қимматбаҳо қоғозларга, ортиқча фойдага ва бошқаларга солиқларни белгилаб, ўзининг ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун қулай ёки қулай бўлмаган шароитларни яратиши мумкин.

Халқаро молия муносабатларини тартибга солишда, эгилувчан иқтисодий воситалар қаторига экспортни рағбатлантириш, Ўзбекистонда кенг қўлланилаётган валюта тушумларидан ярим ажратмалар ва сотилиши мажбурий бўлган валюта тушумлари ҳиссасини кiritиш мумкин. Жаҳон амалиётида халқаро молия муносабатларини тартибга солишнинг билвосита усуллари қараганда, бевосита усуллари кенгроқ фойдаланилади. Бевосита усулларни юқорида ўзининг мазмунига кўра иқтисодий, маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий кўринишга эга эканлигини айтиб ўтган эдик. Асосан лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий тусдаги бевосита усуллар ичида энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартиби бу— лицензиялашдир.

Лицензиялаш билан бир қаторда, жаҳон амалиётида маҳсулотлар, шунингдек ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти унда ваколатли ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ва импортга миқдорий ёки қиймат чегараларни (квоталарини) белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини, ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади. Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмол молларини ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлла-



нилмоқда. Халқаро молия муносабатларни давлатлараро тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш асосан, халқаро барқарорлаштириш битимларига мувофиқ қўлланилади. Бу битимлар, қандайдир бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда ёки экспорт қилишда ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг ҳиссасини белгилайди. Шунингдек квоталаш фақатгина маҳсулотларнигина эмас, балки ишчи кучи миграциясини ҳам тартибга солишда ишлатилади. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи оқими импортига ҳам квоталар ўрнатилади. Республикамизда қўлланиладиган маъмурий тусдаги тартибга солишнинг ўзига хос чоралари сифатида ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиларини рўйхатга олиш, маҳсулотлар баённомаси ёки божхона баённомасини тақдим этиш ҳисобланади. Рўйхатга олиш ўрнатилган шаклда тўлдирилган рўйхатга олиш варақасини тақдим этиш, рўйхатга олинганлик рақамини бериш, ташқи иқтисодий алоқа қатнашчилари расмий равишда чоп этиладиган давлат рўйхатлари тўпламига киритиш ва рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳномани беришни ўз ичига олади.

Маҳсулотлар баённомаси — бу ташқи иқтисодий алоқа қатнашчисининг маҳсулотни давлат чегарасини кесиб ўтаётгани ҳақида ушбу мамлакатда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ берган расмий аризасидир. У икки кўринишда:

1. Божхона баённомаси бўйича;
2. Товар-транспорт ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон ҳозирги даврда жаҳон бўйича пахта толаси етиштиришда 5-ўринда туради. 1996-97-йилларда республикамиз 1,062 млн. тонна пахта толаси етиштирди, бу эса жаҳон пахта ишлаб чиқаришининг —6 фоиз, (ўрта толали — 90 фоиз) ва ингичка толали — 10 фоизини ташкил қилди. Етиштирилган пахтанинг 15 фоиз ички бозорга ва қолганлари эса ҳар хил давлатларга экспорт қилинади. Пахта толаси экспорти бўйича Ўзбекистон жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди, бу эса жаҳон экспортининг 20 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатларини такомиллаштириш ва жаҳон хўжалигидаги ўзига хос ўрнини топишида, ташқи иқтисодий

алоқаларни эркинлаштирилишида қуйидаги инфратузилмаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир:

1. Халқаро молия муносабатларни амалга оширишнинг ахборот ва илмий-услубий таъминоти. Ушбу ахборот ва илмий-услубий таъминот учун қуйидаги ва-зифалар бажарилиши зарурдир:

— ташкилий, статистика, илмий-улубий, давлат бошқаруви органлари ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари бўғинлари, конъюнктура тизимларини ўз ичига олувчи ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиш ва марказлашган автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш;

— аниқ тизим кўрсаткичлари бўйича ташқи иқтисодий фаолият субъектларини тўлиқ статистик қамраб олишни таъминлаш;

— ўқув қўлланмаларини нашр қилиш ва ишлаб чиқариш;

— ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ва доимий янги қўшимчалар билан тўлдирилишини инобатга олувчи қонуний ва меъёрий актлар чоп этилишини марказлашган ҳолда бажариш. Ҳозирги кунда республикада жаҳоннинг машҳур “Моторола” (АҚШ), “Сименс” “Алькател” (Германия), “ДЭУ” (Жанубий Корея) сингари етакчи чет эл компаниялари иштирокида телекоммуникация тармоқларини қайта таъмирлаш ишлари фаол олиб борилмоқда. Замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Замонавий инфратузилмани ривожлантириш устида катта ишлар олиб борилмоқда, лекин ушбу инфратузилмани барпо қилишда муаммолар етарличадир. Масалан, республика пойтахти, вилоят марказлари ва туманлар ўртасида ўзаро телефон алоқалари яхши йўлга қўйилмаган. Ташкилотларда электрон почта ва жаҳон компьютер ахборот тури интернет етарлича даражада фойдаланилаётгани йўқ. Бу эса ўз навбатида ахборот таъминотининг ривожланишини сустлаштиради. Ушбу ахборот ва илмий-услубий таъминот халқаро молия муносабатларнинг инфратузилмасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг савдо алоқаларини эркинлаштиришда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. Ташқи иқтисодий фаолиятда транс-

порт инфратузилмасини ривожлантириш муҳим масалалардан биридир. Транспорт инфратузилмаси муаммоларини ечиш учун, аввало, қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

— ташқи иқтисодий фаолият транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистоннинг халқаро кўптомонлама ва икки-томонлама келишувларга ташқи савдо транзит юк ташиниш масалаларига кенг кўламда қўшилиши (бу ерда ташқи иқтисодий фаолият инфратузилмасини ривожлантиришда транспорт устувор йўналишлардан бири, деб қаралиши керак.) “Республикамизнинг ривожланган коммуникациялари тизимининг мавжудлиги ҳам Ўзбекистоннинг географик-стратегик мавқеини жозибдор қилувчи муҳим омилдир”<sup>8</sup>. Чунки транспорт коммуникациялари давлатнинг ўз олдига қўйган стратегиясини амалга оширишда роли каттадир.

Ўзбекистон Республикасидаги темир йўл ва автомобил йўллари Марказий Осиёда энг зич ҳисобланади. Темир йўлларнинг кўпгина тармоқлари электрлаштирилган. Темир йўлларнинг узунлиги 6,7 минг км.дан зиёддир. Автомобиль йўлларининг 80 фоизидан ортиғи қаттиқ қопламали йўллардир. Ушбу йўллар халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлиб, улар такомиллаштирилган қопламага эга.

Ўзбекистон Европа билан Шарқий Осиё ўртасида жойлашган жуда истиқболли халқаро транспорт тармоғи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳридаги “Люфтганза” аэропорти сингари катта халқаро миқёсдаги аэропортлар барпо этилса, бемалол Европа ва Шарқий Осиё давлатлари транзит юк ташиниш тармоқларига хизмат қилиш мумкин. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ИКАО аъзоси бўлиб, унинг таркибида Тошкент аэропортидан ташқари яна 12 та минтақавий аэропорт мавжуд. Шулардан 3 таси халқаро тоифадаги самолётларни қабул қилишга мослаштирилган. Булардан ташқари, чет эл капитали иштирокида ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Наманган, Тер-

<sup>8</sup> *И.А.Каримов* “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”: Тошкент, “Ўзбекистон”. 1997. 270 бет.

миз шаҳарларидаги аэропортлар қайта таъмирланмоқда.

Жаҳон ҳўжалигида мамлакатнинг иштирок этиши кўп жиҳатдан мамлакатнинг арзон транспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятларига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан энг арзон ҳисобланадиган транспорт турларидан денгиз орқали юк ташиш Ўзбекистон учун анча ноқулайликлар туғдиради. Энг қисқа йўл 3 минг километрни ташкил этса, албатта мамлакатнинг иқтисодий алоқаларига таъсири жуда ҳам каттадир. Ўзбекистон ўз юкларини 2-3 та давлат орқали транзит тарзида олиб ўтса, транспорт тарифларининг юқорилиги Ўзбекистон маҳсулотларини жаҳон бозорида рақобатга бардошсиз қилиб қўяди.

Марказий Осиё республикалари, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га кирувчи бошқа мамлакатлар ўртасида ҳукуматлараро шартнома тузилди ва унинг асосида Тажан-Сарахс-Машҳад темир йўлини қуриш амалга оширила бошлади. Бу темир йўл Пекинни Истанбул билан боғлайдиган Транс-Осиё магистралининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу йўлда иккала йўналишда 6-8 млн. тоннагача юк ташилиши кутилмоқда. ТРАСЕКА — ТСЕССА (Transport Corridor Europe-Caucasus-Central Asia) — Европа-Кавказ-Марказий Осиё транспорт коридори лойиҳаси ҳисобланади. Ушбу лойиҳа қатнашчилари Арманистон, Озарбайжон, Грузия Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқидир.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон учун энг асосий темир йўллар (Грузия орқали) Тошкент — Чоржоу — Туркманбоши — Боку — Поти (Ботуми) бўлиб, бу темир йўл Туркменистондан Туркманбоши бандаргоҳидан Озарбайжон, Боку бандаргоҳигача ва кейинги темир йўл орқали Грузиянинг Поти ёки Ботуми бандаргоҳига чиқади. Ушбу йўлнинг узунлиги 2950 км.дир. Ҳозирги кунда бу магистралнинг қуввати бир суткада 40 жуфт поезднинг ўтишини таъминлаши мумкин, лекин Туркманбоши — Боку парромчилигининг ва Кавказнинг сиёсий муаммолари туфайли фақат 40-30 фоиз имконият билан ишламоқда.

Ўзбекистон темир йўллари қурилишида иштирок этиш билан бир қаторда, Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар, шунингдек Бухоро — Саракс — Машҳад — Техрон ва

Термиз — Хирот — Қандаҳор — Карочи автомобиль йўллари қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳисса қўшган ҳолда қатнашишдан ҳам манфаатдор<sup>9</sup>. Бу йўллар орқали Ҳинд океанига чиқиб олиш мумкин ва ЭКОга аъзо мамлакатларга борадиган йўлни 3 марта қисқартириш мумкин.

Ушбу қитъалараро магистралларни вужудга келтириш ва уларнинг техникавий ҳолатини мустаҳкамлаш ниҳоясига етгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратилади. Осиё — Тинч океани минтақаси (АТР) мамлакатларидан, Ҳиндистон ва Хитойдан Яқин Осиё мамлакатларига Туркияга, шунингдек Европа мамлакатларига транзит юк ва йўловчилар ташишни кенгайтириш учун қулай имкониятлар очилади. Бундан ташқари, амалда “Буюк Ипак йўли” йўналишларига мос бўлган бундай коммуникациялар орқали дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан мунтазам маданий, сайёҳлик ва амалий алоқаларни йўлга қўйса бўлади. Шунингдек МДҲ ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун жаҳон бозорига олиб чиқадиган “Жанубий йўл”, жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Осиё мамлакатлари учун эса Марказий Осиё бозорига олиб борадиган “Шимолий йўл” очилади. Халқаро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шарт—шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ, бир қатор ташкилий—ҳуқуқий ва амалий чоратадбирларни кўрмоқда. Ўзбекистон ўз манбалари ҳисобидан ҳозирги кунда 2 та йирик ва стратегик муҳим темир йўл магистралининг узунлиги 342 км бўлган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайс — Нукус ҳамда узунлиги 223 км. бўлган Ғузор — Бойсун — Кумқўрғон магистрالي қурилишини ва Ангрен — Қўқон автомобиль йўлини таъмирлашни амалга оширмоқда. Мазкур йўллар нафақат табиий минералларнинг бениҳоя бой захираларига йўл очади, балки республика ичида транспорт қатновини арзонлаштириш имконини беради ҳамда денгиз бандаргоҳларига ва халқаро транспорт коммуникацияларига чиқишни ҳам таъминлайди.

Ўзбекистон автомобилда юк ташиш борасида МДП

<sup>9</sup> *И.А.Каримов* “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т.: “Ўзбекистон”, 1997 йил 275-бет.

гувоҳномасини қўллаган ҳолда халқаро юк ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси халқаро юк ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция, йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги конвенция ва йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди.

Фуқаро авиацияси соҳасида бир қанча конвенциялар ратификация қилинди. Масалан, ҳаво кемаларини қонунсиз эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция, ҳаво кемаси ортида рўй берадиган жиноятлар ва баъзи хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги конвенция, ҳаво кемаларида халқаро юк ташишга доир баъзи қоидаларни уйғунлаштириш конвенциялари ратификация қилинди.

Ҳозирги кунга келиб, авиацияда йўловчи ва юкларни халқаро ташиш соҳасидаги қўшма корхоналар сирасига: “Осиё Рианта” (Ирландиянинг “Эр Рианта интернейшенл” компанияси ва Шеннон аэропорти билан бирга); “Аскон” (Американинг “Конкорд” корпорацияси билан бирга); “Аэро Абда” (Малайзиянинг “Абди АПР врейг СНД ВХЛ” билан бирга); “Интер сервис Карго” (Бирлашган Араб амирликлари) ва бошқалар киради. Ўзбекистоннинг автомобил транспортида халқаро йўловчи ва юк ташувчилар Уюшмаси (“АСМАП”) доирасида ҳам шундай транспорт корхоналарини ташкил этиш самарали транспорт сиёсатини амалга оширишга ёрдам бермоқда. У республиканинг миллий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминламоқда.

3. Халқаро молия муносабатлари соҳасида мутахассис кадрларни тайёрлаш.

Халқаро молия муносабатларига кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам бир қанча мураккаб вазифалар қўйилган эди. Бу вазифаларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

— республикада фаолият юритаётган институт ва университетларнинг ташқи иқтисодий муносабатлари, халқаро маркетинг ва менежмент бўлимларида қўшимча ўқув-консалтинг марказларини ташкил этиш;

— университет ва институтларнинг ўқитувчи кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш;

— иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатётган раҳбар ходимлар ва мутахассисларни ташқи иқтисодий таркибда иш олиб боришларини таъминлаш, малакасини ошириш;

— чет эл университетларида ва компанияларида

ўқиш ва амалиётга боришни ташкил этиш ва ҳоказолар.

Ўзбекистонда таълим соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Республиканинг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва ўтган давр мобайнида 300 та янги турдаги таълим муассасалари очилди. Республикада бозор муносабатларини ривожлантириш, хўжалик юритишнинг илғор усуллари ва ишлаб чиқаришни илмий-техникавий ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ билим соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш кенгаймоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг янги стратегияси иқтисодиётнинг таркибий қисмидаги инқирозни енгиб ўтиш, иқтисодий тараққиёт ва халқаро меҳнат тақсимотида, жаҳон савдосида юқори сифатли маҳсулотлар билан иштирок этиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш асосий вазифалардандир. Бунинг учун:

*Биринчидан*, экспорт салоҳиятини тиклаш, ривожлантириш ва экспорт таркибини яхшилаш. Бунинг учун, қисқа фурсат ичида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш, бу ерда нафақат хом ашёмиз ва табиий ресурсларимиз ҳисобига, балки илмий-техникавий билимларимиз, арзон ишчи кучи, ишлаб чиқаришнинг устувор соҳаларини ривожлантириш ҳисобига эришиш керак.

*Иккинчидан* импортни рационаллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу ерда импорт сиёсати нафақат аҳолининг турмуш тарзи ва манфаатларини кўзлаб, балки иқтисодиётни янгилаш ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Машинасозлик импортида имкон борича тайёр машиналар, транспорт воситалари ва технологик асбоб-ускуналари кўпроқ фойдали қазилмалар қазилш ишлари учун ва қайта ишловчи соҳалар учун сотиб олиниши керак. Импортнинг самарасини оширилишида яна Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур бўлган маҳсулотлар ўрнини босувчи ва кам харажатлар сарфланадиган (яъни бу ерда албатта сотиб олиш ва олиб келиш учун кетган харажатлар эътиборга олиниб) маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам асосий йўналишлардандир.

*Учинчидан*, республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини оширишдир. Экспорт потенциалини кенгайтириш-

да ва жаҳон хўжалигига киришнинг интеграция жараёнида, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар иложи борича сифатли ва кам харажат қилинган, жаҳон бозори шартлари ва талабларини қониқтирадиган даражада бўлиши шарт. Бунинг учун аста-секинлик билан ички ва жаҳон ишлаб чиқариш андозалари ва маҳсулотлар сифатини бир-бирига яқинлаштириш керак.

*Тўртинчидан*, технологияни янгилаш ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятини ташкил қилишга чет эл инвестицияларини жалб қилиш. Чет эл кредитлари узоқ муддатли ва катта масштабли инвестицияларни таъминлашнинг ягона манбаси эканлиги маълумдир. Бу масалада аниқ бир мақсад сари интилиш кераклигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Республикада чет эл сармояларини сиёсий ва иқтисодий рискдан суғурта қилувчи институтлар яхши ишламаса, чет эл инвестициясининг республикамизга кириб келиши қийинлашади. Шунинг учун республикамизда чет эл инвестицияси учун қулай шарт-шароитлар, аниқ мақсад сари йўналтирилган вазифалар йўлга қўйилиши зарур.

*Бешинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш. Халқаро молия муносабатлари соҳаси шартлари ташкил этилишида иқтисодий хавфсизлик асосий роллардан бирини ўйнайди. миллий хавфсизликни таъминлашда тартибга солишнинг асосий 3 хил кўриниши мавжуд:

1. Валюта назорати.
2. Экспорт ва импорт назорати.
3. Хом ашёнинг стратегик турлари олиб чиқилишини тартибга солиш.

Ушбу соҳаларнинг ўзига хос шакллари ва тартибга солиш услублари мавжуд. Албатта, юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга, таҳлилий қарашларга ҳамда назарий хулосаларга устувор йўналиш сифатида эътибор бериш, шак-шубҳасиз халқаро молия муносабатларни ривожлантириш учун хизмат қилади.



**Текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбекистон Республикаси қандай халқаро устуворликларга эга?
2. Молия-валюта инфратузилмалари ташкил этилиши ўз ичига нималарни олади?
3. Халқаро иқтисодий муносабатлар қандай замонавий ривожланиш тамойилларига эга?
4. Иқтисодиётнинг экспорт бўғинида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Ўзбекистон Республикасининг асосий стратегик мақсадлари нималардан иборат?
6. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаига тавсиф беринг.
8. Ўзбекистон Республикасининг қайси давлат органлари халқаро молия муносабатлари тартибга солинишида иштирок этади?
9. Халқаро молия муносабатлари ривожлантирилишида кадрлар тайёрлаш қандай аҳамиятга эга?

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни. 1993 йил 7 май.
2. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.: Ўзбекистон. 2000.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2001 йил 22 июндаги 263-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички валюта бозорида алмашув курсларини бир хиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли қарори.
5. Сборник законодательных и нормативных актов по валютному регулированию в Республике Узбекистан. Т.: Мехнат. 1994.
6. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари.Т.: Ўзбекистон. 1997.
7. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон. 1999.
8. *Артемов Н.М.* Валютные ограничения. М., 2001.
9. *Артемов Н.М.* Валютные рынки. Москва., 2001.
10. *Антонов В.А.* Мировая валютная система и международные расчеты. М.: ТЕИС., 2000.
11. *Баринов Э.А.* Валютно-кредитные отношения во внешней торговле. М.: Федератив. книготорг. комп., 1998.
12. *Богуславский М.М.* Иностранные инвестиции: правовое регулирование. М., 1996.
13. *Бурханов У., Хошимов К.* Налоговое регулирование внешнеэкономических связей. Сущность и развитие международных налоговых отношений // Аспирант и соискатель. № 1. 2002.
14. *Бункина М.К.* Деньги, банки, валюта. М.: Независимый институт российского предпринимательства, 1993.
15. *Борисов С.М.* Азбука обратимости или что надо знать о конвертируемости валют. М.: Наука, 1999.
16. *Ваҳобов. А.В.* Ўзбекистон Республикасида халқаро ка-

фолатларни қўллаш масалалари. “Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Солиқ ва божхона органлари академияси, Тошкент — 2002 йил.

17. Vito Tanzi. Transition to market. Studies in Fiscal reform. IMF. 1993.

18. *Вилкова Н.* Муждународный финансовый лизинг. Экономика и жизнь. № 20. 1996.

19. *Газман В.Д.* Лизинг: теория, практика, комментарии. М.: Фонд “Правовая культура”. 1999.

20. *Грачева М.В.* Анализ проектных рисков: Учебн. пособие. М.: ЗАО “Финстатинформ”, 1999.

21. *Газибеков Д.Г., Сабиров О.Ш.* Лизинг и его развитие в Узбекистане. Т.: Молия. 2001.

22. *Джон Д. Дэниелс, Ли Х. Радеба.* Международный бизнес. М.: “Дело Лтд”, 1994.

23. *Джефффри Д. Сакс, Фелипе Лорен Б.* Макроэкономика. Глобальный подход. М.: “Дело”, 1996.

24. European Insurance in Figures. Basic Data 2000. Complete 1999, CEA, Brussels.

25. Exchange arrangements —2000. Washington. Published for the World Bank.

26. *Красавина Л.Н.* Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник. М.: “Финансы и статистика”, 2001.

27. *Круглова В.В.* Основы международных валютно-финансовых и кредитных отношений. М.: ИНФРА-М, 1998.

28. *Ken Messere.* The tax system in industrialized countries. Oxford University press. 1998.

29. *Лизелотт Сурен.* Валютные операции. Основы теории и практика. М.: “Дело”, 2001.

30. *Лоренс Дж. Гитман, Майкл Д. Джонк.* Основы инвестирования. М.: “Дело”, 1997.

31. *Lavan Mahadaeva, Gabriel Sterne.* Monetary Policy Frameworks in a Global Context.: Bank of England. 2000.

32. *Максимо В. Энг, Фрэнсис А. Лис, Лоуренс Дж. Мауер.* Мировые финансы. Университет Сент-Джон. М.: Издательско-консалтинговая компания “Deka” 1998.

33. *Michael Melvin.* International Money and Finance. USA: Addison-Walsey Educational Publishers Inc. 1997.

34. *Maurice D. Levi.* International Finance. The University of British Columbia. Second edition. 1990.

35. *Nicolas Barr.* Labor markets and social policy in Central and Eastern Europe. Oxford University press. 1998.

36. *Платонова И.Н.* Валютный рынок и валютное регулирование. М.: БЕК, 1996.

37. *Симонов Ю.Ф., Носко Б.П.* Валютные отношения. Учебн. пособие. Ростов-на-Дону: Еникс, 2001.

38. *Семенов К.А.* Международные валютные и финансовые отношения. М.: ТЕИС, 1999.

39. *Тожиев Р.Р., Жумаев Н.Х.* Марказий банкнинг монетар сиёсати. Ўқув қўлланма. Т.:ТДУИ. 2002.

40. *Шодиев Ҳ. Ҳамроев М.* Молия статистикаси. Дарслик. Т.: Абу Али ибн Сино. 2002.

41. *Шмырева А.И., Колесников В.И., Климов А.Ю.* Международные валютно-кредитные отношения. Учебн. пособие для вузов. СПб: "Питер", 2001.

42. *Ҳакимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б.* Халқаро иқтисодий муносабатлар. Т.: Ўқитувчи. 1997.

#### **"Internet" тармоғи бўйича тавсия этиладиган веб-сайтлар**

1. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index/htm>
2. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index/htm>
3. <http://www.boj.or.jp/en/siryostat/tumi0106/htm>
4. <http://www.federalreserve.gov>
5. <http://www.cer.uz>
6. <http://www.review.uz>
7. <http://www.uzland.uz>
8. <http://www.imf.org>

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> . . . . .	<b>3</b>
------------------------	----------

### I БОБ

#### МИЛЛИЙ ХЎЖАЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Иқтисодиётнинг ривожланишида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳамда халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти . . . . .	5
1.2. Миллий иқтисодиёт ва халқаро молия муносабатлари . . . . .	14
1.3. Халқаро молия ташкилотлари ва уларнинг халқаро молия муносабатларида тутган ўрни . . . . .	20

### II БОБ

#### ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизими . . . . .	26
2.2. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари . . . . .	32
2.3. Европа валюта тизими . . . . .	44
2.4. Халқаро валюта муносабатларида олтиннинг аҳамияти . . . . .	50

### III БОБ

#### ХАЛҚАРО ВАЛЮТА БОЗОРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

3.1. Валюта бозорининг моҳияти, мазмуни ва иқтисодиётда тутган ўрни . . . . .	58
3.2. Хорижий валюта ва валюта операциялари . . . . .	61
3.3. Нақд касса битимлари . . . . .	66
3.4. Муддатли битимлар билан боғлиқ операциялар . . . . .	68
3.5. Халқаро молия муносабатларида валюта рискинни бошқариш . . . . .	82
3.6. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини ривожлантиришдаги мавжуд муаммолари . . . . .	92

### IV БОБ

#### ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА МАМЛАКАТ ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

4.1. Мамлакат миллий валюта сиёсатининг иқтисодий мазмуни . . . . .	99
4.2. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатининг асосий жиҳатлари . . . . .	107
4.3. Валюта сиёсати доирасидаги асосий операциялар ва унинг ҳуқуқий асослари . . . . .	112
4.4. Валюта курсининг назарий асослари . . . . .	118
4.5. Валюта сиёсати ва унинг асосий шаклларида пул муомаласини тартибга солишда фойдаланиш . . . . .	126

## V БОБ. МАМЛАКАТ ТЎЛОВ БАЛАНСИНING ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ РОЛИ

5.1. Тўлов балансининг иқтисодий моҳияти . . . . .	134
5.2. Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва уларни тасниф- лаш усуллари . . . . .	140
5.3. Тўлов балансининг қолдиғини ўлчаш усуллари . . . . .	144
5.4. Тўлов балансини тартибга солишнинг асосий усуллари .	158
5.5. Тўлов балансларини мувозанатлаш усуллари . . . . .	166
5.6. Ривожланаётган мамлакатларнинг тўлов баланслари ва уларни тузишнинг ўзига хос усуллари . . . . .	172
5.7. Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансига таъсир қилувчи омиллар . . . . .	181
5.8. Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларини тар- тибга солиш усуллари . . . . .	186
5.9. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси . . . . .	192

## VI БОБ. ХАЛҚАРО САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

6.1. Халқаро савдони амалга оширишда тўқнаш битимлар . .	197
6.2. Ўзбекистон Республикасида экспорт-импорт операция- ларини молиялаштириш механизми . . . . .	205
6.3. Ўзбекистон Республикаси халқаро савдо ва халқаро кредит муносабатлари муҳотида . . . . .	209
6.4. Экспорт операцияларини давлат томонидан кредитлаш .	213
6.5. Ўзбекистонда халқаро савдонинг ривожланиши иқтисо- дий ўсишнинг асоси . . . . .	218

## VII БОБ. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси ва уларнинг тур- қумланиши . . . . .	222
7.2. Ташқи иқтисодий фаолиятда инкассодан фойдаланиш- нинг ўзишга хос хусусиятлари . . . . .	228
7.3. Экспорт-импорт операцияларида инкассодан фойдала- ниш йўналишлари . . . . .	234
7.4. Ташқи иқтисодий фаолиятда инкассодан фойдаланиш механизми . . . . .	239
7.5. Ўзбекистон Республикасида инкассодан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўллари . . . . .	250

## VIII БОБ. ХАЛҚАРО КРЕДИТ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

8.1. Халқаро кредитнинг моҳияти ва кредитлаш тамойилла- ри . . . . .	256
8.2. Халқаро кредитнинг асосий шакллари . . . . .	260
8.3. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатларни қўллаш масалалари . . . . .	264
8.4. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари . . . . .	267

8.5. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестициялар жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари . . . . .	270
8.6. Хорижий инвестициялар . . . . .	276

## **IX БОБ. ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

9.1. Халқаро лизингнинг иқтисодий моҳияти ва лизинг операцияларини келиб чиқишнинг тарихий сабаблари . . . . .	280
9.2. Халқаро лизинг операцияларининг халқаро молия муносабатларида тутган ўрни . . . . .	294
9.3. Халқаро лизинг операцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари . . . . .	297
9.4. Халқаро лизинг шакллари . . . . .	301
9.5. Лизингга ихтисослашган халқаро компаниялар . . . . .	310
9.6. Халқаро лизинг бўйича инвестиция лойиҳалари . . . . .	317
9.7. Халқаро лизинг операцияларини Ўзбекистонда қўллаш масалалари ва уни ривожлантириш истиқболлари . . . . .	325

## **X БОБ. ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ**

10.1. Халқаро фаолиятни солиққа тортиш ва мамлакат ташқи солиқ сиёсати . . . . .	332
10.2. Халқаро солиқ келишувларининг мақсади . . . . .	335
10.3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи солиқ сиёсати . . . . .	340
10.4. Солиқларни режалаштириш . . . . .	343

## **XI БОБ. ХАЛҚАРО СУҒУРТА БОЗОРИ ВА СУҒУРТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

11.1. Халқаро суғурта бозори . . . . .	347
11.2. Халқаро суғуртанинг турлари . . . . .	351
11.3. Европа суғурта бозори . . . . .	357
11.4. Суғурта компанияларининг инвестициялари . . . . .	361

## **XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

12.1. Ўзбекистон Республикаси — халқаро молия муносабатларининг фаол иштирокчиси . . . . .	371
12.2. Халқаро молия муносабатларини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асослари . . . . .	376
<i>Адабиётлар руйхати . . . . .</i>	<i>394</i>

**А. ВАҲОБОВ ВА БОШҚ.**

## **ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2003

Муҳаррир *Баҳром Ҳасанов*  
Бадий муҳаррир *Гулчеҳра Шоабдурахимова*  
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Мастура Атхамова*

Теришга рухсат этилди 14.04.2003. Босишга рухсат этилди 3.05.2003. Бичими 84X108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>, Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 21,0. Нашр табоғи 21,8. Адади 3000 нусха. Буюртма № 4914. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 700083.  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.